ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

«ФАЛСАФИЙ ВА ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ФАНЛАР» КАФЕДРАСИ

фалсафа (мантиқ ахлоқшунослик ва нафосатшунослик)

Ўқув қўлланма

Тошкент – 2015

УДК: 101.3

Тузувчилар: Рашидова М., Байназарова А.
Фалсафа асослари: мантиқ, ахлоқшунослик ва
Нафосатшунослик, ТАҚИ, 2015.

Мазкур ўқув қўлланма техник бакалавр йўналиши бўйича ўрта-махсус ва олий таълим ўқув юртлари талабалари учун тайёрланган бўлиб, унда «Фалсафа асослари: мантиқ, ахлоқшунослик ва нафосатшунослик» фанининг долзарб масалаларидан баҳс юритилади. Фаннинг асосий ва концептуал ғояларининг мазмун-моҳияти юртимизда амалга оширилган энг сўнгги тадқиқотлар асосида ёритишга ҳаракат қилинди.

Тақризчилар: **с.ф.д., проф. Т.Алимардонов**
фал.ф.н., доц. М.Артиков

Мазкур ўқув қўлланма Тошкент архитектура-қурилиш институти Илмий Кенгашининг 12.09.2015 йилдаги 1-сонли баённомаси билан тасдиқланиб, нашрга тавсия этилган.

МУНДАРИЖА

Кириш	4
Фалсафа: унинг предмети, мазмуни ва жамиятдаги роли	7
Қадимги ва ўрта аср фалсафаси	17
Янги ва энг янги давр фалсафаси	49
Онтология – борлиқ фалсафаси	58
Табиат фалсафаси	63
Инсон борлиғи	73
Ўзаро алоқадорлик ва ривожланиш қонунлари	84
Фалсафа категориялари	95
Гносеология – билиш назарияси	100
Мантиқ илмининг предмети ва аҳамияти. Мантиқ фани ривожланишининг асосий босқичлари	119
Мантиқ илми ва тил. Формал мантиқнинг асосий қонунлари (тамойиллари)	128
Тушунча, ҳукм, хулоса чиқариш - тафаккур шакллари сифатида	134
Далиллашнинг мантиқий асослари. Муаммо. Фараз. Назария	151
“Этика” фанининг предмети ва жамият ҳаётидаги аҳамияти. Ахлоқ ҳақидаги қарашлар тарихи	167
Этика фанининг асосий категориялари, ахлоқий тамойиллар ва меъёрлар. Дунё халқларининг ахлоқий менталитети	191
Никох, оила ва давлатнинг ахлоқий асослари. Муомала маданияти ва замонавий ахлоқ	199
Шахс ахлоқий тарбияси. Этиканинг замонавий муаммолари	204
Эстетиканинг предмети, мақсади ва вазифалари. Эстетик англаш, эстетик муносабат ва эстетик фаолият	210
Эстетиканинг асосий категориялари	225
Табиат ва техноген цивилизация эстетикаси. Санъат ва унинг турлари	231
Соғлом турмуш тарзи эстетикаси	243
Эстетиканинг замонавий муаммолари	249
Адабиётлар рўйхати	253

КИРИШ

Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот,
ё нажот – ё ҳалокат,
ё саодат – ё фалокат масаласидир.
Абдулла Авлоний

Мустақил тараққиёт йўлидан бораётган Ўзбекистон Республикасида кучли ҳуқуқий давлат ва адолатли демократик жамият барпо этишдек буюк мақсад жамият маънавий, интелектуал салоҳиятини кенгайтириш орқали амалга оширилмоқда. «Сир эмаски, ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат нафақат ерости ва ерусти табиий бойликлари билан, ҳарбий қудрати ва ишлаб чиқариш салоҳияти билан, балки биринчи навбатда ўзининг юксак маданияти ва маънавияти билан кучлидир»[1]. Айни маънода таълим муассасаларида таълим-тарбия тизимини ислоҳ қилиш, уни янги сифат босқичига кўтариш, баркамол авлод ҳамда рақобатбардош мутахассисни етиштириш масаласига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Бугун ватандошларимиз орасида ота-боболар меросларига таянган ҳолда, инновацион технология ва интерфаол услублардан унумли фойдаланиб, таълим соҳасида самарали фаолият юритиб келаётган, изланувчан педагог кадрларимиз кўплаб топилади. Зеро, «...келажак авлод ҳақида қайғуриш, соғлом, баркамол наслни тарбиялаб етиштиришга интилиш бизнинг миллий хусусиятимиздир»[2].

Шуниси эътиборга лойиқки, ривожланган мамлакатларда муваффақиятли қўлланиб келинаётган таълим технологияларни илмий асосда қиёсий таҳлил қилиб, халқимизнинг миллий педагогика анъаналари ҳамда таълим соҳасининг бугунги имкониятидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистоннинг миллий педагогик технологиясини яратиш йўлидаги ҳаракатлар дастлабки мевасини бера бошлади. Мисол тариқасида жаннатмакон юртимизнинг фидоий педагог-олимлари қаторида Р.Ишмуҳамедов, А.Абдуқодиров, А.Пардаев, Б.Зиёмуҳамедов, М.Тожиев, Б.Ибрагимов, О.Мусаев томонидан энг сўнгги йилларда бажарилган тадқиқотларни қайд этиш мумкин. Айниқса, Р.Ишмуҳамедовнинг «Нима?» эмас, «Қандай?» саволи орқали ёритилган амалий тавсиялари шахснинг маънавий-маърифий шаклланиши билан боғлиқ саволларга жавоб бериш, узулуксиз таълим тизимида фаолият юритаётган ходимларнинг кўникма ва малакаларини оширишга қаратилган.

Бугунги кунда барча фанлар қатори фалсафий ва ижтимоий-сиёсий фанлар бўйича дарс машғулотларини инновацион таълим технологиялари асосида ташкил этиш йўллари кенг кўламда тадқиқ этилмоқда. Хусусан, мантиқ фанини ўқитишни мазкур вазифалардан келиб чиқиб йўлга қўйиш олий ўқув юртлари талабалари (ОЎЮ) тафаккурининг ижтимоийлашувида муҳим аҳамият касб этади. Маъруза дарсларида техник воситалар имкониятидан фойдаланиб, визуал дарс ишланмалари, тарқатма материал, слайдлар, қисман фильмлар намойиш этиш ҳамда баҳолаш мезонидан самарали ва изчил фойдаланишни такомиллаштириш кутилган натижани бериши, шубҳасиз.

Масалан, «Мантиқ» фанига оид «Формал мантиқнинг асосий қонунлари» мавзусини ёритишда «Шум бола», «Маҳаллада дув-дув гап», «Тўйлар муборак» каби ўзбек мумтоз фильмларидан олинган парчалардан фойдаланиш орқали ҳам интерактив мулоқотни ташкил этиш мумкин. «Шум бола» киносидаги «Дандон сопли

[1] Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Шарқ, 1998. – Б. 5.
[2] Ўша асар. – Б. 4.

пичоқ» ҳангомаси формал мантиқнинг айният, нозидлик, истисно ва етарли асос қонуни моҳиятини очиб беришга хизмат қилади. Ёки «Маҳаллада дув-дув гап» фильмидаги Азимжоннинг онаси: «Жодугаринг қани?», Умаржоннинг онаси: «Дада бўлиб сиз ҳам бир нарса денг! Оғзингизда қатиқ ивитганмисиз?»,»Нечта қўй олдингиз?», «Ўнта қўй нима бўлади!?» – деган саҳналар орқали талабаларга ҳукмларни таҳлил қилиш топширилиб, ҳукм турлари ва улар орасидаги муносабатлар ҳақидаги билимлари текширилади. Бу билан сўроқ эмас, балки дарак гаплар ҳукм мақомида эканига эътибор қаратилади.

Тошкент ислом университети, Тошкент давлат шарқшунослик институти сингари айрим ўзига хос хусусиятларга эга ОЎЮда «Фалсафа: мантиқ, этика, эстетика» фани хулосаларини у ердаги баъзи йўналишлар учун мутахассислик фани ҳисобланувчи «Араб тили», «Диншунослик», «Исломшунослик» илмлари натижалари билан уйғунлаштириш ҳам ёшлар дунёқарашига ижобий таъсир кўрсатади. Хусусан, «Борлиқ», «Табиат», «Билиш» мавзуларига оид диний концепция моҳиятини очиб бериш учун асл диний манбалар ёрдамида далилларни илмий-қиёсий таҳлил этиш эҳтиёжи мавжудлигини ҳамиша назарда тутиш зарур. Шунингдек, мазкур ОЎЮлари мутахассислари тадқиқотларига таянган ҳолда «Диалектик мантиқ» моҳиятини очиб беришда «Араб балоғат илми»дан фойдаланиш, «Формал мантиқ»ни эса «Араб фасоҳат илми»га қиёсан тушунтириш имконияти пайдо бўлади.

Шарқшунос педагог Б.Ибрагимовнинг кўп йиллик тажрибаси маҳсули бўлмиш «*Устоз Бахтиёрнинг бармоқ услуби* – УББУ» замонавий таълимни ташкил этишда қўйиладиган «ортиқча руҳий ва жисмоний куч сарф этмай, қисқа вақт ичида юксак натижаларга эришиш» талабига жавоб берадиган самарали услублардан биридир. У араб тилини ўқитиш асносида пайдо бўлганига қарамай, бизнингча, уни Фалсафий ва ижтимоий сиёсий фанлардан маъруза ва амалий дарсларда бирдек қўллаш мумкин.

Мисол тариқасида «Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар» фанининг предмети, мақсади ва вазифалари» мавзусини олайлик, «миллий ғоя» фанини ўрганишнинг сабаблари, мақсади, вазифалари ва бошқа фанлар билан алоқаси бирма-бир санаб чиқилиб, рақамлаш билан тушунтирилади. Тескари алоқа пайтида жавобларни бармоқ билан санаб кўрсатиш, айтилган рақам чиқмаган ҳолда, унутилганини топиб рақамни тўлдиришга одатланиш ўз-ўзини текшириш ҳамда ўзлаштирилган билимларни миқдор ва сифат жиҳатдан баҳолашга хизмат қилади.

Бу услуб талаба ёки ўқувчиларда эслаб қолиш қобилиятини ўстириш билан бирга, бор диққат-эътиборни дарс жараёнига қаратиш, фикрни бир жойга жамлай билиш, нафақат ҳозиржавоб бўлиш, балки аниқ жавоб бериш кўникмасини ҳосил қилади.

УББУ талаба ёки ўқувчилар жавоб бераётган (савол-жавоб, маъруза-суҳбат), таянч сўз ва тушунчалар сўралаётган, жумлалар тузилаётган (амалий дарс, маъруза-мунозара), ўзаро суҳбат қурилаётган, олган таасуротлар сўзлаб берилаётган (экскурсия), қисқаси, ўқитишнинг анъанавий ва ноананавий шакллари ҳамда барча турдаги оғзаки баён қилиш методи доирасида бемалол қўлланиши мумкин. Бунда, бизнингча, талаба ёки ўқувчининг талаб ва истаги унинг имконияти даражасида қондирилади, мустақил илм олиш ва эркин фикр юритиш малакаси шаклланади.

Энди рақамлаш услубига ўтсак, уни ҳозир кенг истеъмолдаги «Кейс - стади» каби замонавий услубларда, ўқув-услубий адабиётларда келтирилган топшириқларни бажаришда қўлланса, уларнинг самарадорлиги янада ортади.

«Таълимнинг бугунги вазифаси ўқувчиларни кун сайин ошиб бораётган ахборот-таълим муҳити шароитида мустақил равишда фаолият кўрсата олишга, ахборот оқимидан оқилона фойдаланишга ўргатишдан иборат. Бунинг учун уларга узлуксиз

равишда мустақил ишлаш имконияти ва шароитини яратиб бериш зарур»[1]. Фалсафий ва ижтимоий-сиёсий фанларни ўқитишда юқорида келтирилган фикрлар асосида рақамли, жавобли топшириқлар тайёрлаш орқали таълим олувчиларга мустақил фаолият учун имконият ҳам, шароит ҳам яратган бўламиз.

Эътиборингизга ҳавола этилаётган «Фалсафа асослари: мантиқ, ахлоқшунослик, нафосатшунослик» масалаларига бағишланган ўқув қўлланма техника йўналишидаги олий ўқув юртлари талабаларига мўлжалланган бўлиб, ватандош ва замондош олимлар томонидан амалга оширилган энг сўнгги тадқиқотлар натижаларига таянади. Жумладан, Т.Маликнинг “Одамийлик мулки”; Т.Алимардоновнинг “Эркинлик руҳи”, “Ёш дўстимга маслаҳат”; Ф.Равшанов таржимасида Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” ва бошқа қатор тадқиқотлар фан мазмунига инновацияни олиб кирди.

Мазкур ўқув қўлланмани тайёрлашда қонуний ҳужжатлар, юртбошимиз Ислом Каримовнинг асарлари назарий-методологик асос бўлиб хизмат қилди.

[1] Ишмуҳамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда иновацион технологиялар. – Т.: 2008. – Б. 3.

ФАЛСАФА: УНИНГ ПРЕДМЕТИ, МАЗМУНИ ВА ЖАМИЯТДАГИ РОЛИ

Таянч тушунчалар: *миллий ва умуминсоний қадрият, фалсафа, донолик, фалсафий таълимотлар, дунёқараш, дунёқараш функцияси, фалсафий дунёқараш вазифалари, назария, билиш, билим.*

Жаннат мисол юртимиз – Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгани туфайли сиёсий эркинликни – миллатдек, халқдек яшаш, мустақил фикрлаш ҳақ–ҳуқуқини қўлга киритдик. Фалсафани, унинг тарихини дунёвийлик, инсонпарварлик нуқтаи-назаридан ўрганиш имкониятига эга бўлдик. Юртимизда содир бўлаётган мураккаб яратувчанлик тафаккур мустақиллиги билан узвий боғлиқ ҳодиса бўлиб, мамлакат ҳаётини демократлаштириш жараёни тобора кенгайиб, чуқурлашгани сайин, фуқароларимиз фалсафий иқтидорига бўлган талаб шунча ошиб бормоқда. Шу маънода фалсафа илми ёшу кексага баб-баробар сув билан ҳаводек зарур ҳаётий эҳтиёжга айланмоқда. Ўз табиатига кўра чегара билмас бу илмни эгаллашнинг моҳиятини билмасликдан билишга, билишдан комилликка томон йўналтирилган фаолият ташкил қилади. Фалсафа илми ўзлаштирилиши баробарида таҳсил олувчи олдига янгидан янги муаммоларни қўяверади, ҳар бир муаммонинг ечими эса бошқа бир муаммонинг дебочаси ҳисобланади.

Бундан ташқари фалсафа илми **миллий**, айни вақтда **умуминсоний қадрият** ҳамдир. Фалсафа умуминсоний фан сифатида башариятга доир умумий муаммоларни қамраб олади: олам ва одам муносабатлари, жамият ва табиатни асраш, умрни мазмунли ўтказиш, яхшилик ва ёмонлик каби қадриятлар билан боғлиқ масалаларнинг барчаси инсоният учун умумий. Бироқ фалсафада муайян миллий хусусият, мақсад ва интилишлар ҳам ўз ифодасини топади. Аслида, ҳар қандай умуминсоний мавзу, масала ёки муаммо аввал-бошда хусусий, миллий, минтақавий аҳамиятга молик масалалар тарзида намоён бўлади. Ватани, миллати, оиласини севган ҳар қандай фидоий инсон, уларнинг камоли учун қайғуриши шубҳасиз. Бу ўз навбатида шахс дунёқарашида, албатта, аксини топади. Умуминсонийлик – ватансизлик бўлмагани сингари, миллийлик ҳам – миллий маҳдудлик дегани эмас. **«Миллий фалсафа бўлиши мумкинми» –** деган савол ўзига хос миллий тараққиёт йўлидан кетаётган барча халқлар фалсафаси учун дахлдордир. Агар биз умумбашарий муаммоларга миллий манфаатларимиз нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, Ўзбекистонда бу йўналишни ривожлантириш зарурати етилганини англаймиз.

Фалсафий адабиётларда миллий фалсафа мавзуида турлича ўзаро зид фикрлар мавжуд. Айрим файласуфлар фикрича, миллий фалсафа этник маҳдудликка олиб келади. Бошқалар эса, модомики, миллий фалсафа миллий ғоя ва мафкурани шакллантиришниг назарий асоси экан, ҳар қандай умумий қонуниятлар муайян ижтимоий макон ва тарихий замонда хусусий ҳолда намоён бўлади, дея миллий фалсафани ёқлаб чиқадилар.

Миллий маданият, тил ва адабиёт мавжудлигини эътироф этган ҳолда, уларнинг барчаси нафақат бир миллатга, балки бутун инсониятга хослигини ҳам таъкидлаш зарур. Миллий фалсафа миллат менталитетини белгилайдиган муҳим омил десак, умумбашарий цивилизацияга узвий қўшилиш жараёни миллий фалсафани яратиш орқали содир бўлади. Демак, фалсафага хос миллийлик умуминсонийлик тамойилини ижодий бойитиш орқали ривожланиб боради. Бунга далил сифатида фалсафа тарихидан айрим миллий фалсафаларнинг умуминсоний маънавият хазинасига муносиб ҳисса бўлиб қўшилганини келтириш мумкин. Масалан, Рим империяси қулагач, ўрта асрларга келиб, ўз миллий давлатчилигига эга бўлган Европа

мамлакатларида миллий фалсафа яратиш имкони туғилди. Бу жараён аввало, Италия ва Англияда, сўнгра Францияда юз берди. Бу фалсафий мактабларнинг Ф. Бэкон, Р. Декарт, Б. Спиноза ва Ж.Ж. Руссо каби атоқли намояндалари ўртага ташлаган илғор ғоялар нафақат ўз мамлакати, ўз миллати шаъну шарафини юксакликка кўтариш, тараққий топиши учун, балки давр тақозо этган мафкуранинг шаклланишига ҳисса бўлиб қўшилди. Улар Европа ва жаҳон фалсафаси тарихида ўчмас ном қолдирдилар. Худди шундай, узоқ вақт Австрия-Венгрия империяси таркибида бўлган Пруссия мустақилликка эришиб, миллий давлатчилигини тиклагач, миллий озодликнинг фалсафий инъикоси ўлароқ И. Кант, И. Гегель, Фихте, Шеллинг, Фейербах каби донишмандлар томонидан асосланган немис фалсафаси шаклланди. Натижада бу ўлка XVIII-XIX асрларда миллийлик ва жаҳон фалсафасининг тараққиётига сезиларли таъсир кўрсатган ҳудуд бўлди. Алишер Навоий ҳам ўз даврида озодликка эришган миллат фалсафасини адабиёт фалсафасига, мустақил давлат тилини адабиёт тилига айлантира олди. Ўз халқининг даҳоси буюк эканлигига, нафақат замондошлари, балки келажак авлодларни ҳам ишонтира олди. Навоий ва унинг замони, ўша даврга хос ўзгаришларнинг бошида турган Амир Темур фаолиятига қайта-қайта мурожаат этилишининг сабабларидан бири ҳам ана шунда. Зеро, ҳар бир халқ, аввало, ўзининг тарихидан бугунги кун учун ташбеҳлар излайди ва ижтимоий тараққиёти учун асос бўладиган маънавий тамойил, анъана ва қадриятларга мурожаат қилади.

Фалсафанинг моҳияти - бу «олам-одам» тизимидаги умумий муаммолар устида фикр-мулоҳаза юритишдан иборатдир.

Фалсафа ички жиҳатдан ихтисослашмаган, кундалик ҳаётда мавжуд бўлган билимлар билан боғлиқ бўлиб, фалсафанинг тили шахснинг ҳаётий тажрибасини қайд этадиган сўзларга бой бўлади. Одамларнинг ҳар кунги амалий фаолиятини, уларнинг ўз атрофида содир бўлаётган воқелик билан, умумижтимоий муҳит билан бевосита алоқага киришишини таъминлаш вазифасини фалсафий категориялар бажаради. Фалсафа сўзларни изоҳлаш жараёнида ўз тушунчаларини тизимлаштиради, уларнинг маъносини янада чуқурлаштиради, лекин уларнинг умумий маъносини ҳам, истеъмолдаги маъносини ҳам ўзгартирмайди.

Фалсафий билимларнинг мазмун ва моҳияти ҳодисаларнинг энг муҳим сабабларини билиш, улардан тўғри хулоса чиқариб, кундалик амалий фаолиятни соғлом фикр асосида юритишга қаратилган бўлади. Кундалик билимларда, «донолик» деб ном олган бебаҳо фазилат такомиллашиб бораверади. Табиатга оид соҳаларда биз баъзи кишиларни «ўз фанини яхши биладиган мутахассис» деймиз, лекин «доно одам» демаймиз. Фалсафий фикрлаш қобилияти мутахассис файласуф бўлмаган кишиларга ҳам хос. Фалсафа соҳасида фаолият юритувчи баъзи кишилар ҳаётга нисбатан шу қадар юксакликка кўтариладиларки, уларнинг даражаси «донолик» тушунчасига мувофиқ келади.

«Донолик» – ҳаётий тажрибага таянадиган теран ақл-идрокни, ҳақиқат ва яхшилик бирлигини, олий ҳақиқатни, севги ва ростгўйлик муштараклигини, ақлий ва ахлоқий камолотнинг олий даражага етган ҳолатини, қадриятларни қадрлаш, ҳис-туйғуларнинг ҳаётга сингиб кетишини, ҳар қандай нарсага ва ҳодисага меҳр билан қараш, ҳар қандай масалага, ташвишли мураккаб ҳолатларда ҳам ақл кўзи билан қараш демакдир.

«Фалсафа» атамасининг қадимги юнон тилидаги маъноси «**phileo** – севаман + **sophia** – донолик; яъни доноликка муҳаббат» дир. Ушбу сўз Фукидид, Суқрот ва бошқа антик маданият вакиллари томонидан «тушунишга интилиш», «билимга интилиш» маъноларида ҳам қўлланган. Ривоятга кўра, гўё **Пифагор** ўзини доно эмас, балки доноликни севадиган киши деб атаган: доноликнинг ўзи ёлғиз Худога хос

хусусият, одам эса фақат доноликка интилиш билан қаноатланиб қолиши керак экан. Соҳа мутахассислари тахмин қилишларича, фалсафа сўзи атама сифатида илк бор **Платон** томонидан қўлланган.

Дастлабки фалсафий таълимотлар Қадимги Ҳиндистон, Хитой, Эрон ва Турон, Мисрда пайдо бўлиб, қадимги Греция – Юнонистонда ўзининг мумтоз шаклига эришган.

Фалсафа мифологик дунёқараш билан илмий билим ўртасида содир бўлган қарама-қаршилик, зиддиятлар негизида шаклланди, энг дастлабки илмий қарашлар ўз исботларини нақл, ривоятлардан эмас, балки табиатдаги сабаб ва оқибат алоқаларидан излай бошлади. Табиат ва табиат ҳодисалари ҳақидаги табиий – илмий ахборотларнинг кўпайиб бориши олам ҳақидаги умумий илмий ғояларнинг пишиб етилиши баробарида аста-секин оламнинг мифологик манзарасини сиқиб чиқарилишига олиб келди. Замонлар ўтгани сари дунёқарашнинг асосий масаласи – олам, одамнинг оламга муносабати тўғрисидаги саволлар ва уларга берилган жавоблар илмий шакл касб этди, мифологик ва диний дунёқарашдан ҳоли, мазмунан янги мустақил бир дунёқарашни шакллантирди.

Фалсафа ижтимоий, табиий фанлар каби мустақил фан сифатида ўз объект ва предметига эга. **Фалсафанинг предмет**ини «олам-одам» тизими ташкил этади. Нисбатан қарама-қарши «объект ва субъект» тушунчаларида ифодаланган олам ва инсон дунёси айни вақтда ўзаро узвий алоқадаги дунёлар ҳамдир. Умуман, фалсафа фани предметининг таркибига моддий олам ва унинг мавжудлигига хос қонуниятлар кирмайди, балки, унинг инсонга алоқадор бўлган энг умумий жиҳатларигина киради, холос. Моддий олам тўғрисидаги қараш, ғоя ва назариялар аниқ фанлар томонидан ўрганилади. Инсон томонидан ҳақиқат, гўзаллик, яхшилик, адолат нуқтаи-назари орқали яратилган оламнинг универсал суврати фалсафий дунёқарашни шакллантириш учун хизмат қилади.

Бу **фалсафанинг предмети ва унинг ўзгарувчан характери** билан боғлиқ. Чунки, олам ва одам, уларнинг ибтидо ва интиҳоси, ҳаёти ва ўзаро муносабатлари, инсон тафаккури, табиат ва жамият тараққиётининг умумий қонуниятлари умумбашарий фан сифатида фалсафанинг азалий баҳс мавзулари ва асосий муаммоларидир. Шунингдек, муайян даврда туғилиб, ҳал этиладиган ўткинчи муаммолар абадиятга даҳлдор бўлмаса-да, ўз даври талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиққани учун муҳим аҳамият касб этади.

Ҳаёт, ижтимоий тажриба билан узвий боғлиқ ҳолда ривожланади. Ҳар бир тарихий давр, унинг олдига янги масала ва муаммоларни қўяди. Масалан, ҳозирги даврда миллий истиқлол мафкураси фалсафий асосларини изоҳлаш зарурати Ватанимиз мустақиллик даврининг тараққиёт тамойиллари ва хос хусусиятлари акс этириши билан белгиланади.

Фалсафий таълимотларда жамият ҳаётининг барча соҳалари тарихий жараёнга хос тамойиллар, ижтимоий гуруҳларнинг манфаат ва кайфиятлари, тафаккур усуллари ўз аксини топади. Шу боис, учун муайян ижтимоий куч, синф, гуруҳ, партия ва оқимлар ўз мақсад-муддаолари ва ғояларини илмий асослашда фалсафадан фойдаланади.

Инсоннинг оламга, борлиққа, билишга кўра муносабати, бу жараённинг хусусий томонларини ўрганиш аниқ фанларнинг вазифаси ҳисобланади. Билишнинг эмпирик ва назарий даражаси, ҳиссий ва рационал билиш нисбати, ҳақиқат ва адашиш сингари ҳокозо масалалар бир қатор фанлар томонидан тадқиқ этилади. Булардан фарқли ўлароқ инсоннинг оламга, оламнинг инсонга муносабатининг энг умумий жиҳатлари;

билиш жараёнининг энг умумий томонларинигина ўрганиш фалсафанинг предмети доирасига киради.

Бундан ташқари фалсафанинг кўп сонли функцияларини икки: дунёқараш ва методологияга оид гуруҳга ажратиш мумкин.

Фалсафанинг **дунёқараш функциясид**а унинг ***гуманистик характери*** етакчи мавқени эгаллайди.

Дунёда ҳаёт, ўлим, туғилиш, охират тўғрисида ўйлаб, мулоҳаза юритиб кўрмайдиган бирорта ҳам инсон бўлмаса керак. Фалсафа, биз яшаб турган ҳаёт маъносини тушунишга ёрдам беради ҳамда ўз руҳимизни бардам-бақувват тутиб, уни мустаҳкамлашга кўмаклашади.

Ҳаётда олий даражадаги дунёқараш – фалсафий дунёқарашдан бебаҳра қолиш, ҳаёт маъносини англамаслик натижасида одам ўзини-ўзи ҳалок этиши, гиёҳванд бўлиб қолиши, ичкиликбозликка берилиши, террорчи, «ҳизбут-таҳрир»чи каби ашаддий ёвуз оқимлар таъсирига тушиб қолиши, жиноят йўлига кириб кетиши мумкин. Турли тарихий даврларда инсонларнинг баъзилари мулкдан, ҳокимиятдан, ўз фаолиятининг маҳсулидан ажралган ҳолда, ҳам жисмонан, ҳам руҳан эзилиб, қулларча яшашга маҳкум этилди. Фалсафа ўйлаб топилган барча сохта борлиқларни бартараф этди ва киши қалбидан ҳақиқий Яратганнинг жой олишини кашф этиб, унинг учун янги бир олам яратди. Фалсафа одамга инсоний фазилатларни сингдириб бориши билан ҳам диний, ҳам дунёвий вазифани бажариши баробарида ҳар икки жиҳатни бирлаштирди. Бугунги ҳаётдаги тез суръатлардаги барча ҳатти-ҳаракатлар инсон турмуш тарзини ўзгартириб юборди. Ҳаддан ташқари иш билан банд бўлиш жамиятнинг барча табақалари учун оддий бир ҳолга айланса, ишдан ортмайдиган кишида ўз устида ишлаш, ижодий фаолият ёки китоблар мутолаа қилиш учун хотиржамлик бўлмайди. Балки озгина бўш вақт топилса, ўйин-кулги, руҳий зўриқиш талаб қилинадиган кўнгилхушлик пайида бўлади. Ҳеч нарсани ўйламаслик, ҳеч нарса ҳақида бош қотирмаслик – одамнинг иккинчи табиатига айланиб қолади. У ўзига ўхшаган киши билан суҳбатга киришар экан, иложи борича ҳаммага маълум умумий мулоҳазалардан нарига ўтолмайди, оқибатда икки ўртадаги суҳбат чинакам фикр алмашувга айланиб кетмайди.

Жамиятда инсониятни хор қилишга олиб келадиган салбий тенденцияларга қарши кураша оладиган ғоят кучли воситалардан бири, бу фалсафадир. Лекин ҳар қандай фалсафа эмас, балки тасаввуф, миллий истиқлол фалсафасига ўхшаш теран ахлоқий мазмунга эга бўлган фалсафагина бунга қодир бўлади.

Гуманистик дунёқарашга оид бўлган ғоялар инсониятнинг яшашдан асосий мақсади ҳамда бурч-вазифалари тўғрисида ўйлашимиз ва тахмин қилишимиз мумкин бўлган барча нарсаларни қамраб олади. Улар турмушимизга йўналиш қадр-қиммат бағишлайди.

Фалсафанинг ижтимоий ҳаётдаги муҳим ўрни унинг нафақат фан эканлиги, балки гуманитар билим, санъат, маданият, мафкура эканлиги билан ҳам белгиланади. Маълумки, гуманитар фанлар инсон, унинг ҳаёти, тарихи, мавжудлиги, ички дунёси ва шулар билан боғлиқ бўлган талай муаммоларни ўрганади. Фалсафада эса бу муаммолар бир-бири билан узвий боғланган, умумлашган ҳолда кўриб чиқилади. Шу жиҳатдан инсон фалсафаси, қадриятлар фалсафаси, жамият фалсафаси унинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Инсоннинг ўзини-ўзи билиши, баҳолашида ҳам фалсафий дунёқараш маданиятининг ўрни ва роли бениҳоядир. Фалсафанинг мафкура ва миллий ғоя билан узвий боғлиқлиги эса ниҳоятда кенг қамровли масалалардан биридир. Албатта, фалсафа ҳар қандай мафкуранинг назарий асоси ҳисобланади. Бунёдкор, гуманистик ғоялар ҳамиша фалсафани янада соғломлаштириш ва унинг

ижтимоий моҳиятини янада бойитишда катта рол ўйнаган. Асрлар давомида яратилган миллий фалсафамиз ҳамда жаҳон фалсафасининг илғор ютуқлари миллий истиқлол ғоясининг назарий заминларидан бири ролини ўйнайди. Миллий ғояни турли мафкуралардан юқори турувчи, барча мафкурадаги кишиларни бирлаштирувчи ҳодиса сифатида баҳолаш бўйича бизнинг фикримиз: биринчидан, ҳамма вақт ҳам миллий ғоя барча мафкурадаги кишиларни бирлашира олмайди. Иккинчидан, муайян жамиятдаги барча кишиларни бирлаштирувчи ҳар қандай ғоя ҳам миллий ғоя бўлолмайди.

Ватанимиз мустақилликка эришганидан кейин **миллий фалсафани шакллантириш** учун имкониятлар очилди. Бугун улуғ аждодларимиз тамал тошини қўйган ўзбек миллий фалсафасини ривожлантиришнинг объектив ва субъектив шарт-шароитлари мавжуд. Бу борада, аввало, Президент Ислом Каримов асарларида ўзбек фалсафасининг тараққиёт қонуниятлари очиб берилаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Президентимиз фалсафа олдидаги бугунги муаммоларнинг моҳияти, уларни ҳал қилиш йўлларига алоҳида эътибор бермоқда.

Шу билан бирга, бугунги ўзбек фалсафасининг ривожини таъминлашда қуйидаги жиҳатлар алоҳида ўрин тутади:

- халқимизнинг ўз миллий анъаналарига содиқлиги;
- мамлакатимизнинг буюк келажагига ишончи;
- муқаддас қадриятларимизга ишонч-эътиқоди;
- меҳнатсеварлиги, интеллектуал салоҳияти ва бошқалар.

Ўзбек фалсафасини янада тараққий эттириш вазифаларини амалга ошириш қуйидаги муаммоларнинг ечимини топишга боғлиқ:

- биринчидан, мустамлакачилик шароитида сохталаштирилган тарихимизни ҳаққоний ёритиш фалсафий ғоялар, қарашлар тарихини ҳам холис кўрсатиб беришни тақозо қилади. Ўз даврида қимматли тарихий манбаларнинг йўқ қилингани ёки аёвсиз талон-тарож этилгани бу ишни қийинлаштирмоқда;
- иккинчидан, мавжуд манбалар араб ёки форс тилларида эканлиги, уларни биладиган файласуф олимларнинг, малакали таржимонларнинг камлиги умуминсоний маънавий меросдан баҳраманд бўлиш ва улардан ижодий фойдаланишга тўсиқ бўлмоқда;
- учинчидан, одамлар онгидан мустабид тузумнинг сохта ғояларини, улар қолдирган асоратларни сиқиб чиқариш, мафкуравий бўшлиқни янги ғоялар билан тўлдириш, истиқлол мафкурасини шакллантириш муайян вақтни тақозо қилади.

Ушбу вазифаларни амалга ошириш бугунги фалсафа масалалари билан шуғулланувчи олим ва тадқиқотчилар зиммасига ниҳоятда катта масъулият юклайди. Бунда, энг аввало, мазкур соҳага алоқадор ҳар бир юртдошимиз дунёқарашининг миллий манфаатларимиз нуқтаи назаридан ўзгариши ниҳоятда муҳимдир. Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик жамият барпо этилаётган ҳозирги даврда бу жараённинг қандай бориши янги фалсафий онгнинг шаклланишига муайян даражада таъсир кўрсатади.

Дунёқараш тушунчаси. Ҳар бир кишининг дунёга нисбатан ўз қараши, ўзи ва ўзгалар, ҳаёт ва олам тўғрисидаги тасаввурлари, хулосалари бўлади. Ана шу тасаввур, тушунча, қараш ва хулосалар муайян кишининг бошқа одамларга муносабати ва кундалик фаолиятининг мазмунини белгилайди. Шу маънода, дунёқараш - инсоннинг теварак атрофини қуршаб турган воқелик тўғрисидаги, оламнинг моҳияти, тузилиши, ўзининг ундаги ўрни ҳақидаги қарашлар, тасаввурлар, билимлар тизимидир**.** ***Дунёқараш - оламни энг умумий тарзда тасаввур қилиш, идрок этиш ва билишдир.***

Дунёқарашнинг бир киши ёки алоҳида шахсга хос шакли ***индивидуал дунёқараш*** дейилади. Гуруҳ, партия, миллат ёки бутун жамиятга хос дунёқарашлар мажмуаси эса,

ижтимоий дунёқараш *д*еб юритилади. Ижтимоий дунёқараш индивидуал дунёқарашлар йиғиндисидан дунёга келади. Бунда ижтимоий дунёқарашнинг умумий ва хусусий шаклларини ҳисобга олиш лозим. Кундалик ҳаётий тажрибалар асосида жамиятда, одамларда оддий, ўз-ўзича ривожланувчи (стихияли) моҳиятга эга бўлган қарашлар, тушунчалар, ғоялар шаклланади. Кўпинча ***ҳаётий фалсафа*** деб аталадиган оддий амалий дунёқарашнинг доираси жуда кенг бўлиб, онгнинг содда намоён бўлиш шаклларини ҳам, оқилона ва соғлом фикрларни ҳам, турли соҳаларга оид билим ва тажрибалар таъсирида шаклланаётган қарашларни ўз ичига олади. «***Ҳар кимнинг ўз фалсафаси бор***» иборасида ушбу ҳол англашилади. Кўпинча, кундалик тафаккур чуқур ва етарли даражада асосланмаган стихияли характери туфайли муҳим масалаларни тўғри тушунтириш ва баҳолашга ожизлик қилади. Демак, бунинг учун оламни илмий таҳлил қилиш ва билиш зарур.

Дунёқарашнинг тарихийлик тамойилига келсак, у муайян даврда шаклланади. Шу маънода, ҳар қандай дунёқараш ижтимоий-тарихий моҳиятга эга бўлиб, кишиларнинг умри, амалий фаолияти, ҳаёти, табиатга таъсири ва меҳнати жараёнида вужудга келади. Ҳар бир даврда ижтимоий гуруҳ, жамият ва авлоднинг ўз дунёқараши мавжудлиги ҳам бу тушунчанинг тарихий моҳиятга эга эканини кўрсатади. Дунёқараш маълум диалектик жараёнда жамият ривожига мос равишда аста-секин такомиллашиб боради, шакллари ўзгаради, тарихий кўринишлари муттасил янгиланиб туради. Тараққиётнинг кейинги даврлари фан соҳасида қилинган кашфиётлар инсон дунёқараши нақадар чуқурлашиб, унинг билимлар доираси кенгайиб кетганини кўрсатади. Бунда ворислик анъанаси яққол кўзга ташланади: ҳар бир даврнинг дунёқараши, ғояси ўтмишда яратилган маънавий қадриятларнинг энг яхшиларини, илғор ва ижобийларини ўзида сақлаб қолади. Шу асосда янги тамойилларга эга бўлган дунёқараш ҳам такомиллашиб боради. Оддий буғ машинасидан космик ракеталаргача бўлган фан-техника тараққиёти бунга яққол мисол бўла олади.

Дунёқарашнинг **мифологик, диний, илмий, сиёсий, бадиий, кундалик турмуш**га нисбатан бўлган шакллари мавжуд.

Дунёқарашнинг тарихий шакллари инсоният тараққиётининг қонуний натижаси бўлиб, жамият ривожланишининг маънавий мезони сифатида намоён бўлган. Тараққиётнинг дастлабки босқичларида кишиларнинг табиатга, ўзларининг ижтимоий ҳаётига бўлган муносабати турли ривоят ва афсоналарда ўз ифодасини топган. Шу тариқа ***мифологик дунёқараш***ни шаклланган. Ёвузлик ва эзгулик ўртасидаги курашда яхшиликнинг мудом тантана қилиши мифологик дунёқарашнинг гуманистик мазмунидан далолат беради. Масалан, қадимий меросимиз намунаси – «Авесто»да яхшилик рамзи – Ахурамазда ва ёмонлик тимсоли – Ахриман ўртасидаги кураш тарихи мисолида ёруғлик зулмат устидан ғалаба қилади, яъни охир-оқибатда эзгулик ғалаба қозонади, деган ғоя асосий ўринни эгаллайди. Мифологик дунёқараш қадимги замон кишиларининг ўзларига муносиб ҳаёт шароитларини яратиш эҳтиёжларидан келиб чиққан. Эзгулик ва ҳақиқат учун кураш ғояларининг ифодаси бўлган афсона ва ривоятларда миллатнинг муайян руҳий ҳолати, келажакка ишончи, ватанга муҳаббати, инсоний камолотга интилиши бадиий воситалар, афсонавий қаҳрамонлар тимсолида ифода этилган. Дунёқарашнинг мифологик моҳияти бугунги фан-техника тараққиёти, инсоннинг ақлий салоҳияти бағоят юксалиб кетган даврда жуда жўн ва ибтидоий бўлиб кўринса-да, афсона ва ривоятлар ҳозирги кунда ҳам ўзининг кучли жозибаси, инсонпарварлик ғоялари билан кишиларни эзгу фазилатлар руҳида тарбиялашнинг таъсирчан ва самарали омили бўлиб қолмоқда.

Диний қарашлар. Муайян дунёқараш таркибида диний-илоҳий қарашлар ўзига хос аҳамият касб этади. Улар инсоннинг илоҳга бўлган эътиқоди билан боғлиқ бўлиб, вужудга келишига кўра, бошқа дунёқараш шакллари каби, муайян асосларга эга.

Диний дунёқараш илоҳий қудратларга эътиқод қўйиш билан боғлиқ. Шунинг учун бу дунёқараш шаклини инсон қалбидаги қуйидаги ҳолатлар (диний дунёқарашнинг асосий тамойиллари) белгилайди:

- эмоционал-руҳий ҳолатлар;
- иймон-эътиқод;
- иймон-эътиқоднинг хатти-ҳаракатларда ифода этилиши.

Диний дунёқараш ҳар бир даврда муайян ижтимоий вазифаларни бажариб келган. «Дин, шу жумладан ислом дини ҳам, минг йиллар давомида барқарор мавжуд бўлиб келганининг ўзиёқ у инсон табиатида чуқур илдиз отганидан, унинг ўзига хос бўлган бир қанча вазифаларни адо этишидан далолат беради. Энг аввало, жамият, гуруҳ, алоҳида шахс маънавий ҳаётининг муайян соҳаси бўлган дин, умуминсоний ахлоқ меъёрларини ўзига сингдириб олган, уларни жонлантирган, ҳамма учун мажбурий хулқ-атвор қоидаларига айлантирган»[1].

Жамият ҳаётида ҳар қандай, шу жумладан, диний дунёқарашнинг ўрни ва аҳамиятини ҳам сунъий равишида мутлақлаштириш, салбий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Бу ҳол айниқса, диний фундаментализм ва экстремизм инсоният учун жиддий хавфга айланган ҳозирги даврда яққол намоён бўлмоқда.

Ҳозирги даврда фан, техника, дунёвий илмларнинг кучайиб кетиши билан «Диний дунёқараш, тафаккурнинг, инсонни ўраб турган дунёга, ўзи каби одамларга муносабатнинг ягона усули бўлмаганлигини ҳам таъкидлаш зарурдир. Дунёвий фикр, дунёвий турмуш тарзи ҳам у билан ёнма-ён ва у билан тенг яшаш ҳуқуқига эга бўлган ҳолда ривожланиб келган»[2].

Диний дунёқарашни теология деб аталадиган фалсафий фан ўрганади. Теология олам ва одам муносабати, умрнинг мазмуни, ҳаёт ва ўлим муаммоси каби масалаларни илоҳиёт, диний эътиқод тушунчалари билан боғлаб таҳлил қилиш ҳамда ўзига хос мукаммал тизимини яратган. Бугунги кунда диний дунёқарашнинг бир талай асосий вазифалари орасида, унинг ҳаёт зиддиятларини бартараф қилиш билан боғлиқ регулятив фаолияти ниҳоятда муҳимдир. Умуман, диннинг баркамол авлодни тарбиялашдаги ўрни ва аҳамияти бениҳоят улкан ва у тобора ортиб бормоқда.

Фалсафанинг ўзи бир дунёқарашдир, одамнинг дунёга бўлган қарашларининг йиғиндисидир. Фалсафа дунёқарашларнинг бошқа шаклларидан шу билан фарқ қиладики, у энг аввало ижтимоий онгнинг илмий соҳасига тааллуқлидир. Унинг таркибида эса бошқа фанлардан фарқли ўлароқ, ўзига хос категориал аппарат мавжуд бўлиб, у ўз тараққиётида қандайдир бир фанга таянмасдан, балки барча фанларга, инсоният ўзининг бутун тараққиёти давомида эришган тажрибасининг яхлит ҳолда тўплаган билимига таянади.

Фалсафий дунёқараш тушунчасининг мазмуни инсоннинг оламга, воқеа ва ҳодисаларга, ўзгаларга ва уларнинг фаолиятига, ўз умри ва унинг мазмуни каби кўпдан-кўп тушунчаларга муносабати, уларни англаши, тушуниши, қадрлашида намоён бўлади. Фалсафий дунёқараш кундалик фаолият, дунёвий, диний, илмий билимлар, ҳаётий кузатишлар ва ижтимоий тарбия таъсирида шаклланади ҳамда ривожланади. Фанда ижтимоий борлиқнинг барча жиҳатлари акс этади. Дунёқарашнинг шаклланишида ҳис-туйғу, ақл-идрок ва тафаккур ҳам муҳим ўрин

[1] Ислом Каримов. Буюк келажак сари. - Т.: «Ўзбекистон», 1998, 441-бет.
[2] Ислом Каримов. Буюк келажак сари. - Т.: «Ўзбекистон», 1998, 442-бет.

тутиши табиий. Унинг шаклланиши кишиларнинг ҳиссий кечинма ва кайфиятларига ҳам боғлиқ бўлиб, инсон кайфиятида унинг ҳаёт шароитлари, ижтимоий аҳволи, миллий хусусияти, маданий савияси, шахсий тақдири, ёши ва ҳоказолар акс этади. Муайян давр дунёқарашида замон руҳи, ижтимоий кучларнинг кайфияти, интилиши ҳам ўз ифодасини топади. Масалан, бугунги Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш зарурати истиқлол дунёқарашини шакллантиришга улкан таъсир кўрсатмоқда.

Фалсафий дунёқараш мураккаб тузилишга эга. У муайян билимлар, келажакка қаратилган ғоя ва мақсадлар, табиий ва ижтимоий фан ютуқлари, диний тасаввурлар, қадриятлар, ишонч, эътиқод, фикр, ҳиссиёт каби таркибий қисмлардан иборат.

Буларнинг ичида эътиқод дунёқарашнинг мазмунини ташкил этадиган асослардан биридир. ***Эътиқод*** инсоннинг ўз қарашлари ва ғоялари тўғрилигига, орзу-умидларининг асосли эканига, фаолияти ва хатти-ҳаракатининг умумий мақсадларга ва талабларга мослигига бўлган чуқур ишончидан пайдо бўлади. У инсоннинг ҳиссиёти, иродаси ва фаолиятини белгилайди, уларни бошқаради, шахсни самарали фаолиятга ундайди.

Фалсафий дунёқараш таркибида ***ҳиссиёт*** ва ***ақл*** муҳим ўрин тутади. Ҳиссиёт дунёқарашнинг эмоционал-руҳий жиҳати бўлиб, дунёни тушуниш эса, дунёқарашнинг ақлий шаклидир. ***Ҳиссиёт*** – қувонч, шодлик, завқланиш, мамнунлик ёки норозилик, ҳайратланиш, хавотирланиш, асабийлашиш, ёлғизлик, заифлик, руҳий тушкунлик, ғам-ғусса, надомат, йлаш каби хилма-хил шаклларда намоён бўлади. Булар барчасининг уйғунлиги дунёни ҳис этишга олиб келади. Бу эса уни ақлий тушунишга, муайян дунёқарашнинг шаклланишига асос бўлади. Инсон ақли ҳиссиёт ва тасаввурлар асосида илмий дунёқарашни шакллантиради ва такомиллаштиради. Ҳиссиёт ва фикр, билим ва эътиқод, интилиш ва кайфият, орзу-умид ва қадриятлар дунёқараш таркибида яхлитлашади. Бу жараён болаликдан бошланиб, инсон ҳаётининг охиригача давом этади. Фалсафий дунёқарашнинг шаклланишида ***билим*** муҳим аҳамият касб этади. Билимда дунёқарашга хос барча белгилар мавжуд, лекин, у дунёқараш билан айнан эмас. Оламни тушуниш билимлар пайдо бўлиши учун асосдир. Билим инсон онгида ҳиссий ва ақлий билиш жараёнида ҳосил бўлади ва муайян шароитда бирор ҳодиса ёки нарсани баҳолашда қўл келиши билан дунёқарашга айланади. Фалсафа азал-азалдан дунёқараш сифатида ҳаёт ва яшашдан мақсад нима, умрни қандай ўтказиш керак, каби қатор саволларга жавоб топиш зарурати туфайли вужудга келган. Фалсафий дунёқараш ўзининг назарий асослангани билан ажралиб туради. Шу маънода, у бошқа фан ёки фаолият соҳаси учун умумий услуб (методология) вазифасини ҳам бажаради.

Назария билиш жараёнининг натижаси, усул (метод) шу билимга эришиш йўлини англатади. Фалсафий назария бир вақтда усул вазифасини ҳам бажаради. *Масалан, мамлакатимиз давлат ва жамият барпо этишда тараққиётнинг «Ўзбек модели» йўлидан бормоқда. Юртбошимиз Ислом Каримов асосий эътиборни бу йўлнинг моҳият-мазмуни, тарихда қандай натижалар бергани каби масалаларга қаратди. Яъни, унинг тарихий ва замонавий жиҳатлари, умумбашарий ва минтақавий хусусиятлари, мамлакатимизнинг бугуни ва келажаги учун нақадар аҳамияти ҳар томонлама ўрганилиши асосида зарур хулосалар чиқарилиб, уларни ҳаётга тадбиқ этишнинг асосий йўл-йўриқлари асослаб берилган.*

Бу назария тараққиётнинг ўзимизга хос ва мос модели бўлиш билан бирга унинг тамойиллари мамлакатимиз ҳаётини тубдан ўзгартириб, унинг келажагини белгилаб

берадиган, миллий дунёқараш, онг ва тафаккур ривожида муҳим ўрин тутадиган умумфалсафий таянч – методология ҳамдир.

Фалсафий дунёқараш, моҳиятан маънавий фаолият бўлиб, унинг муайян йўналишлари тизим тарзида қуйидагича изоҳланади:

1. Ахлоқий. 2. Диний. 3. Ҳуқуқий. 4. Сиёсий. 5. Экологик. 6. Эстетик.

Мазкур дунёқараш шакллари ўзаро боғлиқликда, алоқадорликда ҳаракат қилади.

Фалсафий дунёқарашнинг асосий йўналишлари. Дунёқараш тизимига хос нисбатан мустақил йўналишларнинг ҳар бирини фалсафий мулоҳазанинг ойдинлашган (конкретлашган) шакли сифатида қараш мумкин. ***Фалсафий дунёқараш инсоннинг олам, одам ва борлиққа муносабатини ифодаловчи билимлар тизимидир.*** Моддий ёки маънавий жиҳатлари нечоғлик мутлақлаштирилишига қараб, унинг таркибида ***материалистик*** ва ***идеалистик*** дунёқараш йўналишлари мавжудлигини кўрамиз.

Фалсафий дунёқараш таркибида қуйидаги умумий тамойиллар намоён бўлади:

- турли дунёқараш шаклларининг ўзаро алоқадорлиги кучаймоқда;
- муайян дунёқараш шаклланиш ва ривожланиш жараёнида инсонга муносабатнинг аҳамияти ортиб бормоқда;
- миллий дунёқараш умуминсоний дунёқараш шакли ва унинг таркибий қисми сифатида юзага келган.

Бу умумий тамойиллари исталган конкрет дунёқараш шакли учун услубий асос бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, унинг қуйидаги тамойиллари ҳам бор: илмийлик, тарихийлик, мантиқийлик, универсаллик, мақсадлилик, ғоявийлик, назария ва амалиёт бирлиги.

Фалсафий дунёқараш

– ***илмийдир:*** нарса-ҳодисалар ўртасидаги боғланиш, алоқадорлик ва муносабатларни кундалик онг даражасида эмас, балки назарий онг даражасида ҳам ифодалайди ҳамда объектив оламдаги нарса-ҳодисаларнинг конкрет муносабатларини акс эттиради.

– ***тарихийлик тамойили*** жамият ўтмиши дунёқарашлар тарихидан иборатлиги ва узлуксиз ривожланишини ифодалайди.

– ***мантиқий изчиллиги*** ҳар қандай дунёқараш шакли ва даражасининг мантиқий бирикмалар орқали ифодаланиши билан изоҳланади. Акс ҳолда, дунёқарашнинг ташқи оламни холис, илмий, аниқ-равшан ва изчил акс эттиришига путур етади.

– ***универсаллиги*** бошқа дунёқараш шаклларининг мазмунини ташкил қилиши билан сифатланади, яъни ҳар қандай дунёқараш шакли ўзига хос фалсафий хусусиятга эга.

– ***мақсадга мавофиқ***, инсон манфаатларига мос келади. Чунки, инсон муайян мақсад, орзу-умидлар билан яшайди, уларни ўз дунёқарашида акс эттиради.

– ***ғоявийлик тамойили*** унинг асосида муайян ғоя ётгани билан ифодаланади. Бугунги ўзбек миллий фалсафий дунёқараши миллий мустақиллик, ўзликни англаш, миллатимиз келажагини белгилайдиган истиқлол ғоясига таяниши билан характерлидир. Шу ғояни эътиқодга айлантириш ва унинг амалга ошиши учун хизмат қилади.

– ***назария ва амалиёт бирлиги*** дунёқарашнинг назария сифатида мавжудлиги ижтимоий амалиёт тажрибаларини ижодий умумлаштириб, истиқбол режаларини белгилашда қўл келиши билан изоҳланади.

Юқорида зикр этилган тамойиллар, **Фалсафий дунёқараш**нинг **вазифалари**(функциялари)ни белгилаб беради. Бу вазифалар жамиятнинг умумбашарий руҳдаги мақсад-муддаолари, манфаатларидан келиб чиқади ҳамда бошқа дунёқараш шакллари учун услубий аҳамият касб этади.

Дунёқараш, аввало инсоний муносабатлар ифодаси нуқтаи назаридан, у инсоннинг борлиққа муносабати, баҳоси тарзида кўзга ташланади. Яъни, инсон, ўз эҳтиёж ва манфаатларидан келиб чиқиб, нарса-ҳодисаларни: яхши-ёмон, фойдали-зарарли, савоб-гуноҳ, орият-беномуслик каби қарама-қарши мезонларга ажратади. Бу фалсафий дунёқарашнинг ***баҳолаш*** вазифасини англатади. Инсон нарса-ҳодисаларга баҳо берар экан, ўзи таянадиган омилларга (идеалларига) мослаштиради. Орзу-ҳавасларга эришишнинг усул, восита, амалий йўналишлари белгиланади.

Дунёқараш инсон фаолиятини ахлоқий меъёр, диний қадрият, ҳуқуқий ҳужжат ва сиёсий механизмлар каби усул-воситалар орқали ***бошқариш*** вазифасини ҳам адо этади. Инсонни эзгуликка йўналтириш учун ахлоқ унинг ақл-заковатига; дин – иймон-эътиқодига; ҳуқуқ – қонунларга, жазо идораларига; сиёсат-давлат функцияларига таянади ва ўзига хос таъсир йўналишларига эга бўлади.

Фалсафий дунёқарашнинг инсон фаолиятини ***назорат қилиш*** вазифаси ҳам бор. Бунда дунёқарашнинг жамоатчилик фикри тарзидаги кўриниши назарда тутилади. Масалан, ўзбек халқининг тарихий ривожланиши ва маънавий ҳаёт тарзида маҳалла ижтимоий назоратнинг муҳим институти тарзида фаолият кўрсатиб келган. Ўзбек маҳаллаларида бағрикенглик, меҳр-оқибат, ҳамдардлик каби ноёб фазилатлар камол топади. Шу боис Ислом Каримов уни «Ўзини ўзи бошқариш мактаби... демократия дарсхонаси», деб таърифлайди[1].

Фалсафий дунёқарашнинг ***бирлаштириш*** (коммуникатив) вазифаси турли дунёқараш йўналишларини миллий ва умуминсоний ғоялар атрофида уйғунлаштириши билан характерланади. Турли манфаатларни кўзлаган дунёқарашлар ўртасида муайян зиддиятлар рўй бериши табиий. Бундай шароитда фалсафий дунёқараш уларни муросага келтиришга хизмат қилади. Ижтимоий-тарихий тажрибани умумлаштириш, жамият истиқболини кўрсатиш имконияти туфайли халқни муайян ғоя атрофида бирлаштиради. *Масалан, мўғул босқинчиларига қарши кураш даврида озодлик фалсафаси дунёқарашнинг таркибий қисми сифатида миллатнинг турли табақаларини, эътиқоди, иқтисодий аҳволи ва сиёсий мавқеидан қатъи назар, бирлаштирган ва умумий курашга сафарбар қилган.*

Фалсафий дунёқарашнинг ***тарбиявий*** вазифасини юқорида зикр этилган бошқа вазифаларнинг асоси сифатида қараш керак. Бу – кишиларда кенг ва теран фикрлаш қобилиятини вужудга келтириш асосида бағрикенглик, муроса, ҳар қандай зиддиятларни маданий йўл билан ҳал қилиш, келажакка умид ва ишонч руҳини шакллантиришдан иборат.

Юқорида баён қилинган вазифалардан ташқари фалсафа ***ижтимоий-аксиологик, маданий-тарбиявий, баён этиш, ахборот бериш, эвристик, координация килувчи, интеграцияловчи*** ва ***мантиқий-гносеологик*** сингари қатор методомантиқий функцияларни бажаришга қодир. Бироқ фалсафанинг услубий имкониятлари бунданда кенг ва чуқурроқдир.

Фалсафий билимнинг тузилиши. Фалсафа билан фан ўзаро мустаҳкам алоқада. Фалсафа билишга оид турли соҳалар жумладан, табиат тўғрисида мавжуд бўлган ахборотларни муттасил олиб уларни қайта ишлаб борди. Мана шу асосда оламнинг универсал манзараси шаклланади ва у ўзгариб, такомиллашиб боради. Борлиқ, фазо, билиш, субъект-объект муносабатлари, билишнинг умумий тамойиллари, усуллари ва ҳокозо фалсафий тушунчалар ишлаб чиқилди. Табиий фанлардаги асосий тушунчалар («атом», «модда») табиатшунослик фанларининг

[1] Каримов И. Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман. «Фидокор» газетаси, 2000 йил 8 июнь.

қонунлари ва тамойиллари («энергиянинг сақланиш ва ўзгариши қонуни») фалсафий билимлар мазмунига киради.

Билиш – бу воқеликнинг аниқ ҳиссий ва тушунча шаклидаги образлар орқали инсон тафаккурида акс этиши, сақланиши, қайта ишланиши ва тизимга солиниши бўйича амалга ошириладиган фаолиятдир Унинг мақсади объектив ҳақиқатга эришишдир.

Билим эса билишнинг натижасидир. Билимлар тизимининг муайян мезонлари мавжуд бўлиб, уларга жавоб бера олган билимлар тизимигина илмий билим деб тан олинади. Умуман, ҳар қандай билим илм ёки фан даражасига кўтарилиши учун: 1) билимлар муайян соҳалар бўйича системалашган бўлиши; 2) воқеликнинг муайян томонларини аниқ акс эттирувчи тушунча ва категориялар қатъий белгиланган мазмундаги атамалар билан ифодаланиши; 3) мантиқ қоидаларига зид келмаслиги; 4) тажриба майдонларида ўтказилган эксперимент синовларида тасдиқланган бўлиши зарур ҳисобланади[1].

Дунёвий илмларга қўйилган бу талабларга табиий фанлар, техника фанлари ва ижтимоий-гуманитар фанлар тўлиқ жавоб беради. Диний илмлар биринчи ва иккинчи талабларга, фалсафий билимлар эса асосан дастлабки уч талабга, аммо эксперимент синовидан ўтказилиши мумкин мантиқий хулосаларнинг мавжудлиги назарда тутилса, барча талабларга жавоб беради.

Демак, фалсафа – фан, илмий билимнинг таркибий қисми. Бундай қоида энг аввало фалсафанинг табиий фанлар билан қиёсланишидан келиб чиқади.

Фалсафа, шунингдек, жамиятни, ижтимоий олам, ижтимоий онг, ижтимоий билиш махсуслиги ва шунга ўхшаш масалаларни ҳам ўрганади. Фалсафа ҳуқуқшунослик, иқтисодиёт, сиёсатшунослик ва бошқа хусусий ижтимоий фанлар маълумотларини муайян бир нуқтаи назар остида фалсафий жиҳатдан умумлаштириб боради. Фалсафа ва ижтимоий фанларнинг предмет-мазмун жиҳатдан ўзаро бир-бирининг таркибига сингиб кетиши фалсафани жамиятшунослик билимлари қаторига киритиш имконини беради.

Такрорлаш учун саволлар

1. «Фалсафа» тушунчасининг моҳиятини қандай тушунасиз?
2. Фалсафанинг баҳс мавзуси нима?
3. Фалсафа миллий бўлиши мумкинми?
4. Фалсафанинг умуминсонийлиги деганда нимани тушунасиз?
5. Дунёқараш нима?
6. Диннинг дунёқараш тизимидаги ўрни ва аҳамияти қандай?
7. Фалсафий дунёқарашнинг вазифалари нималардан иборат?

ҚАДИМГИ ВА ЎРТА АСР ФАЛСАФАСИ

Таянч тушунчалар: *Қадимги Шарқ халқларининг тарихи ва маданияти, илк маданий ёдгорликлар, ведалар, фалсафий мактаблар, даосизм таълимоти, конфуцийлик, «Авесто», зардуштийлик диний-фалсафий таълимоти, эзгулик ва ёвузлик кучлари монийлик, маздакийлик, милет фалсафий мактаби, оламнинг асоси, субстанция, элеат фалсафий мактаби, ўрта аср ислом фалсафаси, табиий-илмий,*

[1] Каримов Т. Дунёвийлик фалсафаси // Дунёвийлик фалсафаси: Мақолалар тўплами. – Тошкент: Тошкент давлат иқтисодиёт университети, 2007. – Б. 27.

ижтимоий-сиёсий қарашлар, объектив ва субъектив омиллар, сўфизм фалсафаси, аппологетика, патристика, схоластика, номинализм, реализм.

Фалсафий қарашларнинг пайдо бўлиши қадимий Шарқ халқлари таффакурига бориб тақалади. Қадимги Шарқ халқларининг тарихи ва маданияти, уларнинг афсонавий, диний, ахлоқий, сиёсий, ҳуқуқий, бадиий-эстетик, фалсафий тасаввурлари, билимлари антиқ давр муаллифлари асарларида, археологик манбаларда, халқ оғзаки ижодиёти намуналари: афсоналар, достонлар ва ривоятларда акс этган.

Дастлабки фалсафий тасаввур ва қарашлар Шарқнинг энг қадимги мамлакатларидан бўлган **Бобил**да эр. ав. IV минг йилликнинг бошларида пайдо бўлди. Буни биз «Гелгамиш ҳақида достон»да, Урик шаҳри ҳукмдори Гелгамишнинг обиҳаёт қидириб, бошидан кечирган саргузаштлари, чеккан азоб-уқибатлари, тупроқ, сув, ҳаво, иссиқлик ва совуқликнинг инсон турмушининг абадий манбаи эканлиги, одамлар табиий қонунлар асосида яшашлари зарурлиги, кишиларнинг ҳаёт ва ўлим сирларини билишга азалдан интилиб келишлари ҳақида билиб оламиз.

«Адона ҳақида достон»да эса инсоният ҳаётида яхшилик билан ёмонлик, эзгулик билан ёвузлик, бойлик билан қашшоқлик бир-бирига тубдан қарама-қарши ва зид эканлиги ҳақидаги фикрлар ифодаланган. «Жафокаш авлиё ҳақида достон», «Хўжайиннинг қули билан суҳбати» каби асарларда бахт ва бахтсизлик, адолат ва адолатсизлик ҳақида, уларнинг сабаблари ва бартараф этиш йўллари хусусида дастлабки фалсафий ғоялар баён этилган.

Бобилда табиат ҳодисаларининг мазмунини англаб етиш, турмушда фойдаланиш зарурати, маҳсулот ва нарсаларнинг миқдорини аниқлаш, оғирлиги ва узунлигини ўлчаш, ишчи кучларнинг самарасини белгилаш, бинолар ҳажмини топиш, далаларнинг ер сатҳини ҳисоблаб чиқиш зарурати дастлабки арифметик ва геометрик билимларнинг пайдо бўлишини тақозо этади. Бу тақвимнинг пайдо бўлишига олиб келди. Бобилликлар қуёш соати, унинг 12 бўлакка бўлинишини азалдан билишган. Бобилда математика, геометрия, астрономия, тиббиёт, тарих, география, филология, мусиқа, тасвирий санъат, астрология каби билим соҳалари аста-секин куртак ёза бошлаган.

Қадимги Мисрда ҳам илк маданий ёдгорликлар эр.ав. IV минг йилликнинг бошларида вужудга келган.

Қадимги мисрликлар сувни одамга озиқ-овқат етиштирувчи улуғ неъмат, деб билганлар. Сув уларга табиатнинг, ҳаётнинг асоси бўлиб кўринган. Улар Нил дарёсини илоҳий бир мўжиза деб, табиатдаги ўсимлик ва дарахтларга талпинганлар. Қадимги мисрликлар астрономия соҳасида баъзи билимларга эга бўлиб, сайёраларни юлдузлардан ажрата билганлар, алоҳида юлдузлар харитаси ва ҳар хил тақвимлар тузганлар.

Тиббиёт жуда ривожланган, мисрликлар касалликларнинг жуда кўп турларидан хабардор бўлишиб, ташҳис қўйиш соҳасида катта тажрибаларни қўлга киритганлар. Айниқса, қурилиш, архитектура, санъатнинг кўп турлари, ҳисоб-китоб, ўлчам ва чизмачилик, математик ва астрономик билимларга эгалиги жиҳатдан бошқалардан тубдан фарқ қилишган. Том маънода улар геометрия ва астрономияга оид билимларнинг илк яратувчилари бўлишган. Миср эҳромлари-пирамидалар бунинг яққол далилидир.

Умуман, Қадимги Бобил ва Миср халқларининг маданияти, урф-одат, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, бадиий, аҳлоқий ва фалсафий қарашлари қадимий Шарқ халқларига хос диний қарашлар билан суғорилган. Уларнинг бу

қарашлари наслдан-наслга, авлодлардан-авлодларга ўтиб, бошқа кўп халқлар маданий-маънавий тараққиётига, ижтимоий-фалсафий фикрлар ривожига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатди. Буни биз қадимий **Ҳиндистон**нинг маданий-маънавий тараққиёти мисолида кўришимиз мумкин.

Ноёб табиат, саҳий заминга эга **Қадимги Ҳиндистон**да эрамиздан III минг йил муқаддам ерни сунъий суғориш, деҳқончилик тараққий этган, анҳорлар қазилган, кулолчилик, ёғочсозлик, тўқимачилик, заргарлик, ҳунармандчилик, пишиқ ғиштлардан кўп қавватли бинолар қуриш, жун ва зиғир толасидан матолар тайёрлаш, мис ва темир, қалай ва қўрғошиндан қурол-аслаҳалар ясаш тараққий этган.

Абу Райҳон Берунийнинг «Ҳиндистон» асарида ёзилишича, эрамизнинг биринчи асрларидаёқ Ҳиндистонда тиббиёт, риёзиёт, илми нужум, кимё, мусиқа, поэзия, тарих, санъат ва фалсафага оид билимлар кенг ривожланган. Айниқса, маданият ва санъатга оид, диний, фалсафий қарашлар кенг ривожланган. Бунга бизгача етиб келган «Рамаяна», «Маҳабҳарат» («Махаяна»), «Камила ва Димна» каби буюк асарлар тўлиқ гувоҳлик беради. Уларда ҳинд халқининг қадимий урф-одат, анъана, одоб-ахлоқ, маданият, дини, тарихи, миллий қадриятлари, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, бадиий ва фалсафий қарашлари ёрқин ифодасини топган.

Булардан ташқари, фалсафий фикрлар Ведалар: Ригведа, Самаведа, Яжурведа, Атхарваведада ўз аксини топган. Ригведа эр.ав. 1500 йил олдин пайдо бўлган. Бу Ведаларда олам, борлиқ, фазо ва вақт, инсон, инсон ҳаётининг руҳий ва табиий асослари, табиат ва жамият ўртасидаги алоқадорлик, илоҳий кучлар, уларнинг фаолиятлари ҳақида муҳим фикрлар илгари сурилади. Кейинчалик, ведаларни турлича талқин этувчи фалсафий мактаблар вужудга келди. Бу мактаблар ғоявий жиҳатдан икки оқимни ташкил қилишди: 1) табиий-материалистик: буддизм, ҳиндуизм, жайнизм, локаята ва чорвака мактаблари; 2) диний-идеалистик: веданта, миманса, санкхия, йоге, нъяя, вайшешика, мактаблари.

Локаята ва чорвака мактаблари ҳақиқий реал дунё, деб инсонлар яшайдиган дунёни тушунадилар. Улар фикрича, бутун борлиқ: олов, сув, ҳаво, тупроқнинг йиғиндисидан иборат, инсон ҳам шу тўрт унсур бирикмасидан ташкил топган. Чорвакалар дунёни ҳеч ким яратган эмас, балки унинг асосида тўрт моддий элементлар бирлиги ётади, деб ҳисоблайдилар. Улар: «Оловни ким иссиқ қилди, сувни ким совуқ қилди?» каби саволлар бериб, «Уларнинг ҳаммасини шу ҳодисаларнинг ўзидан қидириш керак», - деб жавоб қарайтарадилар. Ҳаётнинг мураккаб шакллари унинг оддий шаклларининг узоқ давом этган эволюцияси туфайли вужудга келади. Уларнинг фикрича, инсон бир марта яшайди, у бахтли ҳаёт кечиришга, ўзининг оқилона эҳтиёж ва манфаатларини қондиришга интилиши керак. Бундай фалсафий қарашлар қадимги **Хитой**да ҳам вужудга келади.

Қадимги Хитойда эрамиздан **2000** йил илгари деҳқончилик, суғориш ишлари анча ривожланади. Бу ерда темирдан меҳнат қуроллари ишлаб чиқариш авж олади. Қишлоқ хўжалиги, ирригация, ҳунармандчилик, савдо-сотиқнинг равнақи турли билмларнинг ривожланиши учун кенг йўл очади. Натижада, астрономия, биология, тиббиёт, санъат ва маданият соҳалари катта ютуқларга эришади. Дастлабки фалсафий таълимотларда дунё абадий, у 5 унсур – олов, сув, ер, дарахт ва металлдан ташкил топган.

Эр.ав.VII-VI асрларга келиб, даосизм фалсафий оқими пайдо бўлди (асосчиси Лао-Цзи, биринчи Хитой файласуфи). Унингча, дунё моддий, табиий қонунлар асосида тўхтовсиз ҳаракат ва ўзгаришда бўлади. Лао-Цзи шундай ёзади: *«Улуғ дао ҳамма ёққа қараб оқади. У ўнгга ҳам, сўнгга ҳам ёйилган. У туфайли жами мавжудод туғилади, улар ҳамиша ўзгаришда бўлиб, бир жойда тўхтаб қолмайди».*

Даосизм таълимотига кўра, дунёдаги ҳамма нарсалар қарама-қаршиликлар бирлиги асосида, бир-бирига зид ҳолда айланиб, ўтиб туради. Табиатдаги гўзаллик ва хунуклик, баландлик ва пастлик, яхшилик ва ёмонлик, борлиқ ва йўқлик, узунлик ва қисқалик бир-бирига ўтади, бир-бирини туғдиради, бир-бирига боғлиқ. «Инь» ва «Ян» қарама-қарши кучлар ва табиатнинг «5 унсури» ҳақидаги таълимотни Цзоу Янь ишлаб чиқади.

Қадимги Хитой фалсафий қарашларида муҳим ўрин тутган Конфуцийнинг (эр.ав.551-479 й.) ахлоқий таълимоти кишиларни тарбиялаш масаласига эътибор қаратади. Унинг фикрича, *одамлар ўз табиятига кўра бир-бирига ўхшашдирлар, фақат улар ўз тарбияларига кўра бир-бирларидан фарқ қиладилар.*

Конфуцийнинг таълимотида «Тартиб», «Маром» деган маъноларни англатувчи Ли деган тушунча алоҳида аҳамиятга эга. *«Ли» бўлмаса, жамиятда тартиб бўлмайди, демак, жамият равнақ топмайди. Шунинг учун жамиятда доимо тартиб бўлиши зарур»*, – дейди у. Хуллас, бу ерда ҳам материалистик ва идеалистик тенденциядаги фалсафий оқимларнинг гувоҳи бўламиз. Масалан, кўпчилик қадимги Хитой файласуфлари тушунча ёки предметнинг номи билан реалликдаги предметнинг ўзаро муносабати тўғрисидаги муаммони ҳал қилишга қизиққанлар. Мо Ди (Мо-Цзи), Сюнь-цзи ва бошқалар *тушунчалар объектив ҳодисалар ва нарсаларнинг инсон онгидаги инъикослари*, десалар, Гуньсунь Луи *тушунчаларни мутлақ моҳият*, деб, уларни борликдан узиб қўядилар. Конфуций ва Мян-Цзининг ахлоқий сиёсий назариялари, Хань Фей-цзи ва «қонунчилар» мактаблари вакилларининг давлат ва ҳуқуққа оид фикрлари тўғрисида муайян мулоҳазалар мавжуд. Булар Қадимги Хитой фалсафасининг «олтин даври»ни ташкил қилади.

Эрамизнинг I асрида Хитойга буддизм динининг фалсафий таълимоти кириб келади ва тарқала бошлайди. Ниҳоят, буддизм даосизм ва конфуцийчилик билан бирликда Хитой халқи фалсафий тафаккурининг етакчи кўринишларига айланди.

Марказий Осиё – Қадимий Турон ёки ҳозир Ўзбекистон, деб аталувчи бизнинг Ватанимиз ҳудуди жаҳон илф-фани, маданияти ва маънавияти ривожига улкан ҳисса қўшган минтақалардан бири бўлган. Сўнгги тарихий ва археологик тадқиқотлар одамзоднинг илк аждодлари пайдо бўлган минтақалар қаторига киришидан далолат бермоқда.

Эр.ав.V-III минг йилларда минтақамизнинг марказий ва шимолий районларида қишлоқ хўжалиги, чорвачилик, ҳунармандчилик, кончилик, мис, олтин ва темир эритиш, металлардан ҳар хил меҳнат ва харбий қуроллар ясаш, тўқувчилик, бинокорлик, заргарлик соҳалари тараққий этган. Бу ҳудудда Суғдиёна, Бақтрия, Хоразм каби дастлабки шаҳар-давлатлар пайдо бўлган. Энг буюк маданий муваффақиятларидан бири – бу ҳудудда ёзувнинг ихтиро этилганлигидир. Эр.ав. I минг йилликнинг бошларидаёқ орамий ёзуви, унинг негизида хоразм, Авесто, суғд, қушон, юнон ёзуви, янги эранинг бошларида Ўрхун-Энасой, уйғур ёзувлари вужудга келди. Ёзувнинг ихтиро қилиниши илм-фан ва кишилар фалсафий тафаккурининг ривожланишига олиб келади.

Аждодларимиз фалсафий тафаккури ҳақида қимматли маълумотларни қадимий халқ оғзаки ижодига доир афсона ва ривоятлар, Ҳинд, Хитой ва Юнон тарихчиларининг асарлари, «Авесто», «Бехистун», «Бундахшин», Турк Ўрхун-энасой руний матнлари каби ёзма ёдгорликлар беради. Айниқса, «Авесто» қадимги Марказий Осиё халқларининг илк табиий-илмий тасавурлари, ижтимоий-сиёсий, диний ва фалсафий фикрларининг шаклланишини аниқлаш учун бебаҳо манбадир. Ундаги диний мифологик ва фалсафий жиҳатларни бир-биридан фарқлаш лозим.

«Авесто» 21 китобдан иборат: 7 китоб дунё ва инсоният тарихи, 7 китоб инсон аҳлоқи ва ҳуқуқлари, 7 китоб тиббиёт, илмий-ҳайъат ҳамда аниқ фанларга оид билимлар ҳақида бўлган. Асар мазмунини ташкил этган диний-фалсафий ғоялар эр.ав. бир қанча асрлар давомида шаклланиб, тўпланиб, ривожлантирилиб борилган. Ниҳоят, эр.ав. VI-V асрларда Зардушт томонидан тартиб берилиб, китоб ҳолига келтирилган. Афсуски, бу китобнинг тўртдан бир қисми бизгача етиб келган. Ҳозир мавжуд «Авесто»: «Готлар», «Яшта» (ёки «Ясна») ва «Видевдат» қисмлардан иборат, «Готлар» энг қадимги ҳисобланади. Қолган қисмлари эса сосонийлар даврида сосонийлар давлати манфаатларидан келиб чиқиб қайта тикланган.

Зардуштийлик диний-фалсафий таълимотига кўра, оламда иккита куч: яхшилик ва ёмонлик кучлари бир-бирига қарши кураш олиб борадилар. Яхшилик кучларига тангри Аҳура Мазда, ёмонлик кучларига дев Ахриман бошчилик қилишади. Инсоннинг ҳаёти, унинг тақдири, бахти ва бахтсизлиги шу икки куч кураши билан боғлиқ ҳолда талқин этилади. Бунда инсон бу фаолиятнинг субъекти эмас, балки Худолар таъсир кўрсатадиган объект сифатида намоён бўлади. Кишилар ўз амаллари ва ахлоқий фазилатлари билан яхшиликка мойил, улар ёвуз кучларга қарши курашда эзгу руҳларга кўмаклашишлари лозим, акс ҳолда, ёмонлик тантана қилиб, улар абабул-абад азоб-уқубатларда яшаши мумкинлиги айтилади. Демак, инсонларнинг яхшилик ва ёмонлик ҳақидаги тасаввурлари уларнинг амалий фаолияти билан боғланган ҳолда ифодаланади. Масалан, асарда шундай дейилади: *«Дон эккан киши тақвадорлик ургини экади. У (Аҳура) Маздага ихлосмандлик эътиқодини олға суради, у (ўз) иймонини озиқлантиради». «Экин экиш, демак, ердаги ёвузликни йўқотишдир, чунки дон экилганда, девларни тер босади, девлар тегирмонда унга айлантирганда, девлар гангиб қолади, ун тегирмондан чиққанда, девлар саросимага туша бошлайди, нон пайдо бўлган пайтда, девлар қўрққанларидан зўр бериб, дод солиб қочадилар».*

«Авесто»да инсоният тарихи ҳақида фикр юритилишича, биринчи одам Илмадир. Бошқа одамлар ундан тарқалган. Илма яшаган давр инсониятнинг олтин даври: одамлар ўлмайдилар, уларга абадий баҳор яратилган, улар бахтли ва фаровон яшайдилар. Бироқ одамлар тақиқланган мол гўштини еб, гуноҳ қилиб қўйишади. Бундан ғазаби келган Ангра манъю («Ахриман») уларга қор ва совуқни юборади. Илма уй қуриб, одамлар ва бир жуфтдан ҳайвонларни сақлаб қолади. Шундан бошлаб, инсоният тарихининг иккинчи-яхшилик ва ёмонликнинг кураши даври бошланади. Ниҳоят, кескин курашлар сўнггида Аҳура Мазда Ахриман устидан ғолиб чиқади ва бахтли ҳаёт салтанати қарор топади. Бу инсоният тарихининг учинчи – инсониятнинг келажаги давридир. Бу даврда олдин ўлганлар тирилади, гуноҳкорлар жазоланади, кишиларнинг бахт-саодат, адолатли жамият ҳақидаги орзу-умидлари ушалади. Жамиятда меҳнатсеварлик, адолат, ҳалоллик, поклик, яхшилик асосий ўринни эгалайди.

«Авесто»да уч жиҳат инсоннинг инсонийлигини таъминловчи асосий фазилатлар эканлиги айтилади: 1). Эзгу фикр; 2) Эзгу сўз; 3) Эзгу иш. Шу фазилатлар соҳиби олий ҳақиқатга мушарраф бўлади. Буларга эришишнинг асосий воситаси меҳнат қилиш, ўрганиш, излаш, ўз устида тинмай ишлашдир. Хуллас, «Авесто»да илгари сурилган диний-фалсафий таълимот, зардуштийлик ғоялари кейинги даврлар Шарқ ва Европа диний-фалсафий таълимотларининг шаклланишида муҳим рол ўйнади.

Марказий Осиёда **буддавийлик** ҳам ўз ўрнига эга. (Диний-фалсафий таълимот сифатида қадимги Ҳиндистонда эр.ав. VI аср охири - V аср бошларида вужудга келган, асосчиси Гаутама, «Будда» - нурланган). Бу таълимотни эр.ав. II-I асрларда

Тохаристонга балхлик савдогарлар олиб келишган. Кушонлар даврида ҳукмрон мавқега эга бўлди.

Буддавийликнинг Турон ва Ҳиндистон халқи ўртасида маънавий кўприк бўлиб хизмат қилганлиги аниқ. Халқларимиз орасидаги дўстлик ва биродарликнинг илдизлари ҳам ўша даврга бориб тақалади. Бугунги кунда аксарият кишиларнинг ҳинд халқи, маданияти ва санъатига қизиқиши тасодифий эмас.

Буддавийликдан кейин юртимизда кенг тарқалган **Моний таълимоти** эрамизнинг III асрида шимолий Эронда сосонийлар ҳумронлиги даврида зардуштийлик, христианлик ва буддавийлик таълимотлари синтезлашуви натижасида вужудга келди (асосчиси Моний (216-276й.). Моний форс ва араб тилларида бир неча рисолалар ёзган, лекин бизгача етиб келмаган. У ҳатто «Монийлик ёзуви» номли алифбо ҳам тузган.

Бу таълимотга кўра, дунё нур ва зулматнинг абадий кураш майдонидир. Дунёда инсонинг вазифаси - шу дунёдаги зиёдан баҳраманд бўлиб, ёвузликка қарши кураш олиб бориш. Жамиятдаги кишилар икки тоифага бўлинади: 1-мумтоз зодагонлар; 2-меҳнаткашлар оммаси ва савдогарлардир. Дунё ҳам иккига ажратилади: 1- одамлар реал яшайдиган дунё бўлиб, унда адолатсизлик, зулм, зўравонлик ҳукм суради. 2-«Зиё дунёси»да инсон камолотга эришади. Киши зулматдан ҳоли бўлиши, ўз истагича яшашга ҳаракат қилиши лозим.

Инсон софликка, мусаффоликка, «гуноҳлардан ҳолилик»ка ҳаракат қилиши зарур. Моний дунёвий ишлардан бўйин товламаслик, ўртачалик, исрофгарчиликка йўл қўймаслик, мўътадил ҳаёт кечиришга даъват қилади: *«ўлимдан кейин ҳеч кимсага рўзғор асбоблари билан ҳовли ҳам, уй ҳам керак бўлмайди». «Мен ўз умрим давомида кўп ҳокимларни кўрдим, улар дунёда аҳлоқсизлик қилиб, манманликка берилиб юрдилар, аммо пировардида аламларга ва тубанликка дучор бўлдилар».*

Ўша давр феодал зодагонлари Моний ғояларини тенгликни илгари сурувчи, барча мол-мулкни задагонлар ва камбағаллар орасида баравар тақсимлашга даъват, деб тушуниб, уни қатл қилишиб, тарафдорларини эса таъқиб қилишади.

Шундай қилиб, моний таълимотида диний-ахлоқий қарашлар билан бирга, фалсафий қарашлар: адолат, озодлик, ахлоқий камолот ҳақида ўз давридаги халқ оммасининг ўй-фикрлари, орзу-умидлари ўз ифодасини топгандир.

Эрамизнинг V асри охири – VI аср бошларида Эронда зардуштийликнинг янги кўриниши сифатида пайдо бўлиб, сўнг марказий Осиё, Кавказ ва Шимолий Ҳиндистонда кенг ёйилган **маздакийлик** диний-фалсафий таълимоти Маздак (470-529 й.) номи билан боғлиқ. У Нишопур шаҳрида зодагон оиласида туғилди. Дастлаб зардуштийлик дини оташгоҳларидан бирида коҳин бўлиб, кейинчалик бутун Эрон бўйича бош коҳин вазифасида ишлади. Маздакийлик таълимотига кўра, дунёдаги воқеа-ҳодисалар онгли, мақсадли ҳаракат қилувчи ёруғлик манбаи билан кўр-кўрона, тасодифий ҳаракатланувчи қоронғулик манбаи ўртасидаги курашдан иборат. Бу кураш эзгуликнинг, жоҳиллик устидан муқаррар ғалабаси билан тугалланади.

Маздак фикрича, жамиятда ижтимоий нотенглик юзага келса, ёвузлик ва зулмат ҳукмронлик қилади. Бу эса кишилар ўртасида ҳасад, ғаразгўйлик, зиқналик, ўғирлик, маккорлик, шафқатсизлик, урушлар, турли-туман бахтсизликни келтириб чиқаради. Шу сабабли бу иллатларни жамиятдан бартараф этиш учун шу нотенгликни пайдо қилувчи асосларнинг ўзини йўқотиш зарур. Худо кишиларга ўзаро тенг тақсимлаб олсин, деб, ноз-неъматларни яратган. Бироқ худбин кишилар ўз манфаатини кўпроқ ўйлаб иш қилишгани учун адолат бузилган: баъзилар мол-мулкка эга бадавлат, бошқалар камбағал бўлиб қолишган. Шу боис, бойлардан мол-мулкнинг бир қисмини тортиб олиб, уни камбағалларга тақсимлаб бериш адолатли иш бўлади.

Маздакнинг аҳволи оғир деҳқон жамоалари ва шаҳар меҳнаткашлари манфаатларига мос бу таълимотини оддий халқ оммаси кенг қўллаб-қувватлайди, у кўп жойларга жуда тез ёйилади. Ҳатто Эрон, Озарбайжон ва Марказий Осиё халқ оммаси қўзғолонларининг ғоявий байроғи бўлиб хизмат қилади. Ўша давр феодал зодагонлар маздакийлик таълимотининг феодал жамияти негизларига путур етказа бошлаганлигини кўришиб, унинг тарафдорларини шафқатсиз жазолайдилар. Маздакни сосонийлар давлати подшоси Анушервон 529 йили қатл эттирди. Умуман, маздакийлик монийликдан фарқли фақат фалсафий қарашлар мажмуаси эмас, балки амалий характерга эга бўлди. Унинг ҳур фикрлилик ғоялари ўзидан кейин Шарқ мамлакатларида, ҳатто Ғарб мамлакатларида юзага келган озодлик ҳаракатлари билан боғлиқ фалсафий оқимларга таъсир кўрсатди.

Антик давр Юнон фалсафаси юқорида кўриб ўтилган минтақалар – қадимий Шарқда пайдо бўлган диний-фалсафий таълимотлар таъсири ҳамда Юнонистонда юксак ривожланган қулдордик жамиятининг тарихий, иқтисодий сиёсий ва маданий-маънавий шарт-шароитлари асосида вужудга келди. Эр.ав. VIII-VI асрларда Кичик Осиё, Ўрта ер денгизи қирғоқларидаги шаҳарлар билан яқин Шарқ, Кавказ ҳамда Ғарб мамлакатлари халқлари ўртасида савдо, иқтисодий, маданий муносабатлар жуда ҳам авж олди. Бу ҳудудларда қулчилик муносабатлари ривожланиши натижасида, қулдорлик жамияти Юнонистонда, айниқса, Милет ва Эфес шаҳарларида жадаллик билан тараққий этди.

Милет шаҳри фалсафий мактаб вакиллари ўз қарашларини табиий-илмий тушунчалар билан ифодалайдилар. Бу даврларда фалсафа ва бошқа билим соҳалари ҳам бир-бирларидан ажралмаган ҳолда бир бутун шаклда «фалсафа» номи билан аталар эди. Милетлик Фалес, Анаксиманр ва Анаксимен илк юнон файласуфларидир. Уларнинг қарашлари космологизм, яъни астрономик билимларга оид. Юнонистонда «етти донишманднинг бири», деб шуҳрат қозонган, милет мактабининг асосчиси **Фалес** (эр.ав. 624-547й.)

Бобилликларнинг астрономик тассаввурларини ривожлантириб, қадимги юнон астрономиясига асос солди. Олдиндан қуёш тутилишини айтишга доир ўзининг ҳисоблаш усулини ишлаб чиқади. Фалес оламнинг асосини сув ташкил қилади, ҳамма нарса сувдан пайдо бўлади ва ҳамма нарса сув шаклига айланади, дейди. Чунки унинг кўз олдида сувнинг ҳайвонот, наботот ва инсоният ҳаётида ҳал қилувчи ўрни, денгизнинг кемалар, савдо-сотиқ ишлари; дарёларнинг деҳқончиликдаги муҳим аҳамиятини мушоҳада этар, айниқса, ёмғирнинг экин-тикин ишлари учун ҳаётбахш ҳислатлари уни ҳайратга солар эди.

Анаксимандр (эр.ав.610-546 й) қуёш соатини ихтиро қилиб, гномон номли асбоб ясайди ва кўк-осмон гумбази сфераси доираси моделини тузади. У биринчи бўлиб Юнонистоннинг географик харитасини чизади. Анаксимандр оламда кўп дунёлар бор, деб тахмин қилади. Унингча, оламдаги ҳамма конкрет нарса ва буюмларнинг негизини чексиз «апейрон» ташкил қилади. «Апейрон» номуайян, конкрет бўлмаган, умумий моддадир.

Фалеснинг дўсти, иониялик **Анаксимен** (эр.ав.588-525й.) фикрича, борлиқнинг асосида ҳаво ётади. Табиатдаги ҳамма табиий ҳодисалар ҳавонинг қуюқланиши ёки суюқланишидан ҳосил бўлади. Ҳавонинг суюқланиши уни оловга; қуюқланиши уни шамолга: булутга кейин эса сувга, ерга, оқибатда тошга айлантиради.

Эфеслик Гераклит (эр.ав.530-470й.) фикрича, оламнинг асоси, барча табиий нарса-ҳодисаларнинг негизи – бу оловдир, барча нарсалар оловдан пайдо бўлади ва сўнг яна оловга айланади. Оламни ҳеч ким яратмаган, у қонуниятли тарзда алангаланадиган ва қонуниятли тарзда ўчадиган абадий барҳаёт оловдир. Гераклит

оловнинг ер, сув, ҳавога айланишини ва аксинча таърифлаб, ҳамма нарса ҳаракатда, ўзгариш ва ривожланишда, дейди.

Гераклит стихияли диалектиканинг асосчиларидан бири ҳамдир. У дунёдаги тўхтовсиз ўзгаришларининг асосий сабабини нарсалардаги қарама-қаршиликлардан, деб билади. Ҳаётда тирик ва ўлик, уйғоқ ва уйқудалик, ёшлик ва қарилик биргадир. Нарсалар доимо ўзаро бир-бирига ўтиб, ўзгариб туради: *«Совуқ иссиқ бўлади, иссиқ совуқ бўлади. Хўл қуруққа, қуруқ ҳўлга айланади. Нифоқлашувчи келишиши, тарқалувчи йиғилиши (бирикиши), ажойиб хилма-хил оҳанглар ҳамоҳангликни кураш жараёнида пайдо қилади».* Гераклит диалектиканинг қарама-қаршиликлар кураши ва бирлигини яхши тахмин қилади: *«Баҳо бебаҳоликдан, бебаҳолик баҳоликдан, улар бир-бирининг ўлими билан яшайди ва бир-бирининг яшаши билан ўлади, ҳаёт ҳаракат, ўзгариш билан ҳаёт, ҳамма нарса ҳаракатда, ўзгаришдадир, бир дарё сувига икки марта чўмилиш мумкин эмас, чунки дарёда тинимсиз янги-янги сувлар оқиб туради». «Денгиз суви ҳам тоза, ҳам тоза эмас. У балиқларга даво, ҳаётбахш бўлса, инсонларга ичиш учун ярамайди ва зарарлидир». «Энг келишган маймун инсон зотига нисбатан энг хунукдир». «Эшакка хашак олтиндан аъло турар». «Табиат қарама-қаршиликка интилади, лекин бир-бирига ўхшашлик эмас, ҳомоханглик туғдиради. Масалан, табиат инсон индивидларини қарама-қарши жинслар – эркак ва аёллардан тузган. Санъат ҳамту рли ҳил оҳанглардан ташкил топади. Расм ҳам қора, қизил, сариқ, оқ бўёқлар бирлигидан пайдо бўлади. Мусиқада эса, юқори, баланд, паст турли овозлардан оҳанг, куй, ашула ҳосил бўлади ва ҳ.к.».*

Маълум бўладики, Гераклит стихияли, содда, аммо тўғри диалектик қарашларни баён этган.

Самослик **Пифагор** (эр.ав571-497й.) бўлса, бутун оламнинг асосини дунёдаги нарса-ҳодисаларнинг негизини «сон» ташкил қилади, дейди. «1» умумий, бошланғич, муқаддас сондир, у барча нарса-ҳодисанинг асосидир.., «2» акс, салбийлик, зиддиятлиликни ифодалайди. «3» бу табиат – учликдир, 1 ва 2-нинг, асос ва акснинг, бошланғич ва унинг қарши томонларининг бирлигидир. «4» - бу табиатдаги тўрт элемент - сув, ҳаво, олов, ердир ва ҳ.к. Пифагор табиий ҳодисаларнинг миқдорий жиҳатларига эътиборни жалб қилиб, илмий фикрлашга муҳим ҳисса қўшади. Хусусан, у геометрияга жиддий аҳамият бериб, «нуқта»ни- «1»га, «чизиқ»ни-«2»га, «юза»ни-«3»га, «жисм»ни-«4»га таққослаб, «уч бурчак»нинг уч бурчаги йиғиндиси ҳақидаги теорема (яъни: а+в+с=2d)ни таърифлаб берди.

Айниқса, Пифагорнинг Шарқ халқларидан олган «Гипотенуза квадрати катетлар квадратларининг йиғиндисига тенг» деган теоремаси математика фанининг келгуси тараққиётида муҳим рол ўйнади.

Қадимги юнон фалсафасида (эр.ав.VI-Vаср) **элеат** фалсафий мактаби вакили **Ксенофан** (эр.ав.565-473й.) Гераклитнинг диалектик концепциясига қарши курашиб, у ҳеч қачон пайдо бўлмаган, йўқ ҳам бўлмовчи, яккаю ягона, ҳар доим барқарор, ўзгармас дунё ҳақида фикр билдиради.

Элеат мактабининг иккинчи вакили **Парменид** (эр.ав.VIаср ох.-Vаср боши) ҳам «Табиат ҳақида» поэмасида: *«Яккаю ягона борлиқ бор, бу борлиқ келиб чиқмаган ҳам, йўқ ҳам бўлмайди, ўзгармайди ҳам. Борлиқ бор, у ҳаракатсиз»,* деб Гераклит диалектикасини қатъий инкор қилади.

Эмпедокл (эр.ав.490-430й.) ўз фалсафий қарашида нарсаларни ташкил этган элементлар ва улардан ҳосил бўлган нарсаларни ҳаракатда, деб қараган. У бу ҳаркатларнинг сабаби, «душманлик» ва «дўстлик», ишқ-муҳаббат ва рашк, рақиблик каби қарама-қарши кучлардир, дейди. Эмпедокл қарама-қарши кучлар тортиш, бирикиш, қўшилиш дўстлик, муҳаббат, севги туфайли содир бўлса; итарилиш,

ажралиш, рақиблик, ёмон кўриш, нифоқлик, душманлик туфайли вужудга келади, деб хулоса чиқаради.

Хуллас, қадимги юнон файласуфлари айни вақтда табиатшунослар ҳам бўлишган. Уларнинг космогоник таълимотлари кейинги давр астрономик билимларнинг ривожланиши, XX аср космонавтикаси учун илк замин бўлди.

Эр.ав. V-IV асрларда, хусусан, V асрнинг 40-30 йилларида қадимги Юнонистон ўзининг энг гуллаган даврига киради. Бу даврда математика, астрономия, архитектурага оид билимлар кучли ривожланиб, қадимги юнон фалсафасининг буюк намояндалари етишиб чиқади. Юнон материалистик фалсафий йўналишининг йирик вакиллари Левкипп ва Демокрит мактаблари шаклланиб, равнақ топади. Бу асрлар орасида дастлаб Суқрот ва Афлотун, сал кейин Арасту яшаб ижод қилди.

Левкипп (эр.ав.500-440й.) олам бўлинмайдиган майда, кўзга кўринмайдиган зарралар ва бўшлиқдан иборат, деган қарашни илгари суради. У оламдаги нарса-ҳодисаларнинг ҳаммаси атомларнинг бирикувидан пайдо бўлади, объектив заруриятдан келиб чиқади, дейди. Левкиппнинг бу қарашларини ривожлантириб, уни юқори поғонага кўтарган Абдерлик **Демокрит** (эр.ав.460-370й.) эди. У «биринчи юнон энциклопедик ақл эгаси» сифатида атомистик назарияни ишлаб чиқди. Демокритнинг бу назариясига кўра ҳам, борлиқнинг асосида атомлар ва бўшлиқ ётади, атомлар эса бўлинмас заррачалар бўлиб, бўшлиқда ҳаракат қилади. Уларнинг турли хил қўшилишидан турли-туман нарсалар келиб чиқади, уларнинг бир-бирларидан ажралишлари туфайли бор нарсалар йўқ бўлади. Абадий сон-саноқсиз атомлар чексиз бўшлиқдаги турли хил жойлашувидан беҳисоб дунёлар пайдо бўлиб, йўқ бўлиб туради. Бу ҳолат табиий зарурият асосида содир бўлади. Сабабсиз ҳеч бир нарча, ҳеч бир ҳодиса йўқ, ҳамма нарса, ҳамма ҳодиса сабабли ва зарурийдир.

Демокритнинг билиш назариясига кўра, сезиш – ҳиссий билишнинг биринчи босқичи, «қоронғи билиш»дир. Чин билиш, ҳақиқатни билиш, инсоннинг ақлий фаолияти орқали юзага келади. Ақлий билиш – энг юқори, энг чуқур, энг тўғри билишдир. Инсон билишда, шубҳасиз, ҳиссий ва ақлий билишни бирликда олиб қарайди.

Демокрит шундай ёзади: *«Донолик уч ҳолатда: яхши фикрлаш, яхши сўзлаш ва яхши ишда кўринади». «Фикрлашга вақт эмас, балки тарбия ва табиат ўргатади».*

Демокритга кўра, Қуёш ва Ой ялтироқ, текис ҳамда юмшоқ атом заррачаларининг тўпланиб, бирикишидан ҳосил бўлган қаттиқ жисм. Ойда тоғлар, водийлар ва жарликлар бор.

Эпикур (эр.ав. 341-270) эса, осмон жисмлари ҳақида шундай дейди: *«Ер, у билан алоқадор ёритқичлар чексиз оламнинг бир бўлагидир, оламда бизнинг дунёмиз каби дунёлар, унга ўхшаш ва ундан фарқ қилувчи дунёлар сон-саноқсиз кўп. Қуёш, Ой ва бошқа юлдузлар тизими гирдобли айланиб турган табиат ё шамол, ёки олов, ёки ҳам униси, ҳам бунисининг қўшилишидан келиб чиққан. Қуёш, Ой ва бошқа ёритқичлар бизнинг сезишимиз даражасида ё катта, ёки кичик бўлиши мумкин. Бу ёритқичларнинг айланиши зарурий ва қонуний ҳаракат туфайлидир».* Эпикур Қуёш, Ой тутилиши, об-ҳавони олдиндан айтиш мумкинлиги, булутларнинг ташкил топиши, сувнинг буғланиш оқибатида булутлар пайдо бўлиши, яъни чақмоқ, яшин, циклон – тўфонлар, Ер қимирлаши сабаблари ҳақида гениал фаразлар билдиради.

Хуллас, Левкипп ва Демокритларнинг атомистик назарияси кейинги давр, айниқса, XX асрда физика, кимё, биология каби фанларнинг равнақ топишида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Афлотун (эр.ав.427-347й.) Афина оқсуяк задоганларидан бўлиб, Кратил ва Суқротдан таълим олди. Афлотун фалсафий таълимоти ўзининг идеалистик тизими,

билиш назарияси, диалектик методи, ижтимоий-сиёсий қарашлари билан характерланади. У «Пир», «Федон», «Теэтете», «Давлат», «Парменид», «Софист» номли асар ва диалогларида ижтимоий-иқтисодий, сиёсий нуқтаи назарларини баён қилади.

Унинг идеалистик фалсафий тизимида «ғоялар дунё»си ва «нарсалар дунёси бор. «Ғоялар дунёси» доимий, ўзгармас, ҳақиқий, чин дунёдир. «Нарсалар дунёси» эса ўткинчи, вақтинча, ўзгарувчан «ғоялар дунёси»нинг хира кўланкаси, соясидир. Оламнинг асосини «ғоялар дунёси» ташкил қилади.

Афлотуннинг билиш назарияси ҳам ўзига хос: жон тандан мустақил, алоҳида руҳий, илоҳий, ҳеч ўлмас. Жон «ғоялар дунёси» билан яқин, у «нарсалар дунёси»га, яъни инсон танига келиб киргач, инсонларда билиш ҳосил бўлади. Афлотун билишда ҳис, идрок, туйғу ҳосил қилувчи сезги аъзоларининг ролини инкор қилиб, билиш жоннинг «эслаши», «хотирлаши», дейди.

Афлотуннинг «Давлат» китобида ҳокимият, унинг шакллари, аҳолиси, табақаларга бўлиниши тўғрисида фикр юритилади. У ўзининг «Идеал давлат» утопиясида жамиятни уч табақага: 1) ҳокимлар – файласуфлар; 2) ҳарбийлар, давлат аппарати ҳодимлари; 3) деҳқон ва ҳунармандларга бўлади.

Афлотун диалектикани «савол-жавоб методи», деб изоҳлайди. У «Давлат» асарида, бу усулни қўллаб, уни «диалектик» метод, дейди. У диалектикага шундай таъриф беради: *«Диалектика кишиларни савол-жавоб бера билишга ўргатади», «уни хусусан, нутқда қўллаш муҳим аҳамиятга эга»*. Афлотун «Парменид» китобида диалектикани тушунчалар: умумийлик, конкретлик, айният ва қарама-қаршилик, кўплик ва яккалик кабилар муносабатларида ишлаб чиқади. У диалектикани «ғоялар»га хос хусусият, деб тушунади.

Афлотун Паракда боғида шогирдларига дарс бериши асносида Афинада Академия ташкил топади. Афлотуннинг идеалистик фалсафий таълимоти Ўрта аср схоластикасига, Шарқ, жумладан, Марказий Осиё халқлари тафаккурига катта таъсир қилган.

Қадимги юнон фалсафасининг энг сўнгги буюк намояндаси **Арасту** (эр.ав.384-322 й.) Стагира шаҳрида туғилиб, 17 ёшида Афлотун академиясига ўқишга кириб, 20 йил таълим олади. У Афлотун билан кўп масалаларда мунозаралар қилиб, устозининг фалсафий таълимотини рад қила бошлайди. Афлотун вафотидан кейин Арасту Афинада ўз мактабини ташкил қилиб, уни юнон фани ва фалсафасининг марказига айлантиради. У қадимги Юнонистонда барча илмлар ютуқларини эгаллаб, уларни системалаштиради, ривожлантиради. Ҳозирги замон табиатшунослиги, жамиятшунослиги, мантиқ фани ўзининг дастлабки тараққиёти ибтидосини Арасту илмий фаолиятидан олган. Унинг «Физика», «Математика», «Жон тўғрисида», «Категориялар», «Иккинчи Аналитика», «Топика», «Органон» асарларида табиатшунослик ва жамиятшунослик, фалсафага оид қарашлари тўла ифодасини топган.

Арасту Афлотуннинг «ғоялар дунёси» тўғрисидаги назариясига қатъий рад қилиб: «Бу қанақаси? Асл – ўзгармас, унинг акси, сояси эса ўзгарувчан бўлар экан, бу мантиққа зид қараш-ку!» дейди. Арастуга кўра, нарсаларнинг асли, моҳияти, субстанцияси шу нарсаларнинг ўзидадир.

Арастунинг «Метафизика» асарида тўрт хил сабаб ҳақида фикр юритилади: 1) моддий сабаб (модда ҳар бир нарсанинг материали); 2) шаклий сабаб (шакл ҳар бир нарсага қиёфа ато қилади); 3) яратувчи сабаб (ота-она боланинг сабабчиси); 4) мақсад. У бу сабабларнинг ҳар бирини таҳлил қилиб, изоҳлаб беради: *агар модда ва шакл «нарсалар нималардан тузилган?» деган саволга, яратувчи сабаб «нима*

яратилди?» – деган саволга жавоб беради. мақсад «нима учун?» – деган саволга жавоб бўлиб, унда табиат ҳодисаларининг келиб чиқиши, пайдо бўлиши ифодаланади. Арасту бу билан ҳар бир ижтимоий ҳодисада, ҳар бир инсон фаолиятида маълум мақсад борлигини қайд қилади.

Арасту имконият ва воқелик категорияларини ҳар томонлама тадқиқ қилиб ишлаб чиқди.

Арастунинг тарихий хизмати эса унинг натурфалсафаси ва билиш назариясидир. У: *«Ақл (идрок), фикр, онг табиат бўлмаса, у билан мувофиқ келмаса, демак, (улар) сохтадир»*, дейди. Арасту билишда борлиқни эътироф қилади, табиат, моддий олам инсон онгидан, инсонга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлиб, улар инсон сезгиси, идроки, онги тафаккури, бир бутун билишининг манбаи, деб ҳисоблайди. Инсоннинг билиши унинг айрим предмет, буюм, ҳодисаларни сезишидан, сўнгра ақл, тафаккур, назарий билимлар воситасида умумийликни билишга эришади. Арасту шундай ёзади: *«..кимки ҳеч нарсани сезмаса, у ҳеч нарсани билмайди ва ҳеч нарсани тушунмайди; агар бирор нарсани билса, (мушоҳада қилса) унда у киши буни тасаввур сифатида ҳам билиб олади, чунки тасаввурлар сезгилар демакдир. Фақат материясиздир, холос».*

Арасту фикрича, борлиқда олти хил ҳаракат, умумий ўзгаришлар бор: а) моҳиятдаги ўзгаришлар: 1) пайдо бўлиш; 2) йўқ бўлиш; 3) тор маънода ўзгаришлар; б) бир ҳолатлардан бошқа ҳолатга ўтиш - сифатий ўзгариш; 4) кўпайиш; 5) озайиш-миқдорий ўзгариш; 6) жой алмашуви, ҳол ўзгариши.

Арастунинг билиш назарияси унинг мантиқ ҳақидаги мулоҳазалари билан, фалсафий ва мантиқий категорияларни таърифлаш билан чамбарчас боғлиқ. У категорияларни ўн гуруҳга бўлиб тасниф қилди: 1) моҳият; 2) миқдор; 3) сифат; 4) муносабат; 5) ўрин; 6) вақт; 7) ҳолат; 8) эгалик; 9) таъсирланиш; 10) изтиробланиш. Унинг категорияларни бундай гуруҳларга ажратиши моддий дунёни, табиатни, жамиятни, инсон онги ва руҳиятини ўрганишда муҳим рол ўйнайди.

Арасту биринчи бўлиб формал мантиқ қонунларини очди ва тафаккурнинг ҳамма муҳим шаклларини тадқиқ қилди.

Арастунинг иқтисодий назария соҳасида қарашлари – айрибошлаш, қиймат шакллари, эквивалент шакллари, меҳнат, тенглик муаммоларига оид тадқиқотлари жамият иқтисодини ўрганишнинг дастлабки баёнларидандир. Арасту товарнинг пул шаклини оддий қиймат шаклининг янада ривожланишидан, яъни бир товар қийматининг бошқа бир товарда ифдаланишининг янада ривожланишидан, иборат эканлигини мутлақо равшан таърифлади: *«5 ложа – фалон қадар пулга» дейишдан фарқ қилмайди. Тенг бароварлик бўлмаса, айрибошлаш, бўлмагани каби, ўлчовдошлик бўлмаса, тенг бараварлик ҳам бўлмайди»...*

Арасту Қадимги юнон фалсафасида Гераклитдан кейин диалектикани ривожлантирган файласуфдир. Унинг табиий-илмий қарашлари баён қилинган «Физика», «Осмон ҳақида», «Метеология», «Ҳайвонларнинг келиб чиқиши», «Метафизика», «Этика» асарларида диалектик фикр илгари сурилади.

Хусусан, «Физика»да бундай ёзади: Биринчи модда – оламнинг субстрати, материали «икки сифатли» бўлиб, ўзаро зид – иссиқлик ва совуқлик, қуруқлик ва намлик хусусиятлари билан дунёнинг асосини ташкил қилади. Мазкур хусусиятлар қўшилиб, иссиқ ва қуруқ – оловни, иссиқ ва ҳўл – нам ҳавони, совуқ ва нам – сувни, совуқ ва қуруқ – ерни ҳосил қилади. Бу тўрт элемент бир-бирлари билан қўшилиб, турли жисмларни ҳосил қилади, ўз навбатида бу жисмлар қўшилиб, емирилиб туради. Масалан, сувнинг буғга айланиши ёки ҳавога ўтиши шу элементларнинг турлича қўшилиши туфайли рўёбга чиқади. Ҳар бир элементнинг ўз жойи бор: олов ва ҳаво

юқорида, сув ва ер қуйида бўлади. Арасту бешинчи элемент – эфирни бешинчи моҳият, деб атайди. У Демокритнинг атом назариясига қарши чиқиб, нарсаларда бўлинмас зарра йўқ, ҳамма зарралар бўлинаверади, нарса, жисм таркиби чексиз», дейди.

Арастунинг космос ҳақидаги таълимотига кўра, оламнинг марказида ер туради, у сокин ҳолатда мавжуддир. Ернинг атрофидаги давраларга – сайёралар, қуёш ва юлдузлар осмонда жойлашган бўлиб, улар Ерни тўрт томондан айланиб туради. Арастунинг ушбу назариясини машҳур астроном **Птоломей** давом эттирди ва геоцентрик (оламнинг маркази Ер деювчи) назария қарор топади. Астроном **Гиппарх** эса Қуёш, Ой, сайёралар, юлдузлар каталогини тузади. **Эратосфен** бўлса, Ер шарининг айланма узунлигини ўлчайди ва ҳ.к. Лекин антик юнон космологиясида геоцентрик назария ҳукмронлик қилгани ҳолда **Аристрах Самосский** Ернинг Қуёш ҳамда ўз ўқи атрофида айланиши ҳақида ўз қарашларини ишлаб чиқди.

Қадимги юнон фалсафасининг ўзига хос ютуқларидан бири диалектика дунёга, борлиққа муносабат, уни тушуниш усули, савол-жавоб санъати сифатида, материалистик ва идеалистик кўринишларда стихияли шаклда юзага келганлиги тарихий факт эди.

Хуллас, Арасту ўз даври илм-фан, санъат ва сиёсат соҳаларида эришилган ҳамма ютуқларни фалсафий умумлаштиришга муваффақ бўлган мутафаккир. Унинг асарлари антик жамиятнинг билимлари, фалсафий тафаккур тарихининг муҳим манбаи ҳисобланади. Унинг фалсафий таълимотининг прогрессив жиҳатлари кейинги давр Ўрта асрлар Шарқ, Марказий Осиё, Ҳиндистон ва Уйғониш даври Европа халқлари фалсафий тафаккурига катта таъсир кўрсатди.

Эр.ав. II-I асрларга келиб, Юнонистон **Рим империяси**га қарам бўлиб қолади. Антик даврда эришилган моддий ва маънавий бойликларга энди Рим империяси эгалик қила бошлади. Юнон фалсафаси ҳам Рим олимлари томонидан ўзлаштирила бошланди. Юнон файласуфларининг фалсафий назариялари Рим мутафаккирлари томонидан қайта ишланиб, уларни қайта тиклаш асосида турли йўналишдаги фалсафий таълимотлар пайдо бўлди. Римда Лукреций Тит Кар, эклектик Цицерон, неоплатонизм оқимининг асосчиси Плотинлар яшаб, ижод қиладилар.

Лукреций Кар (эр.ав.99-55й.) ўзининг «Нарсаларнинг табиати тўғрисида» асарида Демокрит ва Эпикур таълимотини таҳлил қилиб, уни тарғиб қилди. У атомистик назарияни ривожлантирди.

Лукреций Карнинг баёнига кўра, материя абадий, у бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга айлана боради, ҳеч нимадан ҳеч нима келиб чиқмайди, уруғдангина у ёки бу ўсимлик ёки ҳайвон пайдо бўлади. Биз атомларнинг кичиклиги туфайли уларни кўра олмаймиз. Денгиз қирғоғида кўйлагимиз нам бўлиб қолади, қуёшда эса бу намлик йўқолиб, кўйлак қуриб қолади. Биз намликнинг пайдо бўлишини ҳам, унга акс жараённи ҳам кўра олмаймиз. Узук кўп тақилиши туфайли юпқалашади, йўлак эса кишиларнинг қатнайверишидан сийқалашини ҳам сезиб, ҳис қилмаймиз. Атомлар, зарралар, шаклга, оғирликка, ҳажмга эга бўлиб, бўшлиқда доимо ҳаракатдадир. Нарсалардан улардаги хусусиятларни ажратиш мумкин эмас. Масалан, оғирликни тошдан, иссиқликни оловдан, намликни сувдан ажратиб бўлмайди. Материяга вақт ва макон хосдир. Материя – майда зарралар – атомлардан иборат, атомлар бўлинмайди ва бузилмайди.

Ер ҳам бошқа дунёлар каби табиий сабабларга кўра пайдо бўлган. Ерда ҳам, кўкда ҳам, сувда ҳам, набодот, ҳайвонот оламида ҳам ҳамма нарса-ҳодисалар моддий сабабларга эга. Танадан айрим жон йўқ. Ҳеч қандай дунёвий руҳ, дунёвий ақл ҳам йўқ. Жон тез ҳаракат қиладиган атомлардан иборат, ақл ва онг ундан тузилгандир.

Лекин жон бутун танага ёйилган бўлса, руҳ инсон кўкрагининг ўртасида жойлашган. Лукреций Кар дунёни инсоннинг билиши мумкинлигини эъироф қилиш билан бирга, билишда мақсад – кишиларни турли ҳурофатлар таъсиридан озод қилишдир, дейди. Унингча, дунёни билишда билимларимиз фақат сезги аъзоларимиз орқали олинган маълумотларга таянади. Агар сезги аъзоларимиз дунё тўғрисида тўғри маълумот беролмаса, у вақтда кишилар дунёни била олмаган бўлар эди.

Машҳур нотиқ **Марк Туллий Цицерон** (эр.ав.106-43й.) фалсафа соҳасида эклектик қарашлари билан майдонга чиқади. У бошқа тиллардаги фалсафий луғатлардан фойдаланиб, лотин тилида луғат тузади; У ўзининг «Давлат тўғрисида», «Қонунлар ҳақида» асарларида қулдорлар аристократиясини ҳимоя қилади, сенаторларни ёқлаб, хусусий мулкчиликни жамиятнинг асоси, деб ҳисоблайди. Давлат қулдорларнинг хусусий мулкини ҳимоя қилиш керак. Халқ оммаси, айниқса, қуллар фақат жисмоний меҳнат қилиш учун яратилган, дейди. У давлат арбоби сифатида сиёсий жиҳатдан Демокрит ва Эпикур издошлари, Лукреций Кардек замондошларига қарши кураш олиб боради.

Рим империясида юзага келган неоплатонизм оқимининг асосчиси **Плотин** (204-270й.) фикрича, оламий жараён пайқаб ва ифодалаб бўлмайдиган илоҳий бош ягона ибтидодан бошланади. Бу ибтидо бутун борлиқ асоси бўлган ягона илоҳий куч – Худодир. Қолган барча (руҳий, ҳиссий, моддий) нарсалар шу илоҳий кучдан яралган нурнинг эмманацияси натижасидир. Қуёш ўзидан нур таратган каби, илоҳий куч – Худо ҳам ўзидан бутун коинотни эмманация усули билан чиқариб юборган. Инсоннинг жони ва танаси ҳам Худо томонидан эманация қилингани учун инсон ҳаётининг олий мақсади – ўз жонининг Худо билан қўшилишига эришувдан иборатдир. Киши бунга экстаз (жазава) ҳолатга тушиш орқали эришади. Бунинг учун киши ўз нафси ва жисмоний иштиёқларини тийиш воситаси бўлган ҳамда бутун руҳий кучларини ривожлантириш йўли билан юксалиб боришнинг олий экстаз (жўш уриш) босқичида инсон руҳи Худо билан қайтадан бирлашади.

Плотиннинг фалсафий маълумотида ҳам диалектика ўзига хос ифодасини топган. Унда оламдаги уйғунликка, гўзаликка, яхшилик ва ёмонликка сабаб бўладиган, уларнинг моҳиятини ташкил этган қарама-қаршиликлар ва уларнинг бирлиги кўрсатиб берилган. Рим империяси ички зиддиятларининг тобора кескинлашиб бориши натижасида, қулдорлик жамияти ичида инқироз кучайиб, жамият мафкураси соҳаларига диний, идеалистик ақидавий таълимотлар кенг ёйилиб, юнон жамиятида эришилган маданият, фан, санъат ва фалсафа соҳаларидаги ютуқларга нисбатан реакция авж ола бошлайди. Кутубхоналар ёпилиб, тараққиётпарвар илғор кишилар: олимлар ва файласуфлар қувғин этила бошлайди. Европа мамлакатларида схоластик дин ҳукмронлигига сабаб бўлди.

Ўрта аср ислом фалсафаси мамлакатимизда ислом динининг тараққий этиши билан узвий боғлиқдир. Бу фалсафа Ватанимиз асл фарзандлари – улуғ бобокалонларимизнинг ислом дини, ислом фалсафаси ва жаҳон цивилизациясига катта таъсир кўрсатган таълимотлари дунёга келган давр фалсафаси ҳамдир.

Халқимиз маданияти ва маънавияти ниҳоят даражада ривожланганини бутун жаҳонга яққол намоён қилган давр фалсафасидир. Мавзуни ўрганишдан мақсад, Президентимиз Ислом Каримов таъбири билан айтганда, ёш авлод қалбида мафкуравий иммунитетни шакллантириш, *«Ёшларимизнинг иймон-эътиқодини мустаҳкамлаш, иродасини бақувват қилиш, уларни ўз мустақил фикрига эга бўлган баркамол инсонлар этиб тарбиялаш. Уларнинг тафаккурида ўзлигини унутмаслик, ота-боболарнинг муқаддас қадриятларини асраб-авайлаш ва ҳурмат қилиш фазилатини қарор топтириш»*дан иборат. Юртбошимизнинг ушбу мулоҳазасини

жамиятимизнинг фалсафага, унинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятига нисбатан муносабатни тубдан ўзгартиришга даъват сифатида тавсифлаш мумкин.

Ўрта аср Шарқида араб халифалиги даврига келиб янги феодал ишлаб чиқариш усулининг қарор топиши билан интеллектуал билимлар монополияси руҳонийлар қўлига ўтади. Натижада диний расм-русумлари ва анъана-одатлари жамиятдаги ахлоқий-иқтисодий ва ҳуқуқий-иқтисодий нормаларга айланади. Бу даврда фалсафа амалиётдан ажралиб, кўпроқ схоластикага айланиб, илоҳиёт ҳақидаги таълимот характерини олади. Бу давр мутафаккирлари оламнинг табиати ва моҳияти, унинг тараққиёти, коинотнинг сирлари, инсоннинг ҳаёти, унинг дунёдаги ўрни ҳақида, инсонда учрайдиган ҳар хил касалликларнинг сабаблари ҳақида диний қарашлар билан бирга, улардан тубдан фарқ қиладиган табиий-илмий ва фалсафий қарашларни ҳам илгари сурадилар.

Бу билан улар илғор фалсафий дунёқарашга ва табиатшунослик билимлари ривожига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар. Бу мутафаккирлар Ўрта аср Шарқ фалсафасига асос соладилар. **Ёқуб Ибн Исҳоқ ал-Киндий** (800-879) биринчи араб файласуфи эди.

Ал-Киндий асли арабларнинг Яманда яшайдиган Кинда деган қабиласидан чиққан. Тўлиқ номи Абу Юсуф Ёқуб Ибн Исҳоқдир. Бошланғич таълимни Куфадан олиб, сўнг Басрага боради. У ерда ўзига зарур, деб билган билим соҳаларини эгаллаб, Бағдодга келиб, дастлаб форс, юнон фалсафасини ўрганишга киришади. Лекин бу даврда юнон фалсафасига оид кўп китоблар араб тилига ҳали таржима қилинмагани сабабли у юнон тилини ўрганишга киришади. Ал-Киндий қадимги юнон файласуфларининг асарларини ўрганиш билан чекланмай, уларнинг бир нечтасини араб тилига таржима ҳам қилади. У тез орада шуҳрат топади. Халифа Ал-Маъмун уни «Байтул ҳикма» («Донолар уйи») академиясига жалб қилади. Ал-Киндий бу ерда йирик таржимон ва олим Хусайн Ибн Исҳоқ қўлида таржима илмини ўрганади. Аристотелнинг «Метафизика», Птоломейнинг «География», Евклиднинг «Элементлар» китобларини юнон тилидан араб тилига таржима қилади. Аристотелнинг «Категория», «Иккинчи аналитика», «Органон» асарларига, Птолемейнинг «Альмагест» асарига, Эвклиднинг «Элементлар» китобларига шарҳлар ёзади.

Унинг ўзи ҳам шу даврда мавжуд бўлган билимларнинг турли соҳаларида ижод ҳам қилади. Математика, астрономия, кимё, тиббиёт, мусиқа соҳаларига оид 270 та асарлар яратади, бироқ бизгача жуда оз қисми етиб келган. Унинг фалсафий қарашлари ўша пайтда энг илғор оқим сифатида танилган муътазиллийлар таълимоти билан узвий боғлиқ ҳолда юзага келади.

Ал-Киндий фалсафа билан дин ўртасидаги тортишувни фалсафа фойдасига ҳал қилади. У фалсафа фанини *«Инсоннинг тоқати етгунчанарсалар ҳақиқатини билиш илми»* ёки «*Ҳар бир ҳақиқат сабабини биринчи ҳақиқатга олиб борувчи илм*» деб таърифлайди.

Унинг фикрича, *ҳақиқат изловчи учун ҳеч бир нарса ҳақиқатнинг ўзидан қимматлироқ эмас*. Ал-Киндий ўз қарашларида: олам марказида Ер, у эса осмон гумбази билан ўралган. У дунёни икки оламга бўлади: Ердаги ва фалакдаги оламлар. Ердаги инсонлар яшайдиган олам ўзгариш, ривожланиш, чириш ва ўлиш каби хусусиятларга эга; фалакдаги олам эса ўзининг ўзгармаслиги, ривожланмаслиги ва ўлмаслиги билан Ердаги оламдан фарқ қилади. Оламнинг вужудга келишида ва ҳаракатланишида унга туртки берган биринчи сабаб Аллоҳни азалий, абадий ва яккаю ягона, коинотда умумий тартибларни ўрнатувчидир.

У Аристотель фалсафасини жуда яхши билган ва ҳатто унинг баъзи бир ғояларига танқидий ёндашган. У Аристотелнинг 10 та категорияси ўрнига ўзининг 5 та прасубстанциясини (материя, шакл, ҳаракат, макон ва замонни) илгари сурган. Табиатдаги барча нарсалар материядан, у эса тўрт унсур: олов, сув, ҳаво ва тупроқдан иборатдир. Материя доимий ҳаракатда, ҳаракат эса ўзгариш демакдир. Ҳаракат олти тур бўлади: 1) пайдо бўлиш; 2) йўқ бўлиш; 3) узайиш; 4) қисқариш; 5) ўзгариш; 6) силжиш. Вақт ҳаракатнинг секин ёки тезлигидан иборат. Макон, жисмни ўз ичига оладиган, жисмдан ташқаридаги сатҳ. Ал-Киндий фикрича, илмий билишнинг 1-босқичи мантиқ ва математика ёрдамида юзага келса, табиатшунослик билимлари орқали инсон илмий билиши – билишнинг 2-босқичига кўтарилади. 3-босқичига эса метафизика орқали кўтарилади.

Ал-Киндий «Аристотель китобларининг сони ва фалсафани ўрганиш учун нималарга муҳтож бўлинади?», «Платоннинг «Сиёсат» китобида эслатиб ўтилган рақамларини қандай тушуниш кераклиги ҳақида рисола», Птолемейнинг «Алмагест» китоби ва Аристотелнинг «Аналитика» китобига изоҳ», «Гиппократнинг тиббиёти ҳақида рисола» рисолаларида илгари сурилган ғоялар билан перипатеизм таълимотига асос солди.

Ўрта аср эрон фалсафасининг буюк вакили **Ар-Розий (864-92**5)нинг тўлиқ исми **Абу Бакр Муҳаммад Ибн Закариё ар-Розийдир.** У Рай шаҳрида дунёга келади. У ёшлигидан араб ва қадимги юнон тилларини ўрганади, Рай ва Бағдод шаҳарларида ўқийди. У айниқса, тиббиёт, кимё, ботаника, астрономия, математика, мантиқ ва фалсафага оид илмларни чуқур эгаллайди. Рай ва Бағдод шифохоналарини бошқаради. Розий ўз даврининг Галени (Жолинуси) деб танилиб, Европада лотинча Разес деб аталади. У тиббиёт, кимё ва фалсафага катта ҳисса қўшади, табобат, кимё, фалсафа, мантиқ, этика, илоҳиёт, астрономия, физикага оид 184 та асар қолдиради, шулардан бизгача 61 таси етиб келган (36 таси тиббиётга, 4 таси кимёга оид).

Розийнинг фалсафий қарашларида материалистик тенденциялар устун. Унинг илмий тадқиқотлари тажриба ва эксперементларга асосланган табиатшуносликнинг фалсафий муаммоларига кўпроқ оиддир.

Унингча, реал дунё бешта азалий бошланғич: материя (хаюло), макон, замон, жон (ан-нафас) ва Худонинг бир-бирига қўшилишидан иборат. Худо дунёни яратувчи эмас, балки бошқарувчи куч. Розий Худони бутунлай инкор этмайди. У материянинг абадийлиги, макон ва замонда чексизлиги, дунё ҳеч ким томонидан яратилмаганлиги, ҳаракат эса нарсаларнинг ажралмас хусусияти, унинг манбаи нарсаларнинг ўз ичида, деб билади. Розийгача аксарият файласуфлар Худони биринчи сабаб, деб, материянинг абадийлигини Худонинг абадийлигидан келтириб чиқариб изоҳлаган бўлишса, Розий материянинг абадийлиги ҳақидаги таълимоти билан оламнинг Худо томонидан яратилмаганини исботлашга ҳаракат қилди.

Розий инсон ақл-идрокини беҳад улуғлади, одамларни табиат ҳодисаларини ўрганишга чақирди. Унинг «Китоб тибби ар-руҳоний» рисоласида инсонларнинг энг олий ахлоқий-иқтисодий етукликка эришиш йўллари, бу йўлда учрайдиган тўсиқлар, кишидаги камчиликни енгиб ўтиш йўлларини ҳам кўрсатиб берилади.

Ислом ақидаларини инкор қилгани учун ислом ортодоксал (юнонча ортодокс – ўзбекча тўғри фикр) руҳонийлари расмий равишда Розийни динсизликда айбланганлар. Розий ҳатто ислом дини ақидаларини танқид қилувчи «Нақд аладён» («Динлардаги зиддият») ва «Ҳиял алмутанаббийин» («Сохта пайғамбарлар найранги») номли икки асар ҳам ёзган. Бизгача бир неча фрагментлардагина етиб келган.

Розий халқларнинг ўзаро тенглиги, кишиларнинг динга нисбатан эркинлиги ҳақидаги фикрларни ҳам илгари суради. У мутакаллимлар, моний, исмоилийлар таълимотларини ҳам рад қилган.

Унинг фалсафий қарашлари кейинги даврлардаги мутафаккирларнинг эркин фикр юритиш, прогрессив фалсафий қарашлар ҳамда табиатшунослик масалаларининг янада ривожланишида муҳим рол ўйнади.

Ўрта аср калом фалсафасининг йирик назариётчиси **Абу Ҳомид Муҳаммад Ибн Муҳаммад ал-Ғаззолий (1058-1111)** машҳур ислом илоҳиётчисидир. У Тус шаҳрида косиб оиласида дунёга келади. Унинг отаси Муҳаммад Ибн Аҳмад ип йигирувчилик билан тирикчилик қилади. У дастлабки маълумотни Нишопурда олиб, сўнг уни Бағдодда давом эттиради. «Низомия» мадрасасида ислом ҳуқуқи – фиқҳдан, мантиқ ва фалсафадан дарс беради. Сўнг мударрисликдан воз кечиб, 11 йил зоҳидликка берилади.

Ғаззолий ҳақиқатни билишнинг энг тўғри йўли файласуфлар каби фақат ақл билан билишми, каби шубҳа ва саволларга тўғри жавоб топишда жуда кўп изланади. Ниҳоят, охирги энг тўғри йўл, Ислом динининг муқаддас манбалари Қуръон ва Ҳадис илми эканлигига ишонч ҳосил қилади.

Абу Ҳамид Ғаззолий ислом илмларини дунёвий илмларга қўшиб чуқур эгалайди. У ҳар бир ўрганган нарсасини ислом тарозисида ўлчаб, баҳолашга ҳаракат қилади. Оқибатда, юздан ортиқ асарлар вужудгакелади. У фиқҳга оид «Босит», «Важид» ва «Қосит»; Калом таълимотига доир «Тавҳидул Аъқоид», «ар-рисолат-ул-қудсия», «ал-иқтисоду фил эътиқод», «Ижмои-ал-аввом ан илм-ал-калом» каби асарлар ёзади. Ғаззолий калом илмини фақат иймонида шубҳага тушганларни тузатишга ярайди, деб ҳисоблайди.

Ғазоллийни жаҳонга машҳур қилган асарлари – булар муътазиллийлар, ботинийларнинг йўлдан озгани ва исломни заифлаштиришларига қарши ёзган «Фадоих ал-ботиния», «Ал-қисмои-ал-мустақил», «Ҳужжатул-Ҳақ», «Муфаси-ул-Хилоф» ва «Ад-Дирас ал-Марғум» асарларидир.

Абу Ҳамид Ғаззолий юнон файласуфлари асарлари билан ҳам танишиб чиққан, у Форобий ва Ибн Синонинг Платон ва Аристотель фалсафаси таъсирида қолганликларини танқид қилиб, «Тахофут-ул-фалосифа» («Файласуфларга қарши») асарини ёзди. У бу асарида исломни, Қуръонни «инсон ақли» тарозисига солишни қоралайди. Аксинча, инсониятнинг ақлий билимларини «Қуръон» тарозисида текшириб чиқиш керак. Шундай қилинмаса, исломни янглиш тушуниш давом этаверади. Бунинг олдини олишимиз зарур, дейди у. Ғаззолий кишилар ҳақиқатни таниши, яъни Аллоҳни таниши кераклиги, улар ҳис-туйғуда ҳам, ақлий билимларда ҳам адашишларини исботлайди. У «Ихё улум-ад-дин» асарида билиш кишининг дилида мужассамдир, дейди. Дилга эса жон, ақл, нафс киради, улар жисман ва руҳан бирдир. Шунингдек, «Қуръон» ва «Ҳадис»нинг қайси жойида «дил» сўзи келса, ундан албатта нарсаларни англаб, уларнинг моҳиятига ета олувчи инсон маънавияти тушунилади, деб ёзади.

Ғаззолий ўзининг «Аб хал-валад» («Эй, фарзанд!») деб номланган рисоласида: «Башарти юз йил илм ўрганиб, мингта китобни ўқиб жамулжам этсанг-у аммо унга амал қилмасанг, Аллоҳнинг раҳматидан умидвор бўлишга ҳаққинг йўқ», – дейди. У яна шундай ёзади: Бандалик уч асосдан иборат: биринчиси – шариат ишларини давом эттириб, уни ҳимоя қилмоқ; иккичиси – Аллоҳнинг тақдири азали ва қазо қадарига рози бўлмоқ; учинчиси – Аллоҳнинг розилигидан келиб чиқиб, нафснинг хоҳлаган нарсаларини тарк қилмоқдир.

Унингча, илм олишдан мурод – бу кишининг тоат-ибодат қилиш моҳиятига тушуниб етмоқликдир. Тоат-ибодат яхши ва ёмон, ҳалол ва ҳаром ишларда, сўз ва амалда шариатга эргашмоқдан иборат.

Ғаззолий асаввуф таълимоти ҳақидаги Маккий-Абу Толиб, Хорис ал-Мухосибий, Шайх Шиблий, Жунайд ал-Бағдодий асарларини ўрганиб чиқиб, ўзи ҳам бу ҳақда «Ихё Улум-уддин» номли асар ёзади. У бу асарида тасаввуф илмини тўғри таълимот, деб баҳолайди.

Хуллас, Ғаззолий ўзининг асрларида ислом илоҳияёти тизимини ишлаб чиқиб, уни фалсафий жиҳатдан асослаб беради. Унинг «Адашишдан қутқарувчи» асарида Аллоҳга, пайғамбарга ва охиратга ишониш – ислом динига ишонишнинг асосидир, дейди. У Аллоҳни инсон ақл орқали англаш мумкин эмас, уни киши махсус руҳий... жисмоний (психофизик) ҳаракатлар: сиғиниш ва ибодат орқали англаши, билиб олиши мумкин, дейди.

Умуман, Ғаззолий сўфизм таълимотини янада ривожлантириш билан бирга, у ўз асарларида Аристотель, Форобий ва Ибн Сино каби мутафаккирларнинг рационалистик фалсафий системаларига қарши ашаддий кураш олиб борди. Ғаззолийнинг фалсафий ғоялари Ўрта аср яҳудий (Маймонид, Бахил Ибн Пакуда) ҳамда Европа христиан (Р.Луллий, И.Экхарт ва б.) диний фалсафий таълимотларига катта таъсир қилади.

Бироқ Ғаззолийнинг ислом илоҳиётига оид қарашларига Ўрта аср араб халифалигининг ғарбий қисмида яшаб ижод этган араб файласуфи **Ибн Рушд (1126-1198**) қарши чиқди. Асли номи Адуб-Валид Муҳаммад Ибн Аҳмад (Европада Аверроэс) ҳозирги Испаниянинг Кордоба шаҳрида туғилиб, Андалусия ва Марокко шаҳарларида яшаб, ижод этди ҳамда Мароккода вафот этди. Ибн Рушд Аристотель қарашларини давом эттириб, ўз фалсафасида материализм элементларини ривожлантириш асосида ўз шахсий фалсафий системасини яратган. У ўз қарашларида Худони эътироф этса-да, дунёни, материяни Худо яратмаган, дейди. Материя бениҳоя, абадий ва азалий, дейди. Унинг қарашича, моддий дунёда фақат зарурият ҳукм суради, Худо ҳам шу зарурийтга бўйсунади. Ибн Рушд кишининг ўлгандан кейин тирилиши, охиратнинг мавжудлиги тўғрисидаги қарашларни бутунлай рад қилади. У инсондаги жонни тана билан чамбарчас боғлиқ, дейди. Унингча, жон умуман олганда ўлмасдир, бир бутун ҳолда олганда, инсоният ҳам ўлмасдир, унинг умумий ақли, яъни умумий ақл ҳам ўлмас ва адабийдир. Инсон ақли ҳақиқатни билишга қодир.

Ибн Рушд ўз даври учун прогрессив бўлган «икки хил ҳақиқат» тўғрисидаги таълимотни яратади. Илмий-фалсафий фикр эришган ҳақиқат диний таълимотлардаги ҳақиқатга мос келмаслиги мумкин. Ибн Рушд «Раддияни рад этиш» («Тахофут-ут-тахофут») асарида Ғаззолий қарашларини қаттиқ танқид қилади. У киши олий камолотга фақат зикру сано орқали эмас, балки фалсафий билимларни эгаллаш орқали эришади, деб таълим беради. Ибн Рушд ва унинг фалсафий таълимотига қарши кейинги давр бутун мусулмон ва христиан илоҳиётчилари қаттиқ кураш олиб борди.

Ўрта аср ислом фалсафаси дейилганда, ислом динини қабул қилган ва ўз асарларини араб тилида ёзган, араб халифалигига қарашли ҳудудларда яшовчи мутафаккирлар томонидан ишлаб чиқарилган «Қуръон» ва «Ҳадислар»га асосланувчи, фалсафий таълимотлар мажмуи тушунилади. Ўрта аср ислом фалсафасининг пайдо бўлиши «Қуръон» ва кейинчалик ислом илоҳиётида юзага келган мутакаллим ва муътазилийлар фаолияти билан боғлиқ ҳолда юз берди. Бунда неоплатонизм билан янги аристотелизмнинг бирикиши Шарқ перипатетизмини

келтириб чиқарди. Шарқ перипатетизмининг навбатдаги ривожланиши Ўрта асрдаги Ўрта Осиёлик мутафаккирлар фалсафий қарашларида ўз ифодасини топади.

Марказий Осиёдаги диний, илмий ва фалсафий қарашлар.

VII асрда Мовароуннаҳр майда амирликлардан иборат Турк қоғоноти тизимига кирар эди. Турк қоғоноти билан сосонийлар Эрони ўртасидаги тўқнашувлар ўта шиддатли тусда юз берар эди. VIII асрнинг бошларида бу ҳудуд араб халифалигига бўйсундирилгач, бу ердаги халқларга янги дин – ислом дини жорий қилинди. Бу даврларда Марказий Осиё ҳудудида Суғд, Хоразм, Фарғона, Уструшана, Чағаниён ўлкалари Шарқ билан Ғарбни, Шимол билан Жанубни боғловчи Ипак йўлининг маркази бўлиб, улар маданий жиҳатдан анча ривожланган эди. Арабларга қарши маҳаллий халқ вакиллари Абу Муслим, Муқанна, Ҳамза ал-Ҳориж, Рафи Ибн Лайс бошчилигида халқ қўзғолонлари бўлиб ўтди. Бу давр диний илмлар соҳаларида имом Бухорий, имом Термизий, имом Абу Ҳанифа, имом Мотуридий ва имом Бурҳониддин Марғинонийлар пешқадамлик қилганлар.

Имом Бухорий (810-870) йирик илоҳиётчи, муҳаддис сифатида 60 мингга яқин ҳадис тўплаган, улардан ишончли деб топганлирини «Саҳиҳи Бухорий» номли махсус тўплам ҳолига келтирди.

Имом исо Термизийдан (824-892) «Пайғамбарнинг алоҳида фазилатлари», «Ҳадислардаги ихтилоф ва баҳслар ҳақида рисола», «Тарих» ва бошқа асарлар мерос бўлиб қолган.

Абу Ҳанифа Нуъмон Ибн Собит Куфий (699–767)ҳанафия мазҳабига асос солган.

Абу Мансур Мотуридий (870–944) калом илмининг ақл мақомига алоҳида эътибор қаратган Самарқандда Мотуридия мактабини яратган. «Тавҳид» ва «Таъвилот» асарлари машҳур. Калом диний ақидаларни асослаб берувчи ислом илоҳиётининг ўзига хос фалсафий таълимотидир.

Бурҳониддин ал-Марғиноний (1123-1197) асарларида ақл мақоми ва мантиқ илмига, илм ва далилга кенг ўрин берилган.Унинг «Ҳидоя» асари машҳур.

Исломда **машшоийунлар ва таббиийунлар**нинг (Арасту фалсафаси ва табиатни ўрганишга аҳд қилганларнинг) фалсафий қарашлари шакллана бориши билан маънавиятнинг дунёвий ва диний масалаларда, жаҳон фалсафий тафаккурида рўй бераётган жараёнларга нисбатан ташаббускор бир куч экани намоён бўлди. Ислом фалсафасида сиёсатга, инсон фаолиятининг юксак бир шакли сифатида қаралади: давлатни бошқариш – бу санъат, аммо у ижтимоий адолат таомилига амал қилмоғи зарур, ижтимоий адолат эса тенг ҳуқуқийликка амал қилиш туфайли барқарор бўла олади. Ислом фалсафасида инсоният истиқболи комил инсонни шакллантириш орқали юзага келади, ахлоқ-одоб эса инсон тафаккурининг ажралмас таркибий қисмидир. Мантиқ илмисиз хар қандай билим ишончли ва самарали бўла олмайди.

VIII асрнинг охири ва IX асрнинг бошларида, Араб халифаларининг маркази Бағдодда маданий-маърифий ҳаёт, илм-фан юксалди. Халифа Хорун ар-Рашид ваўғли ал-Маъмун даврида «Дор ул-ҳикма»-»Донолар уйи»да яҳудий, христиан ва ислом олимлари ўртасида ҳамкорлик ишлари, хусусан, Қадимги Шарқ мутафаккирлари, юнон ва рим олимлар асарлари араб тилига таржима қилиниб, уларга шарҳлар ёзила бошланди. Марказий Осиёдан чиққан Мусо ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Марвазий, Марварудий, Жавҳарий каби буюк олимлар жаҳон илм-фани, маданият ва фалсафасига катта ҳисса қўшдилар.

IX аср охирларида Марказий Осиё ҳудудларида бир неча Сомонийлар, Хоразмшоҳлар, Ғазнавийлар, Салжуқийлар, Қорахонийлар каби мустақил феодал давлатлар пайдо бўлди. Улар ўртасида ўзаро савдо-сотиқ, ижтимоий-сиёсий,

маданий-таънавий муносабатлар ривожланади ва Бухоро, Самарқанд, Марв, Урганч, Хива каби шаҳарлар ўз даврининг маданият ва маърифат марказларига айланади. Жаҳонга машҳур **исломшунос-ҳадисшунос олимлар: Исмоил ал-Бухорий, Исо ат-Термизий, энциклопедист алломалар: Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу али Ибн Сино, машҳур ислом фиқҳшуноси Марғиноний, машҳур филолог олимлар: аз-Замахшарий, Маҳмуд Кошғарийлар** яшаб ижод этишди. Бадиий адабиёт соҳасида араб, форс ва турк тилларида ижод қилган шоирлар: **Абу Мансур ас-Саолибий, Рудакий, Дақиқий, Юсуф Хос Ҳожиб** ўз асарлари билан дунё маданиятида ўчмас из қолдирадилар.

Буюк мутафаккирлар ижодида Аллоҳ, инсон ва табиат масалалари илоҳиёт ва дунёвий фалсафанинг муҳим муаммоларидан бири бўлиб келди.

X аср охири – XI асрнинг бошларида Хоразмда Хоразмшоҳларнинг авлодларидан шоҳ Маъмун бошчилигида Марказий Осиёда биринчи академия – Маъмун академияси ташкил топиб унга **Абу Райҳон Беруний** бошчилик қилди. Бу академияга шу даврнинг буюк олимлари, хусусан, **Абу али Ибн Сино** ҳам жалб қилинди. IX-XII асрларда инсоният цивилизациясига муносиб ҳисса қўшган буюк мутафаккирлардан бири **Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий (783-850)** дир. У алгебра фанининг асосчиси. «Алгебра» сўзи эса унинг «Ал-китоб ал-мухтасар фил-ҳисоб ал-жабр ва ал-муқобала» асарининг номидан олинган «ал-жабр»нинг лотинча ёзилишидир. Унинг арифметикага оид рисоласи ҳозир биз фойдаланадиган ўнлик қаторлар тизими ҳинд рақамларига асосланган бўлиб, кейинчалик Европа ва бутун дунёга тарқалди. Ал-Хоразмийнинг географияга оид «Китоб сурат ал-арз» асари кийинги даврларда бир қанча географик асарларнинг яратилиши замин бўлди, астрономияга оид «Зиж» асари Шарқу Ғарбда астрономик билимларининг ривожланиши ва кашфиётларга йўл очиб берди. Алломанинг табиатшунослик фанларига оид 20 дан ортиқ (бизгача 10 таси етиб келган) асарлари у яшаган феодал тузумининг ижтимоий-иқтисодий талабларига жавоб сифатида вужудга келди. Бу даврдаги қурилиш, савдо-сотиқ, ҳунармандчилик, деҳқончилик ва бошқа соҳаларни ривожлантириш учун астрономия, геодезия, геометрия ва бошқа илм соҳаларини тараққий эттириш зарур эди. Олимнинг «Ал-Хоразмий» номи лотин тилида «алгоритмус» деб аталиб, ҳозир бу ибора ҳисоблаш соҳасида «алгоритм» шаклида фанда ўрнашиб қолди. Хоразмийнинг алгебрага оид «Ал-китоб ал-мухтасар фи ҳисоб **ал-жабр** ва ал-муқобала» рисоласи комплекс сонларга оид масалаларни ечишга доир назарий фикрларни баён қилиш, ўз даври кун тартибида турган ислом ва шариат талабларига кўра юзага келадиган ҳамда меъморчилик ва ирригация билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишни ҳам кўзда тутган. Умуман, Хоразмий алгебраси – сонли квадрат ва чизиқли тенгламаларни ечиш ҳақида.

Унинг астрономияга оид «Зиж»и 37 боб, 116 та жадвалдан иборат. Муаллиф географик жойларнинг узунлик ва кенгликларини аниқлаш қоидалари, координатларнинг ўзгариши Қуёшнинг йиллик, ойлик ва суткалик ҳаракати эклиптик: экваториал координатларининг ўзгариши билан боғлиқлиги, тригонометрик масалалар, планеталар ҳаракати ва тезлиги, Қуёш ва Ой тутилиш ва параллакс (ёриткичнинг кўриниш фарқи) масалаларини ёритиб берган.

Ал-Хоразмийнинг «Ер сурати ҳақида китоб»ида бошланғич меридиан сифатида Арин (ҳозир Ҳиндистонда Ужайн) шаҳридан ўтган меридиан танланган. Унда Ердаги шаҳарлар, тоғлар, денгизлар, ороллар ва дарёлардаги 2402та географик жойларнинг координатлари келтирилади ва етти иқлим бўйича тақсимланади. У узунликларни Канар ороллaридан бошлаб ҳисоблайди. Яқин ва Ўрта Шарқдаги, айниқса, Кавказ ва

Марказий Осиёдаги тоғларнинг бошланиши ва охирининг координатлари келтирилади.

Бугунги кунда фан ва техника соҳаларида «ампер», «ватт», «ренген», «кюри» каби терминлар қаторида «алгоритм», «алгол» тушунчалари ҳам илмий мулоқотдан мустаҳкам ўрин олди.

Дунё табиий-илмий фикрларнинг ривожланишига улкан ҳисса қўшган мутафаккирлардан яна бири буюк астроном, математик, географ **Аҳмад Ибн Муҳаммад ал-Фарғоний (798-865)**дир. У Фарғонанинг Қубо (ҳозирги Қува) шаҳрида туғилган. Араб, форс, турк ва юнон тилларини ўрганган. Бағдодга келиб, «Байтул-ҳикма»да таълим олиб, ўзи ҳам илмий тадқиқотлар олиб борди. Бу ердаги олимлар билан ҳамкорликда ҳинд, форс ва юнон тилларидан араб тилига таржималар қилди. Ҳозирги кунда Аҳмад ал-Фарғонийнинг 8 та астрономияга оид асари бизга маълум:

1) Астрономия асослари ҳақида китоб; 2) «Устурлоб билан амал қилиш ҳақида китоб»; 3) «Ойнинг ер остида ва устида бўлиш вақтларини аниқлаш ҳақида рисола»; 4) «Етти иқлимни ҳисоблаш ҳақида»; 5) «Қуёш соатини ясаш ҳақида китоб» 6) «Ал-Ҳоразмий «Зиж»ининг назарий қарашларини асослаш»; 7) «Ал-Фарғоний жадваллари»; 8) «Самовий ҳаракатлар ва умумий илминужум китоби» (Бу асари XII асрда Европада лотин тилига таржима қилиниб, XIII асрда «Алфраганус» номи билан бошқа Европа тилларига ҳам таржима қилинади ва Европа университетларида асосий дарслик вазифасини ўтайди).

Юқорида келтирилган асарларидан биринчи ва саккизинчисидан бошқалари шу пайтгача ҳали ҳеч ким томонидан ўрганилмаган, ҳозирги замон тилларига таржима ҳам қилинмаган.

«Астрономия асослари ҳақида китоб»ида ердаги етти иқлим мамлакат, вилоят ва шаҳарлари билан бирга Африканинг Атлантика океани қирғоқига яқин жойлашган фазолардан бошлаб Тинч океанидаги Япония оралларигача тавсифланади. Фарғонийнинг тавсифлаш усули Хоразмийникидан фарқ қилиб, у ҳиндларнинг анъанасига асосланади.

Фарғонийнинг Олам манзараси шундай: Қуёш, Ой ва беш сайёра – Меркурий (Уторуд), Венера (Зуҳра), Миррих (Марс), Юпитер (Аторуд), Сатурн (Зуҳал) ва 102 та юлдузлар сфераларидан ташкил топган осмон сфераси ўзида бор нарсалар билан бирликда айланиб туради. Ер ўзидаги барча қитъа ва океанлар билан биргаликда гумбазга ўхшаш юмолоқ. Қуёш ва Ой чиққан вақтда ёки ботаётганда уларни ернинг турли ўринларидаги кишилар баббаравар кўрмайдилар. Аллома осмон сфералари ёритқичлари, Ернинг радиусларини биринча марта ўлчаб, аниқлаб борди. Бу олам тузилишини илмий тасаввур этишнинг муҳим воситаси бўлди. Ал-Фарғонийнинг ёзишича, осмон манзарасини гавлантириб берадиган осмон экватори ва Қуёш эклиптикаси бор. Осмон экватори Ер экваторининг давоми, улар бир текисликда ётади. Қуёш эклиптикаси эса Қуёшнинг Ер атрофида (аслида ернинг қуёш атрофида, теварагида!) ҳаракати натижасида ҳосил бўлган траекториядир. Ал-Фарғоний Ер радиуси ёйининг 1^0 ининг узунлигини топиб, уни 360 га кўпайтириб, 40800 км ни ташкил қилишини аниқлайди. Ер ва меридианининг ҳозирги замон илмий асбоблари ва усулари билан ўлчанган узунлиги, 40 минг 8 кмни ташкил қилади.

Ал-Фарғоний дунё халқларининг йил ҳисоблари – календари муаммоси билан ҳам шуғулланади; у ҳинд, юнон, эрон, сурия, копт, Марказий Осиё халқлари яратган барча календларни таққослаб ўрганиб чиқади. Йилнинг 4 фаслдан иборатлиги, улар орасидаги муносабатлар географик кенгликка боғлиқлиги муаммосини ечишга ҳам ўз улушини қўшди. Устурлоб (астролябия) асбобининг назариясини яратади. Бу

стереографик проекциялар назарияси кейинги давр астрономик-математик назарияларнинг барчасига асос бўлиб хизмат қилди. Ер экваторида Қуёш икки марта баҳорги ва кузги тенг кунликларида зенитда бўлишини, осмон қутблари горизонт текислигида ётишини, қутбларда кеча қишга, кундуз ёзга 6 ойдан тенг бўлишларини ҳам кўрсатиб берган. У Қоҳира яқинидаги Рауза оролида ўзининг ўлчов ишларини олиб борган, у Нил дарёси гидрометерологик табиатини аниқлаб берувчи нилометрни қурди, у бугунги кунгача ишлаб келмоқда. Биринчи бўлиб, Қуёш ва Ой тутилишларини ҳам илмий тушунтириб бера олди.

Ўрта асрлар Марказий Осиё халқлари фалсафий фикрининг ривожланишда Аристотелдан кейинги «Иккинчи муаллим» деган номга сазовор бўлган **Абу Наср Ибн Муҳаммад ал-Форобий (870-950**) фахрли ўрин тутади.

У Сирдарё бўйидаги Фороб қишлоғида туғилди ва Шош, Самарқанд ва Бухорода таълим олди. Сўнг Бағдодда яшаб ижод қилди, умрнинг сўнгги йилларини Халаб ва Дамашқда ўтказди. У160 дан ортиқ асарлар ёзган, бизга бир қисмигина етиб келган. Бу асарларни характерига кўра икки гуруҳга ажратиш мумкин: а) қадимги юнон табиатшунос олимлари ва файласуфлари илмий меросини ўрганиш, таржима қилиш ва шарҳлашга оид асарлар (Аристотелнинг «Категориялар», «Иккинчи аналитика», «Топика», «Поэтика», «Риторика», «Софистика» асарларига ёзилган шарҳлар); б) Ўрта аср фанининг табиий-илмий, ижтимоий-сиёсий ва фалсафий масалаларига оид рисолалар («Ихсо-ал-улум», «Ҳикмат асослари», «Аристотель «Мантиқ»ининг талқинлари», «Катта мусиқа китоби», «Ассиёсат ал-маданий», «Мантиққа кириш», «Вакуум ҳақида», «Фозил одамлар шаҳри»).

Форобий фалсафий қарашларининг асосини унинг пантеистик таълимоти ташкил қилади. Унга кўра, бутун мавжудот-борлиқ эманация асосида ягона бошланғичдан босқичма-босқич вужудга келган. Бу олтита босқич ўзаро сабабият орқали боғланган: 1-босқич – «вужуди вожиб» ўз-ўзидан зарурий борлиқ ягона Аллоҳ (биринчи сабаб); 2-босқич – биринчи «вужуди мумкин» бўлиб, улар осмон жисмлари, (иккинчи сабаб); 3-босқич – иккинчи «вужуди мумкин», яъни фаол ақлдир; 4-босқич – тирик мавжудотларга хос жонхир (ан-нафас); 5-босқич – нарса-ҳодисаларнинг шакли (ас-сурат)дир; 6-босқич – нарса-ҳодисаларнинг жисми, яъни моддадир.

Унинг талқинидаги 4, 5 ва 6-босқичлар моддийлик хоссасига эга бўлиб, 6 турга бўлинади: тўрт элемент, осмон жисмлари, минераллар, ўсимликлар, ақлсиз ҳайвонлар ва ақлли ҳайвонлар. Форобий шаклни нарсаларнинг қиёфаси, тузилиши; моддани эса нарсаларни ташкил қилувчи моҳият, асос, деб тасаввур қилади. Форобий Худо билан борлиқни бир бутунлик сифатида олиб, улардан сабаб-оқибат шаклида бошқа барча нарсаларни келтириб чиқаради. Унингча, Худо якка-ягона, масса, насаб, таърифга эга бўлмаган зарурий, ўз-ўзича бор «вужуди зарурдир», бошқа барча босқичларнинг, хусусан, модданинг ҳам сабабидир. Форобийнинг фикрича, модда кўплаб хусусиятлар: сифат ва миқдор, субстанция ва аксиденция, имконият ва воқелик, зарурият ва тасодиф, ҳаракат, макон ва зимонга эга.

Форобий инсон билиши, илм-фан ва ақл ҳақида шундай ёзади: *«Ақлли деб шундай кишиларга айтиладики, улар фазилатли, ўткир мулоҳазали, фойдали ишларга берилган, зарур нарсаларни кашф ва ихтиро этишда зўр истеъдодга эга, (улар) ёмон ишлардан ўзини четга олиб юрадилар. Бундай кишиларни оқил, дейдилар. Ёмон ишларни ўйлаб топиш учун зеҳн-идрокка эга бўлганларни ақлли, деб бўлмайди, уларни айёр, (муттаҳам), алдоқчи, деган номлар билан атамоқ лозим»*

Форобий, борлиқни инсонинг била олишини қайд қилиб, инсоннинг билишини, унинг руҳий қобилиятларини инсон мияси бошқаради, дейди. У «Илм ва санъатнинг фазилатлари» рисоласида инсоннинг табиатни билиши чексизлиги, билим

билмасликдан билишга, сабабиятни билишдан оқибатни, аксиденциядан, субстанцияни билишга қараб борган сари ортиб боришни айтади.

Форобий инсон ақлий билим ҳиссий билишсиз юзага келмаслигини алоҳида таъкидлайди. «Ташқи қувватлар» бевосита ташқи таъсирлар орқали вужудга келадиган 5 турли: тери, таъм, ҳид, эшитиш, кўриш сезгиларидир. «Ички қувват» эса хотира, тасаввур, фикрлаш «қувватлари» инсоннинг ақлий билиш босқичи. Илмни эгаллаш шу «қувватлар» орқали амалга ошади. Форобий «Ақл маънолари ҳақида» рисоласида ақл, бир томондан, руҳий жараён, иккинчи томондан, ташқи таъсир, яъни таълим-тарбиянинг натижаси, дейди. Форобий билиш назариясида Платоннинг ғоялар дунёси ҳақидаги таълимотга қарши, ғоя(тушунча)ларнинг борлиқ(реаллик)дан олинганини, масалан, нуқта, чизиқ, доира ва сатҳ каби геометрик тушунчалар реал мавжуд нарсаларнинг инсон миясидаги инъикослари эканлигини айтади.

Форобийнинг ижтимоий-фалсафий қарашларига келсак, жамиятнинг келиб чиқиши, унинг мақсад ва вазифалари ҳақидаги изчил талимоти «Фозил шаҳар аҳолисининг маслаги», «Давлат саодатга эришув йўллари ҳақида рисола»сида ёрқин ифодасини топди. Шаҳарни ижтимоий уюшишнинг етук шакли, инсоният камолотга эришувининг муҳим воситаси ҳисоблайди. У инсонларни ўзаро ҳамкорликка, халқларни ўзаро дўстликка, тинчликка чақириб, дунёда ягона инсонлар жамиятни тузишни орзу қилади. Форобий инсон қадр-қимматини камситувчи жамиятни қоралаб, инсон қадр-қимматини улуғловчи жамиятни орзу қилади. У «Бахт-саодатга эришув йўллари ҳақида рисола»да: *«Давлатниг вазифаси инсонларни бахт-саодатга олиб боришдир, бу эса илм ва яхши ахлоқ ёрдамида қўлга киритилади»*, – деб ёзади. Форобий фикрича, давлатни етук ҳислатларга эга (адолатли, доно, қонунларга қатъий риоя қилиш, янги қонунлар ярата олиши, келгусини олдиндан кўра билиши, бошқаларга ғамхўр ва меҳрибон), халқ томонидан сайланган кишилар бошқарсагина, фозил жамият, фозил шаҳар, фозил мамлакат қарор топади. Бу жамиятнинг ҳар бир аъзоси касб ҳунар, илм-фанни эгаллаш билан шуғулланади. Одамлар чин маънода озод ва эркин бўладилар.

Хуллас, Форобийнинг фалсафий, ижтимоий-сиёсий қарашлари ўзидан кейинги мутафаккирлар, хусусан, **Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино** қарашларининг шаклланиши ва ривожланишида муҳим рол ўйнади.

Ўрта аср Шарқи, хусусан, Марказий Осиё илк уйғониш даврининг қомусий олимларидан яна бири **Абу Райхон Муҳаммад Ибн Аҳмад Беруний (973-1048)**дир. У қадимий Хоразмнинг пойтахти бўлган Кот шаҳрида туғилиб ўсади, билим олади. У араб, суғд, форс, сурёний, юнон, қадимий яҳудий, санскрит ва ҳинд тилларини ўрганади. Беруний ўз давридаги деярли ҳамма илм соҳаларини эгаллайди ва уларга оид 160 дан ортиқ асар, таржима ва ёзишмалар қолдиради. Бу асарларнинг 45 дан ортиғи астрономияга, қолганлари табиатшунослик, тарихшунослик, филология ва фалсафий муаммоларга бағишланган, бизгача бир қисмигина етиб келган: «Осорал-боқия» («Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар»), «Ҳиндистон», «Геодезия», «Китоби Сайдана» («Фармакагнозия»), «География», «Қонуни Маъсудий» («Маъсуд қонунлари»), «Минералогия», «Китоби ат-тафхим», «Доривор ўсимликлар ҳақида китоб» ва бошқалар.

У «Осор ал-боқия» асарида ёзма манбалар, халқ оғзаки ижоди намуналари асосида хоразмликлар, суғдийлар, эронийлар ва арабларнинг ислом динигача бўлган эътиқодлари, уларнинг астрономик, математик ва географик тушунчалари ҳақида жуда қимматли тарихий маълумотлар беради.

«Ҳиндистон» асарида Ҳиндистоннинг иқлими, унинг географик тузилиши, халқлари, уларнинг урф-одатлари, илм-фани, адабиёт ва санъати, фалсафаси, диний қарашларини баён қилиб беради.

Беруний астрономияга оид бир қанча оригинал асарлар билан ал-Хоразмий, ал-Фарғоний қарашларини ривожлантиради. Беруний «Геодезия», «Китоби Сайдана» («Фармакогнозия»), «География» асарларида ўзининг топография, фармакогнозия, география, метеорология соҳаларида олиб борган тадқиқотларини умумлаштириб баён қилиб беради. У «Астрология санъати асарларини ўрганиш учун китоб»ида осмондаги ўн икки бурж, улар бўйсинадиган сайёралар табиати, ҳаракати, уларнинг Ер иқлимига таъсири ҳақидаги тўғри ва хато қарашларни баён қилади. Беруний Ернинг ўз ўқи ва Қуёш атрофида айланиши ҳақидаги фикрлари билан геоцентрик ва гелиоцентрик таълимотларни қўллаш фанга зарар келтирмайди, аксинча, булар орқали астрономик ҳодисаларни тўғри тушунтириб бериш мумкин, дейди.

Беруний буюк табиатшунос олим сифатида ўз асарларида тоғлар ва саҳролар, дарё ва денгиз ҳамда океанлар, фойдали қазилмалар, минераллар, уларнинг пайдо бўлиши, хосса ва хусусиятлари ҳақида ҳам қимматли илмий фикрларни баён қилади. Беруний ҳақиқий илмий табиатшуносликка асос солди, ўз даври учун таажжубга солувчи шундай илмий фаразларни олға сурдики, улар бир неча асрлардан сўнг фанда ўз исботини топди.

У илмий фаолияти жараёнида табиатни билишнинг тажриба илмий методини ишлаб чиқди. Беруний асарларида, унинг табиий-илмий қарашлари билан боғлиқ чуқур ижтимоий-фалсафий мулоҳазалар, умумлашмалар ҳам ўз ифодасини топган. У Форобийдек, Аллоҳни ҳамма нарсанинг биринчи сабаби, деб ҳисоблайди. Лекин Беруний шу биринчи сабабдан келиб чиққан ҳамма нарсанинг ривожланиш ва ўзгариш ҳуқуқини табиатга беради. Унинг таълимотича, табиатда ҳамма нарса табиий қонунлар асосида яратилади, табиат ўзининг табиий кучига эга бўлиб, шу куч таъсирида табиатда тўхтовсиз ҳаракат, ўзгариш, ўсиш, ривожланиш, вужудга келиш, емирилиш, ҳалок бўлиш жараёнлари содир бўлади.

Беруний Левкипп ва Демокрит каби, атомистик таълимотни тан олади, лекин улардан фарқли ўлароқ, борлиқда бўшлиқнинг мавжудлигини инкор этади. У атомлар сифат жиҳатдан ўзгариш хусусиятига эга, макон ва замон борлиқнинг муҳим хусусиятларидир деган фикрни билдиради.

Берунийнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари инсонпарварлик ғоялари билан суғорилган. Унингча инсон энг шарафли борлиқ, у фақат ўзи учун яшамаслиги, инсонлар бир-бирларига ёрдам беришлари керак. Инсонлар ўртасидаги тафовут кўпроқ ташқи жиҳатдан мавжуд, улар ички тузилаши ва ташкил топиши жиҳатдан бир умумийликка эга. У «Ҳиндистон» асарида: «*Тилларнинг турлича бўлишига сабаб – одамларнинг гуруҳларга ажралиб кетиши, бир-бирларидан узоқда яшашларидир*», – дейди

Беруний жамиятда ижтимоий ҳаётнинг ўзига хос «шартнома» асосида тузилишини эътироф этади. Жамиятни бошқаришда жамият подшоҳга хизмат қилмай, балки подшоҳ жамиятга хизмат қилиши лозимлигини, мамлакат равнақи, эл-юрт фаровонлиги илм-фан тараққиёти билан узвий боғлиқ бўлишини айтади. Беруний мамлакатда халқлар дўст, иноқ, иттифоқ яшаши учун курашиб, инсониятга қирғин келтирувчи урушларни қаттиқ қоралайди ва кишиларни тинчликка чақиради.

Қомусий олимлардан яна бири **Абу Али Ҳусайн Ибн Абдуллоҳ Ибн Сино (980-1037)** Бухоро яқинидаги Афшона қишлоғида туғилиб, Бухорода ўқиб улғаяди. Бу ерда у ўз даври илмлари: математика, мантиқ, астрономия, ҳуқуқшунослик, физика, кимё, фалсафани чуқур ўрганади. Айниқса, у тиббиёт илмини зўр қизиқиш билан

эгаллайди. 16 ёшга кирганда амалий тиббиёт билан шуғуллана бошлайди. 18 ёшдан бошлаб асарлар ярата бошлайди.

У ўтмишдошлари: ал-Хоразмий, ал-Киндий, ар-Розий, Форобий; юнон олимлари: Гален, Гиппократ, Евклид, Архимед, Пифагор, Порфирий, Платон, Аристотель асарларини чуқур ўрганади. Айниқса, Форобийнинг асарлари унинг фалсафий ва ижтимоий қарашларига муҳим таъсир кўрсатади. Натижада, бизга 450 дан ортиқ асарлар қолдиради, шулардан 190 га яқини фалсафа, мантиқ, психология, аҳлоқшунослик ва бошқа ижтимоий-сиёсий ҳамда маънавият масалаларига бағишланган. Лекин бизга 100 га яқини етиб келган. Ибн Сино бу асарлари билан ўз даврида бутун Шарқда «Шайх-ур-раис» («Олимлар бошлиғи») деган ном олди.

Олимнинг бизгача етиб келган асарлари орасида (5 томдан иборат «Тиб қонунлари», 18 томдан иборат мантиқ, физика, математика ва метафизикани ўз ичига олган) «Китоб аш-Шифо», «Китоб ан-нажот», 20 томлик «Китоб ал-Инсоф», «Донишнома» асарларини алоҳида зикр этиб ўтиш лозим.

Ибн Сино асарларидаги қарашлар табиий-илмий характери, уларда табиат фалсафаси ҳақидаги ғояларнинг устунлигини яққол кўриш мумкин. «Аш-Шифо» китобида табиатшуносликнинг геология, минералогия, астрономия, кимё, математика, ботаниқа соҳаларига оид муҳим фикрлар олға сурилиб, уларни ривожлантириш фалсафий билимларни бойитишда муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкиланади.

У «Китоб аш-шифо» асарида шундай ёзади: *«Зарурий вужуддан келиб чиққан вужудлар ундан узоқлашган сари мустақил бўла борадилар, лекин ўзларининг бошланғич сабабларининг ҳислатларини сақлаб қоладилар ва улар кейинги вужудлар учун сабаб бўладилар*». Ибн Синонинг бу қарашлари пантеистик таълимот бўлиб, у Ўрта аср Шарқ мутафаккирлари фалсафий қарашларининг кўпчилигига хосдир.

Ибн Сино фалсафий билимларни иккига ажратади: 1) метафизика (олий фан), математика (ўрта фани) ва табиат ҳақидаги фанлар (қуйи фани)дан иборат назарий фалсафа; 2) амалий фалсафа (сиёсат, ҳуқуқ, иқтисодиёт, аҳлоқшунослик).

Ибн Сино инсонни тана ва жондан ташкил топади, дейди. Мия эса жонни бошқарувчи марказдир. Ақл жоннинг олий даражадаги ифодасидир. Инсон билиши унинг тафаккурининг дунёвий ақл билан қўшилиши асосида вужудга келади. Ибн Сино: ижтимоий-сиёсий масалаларни, давлат, жамиятнинг тузилиши, вазифалари, жамоани бошқариш, ижтимоий уюшмаларнинг фаолиятини, инсоннинг ҳулқ атвори, одатлари аҳлоқий мезонларни, ҳуқуқий тартиб қоидаларни амалий фалсафа, ўрганади, дейди. Жамият кишиларнинг ўзаро келишувлари асосида қабул қилинадиган адолатли қонунлар ёрдамида бошқарилиши лозим.

Сўфизм фалсафаси.

Тасаввуф (сўфийлик) ислом фалсафасида диний фалсафий йўналиш сифатида VIII асрнинг ўрталарида араб халифалиги мамлакатларида вужудга келди. Тасаввуф пайдо бўлганидан кейин у турли даврларда, дастлаб араб мамлакатларида, кейинчалик Яқин ва Ўрта Шарқ, Марказий Осиё, Шимолий Ҳиндистон, Покистон, шимоли-ғарбий Хитой, Индонезия каби мамлакатларга кенг тарқалиши натижасида дунёдаги турли халқларнинг ижтимоий ҳаётидан, уларнинг фалсафий ва бадиий тафаккуридан кенг ўрин олган, кўп тармоқли мураккаб таълимотга айланди.

Тасаввуф ислом таълимоти оламидаги мазҳаблар, оқимлар силсиласи ичида ўзининг демократик қарашларига изн бергани, инсон қалби ва руҳияти, аҳлоқий покликни тарғиб қилиши, жаҳолат ва худбинликка қарши майдонга чиққанлиги жиҳатидан ***илми ваҳдат*** ёки ***илми тавҳид*** номини олди. Илмий, фалсафий ва диний адабиётларда «тасаввуф» сўзининг луғавий маъноси нимадан иборатлиги ва у қандай

сўздан келиб чиққанлиги тўғрисида ҳанузгача ягона фикрга келингани йўқ. Асли арабча: «суф» сўзи ўзбекча жун, дегани, дастлаб жундан тўқиб тайёрланган хирқа кийиб юришгани сабабли; бошқа тадқиқотчилар юнонча «софос» («донишмандлик») сўзидан олинганлигини қайд қилишади. Йирик тадқиқотчиларидан А.Кримскийнинг ёзишича, «сўфи» сўзи VIII асрнинг ўрталаридан бошлаб адабиётларда қўлланила бошлаган. Бу сўз дастлаб, асосан, комил, етук, эътиқодли мусулмон дарвишларга нисбатан ишлатилган. Абу Райхон Беруний шундай шарҳ келтиради: «Юнонча «суф» сўзи бизча ҳикматдир. Шунинг учун файласуфга «филосуфа», яъни «ҳикматни суювчи» деб исм берилган. Мусулмонлардан бир гуруҳи ўша тушунчага яқин фикрга боргандан улар ҳам «суффия» деб аталдилар. Мусулмонларнинг баъзилари «суффия» сўзининг термин эканини билмасдан уни «сод» харфи билан ёзиб, уни «суффа» сўзига нисбат бериб: «Суффа суҳбатдошлари - асҳоби суффадан иборат кишилар», дейдилар. Ундан кейин бу сўзни Суфатуюс - яъни така жуни сўзидан қисқартирилган, деб тушунишдилар».

Умуман, тасаввуф қандай сўздан келиб чиққан бўлса ҳам, у софлик, поклик, риёсизлик, тақво ҳақидаги таълимот, қарашларни ифодалайди. Қадимда шайх Абусаид Абухайрдан: «Тасаввуф нима?» - деб сўраганларида, у киши: «Бошингга не бўлса, чиқариб ташлаш, қўлингда неки бор, қўлингдан чиқариш ва бошқалардан сенга нима озор етса, ранжимаслик», – деб жавоб берган экан. Ҳақиқий тасаввуф аҳли чиндан ҳам бу шартларга амал қилиб яшаган. «Ризо аҳли» борига қаноат қилувчи кишилардир.

Тасаввуф - нафс лаззатларидан воз кечиб нафс манзилларини босиб ўтиб Аллоҳ васлига етишишдир. Кимнинг вужудида ҳайвоний ҳирслар, ҳайвоний ҳислар устунлик қилса у тилсиз ва онгсиз махлуқ ҳайвонга айланиб, нафс тузоғига илинади: нафс инсондаги энг хатарли душман, унинг ўз ғаними ичида, деган ғоя тасаввуф таълимоти асосида ётади. Мутасаввуфларнинг фикрича, инсоннинг аҳлоқини тузатиш, уни маънавий камолотга етказиш учун инсон ўз табиатидаги салбий, ҳайвоний ҳиссиётларни маҳв этиши керак. Унда иймон, виждонни, Ҳаққа эътиқодни тарбиялаш зарур. Бинобарин, иймонли, яъни пок ва ростгўй, инсофли ва ҳалол, меҳр мурувватли авлодни тарбиялаб вояга етказиш жамиятнинг асосий вазифаси бўлиши лозим. Иймон инсон учун муқаддас туйғу. Иймон билан Ҳаққа эътиқод қилдингми, ҳеч кимни алдама, ҳеч кимга озор берма, ҳаётда ҳалол билан ҳаромни фарқла, ёлғондан, мунофиқликдан қўрқ, муттаҳамлик йўлига зинҳор қадам босма. Демак, тасаввуф бу – имон, эътиқод йўли, комиллик, мукаммаллик, баркамоллик йўлидир.

IX аср бошларига келиб тасаввуфнинг назарий асослари, амалий йўллари ишлаб чиқила бошланди. Натижада, тасаввуфга оид тушунчалар, назарий қарашлар тизими юзага келиб, тасаввуф алоҳида илм, алоҳида таълимот сифатида қарор топди. Аниқланишича XI асргача бўлган ёзма манбаларда тасаввуф тушунчаси ва тасаввуф оқимларининг 78 та маънодаги талқини мавжуд бўлган.

Дастлабки вақтларда «сирли», «тушунтириб бўлмайдиган ҳолатлар», «иборатга келмайдиган ишоратлар» дейилган бу ҳолатлар ҳақида бора-бора сўфиларни тарбиялаш вазифалари, пир-муршидлик қоидалари, улар одоб-аҳлоқ нормалари баён қилина бошлади. Тасаввуф таълимотининг илк даврларида ***мақомат ва тариқат*** асосларини ишлаб чиқиш, сўфийлик йўриқларини белгилаш, илоҳий ҳақиқатларни халқ орасида ёйишда **Зуннун Мисрий** (796-861), **Боязид Бистомий** (вафоти 875), **Жунайд Бағдодий** (вафоти 910), **Ҳаким ат-Термизий** (вафоти IX аср охири) ва **Мансур Халлож** (858-922)нинг хизматлари катта бўлди. Кейинчалик **Абусаид Абулхайр** (967-1049), **Абдуллоҳ Ансорий** (1006-1089), **Ахмад Яссавий** (вафоти 1166), **Яҳъё Шахобиддин Сухравардий** (1155-1191), **Ибн ал-Арабий** (1165-1240),

Нажмиддин Кубро (1145-1221), **Баҳоуддин Нақшбанд** (1318-1389) каби шайҳ-ул-машойиҳлар тасаввуф илмини янги фикр ва қарашлари билан бойитдилар. Янги оқим, янги силсилаларни вужудга келтирдилар. Тасаввуф ҳақида кўплаб рисола ва китоблар ёзила бошлади. Ҳатто, тасаввуф ғояларини қизғин тарғиб этувчи улкан шеърият ҳам вужудга келди.

Тасаввуф таълимотида сўфининг руҳий камолотга эришиш йўлининг тўрт асосий босқичи кўрсатилади: ***шариат, тариқат, маърифат, ҳақиқат***. Сўфи ҳақиқатга эришув жараёнида ўзини жисмоний шахс сифатида тугатиб, у илоҳий шахсга айланиб, Аллоҳга яъни ҳаққа етишади, унга сингиб кетиш натижасида боқийликка эга бўлади. Солик(тасаввуф йўлига қадам қўйган йўловчи)нинг руҳий-аҳлоқий камолот йўлини босиб ўтишида ўзига хос мақомат ва ҳоллар мавжуд: 1)Тавба; 2)Вараъ; 3)Зуҳд; 4)Фақр; 5)Сабр; 6)Хавф;7)Ражо; 8)Таваккул; 9)Ризо.

Бу мақомат даражаларини эгаллаб, муваффақиятга эришган солик ҳол мартабасига етади ва илоҳий жамолни мушоҳада қила бошлайди, унинг қалбини шавқ-завқ қамраб олади. У бунда шундай ҳолатга кўтариладики, унинг бутун аъзолари ҳар бир олган нафаси ҳам Аллоҳнинг борлиги ва буюклигидан хабар берадиган бўлади. Солик эни ҳол босқичларини ҳам босиб ўтиши зарур:1) Қурб; 2)Муҳаббат; 3)Шавқ; 4)Унс; 5)Мужоҳида; 6)Мушоҳида; 7)Муношифа. Тасаввуф фалсафасига кўр,а инсон ўз табиати жиҳатдан қарама-қарши икки асос – модда ва руҳдан иборат. Агар инсонда моддийлик хусусиятлари устун келса, унда ҳайвонлик сифатлари кучаяди, агар руҳий хусусиятлар устун келса, илоҳийлик сифатлари ривожланади. Сўфилар инсонни жисм олами билан илоҳий олам орасидаги чегара деб қарайдилар. Улар инсонни шу жиҳатдан тонгга ўхшатадилар. Маълумки, тонг ҳам тун билан куннинг чегараси, тонгдан қуёш чиқиб, қоронғилик-тунни хайдагани каби руҳ ҳам жисм оламини тарк этиб нурлар оламига талпинади.

Тасаввуф ва унинг тариқатлари. Илк сўфийлар аҳолининг камбағал тоифаси орасида истилочилар зулми, адолатсизлик, ижтимоий тенгсизликка қарши норозилик белгиси сифатида ҳам юзага келган.

Тасаввуф таълимоти ўз эволюцияси давомида икки хил оқим сифатида икки босқичда намоён бўлади. У ўзининг биринчи оқими ва биринчи босқичида феодаллар томонидан эзилишга қарши ғоялар, мафкура сифатида ортодоксал исломнинг диний ғояларига зид бўлиб, ўзи пайдо бўлгандан анча кейинги даврлар ижтимоий-фалсафий ва социал-ахлоқий фикрлар тараққиётига прогрессив таъсир кўрсатди. Бироқ иккинчи оқим намояндалари қарашида иккинчи босқичда зоҳидликни, тарки дунёчиликни, ижтимоий адолатсизликларга бефарқ қарашни тарғиб этувчи таълимот сифатида намоён бўлди.

Биринчи оқим вакиллари қарашларига кўра, тасаввуф, ҳам ботинан, ҳам зоҳиран илоҳий аҳлоқ, у фақат инсоний, гўзал ва ҳур ҳаётдаги тирикликни ёқлайди. Шунга кўра, тасаввуф аҳли саҳоват, футувват, қаноат, сабр-бардош, диёнат, садоқат ва ишорат аҳлидир. Улардаги бу фазилатлар инсон ҳулқидаги барча ноқислик, жамики ёмонлик, тубанлик ва пасткашликлар билан курашувчилардир.

Иккинчи оқим вакиллари қарашларига кўра эса, тасаввуф инсон қадр-қимматини ерга урувчи, инсонда меҳнатга нисбатан нафратни тарбияловчи, кишиларга ўзлари яратадиган моддий ва маънавий неъматлардан фойдаланишга уларнинг ҳақ-ҳуқуқи йўқ бўлган таълимотдир

Умуман, тасаввуф таълимотида бутун дунё бўйича: ***жунайдия, қодирия, суҳравардия, ханафия, яссавия, кубровия, нақшбандия*** тариқатлари маълумдир.

Марказий Осиё - Туркистон заминида эса асосан ***қодирия, кубравия, яссавия, нақшбандия*** тариқатлари кенг тарқалган.

Абу Ҳомид Муҳаммад Ибн Муҳаммад ал-Ғаззолий (1059-1111) фалсафасида тасаввуф ислом ортодоксал калом таълимоти билан қўшилиб, мусулмон руҳонийлари томонидан расмий равишда тан олинди. «Диний илмларнинг тирилтирилиши» асарида дунё қонуниятларини ақл орқали билишни эътироф этилса-да, Аллоҳни ақл билан англаш мумкин эмаслиги таъкидланади. Мантиқ, табиатни билиш Аллоҳни танишга халал бермаса, аҳамиятлидир, аксинча, уларнинг мақоми чегараланади.

Қодирия сулукининг асосчиси **Саййид Абдуқодир Гилоний** (1079-1166) Ғавсул Аъзам номи билан машҳур. Эроннинг Гилон вилоятида туғилган, насл-насаблари Имом Ҳасан ва Имом Ҳусан орқали Муҳаммад алайхисаломга бориб тақалади.

Кубравия тариқатининг асосчиси **Нажмиддин Кубро** (1154-1226) Хивада туғилган, асарлари орасида «Шарҳус-сунна вал-масолиҳ», «Усули ашара», «Фавоиҳул-жамол» машҳур. Кубравия тариқатининг моҳияти ўнта усулда мужассамлашган: тангрига ўз хоҳиши билан юзлашиш, зуҳд фи дунё – ҳар қандай лаззатдан ўзини тийиш, таваккул – Аллоҳга эътиқоди поклиги учун барча нарсалардан воз кечиш, қаноат, узлат – хилватни ихтиёр қилиш, мулозамат аз-зикр – узлуксиз зикр, таважжуҳ – Ҳаққа муҳаббат қўйиш, сабр – нафс балосидан озод бўлиш, муроқаба – тафаккурга ғарқ бўлиш, ризо – тангри хушнудлигини қозонишдан иборат. Нажмиддин Кубро мўғуллар билан бўлган жангларда жасорат кўрсатиб, шаҳид бўлган.

Яссавия тариқатининг асосчиси **Хожа Аҳмад Яссавий** (1166 йилда вафот этган) жанубий Қозоғистоннинг Сайрам қишлоғида шайх Иброҳим ота хонадонида туғилган (йили маълум эмас). У шайх Хожа Юсуф Ҳамадонийнинг (1140 йилда вафот этган) 4 халифасидан бири бўлган. Юсуф Ҳамадонийнинг таълим-тарбияси билан вояга етган, ориф мақомига эришган. Яссавий устозининг вафотидан кейин муайян бир муддат унинг мақомида турган, сўнг эса бу мақомни Абдухолиқ Ғиждувонийга қолдириб, Ясси – Туркистон шаҳрига қайтади ва ўз тариқати, йўл-йўриқларини ташвиқ этиш билан машғул бўлади.

Яссавийнинг оддий халқ тушунадиган услубда ёзилган, тасаввуфий қарашларини акс эттирган ҳикматлари девонида илоҳий ишқ, Ҳақ васлига етишиш, унинг ишқида парвона бўлиш, ундан бошқа нарсага кўнгил қўймаслик ҳақида фикр юритилган. Яссавий риёзат, чилла, зикрга алоҳида аҳамият бериб, ҳаётининг аксариятини чиллахонада ўтказган. Яссавий тариқати Туркистон ўлкаси, Озарбойжон, Туркия, Шимолда Қозонгача, Ғарбда Болқонгача кенг тарқалган. Марказий Осиё халқлари XIV асрнинг 70-йилларидан бошлаб мўғул босқинчилари зулмидан қутулгач, Мовароуннаҳрда тасаввуф таълимотининг янги сулуки – нақшбандия вужудга келди. Унинг асосчиси ҳазрат **Муҳаммад Ибн Муҳаммад Жалолиддин**(1318-1389) Хожаи Бузрук, шоҳи **Баҳоуддин Нақшбанд**, Баҳоуддин Балогардон номлари билан мусулмон оламига машҳур. У Бухоро яқинидаги қасри Ҳиндувон қишлоғида туғилган.

Нақшбандниг таъкидлашича, шариат – аҳдга вафо, исломнинг бешта асосий талабига риоя қилиш, дил ва тил бирлиги. Тариқат эса, ўзидан кечиш, фано бўлишдир. Ҳақиқат– беҳуда ишлардан узоқлашиш, ҳақ ишларга боғланиш. Демак, шариат – қонун, вужуд ва қалбни тарбиялайди. Тариқат – йўл, кўнгилни поклаб, руҳни илоҳий қувватдан баҳраманд қилади.

Нақшбандия тариқатида дунёвий, ҳаётий масалаларга жиддий эътибор берилади. Юсуф Ҳамадоний, Абдуҳолиқ Ғиждувоний ва Баҳоуддин Нақшбанд асос солган тариқат йўлининг 11 та асосий қоидаси қуйидагилар: 1. Хилват дар анжуман; 2. Сафар дар ватан; 3. Назар дар қадам; 4. Хуш дардам; 5. Ёдкард; 6. Бозгашт; 7. Нигоҳдошт; 8. Ёддошт; 9. Вуқуфи замоний; 10. Вуқуфи қалбий; 11. Вуқуфи ададий. Бу қоидаларда айтилиши бўйича: «Зоҳиран халқ билан, ботинан Ҳақ билан» ёки

«Қўлинг меҳнатда бўлсин, дилингда Аллоҳ таолонинг нақши битилган бўлсин («дил ба ёру, даст ба кор»)», деган ғоя илгари сурилади. Баҳоуддин Нақшбанди деҳқончилик, ҳунармандчилик билан кун кечиради. Инсон ҳамиша қалбан маънавий юксак бўлиши, жисман ердан, ватандан узилмай яшаши кераклигини уқтиради: ***Бизда ҳеч нарса йўқ, ҳеч камимиз йўқ, ўша ҳеч нарса деб, ҳеч ғамимиз йўқ.***

XIV асрда пайдо бўлган Нақшбандий тариқати Афғонистон, Ҳиндистон, Индонезия, бошқа Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари орасида кенг тарқалган.

Дарҳақиқат, тасаввуф фалсафасини ўрганиш ҳозирги даврда мустақил Ўзбекистон шароитида комил инсон муаммосини тўғри ҳал қилишда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Хулоса: VIII асрнинг иккинчи ярми IX асрнинг биринчи ярмида мусулмон Шарқида юз берган табиий, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ўзгаришларни умумлаштириб, фалсафий ва табиий-илмий билимлар ривожига таъсир этган муҳим объектив ва субъектив омилларга бўлиб таҳлил этиш мумкин.

Объектив омиллар сифатида қуйидагилар назарда тутилди:

1. Ислом ҳукмрон дин ва мафкура сифатида араб халифалиги таркибидаги халқлар маънавий ҳаётида чуқур из қолдирди. Мазкур ҳудудда араб тилининг кенг тарқалиши асосида улкан минтақа халқларининг энг яхши ютуқларини ўзига сингдириб олган араб тилидаги маданият шакллана бошлади. Демак, умумий тил умумий маданият яратиш омилдир.

2. Марказий Осиё исломгача ижтимоий, маданий, иқтисодий жиҳатдан юксак тараққий топган минтақа бўлгани боис, араб халифалигининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида етакчи мавқе эгаллади. Бу ердаги исломгача бўлган ижобий муҳит ислом ғояларининг сингишига сабаб бўлди.

3. Улкан давлатни бошқариш, жамиятнинг доимий ўсиб бораётган талабларини қондириш, ҳар куни пайдо бўладиган савдо масалалари, ҳунармандчилик, шаҳарсозлик, сув транспорти, молиявий-маъмурий муаммоларни ечиш зарурияти халифаларни дунёвий илмлар ва фанларни ривожлантиришга ундади.

4. Мантиқ қонун-қоидаларининг, айниқса, хулоса чиқариш ва исботлаш усулларининг дин ва давлат масалаларини чуқур таҳлил қилишга қўлланилиш эҳтиёжи антик давр фани ва фалсафасининг кенг тарқалишига сабаб бўлган омиллардан биридир. «Шу боис юнон файласуфларининг мантиқий таълимотлари Яқин ва Ўрта Шарқда тоза назарий шаклда эмас, балки амалий соҳаларда қўлланилиши билан узвий боғлиқ ҳолда олиб ўрганилган. Буни Марказий Осиёда фиқҳ илмининг ривожланиши мисолида кўриш мумкин»[1].

Қуйидагиларни субъектив омиллар сифатида қайд этиш мумкин:

1. Ислом тамойиллари ва Муҳаммад пайғамбарнинг ҳадислари юқорида зикр этилган жараёнларда муҳим ижобий роль ўйнади. Пайғамбарнинг «Илмни Чинда бўлса ҳам бориб ўрганинглар» деган ҳадиси мусулмонларни янги-янги илму ҳикматни эгаллашга руҳлантирарди[2]. Дастлаб одамларни табиий фанлар, хусусан, тиббиёт кўпроқ қизиқтирган бўлса, кейинчалик мантик, фалсафа, ахлоқ ва сиёсат сингари фан соҳалари илм аҳлининг эътиборига туша бошлади.

2. Аббосий халифалар дунёвий билимларни чуқурлаштириш заруратини ҳисобга олиб, таржимачилик ҳаракатини қўллаб қувватладилар. Халифа Маъмуннинг «Байт ал-ҳикма»си таржималар, янги илмий тадқиқотлар, илмий

[1] Шарипов М., Муксимова Х. В. Марказий Осиёда дунёвий илмларнинг қарор топиши // Дунёвийлик фалсафаси: Мақолалар тўплами. – Тошкент: Тошкент давлат иқтисодиёт университети, 2007. – Б. 73.

[2] Хотамий Саййид Муҳаммад. Ислом тафаккури тарихидан. – Т.: Минҳож, 2003. – Б. 24-25.

мунозаралар марказига айланиб, илмий-мантиқий фикр ривожланишига кучли таъсир кўрсатди.

3. Ўрта аср илмлари, маданиятини яратиш ва ривожлантиришда Марказий Осиё халқлари вакилларининг самарали меҳнатлари туфайли иқтисод соҳасидаги тажрибаларни умумлаштириш, қадимги маданият ютуқларини ўзлаштириш ҳақидаги табиий-илмий фикрлар юксак даражада ривожланди.

4. Ҳорун ар-Рашид ҳукмронлиги даврида вазирлик мансабларини эгаллаган Бармакийларнинг таъсири остида Аббосий халифалар бошқа халқларнинг, жумладан Эрон халқининг адабиёти, маданияти ва сиёсий меросига қизиқадиган бўлдилар.

5. Сомонийлар, Ғазнавийлар, Саффорийлар, Салжуқийлар ва Буийларнинг вакиллари кучли мустақил давлатлар тузиб, маҳаллий тилларда ёрқин маданият бунёд этдилар, илм-фанни ривожлантирдилар.

6. Сомонийларнинг донишмандона сиёсати туфайли, бошқа дин ва конфессиялар бемалол фаолият кўрсатиш имкониятига эга бўлдилар. Бу эса Сомонийлар даврида жуда кўп илмий, адабий асарларнинг яратилишига олиб келди.

7. Исмоилийларнинг ислом маданиятини шакллантириш, хусусан, рационал фалсафий оқимларни сақлаб туришдаги хизматларини таъкидлаб ўтиш жоиз. Уларнинг таълимоти Рай шаҳридан тортиб, Мовароуннаҳр шаҳарларигача кириб борди.:

Дарҳақиқат, «Ҳар қандай цивилизация кўпдан кўп халқлар, миллатлар, элатлар фаолиятининг ва самарали таъсирининг маҳсулидир»[1]. Араб халифалигида IX–XI асрларда юз берган маданий юксалишни таъминловчи асосий кучларидан бири бўлган Мовароуннаҳр ва Хуросон минтақаси исломдан аввал буюк цивилизациялар макони бўлгани сабабли бу юрт фарзандлари ислом маданияти ривожига улкан ҳисса қўшдилар. Зеро, буюк цивилизациялар бағрида буюк шахслар камол топади.

Ўрта асрлар барча фан тармоқлари, жумладан, Эрон ва Юнон меросини оммалаштириш даври бўлди. Ислом маданияти бошқа цивилизацияларнинг ютуқларини ўзида жамлаб, уларни қайта ишлаб, бойитиб ўз ҳудудининг жуғрофий, тарихий, маданий ва маънавий талаб ва шароитларига мувофиқлаштирди.

Илк ўрта асрларда фалсафий тафаккур ривожи: аппологетика патристика, схоластика, номинализм ва реализм.

Европада Қадимги Юнон ва Римдан Ўрта асрлар фалсафасигача, яъни эр.ав. I асрдан эрамизнинг XIV асригача, бир ярим минг йил давомида бир қанча оқимлар пайдо бўлди. Бу давр фалсафасида икки хил жараённи кўриш мумкин: 1. Хиристианликнинг шаклланиб давлат дини ва мафкурасига айланиши; 2. Ўрта асрларга келиб инквизициянинг устивор йўналишга айланиши.

XI-XIII асрлар Ғарбий Европадаги ижтимоий тараққиёт Ўрта асрлар номи билан юритилади. Қулдорликнинг ўрнини феодал муносабатлари эгаллаган бу даврда дин мафкура соҳасида ҳукмронлик қилди. Ғарбий Европа мамлакатларида фалсафа, ҳуқуқшунослик, санъат, маданияти, табиатшунослик соҳаларида ҳам диний догматик ақидалар таъсирида қолди. Фалсафа тажрибавий билимлардан, амалиётдан ажралиб, диннинг ҳизматкорига, схоластикага, илоҳиётга айлантирилди. Бу даврда табиатни ўрганиш гуноҳ ҳисобланиб, олимлар даҳрийликда айбланар ва ҳатто ўлдирилар эди. Лекин жамият, табиий ва ижтимоий қарашлар ривожланишда давом этиб, антик давр маданияти, фан ютуқлари, фалсафий қарашлари ўрганила бошлади. Католик

[1] Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ // Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Т.7. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – Б. 146.

черковининг расмий дунёқараш тизимини ташкил этган теология ҳамда схоластик фалсафа бутун Ўрта аср давомида ижтимоий фикр устидан ҳукмронлик қилди. Ғарбий Европанинг Ўрта асрлар даври фалсафасида скептицизм, агностизм, неоплотонизм, гностика, апологетика, патристика, реализм, номинализм каби оқимлар пайдо бўлди. Платон ва Аристотелнинг фалсафий таълимотлари назарий манба бўлиб ҳизмат қилган диний-схоластик фалсафий оқимлар – номинализм ва реализм вужудга келиб, улар ўзаро қарши кураш олиб борди.

Гностицизм эрамизнинг 150 йилларида ўзининг юксак равнақига эришди.

Гностиклар фикрича, Худо руҳ сифатида ёвузликдан мутлақо соф, инсон ўз табиатинниг руҳий жиҳати билан Худога мослашган. Бу масалада гностиклар христианликни юнон фалсафаси билан бирлаштиришга ҳаракат қилдилар. Бу уринишда гностицизм ғалаба қилиб, христианлик қадимги дунёнинг навбатдаги фалсафий дини бўлиб қолди. 354 йилда Помпей собори христианликни Рим империясининг асосий дини деб эълон қилди.

Дуализм – гностицизмнинг асосий йўналиши. Унинг тарафдорлари таъкидлашича, моддий ва руҳий дунё ўртасида мустаҳкам чегара мавжуд. Материя ёвузлик тимсоли. Демак, Худо ҳеч маҳал моддий дунёни яратиши мумкин эмас. Гностиклар эълон қилган дарвешлик (аскетизм) ўрта асрларда монахчиликнинг вужудга келишига сабаб бўлди.

Апологетлар христианлик тарихида I–III асрларда вужудга келди. Апологетика «ҳимоя қилиш» демакдир. Апологетлар ўз асарларида мушрик(кўпхудоли)лик адабиётларидан олинган диалог шаклидан фойдаланиб, Рим давлатининг христианликни таъқиб қилиши ҳеч қандай оқлашга лойиқ эмаслигини исботлашга ҳаракат қилганлар. Апологетлар асарларида икки анъана яққол сезилиб туради: инкор қилиш ва тасдиқлаш. Улар мушриклар томонидан христианликка қўйилган айблар – ғайриодатий ҳаракатлар, дабдабабозлик кабиларни инкор қилиб, христианликнинг софлигини тасдиқлаганлар. Бу соҳада Юстиннинг «Биринчи апологея», «Иккинчи апологея» асарларини, Тулеан ва Анаксагор каби файласуфлар фаолиятини таъкидлаш лозим.

«Патристика» сўзи «падре» – «ота» сўзидан келиб чиққан. Одатда, Ғарбда епископларни бу ном билан ҳурматлаганлар. Машҳур черков оталаридан бири Иоан Златоуст (347-407) нинг 640та даъватларидан кўпчилиги авлиё Павел номаларининг шарҳи эди. Унинг асарларида инжилни амалий қўллаш соф аҳлоқий масалалар билан қоришиб кетган. «Пок» унвонига сазовор бўлган файласуф ва ислоҳиётчи Аврелий Августин (354-430) ўз ҳаётини епископлик, тадқиқотчилик, адабиётга бағишлайди. У 100га яқин китоб, 500та даъват ва 200га яқин номалар ёзди. Унинг 401 йилда ёзилган»Сиғиниш» асарида ўзининг христианликкача бўлган ҳаётини ёзади. «Библия» оятлари рамзий баён қилинади. У мушриклик фалсафасини ҳеч маҳал ҳақиқатга олиб келмайди, деб қоралайди.

«Схоластика» – сўзи юнонча «shola» «школа»дан олинган, «ўқиш жойи», «мактаб» маъноларини англатади. Буюк Карл саройида ўқитувчилик қилганларни схоластлар деб атаганлар. Шунингдек, динни ўрганишда фалсафани татбиқ қилган ўрта аср олимларини ҳам схоластлар деб атаганлар. Схоластикани маълум даражада илоҳиётни ақлга мослаштириш, динни тафаккур ёрдамида қувватлашга бўлган интилиш деб баҳолаш мумкин. Ўша даврда илоҳиётни муқаддас китоблар ақидалари асосида эмас, балки фалсафий нуқтаи назардан тадқиқ қилиш тоқозо қилинарди. Схоластларнинг мақсади эътиқод ақлга мувофиқми, деган саволга жавоб бериш бўлган.

Номинализм – лотинча номина – исм, ном маъносини англатади. Номинализм ўша давр шаҳар савдогар ва ҳунармандлари манфаатларини ифодаловчи, уларнинг черковнинг мутлақ ҳокимиятига қарши курашини акс эттирувчи, ўз даврининг прогрессив фалсафий оқими. Номиналистларнинг асосий вакиллари: **Беренгарий Турский (1000-1088), Иоан Расцелий (1050-1112), Уильям Оккам (1300-1350)** таълимотича, табиатдаги якка-якка предмет-ҳодисалар, уларнинг хусусиятлари реал мавжуд, уларнинг инъикоси бўлган умумий тушунчалар эса иккиламчидир. Чунки, «умуман ўй», «умуман инсон» – бир гуруҳ, ўйлар, бир гуруҳ кишиларнинг иниъкосидир, холос.

Номиналистлар фикрича, универсалийлар ҳақиқатда эмас, балки фақат тафаккурда мавжуд. Номинализмнинг асосий тезиси Платон гояларини танқид қилган кадимги юнон файласуфлари Антисфен ва Стоик томонидан илгари сурилган бўлиб, схоластиканинг реализм билан мунозараси натижасида Росцелин томонидан асосланганидан кейин мустакил окимга айланди. У факат якка нарсаларгина реал мавжуд, универсалийлар эса нарсаларнинг номи, деб таъкидлаган.

Реализм эса черков ва йирик феодаллар дунёқараши, манфаатини ифода этувчи реакцион фалсафий оқим. Бу икки оқим ўртасидаги кураш умумий тушунчалар, «универсаллар»нинг моҳиятини аниқлашдан келиб чиқди. Реализмга асос қилиб Платоннинг обеъктив идеализми олинган эди. Унинг асосий вакиллари: **Ангельм (1033-1109), Иоан Скот Эриуген (815-877), Фома Аквинский (1224-1292)**. Уларнинг фикрича, умумий тушунчалар, яъни категориялар – «универсаллар» реал мавжуд бўлиб, улар мустақил ғоявий моҳият сифатида предметларга, кишиларга нисбатан бирламчидир. Моддий оламнинг предметлари эса шу умумий тушунчаларнинг шаклий ифодаси, иккиламчидир. Умумий тушунчалар мангу бўлиб, предмет-ҳодисалар вақтинча ва ўткинчидир. Реалистлар фикрича, «умуман уй» ғояси бирламчи бўлиб, унинг шаклий ифодаси сифатида якка-якка ҳолдаги уйлар вужудга келади.

Ангельм Кеттерберийский (1033-1109) Шимолий Италияда туғилган, 1093 йилда Кеттерберийск шаҳрининг архиепископи этиб тайинланди. Ангельм «Монополия» ва «Прологион» асари билан машҳур. «Монополия» – Худонинг борлигини сабаб ва оқибат муносабатлари тизимида исбот қилиш. Бу космологик исботнинг шакли сифатида шундай талқин қилинади: инсон ҳаётда энг олий илоҳий неъматларнинг акси бўлмиш кўп неъматлардан фойдаланади. Узлуксиз таназзулни тасаввур қилиб бўлмагани сабабли, ҳамма нарсанинг бир сабабчиси бўлиши керакки, биз уни Худо деб атаймиз. Ангельмнинг иккинчи асари «Прологион» Худо борлигининг дедуктив исботидир. Унинг таъкидлашича, ҳар бир одамда учун мавжуд олий ва комил моҳият ҳақидаги ғоя объектив мавжудликка эга реалликка мосдир. Чунки борлиқ мавжуд бўлмаганда, нарса комил бўлмас эди. Агар Худодан юқори олий нарсани тасаввур қилиш мумкин эмас экан, демак, Худо реалликда бордир.

Арасту таълимотининг кўп жиҳатларини қабул қилган мўътадил реалистларнинг йирик вакиллари Пьер Абеляр ва Фома Аквинскийир.

Британияда туғилган **Пьер Абеляр (1079-1142)** таъкидлашича, реаллик ёки универсалий дастлаб Худо ақлида, сўнг нарсаларнинг ўзида ва ниҳоят, одамларнинг онгида мавжуддир. Абеляр «Мен эътиқод қилиш учун биламан» деган ғояни илгари сурган. Яъни билимсиз кишидан кўра, динни яхши ўрганган киши афзал. Бундай киши ақидапараст эмас, балки ўзи билган нарсанинг қадрини биладиган инсондир.

Абеляр ҳақиқатни топишда тафаккурга ҳамиша таянади. Унинг таъкидлашича, шубҳа ҳамма вақт тадқиқотга йўллайди, тадқиқот эса ҳақиқатни топади. Унинг аҳлоқий таъсир қилиш назариясига кўра, инсоннинг ўлими Худони рози қилиш учун эмас, балки

одамларни Худога бўлган муҳаббат билан таажжубга солиш ва уларга аҳлоқий таъсир кўрсатиш мақсадида содир бўлади. Бу билан одамлар ўз ҳаётини Худога бўйсундирадилар.

Фома Аквинский (1224-1292) Арасту натурфалсафасини илоҳиёт билан бирлаштиришга ҳаракат қилган. Унинг фикрича, натурфалсафада тафаккур ва Арасту мантиқий таълимоти ёрдамида Худо борлиги ҳақидаги ҳақиқатга эришиш мумкин. Унинг «Илоҳий суммалар» асари 3000 мақоладан иборат, 600 масалани ёритишга бағишланган. У илоҳиётнинг системали баёни вазифасини бажаради. Асарнинг биринчи қисми Худонинг борлиги ва борлиғи масаласида; иккинчи қисми «Худога қараб ҳаракат» ҳақида баҳс юритади.

Аквинский таълимотича, дунё иерархик нарвон: унинг энг қуйи қисмида ер ва 4 элементдан иборат ҳамма нарсалар мавжуд. Одам руҳи Худо ва моддий дунё ўртасидаги жойни эгаллайди. Дунёвий жамият тепасида папа бошчилигидаги илоҳий давлат туради. Сайёрамиз дунёсиннинг тепасида фаришталар дунёси мавжуд. Бутун коинот тузилиши уч шахсни бирлаштирган ягона Худо томонидан бошқарилиб туради. Кейинчалик Аквинский таълимотидан XIII асрда «томизм» оқими шаклланди ва Ғарбда ҳозир ҳам XX аср фалсафасида «неотомизм» тарзида сақланиб қолган. Бу таълимотга кўра, дунёда турли шакллар бор, шулардан бири жон бирламчи ва ўлмасдир. У танадан чиқиши билан тана ҳалок бўлади. Шаклларнинг олийси – Худо. Аквинский ақлни иккига бўлади: 1.Табиатдан ташқари ақл ёки «Худо ақли», у бирламчи; 2.Табиатдаги ақл ёки инсон ақли эса иккиламчидир. Аквинскийнинг бу қарашлари черковни назарий жиҳатдан мустаҳкамлашга хизмат қилди ва ҳозир ҳам хизмат қилмоқда.

Хуллас, номиналистлар ва реалистлар ўртасидаги қарама-қаршилик ўрта аср схоластикасининг муҳим муаммоларидан бири эди. Схоластиканинг авжга чиққан даври – 1150 ва 1300 йилларда – Фома Аквинийскийнинг мўътадил реализми номинализм устидан ғалаба қозонди. Лекин 1300 йилдан кейин черков илоҳиётчилари тафаккурида номинализм юқори мавқени эгаллай бошлади. Бу кўп жиҳатдан уйғониш даври фалсафасига таъсир кўрсатди. Шунингдек, ҳақиқатга эришишнинг тажрибавий методини (рационализм) вужудга келишида катта хизмат қилди.

Такрорлаш учун саволлар

1. Қадимги Миср фалсафасига хос хусусиятлар қайсилар?
2. «Веда»лар нима ва қачон пайдо бўлган?
3. Буддавийлик таълимотининг моҳияти нимадан иборат?
4. Конфуцийлик нима?
5. Лао Цзи фалсафасида Дао қонуни нимани англатади?
6. Милет фалсафий мактаби тўғрисида нималарни биласиз?
7. Афлотуннинг ғоялар дунёси ҳақидаги таълимотининг моҳияти нимадан иборат?
8. Арасту таълимоти қандай?
9. «Авесто» тўғрисида нималарни биласиз?
10. Зардўштийликнинг моҳияти нимадан иборат?
11. Моний фалсафасининг мазмунини айтиб беринг.
12. Маздак таълимоти нимага даъват этади?
13. Ислом дини тўғрисида нималарни биласиз?
14. 14.Тасаввуфда комил инсон ғояси қандай ?
15. Тасаввуф тариқатлари тўғрисида нималарни биласиз?
16. Сизнинг назарингизда диний бағрикенглик нима?

ЯНГИ ВА ЭНГ ЯНГИ ДАВР ФАЛСАФАСИ

Таянч тушунчалар: *Уйғониш даври Европа фани ва фалсафаси, «идоллар», дуализм, миллий давлатчилик, материалистик ва атеистик тамойиллар, замонавий фалсафий оқимла, экзистенциал фалсафа, неопозитивизм, структурализм, герменевтика, сциентизм ва антисциентизм.*

Янги давр фалсафасининг ривожланишидаги ижтимоий-сиёсий шароит. Европада Рим империясидан кейин бир неча асрлар ўтиб, минтақа ҳаётида христианликнинг мафкурвий роли ҳам, инквизиция ҳам, қон-қардош ва ўзаро душман қироллар ҳам ўз даврини ўтаб бўлди. **Европа уйғонди.** Кишилар дунёқараши, илм-фан соҳасида кескин ўзгаришлар рўй берди. Европада алоҳида миллатларнинг шаклланиши, миллий давлатлар пайдо бўлиши эндиликда уларнинг ҳар бири учун муҳим мафкурани тақозо этди. Энг муҳими, бу даврда миллий ғоялар тўла-тўкис амалга ошиши учун ижтимоий шароит етилди: италия, инглиз, француз ва бошқа халқлар ўз давлатчилик анъаналарини тўла-тўкис тикладилар. Ғарбий Европа мамлакатларидаги туб ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар Нидерландияда XVI асрнинг 60-70, Англияда XVII асрнинг 40-50-йилларида бўлиб ўтди. Энди монархия тузуми жамиятнинг илғор табақалари назарида, тарихан ўз умрини ўтаб, ғайритабиий туюла бошлади. Илгари тан олинмаган инсоннинг табиий ҳуқуқлари масаласи ўртага чиқиб, ижтимоий тартиблар инсон табиатига мос келиши талаб қилина бошлади. Маънан уйғонаётган, мустақил миллий давлатчилигига эга Европа миллатлари ўз комил инсонларини энди инквизициянинг ҳукмига топширишга асло ҳақлари йўқ эканлигини англадилар.

Уйғониш даври Европа фани ва фалсафаси миллий қобиққа ўралиб қолмади, балки миллий чегараларни билмайдиган, умуминсоний қадриятлар хусусиятига эгадир. Европа фалсафасининг ривожида муҳим ўрин тутган университетлар 1200 йилларда вужудга келди. 1400 йилларга келиб, Европада 23 та университет мавжуд бўлган. Университет дастурининг катта қисмини схоластика билан шуғулланиш ташкил этар эди.

XII асрда Итерий Рим ҳуқуқининг буюк тадқиқотчиси сифатида машҳур бўлди ва талабалар уни эшитиш учун Болонья шаҳрига оқиб кела бошладилар. Натижада Болонья шаҳри университети муваффақиятли фаолият кўрсата бошлади. Абелярнинг ўқитувчи сифатидаги шуҳрати Париж университетининг вужудга келишига сабаб бўлди. Шунингдек, XII асрда Англия ва Франция қироллари орасидаги низо оқибатида, англиялик талабалар Париждан Англиянинг Оксфорд шаҳрига кўчиб ўтишлари сабабли Оксфорд университети ташкил топди. Оксфорд университети талабаларининг қўзғолон кўтариши ва 1209 йилда уларнинг Кембриджга кўчиб ўтишлари натижасида Кембридж университети вужудга келди. Университетлар Қадимги Юнонистон ва Римда, бизнинг мамлакатимизда ҳам машҳур устоз ва шогирдлар тўпланиб, илм ўрганадиган, ўргатиладиган ва илмий баҳслар олиб бориладиган мактаблар тарзида шаклланган бўлсалар-да, фан соҳаларининг кўплиги туфайли алоҳида тадқиқот масканига айланиб қолди. Улар тажрибаси кейинча дунё бўйлаб ёйилди.

Ўша давр машҳур файласуфларидан бири **Вильям Оккам (1309-1349)** фикрича, илоҳиёт ақидалари рационал (ақлий) йўл билан исботланиши мумкин эмас. Улар фақат Муқаддас китоб нуфузи туфайли қабул қилиниши мумкин. Бу қараш эътиқод ва

тафаккурни бир-биридан ажратар, уларни омухта қилишни қораларди. Оккам универсалийларнинг объектив мавжудлигини инкор қилди. Унингча, универсалийлар тафаккур тушунчалари учун фақат исмдир. Бу тушунчаларни одам ўз онгида яратган. Унингча, алоҳида одам инсонга нисбатан реал ва муҳимроқдир.

Роджер Бэкон (1214-1292) ҳаётини илмий тажрибаларга бағишлади. У тажрибавий фанга асос солди. Тажриба методини эса XYII асрда Френсис Бэкон ишлаб чиқди. Ҳақиқатни топишда табиатни тажрибавий ўрганиш методини қўллаш номиналистлар қарашларига тўлиқ мос келарди.

Инсоният тарихида рўй берган энг илғор тараққиёт даврларидан бири **Уйғониш даврида** ҳаётнинг ҳамма тармоғида муҳим, инқилобий ўзгаришлар юз берди.

Бу давр фалсафа ривожига муҳим ҳисса қўшган немис олими **Николай Кузанский(1401-1464)** таълимотича, Худо борлиқнинг олий ва ягона асоси. Худо ҳамма нарсаларда, ҳамма нарсалар Худода мавжуд. Энг олий ҳақиқатларни билиш, схоластик фикрлаш билан эмас, балки тажриба асосида амалга ошади. У бу борада муҳим космологик фикрларни баён қилди. Билиш назариясига нисбатан унинг мутлақо янгича ёндашиши XVIII аср охири ва XIX аср бошида немис фалсафасига дебоча бўлди.

Уйғониш даври мутафаккирларидан бири поляк олими **Николай Коперник (1473-1543).** гелиоцентрик таълимоти билан фанда туб ўзгариш ясади: галактикамизнинг маркази Ер эмас, қуёшдир. Бу кашфиёт дунёда теологик қарашга зарба бериб, табиатшуносликда инқилоб қилди.

Коперникнинг гелиоцентрик назариясидан италиялик **Жордано Бруно (1548-1600)** чуқур илмий хулосалар чиқарди. Илғор фикрлари учун Бруно даҳрийликда айбланиб, черковдан ҳайдалди. Италиядан қочишга мажбур бўлди. Узоқ вақт Швецария, Франция, Англия ва Германияда қувғинда юрди. 1592 йилда Бруно Италияга қайтиб келади, лекин черков инквизицияси томонидан қамоққа олинади. Ўз таълимотидан воз кечмагани учун қатл этишга ҳукм қилинди. Бруно табиатшунослик тажрибалари юзасидан муҳим назарий хулосалар ишлаб чиқди: ҳақиқий фалсафа илмий тажрибага суяниши керак, схоластикани тугатиш керак. Коинот ягона, моддий, чексиз ва абадий. Жуда кўп дунёлар қуёш системасидан ташқарида мавжуд. Юлдузлар – бошқа планета системаларининг қуёши. Ер – чексиз дунёнинг кичик бир зарраси. Коперник эса коинотни чекли деган эди. Демак, Брунонинг табиий-илмий қарашлари Коперникникидан илғор, у Коперник таълимотини қуёш системасининг тузилиши ҳақидаги янги қарашлар билан бойитди.

Инглиз фалсафаси асосий вакилларидан бири **Ф.Бэкон (1561-1626)** таълимотича, фаннинг янги биносини қуриш учун, тўғри фикрлашга ўрганиш керак. Табиатни билишда бир неча «идоллар» инсон ақлини ўраб, унга ҳалақит беради. Улар асосан тўртта: 1) умуман инсон зотига хос уруғ идоллари *(Инсоннинг ақли қийшиқ кўзгуга ўхшаб, нарсаларнинг табиати билан ўз табиатини қориштириб, уларни қийшиқ кўрсатади);* 2) ғор идоллари *(Бу ҳар бир одамнинг ўз специфик хусусиятлари натижасида янглишиши. Фикрлаш уфқининг чекланишидан ҳамма нарсани ўз нуқтаи-назари, тор доираси билан ўлчаш вужудга келади);* 3) майдон идоллари *(у маълум тасаввурларга таяниш одати, нотўғри ёки ноаниқ терминологияларга танқидий ёндошмаслик оқибатида пайдо бўлади. Масалан, реал борлиқни ифодаламайдиган ёки уни ноаниқ, мавҳум ифодалайдиган сўзлар тафаккурга тескари таъсир қилувчи сохта тушунчаларни туғдиради);* 4) театр идоллари *(улар авторитетлар фикрига кўр-кўрона эргашиб, қадимгиларнинг фалсафий системаларини давом эттираверадилар)*.

Бэкон томонидан схоластикага қарши қаратилган идолларнинг танқиди методологик аҳамиятга эга. У «Янги Органон» китобида шундай деган эди: «Моддий дунё, мамлакатлар, денгизлар, планета жуда кенг бўлгани ҳолда, инсонларнинг маънавий дунёсини эски чегаралар билан ўраб қўйилиши шармандаликдан бошқа нарса эмас».

Унинг билиш назарияси тажриба ва ақл босқичидан иборат. Бэкон таълимотича, олим чумолидек, фақат йиғиш билан кифояланмаслиги; ўргимчакдек ҳаётдан ажраб, шахсий ақли билан ўз макрли фалсафасини тўқимаслиги; балки асаларига ўхшаб гуллардан нектар олиб, кейин уларни асалга айлантириши лозим. Бэкон ижтимоий-сиёсий қарашлари бўйича кучли марказлашган давлат тарафдори бўлган. Унингча, ижтимоий ҳаётда санъат ва савдо ривожланиши асосий рол ўйнайди.

Ф.Бекон таълимотини **Томас Гоббс (1588-1679)** такомиллаштирди. Олим моддийликни асосий субстанция деб ҳисоблаган, материянинг абадийлиги, ҳаракатнинг эса механистик тарзда амалга ошишининг тарафдори бўлган. У математик сифатида борлиқнинг намоён бўлишини геометрия фани нуқтаи назаридан тушунтирган. Билиш назариясида Гоббс эмпирик жиҳатларга кўпроқ эътибор берди, сезгиларнинг билимлар ҳосил қилиш жараёнидаги аҳамиятини таҳлил қилди. Ижтимоий тараққиёти масаласида у хусусий мулкчиликка асосланди. Унинг назарида, давлатнинг монархия шакли мақсадга мувофиқ.

Инглиз фалсафасида **Жон Локк (1632-1704)** қарашлари алоҳида ўрин тутади. Унингча ҳам тажриба билишнинг асосий манбаи. Бунда ички ва ташқи тажриба ажратилади. 1690 йилда ёзилган «Инсон ақли ҳақида тажриба» номли асарида Р. Декартнинг «туғма ғоялар»ига қарши чиқади. Локк фикрича, билиш табиат ва инсон ўртасидаги муносабатлардан, ҳақиқатлар эса кишиларнинг айни жараёнда ҳосил қилган тушунча, ғоя ва хулосаларининг оламга мос келишидан иборатдир.

Ижтимоий-сиёсий қарашларига кўра, Локк таърифлаган давлатнинг қуйидаги хос тамойиллари уйғун бўлганидагина, давлат фаолияти самарали амалга ошади: 1) ҳокимиятни қонун чиқарувчи тизими; 2) ҳокимиятнинг ижро этувчи органлари; 3) иттифоқ федератив ҳокимияти.

Француз фалсафасида Р. Декарт, Ламетри, Гельвеций, Дидро, Голбах ва Руссонинг қарашлари ниҳоятда муҳим.

Р.Декарт (1596-1650) қарашларида дуализм асосий ўрин тутади. Унинг фикрича, борлиқнинг асосида материя билан руҳ ётади ва Худога бўйсунади. Олам чексиз ва абадий, у инсон тафаккурига боғлиқ бўлмаган ҳолда ривожланади. Р. Декартнинг *«Мен фикр қилаяпман, демак мен мавжудман»* деган гапи файласуфлар орасида машҳур. Билишда фикр ва сезгилар аҳамиятини ниҳоятда ортиқ баҳолаган Р. Декарт рационализм таълимотининг асосчиси ҳисобланади. Унингча, инсоннинг фикрлашидан бошқа ҳамма нарсани текшириш, шубҳа остига олиш мумкин. Декарт ўз замонасининг буюк математикларидан бири, аниқ фанлар соҳасида аҳамият касб этган дедукция усулини фалсафага киритган олим ҳамдир. Ламетри, Гельвеций, Дидро ва Голбах асосий эътиборни миллий давлатчилик, инсон эркинлиги, ҳақ-ҳуқуқлари муаммоларига қаратдилар. Ўз асарларида француз миллатини маънан камол топиши ва маърифатли халққа айланиши учун мазкур қадриятларга эришиш йўллари ва усулларини баён этдилар. Улар ва бошқа кўп француз маърифатпарварлари ёзган кўп томлик «Энциклопедия» ўша замон маънавий муаммоларини маърифатли йўл билан ҳал қилиш усул ва имкониятлари шарҳланган «Европа қомуси» даражасига кўтарилди. Аҳамияти, муаммоларининг умуминсоний нуқтаи назаридан ечилиши, халқчиллиги, тилининг француз миллати ҳаёт тарзига яқинлиги боис энциклопедия XVIII аср Европасининг тенги йўқ китоби эди. Китоб муаллифлари ўз асар ва

фаолиятлари билан 1789-1884 йилларда Француз инқилоби қабул қилган «Инсон ва гражданлар ҳуқуқлар деклорацияси»да илгари сурилган умуминсоний қадриятларни жамият тараққиётининг энг устивор маънавий мезонларига айлантирдилар.

Немис фалсафаси.

XVIII аср охири – XIX аср бошларида Германия бошқа Ғарбий Европа мамлакатларига нисбатан иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан қолоқ эди. Аммо француз инқилобининг кучли таъсири остида ҳамда табиатшунослик ва ижтимоий фанларнинг ривожи немис фалсафасини шакллантирди. Физика ва химия фанлари ютуқларга эришди. Математика фанида янги ихтиролар қилинди. Кашфиётлар ва кишилик жамиятининг тараққиёти ҳақидаги ғоялар борлиқни ўрганишнинг услуби ва назарияси сифатида хизмат қилувчи назарияларни ишлаб чиқишни тарихий заруриятга айлантирди.

Немис фалсафасининг асосчиларидан бири **Иммануил Кант (1724-1804)** йирик табиатшунос олим эди. Кангтнинг газ ҳолатидаги улкан туманликдан қуёш системасининг келиб чиқиши ҳақидаги назария астрономия соҳасидаги энг муҳим таълимотлардан биридир. Кант ўз даври табиатшунослиги эришган ютуқларни Коинот тузилиши, генезиси ва ривожланиши масалаларига татбиқ қилди. Кантнинг инсон ирқларининг табиий келиб чиқиши ҳақидаги назарияси ҳам муҳим аҳамиятга эга. Борлиқ, ахлоқ масалаларини таҳлил қилиш учун инсон билимининг имконият ва чегараларини аниқламоқ керак. «Нарса ўзида»нинг сезги аъзоларимизга таъсири натижасида вужудга келган сезгилар хаоси ақлимиз қуввати билан тартибга солинади. Биз табиат қонунлари деган нарсалар аслида ақл томонидан ҳодисалар дунёсига киритилган алоқадир. Ҳодисалар дунёсига «нарса ўзида» мос келади. Уни мутлақ билиш мумкин эмас. «Нарса ўзида» ақл билан билиш мумкин, лекин тажрибадан келиб чиқмайдиган моҳиятдир. Кант инсон ақлининг чексиз қудратига ишончсиз қарайди. Инсон билимининг нисбатан чекланганлигига маълум ахлоқий маъно беради: агар инсон мутлақ билимга эга бўлса, унда ахлоқий бурчни бажариши учун кураш ҳам, интилиш ҳам бўлмасди. Макон ва замон реал эмас, балки фақат тушунча, ғоялардадир. Билиш назариясида у диалектикага муҳим ўрин беради. Қарама-қаршиликни билишнинг зарурий омили сифатида қарайди.

Кант вафотидан кейин немис фалсафасининг ривожи **Гегель (1770-1831)** ижодида юксак чўққига эришди. Гегель диалектиканинг қонун ва категориялари ҳақидаги таълимотни ривожлантирди. Фалсафа тарихида илк марта диалектик мантиқнинг асосий қоидаларини бир тизимга солиб, ишлаб чиқди. Кантнинг «нарса ўзида» таълимотига қарама-қарши таълимотни илгари сурди: *«Моҳият намоён бўлади, ҳодиса моҳиятдан ажралмасдир»*. Гегель таъкидлайдики, категориялар борлиқнинг объектив шаклларидир. Борлиқнинг асосида «дунёвий ақл», «мутлақ ғоя» ёки «дунё руҳи» ётади. Ўз-ўзини англаш жараёнида дунёвий ақл уч босқични босиб ўтади:

1.Мутлақ ғоянинг ўз хусусий қобиғида бўлиш босқичи; тафаккур жараёнида ғоя диалектика категория ва қонунлари тизимида ўз мазмун-моҳиятини намоён қилади. Бу мантиқ босқичидир;

2. Ғояннинг ўзидан «бегоналашуви», табиат ҳодисалари шаклида намоён бўлиш босқичи; табиат категориялар сифатида ривожланади. Бу табиат фалсафаси босқичидир;

3. Ғоянинг тафаккур ва инсоният тарихида ривожланиш босқичи. Бу руҳ фалсафаси босқичидир. Шу якуний босқичда мутлақ ғоя инсон онги ва ўз-ўзини англаш шаклида ўз моҳиятига қайтади.

Ривожланиш ғояси Гегель фалсафасини қамраб олган. Ривожланиш тор доира ичида эмас, доимий, қуйидан юқорига қараб боради. Шу жараёнда миқдор ўзгаришларининг туб сифат ўзгаришларига ўтиши юз беради. Ривожланишнинг манбаи ҳар қандай ўз-ўзидан ҳаракатнинг сабаби бўлган қарама-қаршиликдир. Борлиқ диалектик ўтишлар занжири сифатида баён қилинган. Гегель фикрича, тарих мутлақ ғоянинг, моҳиятан ақлнинг ўз-ўзидан ривожидир. Лекин бу жараён қандайдир тартибсиз амалга ошмайди. Гегель умумжаҳон тарихини тўрт босқичга бўлади: 1. Шарқ дунёси; 2. Юнон дунёси; 3. Румо дунёси; 4. Герман дунёси.

Инсоният тарихига Гегель очиқдан-очиқ ирқчилик руҳида баҳо беради. Унингча, шарқ халқларида ягона зўравон ҳукмроннинг эркинлиги тан олинган. Юнон-румо дунёсида эса эркинлик чекланган, фақат айрим кишилар учун амал қилган. Фақат герман халқларида тўлиқ эркинлик бўлган. Бу халқлар ўз тарихий тараққиётида реформация, 1789 йил Француз инқилоби меваларидан баҳраманд бўлганлар, умумий фуқаролик ва сиёсий эркинликка эришганлар.

XIX асрнинг охирида ғарб мамлакатларида Гегель фалсафаси таъсирида «ёш Гегельчилар» мактаби вужудга келди. Бу оқимнинг асосий намояндалари орасида ака-ука Бруно ва Эдгар Бауэр алоҳида ажралиб туради.

Дастлаб шу оқимга мансуб **К. Маркс (1818-1883)** ва **Ф. Энгельс (1820-1895)** кейинчалик материалистик жиҳат ва атеистик тамойиллар устувор бўлган, қарама-қаршиликларнинг кураши тамойили мутлақлаштирилган таълимотни ишлаб чиқдилар. Уларнинг таълимоти марксизм фалсафаси номини олди, ҳатто социалистик лагер мамлакатларида давлат мафкуравий доктринасига айланди. «Илмий коммунизм» ғоялари асосида инсоният тарихининг табиий жараёнини пролетариат диктатураси орқали зўрлик билан ўзгартириш таълимотини омма, сиёсий партиялар, мафкурага сингдиришга ҳаракат қилди. XX асрнинг бошларидан 80-йилларнинг охиригача ҳукмронлик қилган бу мафкура собиқ Иттифоқ тарқалиши билан ўз устуворлигини йўқотди. Унинг энг катта салбий оқибати ўтмиш маданий ва фалсафий меросига бўлган муносабатда яққол намоён бўлди. Бу фалсафанинг методологик принциплари – синфийлик ва партиявийлик холис хулосалар чиқаришга имкон қолдирмас эди. Ижтимоий-иқтисодий, тарихий, маънавий, мафкуравий шароитларни ҳисобга олмаган ҳолда, ўтмиш меросини мазкур принциплар қолипига солиб талқин қилинарди.

Ўзбекистонда мустақил миллий давлатнинг вужудга келиши, халқи миллий руҳига хос ва мос мафкура методологияси асосида муваффақиятли ижтимоий-иқтисодий ривожланиб бораётганлиги марксистик фалсафанинг ҳаёт талабларига жавоб бера олмайдиган, ғайримиллий таълимот эканлигидан далолат беради.

XX-XXI аср Ғарб фалсафаси.

XX асрга келиб инсоният фан ва техника тараққиёти соҳасида улкан ютуқларни қўлга киритди. Айни аср ижтимоий силсила, иккита жаҳон уруши, экологик инқироз, оғир йўқотишлар даври ҳам бўлди. Бу эса фалсафий фикр тараққиётида ўз аксини топди. Натижада, ҳозирги давр фалсафасида хилма-хил йўналишлар мавжуд. Ҳозирги замон фалсафасининг энг асосий тамойиллари: умуминсонийликнинг устуворлиги, унинг миллийлик билан уйғунлиги, демократик эркинликлар, инсон қадри, бирор таълимотни мутлақлаштирмаслик, бағрикенгликдир. Анъанавий фалсафада, турли ғоявий тизимларга бўлинишга қарамай, муҳим муаммоларни ҳал этишда маълум бир умумийлик мавжуд. Ҳозирги замон фалсафасида аксинча, фалсафий муаммоларнинг кўп хиллиги ва ўзига хослиги асосида фалсафий оқимларнинг мустақил йўналиш сифатида шаклланганлиги кўзга ташланади.

Анъанавий фалсафада ақл – инсон моҳиятининг белгиловчиси, деб талқин этилган бўлса, энди рационализмга қарши инсоннинг мавжудлиги (экзистенциализм) муаммолари, унинг норационал моҳияти илгари сурила бошлади. Илгари маърифатпарварлик ғояси устувор бўлса, эндиликда инсон ҳуқуқларига эътибор кучайиб кетди. Анъанавий фалсафада ҳодисалар механика қонунлари асосида тушунтиришга ҳаракат қилинган бўлса, энди бундай таҳлил доирасидан четда қолган муаммолар ўрганила бошланди.

Бугун кўп замонавий фалсафий оқимлар ўзларининг анъанавий фалсафага алоқадор эканликлари ҳамда улардан фарқ қилишларини таъкидлаш мақсадида, номларига **«нео»** – янги маъносини англатувчи қўшимчани қўшганлар: неопозитивизм, неотомизм...

Замонавий фалсафий таълимотларни асосан икки йўналишга ажратиш мумкин: **сциентизм** (лот. scientia – фан) – фан мавжуд барча ижтимоий муаммоларни ҳал этиши мумкинлиги, илм-фан тараққиётининг доимий ижобийлигини асословчи фалсафий дунёқараш. Сциентизм ғоялари, неопозитивизм, технологик детерминизм каби таълимотлар асосини ташкил этади); **антисциентизм** (фан тараққиёти жамият ҳаётига салбий таъсир кўрсатишини асословчи фалсафий дунёқараш. Экзистенциализм, франкфурт ижтимоий-фалсафий мактаби, Рим Клуби тармоқлари, баъзи диний-фалсафий оқимларнинг фанга муносабатини ифодалайди, илм-фан тараққиёти натижаларини назорат остига олиш, жамият ҳаётини хавф остига қўймаслик талаби билан боғлиқдир).

Умуман, XX аср фалсафасида бир-бирига муқобил йўналишлар рационализм ва иррационализм, антропологизм ва натурализм, сциентизм ва антисциентизм, материализм ва идеализм ўз ўрнига эга бўлмоқда.

Янгича фалсафий тафаккурга асос солган немис олими **Артур Шопенгауэр (1788 – 1860)** оламда мавжуд барча нарсалар ироданинг намоён бўлиши, иродани эса онгсиз кўр-кўрона интилиш тарзида тушунади. Махлуқотнинг инстинкт, хатти-ҳаракатлари – ироданинг намоён бўлишидир. Инсон фаолияти ҳам ақлдан бегона ироданинг натижаси сабабли моҳиятан ирроционал асосга эга. Ақл эса тасодифий, инсон ҳаёти доим айланиб турган ирода ғилдирагига боғлиқдир.

Шопенгауэр таълимотини давом эттирган немис файласуфи **Фридрих Ницше (1844-1900)** фикрича, инсон борлиғида махлуқлик ва холиқлик бирлашиб кетган. Унинг «Зардушт таваллоси» асарида кучли шахсларни тарбиялаш ғояси илгари сурилган. Ницшенинг цивилизация ва маданиятнинг сўниши ва барҳам топиши тўғрисидаги ғоясига асосланиб, 1918 йилда Г. Шпенглер «Европанинг сўниши» асарини ёзди.

Fарбда ўтган аср охири олимлари ижтимоий инқироз ва маънавий турғунликдан чиқиш йўлини классик фалсафий меросга мурожаат этишда, уни қайта тиклашда кўрдилар. Шу зайлда «Орқага Кантга», «Орқага Гегельга» шиорлари остида неокантчилик, неогегелчилик пайдо бўлди.

Фалсафанинг классик илдизларини сақлаб қолишни диний оқим – неотомизм ҳам ёқлаб чиқди. Неатомизм бугунга қадар мавқеини йўқотмаган, католик черкови томонидан қўллаб-қувватланади.

Неотомизм – XX асрдаги энг йирик диний-фалсафий оқим, XIII асраги Фома Аквинский таълимотини қайта тиклади. У (нео – янги, томизм – «фома», транскрипцияда «тома» шаклида ўзгарган) Фома Аквинскийнинг янги, замонавий таълимоти демакдир. Бу таълимотга кўра, илм ва эътиқод ўртасида тўла мувофиқлик, уйғунлик бор. Улар бир-бирини тўлдириб туради, ҳар иккиси ҳам Худо томонидан берилган хақиқат.

Илм етмаган жойда эътиқод қўлланиши керак. Лекин бу эътиқод кўр-кўрона эмас, балки мантиқан теран англанган бўлиши даркор. Фалсафанинг вазифаси динга хизмат қилишдан иборатдир. Дунёни, жамиятни Худо яратган, ижтимоий тараққиёт Худонинг режаси асосида боради. Неотомизм албатта, илоҳий қадриятларни устувор қўяди. Аммо у дин ва унинг жамиятдаги ўрнига, Фома Аквинский замонидан фарқли ёндашади. Инсон ҳуқуқлари, фикр эркинлиги демократия белгисига айланган XX асрда неотомизм цивилизациялашган таълимот сифатида майдонга чиқмоқда.

Неокантчилик XIX аср ўрталарида шаклланиб, XX аср бошларида ривожланди. Унинг вакиллари И. Кант ўз даврида қўйган илмий билишнинг умумийлиги ва зарурияти ҳамда тажрибавий ақл ҳақидаги муаммоларни таҳлил этдилар. Бу таълимотга кўра, инсон дунёга бир марта келади, шунинг учун ҳар бир инсоннинг ҳаёти ўзи учун энг олий мақсаддир. Инсон ҳаётидан кимдир ўз мақсадларини амалга ошириш учун восита сифатида фойдаланиши мумкин эмас. Эркин мавжудот деганда, ўзи хоҳлаган ишларни қилувчи кишини эмас, балки жамотчилик манфаатига қарши юрмайдиган, унга зид иш қилмайдиган, аммо ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши биладиган инсон назарда тутилади.

XX асрда фан ва техника тараққиёти, илмий тафаккур ва тил муаммоларини фалсафий таҳлил қилишга қизиқиш ортди. Бу йўналишда неопозитивизм, структурализм ва герменевтика каби фалсафий қараш намоёндалари фаолият олиб борди.

Неопозитивизм (нео – янги; позитив – ижобий) оқимининг йирик намояндалари Карнап, Айер, Рассел, Витгенштейн. Непозитивизм Fарбда XIX асрнинг 20 – йилларида пайдо бўлган, асосчиси Огюст Контдир. Унинг фикрича, фалсафа аниқ фанлар тараққиётисиз мавжуд бўла олмайди. Фалсафа – объектив реалликни эмас, балки аниқ фанлар қилаётган илмий, яъни ижобий (позитив) хулосаларни ўрганиб, таҳлил қилиб уларни мантиқан бир тартиб, системага солиши керак. Конт фалсафа мустақил равишда объектив дунёга оид ҳеч қандай аниқ билимлар бериши мумкин эмас, у шу пайтгача йиғилган билимларни формал мантиқ қонунлари асосида таҳлил этиб, қайта баҳолаши; уни «абсолют ғоя, руҳ» тўғрисидаги ортиқча фикрлардан тозалаши ва янги фалсафани яратиш керак, деб таълим берди.

Неопозитивистлар ***верификация*** (лот. Veritas – хақиқат) ***принципини*** илгари сурдилар. Фақат тажрибада ўз тасдиғини топган билимгина ҳақиқийдир. Лекин назарий, мавҳум билимларнинг ҳаммасини ҳам тажрибада эквивалентини топиш, исбот қилиш мумкин эмаслиги учун бу принцип кейинчалик инкор этилди.

Постпозитивизм (кейинги позитивизм) вакили К. Поппер ***фальсификациялаш методини*** илгари сурди. Инсон баъзи назарий билимларнинг хақиқатлигини эмас, хато эканлигини исботлаши керак. Фалсафа билимларнинг хақиқийлигини мантиқий – лингвистик усул орқали исботлаши ва системалаштириши лозим.

XX аср 60–70-йилларида неопозитивизмнинг мавқеи пасайиб, асосий ўринга структурализм ва герменевтика чиқди.

Структурализм (асосий вакиллари: Леви-Стросс ва Фуко) билишда структуравий усулг аҳамиятини мутлақлаштирди. *Нарса-ҳодисанинг структурасини билиш унинг объектив моҳиятини билиш демакдир*. Леви-Стросс мифологик тафаккурни таҳлил этиб, турли жойларда яшаган қадимги қабила ва халқлар яратган афсоналарнинг умумий структурага эга эканлигини исбот қилди. *Бу афсоналарнинг асосий мазмуни бир-бирига тўла мувофиқ келади. Инсониятнинг илмий тафаккури ҳам шундай принципга, умумий мантиққа эга.*

Герменевтика – қадимги юнон афсоналарида Худолар хоҳиш ва иродасини инсониятга тушунтириб бериш учун юборилган элчиси – Гермес номи билан боғлиқ.

Герменевтика – тушуниш, тушунтириш, таҳлил этиш ғояларига асосий диққатини қаратади.

Бу таълимотга кўра, жамият кишилар ўртасидаги мулоқотга асосланади. Мулоқот жараёнида маданий, тарихий ва илмий қадриятлар яратилади. Фалсафанинг асосий вазифаси ҳаётнинг маъно-моҳиятини кишилар мулоқотидан қидиришдан иборат. Шлейермахер ва Дильтей фикрича, муайян тарихий манбанинг тўғри таҳлил этилиши тадқиқотчининг давр хусусиятларини тўла ҳис этиши, тушуниши билан боғлиқ. Ҳозирги даврда бу таълимотнинг кўплаб тарафдорлари мавжуд.

XX аср 30-йилларида **«экзистенциал фалсафа»** ижодкор зиёлилар ўртасида оммавий тус олди. Экзистенция – том маънода «мавжуд бўлмоқ» демакдир. Экзестенциализм хилма-хил таълимотларни инсон маънавий дунёси, тақдири, эркинлиги ғоялари асосида умумлаштирди.

Бу йўналиш вакиллари асосан иккига бўлинадилар: дунёвий (Хайдегер, Сартр, Камю) ва диний (Ясперс, Марсель).

Хайдегер, Сартр, Камю таълимотига кўра, инсон ўз яратиш фаолиятини ўзи эркин амалга оширади. Инсоният олдида улкан имкониятлар мавжуд, улардан қайси бирини танлашда у эркиндир. Демак, инсон ўз моҳиятини ўзи эркин белгилайди, унинг ким бўлиб етишиши фақат унинг ўзига боғлиқ. Шу маънода, инсон доим камол топиб борадиган, тугалланмаган лойиҳага ўхшатилади. Эркинлик инсоннинг ўзи томонидан яратиладиган ички руҳий ҳолати тарзида талқин этилади. Берилган имкониятларни танлаш жуда масъулиятлидир, чунки бунда инсон ўзи, бошқалар ва оламни ҳам қайта яратади. Ясперс ва Марсель фикрича, инсон ўз эркин фаолияти давомида Худога етишиш учун, камолот томон ҳаракат қилади. Ҳақиқий эркинлик инсонга таҳликали онлар, ташвиш, ёлғизликда намоён бўлади. *Таҳлика, масъулият соф эркинликнинг ўзидир, фақат шундай шароитда инсон ўзини тўлалигича англайди.* Ҳаёт ва ўлим, қўрқинч, даҳшат тушунчалари бу таълимотнинг марказий тушунчаларидир.

Экзистенциалистлар фикрича, олам маъносиз ва уни билиб бўлмаслик абадий, инсон умри ўткинчи бўлганлиги учун ҳам даҳшатлидир.

Прагматизм АҚШда кенг тарқалди. «Прагматизм» фойдали фаолиятга ундовчи, «фойдага» эришиш йўл ва усуллари ҳақида мулоҳаза юритувчи таълимотдир. Бунда «фойда» тушунчаси «тажриба», «ҳақиқат» тушунчалари билан айнанлаштирилади.

Таълимотнинг йирик намояндалари Ч.Пирс, У.Джемс, Ж.Дьюи таълимотида оламнинг ўзгарувчанлиги, тажриба турли тасодиф ва кутилмаган вазиятларни ўзида жамлаган, онгимиздан тезкор қарорларни қабул қилишни талаб этувчи ҳодисалар мажмуи сифатида ифодасини топди. Инсон бехато фаолият кўрсатиши учун унинг хатти-ҳаракатларини бошқариб турувчи восита интеллектдир. Ж. Дьюи фикрича, интеллект инсонни ўраб турган оламдан нусха олади, ҳамда унга муҳитга мослашишга ёрдам беради. Прагматизм фалсафасининг мақсади инсонга оламда ўз ўрнини топишда ёрдам бериш. Дьюи тажриба натижасининг «фойдали» томонига эътиборини қаратди. Джемс фикрича, ҳақиқат фойдали бўлган нарса ёки ҳодисадир.

Прагматизм АҚШдаги ишбилармон, менеджер, сиёсатчи ва давлат арбоблари орасида кенг тарқалди. Америкаликлар Ж. Дьюини «Американинг Арастуси» дея ҳурмат билан тилга оладилар. Жамият тараққиётига оид ғоялар таҳлили фалсафада антик давр, Суқрот ва Афлотун замонидан шакллана бошлади. Бу ғоялар ривожига XVII-XVIII асрда италиялик файласуф Дж. Вико, XVIII асрда И.Г. Гердер ва немис фалсафаси намоёндаси Гегель катта ҳисса қўшганлар. Улар орасида тадрижий тараққиёт ва инқилобий сакрашлар йўлидан боришни илгари сурадиган таълимотлар талайгина. Аксарият файласуфлар тадрижий йўлни маъқул кўради.

Аксинча қарайдиган таълимотлардан бири **марксизм**нинг асосчиси немис иқтисодчиси **К.Маркс (1818-1883)**. Унинг ижтимоий фалсафаси капитализмда синфий курашнинг мутлақ антогонизм даражасига кўтарилиши, оқибат пролетариат диктатурасининг ўрнатилиши йўли билан синфсиз жамиятга ўтишни тарғиб қиладиган назариядир.

Таълимот назарий асослари К. Маркс ва Ф. Энгельснинг «Коммунистик партия манифести»,. К. Марксннинг «Капитал», Ф. Энгельснинг «Анти-Дюринг» ва «Табиат диалектикаси» асарларида таърифлаб берилган. У борлиқ тушунчасини материя билан айнанлаштириб, руҳни мутлақо инкор қилди, материализм ва атеизмни мутлақлаштиргани учун ижтимоий ҳаётда салбий оқибатларга олиб келди. Таълимотнинг мўътадил тарафдорлари К.Каутский, В.Плеханов социал-демократияга кўпроқ мойил бўлишди. Россияда В. Ленин бошчилигида синфий кураш ва пролетариат диктатурасини мутлақлаштириш йўлидан бордилар. Инқлобий сакраш – террор йўли танланди. Бу тур дунёқарашнинг жамият ва халқлар тақдирида ғоят салбий ўрин тутиши амалиётда ўз тасдиғини топди.

Ғарбда ҳозирги давр Маркс тарафдорлари **«неомарксизм»** оқимини ташкил этдилар. Аксарият неомарксистлар синфий курашни мутлақлаштирмаслик, инқлобий эмас, тадрижий сакраш йўлидан бориш устувор бўлиши лозимлигини эътироф эта бошладилар. Аммо улар асл қарашларини жамият, миллат эмас, синфлар ўртасидаги кураш тараққиёти белгилайди.

Демак, яқингача собиқ Иттифоқ ҳудудида мутлақ ҳукмрон бўлган мафкура тақдирини ўрганиш, унинг тарихидан холисона хулоса чиқариш, бу таълимотнинг қандай аянчли натижаларга олиб келганини билиб қўйиш фойдали. Зеро, таълимотлар тарихи – инсонлар тақдири, юксалиши ёки таназзули тарихидир. Бу эса муайян ғоя, мафкуралар таъсирида рўй бериб, баъзан миллионларни мафтун қилган ғоя ёки мафкуралар алалоқибат уларнинг заволига сабаб бўлиши ҳам мумкин. Бирор қадриятни мутлақлаштириш, муайян «изм»га, ақидапарастликка олиб келиши, жаҳолат ва қабоҳатга элтиши, шубҳасиз. XX асрда шаклланган ижтимоий тараққиётнинг плюралистик модели – «локал маданиятлар» ҳамда «цивилизацияларнинг хилма-хиллиги» концепциялари кўра, жамият тарихи – ўзига хос маданиятларнинг хилма-хиллигидан иборат. Табиат қандай хилма-хиллик бирлиги бўлса, жамият ҳам шундай ранг-баранглиқнинг уйғунлигидир. Жамиятда ҳар бир нарсанинг ўз ўрни бор.

Бу ғоялар немис социологи **О.Шпенглер (1880-1936)** ва инглиз тарихчиси **А.Тойнби (1889-1975)** таълимотларида атрофлича асослашга ҳаракат қилинди. О.Шпенглер «Европанинг сўниши» асарида тарихни бир-биридан мустасно маданиятлар мажмуидан иборат, ҳисоблайди ҳамда мукаммал ривожланган 8 хил: араб, ҳинд, вавилон, хитой, юнон-рим, византия-араб, майя ва русс-сибир маданиятларни кўрсатади. Маданиятлар ўзига хос диний асосга эга, ҳар бири қатъий биологик маромга бўйсунади. Қуйидаги асосий даврларни босиб ўтади: туғилиш ва болалик, ёшлик ва камолот, қарилик ва сўниш. Маданиятлар ривожининг – маданият равнақи (соф маданият) ва унинг таназзули («цивилизация») босқичлари фарқланади. О. Шпенглер европоцентризм(барча маданиятларни европалаштириш ғояси)га қарши чиқди. Ҳар бир маданиятнинг ўзига хослиги, бир-биридан мустасно ҳолда ривожланиш ғоясини мутлақлаштирди. Улар ўртасида ўзаро алоқадорлик ҳам борлигига кам эътибор қаратди. А.Тойнбининг 12 жилдлик «Тарихни ўрганиш» асарида маданиятларнинг локал ривожланиш ғояси Шпенглер концепциясидан икки жиҳатга кўра фарқланади: 1) инсонда ўз ҳаётини эркин белгилаш имконияти мавжуд, тарихий тараққиёт зарурият ва эркинликнинг ўзаро бирлигидан иборат; 2) тарихий

тараққиётнинг даврий модели жаҳон динлари буддизм, христианлик, исломнинг барча халқларни жипслаштирувчи бош омил ғояси билан бойитилган. Тойнби назида Ғарб христиан цивилизацияси таназзулга юз тутаётгани, унинг олдини олиш йўли маънавий бирликда, жаҳон халқларининг ягона динни қабул қилишларида.

Умуман, ҳозирги даврда жамият тараққиётининг цивилизацион концепцияси кўпчилик файласуфлар томонидан тан олинмоқда. Айниқса, жамият тараққиётининг бош мезони – саноатнинг ривожланиш даражаси, деб ҳисобловчи индустриал ва постиндустриал жамият ғоялари оммавийлашиб бормоқда. Демак, юқоридагилардан фалсафий плюрализм ҳамда фалсафа замон ва макон билан боғлиқ мураккаб фан эканлиги тўғрисида муайян хулосага келиш мумкин.

Такрорлаш учун саволлар

1. «Уйғониш даври» тушунчасини қандай талқин этасиз?
2. Миллий фалсафий мактаблар деганда нимани тушунасиз?
3. Европа уйғониш даври фалсафасини ўрганишимизнинг аҳамияти намада?
2. XX аср фалсафасининг характерли хусусиятлари қандай?
3. Экзистенциал фалсафанинг моҳияти нимадан иборат?
4. Неопозитивизмнинг асосий хусусиятлари қандай?
5. Структурализмнинг моҳияти нима?
6. Герменевтика нима?
7. Сциентизм ва антисциентизм нима?

ОНТОЛОГИЯ – БОРЛИҚ ФАЛСАФАСИ

Таянч тушунчалар: *борлиқ, мавжудлик, идеал, виртуал, потенциал, абстракт, маънавий борлиқ, табиат борлиғи, инсон борлиғи, социал борлиқ, материя, борлиқнинг атрибутлари, ҳаракат, фазо, вақт, инъикос, онг, ўзгариш, ҳаракатнинг турлари, ривожланиш, фазо, вақт, субстанциал ва реляцион ёндашувлар, фазо ва вақтнинг хусусиятлари.*

Борлиқ тушунчаси. Файласуфлар қадим замонлардан бери «борлиқ» ва «йўқлик» ҳақида баҳс юритишди. Улар борлиқнинг вужудга келиши, моҳияти, хусусият ва шакллари ҳақида кўплаб асарлар ёзишди. Борлиқ нима, деган савол бир қарашда жуда оддий кўрингани билан, бироқ унга барчани бирдай қаноатлантирадиган жавоб ҳануз топилгани йўқ. Бу ҳолат борлиққа турлича нуқтаи назарлардан қарашларнинг мавжудлиги билан изоҳланади. Масалан, айрим файласуфлар назарида, борлиқ – моддийлик, моддий жисмларни қамраб олувчи объектив реалликдир. Унда инсон тафаккури, ўй-хаёллари борлиқ тушунчасидан ташқаридами, деган саволга, улар объектив реалликнинг ҳосиласидир, деб жавоб беришади.

Фалсафанинг борлиқ ҳақидаги таълимотига оид бўлими – **онтология** деб аталади (илк бор Х.Вольф қўллаган). Олам ва борлиқ масалаларини шу соҳа ўрганади.

Йўқлик ҳеч нима демакдир. Ҳамма нарсани ҳеч нарсага айлантирувчи, ҳамма нарсанинг ибтидоси ҳам, интиҳоси ҳам йўқликдир. Бу маънода йўқлик чексизлик, мангулик билан бир. Йўқлик чекинган жойда борлиқ пайдо бўлади. Демак, борлиқнинг бунёдкори ҳам, кушандаси ҳам йўқликдир. **Борлиқ йўқликдан йўқликкача бўлган мавжудликдир.** Йўқликни эса ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди.

Борлиқ ҳақидаги концепциялар. Марказий Осиё заминида вужудга келган зардуштийлик таълимотига кўра, борлиқ қуёш ва оловнинг ҳосиласи. Ҳар қандай ўзгариш ва ҳаракатнинг асосида олов ётади, борлиққа мавжудлик бахш этади.

Суқрот борлиқни билим билан қиёслайди. Унингча, бирор нарса, биз уни билсаккина бор бўлади, инсоннинг билими қанча кенг бўлса, у шунча кенг борлиқни қамраб олади. Демокрит фикрича, борлиқ атомлар мажмуасидан иборат. Борлиқнинг моҳияти унинг мавжудлигида. Мавжуд бўлмаган нарса йўқликдир. Европалик олимлар Давид Юм ва Жорж Беркли, борлиқни сезгиларимиз мажмуаси. Гегель эса борлиқни мавҳумлик, мутлақ руҳнинг намоён бўлиши деб таърифлайди.

Ислом таълимотида эса борлиқ бу илоҳий воқелик, Аллоҳ яратган мавжудликдир. Бу борада ваҳдати вужуд ва ваҳдати мавжуд таълимотлари бўлган. Ҳозирги даврда фаннинг сўнгги натижалари билан ислом дини таълимотларини қиёсий ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Масалан, Қуръонда Борлиқ яратилиши жараёнининг олти даврида осмон жисмлари ва Ер шаклланган. Бизнинг сайёрамиз ривожланишни бошдан кечириб, ниҳоят инсонлар яшаши учун қулай жойга айланган. Тадқиқотчи Мел Томпсон фикрига кўра: *«Диннинг кўпгина шакллари даъво қилишича, уларнинг таълимотлари олам табиати ва макон ҳақидаги билимларни ўз ичига олади. Дин бизга таклиф қилаётган «Олам ҳақидаги тасаввур» – бу шунчаки эртага бошқаси билан ўрин алмашадиган ўткинчи гипотеза эмас. Бу тасаввурлар азалий ва абадий ҳақиқат деб талқин қилинади. Илмий тушунча кўп анъанавий диний таълимотларнинг айнан талқинини шубҳа остига олади. Бу таълимотлар илмий давргача шаклланган ва илм-фан ёқламайдиган фаразлардан иборат. Бу масалан, «Олам 6 кунда яратилган»и (агар буни сўзма – сўз тушунсак) ҳақидаги даъвога тааллуқли»*[1].

Библияга кўра, олам яратилиши олти кунда содир бўлган. Худо олти кунлик меҳнатдан сўнг дам олиш қилганидек, ҳафтанинг дам олиш куни шанбага риоя қилиш барча яҳудийлардан талаб қилинган. Библия талқинида «кун» сўзи икки кетма-кетлик Қуёшнинг чиқиши ва ботиши ўртасидаги вақт деган маънода қўлланилган. Бинобарин, бу тушунча айнан шундай кўринса «кун» демак, Ернинг ўз ўқи атрофида айланишига асосланади, дейишимиз мумкин. Мантиқан олганда эса «кун» масаласини бугунги кундаги маъноси билан тушуниш тўғри бўлмайди. Чунки Олам Яратилиши жараёнининг илк босқичларида Ернинг Қуёш атрофида айланувчи асосий сабаби мавжуд бўлмаган. Қуръон таржималарида ҳам Библиядагидек Олам яратилиши жараёни олти кунга тенг давр ичида содир бўлган. Яъни муфассирлар «йавм» сўзини унинг кенг тарқалган маъносидан келиб чиқиб, «кун» деб таржима қилганлар:

إن ربكم ألله الذى خلق السموات والأرض فى ستة أيام ثم استوى على العرش...

«Дарҳақиқат, Раббингиз осмонлару Ерни олти **кун**да яратган...»[2].

Бизнингча, ушбу масалада Қуръоннинг таржима ва тафсирларидаги «кун» сўзини «давр» маъносида қабул қилиш керак. Мазкур оятни «Парвардигорингиз осмонлар ва Ерни олти **давр** ичида яратди» деб тушуниш мақсадга мувофиқ. Бошқа томондан олиб қараганда, исломнинг илк даврларидаги яҳудий ва масиҳийлар орасида кенг тарқалган «олти кунлик яралиш»га очиқчасига қарши чиқмаслик мақсадида, «йавм»ни «кун» деб онгли равишда таржима қилинган. Лекин «йавм» қуёшнинг чиқиб ботиши орасидаги вақтни эмас, кўпроқ кундузги кун ёруғлигини билдиради. Шу маънода «йавм»нинг кўплик шакли «аййам» нафақат «кунлар», балки

[1] Томпсон М. Философия религии / Пер.с. анг. Ю. Бушуевой. – М.: ФАИР-ПРЕСС, 2001. – С. 303.

[2] 7-Аъроф сураси, 54-оят. Қуръони карим: маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва тафсир муаллифи: А. Мансур. – Т.: Тошкент ислом университети, 2009. – Б. 157.

«узоқ давом этган вақт ораси» деб таржима қилиниши мумкин. Жиддий эътибор берадиган бўлсак, «номаълум вақт ораси», бироқ «доим узоқ давом этадиган». Қуръоннинг бошқа оятлари билан бу сўз айнан «вақт даври» ёки «давр вақти» маъносида эканига далил келтириш мумкин. Масалан:

تعرج الملائكة والروح إليه فى يوم كان مقداره، خمسين ألف سنة

« Фаришталар ва Руҳ (Жаброил) миқдори (масофаси) эллик минг йилга тенг (бўлган) бир кунда (қиёмат кунида) Унинг ҳузурига кўтарилурлар»[1]. Ёки:

...فى يوم كان مقداره ، ألف سنة مما تعدون.

«...сизларнинг ҳисобингингизча минг йилга тенг келадиган (бир) кунда...»[2].

Алоҳида таъкидлаш лозимки, шу суранинг 4-оятида айнан оламнинг яратилишидаги олти давр жараёни ҳақида гап боради:

ألله الذى خلق السموات والأرض و ما بينهما فى ستة أيام ثم استوى على العرش

«Аллоҳ осмонлар ва Ерни ҳамда уларнинг ўртасидаги бор нарсани олти кунда яратиб, сўнгра Арш узра «муставий» бўлган зотдир»[3] Бу ерда ҳам кун сўзини «давр» маъносида тушуниш мақсадга мувофиқ.

Библиядаги дунёнинг яратилиш жараёни тавсифи билан Қуръон маълумотлари ўртасидаги улкан фарқ ислом пайдо бўлган даврда Муҳаммад (с.а.в.)га қарши илгари сурилган: «У Тавротнинг матнларини кўчириб олган» – деган беҳуда айбловларни эсга солади.

Мусулмон мутафаккирлар борлиқ ҳақидаги таълимотни ҳар жиҳатан ривожлантирганлар. Форобий фикрича, илк борлиқ азалий Аллоҳнинг ўзидир. Беруний фикрича, борлиқ ҳамма нарсанинг асосида ётадиган умумийликдир.

Аслида, борлиқ кенг фалсафий тушунча, ўзига бутун мавжудликни, унинг ўтмиши, ҳозир ва келажагини ҳам қамраб олади. Файласуфлар борлиқни тушунтириш учун йўқлик тушунчасини унга антипод сифатида олиб ва шу асосда унинг зарурий моҳиятини очишга интилганлар. Материалистлар борлиқни объектив реаллик билан, материя билан айнанлаштиришади.

Борлиқ категорияси умумий абстракция, мавжудлик белгиси билан барча нарса-ҳодисаларни: объектив ва субъектив реаллик, мавжуд бўлган ва мавжуд бўладиган оламлар, моддийлик ва маънавийлик, ўтмиш ва келажак, ўлим ва ҳаёт, руҳ ва жисмни қамраб олувчи кенг тушунчадир.

Борлиқ ва мавжудлик. Атрофимиздаги одам, олам, табиат, жамият, тафаккур, ғоялар, ўй-хаёлларимиз барчаси бирдай мавжуд, улар турли тарзда ва шаклларда намоён бўлиб, ҳаммаси мавжудлик белгиси остида умумлашиб, борлиқ тушунчасига киради. Материалистик мазмундаги борлиқ тушунчаси таърифига фақат объектив реал олам, онгдан ташқаридаги, унга боғлиқ бўлмаган жисмоний моҳиятга эга нарсаларгина киритилади. Борлиқнинг идеал, виртуал, потенциал, абстракт, маънавий шакллари бу таърифдан ташқарида қолади.

Мавжудлик – борлиқнинг ҳозирги пайтда намоён бўлиб турган қисми. Реаллик эса, мавжудликнинг ҳаммага аён бўлган, улар томонидан тан олинган қисми. Борлиқ ўзига реалликни ҳам, мавжудликни ҳам қамраб олади.

Анъанавий фалсафий қарашларда борлиқнинг учта соҳаси: табиат, жамият, онг ажратиб кўрсатилади. Улар учун энг умумий белги уларнинг мавжудлигидир.

---

[1] 70-Маориж сураси, 4-оят. Қуръони карим: маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва тафсир муаллифи: А. Мансур. – Т.: Тошкент ислом университети, 2009. – Б. 568.

[2] 32-Сажда сураси, 5-оят. Қуръони карим: маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва тафсир муаллифи: А. Мансур. – Т.: Тошкент ислом университети, 2009. – Б. 415.

[3] 32-Сажда сураси, 4-оят. Қуръони карим: маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва тафсир муаллифи: А. Мансур. – Т.: Тошкент ислом университети, 2009. – Б. 415.

Табиат борлиғи одатда табиатдаги нарса (жисм), жараён, ҳолатлар борлиғи сифатида тушунилади. У иккига бўлинади: азалий табиат (ёки табиий табиат, у инсондан илгари ва унинг иштирокисиз мавжуд) ва одам меҳнати билан ишлаб чиқарилган нарсалар борлиғи («иккинчи табиат», ёки маданият). Иккинчи табиат қуйидаги кўринишларда учрайди:

- **инсон борлиғи** (инсоннинг моддий оламдаги ўзига хос инсоний борлиғи);
- **маънавий борлиқ** (индивидуаллашган ва объективлашган маънавий борлиқ);
- **социал борлиқ** (инсоннинг тарихий жараёндаги борлиғи, ижтимоий борлиқ).

Борлиқнинг моддий шакли материя ўзига барча жисм, ҳодиса, жараён, тафаккур, оламда мавжуд алоқадорлик ва муносабатлар ҳамда уларнинг хусусиятларини қамраб олувчи умумий фалсафий тушунчадир. Борлиқнинг моддий шаклига хос умумийликни излаш субстанцияни аниқлаш йўлидир. Бошқа йўл – моддий оламнинг асосий таркибига кирувчи «қурилиш элементларини» – субстратни қидириш. Учинчиси – ҳамма нарсани вужудга келтирувчи бош сабабчи ёки ота модда, яъни праматерияни ахтариш йўли.

Бу мулоҳазалар материя ҳақидаги тасаввурларнинг пайдо бўлишига сабабчи бўлди. Материя тушунчаси моддий унсур, атом, праматерияга нисбатан умумийроқ, барча моддий объектлар, бутун объектив реалликни ифода этувчи фалсафий категориядир. Файласуфлар *«Том маънодаги материя фақат фикрнинг махсули ва абстракциясидир»* деб ёзишади.

XX асрнинг ўрталарига келиб, квант механиқаси, нисбийлик назарияси ва ҳозирги замон космологияси соҳаларидаги илмий ютуқлар кишиларнинг объектив олам ҳакидаги тасаввурларини тубдан ўзгартириб юборди. Оламнинг классик механиқа нуқтаи назаридан нисбатан кичик тезликда ҳаракатланувчи системалар тўғрисидаги илмий манзараси ўрнини янгича илмий манзаралар эгаллай бошлади. Бу эса материя ҳақидаги тасаввурларнинг янада ривожланишига шароит туғдирди. Марксист-файласуфлар бу таърифга сезгиларимизга бевосита ёки билвосита (турли асбоб, қурилмалар воситасида) таъсир этувчи, деган қўшимча киритишди. Улар наздида, материя объектив реаллик, яъни инсон сезгиларига боғлиқ бўлмаган ҳолда, ундан ташқарида мавжуд бўлган воқелик ёки бутун мавжудликнинг субъектив реалликдан ташқаридаги қисми ҳисобланади. Объектив реалликнинг мавжудлиги қай намоён бўлиши борлиқнинг ажралмас хусусиятларини ўрганишни тақозо этади. Ҳар қандай жисмнинг ажралмас хусусияти лотинча «атрибут» сўзи билан аталади.

Борлиқнинг атрибутлари муайян жисмнинг айнан шу жисм эканлигини белгиловчи хусусиятларидир. Улар: ҳаракат, фазо, вақт, инъикос, онг ва бошқалар.

Ҳаракат борлиқнинг атрибутлари ичида унинг асосий мавжудлик усулини ифода этувчи хусусияти ҳисобланади. Чунки борлиқ ҳаракатсиз ўзининг структуравий яхлитлигини сақлай олмайди.

Фаразан қаршимизда бирор жисм турибди. Агар ҳаракат бўлмаганида эди, ёруғлик нурлари шу жисмга урилиб бизга қайтмаган, яъни биз уни кўрмаган бўлар эдик. Шунингдек, бу жисмнинг яхлитлигини сақлаб турган молекула, атом, элементар заррачалар ўртасидаги ўзаро таъсирлар ҳам бўлмасди. Натижада бу жисмнинг структуравий бирлигига путур етган бўлар эди. Теварак-атрофимиздаги предмет-ҳодисалар ҳаракат туфайли ўз муайян тартиби ва бирлигини сақлаб туради; ўсиш, улғайиш, равнақ топиш, ривожланиш жараёнини бошдан кечиради. Ҳаракат, моддий жисмлар ва уларни ташкил этувчи элементлар ўртасидаги алоқадорликларнинг натижаси, улардаги ўзгаришлар сифатида содир бўлади. **Ҳаракат умуман ҳар қандай ўзгаришдир**. Демак, ҳар қандай ҳаракатнинг манбаи шу системадаги ички ўзаро таъсирлар экан.

Ҳаракатнинг турлари ўзгаришларнинг хусусиятига асосланган. Ўзгаришлар оддий фазовий силжишдан то мураккаб ижтимоий ўзгаришларгача такомиллашиб борган. Механиқ, химиявий, биологик, физик ўзгаришлар билан ижтимоий ўзгаришларни асло таққослаб бўлмайди. Масалан, Ернинг Қуёш атрофидаги, Ойнинг Ер атрофидаги ҳаракатини фазовий силжишнинг яққол кўриниши дейишимиз мумкин. Лекин Ер бағрида рўй бераётган мураккаб геологик жараёнлар, Ер сиртидаги биосферанинг яшаш усулини биргина механиқ силжиш билан изоҳлаб бўлмайди. Ҳаракатнинг шакли қанчалик мураккаб бўлса, у билан боғлиқ бўлган ўзгаришлар ҳам шу қадар мураккаб бўлади. Материянинг ташкилий структура даражаси қанчалик юқори даражада бўлса, унда фазовий силжиш ҳам шу қадар кам сезилади.

Ҳар бир жисм молекулалардан, молекулалар эса атом ва элементар заррачалардан ташкил топган. Шу жиҳатдан жисмда унинг сифати ва турғунлигини сақлаган ҳолда бетўхтов рўй берадиган ички ўзгаришларни ўз ичига олади. Лекин бу ўзгаришлар шу жисмнинг ташқи сифатига жиддий таъсир кўрсатмайди. Шунингдек, ҳар бир жисм ўз атрофидаги бошқа жисмлар ва улардан тарқалаётган нурланишларнинг таъсирига ҳам учраб туради. Ички ва ташқи таъсирлар оқибатида рўй берувчи ўзгаришлар аста-секин тўпланиб, кейинчалик жисмда кескин сифатий ўзгаришнинг вужудга келишига сабаб бўлиши мумкин. Жисмнинг сифатини ўзгартирувчи ҳаракат ривожланиш деб аталади. **Ривожланиш** – муайян системанинг муайян вақт ва фазодаги яхлит, комплекс, орқага қайтмайдиган, илгарилама йўналишга эга, миқдорий ва сифатий ўзгаришидир.

Ривожланиш жараёни ҳам икки турда бўлади: 1) жисмда ҳар қандай сифатий ўзгариш рўй берса-да, уни ташкил этган материянинг сифатий тузилиш даражаси ўзгармай қолаверади. Масалан, нотирик табиатга мансуб Қуёшдаги равожланишни олайлик. Олимлар тахминича, ҳозир сиртида 6 минг, ичида эса бир неча млн. даражали ҳароратга эга Қуёш бориб-бориб совийди, қизил гигантга айланади, марказидаги термоядро энергияси сўнгач, ички зичлиги пасайиб, марказдаги тортишиш қуввати сусаяди. Оқибатда у шиша бошлайди ва Ер орбитасини ҳам ўз ичига олган улкан қизил юлдуз вужудга келади, аста-секин совиб, қизил карлик, сўнг «қора карлик», кейин нейтрон юлдузга айланади. Бундай ўзгаришлар натижасида борлиқнинг ташкилий структура даражаси ўзгармайди, яъни жонсиз табиат шаклидаги даражаси сақланади. 2) Жонли табиатнинг вужудга келиши, ўсимлик ва ҳайвонот оламининг пайдо бўлиши, одамнинг шаклланиши, жамиятнинг вужудга келиши сингари сифатий ўзгаришлар. Фалсафа фанида ҳаракатнинг бир-биридан сифатий фарқ қилувчи бир қанча бошқа шакллари (механиқ, физик, химиявий, биологик ва ижтимоий) ҳам ўрганилади. Айрим олимлар ҳаракат шаклларини ҳар бир фаннинг номи билан боғлаш керак, деб ҳисоблашади. Аммо аксарият фанлар ҳаракат шаклини эмас, балки миқдорий муносабат ва ҳолатларни акс эттиради. Масалан, геодезия ёки геометрия, тригонометрия ёки топография, чизиқли алгебра қандай ҳаракат шаклини ўрганади? Кибернетика ҳам табиат, ҳам жамиятда амал қилувчи бошқариш жараёнларини ўрганади.

Ҳаракат шаклларини турлаш бўйича табиий-илмий концепцияга кўра: физик (элементар заррача, майдон ва атомлар ҳаракати), химиявий (атом ва молекулалар ҳаракати). Ҳаракатнинг ривожланиши икки йўналишга ажралади: 1) ҳаракат ривожланишининг юқори йўналишида биологик ҳаракат шаклланади; 2) ҳаракат ривожланишининг қуйи йўналишида эса геологик ҳаракат шаклланади. Биологик ҳаракатнинг тараққиёти ижтимоий ҳаракатга олиб боради. Бошқа концепцияда эса ҳаракат борлиқнинг ташкилий тузилиш даражаларига мувофиқ учта синфга

ажратилади: нотирик табиатда – элементар заррачалар ва майдон ҳаракати, тирик табиатда – ҳаётнинг намоён бўлиши, жамиятда – одам фаолияти.

Ижтимоий ҳаракат ҳаракат шакллари ичида энг мураккаби, унда инсоннинг онгли фаолияти, инсон тафаккури, ижтимоий гуруҳлар фаолияти, ўзаро муносабатлари, жамият миқёсидаги ижтимоий фикр биргаликда ҳаракатга келади. Бу ҳаракатни чизиқли, батартиб ҳаракатлар билан асло таққослаб бўлмайди. Унинг келажагини башорат қилиш ҳам ўта мураккабдир.

Борлиқнинг асосий яшаш шаклларига фазо ва вақт киради. Ҳар қандай моддий жисм жой, кўлам, ҳажмга эга. **Фазо** – вақтнинг муайян лаҳзасида оламни ташкил этган нуқталарнинг ўзаро жойлашиш тартиби, нарсаларнинг кўлами, ҳажми, узлукли ёки узлуксизлигини акс эттирса, **вақт** эса фазонинг муайян нуқтасида рўй берувчи ҳодисаларнинг кетма-кетлиги тартиби, жараёнларнинг давомийлигини ифодалайди. Фазо нарсалар жойлашадиган жой, вақт эса ҳодисалар бўлиб ўтадиган муддат маъносида макон ва замон деб ҳам ишлатилади. Бу борада **субстанциал** ва **реляцион** ёндашишлар мавжуд. Субстанциал концепция тарафдорлари фикрича, фазо нарсалар жойлашадиган идиш, бўшлиқ, ўзига нарсаларни сиғдирувчи субстанция. Ҳамма нарса фазо ичига жойлаштирилган. Ҳеч нарсаси йўқ, яъни нарсалар солинмаган фазо ҳам бўлиши мумкин. Фараз қилиб, бир казарма солдатларни тасаввур этайлик. Ньютон физикасига кўра, солдатлар чиқиб кетиши билан казарма бўш қолади, шу субстанциал концепциядаги фазодир. Реляцион концепция тарафдорлари эса, нарсалар фазовий ўлчамга эга, дейишади. Ҳеч нарсасиз фазонинг бўлиши мумкин эмас. Релятивистик физика асосчиси Альберт Эйнштейнга кўра, солдатлар чиқиб кетиши билан казарма ҳам йўқолади. Бу реляцион концепциядаги фазодир.

Фазо ва вақтнинг хусусиятлари метрик ва топологик бўлади. Метрик хусусиятлар борлиқнинг миқдорий муносабатларини акс эттириб, ўлчанадиган, кўзга ташланадиган ва нисбий табиатлидир. Уларга кўлам, бир жинслилик, изотроплик (анизотроплик) кабилар киради. Фазо ва вақтнинг топологик хусусиятлари эса, борлиқнинг туб сифатий жиҳатларини ифодалайди. Уларга узлуксизлик, боғланганлик, ўлчамлилик, компактлик, тартибланганлик сингарилар киради. Вақтнинг топологик хусусиятларига орқага қайтмаслик, бир ўлчамлилик кабилар қўшилади. Фазо ёки вақтнинг метрик ўзгаришлари борлиқ структурасини жиддий ўзгартира олмайди, топологик ўзгаришлар эса борлиқнинг сифатий ўзгаришига сабабчи бўлади. Масалан, бир боғланган системанинг кўп боғланган системага ўтиши фазо топологиясини тубдан ўзгартиради, яъни фазонинг икки нуқтасини туташтирувчи турлича йўллар пайдо бўлади. Бундай фазода катта идиш ичига кичик идишни сиғдириш мумкин. Ўлчам даражаси кўп бўлган система ўлчов даражаси кам системага нисбатан кўринмас ва мураккабдир. Шунингдек, метрик хусусиятларнинг кучли ўзгариши топологик хусусиятларнинг ўзгаришига олиб келиши (масалан, фазонинг эгрилик даражаси кучли ўзгарса, бир боғланган фазо кўп боғланган фазога айланиши) мумкин.

Такрорлаш учун саволлар

1. Борлиқ ва йўқлик тушунчаларини қандай изоҳлайсиз?
2. Мавжудлик ва реаллик нима?
3. Ҳаракат ва унинг асосий шаклларини айтиб беринг.
4. Фазо ва вақт, макон ва замон қандай маъноларни англатади?

ТАБИАТ ФАЛСАФАСИ

Таянч тушунчалар: *табиат, маданият, «нотирик» ва «тирик» табиат, микродунё, макродунё, мегадунё, табиий ва сунъий мухит, техномасса, биомасса, экология, биосфера.*

Табиат тушунчаси кенг маънода: барча мавжудотлар, бутун коинотни англатиб, материя тушунчасига яқин туради. ***Табиат турли–туман, хилмай–хил, чексиз кўриниш ва, шаклларга эга материядир.*** Тор маънода: инсон ва инсониятнинг мавжудлиги учун зарур барча табиий шарт-шароитлар йиғиндисига айтилади.

Одам, кишилик жамияти, маданият табиатга муайян маънода қарама–қарши туради. Чунки табиатнинг мавжудлиги буларга боғлиқ эмас. Унинг мавжудлик, тараққиёт қонунлари, асослари объективдир. **Маданият** инсон томонидан ўзлаштирилган, ўзгартирилган, қайта қурилган табиатдир. Инсон фаолиятини табиийликни, сунъий нарсаларга айлантирувчи фаолият сифатида қараш мумкин. Айни вақтда инсон, жамият, маданият табиат билан диалектик боғланган, уларни табиатдан ажратиб бўлмайди.

Кишилик тарихида табиат билан инсон, жамият, маданиятнинг ўзаро муносабатлари турлича таърифланиб, баҳоланиб келинди. Баъзилар одам табиатнинг қисми, унинг маданияти табиат билан боғлиқ, деб ҳисоблаганлар; табиатни эъзозлаш, севиш, қадрлашга тарғиб қилганлар. Бошқалар одамни, маданиятни табиатга бутунлай қарама–қарши қўйиб, табиатни бўйсундиришга чақирганлар. Бизнинг давримиз табиатга нисбатан онгли, эҳтиёткорона, масъулиятли муносабатни тақозо этмоқда.

Табиатни «**нотирик**» ва «**тирик**» туркумга бўлиш мумкин. Нотирик табиат даражаларига: элементар даража, физик вакуум, атом, молекула, макроскопик жисм, планета, планеталар системалари, юлдуз, галактика, галактикалар системалари, метагалактика киради.

Тирик табиатга модда алмашинуви юз бериб турадиган, ўзига хос таъсирланиш, кўпайиш, ўсиш, ўзининг таркиби, функцияларини актив бошқара олиш, назорат қила олиш, ҳаракатнинг хилма-хил шаклларига, муҳитга мослаша олиш ва бошқаларга қодир объектлар киради. Тирик табиатнинг даражалари қуйидагиларни ўз ичига олади: хужайраларга қадар бўлган даражалар (ДНК, РНК, оқсиллар), хужайра, кўпхужайрали организм, популяция, биоценоз, кишилик жамияти, биосфера.

Бинобарин, тирик табиат нотирик табиатдан сифат жиҳатдан фарқ қилади. Шу билан бирга улар бир-бири билан диалектик алоқадор, боғланган, бир-бирига ўзаро таъсир қилиб туради. Уларни бир-биридан ажратиб, бир-бирига бутунлай қарама-қарши қўйиб бўлмайди.

Табиатнинг даражаларига қуйидагилар ҳам киради:

1. **Микродунё**га атом ядроси, қобиқ, элементар заррачалар, уларнинг оғир заррачалари (адромлар: протон, нетрон, кварклар, керонлар), енгил заррачалар (лептонлар: электронлар, нейтринолар…) киради. Кучли ўзаро таъсирлар атом ядросининг структуравий бирлигини; кучсиз ўзаро таъсирлар эса атом структурасининг яхлитлигини сақлаб туради.

2. **Макродунё**га макрожисмлар киради. Электромагнит ўзаро таъсир куч молекулаларнинг тузилишидан то Ер шари яхлитлигини таъминлашгача бўлган вазифани бажаради. У макродунё мавжудлигининг структуравий бирлигини сақлайди.

3. **Мегадунё.** Граветацион ўзаро таъсирлар бирлаштириб турган дунё мегодунё дейилади. Унга қуёш системаси, галактика, галактикалар тўплами, галактикаларнинг

маҳалий тўплами, галактикалар мажмуаси, метогалактика киради. Қуёш системаси, умуман бутун коинотнинг структуравий яхлитлиги граветацион ўзаро таъсирлар туфайли сақланади.

Табиатдаги моддий системалар **моддасимон** (модда ва антимодда) ҳамда **номодда** (майдон ва нурланиш) қўринишларда бўлиши мумкин.

Хулоса: табиат инсон ва инсоният мавжудлиги учун зарур барча табиий шарт-шароитлар мажмуидир. Ундаги ҳамма нарса, ҳодиса, жараёнлар муайян қонуниятларга бўйсунади. Бу қонуниятларнинг бузилиши салбий оқибатларга олиб келади. Шунинг учун табиатни асраш керак.

2. Бизни қуршаб турган муҳит **табиий** ва **сунъий мухит**га бўлинади. Табиий муҳит гео ва биосфера, яъни одамга боғлиқ бўлмаган ҳолда вужудга келган, мавжуд бўлган, аммо вақти келганда одамнинг фаолияти учун объект бўла оладиган моддий системаларни ўз ичига олади. Табиий муҳит ривожланиб бораётган системадир, уни географик мухит билан чеклаб бўлмайди. Космик технологиянинг ривожланиши туфайли қуёш системасининг муайян қисми ҳам инсон фаолиятининг объектига айланмоқда.

Табиий мухит қуйдаги 2 туркум ҳодисаларни қамраб олади: 1) тирикчиликнинг табиий манбалари (ёввойи ўсимлик, мева, ҳайвон ва бошқалар); 2) меҳнат предмети сифатида хизмат қиладиган табиий бойликлар (кўмир, нефть, шаршара, шамол ҳосил қиладиган энергия ва бошқалар).

Ўзбекистон Республикаси табиий хом ашё ресурсларига бой. Хозирга қадар 2.7 мингдан зиёд турли фойдали қазилма конлари аниқланган. 100 га яқин минерал хом ашё турларидан 60 дан ортиғи ишлаб чиқаришга жалб этилган. 900 дан ортиқ кон қидириб топилиб, уларнинг захиралари 970 млрд. АҚШ долларини ташкил этади. Умумий минерал-хом ашё потенциали 3,3 триллион АҚШ долларидан ошиқ баҳоланмоқда. Ўзбекистон олтин захиралари бўйича дунёда 4-ўринда, уни қазиб олиш бўйича 7-ўринда, мис захиралари бўйича 10-11-ўринда, уран захираси бўйича 7-8-ўринда туради. Газ захиралари 2 трлн. кубометрга яқин, кўмир 2 млрд. тоннадан ортиқ, 160 дан ортиқ нефть кони бор. Кумуш, уран, мис, қўрғошин, рух, вольфрам захиралари, мармар, фосфорит, калий тузи, капролактам, франций ва габбро конлари бор.

Башарият тарихий тараққиётининг илк босқичларида тирикчиликнинг табиий манбалари мухим роль ўйнаган бўлса, ишлаб чиқаришнинг ривожланиши билан табиий бойликлар ҳал қилувчи ахамият касб этди. Натижада яшашнинг сунъий муҳити – «Иккинчи табиат» яратилди. Унга нафақат табиатда бўлмаган, одам барпо қилган нотирик нарсалар, объектлар, балки одам сунъий танлаш, генлар инженерлиги орқали ҳосил қилган тирик организм(ўсимлик, ҳайвон)лар ҳам киради. Сунъий мухитга одам яшайдиган, ўз фаолиятини амалга оширадиган, ўзи барпо этган сунъий моддий шароит ҳам, ижтимоий муносабатлар ҳам киради.

Жамиятнинг тараққий этган сари, сунъий мухитнинг роли ҳам тобора ошмоқда. Одам томонидан сунъий равишда вужудга келтирилган барча нотирик нарса ва тирик организмлар массаси **техномасса** дейилади. Табиий шароитда азалдан мавжуд, одамийлаштирилмаган барча тирик организмлар массаси **биомасса** дейилади. Ҳисобларга кўра, ҳозирги вақтда инсоният томонидан бир йилда ишлаб чиқариладиган техномасса 10^{13}-10^{14} тоннани ташкил қилади.

Қуруқликда ишлаб чиқариладиган биомасса 10^{12} тоннага тенг экан. Демак, одам томонидан яратилган сунъий муҳит табиий мухитга қараганда 10 ва 100 марта унумли экан. Бундан ташқари инсон бир қатор геологик структураларни

ўзгартирмоқда, улкан сунъий сув омборларини барпо қилмоқда, атмосферани, хатто ерни ёритилишини ўзгартириб юборди.

Ўзбекистон ўзига хос сунъий мухитига эга: шаҳар, қишлоқ, овуллар, дунё стандартларига мос келадиган темир йўллар, ҳаво йўллари, Тошғузор-Бойсун-Кумқўрғон, Қамчиқ довони орқали ўтадиган машҳур йўллар, кучли инсон салоҳияти, техник салоҳият, хилма-хил сифатли саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, завод, фабрикалар мавжуд. Хулоса: инсон ҳаётида, жамият тараққиётида табиий ва сунъий муҳит ғоят аҳамиятли. Улар бир-бирига узвий боғлиқ, ўзаро алоқадор, улардан бирининг ўрни, ролини ошириб юбориб, иккинчисига етарли эътибор бермаслик ёмон оқибатларга олиб келади.

Биосфера – Ернинг тирик мавжудот яшай оладиган юқори қатламининг бир қисмидир. Унга атмосфера, гидросфера ва ернинг юқори қатлами киради. Ер шари Қуёшдан қисқа тўлқинли нурланиш – ёруғликни олади ва ўз навбатида узун тўлқинли нурланиш – иссиқликни космосга юборади. Бу энергиялар ўз хусусиятларига эга. Бу ерда ўзаро тенглик мавжуд эмас, чунки Ер космосга Қуёшдан олаётган энергиясига нисбатан кам энергия жўнатади. Шу фарқ биосфера учун етарли. Биосфера – жонли, ривожланувчи ва космос билан боғланган тизимдир. Инсон экологиясининг энг асосий вазифаси – биосферада содир бўлаётган ўзгариш ва унинг ривожланишини англаб етишдир. Бу ўзаро тенг бўлмаган атмосфера, океан ва оқимларнинг жуда мураккаб жараёнидир. Ер қаъри ҳамиша атмосфера ва океанга ҳар хил газлар – углекислота ва водородларни чиқариб юборади. Улар табиат моддалар алмашинувига қўшилиб, ниҳоят инсон геохимик моддалар алмашинувига ҳал қилувчи таъсир кўрсатади. Биосферани яхлит тизим сифатида ўрганиш – фанда янги йўналиш – глобал иқтисод номини олди. Табиатни ўрганиш услублари биосфера учун эндиликда тўғри келмайди. Биосфера мисоли ягона нусхадаги буюк бир объектдир. У кечагидан, эртага эса бугунгидан фарқ қилиши, шубҳасиз. Шунинг учун биз фақат ўзгаришларни кузатиб, фикр юритишимиз ва компьютердаги моделларни ўрганишимиз мумкин.

Ҳаётнинг пайдо бўлиши, моҳияти, истиқболи ҳақидаги масалалар одамларни қизиқтириб келмоқда. Бу борада диний ва дунёвий қарашлар мавжуд. Диний қарашга кўра, ҳаёт, барча тирик жонзод, одам, ҳеч шак-шубҳасиз, Худо томонидан яратилган.

Қуръонда Ер ва осмон ҳақидаги воқеалар кетма-кет келади. Фуссилат сурасининг 9 – 12-оятларида эса Ер ва Осмоннинг яралиши бир вақтда содир бўлган жараёндек тасвирланган[1]. Қуръонда Ер биринчи бўлиб келган оятлар сони кўп эмас: 2:29, 20:4[2]. Осмон Ердан аввал келган суралар кўпроқ: 7:54, 10:3, 11:7, 25:59, 32:4, 50:38, 57:4, 79:27-33, 91:5-10. Шунингдек, Қуръони каримда Қуёш тизими, сайёралар орбитаси ҳақида ҳам маълумот берилган:

لا الشمس ينبغى لها أن تدرك القمر ولا الليل سابق النهار و كل فى فلك يسبحون

«На Қуёш Ойга етиши мумкин ва на тун кундан ўзувчидир. (Қуёш, Ой ва юлдузларнинг) ҳар бири бир фалакда сузиб юрадилар»[3].

Мазкур оятдаги арабча «фалак» сўзини Э. Р. Кулиев «орбита» деб таржима қилади: «Солнцу не надлежит догонять луну, и ночь опережает день. Каждый плывет

[1] 41-Фуссилат 9-12-оятлар. Қуръони карим: маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва тафсир муаллифи: А. Мансур. – Т.: Тошкент ислом университети, 2009. – Б. 477-478.

[2] Бу ерда ва бошқа ўринларда аввал сура, кейин оят рақами келтирилди.

[3] 36-Ёсин сураси, 40-оят. Қуръони карим: маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва тафсир муаллифи: А. Мансур. – Т.: Тошкент ислом университети, 2009. – Б. 442.

по орбите»[1]. Яъни, «на Қуёш Ойга етиши мумкин бўлар, на кеча кундуздан ўзар. Ҳар бири ўз орбитасида ҳаракатланади».

Э.Р.Кулиев таржимасида «фалак» сўзи «орбита» деб берилиши мантиқий бўлиб, исломнинг дастлабки даврида «қайиқ» маъносидаги бу сўз кейинги даврларда араб тилида «осмон гумбази» (небесный свод), «орбита»[2] маъносига эга бўлди. Лекин коинотда содир бўладиган жараёнларга нисбатан «сузиб юради» (плывет) сўзидан кўра «ҳаракатланади» дейиш маъқул кўринади.

Маълумки, осмон жисмлари орасидаги масофа, массаларининг пропорционал катталиги уларнинг Коинотдаги мувозанатини юзага келтиради. Сайёралар бир-биридан қанчалик узоқ бўлса, улар орасидаги тортишиш шунчалик кучсиз бўлади. Акс ҳолатда эса тортишиш кучли бўлади. Бу нарса Ерга яқин жойлашган Ойга ҳам тегишли. Ойнинг тортишиш кучи туфайли денгиз сатҳи ўзгариб, сувнинг кўтарилиши ва қайтиши содир бўлади. Бироқ икки осмон жисми бир-бирига жуда яқин келса, уларнинг тўқнашуви кутилса-да, бу юз бермайди. Коинотдаги муайян тартиб ундаги мувозанатни сақловчи биринчи шартдир. Қуръони карим талқинида: «Аллоҳ сизларга ердаги нарсаларни ва денгизда Унинг амри билан сузаётган кемаларни бўйин сундириб қўйганини ҳамда ўзи осмонни Ерга изнисиз қулаб тушишдан тутиб туришини кўрмадингизми?!»[3].

Иброҳим сураси 33-оятда келган ҳозирги замон феъли билан ифодаланган арабча сўз «даъиб» «доимо фаолият кўрсатиб турувчи»[4] маъносида. Бу ерда у «Ўзининг куч-ғайратини бирор нарсага ўзгармас қатъият билан, доимий идора қилинадиган одатлар билан мутаносиб равишда сарфламоқ» маъносини англатади. Қуръон оятларидаги арабча «дийа» – «ловуллаб ёнувчи чироқ», «ёруғлик» сўзидан – Қуёш; «ёғду», «нур» маъносидаги сўзлардан[5] эса Ой табиати кўзда тутилган. Қуръоннинг (71: 19-20, 51: 48, 88:19-20, 78:6-7, 79:32, 31:10) оятларида Ер қобиғи характерланган бўлиб, умумий барқарорликка ишора қилинади. Ер қобиғи қотмасидан олдин дастлабки даврда барқарор бўлмаган. Ўз навбатида Ер қобиғи мутлоқ барқарор эмас. Чунки айрим минтақаларда зилзилалар тез-тез бўлиб туради.

«Икки сув орасидаги тўсиқ»қа келсак, у дарё сувлари (чучук сув) билан, денгиз суви (шўр сув)нинг аралашиб кетмаслигини таъминловчи воситадир: «(Аллоҳ) икки денгиз (дарё)ни буниси жуда чучук, униси жуда шўр қилиб оқизиб қўйган ва уларнинг ўртасида тўсиқ ва пухта парда қилиб қўйган зотдир»[6]. «Шундан кейин Ерни (туяқуш тухуми шаклида) ёйиб, текислаб қўйди. Ундан суви ва яйловларини чиқарди. Тоғларни эса (Ерга) ўрнаштирди. (Буларнинг барчаси) сизларга ва чорва ҳайвонларингизга манфаат бўлсин деб (қилинди)»[7]. Оятларнинг кўпчилиги сувнинг ва уни Ер тупроғида мавжудлигининг илмий аҳамиятини таъкидлайди.

Шубҳасиз, сув саҳро (чўл) мамлакатларда инсоннинг яшаш манбаи бўлган биринчи унсурни акс эттиради. Қуръони каримда ушбу географик хусусият ва

---

[1] Священый Коран / Смысловой перевод на русский язык Э. Р. Кулиева. – Медина: Комплекс имени Короля Фахда по изданию священного Корана, 1428 г.х. / 2009. – С. 564.

[2] Арабско-русский словарь / составил: Баранов Х. К. – М.: Государственное издательство иностранных и национальных словарей, 1958. – С. 781.

[3] 22-Ҳаж сураси, 65-оят. Қуръони карим: маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва тафсир муаллифи: А. Мансур. – Т.: Тошкент ислом университети, 2009. – Б. 340.

[4] 14-Иброҳим сураси, 33-оят. Қуръони карим: маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва тафсир муаллифи: А. Мансур. – Т.: Тошкент ислом университети, 2009. – Б. 259.

[5] 25-Фурқон сураси, 61-оят; 71-Нуҳ сураси, 16-оят; 78-Наба сураси, 13-оят. Қуръони карим: маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва тафсир муаллифи: А. Мансур. – Т.: Тошкент ислом университети, 2009. – Б. 365., 571., 582.

[6] 25-Фурқон сураси, 53-оят. Қуръони карим: маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва тафсир муаллифи: А. Мансур. – Т.: Тошкент ислом университети, 2009. – Б. 364.

[7] 79-Нозиот сураси, 30 – 33-оятлар. Қуръони карим: маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва тафсир муаллифи: А. Мансур. – Т.: Тошкент ислом университети, 2009. – Б. 583.

планетамизнинг сув билан бойлиги туфайли ажралиб туриши зикр этилган. Илм-фаннинг аниқ маълумотларига кўра, бу – Қуёш системасидаги ягона ажралиб турувчи ўзига хос хусусият бўлиб, сув бўлмаганида Ер ҳам Ой каби сўнган сайёра бўлар эди. Шунинг учун Қуръони карим Ерга хос табиат ҳодисаларини зикр қилганда, биринчи аҳамиятни сувга қаратган.

Сувнинг табиатда айланиши ҳам Қуръони каримда (23:18-19, 50:9-11, 15:22, 35:9, 30:48, 7:57, 25:48-49, 45:5, 13: 17, 67:30, 39:21, 36:34, 14:43, 56:60-68) аниқлик билан тавсифланган. Ҳозирги вақтда, инсон ҳаётида сувнинг ўрнига хос бўлган Қуръон оятларини ўқир эканмиз, улар ҳақида аниқ равшан фикрларга эга бўламиз. Бунинг сабаби оддий: чунки ҳозирги асрда барчамиз сувнинг табиатда қандай айланиб юриши, яъни ёмғир ҳодисаси ҳақида озми-кўпми тушунчага эгамиз. Лекин қадимда инсонлар ерни суғориш ишларида самарали амалий билимларга эга бўлиб, маълум ютуқларга эришган бўлсалар-да, уларнинг сувнинг айланиб юриш ҳодисаси ҳақидаги тасаввурлари умуман бизнинг асримизда илгари сурилган тушунчаларга тўғри келмайди. Бир қанча асрлар мобайнида инсонлар табиатда сувнинг айланиши (ёмғир ҳодисаси) ҳақида янглиш фикрларга эга бўлганларини эътиборда тутсак, Қуръон маълумотлари асоссиз фикр-тушунчалар эмаслиги аён бўлади.

Ҳозирги давр фан тараққиёти босқичида мантиқий асосланган диний билимларни шакллантириш, диншуносликлик, хусусан, исломшуносликка оид масалаларни назарий ва амалий жиҳатдан муваффақиятли ҳал этиш Қуръони карим ва Ҳадиси шариф матнларига оид таржималарни мантиқий тафаккурга асосланиб, таҳрир ва таҳлил қилиш, диний ғояларни тадқиқ қилишни тақозо этади. Шу маънода, Қуръоннинг диний ва илмий тамойиллари ҳақида ҳар бир макон ва замонда илм-маърифатли инсонлар мушоҳада юритсалар, ундаги таълимотларни янада чуқурроқ англаб етадилар. Демак, Қуръони каримни замон тафсир қилади. Чунки инсоният онг-тафаккури тараққий этган сайин, Қуръони каримни тобора теранроқ англаб бораверади.

Дунёвий қарашларнинг баъзи хили: ҳаёт ерга коинотдан хужайралар шаклида шамол ва бошқа воситалар орқали келган, кейин шаклланиб, тирик организимлар пайдо бўлган, деб ҳисоблайди. Албатта, бу асоссиз, чунки Ер ва бошқа осмон жисмлари ўртасида ултрабинафша, космик нурлар бор; улар ҳар қандай тирик нарсани ўлдириб юборади. Бошқа хилига кўра, Ерга ҳаёт бошқа оламлардан космик кема ва бошқалар орқали келган. Бунга ҳам қўшилиб бўлмайди, чунки бутун органиқ оламни, ўсимлик, ҳайвонот дунёси, кишиларни учар воситалар, космик кемаларда олиб келиш ақлга сиғмайди. Ҳаёт Ернинг ўзида, ташқи аралашувсиз, планета тараққиёти натижасида, муайян, зарурий шароит етилган даврда қонуний тарзда пайдо бўлган. Ҳаётнинг пайдо бўлиши тўғрисида олимлар, табиатшунослар таълимотлари ичида академик Опариннинг назарияси ҳақиқатга яқинроқ. Унинг фикрича, дастлаб аминокислоталар пайдо бўлган, улардан узоқ давом этган мураккаб тараққиёт натижасида модда алмашуви туфайли органиқ жисмлардан ҳаёт пайдо бўлган.

Ҳаётнинг дастлабки белгилари бундан тахминан 3,8 миллиард йил; химиявий реакциялар орқали Қуёш энергиясидан кислородни ажратиб олиш учун фотосинтезга қобил дастлабки хужайралар эса 2 миллиард йил аввал пайдо бўлган. Ер атмосфераси кимёвий таркибини тубдан ўзгартириб, планета бўйлаб ҳаётнинг тез суръатла тарқалишига имкон берди, янги яхлит тизим – биосфера вужуга келди. Ҳаётнинг ўзи унинг Ерда мавжудлиги ва тараққиёти учун зарурий шароитни таъминлайдиган энг муҳим омилга айланди. Тирик организмларнинг пайдо бўлиши, яшашида Ернинг Қуёш системасида қулай жойлашганлиги ҳам ғоят муҳим роль ўйнади. Агар Ер

Қуёшдан узоқда жойлашганида, Ер юзасида ҳарорат пасайиб, ҳамма жой мангу музлик билан қопланар, аксинча Ер Қуёшга яқин жойлашганида, Ер юзасида ҳарорат кўтарилиб, намлик, сув йўқоларди. Хуллас, ҳар икки ҳолатда ҳам Ерда ҳаётнинг пайдо бўлишига имконият йўқолган бўларди. Агар Қуёш системаси галактика марказига янада яқинроқ жойлашганда, Ер юзасида гравитация таъсирида нарсалар вазни оғирлашиб, инсондек мураккаб жонзот, балки, умуман, ҳаётнинг пайдо бўлишига шароит бўлмаган бўлар эди. Билъакс, Қуёш системаси галактика марказидан ҳозиргига нисбатан четда жойлашганида ҳам гравитация кучининг заифлиги айрим химиявий ва биологик жараёнларнинг рўй беришига халақит берган бўлар эди.

Демак, инсон ўзи учун энг қулай бўлган жойда яшайди. Ҳаёт бошқа планеталар, оламларда борми – йўқми деган муаммо ҳам кишиларни, олимларни қизиқтириб келмоқда. Агар ҳаёт фақат Ерда мавжуд бўлса, агар у йўқ бўлиб кетса, ҳаёт бутунлай бўлмайдими, деган масала ҳам кишиларни ўйлантирмоқда. Ҳозирги даврда галактикамизда, бошқа оламларда ҳаёт бор, деган гипотезалар мавжуд. Ерда ҳаётни хавф остида қолдираётган омиллар мустахкамланиб боряпти. Ядро қуролининг ишлатилиши, атмосферада азон қобиғининг очилиб қолиши, ҳароратнинг ошиб бориши, тупроқ, сув, ҳавонинг захарланиши сингари хавфлар пайдо бўлди.

Ҳаётнинг энг мураккаб шакли инсон ҳаёти унинг руҳияти, онги, тафаккури билан чамбарчас боғлиқ. Диний қарашга кўра, дунё ўткинчи, фоний «бу дунё» ва ҳақиқий «у дунё»дан иборат, савобли ишларни қилганлар у дунёда жаннатда яшайдилар, ёмон ишларни қилганлар дўзахга тушадилар. Дин нуқтаи назаридан, ҳаёт абадийдир. Фалсафий таълимотга кўра, ҳар бир одамга бир маротаба ҳаёт кечириш имконияти берилган, инсоннинг қадр – қиммати шу ҳаётни қандай ўтказганлик билан ўлчанади. Оиласи, фарзандлари, халқи, ватани, жамият, фан, маданият тараққиёти учун меҳнат қилган, курашган буюк инсонлар ҳеч қачон ўлмайди, улар яқин кишилари қалбида абадий яшайдилар.

Бизнинг давримизда ҳаётнинг биологик жихатлари билан боғлиқ муаммолар кескинлашмоқда. Ғарб мамлакатларида гомосексуализм (бир жинсли никоҳ, алоқа) тарафдорлари, уларни қўллаб-қувватлаётганлар сони ошиб бормоқда. Диний ташкилотлар, прогрессив кучлар бунга қарши чиқмоқдалар, у инсоний одоб-ахлоқ, фазилатларга зид, деб ҳисобламоқдалар.

Бир инсон аъзосини бошқасига кўчириб қўйилиши масаласида тортишувлар бўлмоқда. Баъзилар, шифокорлар авария, халокат натижасида ўлимга махкум бўлганлар ёки айрим одамларнинг ўз розилиги билан, аъзоларини бошқаларга қўйиш лозим,деб ҳисобламоқдалар. Бошқа фикрича, бундай қилиш салбий оқибатларга олиб келади, пул, бойлик, шахсий манфаатлар йўлида яшашга қобил бўлган одамларнинг аъзоларини яширин, очиқ тарзда олди – соттига айлантиради. Бир қатор тиббиёт ходимлари одамларни даволашни олди-соти муносабатига айлантирмоқдалар. Айримлари кишиларга ўта оғир касаликларни юқтиришга сабабчи бўлмоқдалар. Ғарб мамлакатларида бир қатор врачлар, сиёсатчилар ғоят оғир касалга дучор бўлганларни қийнамаслик лозим, уларни сунъий йўли билан, дори билан ўлимини тезлаштириш керак, демоқдалар. Голландияда бунга расмий розилик берилди. Бу одоб – аҳлоққа, инсонийликка зид. Бунга руҳсат берилса, оғир касал боҳонаси билан одамларни, яқинларни йўқ қилишга ҳаракат қиладилар.

Хулоса: ҳаёт муаммоси одамларни қизиқтириб келган, абадий ва ғоят аҳамиятли муаммодир.

Экология – илмий фан ва у бутун инсоният учун ягонадир. **«Экология» термини** биология фани доирасида дастлаб тирик организмларнинг атроф-муҳит

ҳолати билан боғлиқ ўзаро таъсирини ўрганувчи бир бўлими сифатида вужудга келди. Унинг муаллифи Йена университети профессори Э. Гекклдир (1866.). Кейинчалик Ғарбда «экосистема», собиқ СССРда (академик В.Н.Сукачев фанга киритган) «биоценоз» ва «биогеоценоз» тушунчалари пайдо бўлди. Дастлаб «экология» термини белгиланган экологик тизим ривожланишини ўрганувчи фанни англатган. Ҳатто ҳозир ҳам умумий экология фанида асосий ўринни биология билан боғлиқ муаммолар эгаллайди. Лекин ҳаёт айни вақтларда экология билан боғлиқ муаммолар доирасини кенгайтириб бормоқда.

Экологик муаммо, унинг илмий, ижтимоий-фалсафий ва аҳлоқий-гуманистик жиҳатларига келсак, одам табиатга, яшашнинг табиий муҳитига қарам бўлган. Ишлаб чиқариш кучларининг ривожи, фан, техника, технологиянинг тараққиёти билан одамнинг қарамлилиги камайиб борди. У табиат ҳодисалари, кучларини ўзига тобора кўпроқ хизмат қилдириб борди. Инсон фаолияти доирасига табиатнинг нарса, ҳодиса, кучлари ҳаддан ташқари кўп шакл, усул, воситалар билан жалб қилинмоқда. Масалан, кўмир ва нефть илгари фақат ёқилғи сифатида ишлатилган бўлса, ҳозирги нефть – хмия саноати улардан 8 минг турдаги махсулотларни ишлаб чиқармоқда. Бу ҳолни бошқа соҳаларга таллуқли. Хўжалик фаолияти ва умуман инсоннинг яшаши учун зарур махсулотлар турларининг тинимсиз ошиб бориши планетамизда қазилма бойлик ва бошқа неъматлар (қора ва рангли метал, нефть, кўмир, сув, ёғоч, дарахт) заҳираларининг кескин камайиб боришига, баъзиларини тугаб боришига олиб келмоқда. Кейинги беш йил ичида инсоннинг ҳатти-ҳаракати, фаолияти натижасида ўрмонларнинг учдан икки қисми йўқ қилиб юборилди. Мутахассислар ҳисобича, бу бойликлар бир неча ўн йилликларгагина етиши мумкин.

Ҳозирги вақтда табиат, ташқи мухит инсонга, инсон фаолиятига, шакл, усул, йўналишларига боғлиқ бўлиб қолди. Кўп чиқиндили технологиянинг мавжудлиги, кенг тарқалганлиги ҳам ғоят катта зарар келтирмоқда. Ишлаб чиқариш моддаларнинг 3-4 қисмидан фойдаланмоқда, 96 қисми эса ташқи муҳитни ифлословчи, захарловчи чиқинди сифатида ташлаб юборилмоқда. Ҳар йили индустриал ривожланган мамлакатларда яшовчиси учун табиатдан 30 тонна модда олинади, бундан 1-1,5 % истеъмол моддаси сифатида фойдаланилади, қолгани чиқинди сифатида ташлаб юборилади. Чиқиндилар тупроқ, сув, ҳаво, тоғ жинсларини заҳарламоқда. Табиат ўзини-ўзи тозалай олмай қолди. Заҳарланиш жуда тез, кенг миқёсда, ўта ҳавфли, даҳшатли тарзда, бутун Ер миқёсида юз бермоқда. Зудлик билан жаҳон миқёсида бунинг олди олинмаса, Ерда ҳаёт, инсоният, унинг жамияти, цивилизацияси йўқ бўлиб кетиши муқаррар. Кейинги йилларда атмосферада карбонат ангидрид газининг тўпланганлиги, ифлос чанглар билан қопланганлиги Ер миқёсида XX асрнинг бошидагига қараганда 20% дан ошиб кетди. Ернинг атрофида карбонат ангидрид газининг қатлами вужудга келди. Оқибатда, планетамиз улкан иссиқхонага айланиб қолиши, энергетик мувозанатни кескин ўзгартириб юбориши, ҳарорат тинимсиз тез суръатда, кескин ошиб кетиши мумкин. Бу эса ҳосилдор ерларни қурғоқ, экин ўсмайдиган иссиқ саҳроларга айлантириши; қутблардаги музликлар, айсбергларнинг эриб кетишига, океан сувлари сатҳининг кескин кўтарилишига, океанолди, денгизолди ерларни, шаҳарларни сув босиб кетишига олиб келиши мумкин. Ишлаб чиқариш, хўжалик фаолияти, кундалик ҳаётда фреоннинг кенг миқёсда ишлатилаётганлиги, қуйи стратосферада товушдан тез учадиган самолётларнинг кўплаб учирилиши сабабли атмосфера озон қобиғида катта-катта туйнук-тешиклар ҳосил бўлаяпти, кислород миқдори мувозанатининг кескин бузилиши хавфи пайдо бўлди. Агар озон қатлами

50% бузилса ультрабинафша радиацияларни 10 марта ошириб юборади, ҳайвонот олами ва кишилар яшаш шароитларининг кескин ўзгаришига, ўта оғирлашиб кетишига олиб келади. Океанларнинг заҳарланиши кескин ошиб, глобал характер касб этмоқда.

Бу ҳодисалар кишилар сиҳат-саломатлиги, меҳнат унумдорлиги, ижодий фаоллигига жиддий даражада салбий таъсир кўрсатмоқда, ерларнинг ҳосилдорлигини сақлаш, сув ҳавзаларини тозалаш учун кўп маблағ талаб қилмоқда. Табиий мухитнинг захарли химик, физик, биологик нарсалар билан ифлосланиши натижасида дори ва захарли моддаларга чидамли, барқарор микроблар ҳамда қишлоқ хўжалик зараркунандалари миқдори ва турларининг кўпайиши одамлар ирсиятига салбий таъсир этмоқда. Чунончи, туғма порок, оғир ирсий касалликлар пайдо бўлди. Америка рак бўйича миллий институтининг маълумотларига кўра, хар йили 500 минг рак билан оғриган беъморларнинг 60%и ташқи мухитнинг захарланиши туфайлидир. Ёввойи табиатдаги ҳайвон ва ўсимликларнинг жуда кўп турлари йўқ бўлиб кетди.

Сўнгги 10 йилликда амалга ошган илмий-техник революция экологик муаммоларни келтириб чиқарди. Аммо илмий-техник прогрес ҳар доим муқаррар суратда экологик муаммони келтириб чиқармайди. Экологик муаммо табиатга таъсир қилишнинг конкрет метод ва шакллари, фан-техника ютуқларидан қай тарзда фойдаланишга боғлиқ.

Экологик муаммо комплекс ва глобал характер касб этиб, у муайян ижтимоий тузум, ишлаб чиқаришнинг ўсиши, илмий-техник ва маънавий тараққиёт билан боғланган. Бу муаммога муносабатда назарий, амалий жиҳатдан оқилона реализм нуқтаи назарда туриш лозим. Илмий жиҳатдан асосланган тарзда ҳаракат қилиш керак. Бутун дунё олимларнинг ҳамжиҳат фаолияти, турли иқтисодий-ижтимоий тузумдаги мамлакатларнинг ҳалқаро ҳамкорлигига таяниш зарур. Экологик муаммо ижтимоий борлиқнинг турли-туман томонлари билан боғланганини назарда тутиб, ижтимоий, гуманистик, маданий, идеологик, аҳлоқий, ва эстетик жиҳатлар комплекс характердаги бу муаммонинг мазмунини ташкил қилишини ҳисобга олиш зарур.

Илм-фан, техника, технологияни барча офатларнинг сабабчиси деб, улар тараққиётини тўхтатишни талаб қиладиган қарашлар бор. Шунинг учун реализм, объективлик, гуманизм нуқтаи назарида турган маъқул. Олимлар ва инженерлар лойиҳаларида экологик тоза технология ва материалларни ишлаб чиқариш, ҳавфсизликка аҳамият қаратишлари зарур. Табиий мухитга зарар келтирмаслик, хавфни ҳамма англаши, қайғуриши, назорат қилиш, ҳаракат қилиши, имконияти чекланган мамлакатларга ёрдам бериш фойдадан холи бўлмайди. Экологик муаммолар Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтгани йўқ. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка тахдид, барқарорлик шартлари, тараққиёт кафолатлари» асарида экологик муаммолар, юртимиздаги экологик вазиятнинг пайдо бўлиш сабаблари, таҳдидни атрофлича, чуқур тахлил қилинган. Мазкур асарда Ватанимиздаги экологик вазият куйидагича шарҳланади:

Ернинг чекланганлиги ва унинг сифат таркиби пастлиги билан боғлиқ бўлган хавф тўхтовсиз ошиб бормоқда. Республиканинг 447,4 минг кв. км. дан ортиқ бўлган умумий майдонининг атиги 10 % игина экин майдонларини ташкил қилади. Ўзбекистон эгаллаб турган майдоннинг анчагина қисмини Қорақум, Қизилқум, Устюрт каби чўл ва ярим чўл ерлар ташкил этади. Аҳоли зичлиги юқори бўлиб 1 кв.км.га 51,4 киши тўғри келади. Барча аҳолининг ярмидан кўпроғи қишлоқларда яшайди, у ерларда инсон захираларининг мутлақ ортиқлиги яққол кўзга

ташланади. Республикада 2 млн. гектардан ортиқ ер майдони ёки барча суғориладиган ерларнинг қарийиб ярми бузилиш хавфи остида қолган, ниҳоят даражада шўрланган.

Радиоактив ифлосланиш, катта ҳавф туғдирмоқда. Мойлисув (Қирғизистон) дарёсининг қирғоқлари ёқасида 1944 йилдан то 1964 йилгача уран рудасини қайта ишлаш чиқиндилари кўмилган. Ҳозирга қадар қолдиқлар сақланадиган 23 та жой мавжуд. Бу ерларда селни тўсадиган тўғонларни махкамлаш ҳамда кўчки ҳавфи бўлган жойлардаги қияликларнинг мустаҳкамлигини таъминлаш зарур.

Сув захиралари, жумладан ер усти ва ер ости сувларининг кескин тақчиллиги хамда ифлосланганлиги катта ташвиш туғдирмоқда.

Орол денгизининг қуриб бориш ҳавфи ғоят кескин муаммо бўлиб қолмоқда. Ҳаво бўшлиғининг ифлосланиши, Тожикистонда алюмин заводининг ишга туширилиши ҳам экологик муаммоларни келтириб чиқарди.

И.А.Каримов ўз асарларида экологик ҳавфсизликни кучайтиришнинг асосий йўналишларини ҳам асослаб бергандир:

1.Тегишли технологияларни ишлаб чиқариш ва жорий этиш. Қишлоқ, ўрмон ва бошқа хўжалик тармоқларидаги табиат жараёнларининг бузилишига олиб келадиган барча захарли кимёвий моддаларни қўллаш устидан қаттиқ назорат ўрнатиш. Ҳаво ва сув муҳитини инсоннинг ҳаётий фаолияти учун зарарли ёки салбий таъсир этадиган моддалар билан ифлослантиришни тўхтатиш. Суғоришда сувни тежайдиган технологияни кенг жорий этиш. Бошланғич хом ашёдан тайёр, пировард махсулот олгунга қадар комплекс фойдаланишга имкон берадиган янги замонавий, экологик жихатдан самарали ускуналарни ўрнатиш.

2. Қайта тикланадиган захираларни қайта ишлаб чиқаришнинг табиий равишда кенгайишини таъминланган ҳамда қайта тикланмайдиган захираларни қатъий мезон асосида истеъмол қилган ҳолда табиий заҳираларнинг ҳамма турларидан оқилона фойдаланиш.

3. Катта-катта ҳудудларда табиий шароитларни табиий захиралардан самарали ва комплекс фойдаланишни таъминлайдиган даражада аниқ мақсадларга қаратилган, илмий асосланган тарзда ўзгартириш.

4. Жонли табиатнинг бутун табиий генофондини маданий экинлар ва ҳайвонларнинг янги турларини кўпайтириш ҳисобига бошланғич база сифатида сақлаб қолиш.

5. Шахарсозлик ва туманларни режалаштиришнинг илмий асосланган, ҳозирги замон урбанизациясининг барча салбий оқибатларини бартараф этадиган тизимини жорий этиш йўли билан шаҳарларда ва бошқа ахоли пунктларида аҳолининг яшаши учун қулай шароит яратиш.

Хулоса: ҳозирги вақтда экологик муаммолар ғоят кескинлашмоқда, уни кечиктирмай оқилона илмий асосда ҳал қилиш зарур.

Такрорлаш учун саволлар

1. Табиат объектларининг тузилиши қандай?
2. Табиат қонунларининг энг муҳим хусусияти нимада?
3. Мегадунё деб нимага айтилади?
4. Биосфера деб нимага айтилади?
5. Носфера деб нимага айтилади?

ИНСОН БОРЛИҒИ

Таянч тушунчалар: *инсон борлиғи, индивидуал борлиқ, ижтимоий борлиқ маънавий борлиқ, индивидуал онг, ижтимоий онг, индивидуаллашган маънавий борлиқ, объективлашган маънавий борлиқ, онг ости ва онгсизлик, индивид, одам, шахс, комил инсон, органиқ инъикос шакллари, шартсиз ва шартли рефлекс, идрок, тассавур, тафаккур, инстинкт, тушунча, ҳукм ва хулоса.*

Борлиқнинг ўзига хос нодир шаклларидан яна бири – **ИНСОН БОРЛИҒИ**дир. Инсон борлиғи **алоҳида киши** ва **бутун инсоният** борлиғи кўринишларида мавжуд. Бироқ инсон борлиғида табиат ва жамиятдаги ҳамма мавжуд нарсалар учун умумий бўлган томон, хусусиятлар ҳам мавжуд. Инсон борлиғи ўз табиати ва моҳиятига кўра энг мураккаб, ҳамма борлиқ шакллари маълум томонларининг диалектик бирлигидан иборатдир.

Умум фалсафий нуқтаи назаридан, инсон, даставвал, табиатнинг энг олий тирик мавжудоти, унинг мавжудлиги асосини танасидаги ҳаёт ташкил қилади. Инсон танаси бошка табиий тирик жисмлар билан бир хил хусусиятларга эга: пайдо бўлиш, ўсиш, ривожланиш, улғайиш, қариш, ўлиш, бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтиш, моддалар алмашиш жараёни ва ҳоказо. Инсон танаси табиатдаги барча нотирик ва тирик жисмларда амал қиладиган қонунларга бўйсунади. Лекин инсон жонли танасининг ўзигина инсон борлиғини ташкил қилмайди. Чунки инсон борлиғи: алоҳида кишининг индивидуал борлиғи ва инсоният борлиғи шаклларида мавжуд. Алоҳида кишининг **индивидуал борлиғи** эса тана ва руҳ бирлигидан иборат, алоҳида кишининг индивидуал ҳаёти ва фаолияти, унинг моддий ва маънавий эҳтиёжлари, яшаши, ҳис-туйғу ва фикрлари, мақсад ва истаклари, тилак ва орзулари, ўз-ўзини англаши, дунёни билиши, индивидуал онги ва тафаккури, нарсаларга, кишиларга, табиат ва жамиятга муносабатларининг жамини ўзига қамраб олади.

Инсониятнинг борлиғи эса кишилик жамиятининг бутун ҳаёти: унинг ўтмиши, ҳозирги ва келажагига оид моддий ва маънавий турмуши, ишлаб чиқариши, ижтимоий муносабатлари, ижтимоий онг ва ҳоказолардан иборат.

Инсон борлиғи бу жиҳатдан табиат, жамият ва ҳам руҳият конунларига бўйсунади. Ҳар бири ўзича нисбий мустақил уч жиҳат, қуйидаги ўлчов билан характерланади:

Инсон ҳис қилувчи ва фикрловчи жонли танага эга алоҳида реал табиий индивид сифатида мавжуддир. У тирик табиатнинг **homo sapins** турига оид мавжудот. Инсоннинг ноёблигини унинг руҳий дунёси ташкил қилади. Айни вақтда ижтимоий-тарихий тараққиётнинг маҳсули – ижтимоий мавжудот ҳамдир. Инсон борлиғи, бир жиҳатдан, кишилар онгига нисбатан объектив, бошқа жиҳатдан у киши ва кишилар онгига боғлиқдир. Чунки инсон борлиғи табиийлик, моддийлик, маънавийлик, индивидуаллик, шахсий ва ижтимоийликнинг диалектик бирлигидан иборатдир.

Инсон танаси «бирламчи табиат» сифатида бир ҳолатдан иккинчи, бир кўринишдан бошқа шаклга ўтади, бутунлай йўқолиб кетмайди. Бироқ «иккиламчи табиат» сифатида ўткинчи, ўзгарувчан, чекли, пайдо бўлувчи, ривожланувчи, ниҳоят, ўлувчи хусусиятларга эга. Инсон танасининг яшаб туриши учун озиқ-овқат, кийим-кечак, турар жой, иссиқ ва совуқдан сақланиш, насл қолдириш каби турли-туман моддий эҳтиёжлари қондирилган бўлиши керак. Инсоннинг жонли организм сифатида мавжудлигини шу биринчи даражали моддий эҳтиёжларни қондириш орқали таъминланади. Инсон ҳаёти учун маънавий эҳтиёжлар: аҳлоқ, ҳуқуқ, санъат, сиёсат, фан ва дин кабилар ҳам муҳим рол ўйнайди. Ҳар бир кишининг мияси, асаб

тизими, руҳияти ва маънавияти унинг танаси ва ўз фаолиятида катта рол ўйнайди. Руҳан соғлом киши жисмонан бақувват бўлади, сиҳат-саломатлиги кишининг маънавий ҳаётига катта таъсир қилади. Халқимиз: «Яхши дам меҳнатга ҳамдам», «Соғлом танда - соғ ақл» мақолларини бежиз айтмайди. Бир қарашда, инсон ҳаёти чексиз дунёда қисқа, ҳеч бир арзимас нарсадек туюлади. Аслида эса инсон ўз ўзини англайди, дунёни билади, дунё ва ўзига жуда катта таъсир қилади, дунёни ва ўзини ўзгартириб, ўзлаштириб боради, маданият, санъат, дин, фан, ҳуқуқ ва сиёсат соҳасида ижод қилади. Инсон учун энг муҳими – ҳар бир кишининг ўзи ва бутун инсоният тақдири, инсон зоти ва инсоният цивилизацияси олдидаги маъсулиятини тўғри англашидир. Бунда кишининг маънавий юксаклиги ва ақли расолиги муҳим рол ўйнайди. Бу ўз табиатига кўра **МАЪНАВИЙ БОРЛИҚ** дейилади.

Маънавий борлиқ индивидуал онг ва ижтимоий онг жараёнларини ўз ичига олувчи маънавийлик, маънавий қадрият ва маънавий бойликлардан иборат.

Тарихий воқеалар инсоният келажаги, кишилар ҳаёти ва тақдирига кўп жиҳатдан инсон ва инсониятнинг муҳим фазилатларидан бири – маънавийлик билан боғлиқлиги маълум. Айни маънода маънавийликни борлиқнинг ўзига хос бир шакли сифатида алоҳида ўрганиш мақсадга мувофиқ.

Маънавийлик – кўп қиррали онг ва онгсизлик жараёнларини қамраб олувчи инсон кундалик ҳаёти тажрибалари, унинг табиат ва жамият билан муносабатларида ҳосил қилган малака, кўникмалари, унинг шахс сифатида шаклланиши давомида эгалланган аҳлоқий, сиёсий, ҳуқуқий, диний, фалсафий, фанларни ўрганиш асосида олган билимлари, бадиий, техник ва илмий ижодлари мажмуидир.

Маънавийликни икки турга бўлиб ўрганиш мумкин: 1) индивид онги ва руҳияти билан боғлиқ **индивидуаллашган маънавий борлиқ**; 2) индивид онги ва руҳиятидан ташқари **объективлашган маънавий борлиқ.**

Индивид онги ва руҳияти – алоҳида киши миясининг хоссалари. Конкрет киши ҳис-туйғу, ички руҳий кечинма, орзу-истак, хотира, тааъсурот, фикр, ҳаёл, қараш, ғоя, индивидуал онги, онг ости ва онгсизлик жараёнлари индивидуаллашган маънавий борлиқнинг элементларидир. Индивидуаллашган маънавий борлиқнинг ўзига хос хусусияти: унда содир бўладиган жараёнларнинг мавжудлигини бевосита ташқаридан туриб сезиш, кузатиш, билиш мумкин эмас. Уларни илғаш, ҳис қилишнинг ягона йўли – индивиднинг ўз онги, руҳиятида кечаётган жараёнлар тўғрисида ўзига ўзи ҳисоб беришдир. Фан соҳасида киши миясида содир бўладиган онг фаолияти, руҳий жараёнларни тўлалигича билиш, қайта тиклаш ёки қайд қилиб қўйишга ҳозирча эришилгани йўқ. Биз одатда, субъектив таассуроти қолдирган табиий ёки ижтимоий аҳамиятга эга кўринишларини саралаб, қайд қилиб келамиз, холос.

Индивидуаллашган маънавий борлиқнинг яна бир хос хусусияти: унга хос жараёнлар индивиднинг дунёга келиши билан пайдо бўлади ва оламдан ўтиши билан бирга йўқолади. Индивидуаллашган маънавий борлиқнинг хусусиятларини асосан руҳшунослик фани ўрганади. Лекин руҳшунослик фани кейинги вақтларда бу соҳада маълум ютуқларга эришиш билан бирга кўпгина қийинчиликларга ҳам дуч келмоқда. Бунинг сабаби: онг жараёнини индивид мияси ҳамда асаб системасидаги табиий ва биологик жараёнлардан ажралган ҳолда ўрганиш мумкин эмас; онг маънавий ҳодиса бўлгани учун уни моддий нарсалар сингари тадқиқ килиб бўлмайди; онг жараёнларини тилда, нутқда тўла бериб бўлмайди, чунки мияда ҳали англанмаган онг ости ва онгсизлик жараёнлари ҳам кечади.

Индивидуаллашган маънавий борлиқ индивид онги, онг жараёнлари, **онг ости ва онгсизлик**ни ўз ичига олади.

XIX аср охири ва XX аср бошларида психолог ва файласуфлар ўртасида мазкур масала юзасидан қизғин мунозаралар келиб чиқди. XX аср бошларида бу муаммони психиатр З. Фрейд ва унинг издошлари қизғин ўргана бошладилар. З.Фрейднинг фикрича, индивид мияси ва асаб тизимига онгсизликнинг уч даражаси хос:

1-даража онгсизлик инсон танаси яшашини таъминлаб, тана вазифаларини координация қилади, тананинг оддий биологик эҳтиёжларини қондиришни назорат қилади. Бу назорат инсон томонидан ўз-ўзидан, айнан англаб олинмаган ҳолда, кўпинча аниқ амалга оширилади. Кишидаги айрим интилиш ва ҳоҳиш, туш, ички руҳий ҳолатлар онгсиз жараёнлар асосида содир бўлади.

2-даража онгсизлик инсон маълум давргача англаб етмаган, аслида онглилик билан туташ, кейинча англанган фикрларни ўз ичига олади. Масалан, «тилимнинг учида турибди», «миямга бир фикр келди» деганда, онг остида вужудга келган, лекин ҳали англанмаган, кейинча англанадиган фикрлар назарда тутилади.

3-даража онгсизлик бадиий, илмий, ҳаёлий ва қиёсий жараёнларда интуитив фикрлашга хос.

Демак, индивидуаллашган маънавий борлиқни инсон борлиғидан, умуман, борликдан алоҳида ажратиб ўрганиб бўлмайди. Чунки, бир бутун оламсиз инсон, инсонсиз онг, индивидсиз индивидуаллашган борлиқ бўлмайди.

Объективлашган маънавий борлиқка келсак, индивид онгида пайдо бўлган ғоя, қараш, фикрлар ундан ташқарида объективлашади, реаллашади, моддийлашади. Объективлашган маънавий борлиқнинг ўзига хос хусусияти: у субъект онги – индивидуал онгдан чиқиб, объективлашгандан сўнг табиий ва сунъий тиллар материаллари, ижтимоий онг шаклларида (масалан, муайян санъат асарлари ва маданият обидаларида) ифодаланган ғоя, қараш, назария ва таълимот шаклларида тарихий тараққиёт давомида ривожланиб, такомиллашиб боради, асрлар оша инсониятга хизмат қилади. Объективлашган маънавий борлиқнинг бир кўриниши тил ёки нутқдир. Тилда онг маҳсули – фикр моддийлашади: у товуш ва сўзлардан ташкил топиб, гапларда ифодаланади. Онгдан ташқарида реаллик сифатида мавжуд жумла, матнлар туфайли инсоният маданиятни яратади, моддий ва маънавий маданият бойликлари авлоддан авлодга ўтиб, уларга хизмат қилади. Масалан, энг қадим замонда инсон миясида нон пишириш ғояси индивидуаллашган борлиқ шаклида вужудга келган. Бу ғояни ҳаётига тадбиқ этган: реал нонни пиширган. Нон ғояси қилинган ва пиширилган нонларда объективлашган. Бу ғоя кишилар малака ва тажрибалари билан бойиб, ривожланиб борган, чиройли ва мазали нонлар тайёрлаш санъатига айланган. Бу бизнинг кунларимизда ҳам давом этиб келмоқда. Демак, дастлаб индивид онгининг маҳсули – нон ғояси индивидуаллашган маънавий борлиқ кейинчалик реал нонларда объективлашади. Кейинги авлодлар ўз фаолиятларида янада ривожлантирилиб «ўлмас характер» касб этади.

Инсоният яратган барча моддий ва маънавий маданият: санъат асарлари, маданий ёдгорликлар, китоб, формула, лойиҳа, модел, ранг, куй, нота, рақслар – ҳаммаси объективлашган маънавий борликдир. Ҳозирги фан-техника тараққиёти даврида хотирада сақлаш ва фойдаланишда «электрон машиналар хотираси» муҳим аҳамият касб этмоқда. Маънавий борлиқ қандай кўринишида бўлишидан қатъий назар, у моддий асоссиз мавжуд бўлмайди. Индивидуаллашган маънавий борлиқ индивид мияси, марказий асаб тизими, организм фаолиятининг бетакрор жараёнлари кўринишида мавжуд бўлса, объективлашган маънавий борлиқ ижтимоий онг шакллари тарзида инсон маданиятининг турли кўринишларида моддийлашиб, объективлашиб намоён бўлади. Бу иккиси бир бирига ўтиб, бир бирларини бойитиб, тўлдириб борадилар, уларни ўзаро диалектик муносабатда олиб ўрганиш лозим.

Соф маънавий борлиқнинг ўзи мавжуд эмас. Соф маънавий борлиқни эътироф этиш идеализмга олиб боради. Объектив идеализм вакилларидан бири Платоннинг қарашича, моддий борлиқдан алоҳида, унга боғлиқ бўлмаган ҳолда яхшилик, ҳақиқат, гўзаллик каби «ғоялар дунёси» объектив мавжуд. Платон фикрини исботлаш учун мисол келтиради: масалан, тўқув мокиси бузилган ёки йўқолган тақдирда ҳам у тўғрисидаги фикр доим яшайверади ва қаерда мокига эҳтиёж туғилса, бу ғоядан кишилар фойдаланаверади.

Инсон пайдо бўлибдики, у дунёни, унда ўзининг ўрнини, инсон ҳаётининг маъноси, инсон умри, ўлими ва мангулиги нима эканлигини билишга қизиқади. Бугунги кунгача 2,5-3 минг йилдан бери инсон тўғрисида турли хил: мифологик, диний, илмий ва фалсафий қарашлар пайдо бўлди.

Инсон тўғрисидаги дастлабки мифологик тасаввурларга кўра, инсон ўзининг табиат билан муносабатларини ҳаёлий, яъни фантастик ҳолда тушунади. Диний қарашларга кўра, инсонни Худо оламдаги барча тирик мавжудотлардан юқори турувчи олий мавжудот – мукаррам зот қилиб яратган. Хусусан, ислом дини муқаддас китоби Қуръоннинг Бақара сураси: 30–37 оятлари инсоннинг яратилиш тарихи, унга онг ва нутқ берилиши хусусида баён қилади. Инсон Худонинг иродасига бўйсуниши, У нимани хоҳласа шуни қилиши керак. Худо инсоннинг ҳамма фаолиятларини олдиндан белгилаб қўйган, унинг тақдири олдиндан маълум. Аллоҳ инсонни лойдан яратгач, унга жон ато қилган. Инсон тирик мавжудотнинг сарвари, Аллоҳнинг ердаги халифаси. Инсонга Аллоҳ ҳақни таниши учун онг, ақл берган. Инсон ҳаёти ўткинчи «Бу дунё» ва абадий «У дунё»дан иборат. «Бу дунё»да вақтинчалик, омонат яшайди. «У дунё»да эса инсон боқий яшайди. Қиёмат куни инсоният қайта тирилади. Инсон «Бу дунё»да қилган яхши, савобли ишлари учун «У дунё»да тақдирланиб, «жаннатга тушади». Аксинча, «Бу дунё»да қилган гуноҳли, ёмон ишлари учун «У дунё»да жазоланиб, «дўзах»га ташланади ва ҳ.к.

Инсон муаммосини қадимдан деярли барча аниқ фанлар, хусусан, инсонни антропология, психология, педагогика, медицина фанлари, санъат ва маданият соҳаларига оид: адабиётшунослик, эстетика, этика; тилшунослик фанлари ўрганиб келади. Шунингдек, тарих, иқтисод, сиёсатшунослик, ҳуқуқшунослик ҳам инсон ҳаётининг у ёки бу томонларини; инсон танаси, унинг ташқи ва ички тузилиши, ундаги ҳаёт жараёни каби табиий томонларини анатомия, физиология, биология, гистология, генетика сингари табиатшунослик фанлари ўрганади. Бу фанларнинг ҳеч бири инсонни яхлит тизимда, моҳияти ва туб хусусиятлари, умумий томонларини ўрганмайди. Бу вазифани қадимдан фалсафа фани бажариб келади. Фалсафа бошқа барча аниқ фанлар тўплаган маълумотни умумлаштириб, мавжуд илмий натижаларга таянган ҳолда, инсон муаммосини таддқиқ этиб келади.

Фалсафа инсон муаммосини ўрганишда дастлаб «инсон» тушунчаси, унинг «индивид», «одам» ва «шахс» тушунчалари билан муносабатига эътибор қаратади.

Фалсафада **«инсон»** тушунчаси ўзида ҳамма инсонларга хос табиий-биологик, руҳий-маънавий ва ижтимоий жиҳатларни бирликда умумлаштирган инсоний борлиқни ифодалайди. **«Индивид»**[1] тушунчаси биологик мавжудот бўлган алоҳида бир тур, яъни «хомосапинус»(ақлли одам)нинг бир вакили – якка одам маъносида. Индивид учун якка одамлик белгиси муҳим, табиий-биологик, руҳий-маънавий ва ижтимоий жиҳатлар номуҳим белгилардир.

[1] Индивид- (лотинча: *individum*- сўзидан олинган бўлиб, ўзбекча: бўлинмас» дегани) якка одам, якка бир кишини ифодаловчи тушунча.

«Одам»[1] тушунчаси кўпроқ инсоннинг биологик тургa мансублик, унинг табиий-биологик хусусиятларини ўз ичига олади. Инсонга хос насл-насабни ҳам ифодалайди.

«Шахс» тушунчаси эса индивид, яъни одам боласининг жамиятда ижтимоий муҳит таъсири, таълими ва тарбияси натижасида улғайиб, камол топиб, ижтимоий зотга, жамият аъзосига айланган якка кишисини билдиради.

Демак, инсоннинг моҳиятини индивид, одам ва шахсга хос хусусиятларнинг мажмуи ташкил қилади.

Биологик концепция намоёндалари фикрича, инсон моҳиятини тушунтиришда жамиятда кишилар ўзаро фақат табиий, биологик жиҳатлар билан боғланган.

«Руҳий таҳлил» концепция вакилларининг қарашлари бўйича, инсон моҳияти унинг руҳияти, хос инстинктлардан келиб чиқиб изоҳланади, инсоннинг табиий-билогик ва ижтимоий жиҳатларига етарли эътибор берилмайди. Бу концепциянинг баъзи вакиллари шахсни «худбинлик инстинктлари», «шахсий бойлик тўплаш инстинктлари», «урушқоқлик» ва ҳатто «бир-бирини ўлдириш инстинктлари» асосида шарҳлайдилар.

Файласуфлар қадимдан инсонни ўз асарларида «ақлли мавжудот», «ақлли жонзот» деб таърифлаганлар. Кейинчалик улар жамият тараққиёти асосида инсонни «сиёсий жонзот», «ижодкор жонзот», «тарих ижодкори», «гапирадиган, тил ва нутққа эга жонзот», «дунёга диний муносабатда бўлувчи мавжудот», «маълум мақсадга йўналтирилган, хулқ-атворга эга бўлган мавжудот», деб изоҳлай бошладилар.

Классик фалсафада **Афлотун** ва **Арасту**дан бошлаб инсон моҳияти бирор субстанционал бошланғич: мутлақ ғоя, мутлақ руҳ, онг, ақл, табиат каби омилларга боғлаб тушунтириб келишади.

Инсонга конкрет ижтимоий ва руҳий жиҳатлардан ёндашиш **Ғарбий Европа ҳаёт фалсафаси оқими** (вакиллари: Ницше, Дилтей, Бергсон) қарашларида, персонализм ва «руҳий таҳлил» оқими (асосчиси Фрейд) вакиллари қарашларида ёрқин ифодасини топди.

Инсонни антропологик жиҳатдан изоҳловчи концепциянинг ёрқин ифодаси немис мумтоз фалсафаси вакили Л.Фейербах қарашларида намоён бўлди: инсон ўз моҳиятан табиий тараққиёт маҳсули – табиат фарзанди.

Лекин XXI аср бўсағасида инсон муаммосини таҳлил қилишда янгича қарашлар пайдо бўлди. XVIII Бутунжаҳон фалсафий фикр конгрессида инсон муаммоси алоҳида энг долзарб муаммо эканлиги қайд қилиниб ўтилди. Инсондаги биологик ва ижтимоий хусусиятлар нисбати масаласини қайта кўриб чиқиш муҳим эканлиги таъкидланди. XX аср сўнгги – XXI аср бўсағасида жамиятдаги ижтимоий ўзгаришлар, фан-техника соҳалари, технология жараёнида юз берган янгиликлар кишилар ҳаётида туб янги бурилиш ясади. Айниқса, жаҳонда наркомания, наркобизнес, уюшган жиноятчилик, терроризм кабилар авж олиб, инсоният табиий муҳитга янада кўпроқ салбий таъсир қила бошлади. Шу сабабли жаҳон фалсафий фикри такрор ва такрор инсон муаммосига, унинг моҳияти масаласига мурожаат қилмоқда. Чунки инсон моҳияти ҳақидаги олдинги чекланган, бир томонлама қарашлар бугунги кунда аксарият ҳаётий ва зарур масалаларни ҳал қилишга тўсқинлик қилаётир. Илгариги табиий-биологик ва ижтимоий концепцияларни жиддий маънода қайта кўриб чиқиш, фақат антропологик, биологик ва ижтимоий жиҳатдан ўрганиш етарли эмаслиги,

[1] Эслатма: Шарқ халқларида, хусусан, Марказий Осиё мутафаккирларида «инсон» тушунчаси ўрнида доим «одам» тушунчаси қўлланилган. Инсон боласи туғилгандан кейин камол топиб одамга айланади. Масалан, ота-оналар фарзандларига «Қачон одам бўласан?» дейишади. Ҳазрат А.Навоийда ҳам «одам» тушунчаси шу маънода ишлатилган.

антрогенезис ва социогенезис, ген инженерияси бераётган билимлар билан бирга диний, илмий, эстетик ва ахлоқий, айниқса, инсон руҳияти ва маънавиятига оид ютуқларга кўра ёндашиш зарурлиги маълум бўлди. Ҳозирги кунда инсоннинг ўзи энг олий қадрият, эркинлик, инсонпарварлик, мустақиллик, демократия, фуқаролик ҳуқуқий жамият ҳақидаги ғоялар инсоннинг жисман, ақлан, моддий ва руҳий-маънавий камолоти энг муҳим масалалар эканлиги қайд қилинмоқда.

Қадимдан файласуфлар инсонни ҳайвонлардан ажратиб турадиган асосий тафовут деб, **инсон хулқини** қайд қилганлар. Инсон хулқи унинг онги ёрдамида бошқарилади, у инсонда ижтимоий муҳит таъсири, жамият таълими, тарбияси ва маданияти орқали шаклланади.

Лекин кўпчилик мутафаккирлар наздида муҳим фарқ – **инсон онги**. Бироқ бошқа муҳим фарқларни ҳам ҳисобга олиш зарур. Масалан, инсонга хос **тил, нутқ, маданият, аҳлоқ.** Мазкурлар ижтимоий муҳитда, таълим-тарбия туфайли вужудга келадиган ижтимоий омиллардир. Жамият эса биологик индивидларнинг оддий йиғиндиси ёки одамлар тўдаси эмас, балки кишиларнинг ижтимоий уюшган бирлиги, ижтимоий муносабатлар жамидир. Биологик индивидларнинг бирликлари пода, тўда ёки гала, деб аталади. Уларнинг ҳеч бирида инсонлар жамоасига хос фазилат, белги ва хусусиятлар мавжуд эмас. Ҳайвонларга хос бирликлар инстинкт, табиий-биологик хусусиятлар асосида ташкил топади.

Демак, инсон нафақат олий биологик тур, балки у ижтимоий зот, инсонни ҳайвондан фарқ қилдирувчи омил унинг ижтимоий томонларидир.

Ўрта асрлар **Шарқ файласуфлари**, хусусан, Марказий Осиё мутафаккирлари ўз вақтида бу масала ҳақида жуда теран фикрлар айтганлар.

Улар инсонни икки қарама-қарши асос: тана ва жон (ёки модда ва руҳ) бирлигидан иборат, деган эдилар. Шу икки асос: модда ва руҳ инсон вужудида ўзаро мутаносиб бўлиши, улардан бири устуворлик қилмаслиги керак. Агар бу тартиб бузилса, масалан, моддийлик руҳдан устун келса, унда инсон амалий фаолиятида салбий ҳолатлар авж олиб, ижобий фазилатлар кейинга суриб ташланади. Аксинча, руҳий-маънавий томонлар моддийликдан устун бўлса, у зоҳидлик, тарки дунёчиликка берилиб, реал ҳаёт ишларидан узоқашиши, ўзини яккаланган ҳолда ҳис қилиб, жамиятдан бегоналишиши мумкин.

Инсонда моддий ва руҳий томонлар бир хилда тараққий этган бўлса, киши ҳам жисмонан, ҳам маънавий соғлом бўлиб, унда ақлу заковат, инсофу диёнат, одобу аҳлоқ, илму маърифат қарор топиб, ҳайвоний нафсга берилмаслиги, оқилона ҳаёт кечириши мумкин. Ҳаром билан ҳалолни фарқлаш, виждонан покиза яшаш, бировнинг ҳақига заррача хиёнат қилмаслик, ўз «пешона териси» билан топилган маблағ эвазига яшаш, ҳаромдан ҳазар қилиш, текинхўрлик, ўғрилик, боқимандаликни гуноҳи азим ва аҳлоқсизлиқ, санаш – Шарқ алломалари илгари сурган энг муҳим ғоялар ҳисобланади.

Фаннинг ҳозирги тараққиёти инсон истеъдоди, қобилиятида биологик, руҳий ва ижтимоий омилларнинг ўз ўрни борлигини исботлади. Халқ бежиз «Соғ танда соғлом ақл», – демайди. Ўз навбатида, руҳан соғлом киши жисмонан бақувват ҳам бўлади. Хуллас, инсоннинг биоруҳий ижтимоий мавжудот сифатида таърифланиши инсонни ўрганувчи бошқа фанлар соҳасида олиб бориладиган илмий тадқиқотлар учун фалсафанинг муҳим методологияси сифатида хизмат қилади.

Шу ўринда Ислом Каримовнинг қуйидаги фикри эътиборлидир: «...бу кўҳна дунё, биз яшаётган ҳаёт ягона, яхлит бир воқеликдир. Шундай экан, моддий эҳтиёжларни инсоннинг руҳий оламига қарама-қарши қўйиш, уларнинг бирини устун деб билган ҳолда, тирикликнинг асосий мақсади сифатида қабул қилиш қандайдир

бирёқлама қараш ифодаси, деб айтсак, хато бўлмайди»[1]. Чунки «инсон ўз тимсолида ҳам моддий, ҳам маънавий хусусият ва аломатларни мужассам этган ноёб ҳилқат, Яратганнинг буюк ва сирли мўъжизасидир. Шунинг учун ҳам унинг ички дунёси, унга ато этилган фазилат ва хислатларни охиригача англаш, тушунишнинг ўзи ўта мураккаб бир масала»[2]. Инсон муаммосини ўрганишда инсон ҳаётининг мазмун-маъносини тўғри тушуниш муҳим аҳамиятга эга. Чунки азалдан диний ва дунёвий, миллий ва умуминсоний масалалар билан шуғулланган буюк олимлар, давлат раҳбарларидан тортиб, оддий кишиларгача ҳеч ким ўз ҳаётида бу масалани четлаб ўтмаган.

Инсонга ҳаёт бир марта берилади, ҳеч ким бу дунёда абадий яшаши мумкин эмас, ўлим муқаррар. Инсон шундай ҳаёт кечириши керакки, умрининг сўнгида ўлими олдидан умри бесамар ўтмагани, ўзи, оиласи, фарзандлари, эли, халқи, миллати ва Ватани учун эзгу ишлар билан, маъноли кечганлигидан ҳиссий қониқиш ҳосил қилиб, бу дунёдан рози бўлган ҳолда кўз юмиши лозим. Имом Ғаззолий таъбири билан айтганда «Бу дунё охират экинзоридир».

Инсон, аслида, дунёга бахт учун, ҳаётнинг моддий ва маънавий неъматларидан тўлиқ барҳаманд яшаш учун келади. Шунинг учун инсон доим келажакка катта умид билан боқади. Яхши орзу-ҳаваслар, қутлуғ ниятлар қилади. Халқ, миллатнинг ҳамжиҳатликда келажак орзу-умидалри билан яшаши ва меҳнат қилиши юрт озод ва ободлиги сари етаклайди.

Фалсафа инсон ҳаётининг мазмун-маъноси деганда, ҳар бир кишининг ўз камолот сари ҳамиша тинмай ҳаракатда интилиб, эзгу амалларининг беиз кетмаслигига ишонч билан яшаши, жамиятда ўз ўрнини тўғри топиб, иззат-икромга эга бўлиши, ўз меҳнатига яраша қадр-қиммат топиб, умрининг самарасиз ўтмаганлигини тушунади.

Шунинг учун ҳар бир кишининг ҳаёт йўлини тўғри аниқлаб, ўз ўрнини тўғри топиши муҳимлиги ҳақида юртбошимиз И.А.Каримов айтган қуйидаги фикр айни ҳақиқатдир: *«Ҳар қандай одам ҳам ўсмирлик чоғида, эндигина вояга етиб келаётган даврида жамиятдан ўзининг муносиб ўрнини топиши керак. Акс ҳолда, бу нарса нохуш оқибатларга, баъзан эса оғир фожиаларга, ҳатто ижтимоий ларзаларга ҳам сабаб бўлади. Ёш йигит-қизларимизнинг ишда, турмушда, оила ва жамоа орасида ўз ўрнини тополмаслик ҳолатлари уларнинг жамиятда ўз қадрларини йўқотишига олиб келади. Ўз қадрига, ўз шаънига эга бўлмаган инсон ҳаётда кўп-кўп тўсиқларга дучор бўлади, беқарор ва салбий таъсирлрга тез берилади, унинг шахс сифатидаги емирилиши ҳам тез кечади».* Билъакс: «Дунёга умид билан қадам қўйиб келаётган навқирон инсон ҳаётдан муносиб ўрнини топса, турмушидан, тақдиридан, Ватанидан рози бўлиб яшайди, умр бўйи бунёдкорлик фаолияти билан машғул бўлади»...

Лекин бунинг учун у болалигидан қунт ва сабот билан илм-маърифат ўрганиши, юксак маънавиятли комил инсон бўлиб етишиши зарур. Комил инсонни Президент **Ислом Каримов** шундай таърифлайди: *«Комил инсон деганда биз, аввало, онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, хулқ-атвори билан ўзгаларга ибрат бўладиган билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз. Онгли, билимли одамни олди-қочди гаплар билан алдаб бўлмайди. У ҳар бир нарсани ақл, мантиқ тарозисига солиб кўради. Ўз фикр ўйи, хулосасини мантиқ асосида қурган киши етук одам бўлади».*

[1] Каримов И. А. Маънавий ва моддий ҳаёт уйғунлиги // Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – Б. 66.
[2] Ўша асар. – Б. 67.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли бунёдкорлик ишлари биринчи галда инсон қадрини улуғлашга қаратилган. Жумладан, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» доирасида олиб борилаётган маънавий-маърифий ишлар инсонни тушуниш, инсондек яшаш жараёнининг моҳиятини чуқурроқ англаш имконини бермоқда. Истиқлол берган имкониятлардан унумли фойдаланиш ватандошларимизнинг энг олий бурчларидир. Мустақилликни қўлдан бой бермай, асраш эса айни вақтда инсон имкониятларини янада кенгайтириш учун шарт-шароит яратади. Ушбу диалектика мустақил юртимиз тараққиёти диалектикасининг муҳим жабҳасини ташкил этади.

Фалсафада узоқ даврлар **ОНГ** ўзи **НИМА?** – деган савол ҳам илмий асосда жавобини топмаган. Табиатшунослик фанлари етарли ривожланмаган даврларда файласуфлар онг бирламчими ёки материями, деган саволга турлича жавоб бериш билан чекланиб келдилар.

Анорганиқ табиат асосида органиқ табиат келиб чиққан дастлабки даврларида ҳали онг бўлмаган. Онг органиқ олам тараққиётининг жуда юксак босқичида келиб чиқади. Табиатшунослик фанларининг маълумотларига кўра, Ер шари дастлаб шундай бир ҳолатда бўлганки, унда на инсон ва на умуман, бошқа бирор жонзот бўлмаган. Органиқ табиат кейинроқ юз берган ҳодиса, узоқ давом этган тараққиёт самарасидир.

Табиат тараққиёт қонунларига кўра, ноорганиқ табиатдан органиқ табиат, тирик қуйи мавжудотларнинг турларидан юқори мураккаб турларига томон ривожланиб боради. Табиат ўз тараққиётининг юксак босқичида олий биологик тур – одам ва унинг ғоят мураккаб миясини вужудга келтиради. Онг одам миясининг ижтимоий омиллар натижасида воқеликни олий акс эттиришдан иборат алоҳида лаёқати, хоссаси сифатида пайдо бўлади. Онг, ҳар қандай миянинг эмас, фақат инсон миясининг фаолиятидир.

Объектив идеализм намоёндалари онгни бирламчи ҳисоблаб, хусусан Гегель онг ғайримоддий асос, яъни «мутлақ ғоя», «мутлақ руҳ»нинг хоссаси, деган фикрини илгари суради. Унинг нуқтаи назарича, онг инсонга шу «мутлақ ғоя», томонидан берилган. Субеъктив идеалистлар фикрича, субъект онги бирламчи. Субъект сезги, идрок ва тасавурлари фақат субъект онги сифатида реал мавжуд. Борлиқни, субъект онги вужудга келтиради.

Материализм вакиллари эса материянинг бирламчилиги ва онгнинг иккиламчилигини қайд қилади. Улар онг юксак ташкил топган инсон миясидаги воқеликнинг олий психик инъикоси ва ўз моҳиятан ижтимоий ҳодиса эканлигини айтишади.

Онгни диний тушуниш уни илоҳий ҳодиса, Худо яратган мўъжиза тарзида талқин қилишга асосланади. Динларда инсон онги буюк илоҳий ақлнинг намоён бўлиш шакли тарзида тавсифланади. Инсон танасидаги руҳ истак ва фикрлар ташувчисидир. Жон ўлиши билан онг ҳам ўлади. Ким олам ва одам яратилганлигини тан олар экан, онг ҳам Яратганнинг қудрати эканлигини тан олиши, табиий.

Онг моддийликнинг мияда акс этиши деб, унинг моҳиятини инсон танаси фаолияти билан боғлаб талқин этган қарашлар фалсафа тарихида (XVIII аср) «**Вульгар материализм»** деб ном олди. Уларнинг фикрича, худди жигар сафро ишлаб чиқаргани каби, мия ҳам онгни ишлаб чиқаради. Бундан онг идеал эмас, балки моддий ҳодиса, деган хулоса чиқади. Ҳолбуки, сафрони кўриш мумкин, аммо онгни кўриб ҳам, ушлаб ҳам, ўлчаб ҳам бўлмайди.

Онг инсон миясининг ички функцияси, руҳий ҳолати. Инсон мияси мураккаб тузилишга эга моддий нарса. У органиқ табиат тараққиётининг олий босқичи, инсон

тана тузилишининг муҳим қисми, унинг фикрлаш аъзоси. Органиқ табиат эволюцияси натижасида жуда кўп мураккаб тирик организмлар, ҳатто юксак ташкил топган ҳайвонлар келиб чиққан бўлса-да, ҳануз уларнинг бирортасида тузилиши, хусусият ва имкониятлари жиҳатдан одамникига тенглаша оладиган мия бўлмаган. Одам мияси одам организмидаги барча нерв тўқималарининг маркази, у шулар асосида бутун организм иш фаолиятини, ташқи муҳит билан муносабатларини бошқариб туради. Агар мияга шикаст етса ёки касалланса, унинг меъёрий иш фаолияти издан чиқади. Унда онг йўқолади. Мияга етган шикаст тузалиши ёки касаллик даволаниши билан, у яна ишлай бошлайди. Аён бўладики, онг муайян равишда мия билан боғлиқ.

Одам мияси ғоят мураккаб, нерв хужайралари – нейронлардан тузилган. Физиологияда сўнгги олинган маълумотларга кўра, бош миядаги марказий нерв тизимини тартибга солиб турувчи миячанинг ўзигина 100 млрд.га яқин ҳужайралардан иборат. Одам мияси бош миянинг юқори қисми катта ярим шарлар; марказий нерв системасининг қуйи бўлимлари – орқа, чўзинчоқ, ўрта, оралиқ миядан иборат. У ғоят мураккаб, ўзаро қуйи қисмларнинг юқори қисмларга бўйсуниши тарзида тузилган. Ташқи таъсирларнинг анализ ва синтези ҳамда хатти-ҳаракатни бошқаришнинг энг оддий шакллари марказий нерв тизимининг қуйи бўлимларида (орқа, чўзинчоқ, ўрта ва оралиқ миялар); энг мураккаб шакллари эса бош мия катта ярим шарлари томонидан амалга оширилади. Бош мия катта ярим шарлари муаян пўст билан ўралган; бу пўст жуда мураккаб турли қисмлардан ташкил топган; бу қисмларнинг ҳар бири жуда кўп марказлар комплексларидан иборат. Бу марказлар комплекслари кўриш, эшитиш, ҳид билиш, таъм билиш, тери сезгиси ва бошқа ҳатти-ҳаракатлар марказларига бўлинади. Уларнинг ҳар бири эса ўзига хос бир неча минг нейрон толаларининг ўзаро туташидан таркиб топган. Улар ташқаридан олинган таъсирларнинг маълум турини анализ, синтез қилиб, умумлаштириб, ташқи таъсирга нисбатан муайян жавоб ҳозирлайди. Бош мия ярим шарлари пўстида жойлашган бу марказлар кўпдан-кўп нерв толалари орқали тегишли сезги аъзолари ҳамда ички ва ташқи тана аъзолари билан боғлангандир.

Одам бош мия ярим шарлари пўстларида ҳайвонларникида бўлмаган мураккаб марказлар ҳам мавжуд. Улар сезги аъзолари билан анализаторлар орқали боғланган. Марказларни ўзаро туташтирувчи ва уларни анализаторлар билан боғловчи нейронлар нерв импульсларини бир марказдан бошқаларига бир лаҳзада ўтказа олади, ташқи сигналларни қабул қилиб, уларни ҳар томонлама анализ, синтез қилиб, умумлаштиради. Пўст остки қатламлари ирсий, наслдан-наслга ўтадиган туғма инстинктив фаолиятларнинг аъзоларидир. Бош мия ярим шарлари пўстларининг ҳар бири ўзига хос нисбатан алоҳида функцияларни бажариб, муайян масалаларни ечади. Масалан, чап ярим шар пўстида нутқ марказлари жойлашган, ўнг ярим шардаги предметни идрок қилувчи марказлар ташқи сигналларни қабул қилиб, уларни анализ - синтез қилгач, умумлаштириб, чап ярим шар пўстидаги нутқ марказларига узатади. Улар эса бу информацияларни нутққа, сўз ва гапларга айлантиради.

Бош мия ярим шарлари пўстларида бундай марказларнинг «оддий», «мураккаб», «ўта мураккаб» кўринишлари мавжуд ва жуда кўп. Демак, одам миясининг бу хусусиятлари онгнинг келиб чиқишида табиий асосни ташкил этади. Онг инсон миясининг хоссаси бўлишидан ташқари, воқелик инъикосининг олий руҳий шакли ҳамдир. Инъикос борлиқнинг барча тур ва шаклларига хос умумий ҳусусиятдир. Инъикос объектив оламдаги предмет-ҳодисаларнинг ўзаро таъсирлашувида намоён бўладиган жараён, бир объектнинг бошқа объектлар таъсирини ўзида қолдириш, уни сақлаш ёки бу таъсирни акс эттириш, унга муайян тарзда акс таъсир билан жавоб

бериш каби хусусиятлардир. Инъикос этилувчи объект инъикос эттирувчи объектга муайян таъсир қилиши ва бу таъсирни инъикос эттирувчи ўзида акс эттиргандагина инъикос ҳосил бўлади. Айни пайтда бу объектларнинг хусусиятлари, ўзаро таъсир қилиш даражаси ва акс эттириш усулларига кўра, борлиқнинг турли кўринишларига турли хил инъикос шакллари хос. Инъикоснинг «элементар» шаклларини ноорганиқ табиат жисмларида учратиш мумкин. Масалан, тоза полда ёки тупроқли йўлда юрилганда, пойабзалнинг изи қолади. Бу механиқ инъикосдир. Темир йўл рельсларининг ёзда иссиқдан кенгайиши физик инъикосдир. Ёки бирор темир буюмнинг зах ерда қолиб, занглаб оксидланиши кимёвий инъикосдир. Фалсафий адабиётларда ноорганиқ табиатга хос бу каби «пассив» инъикосларни акс этиш, деб аташ қабул қилинган.

Органиқ табиатда инъикос бутунлай ўзгаради. Энди акс этилувчининг акс эттирувчига таъсирига жавобан акс эттирувчида содир бўладиган ўзгариш билан боғлиқ, таъсирни танлаб акс эттириш лаёқати намоён бўлади. Органиқ табиатнинг содда кўринишларида бундай инъикос ташқи муҳит таъсирига учраш, ёруғлик, намлиқ, сувга интилиш, иссиқлик манбаига томон оғиш, оғирлик кучига бериш, таъсирнинг характерига қараб, турли ҳолат ва шакл олиш тарзда юз беради. Шунга кўра, фалсафий адабиётларда инъикос термини кўпроқ органиқ табиатга хос инъикосларни ифодалайди.

Инъикос органиқ табиатнинг дастлабки кўринишларида **туйиш, ҳис қилиш, таъсирланиш, сесканиш, изтиробланиш** каби шаклларда юзага келади, улар **органиқ инъикос шакллари** дейилади. Улар ҳаёт билан бирга пайдо бўлиб, органиқ табиатнинг асосий моҳияти – модда алмашуви билан алоқадор муҳим хусусиятлари ҳисобланади. Энг содда тирик организмлар ташқи таъсирга жавобан, бир қадар мустақил реакциялар кўрсатадиган, сесканадиган ва изтиробланадиган бўладилар.

Лекин тирик организмлар ривожланиб, ўзгариб бориши билан уларга хос инъикос шакллари ҳам ўзгариб, янги-янги турлари пайдо бўлиб боради. Ўсимликларда энг кучли ривожланган органиқ инъикос шаклларидан бири (таъсирланувчанликнинг ривожланган кўриниши) **тропизмлардир**. Тропизм турларидан бири фототропизм ўсимликнинг қуёш нурлари таъсирига жавобан юзага келтирадиган реакциясидир. Ўсимликлар мумкин қадар кўпроқ қуёш нурларига интиладилар. Ўсимликларнинг баргларига қуёш нури кўпроқ тушадиган томонга қараб ўсади. Кунгабоқар каби гулли ўсимликлар қуёш ҳаракатига мос ҳаракатланади.

Органиқ табиат тараққиётида тирик организмларнинг тобора мураккаб турлари пайдо бўлади. Бу ўз навбатида биологик инъикоснинг янада такомиллашган янги шаклларини юзага келтиради. Уларнинг дастлабкиси **сезиш** организмнинг таъсирлантирувчилар таъсирига бирор тарзда психик жавоб реакциясини ҳосил қилишидир. Сезиш сезги аъзолари, нерв тизимининг қарор топиши билан чамбарчас боғлиқ. Тирик организмлар тобора такомиллашиб боргани сайин тананинг турли қисмларида ташқи таъсирни яхши қабул қиладиган ҳар хил пластик тўқималар пайдо бўлиб, аста-секин организм ва ташқи муҳит ўртасида воситачи ролни бажарувчи **сезги аъзолари**га айлана боради.

Нерв тизимининг пайдо бўлиши натижасида тирик организмлар ранг, ҳид, товушни фарқлайдиган, таъм, совуқ-иссиқ, қуруқлик-намликни сезадиган, механиқ, физик, кимёвий таъсирларга муайян тарзда жавоб берадиган бўлишади. Ташқи муҳитга мосланувчанлик, активлик ортиб, организм ва унинг ташқи муҳит билан алоқасини идора қилувчи – марказий нерв тизимидан иборат бош мия ташкил топади. Бош мия пайдо бўлгач, нерв марказлари иккинчи даражали функцияларни бажарадилар: организм учун унча муҳим бўлмаган таъсирларга жавоб қайтарадилар.

Масалан, бақанинг бошини кесиб ташлаб, унинг оёғига бирор нарсани тегизсак, бу таъсир дарров унинг умуртқадаги миясига етади ва бақа оёғини тортиб олади. Агар унинг оёғига нинани суқиб олсак, бақа организми ҳеч қандай жавоб реакцияси қайтармайди. Чунки бу таъсирга жавобгар бош мия узиб ташланган. Органиқ табиат эволюциясида юксак ташкил топган ҳайвонлар пайдо бўлади. Маълум даражада уюшган мия от, ит, делфин, бўри, маймун каби ҳайвонларга хос. Лекин бундай мия ҳам онг органи бўла олмайди. Психик инъикос шакллари эволюцияси одам онги келиб чиқишининг табиий генетик асосини ёритишда муҳим рол ўйнайди. Чунки онг воқеликни психик инъикос эттиришнинг олий руҳий шакли.

Психик инъикос – биологик инъикоснинг анча ривожланган ва ўзига хос янги босқичдаги кўринишидир. Унинг дастлабки шакли – сезги. Сезги, сезиш қобилияти ривожланиб, **шартсиз** ва **шартли рефлексларни** ҳосил қилади. Сезиш қобилиятини такомиллаштириб бориш, **идрок** ва **тассавур**, ниҳоят **тафаккурни** келтириб чиқаради.

Шартсиз рефлекслар – тирик организмларда биологик факторларга жавобан юзага келадиган, улар ҳаёти давомида (қатор авлодлар тараққиёти жараёнида) авлоддан-авлодга ўтиб мустаҳкамланиб борувчи психик реакциялар. Шартсиз рефлекслар туғма характерга эгадир. Масалан, асаларининг гул нектарларини топиши яққол мисол бўлади.

Шартли рефлекслар – тирик организмларда биологик факторлар сигналларига жавобан юзага келадиган, ҳар бир организмнинг индивидуал ҳаёт шароитида, пайтда пайдо бўлиб, сўнг йўқоладиган реакциялар. Масалан, аквариумдаги балиқларга ҳар сафар қўнғироқ чалиб, сўнг овқат берилса, кейинчалик қўнғироқ чалиниб, овқат берилмаса, балиқлар безовталаниб, овқат ейиш учун излана бошлайди. Бунда қўнғироқ овози шартли таъсирловчи восита ҳисобланиб, балиқлар ҳаётида бир муддат такрорланиши шартли рефлексларини туғдиради. Агар қўнғироқ чалиб, овқат бермаслик ҳам бир неча марта қайтарилса, балиқларда қўнғироққа нисбатан ҳосил қилинган психик реакция йўқолади. Шартсиз ва шартли рефлекслар ўзаро боғлиқ. Тирик организмлар шартсиз ва шартли рефлекслар ҳосил қилиш йўли билан муҳитга мослашиб боради. Бундай рефлекслар жами улар яшаётган шароитнинг психик инъикосидир. Тирик организмларнинг ташқи муҳит билан алоқаси ва акс таъсирининг кенг ва хилма-хил, психик инъикос эттириш қобилияти такомиллашиб бориши **инстинктлар**ни юзага келтиради.

Инстинктлар мураккаб шартсиз ва шартли рефлекслар бирлигидан ташкил топиб, организмнинг ташқи таъсирларга жавобан психик реакцияларидир. Инстинктлар ҳашорат, қуш ва ҳайвонларда турлича намоён бўлади. Масалан, асаларилар олтиқиррали уялар ясайди; чумолилар «кўп қаватли» инлар қуради; қушлар доимий учиб ўтган йўлларидан учиб ўтади; кундузлар дарёларга «тўғон» қуради; балиқлар ўзлари тухумдан чиққан жойларга тухум ташлайди... Бу инстинктлар шу тирик организмларнинг муайян эволюцияси жараёнида тўпланган туғма «тажрибалари»дир. Инстинктлар қуйи босқичдан юқори босқичга ўзгариб боради. Ҳайвонлар психик инъикосида объектив воқеликдаги предмет-ҳодисалар информация сигналлари бўлиб хизмат қилади. Уларни И.П.Павлов биринчи сигнал системаси, деб атаган. Биринчи информацион сигнал системаси асосида юзага келадиган сезги, идрок ва тасаввур одамларга ҳам хос. Улар одамларда камолга етган, онг фактига айланган. Масалан, *ит одамга қараганда анча нозик искаш қувватига эга, лекин одам учун турли нарсаларнинг муайян белгиларидан иборат ҳидларнинг юздан бир ҳиссасини ҳам фарқ қила олмайди*.

Одам меҳнат қилади, асбоб-ускуна ясайди, қисқаси, ижтимоий фаолият кўрсатади. Одам биринчи информацион сигнал системасидан ташқари, иккинчи информацион сигнал системаси(яъни нутқ ва тил)га ҳам эга. Одам миясининг инъикосида иккинчи информацион сигнал системаси ҳал қилувчи рол ўйнайди. У туфайли одам объектив оламдаги предмет-ҳодисаларни ўз миясида тафаккур орқали инъикос эттиради. Мазкур омилларнинг қарор топиши билан олий шаклдаги одам руҳий инъикоси – онг келиб чиқади. Юқорида кўриб чиққанимиздек, онг ўз табиатига кўра табиий аъзо – одам миясининг маҳсули бўлса-да, моҳиятан ижтимоийдир. Органиқ табиат тараққиёти, ижтимоий ҳаёт – жамиятнинг келиб чиқиши онгнинг пайдо бўлишида ҳал қилувчи рол ўйнади. Албатта бунда меҳнат ва нутқнинг алоҳида ўрнини таъкидлаш зарур. Энди предмет-ҳодисаларнинг муҳим белги ва хусусиятлари, улар ўртасидаги турли муносабатлар одам миясида **тушунча, ҳукм ва хулоса** шаклларида, хуллас, фикр шаклида инъикос эта бошлади. Натижада, одамда абстракт тафаккур қарор топди. Тил кишиларнинг ўзаро фикр алмашув қуроли сифатида «реаллашган онг»дир. Хулоса: жамиятнинг пайдо бўлиши ва тараққиёти, меҳнат ва тил туфайли одам онги ижтимоийлашиб борди. Шунинг учун инсон ижтимоий мавжудот, унинг онги ижтимоий-тарихий ҳодиса.

Такрорлаш учун саволлар

1. Инсоннинг моҳияти нимада?
2. Инсон ва табиат бирлигини қандай тушунасиз?
3. Фалсафада инсон муаммоси қандай ёндашувларга кўра ўрганилади?
4. Онгга таъриф беринг.
5. Онг қайси хусусиятларига кўра объектив борлиқнинг субъектив образи?
6. Онг қандай тузилмага эга?
7. Онгнинг ижодий фаоллиги нималарда кўринади?
8. Онглилик ва онгсизлик ўртасидаги қандай боғланишлар бор?
9. Онг ва тил бирлиги деганда нимани тушунасиз?

ЎЗАРО АЛОҚАДОРЛИК ВА РИВОЖЛАНИШ ҚОНУНЛАРИ

Таянч тушунчалар: *қонун, табиат қонунлари, ривожланиш, ўзгариш ва тараққиёт, диалектика, диалектик тафаккур, софистика, эклектика, догматика, метафизика, синергетика, диалектика қонунлари, миқдор ва сифат ўзгаришлари, меъёр, узлуксизлик, узилиш, сакраш, қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши, зиддият, айният, тафовут, қарама-қаршилик, ички зиддият, ташқи зиддият, ворислик ва давомлилик, инкорни инкор, деструкция, кумуляция, конструкция.*

Қонун тушунчаси. Дунёнинг мавжудлиги ботиний ва зоҳирий ўзгаришларнинг абадий такрорланиб туришидан иборат. Бу такрорланишлар ўз моҳият ва хусусиятларини сақлаб қолганликлари учун қонун ва қонуният тусини олган. Қонун тушунчаси кундалик ҳаётда тез-тез ишлатиб турилади: физика, химия, юридик, иқтисод, табиат қонунлари, қонун устуворлиги ва ҳ.к.

Табиат, жамият ва инсон тараққиёти маълум қонунлар асосида амалга ошади. Фанларнинг асосий вазифаси муайян соҳани тадқиқ этиб, қонунларни кашф қилиш ёки амал қилиш хусусиятларини очиб беришдир. Қанча кўп қонун кашф қилинса, тараққиёт шунча тез бўлади.

Ўзбекистон ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти асосида демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо қилиш йўлидан бормоқда. Бунда умумбашарий қонунлар ва мамлакатимизнинг ўзига хос хусусиятлари эътиборга олинган.

Нима учун инсон қонунни билиши керак? оддий мисолларга мурожаат қиламиз: барча одамлар табиатнинг фасллар ўзгариши қонунини яхши билганлари учун ёз ойларида иссиқ кийимлар (этик, пальто, қўлқоп ва ҳ. к.) сотиб олишади, ўтин ёки кўмир ғамлаб қўйишади. Биров уйнинг 5-қаватидан ташласанг, фалон пул бераман деса, рози бўлмайсиз. унки сиз И.Ньютон кашф қилган «Бутун олам тортишиш қонуни»ни яхши билсангиз, билмасангиз, ҳавонинг зичлиги ўз жисмингиздан камлигига эътибор қилмасангиз ҳам, аммо бу ҳолда майиб бўлишингизни яққол тасаввур қиласиз. Инсон қонунларни билиши, уларга амал қилиши доирасида эркиндир. Ҳар қандай қонунга хос белгилардан бири зарурийлик, яъни объектив тарзда амалга ошиш, ўз-ўзидан намоён бўлишдир. Эркинлик эса шу зарурийликни англаб олиш ва унга амал қилишдан иборат фаолиятдир. Ҳуқуқшунослар ибораси билан айтганда: «Қонунни билмаслик жавобгарликдан холос қилмайди». Демак, юридик қонунларни қанча яхши билсангиз, ўз фаолиятингизни шунга мувофиқ олиб борганингиз қадар эркин бўласиз. Нима қонуний, нима эса қонуний эмаслигини яхши билган киши қонунга хилоф иш тутмайди.

Қонун оламдаги нарса-ҳодисаларнинг энг муҳим, зарурий, умумий, такрорланиб турувчи боғланишлари, ўзаро алоқа ва муносабатларининг намоён бўлишидир. Қонунга қуйидаги асосий белгилар хос:

- оламнинг мавжудлиги, ўзгаришлари ва нарса-ҳодисалар моҳиятидан келиб чиққан турли алоқадорлик, боғланишларнинг фақат муҳимлари;
- гоҳ пайдо бўлиб, гоҳ йўқоладиган – тасодифий боғланишларни эмас, балки зарурий боғланишларни;
- нарса-ҳодисаларнинг энг умумий боғланишларини ифодалайди.

Қонун нисбатан барқарор, такрорланиб турувчи боғланишларни акс эттиради. Масалан, *2017 йил қишдан кейин баҳор, 2018 йил қишдан кейин ёз келишини тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки бу табиатнинг фасллар ўзгариши қонуни доирасига кирмайди.*

Табиат қонунларининг энг муҳим хусусияти – объектив хусусиятга эга, яъни у инсон ва инсониятга боғлиқ эмас. Шахс, ҳатто миллатнинг иродаси билан табиат қонунига туб ўзгартириш киритиш асло мумкин эмас.

Оламдаги ҳар бир нарса-ҳодиса бир-бирини тақозо қиладиган ва бир-бирини инкор этадиган қарама-қарши томонлар бирлигидан иборат. Демак, воқелик ва ўзгариш жараёнида айният ва зиддиятнинг бўлиши одатий ҳол. Масалан, *иссиқ-совуқ, оқ-қора, кеча-кундуз, мусбат-манфий, яхшилик-ёмонлик, адолат-жаҳолат ва ҳ. к.* Фаразан, магнитнинг манфий заряди бўлмаса, у ҳолда магнит бўлолмайди.

Ривожланиш, ўзгариш ва тараққиёт тушунчалари.

Диалектика тараққиёт тўғрисидаги таълимот. Табиат ва жамиятдаги нарса-ҳодисалар, уларнинг инсон миясидаги инъикослари ўзаро алоқадор, доимий ҳаракатда, ўзгариш ва ривожланишда. Маълумки, ҳаракат борлиқнинг умумий яшаш усули, унинг ажралмас хоссаси. Кундалик ҳаётда «ҳаракат», одатда, нарса-ҳодисаларнинг оддий ўрин алмашуви, деб тушунилса, диалектикада эса **«ЎЗГАРИШ»** тушунчаси ҳажм жиҳатдан «ҳаракат» таркибига киради. Чунки ҳар қандай ўзгариш ҳаракатдир, лекин ҳар қандай ҳаракат ўзгариш эмас. Ўзгариш нарса-ҳодисаларнинг бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга, бир кўринишдан бошқа кўринишга ўтишидир. *Масалан, янги буюмнинг эскириши каби.* Бироқ «ўзгариш» ўз ичига «ривожланишни» олади, гарчи ҳар қандай ўзгариш ривожланиш бўлмаса ҳам.

РИВОЖЛАНИШ эса бу – прогресс[1] томон ўзгариш, қуйидан юқорига, оддийдан мураккабга қараб илгарилаб борувчи ҳаракатдир. Муайян йўналишдаги янги ҳолат эски ҳолатнинг, юқори босқич қуйи босқичнинг ўрнини олиб, миқдор ва сифат жиҳатдан тубдан ўзгариб, эски нарса-ҳодисалар йўқолиб, улар ўрнини янги нарса-ҳодисалар олади. Ўзгариш ўз ичига регресс[2]ларни ҳам олади.

Ривожланиш, тўғри чизиқ бўйлаб ҳаракат эмас. Ҳар қандай реал ривожланиш спиралсимон ҳолда, унинг ҳар бир янги ўрами олдингисига қараганда кенг, бой, мазмунли, юқорироқ асосда эгри-бугри йўллар билан содир бўлади. Прогресс томон ривожланиш табиат, жамият, инсон ва инсон тафаккурига хос асосий умумий хусусиятлардан биридир.

Ноорганиқ табиатда ривожланиш моддий объектлар, улардаги ўзаро алоқадорлик ва ҳаракат турларининг тобора мураккаблашиб бориши тарзида намоён бўлади. Органиқ табиатда эса тирик организмларнинг ташқи муҳитга мослашуви, табиий ва сунъий танланиш жараёнида эски, содда турлар ўрнига янги, мураккаброқ турларнинг пайдо бўлиб, такомиллашиб боришида ифодаланади. Одамнинг ривожланиши унинг меҳнат, тил, онг ва аҳлоқ таъсири остида ижтимоий зот – инсонга айлана бориши, ниҳоят, ҳозирги замон кишиси даражасигача босиб ўтилган босқичларни қамрайди.

Жамият ҳаётида прогресс томон ривожланиш бир қуйи ижтимоий-иқтисодий босқичдан унга нисбатан юқорироқ босқичларга ўтиб бориши асосида рўй беради. Инсон тафаккури жараёнида ривожланиш инсон билишининг билмасликдан билишга, тўла бўлмаган билимлардан тўлароқ билимларга, оддий билишдан илмий билишга томон юксалиб боришидир.

Умуман, ривожланиш атамаси ифодалаган жараён унчалик содда эмас. Унда муайян даврий, прогрессга томон такрорланмас ўзгаришлар, турли хил зигзаглар мужассам. Айниқса, жамиятда юз бераётган ўзгаришлар таҳликали тенденция, ҳалокатлар хавфи бор жараёнларни ҳам ўз ичига олишини тўғри англаб, тўғри хулоса чиқаришда янгича фикрлаш зарур. Масалан, *оқибатини ўйламай табиат бойликларини талон-тарож қилиш бугунги кунда табиат умумий таназзули хавфини туғдирди.*

Ривожланиш жараёни табиатан турлича йўналишдаги, бир-бирига қарама-қарши ва айни вақтда бир-биридан ажралмас тенденцияларга эга.

Бу тенденциялар дифференциация[3] ва интеграция[4] жараёнларининг бирлигидан иборат. Ривожланишнинг турли босқич, конкрет хусусиятлари турли конкрет фанлар томонидан ўрганилиб, муайян соҳага оид алоҳида назариялар ишлаб чиқилади. *Масалан, ҳозирги замон космологияси коинот, галактикалар, космик объектларнинг келиб чиқиши; эволюцион биология эса тирик организмларнинг ривожланиши, содда турлардан мураккаб турларнинг келиб чиқиши; тарих фани кишилик жамиятининг ривожланиш қонуниятлари; тилшунослик фани тилларнинг ривожланиш қонуниятлари ҳақидаги назарияларига эга. Булар ривожланишнинг турли конкрет махсус соҳаларига оид назариялардир.*

Диалектика ва унинг моҳияти.

---

[1] Прогресс (лотинчи progress сузидан олинган бўлиб, янгининг ривожи, олдинга томон ҳаракат, ривожланишда қуйи босқичдан юқори босқичга ўтиш. дегани) — илгарилаб борадиган тараққиёт.

[2] Регресс (лотинча regress — сўзидан олинган бўлиб, орқага томон ҳаракат, қайтиш дегани) — салбий томон ўзгариш, ортта қайтиш, юқоридан қуйи томон бориш.

[3] Дифференциация (лотинча differentia — сўзидан олинган бўлиб, бўлиниш, парчаланиш, тармоқланиш, фарқланиш маъноларини билдиради) — ривожланиш жараёнида нарса на ҳодисаларнинг турли кўриниш ва шаклларга кириши.

[4] Интеграция (лотинча integratio — сўзидан олинган бўлиб, бир бутун ҳолга келиш, бирикиш каби маъноларни билдиради) — ривожланиш жараёнида турли қисмларга бўлинган нарса ва ҳодисалар томонларининг қайтадан бирикиши.

Ҳаракат, тараққиёт, умумий боғланиш ва алоқадорлик тўғрисидаги фалсафий таълимотлар таҳлили фалсафада «диалектика» тушунчаси орқали ифодаланган. Диалектика фалсафа тарихида дастлабки даврларда ўзаро баҳс, мунозара, муҳокамалардаги қарама-қарши, зид фикрлар тўқнашуви ва шу асосда ҳақиқатни аниқлаш маъносини билдирган. Антик давр мутафаккирлари маълумотларига кўра, мунозара иштирокчилари бир-бирларига муқобил саволлар бериб, масалага ҳар хил нуқтаи назарлардан ёндашиб, илмий, назарий, аҳлоқий, сиёсий, ҳуқуқий воқеа-ҳодисалар тўғрисида таълимотларини ишлаб чиққанлар. Шунинг учун улар наздида, диалектика ўзаро баҳслашув санъати, мунозара асосида ҳақиқатга эришиш усули.

Диалектикани баҳс санъати сифатида тушуниш ўрта асрлар, ҳатто Уйғониш даврида ҳам давом этганини Пьер Абелярнинг «Ҳа ва йўқ», Г.Галилейнинг «Дунёнинг икки системаси тўғрисидаги баҳс» номли асарлари тасдиқлайди.

Асрлар давомида тўпланиб борган диалектик мунозара маданияти мураккаб муаммоларни муҳокама қилиш, қарама-қарши нуқтаи назарлар ўртасидаги зиддиятларни очиш усулига айланди. Инсон ижодий тафаккури ўз табиати билан диалектик моҳиятга эга эканлиги маълум бўлди. Лекин вақт ўтиши билан диалектика фақат инсон тафаккурига хос бўлмай, балки у табиат ва жамиятдаги нарса-ҳодисаларга ҳам хос, деб қарала бошлади. Натижада, «диалектика» тушунчаси одамни, оламни билиш, уни тушуниш ва изоҳлашнинг умумий усули маъносида қўллана бошлади.

Бироқ дунёдаги барча ўзгариш, алоқадорлик ва ривожланишларни фалсафий жиҳатдан тушуниб етиш жуда қийинлик билан кечди. Негаки кишилар узоқ вақт космос, ўсимлик, ҳайвонот дунёси, ҳатто одамзотнинг ўзини ўзгармас, деб билишган. Дунёнинг ўзгарувчанлиги тўғрисидаги дастлабки фикрлар қадимги Хитой, Ҳиндистон ва Юнонистон файласуфлари фалсафий таълимотларида илгари сурилди. Гарчи улар ҳали илмий далилларга эга бўлишмаса-да, борлиқнинг умумий ўзгарувчи характери ҳақида ўз даври учун илғор фикрларни билдирдилар.

Амалиёт ва кундалик тажрибаларига таянган кўпчилик мутафаккирлар нарса-ҳодисаларда ҳам ўзгарувчан, ҳам барқарор, ўзгармас хоссаларнинг мавжудлигини англай бошладилар. Хуллас, бундай қарашлар инсоният онгида узоқ асрлар давомида тўплана бориб, фалсафада ривожланиш ғояси келиб чиқди.Улар табиат ва жамиятда жуда кўп даврий, такрорланувчи ҳодисалар борлигина англаб етганлар. Масалан, йил фасллари, кун билан туннинг ўрин алмашиши...

Лекин ривожланишни бутунлай янги сифат ўзгариши, эскига нисбатан янгининг жиддий пайдо бўлиши, деб тушунишда Уйғониш даври Шарқ мутафаккирлари, ўрта аср христиан дин ва тарих фалсафаси мутафаккирлари бир қадар олдинга кетдилар. Ривожланиш ғоясини яхлит олам ривожланиши билан боғлаб тушунишда муҳим қадамни илк бор француз файласуфи Рене Декарт қўйди. Унингча, Худо дунёни яратаётиб, дастлабки турткини берган ва уни ҳаракатга келтирган. XVIII аср француз маърифатпарварлари Вольтер ва Руссо инқилобий қайта қуришдан иборат тарихий ривожланиш ғоясини илгари суришди. Уларнинг издоши Кондорсе жамиятнинг илгарилама ҳаракати, узлуксиз тараққиёт тўғрисидаги таълимотни яратди. Бу мута-факкирлар қарашларига кўра, аҳлоқ, дин, ҳуқуқ каби ғоявий омиллар жамиятни ҳаракатга келтирувчи, ривожлантирувчи асосий кучлардир.

Ниҳоят, ривожланиш тўғрисидаги ҳар хил қарашлар синтези – яхлит тараққиёт назарияси немис классик фалсафаси асосчилари қарашларида пайдо бўлди. Улардан бири **Иммануил Кант** ривожланиш ғоясини қуёш системаси ва юлдузлар дунёсини изоҳлашга ҳамда инсоннинг ижтимоий ривожланиши, хусусан, унинг аҳлоқий ривожланишига жорий этишга уринди. Кантнинг шогирди Гердер эса ривожланиш

ғоясини халқлар тарихи ва инсоният маданияти тараққиётига биринчи бўлиб татбиқ этди. Энди диалектика тушунчаси ривожланиш ғоясини ифодалай бошлади.

Диалектикани мазмунан бой таълимот сифатида биринчи марта Гегель ишлаб чиқди. У табиий, тарихий ва маънавий дунёни узлуксиз ўзгариб, қайта тузилиб, тараққий қилиб турадиган бир бутун жараён шаклида тавсифлади ва тараққиётнинг ички боғланишини очиб беришга уринди. Гегель диалектиканинг барча категория ва қонунларини таърифлаб берди. Лекин Гегель диалектикаси мистиклаштирилган, бир томонлама эди.

Кейинги даврлар фан ва амалиёт ривожи натижасида диалектика табиат, жамият ва тафаккур тараққиётидаги алоқадорлик ва боғланишларнинг энг умумий қонунлари ҳақидаги фан; воқеликдаги нарса-ҳодисаларнинг фикрий инъикослари ўртасидаги муносабатларни ифодаловчи принциплар, уларни доимо ўзгариш ва ривожланишда, ички зиддиятлар тақозоси билан юз берадигаи «ўз ҳаракати» тарзида қарайдиган билиш назарияси; ҳар томонлама бой, зиддиятларга тўла тарихий тараққиёт тўғрисидаги таълимот сифатида майдонга чиқди.

Айни маънодаги диалектика ҳам моддий дунёга, ҳам унинг инъикоси бўлган инсон билишига хос таълимот. У объектив ва субъектив диалектикадан таркиб топади. Моддий дунёдаги нарса-ҳодисалар алоқадорлик ва боғланиши, ҳаракати, ўзгариш ва ривожланиши объектив диалектикани ташкил этади. Моддий дунёнинг инсон миясидаги инъикосига хос билиш жараёни диалектикаси – субъектив диалектика. Демак, объектив диалектика – нарса, буюмлар диалектикаси; субъектив диалектика эса, объектив диалектиканинг инсон онги(тафаккури)даги инъикосидир. Объектив диалектика субъектив диалектикани вужудга келтириши билан Гегель диалектикасидан тубдан фарқ қилади. Гегель диалектикасига кўра, тафаккур диалектикаси буюмлар диалектикасини яратади. Диалектика борлиқ(табиат, жамият ва инсон тафаккури)даги алоқадорлик ва ривожланишларнинг энг умумий қонуниятлари ҳақида тўғри йўналиш бериб, дунёни ўзлаштириш ва ўзгартириш йўлларини кўрсатиб берувчи назария, усулдир. Илмий асосланган диалектика кишиларда илмий дунёқарашни шакллантиришга ёрдам беради.

Диалектик тафаккур ва унинг муқобиллари: софистика, эклектика, догматика, метафизика, синергетика.

Диалектика билишнинг умумий усули сифатида дунёга диалектик қарашни вужудга келтирган.

Дунёга диалектик қараш – барча нарса-ҳодисалар, инсон билишини ўзаро алоқадорлик ва боғланиш, қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши, миқдор ва сифат ўзгаришларининг бир-бирига ўтиши, эскининг ўрнини янги эгаллаши, хуллас, «ўз ҳаракати», ўзгариб ва ривожланиб туриши, пайдо бўлиб ва йўқ бўлиб туришида, айни вақтда ҳамма нарса ўзаро муносабатда, деб тушунишдир. Дунёга диалектик қараш диалектик тафаккурни юзага келтиради.

Диалектик тафаккур инсон тафаккури тараққиётининг нисбатан юқори босқичига хос: борлиқдаги нарса-ҳодисалар асли қандай бўлса, уларнинг субъект миясида худди шундай муайян фикр шаклида акс этишидир. Диалектик тафаккур табиатшунослик ва ижтимоий фикр тараққиёти билан ўзгариб, ривожланиб боради. Диалектик тафаккур усули ўз моҳиятига кўра софистик, эклектик ва метафизик-догматик тафаккур усулларидан тубдан фарқ қилади. Улар диалектик тафаккур усулининг муқобиллари бўлиб, ҳар бирининг инсон тафаккури жараёнида ўз ўрни бор.

Софистика[1] дастлаб қадимги юнон фалсафасида пайдо бўлиб, ўрта асрларда, айниқса кенг тарқалади. Қадимги давр юнон фалсафасида бирор хунар ёки билим соҳасини мукаммал эгаллаган кишилар софистлар, деб аталган. Ўрта асрларга келиб, нотиқлик, донишмандлик, билимдонлик билан ном чиқарган, турли омоним сўзлар асосида кишиларнинг бошини қотирадиган, устамонлик билан улар фикрларини чалғитадиган кишилар ҳам софистлар, деб ном олди. Софистик тафаккур усули муҳокама жараёнида билиб туриб, атайин ёлғон асослардан ёлғон хулосалар чиқаришдир. Шу боис Форобий софистикани «ёлғондакам донолик» дейди.

Унинг фикрича, софистик тафаккур усули ёлғонни рост шаклда тасаввур қилишга мажбур қилиб, кишини тўғри фикрлашдан адаштиради. Софистика ижтимоий илдизларга эга. Ҳақиқатни атайин бузиб, ёлғон фикрни ҳақиқат сифатида кўрсатишга асосланиш доим маълум манфаатдан келиб чиқиб қилинади. Одатда, бунга формал мантиқ қонунлари талабларига кўра ёндашиш ҳам имкон туғдиради. Лекин софистик тафаккур усулини фақат салбий жиҳатдан қараш тўғри эмас. Сабаби: санъатда ҳар хил комик вазиятни яратишда, бадиий тасвирда ижобий рол ўйнайди. Шунингдек, диалектик тафаккурнинг қарор топишида унинг ўзига хос муҳим ўрни бор. Форобий ёзганидек, мантиқ қонунларига қатъий бўйсуниладиган фикр жараёни софистик тафаккур усулидан кишини халос қилади. Фикр мантиқий бўлиши учун у формал мантиқдан диалектик мантиқ қонунлари даражасига кўтарилиши лозим.

Эклектика[2] ҳам дастлаб қадимги юнон фалсафасида юзага келди. Эклектик тафаккур усули, ўрта аср ва янги замон фалсафаси схоластлари қарашларида, айниқса, кенг қўлланилди. Нарса-ҳодисаларнинг муҳим ва номуҳим, асосий ва иккинчи даражали хусусиятлари ўртасидаги боғланишлар механиқ равишда бирлаштирилиб, қориштирилиб ифодаланади. Нарса-ҳодисалар ва боғланишларига конкрет, муайян макон ва замон, маълум вазият ва шарт-шароитда ёндашмаслик, асосий ва иккинчи даражали томонларини ҳисобга олмаслик асосида эклектик тафаккур усули пайдо бўлади. Бу, айниқса, раҳбарнинг амалий ва назарий фаолиятида турмуш илгари сураётган масалаларни тўғри ҳал қилишига катта халақит беради. У бунда ҳаётий муаммоларнинг қайси бири муҳим, биринчи навбатда ҳал қилинишини билмайди, воқеалар занжиридаги асосий халқаларни ажрата олмайди.

Эклектик тафаккур усули асосида ҳам формал мантиқ қонунларидан нотўғри фойдаланиш, нарса-ҳодисалар моҳиятига юзаки ёндашиш ётади. Натижада, догматик тафаккур қарор топади.

Догматика[3] фалсафадаги амалиёт ва фаннинг янги маълумотларини ҳисобга олмай, конкрет макон ва замон билан боғлиқ бўлмаган, ўзгармас тушунча ва қоидалар билан иш кўрувчи тафаккур усулидир. У метафизик усулнинг қарор топиши ва ривожланиб бориши билан софистикага қарама-қарши вужудга келди. Дастлаб табиатшунослик фанлари соҳасида табиатни текшириш усули сифатида пайдо бўлган метафизика «табиатдаги буюмлар ва жараёнларни бир-биридан ажратилган ҳолда, улар ўртасидаги умумий боғланишдан ташқарида текширишга ва уларни ҳаракатда эмас, балки ҳаракатсиз ҳолатида – муҳим даражада ўзгарадиган нарса эмас, балки ўлик нарсалар сифатида текшириш» тобора ўзига хос догматик тафаккур усулини вужудга келтирди. Масалан, буюм ё мавжуд, ёки мавжуд эмас, мусбат билан манфий

[1] Софистики (юнонча: sopism — атайлаб хато асослар асосида, кўп маъноли сўзларга асосланиб фикр юритиш) — билиб туриб, хато асослардан ёлғон хулоса чиқаришдир. Бу ерда суфийлик фалсафаси эмас, балки ўрта асрларда Европада кенг тарқалган алоҳида фалсафий таълимот назарда тутилали.

[2] Эклектика **(юнонча:** eklegein — танлайман, дегани) — турли қарама-қарши назарияларни қарашларни аралаш-қуралаш қилиб юборувчи тафаккур усули.

[3] Догматика (юнонча сўз бўлиб ўзгармас, қотиб қолган, ақида дегани) — конкрет шарт-шароитларни ҳисобга олмай қўлланиладиган қоида, принцип, фикрдир.

бир-бирини мутлақо истисно қилади... Дафъатан қараганда, бу тамомила мақбул кўриниши мумкин.

Ўрта аср фалсафасида метафизика теологиянинг фалсафий асоси қилиб олинди, диний ақидаларга ишониш талаблари кучайди. Фақат диалектика пайдо бўлгач, метафизик тафаккурнинг илмий жиҳатдан асоссизлиги маълум бўлди, фалсафий асосидан маҳрум бўлди. Аммо догматик тафаккур ҳозир ҳам мавжуд. Унинг мавжудлиги, инсон билиш жараёнида баъзан билишнинг бирор ҳолатини ноўрин мутлақлаштириши билан чамбарчас боғлиқ. Яна ҳозирги замон фалсафасида (оламнинг ўзгарувчанлиги ва ривожланиши ғоясини инкор этувчи) антидиалектик концепция мавжудлиги ҳамда диалектикани тушунмаслик туфайли. Догматик тафаккур, айниқса, сиёсатда жуда хавфли, у бунда сектантлик, субъективизм, амалиётдан узилиш, ижодий жараёнларни тўхтатиш, ижодий ғоя, назария ва таълимотлардан воз кечиш, соҳаларда содир бўладиган янгиликларни ўз вақтида пайқамасликка, истиқболни олдиндан кўришга тўсқинлик қилади. Догматик тафаккурга эга кишилар жамиятга жуда катта зарар келтирадилар. Улар жаҳон тараққиётининг ўзгарган шароитларини ҳисобга олмай, эски қарашларга қаттиқ ёпишиб олиб иш тутадилар. Ўзбекистон мустақил тараққиёт, янгича ривожланиш йўлига ўтган даврда баъзи раҳбар кишилар фаолиятларида яққол кўринди.

Умуман, диалектик тафаккур ҳамма соҳада кенг қарор топиши ижтимоий тараққиётнинг тарихий эҳтиёжлари, эски шаклларнинг янги ривожланган мазмунга мувофиқ келмаслиги, тараққиётни таъминловчи янги шакл ва мазмунга ўтиш заруриятини тўғри ҳисобга олишга ёрдам беради.

Ҳозирги кунда шаклланаётган синергетика диалектика муаммоларига янгича ёндошиш кераклигини тасдиқламоқда.

Диалектика қонунларининг асосий шакллари.

а) Миқдор ва сифат ўзгаришлари бирлиги.

Нарса-ҳодисалар бир-биридан турли хусусиятлари билан фарқланадилар. Уларни бир-биридан фарқ қилдирувчи нарса – уларнинг сифатидир.

Сифат – нарса-ҳодисаларга нисбий барқарорлик бағишлайдиган, уларнинг ички муайянлигини таъминлайдиган, бир нарса-ҳодисани иккинчи нарса-ҳодисадан фарқ қилдирадиган барча муҳим белги ва хусусиятларг бирлиги.

Сифатнинг ўзгариши ўрнига бошқа нарса-ҳодисани вужудга келтиради.

Табиат ва жамият жуда кўп хилма-хил нарса, воқеа ва ҳодисалар бирлигидан ташкил топган. Бундай хилма-хиллик нарса-ҳодисалар ўртасидаги сифатий тафовутлар ифодасидир. Масалан, ноорганиқ табиат билан органиқ табиат сифат жиҳатдан бир-биридан фарқ қилади. Органиқ табиат ўз атрофидаги муҳит билан узлуксиз модда алмашиниб туради. Ноорганиқ табиатда бундай модда алмашиниш бўлмайди. Ўз навбатида, ўсимлик ва ҳайвонлар ўртасида ҳам сифат жиҳатдан фарқ бор. Инсон эса уларга нисбатан бутунлай бошқача сифатга эга. Сифат бир нарсани иккинчи бир нарса билан боғлиқлигини ҳам кўрсатади. Шунинг учун муайян сифатга эга нарса-ҳодисаларни бир-биридан ажратиб, бир томонлама ўрганиш билан чегараланмай, балки уларни бир-бири билан боғлайдиган умумий хусусиятлари асосида ҳам ўрганиш зарур. Агар тирик организмнинг атроф-муҳит билан модда алмашиниши тўхтаб қолса, у ҳалок бўлади, тириклик сифатини йўқотади. Хусусиятлар эса сифатнинг ифодаси, муҳим ва номуҳим хусусиятлар ўзгариши билан сифат ҳам ўзгариши мумкин. Масалан, бензин учун ранг муҳим хусусият эмас. Бензин рангини йўқотгани ёки бошқа рангга киргани билан у бошқа суюқликка айланмайди. Тез ёнувчанлик бензиннинг муҳим хусусиятидир. Бензин бу

хусусиятини бирор сабабга кўра йўқотса, у двигатель учун ёнилғи бўлмай қолади, бошқа химиявий моддага айланган бўлади.

Нарса-ҳодисаларнинг сифат ва хусусиятлари объектив, миқдорлари билан ҳам фарқланадилар. Нарса-ҳодисалардаги сон, ҳажм, даража каби томонлар муайянлиги **миқдор** деб аталади. Миқдор турлича: сон, ўлчов даража, макондаги ўзаро муносабати (узунлик, кенглик, баландлик) тариқасида ифодаланади. Ижтимоий ҳодисаларнинг миқдор муайянлигини, табиатдагидек, ҳамиша ҳам аниқ ифодалаб бўлмайди. Масалан, бир ижтимоий тузум иккинчи ижтимоий тузумдан ишлаб чиқарувчи кучлар тараққиёти, ишлаб чиқариш муносабатлари характери жиҳатидан фарқ қилиши (сифат), ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати, унумли меҳнат билан шуғулланувчи одамларнинг сони, миллий даромаднинг маълум миқдори, унинг жамият аъзоларига тақсимланиши (миқдор) кабилар билан фарқ қилади.

Миқдор ҳам сифат каби объектив мавжуд.

Ҳар бир нарса-ҳодиса муайян миқдор ва сифат бирлиги – меъёрга эга.

Меъёр нарса-ҳодисаларнинг миқдор ва сифат бирлигини қамраб олувчи чегарадир. Меъёрнинг бузилиши нарса ёки ҳодиса сифатининг ўзгариши, унинг бошқа нарса-ҳодисага айланишига олиб келади.

Ижтимоий ҳодисаларда меъёрнинг роли жуда катта. Айниқса, санъатда меъёр жуда муҳим: табиат ва инсон гўзаллигини меъёрдан чиқиб ифодалаш мумкин эмас. Меъёр маънавий-аҳлоқий ҳодисаларга ҳам тааллуқли. Ҳар бир ижтимоий тузумда унинг аҳлоқий нормалари доирасидан чиқиб кетилса, у жиноятга айланиб кетади. Меъёр доирасидан чиқиш билан, одатда, бошқа сифат ва миқдор бирлигига асосланган янги меъёр вужудга келган бўлади.

Масалан, миснинг харорати 600^{O}С ёки 1000^{O}Сга етказилганида, унинг агрегат ҳолати ўзгармайди, аммо ҳарорат 1083^{O}Сга етганда мис эрий бошлайди, яъни янги сифатга ўтади.

Ривожланиш жараёнида ўзаро фарқ қилувчи сифат ва миқдор ўзгаришлари, узлуксизлик ва узилишнинг бирлиги сифатида намоён бўлади.

Узлуксизлик – нарса-ҳодисалар ривожланишидаги миқдор ўзгаришларини ўз ичига олади. Узлуксиз ривожланиш даврида нарса-ҳодисаларда ички ўзгаришлар юз берса-да, улар моҳиятини бутунлай ўзгартириб юбормайди.

Узилиш эса нарса-ҳодисалар ўзгариш ва ривожланиш жараёнида энди янги миқдор ўзгаришлари мумкин бўлмай қолган бир пайтда юз берадиган бир сифат муайянлигидан иккинчи сифат муайянлигига ўтиш демакдир. Миқдорнинг сифатга ўтиши, эски сифатнинг янги сифатга айланиши фалсафада узлуксизликнинг узилиши ёки сакраш, дейилади. **Сакраш** нарса-ҳодисаларнинг бутун узлуксиз ривожланиш давомида тайёрланиб, шу узлуксиз ривожланиш лаҳзаси тугаб, узилиш содир бўлиши билан зарурий равишда юз беради. Масалан, ноорганиқ табиатдан органиқ габиатнинг пайдо бўлиши буюк сакраш бўлган. Табиатдаги сакрашлар инсоннинг иродасига боғлиқ эмас, табиий-тарихий жараённинг оқибати.

Ижтимоий ҳаётдаги сакрашлар эса кишилар томонидан объектив заруриятларни англаш натижасида тайёрланиб, амалга оширилади. Уларнинг ўзига хос томони ижтимоий инқилоблар, тадрижий ривожланишлар орқали амалга оширилади. Сакрашлар инсон тафаккури тараққиёти, билимлар тизимининг ривожланиб боришига ҳам хос. Илм-фан соҳасида секин-аста тўпланиб борган факт, маълумот ва билимлар асосида инсон ақл-идроки билан ихтиро ва кашфиётлар қилиниши мумкин.

Сакрашларни икки турга бўлиш мумкин: **портлаш** ва секин-аста **тадрижий** йўл билан бўладиган сакрашлар. Биринчи турда нарса-ҳодисаларнинг янги сифатга ўтиши

тезлик билан юз беради. *Масалан, кимёвий жараёнларда реакцияга киришган модда тезлик билан эски сифатдан янги сифатга ўтади, бошқа кимёвий моддага айланади.*

Сакрашнинг иккинчи турида эса эски сифат элементларининг аста-секин йўқолиб бориши ва янги сифат элементларининг аста-секин тўпланиши натижасида янги сифат пайдо бўлади. *Бунга тилнинг ривожланишини мисол қилиш мумкин.*

Демак, ҳар қандай ўзгариш, ҳар қандай ривожланиш миқдор ва сифат ўзгаришларининг ўзаро бир-бирига ўтиши орқали содир бўладиган жараён. Бу фақат илмий билиш учунгина эмас, балки амалий фаолият учун ҳам аҳамиятли. Масалан, Ўзбекистоннинг ўз тараққиёт йўли «сохта инқилобий сакрашларсиз, фожиали оқибатларсиз ва кучли ижтимоий ларзаларсиз, эволюцион йўл билан нормал, маданиятли тараққиётга ўтиш – танлаб олинган йўлнинг асосий мазмуни ва моҳиятидир»[1]. Ўзбекистан ҳақиқий демократик ва ривожланган давлатга айланиши (янги сифатга эга бўлиши) учун жуда кўп иқтисодий, сиёсий ва маърифий тадбирларни амалга ошириш керак. Ёшлар, юқори малакали мутахассислар фидоийлиги ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

б) Қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши.

Борликдаги ҳар бир нарса-ҳодиса бир-бирини тақозо қилувчи ва бир-бирини ўзаро инкор этувчи жиҳат, хусусият ва тамойилларга эга. Масалан, электр манфий ва мусбат, табиатда эса ўзаро тортилиш ва итарилиш, тирик организмда ассимиляция ва диссимиляция ва ҳ.к. Улар ўртасидаги муносабат **зиддият** дейилади. Зиддият қарама-қарши томонлар ўртасидаги кураш ва ривожланишнинг сабаби, манбаи ҳисобланади. Тараққиёт зиддиятларнинг пайдо бўлиши, ривожланиши ва бартараф этилиши жараёни эканлигини тушуниш учун айният, тафовут, зиддият, қарама-қаршилик каби тушунчалар ўзаро муносабатларини билиб олиш лозим.

Нарса-ҳодисалардаги ўзаро ўхшаш томонлар бирлиги **айният** дейилади.

Тафовут нарса-ҳодисалар томонлари ҳар бирининг фарқ қилувчи жиҳатларидир. Тафовутнинг ривожланиши зиддиятнинг келиб чиқишига олиб келади.

Қарама-қаршилик борликдаги нарса, ҳодиса ва жараёнларнинг ўзаро бир-бирини истисно қиладиган, айни пайтда, бир-бирини тақозо этувчи томон, тамойил ва кучларининг ўзаро муносабатларидир.

Қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши ҳамма соҳа(табиат, жамият ва инсон тафаккури)да амал қилади. Аммо ҳар бир соҳадаги зиддиятларни конкрет ўрганиш муҳим. Чунки зиддиятлар жуда хилма-хил: ички ва ташқи, асосий ва асосий бўлмаган, антагонистик ва ноантагонистик...

Ички зиддият – нарса-ҳодисалар ичидаги қарама-қарши томон, кучлар ўртасидаги зиддиятлар.

Ташқи зиддият – нарсалар ва ҳодисалар ўртасидаги зиддиятлар. Лекин бундай туркумлаш нисбий бўлиб, бир муносабатда ички, бошқасида ташқи зиддият ҳисобланиши мумкин. Масалан, турли тузумдаги давлатлараро зиддият ташқи зиддият, аммо кишилик жамияти миқёсида олинса, улар ички зиддиятлардир. Ривожланишнинг моҳиятини асосан, ички зиддият белгилайди. Ташқи зиддиятлар ривожланишга билвосита ижобий ёки салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Масалан, ҳозир мустақил Ўзбекистоннинг истиқбол режалари кўп жиҳатдан мамлакатнинг ичидаги иқтисодий, сиёсий ва маънавий муаммоларни тўғри ҳал қилинишига боғлиқ. Бироқ, ташқи муносабатлардаги муаммоларни ҳам тўғри аниқлаб, ҳал қилинмаса, республика олдида турган муҳим вазифаларни амалга ошириб бўлмайди. Нарса-ҳодисаларнинг моҳияти, уларнинг келиб чиқиш ва ривожланиш қонуниятларини

[1] Ислом Каримов. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т., «Ўзбекистон», 1992, 10-бет.

белгилаб берадиган зиддият асосий зиддият дейилади. Асосий зиддият тараққиётда ҳал қилувчи рол ўйнайди ва бошқа барча зиддиятларга таъсир кўрсатади. Асосий бўлмаган зиддиятларнинг ривожланишга таъсири конкрет вақтга ва шароитга боғлиқдир. Асосий зиддиятларни аниқлаш эса ижтимоий амалиёт жараёнида натижаларни тафаккур орқали анализ ва синтез қилиш натижасида амалга ошади.

Бош зиддият – ривожланишнинг у ёки бу босқичи моҳиятини белгилаб берадиган асосий зиддият.

Жамият ҳаётига хос зиддиятларни таҳлил қилганда, **антагонистик** ва **ноантагонистик** зиддиятларни фарқ қилиш зарур. Антагонистик зиддиятлар жамиятдаги манфаатлари бир-бирига тубдан зид бўлган куч, ижтимоий гуруҳ ва табақалар ўртасида кечади. Антагонистик зиддиятлар конфликтларга олиб келиши, бир томоннинг мағлубияти иккинчи томоннинг ғалабаси билан ҳал қилиниши мумкин. Ноантагонистик зиддиятлар жамиятдаги манфаатлари бир-бирига мос келадиган ижтимоий қатламлар орасида юз беради. Умуман, ҳамма зиддиятларни ўз вақтида ҳал қилиб бориш зарур, акс ҳолда улар кескинлашиб, кутилмаган оқибатларни келтириб чиқаради. Сўнгги пайтда жамиятдаги зиддиятларни ҳал қилишда қўлланилаётган самарали усуллардан бири **консенсус** (ўзаро келишув)дир.

Консенсус усули ўзаро тинч йўл билан олиб борилаётган музокара, мулоқот, референдум, халқаро ҳуқуқ нормалари асосида маълум бир битимга келишувлар асосида энг муҳим ҳужжатлар қабул қилиш орқали олиб борилмоқда. Айниқса, халқаро ташкилотлар обрў-эътиборидан фойдаланиш, халқаро ҳамжамиятга тенг ҳуқуқли аъзо бўлиш ва уларнинг жаҳон тараққиётига таъсири ортиб бориши муҳим омил бўлмоқда.

в) Тараққиётда ворислик ва давомлилик (инкорни инкор).

Тараққиётдаги ворислик ва давомлилик инкорни инкор этиш йўли билан амалга ошади. Борлиқда доим эскининг янги билан алмашиниши **инкор,** деб аталади. «Инкор» атамасини фалсафага Гегель киритган. Унинг нуқтаи назарича, инкор ғоя, фикрнинг ривожланиш босқичидир.

Инкор тушунчаси кундалик онгда «йўқ» демак, бирор нарсани рад этмоқдир. Лекин диалектикада инкор қилиш нарсани мавжуд эмас, деб эълон қилиш ёки уни йўқотиб ташлаш эмас, балки янги эскининг бағрида вужудга келиб, ундаги соғлом жиҳатлардан фойдаланиб, қарор топишини тан олишдир. Гегель таъбирича, «Ички инкор» тараққиётнинг ҳаракатлантирувчи кучидир.

Диалектик инкор «йўқ», деб инкор этиш баробарида «ҳа», деб тасдиқлашни ўз ичига олади. У бир пайтда содир бўладиган емирилиш ва яралишни ташкил қилади. Диалектик инкорнинг муҳим икки жиҳати мавжуд: 1) эскининг ўрнига янгининг келиши табиий-тарихий жараён; 2) янги эски билан ворисий боғлиқ. Тараққиётдаги даврийликнинг тугалловчи халқасида, яъни навбатдаги инкор босқичида унинг олдинги босқичдаги баъзи белгилар такрорланади (дон ўсимликдан яна донларга айланади).

Инкорни инкорда тараққиёт айлана шаклида бориб, унинг охирги нуқтаси бошланғич нуқтага яқинлашади. Аммо охирги нуқта билан туташмай, балки юқори босқичда содир бўлиши сабабли тараққиёт «спиралсимон» шаклга эга бўлади. Спиралнинг ҳар бир янги ўрами олдингисига нисбатан юқори босқичда юзага келади.

Тараққиётнинг спиралсимон характери қуйидаги уч жиҳатига эга:

1) инкорни инкорда нарса-ҳодисалар даврий ўзгаради. Янги сифат фақат емирилаётган (инкор этилаётган) нарса заминида пайдо бўлиши **деструкция** дейилади;

2) емирилаётган нарса билан пайдо бўлаётган янги нарса ўртасидаги ўзаро боғлиқлик, уларнинг ўзаро муносабати **кумуляция** дейилади;

3) инкор этилаётган нарса олдин эришган ютуқлар, унинг ривожланишга қодир баъзи белги ва хусусиятларини сақлаб қолиш, улардан фойдаланиш асосида юз беради. Буни **конструкция** деб юритилади.

Мазкур уч жараён бирлиги Ўзбекистон мустақиллиги шароитида ўз ифодасини топмоқда. Эндиликда эскирган ижтимоий муносабатларни имкон қадар диалектик изчиллик ва зийраклик билан ўз вақтида бартараф этиш, янги пайдо бўлаётган бозор иқтисодиётига оид муносабатларни ривожлантириш муваффақиятлар гаровидир. Инкорни инкор жараёнида оддийдан мураккаб, қуйидан юқорига қараб илгарилаб борувчи ривожланиш содир бўлади. Шунинг учун уни орқага қайтариб бўлмайди. Сабаби: ҳар бир янги босқич илгариги босқичлар бойлигини ўзида синтезлаштириб, эскининг ривожланишга қодир томонлари сақланиб, янгида пайдо бўлган томонлар билан узвий бирикиши асосида тараққиётнинг янада юқорироқ шакллари учун замин яратади. Бу синтез «инкорни инкор» дейилади. Хулоса: борлиқ ва билишга хос инкорни инкорлар бениҳоя давом этади. Абадий давом этадиган бу жараёнда диалектиканинг барча тамойиллари биргаликда амал қилади. Бунда инкорни инкор ҳеч бир нарса ёки ҳодиса абадий ўзгармасдан қола олмаслиги, аксинча, эски ўрнини муқаррар янги эгаллаши, улар ўртасида ворисий алоқалар мавжудлигини англатади.

Такрорлаш учун саволлар

1. Қонун нима?
2. Табиат ва жамият қонунларининг қандай хусусиятлари бор?
3. Диалектика нима?
4. Фалсафада қонун ва қонуният дегенда нимани тушунасиз?
5. Диалектиканинг асосий тамойиллари нималардан иборат?
6. Тараққиёт ва унинг шакллари нима?
7. Умумий алоқадорлик ва ўзаро таъсир иқтисодий ҳаётда қандай кўринади?
8. Диалектиканинг асосий қонунлари нималар?
9. Инкор нима? Инкорни инкор-чи?

ФАЛСАФА КАТЕГОРИЯЛАРИ

Таянч тушунчалар: *категория, алоқадорлик ва боғланишлар, яккалик, хусусийлик ва умумийлик, система, структура ва элемент, жуфт категориялар, моҳият ва ҳодиса, бутун ва қисм, мазмун ва шакл, сабаб ва оқибат, зарурият ва тасодиф, имконият ва воқелик.*

Категория сўзи қадимги юнон тилидан олинган: «изоҳлаш», «тушунтириш», «кўрсатиш», деган маъноларни англатади.

Фалсафа тарихида илк бор категорияларни Арасту таърифлаган. Унинг «Категориялар» асарида уларни туркумлаштиришга ҳаракат қилган. Хусусан, унингча қуйидаги категориялар мавжуд: «моҳият» (субстанция), «миқдор», «сифат», «муносабат», «ўрин», «вақт», «ҳолат», «мавқе», «ҳаракат», «азоб-уқубат». Кейинчалик Арасту «Метафизика» асарида «моҳият», «ҳолат» ва «муносабат» категорияларини ҳам изоҳлади.

Умуман, Арастугача Юнонистонда кўпроқ политика ва риторика (нотиқлик санъати) фанлари системалашган, яъни фан сифатида тизимга туширилган эди. Чунки ўша даврда қўшин, мамлакат ва одамларни бошқариш учун сиёсат ва нутқ маданияти сирларини билиш муҳим бўлган. Ҳатто Юнонистоннинг машҳур мутафаккири Суқрот ёшларни илм йўлига бошлаб, уларнинг нотўғри тарбиясига сабаб бўлганликда айбланган Арастунинг мазкур фанни аниқ тизимга солиши учун туртки бўлди. Ўша даврдан бошлаб фалсафа ўз қонун, тамойил, категорияларига эга фанга айланди. Шарқда бу масалага Форобий, Беруний ва ибн Сино ҳам аҳамият бердилар.

XVII-XIX асрларда фалсафий категориялар таҳлилида янги давр вужудга келди. Хусусан, И. Кант қарашларида категориялар «сифат» (реаллик, инкор, чегаралаш), «миқдор» (бирлик, кўплик, яхлитлик), «муносабат» (субстанция ва хусусият, сабаб ва ҳаракат, ўзаро таъсир), «модаллик» (имконият ва имкониятсизлик, воқелик ва новоқелик, зарурият ва тасодиф) тарзида изоҳланди. Гегель эса мантиқий категорияларни: «борлиқ» (сифат, миқдор, меъёр), «моҳият» (асос, ҳодиса, мавжудлик), «тушунча» (объектив, субъектив, абсолют ғоя) тарзида шарҳлади.

Фалсафа фанининг категорияларини уларга оид турли қарашлар асосида қуйидагича тавсифлаш мумкин: 1) объектив воқеликнинг инъикоси; 2) нарса-ҳодисаларнинг ўзаро боғланиш ва алоқадорлигини мантиқий умумлаштирувчи билиш усули; 3) нарса-ҳодисаларнинг ривожланиши билан ўзгариб турувчи мантиқий тушунча; 4) борлиқнинг мавжудлигидан келиб чиқадиган тарихий – мантиқий билиш даражаларидан бири.

Асарият мутахассислар фикрича, категориялар оламдаги нарса ва воқеалар, уларнинг асосий ва такрорланиб турувчи алоқадорлигини ифодалайдиган кенг мазмундаги тушунчалардир. Шу маънода борлиқ, воқелик, ҳаракат, макон, замон, миқдор, сифат ва бошқалар фалсафанинг категорияларидир.

Алоқадорлик ва боғланишлар таснифи. Борлиқ чексиз алоқадорлик ва боғланишлар мажмуиди. Дунёда бошқаси билан ўзаро табиий алоқада бўлмаган ҳеч нарса йўқ. Чунки бу қонуний ва табиий ҳолдир.

Алоқадорлик ва боғланишлар борлиқнинг турли соҳаларида ҳар хил шаклларда намоён бўлади. Жумладан:

Ноорганиқ табиатда: а) «элементар» зарраларнинг бир-бирини тақозо қилиши ва акс таъсири; б) планеталарнинг бир-бирини тортиб ва итариб туришлари;

Органиқ табиатда: а) тирик организмларнинг модда алмашинуви; б) тирик организмлар билан табиий муҳит ўртасидаги боғланишлар; в) ўсимлик ва ҳайвонот

дунёсининг ўзаро алоқадорлиги; г) ҳайвонлар ва одамлар ўртасидаги муносабатлар ва ҳ. к;

Жамиятда: жамият ва табиат; б) жамиятнинг моддий ва маънавий ҳаёти; в) жамият ишлаб чиқариш усули томонлари: ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатлари; г) жамиятнинг иқтисодий базиси ва устқурмаси; д) жамият иқтисодий структураси элементлари; е) жамият ва шахс орасидаги муносабатларда кўринади.

Тафаккурда: а) бир бутун тафаккур жараёни, тафаккур шакллари; б) тафаккур шакллари ва қонунлари; в) тафаккур ва борлиқ;

Билиш жараёнида: а) ҳиссий билиш ва ақлий билиш; б) билиш босқичлари ва билиш шакллари; в) билиш ва борлиқ ўртасидаги алоқа ва боғланишларда ифодаланади. Борлиқнинг аниқ соҳаларига оид бу алоқадорликларни турли аниқ фанлар ўрганади. Бунда ҳар бир фан соҳасига оид алоқадорликлар занжиридан ҳали маълум бўлмаган янги бир тур аниқланиши ва оралиқ соҳаларни ўрганувчи янги фанлар пайдо бўлиши мумкин. Масалан: биофизика, биомеханиқа, физикахимия, геофизика, математик лингвистика, математик мантиқ ...

Диалектика борлиқ ва унинг турли кўринишларига хос энг умумий алоқадорлик ва боғланишлар моҳиятини очиб беради. Диалектикада уларнинг уч тури мавжуд: **1) универсал, 2) структуравий, 3) детерминистик** алоқадорлик. Диалектика ўрганадиган борлиқнинг энг умумий алоқадорлик ва боғланишлари фалсафада қуйидаги тушунчалар орқали ифодаланади:

а) Яккалик, хусусийлик ва умумийлик.

Фақат алоҳида нарса-ҳодисага хос, уни бошқа нарса-ҳодисадан фарқ қилувчи, такрорланмайдиган, индивидуал белги ва хусусиятлар бирлиги **яккалик** дейилади. Яккалик алоҳида нарса-ҳодисалар ёки улардаги алоҳида томон, белги ва хоссаларни акс эттиради.

Кўпчилик нарса-ҳодисаларга (ёки уларнинг тур ва томонларига) хос ўзаро ўхшаш, бир хил, такрорланувчи белги ва хусусиятлар бирлиги **умумийлик** дейилади. Умумийлик бир синф ёки бир тургa кирган нарса-ҳодисаларни ҳам ифодалайди.

Нарса-ҳодисаларга хос махсус томон, хусусиятлар бирлиги **хусусийлик** категориясида аксини топган. Хусусийлик алоҳидаликка нисбатан умумий, умумийликка нисбатан алоҳида бўлган томон, белги, хусусият ва алоқадорликларни ифодалайди.

Бир бутун борлиқдаги барча нарса-ҳодисаларга хос томон, белги ва хусусиятлар **энг умумийлик**дир. Энг умумийлик ҳажм жиҳатдан бошқа кенгайтириб бўлмайдиган универсал тушунча. *Масалан: Аҳмад → одам → тирик мавжудот → материя → борлиқ. «Борлиқ» тушунчаси бу ерда энг умумийликдир.*

Яккалик, хусусийлик ва умумийлик ўзаро диалектик муносабатда. Бинобарин, яккалик билан умумийлик хусусийлик орқали боғланган. Хусусийлик яккаликлардан ташкил топиб, умумийликни алоҳидалик билан боғлайди. Умумийлик ҳам яккаликларнинг умумий хусусият, белги, томон, боғланишлари шаклида ҳар бир яккаликда мавжуд бўлади. Демак, ҳар бир конкрет нарса-ҳодиса яккалик, хусусийлик ва умумийликнинг бирлигидан иборат.

б) Система, структура ва элемент.

Борлиқдаги нарса-ҳодисалар маълум системалар тарзида, ўз таркибига кўра, муайян структура ҳамда қатор элементлардан ташкил топган.

Система – борлиқдаги ўзаро боғлиқ, муайян тартибдаги бир-бирига таъсир ва акс таъсир қилиб турувчи нарса, ҳодиса ва жараёнларнинг қонуниятли бирлиги.

Структура шу системани ташкил этган нарса, ҳодиса ва жараёнларнинг тартиби, тузилиши, таркиби, жойлашиши ва ифодаланишидир. Структура ҳар бир нарса ёки ҳодиса, ҳар бир системанинг ажралмас туб хусусияти.

Элемент эса система структурасини ташкил килган, нисбий мустақилликка эга тузилмадир. Ҳар бир система структураси бир қанча ўзаро чамбарчас боғлиқ элементлардан таркиб топади.

Структура:

1) нарса ёки ҳодисанинг бир хил ёки ҳар хил жинслигини, унинг муайян нисбий мустақил қисм, элемент, компонентларга бўлинишини;

2) нарса ёки ҳодисани ташкил этувчи қисмр, бўлак, компонент ва элементларнинг ўзаро бир-бирига таъсир ва акс таъсирлари, улар ўртасидаги алоқадорлик ва боғланишлар оид қонуниятларни;

3) нарса ёки ҳодисанинг қандай элементлардан ташкил топганлигидан қатъий назар, бу элементларнинг органиқ бирлиги, яхлитлиги ва бир бутунлигини ифодалайди. Шунинг учун структурани билиш, аввало, унинг элементларини, сўнг, мазкур элементларнинг ўзаро алоқадорликларини аниқлаш, ниҳоят, бу элементлар бир бутунлигининг ўзига хос табиатини тушуниб олиш, демакдир.

Сўнгги пайтда табиатшунослик ва ижтимоий фанлар соҳаларида тадқиқот объектига системали ёндашиш, структуравий анализ усуллари ишлаб чиқилди. Айниқса, системали ёндашиш усули диалектик усулларнинг таркибий қисмидир.

Фалсафада ўз хусусиятларига кўра, **«жуфт категориялар»** ҳам бор. Фалсафа категориялари мазмунидаги ички бирлик, боғланиш, алоқадорлик ва муносабатлар яхлитлиги билиш жараёнининг узлуксизлигини таъминлайдиган умумий қонуният тарзида вужудга келган.

в) Моҳият ва ҳодиса.

Моҳият – нарса-ҳодисаларнинг ички, энг муҳим ўзаро боғланишлари ва уларнинг қонуний алоқадорликлари. Ҳодиса эса шу нарса ва жараёнларни ташкил этувчи томон, хусусият ва боғланишларнинг намоён бўлиш шакли, моҳиятнинг ифодаланиши. Масалан, тирик мавжудотлар моҳияти: уларда модда алмашиш жараёни. Агар у бўлмаса, тириклик жараёни – ҳаёт ҳам бўлмайди. Аммо бу модда алмашув жараёни ҳар бир тирик организмда хилма-хил кўринишларда содир бўлади. Шу кўринишлар – **ҳодиса**лардир.

Моҳият ва ҳодиса ўзаро умумий ва ўзига хос қуйидаги хусусиятларга эга:

1. Моҳият ички, ҳодиса эса ташқи алоқаларни ифодалайди. Масалан, инсон дарахт шоҳ ва барглари шитирлаши, қушлар сайрашини эшитади. Бу ҳодисалар сабаби турлича, лекин моҳияти бир, яъни ҳаво зарраларининг тебраниши. Бироқ инсон дастлаб ҳодисани фахмлайди, сўнг унинг моҳиятини била бошлайди. Сабаби: моҳият нарсаларнинг ички алоқадорлиги бўлгани учун чуқур таҳлил қилиш ва изланиш натижасида, амалиёт жараёнида билиб борилади. Ҳодиса, аксинча, сезги аъзолари орқали бевосита идрок этилади.

2. Моҳият билан ҳодиса ўзаро бирликда ва айни вақтда бир-бирига қарама-қарши, айнан мос келмайди. Моҳият ҳодисада яширин ва уни бевосита сезги аъзолари орқали билиш мумкин эмас. Ҳодиса – нарсаларнинг намоён бўлиши шакли сифатида моҳият билан ҳеч вақт мос келмайди. Акс ҳолда, фанга зарурият бўлмасди. Борлиқ ҳодисалари асосида ётган моҳиятларни излаб топиш фаннинг вазифаси ҳисобланади.

3. Моҳият нисбатан доимий ва барқарорлиги билан ҳодисадан фарқ қилади. Масалан, дарёнинг юзидаги кўпиклар ҳодиса бўлса, улар остидаги сувнинг тез оқимлари моҳиятдир.

4. Моҳиятнинг нисбий доимийлиги ва барқарорлиги, ҳодисанинг ўзгарувчанлигини мутлақлаштирмаслик лозим. Чунки моҳият ҳам, ҳодиса ҳам ўзгариб боради. Лекин моҳият ҳодисага нисбатан секин ўзгаради.

Моҳият ва ҳодиса ўзаро умумий томонларга эга. Масалан: а) ҳар қандай моҳият ҳодисада намоён бўлади; б) моҳият ва ҳодиса объектив характерга эга, улар инсон онгига боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжд; в) моҳият ва ҳодиса доим ўзгариш ва ривожланишда, аммо улар зиддиятли характерга эга. Моҳиятнинг ўзи ҳам зиддиятли. Диалектика буюмларнинг ўз моҳиятидаги зиддиятларни ўрганади.

Фан ва амалиётда моҳиятни ҳодисадан ажрата билиш муҳим. Билъакс назария ва амалиётда жиддий хатоларга олиб келади.

г) Бутун ва қисм.

Бутун – ўзаро диалектик алоқадорликда бўлган қисм, бўлак, томон, элемент, компонентларнинг узвий бирлигидан иборат алоҳида нарса, ҳодиса, жараёндир. *Масалан, олам бир бутундир.*

Қисм эса шу бутунни ташкил қилган, унинг таркибидаги маълум бўлак, компонент, элементдир. *Масалан, бир бутун оламнинг бир қисми табиатдир.*

Оламдаги ҳар бир предмет(ҳодиса, жараён)га «Бутун ва қисм» категорияларида акс этган диалектик бирлик хос. Масалан, «ишчилар» сўзи: «иш» – «чи» – «лар» каби маъноли қисмлардан тузилган.

Бутунсиз қисмлар ва қисмларсиз бутун йўқ, улар биргаликда мавжуд. Бутун ва қисмларнинг ўзаро таъсир ва акс таъсир қилиб туришлари натижасида бутун ва қисмлар ўзгариши, ривожланиши рўй беради. Ҳар бир бутун ва қисмлар объектив реалликдаги бошқа бутун ва қисмлар билан муайян алоқада бўлади.

д) Мазмун ва шакл.

Мазмун ва шакл ҳам кишиларнинг борлиқни билишида муҳим рол ўйнайди.

Мазмун – нарса ёки ҳодисани айнан шу нарса ёки ҳодиса сифатида ифодаловчи жараён, муҳим элемент ва ўзгаришлар мажмуи.

Шакл – мазмуннинг мавжудлик усули, унинг структурасини ифодаловчи, нарса-ҳодисаларнинг ички ва ташқи томонлари бирлиги. Демак, мазмун ва шакл муайян бир нарса ёки ҳодисанинг бир-бири билан диалектик алоқадор икки томонидир. Шакл мазмунни ифодалайди, мазмун шаклни белгилайди.

Объектив оламда нарса-ҳодисага оид бўлмаган соф мазмун ҳам, соф шакл ҳам йўқ.

з) Сабаб ва оқибат.

Нарса-ҳодисалар ўз пайдо бўлиш, шаклланиш ва ривожланишида ўзаро сабабий боғланишларда: бири – сабаб, иккинчиси – оқибат бўлади. Бу сабабий боғланишда бир нарса ёки ҳодиса иккинчи бир нарса ёки ҳодисани вужудга келтиради.

Сабаб – бир ҳодисадан олдин келиб, уни вужудга келтирган ҳодиса ёки ҳодисалар гуруҳи.

Оқибат – сабабнинг бевосита ёки билвосита таъсири билан юз берадиган ҳодиса. Масалан, қўлларимизни бир-бирига ишқалаганимизда қўлларимиз қизийди. Бу ерда ишқаланиш иссиқликнинг пайдо бўлишига сабаб ва иссиқлик – оқибат.

Сабаб-оқибат боғланишларнинг кишилар фикридаги ифодаси сабабият дейилади. Сабабсиз оқибатлар йўқ, ҳамма нарсанинг ўз сабаби бор. Доно халқимиз «Шамол бўлмаса, дарахтнинг учи қимирламайди», – дейди. Сабабият объективдир.

Сабабни оқибатни келтириб чиқарувчи шарт-шароитлардан фарқ қилиш зарур. Сабаб ва оқибат вақт жиҳатдан кетма-кет: сабаб оқибатдан олдин, оқибат сабабдан кейин келади. Лекин борликда кетма-кет келувчи ҳар қандай предмет ва ҳодисалар бир-бири билан сабабий боғланишда бўлавермайди. Масалан, қишдан сўнг баҳор,

кейин ёз, кузнинг келиши бири иккинчисини келтириб чиқарувчи боғланиш эмас. Бу Ернинг Қуёш атрофида айланиши сабабли содир бўлади.

Сабабни баҳонадан ҳам фарқ қилиш лозим. Баҳона бевосита оқибатдан олдин содир бўладиган бирор воқеа бўлиб, моҳиятан оқибат сифатида рўй берган ҳодисанинг ҳақиқий сабаби бўла олмайди. Баҳона сабабнинг оқибатини келтириб чиқаришда туртки, оқибатнинг юзага келиш жараёнини тезлатувчи омил ролини ўйнаши мумкин. Масалан, 1991 йил 19–21 августдаги фавқулодда давлат комитети эски Иттифоқ емирилиши, унинг ўрнига янги мустақил давлатларнинг пайдо бўлишининг сабаби эмас.

Борлиқдаги барча нарса-ҳодисалар ўз табиий объектив сабаблари асосида пайдо бўлади ва ривожланади. Табиат ҳеч қачон олдиндан белгиланган мақсадларни қўя олмайди. Жамиятда онгли мавжудот – инсонлар ўз фаолиятларини олдиндан белгиланган маълум режа, мақсадлар асосида амалга оширадилар. Бу одатда, ташқи шарт-шароитларга боғлиқ эмасдай туюлади. Аслида, инсоннинг ҳар қандай мақсади (нияти, ҳатто орзуси) объектив сабаблар асосида, тарихий шарт-шароитлар таъсирида, унинг миясида зарурий равишда пайдо бўлади.

ж) Зарурият ва тасодиф. Борлиқдаги сабабий боғланишларнинг мураккаб занжирида зарурият ва тасодиф категориялари ифодалаган боғланишлар ҳам муҳим рол ўйнайди.

Нарса-ҳодисаларнинг моҳияти, ички муҳим боғланишларидан муайян шароитда қатъий равишда келиб чиқиши муқаррар воқеа ёки ҳодиса **зарурият** деб аталади. Нарса-ҳодисаларнинг моҳияти билан боғлиқ бўлмаган, ташқи таъсир ва иккинчи даражали омиллар билан боғлиқ, айни шароитда юз бериши ҳам, юз бермаслиги ҳам мумкин бўлган ҳодиса ёки воқеа **тасодиф** дейилади. Зарурият ва тасодиф бир-бири билан ўзаро боғлиқ ва айни вақтда бир-биридан фарқ ҳам қилади. Бу фарқ уларнинг ўзига хос қуйидаги хусусиятлари билан характерланади: 1) заруриятнинг сабаби ўзида бўлади, мазкур нарса ёки ҳодисанинг ички табиатидан келиб чиқади, у моҳият билан боғлиқ; 2) зарурият нарса-ҳодисанинг муҳим, такрорланиб турадиган ички алоқадорликлари натижаси; 3) зарурият нарса-ҳодисанинг олдинги ўзгариш ва ривожланишлари орқали қонуний тайёрланган бўлади; 4) зарурият муқаррарлик хусусиятга эга, албатта, юз беради; 5) зарурият умумий характерга эга; 6) зарурият доимо қонуният билан боғлиқ.

Тасодиф ҳам ўзига хос қуйидаги хусусиятлар билан характерланади: 1) тасодифнинг сабаби ўзида эмас, балки бошқа нарса-ҳодисададир, у ташқи сабаблардан келиб чиқади; 2) тасодиф борлиқдаги номуҳим боғланишлардан келиб чиқади; 3) у нарса ёки ҳодисанинг бутун ривожланиш давомида эмас, балки турли жараёнларнинг таъсирида содир бўлади; 4) тасодиф нарса-ҳодисалар ривожланишининг йўналишини белгилаб бермайди, муқаррар эмас; 5) тасодиф индивидуал характерга эга; 6) тасодиф, қонун билан боғлиқ эмас.

Фаннинг вазифасига борлиқдаги нарса-ҳодисаларнинг ўзаро боғланишларида яширин, инсонга номаълум ички зарурий алоқадорликлар ва ташқи тасодифларни аниқлаш ҳам киради.

и) Имконият ва воқелик. Борлиқдаги нарса-ҳодисаларнинг икки хил даври: ҳозир ва келажакда қандай бўлишини имконият ва воқелик категорияларисиз тушуниб бўлмайди.

Воқелик – ҳозир реал мавжуд, яшаб турган нарса-ҳодисалар. Лекин улар ривожланиш жараёнида дастлаб имконият ҳолатида бўлган, маълум келиб чиқиш даври, вақти ва тарихига эга. Воқелик ўзининг пайдо бўлиш давридан олдин имконият шаклида мавжуд бўлади.

Имконият – воқеликнинг куртак ҳолдаги кўриниши, у юзага чиқмаган воқелик. Имконият воқеликни келтириб чиқарувчи, ривожланишнинг объектив ва субъектив шарт-шароитлари ҳамдир.

Имконият ва воқеликни аралаштириб юбориш назариянинг ролини инкор этишга, инсоннинг табиат ва жамиятни ўзгартирувчи фаолиятини тушунмасликка, амалиётнинг аҳамиятини йўққа чиқаришга олиб келади.

Имкониятлар янги, энди вужудга келаётган, ривожланаётган – прогрессив ва эски, умрини тугатаётган – консерватив реал кучлар сифатида намоён бўлиши мумкин.

Эскиликни ифодаловчи имкониятнинг воқе бўлиши вақтинча. Имконият воқеликка бирдан айланмайди. У эски воқелик ичида, аввало, куртак шаклида мавжуд бўлиб, сўнг ривожланиб, тобора реаллаша боради ва маълум давр, маълум шарт-шароит туфайли воқеликка айланади. Имконият реаллаша боргани сари мавжуд эски воқелик билан кураши ҳам кескинлашиб боради. Имкониятни формал, абстракт ва реал имкониятларга ажратиб ўрганилади. Қуруқ фикрий изчиллик жиҳатидан тўғри, лекин реал асосга эга бўлмаган имконият формал имкониятдир. Формал имконият ҳеч қачон воқеликка айланмайди.

Амалга ошиши учун ҳали шарт-шароитлар тўлиқ етилмаган, лекин амалга ошиши қонуний бўлган, нарса-ҳодисанинг ўзгариш ва ривожланиш мантиғидан келиб чиқувчи имконият абстракт имконият дейилади. Абстракт имконият ривожланиш жараёнида маълум объектив ва субъектив шарт-шароитлар етилганда, реал имкониятга айланади.

Реал имконият – ривожланишнинг асосий тенденциясини ифодаловчи, ҳозирги шароитда унинг ички моҳиятидан келиб чиқувчи конкрет, айни вақтда амалга ошиши мумкин бўлган имкониятдир.

Объектив шарт-шароитлар – булар инсон онггидан ташқарида мавжуд бўлган шарт-шароитлардир. Субъектив омил – халқ оммаси, унинг онглилиги ва актив амалий фаолияти. Имконият ва воқелик диалектикасини ўрганиш масаласи жамиятни бошқаришда жуда аҳамиятли. Бунда субъектив омил объектив шарт-шароитларга асосланади.

Умуман, диалектикада детерминистик алоқадорликларни ифодалайдиган категориялар нафақат ўзаро, балки бошқа барча категориялар билан чамбарчас боғлиқликда ўрганишни тақозо этади.

Такрорлаш учун саволлар

1. Оламдаги айният ва зиддият ҳолатларига мисоллар келтира оласизми?
2. Миқдор ва сифат нима? Меъёр-чи?
3. Категориялар тушунчасини қандай изоҳлайсиз?
4. Диалектиканинг асосий категориялари қандай тизимлашади?
5. Жуфт категориялар мазмунидаги ички бирликнинг асоси нимада?
6. Ҳозирги даврда тараққиёт ва ўзаро боғлиқлик тамойиллари қандай намоён бўлмоқда?

ГНОСЕОЛОГИЯ – БИЛИШ НАЗАРИЯСИ

Таянч тушунчалар: *билиш, билишнинг субъекти, объекти ва предмети, оддий билиш, илмий билиш, ҳиссий билиш, мантиқий билиш, интуитив билиш, ғойибона билиш, ақлий билиш, ҳақиқат, нисбий ҳақиқат, мутлақ ҳақиқат, догматизм,*

релятивизм, илмий билиш методлари, методология, билишнинг эмпирик даражаси, билишнинг назарий даражаси.

Инсоннинг дунёга муносабатларидан бири **БИЛИШ**дир. Инсон ҳаёти давомида фақат табиат ва жамиятнигина билиб қолмасдан, балки ўзини, ўзининг руҳий-маънавий дунёсини ҳам билиб боради.

Билишни фалсафа ва бошқа ҳамма аниқ фанлар ўрганади. Аниқ фанлар дунёнинг турли конкрет томон, қонуният ва хусусиятларини очиб беради.

Фалсафа эса инсон билишининг ТАБИАТИ ВА МОҲИЯТИни тушунтиради. Фалсафада инсон билишининг табиати ва моҳияти ҳақида ҳар хил таълимот, қараш ва назариялар келиб чиқди.

Бир гуруҳ файласуфлар фикрича, инсон, унинг онгидан ташқари дунё мавжуд эмас, Бошқа бир гуруҳ файласуфлар эса инсон дунёни тўлиқ била олмайди, деб, инсон билишини чеклайди. **Скептицизм**[1] таълимоти вакиллари инсон билишининг нисбийлиги, унинг турли шароит ва вазиятлар билан боғлиқлигини айтиб, исбот талаб қилмайдиган инсон билимларининг бўлиши мумкинлигига шубҳаланадилар. **Агностицизм**[2] вакиллари инсон дунёни билишга қодир эмас, деган ғояни илгари суради. Масалан, инглиз агностик файласуфи Д.Юм таълимотига кўра, билиш объекти объектив борлиқ эмас, балки субъектив сезги ва идроклардир, улар чегарасидан ташқарида нима борлигини билиб бўлмайди.

Ғарб фалсафаси, хусусан, немис мумтоз фалсафаси вакили И.Кант бу масалаларни ўзининг трансцендентал билимлар соҳасидаги қарашларида ифодалашга ҳаракат қилиб, уларни априор масалалар, деб таъриф ва тасниф қилган[3]. У инсон ва унинг онгидан ташқарида объектив борлиқнинг мавжудлигини эътироф қилиб, предмет-ҳодисаларни «нарсалар биз учун» ва «нарсалар ўзида» га бўлади. Унингча, «нарсалар биз учун»(предмет ва ҳодисалар, табиат)ни инсон била олади, «нарсалар ўзида»(эркинлик, ўлмаслик, ғайритабиий кучлар, Худо)ни эса ҳеч қачон тўлиқ била олмайди. И.Кант билиш назариясида эътиқодни мустаҳкамлаш учун ақлни танқид қилади. У инсон ақлини назарий ва амалийга бўлади: амалий ақл чекланган, инсон тажриба ва амалиёт ёрдамида ҳар қандай билимга эга бўлавермайди. Инсон билишида тажрибасига боғлиқ бўлмаган априор (лотинча aprior тажрибадан олдин, азалдан) туғма билимлар бўлади.

И.Кантнинг фикрича, фалсафий билимлар априор билимлардан иборат. Илмий билимнинг ишончлилиги ва ҳақиқатлилиги унинг энг умумийлилиги ва зарурийлиги билан белгиланади. Хуллас, Кант билиш назариясини илк марта фалсафий муаммо сифатида атрофлича таҳлил қилган файласуфдир.

Агностицизм, скептицизм билан бирикиб, **нигилизм**га олиб келади.

Илм ва фан ютуқларига асосланган файласуфлар, жумладан, қадимги юнон файласуфлари эса инсоннинг дунё ва ўзини билишни ҳамиша эътироф этиб келганлар. Ўрта аср Марказий Осиё мутафаккирлари: Форобий, Беруний, Ибн Сино, Улуғбек, А. Навоий қарашларича, инсон табиат, жамият ва ўзини билишга қодир, инсон билиши сезги ва идроклардан бошланиб, тафаккурга, маълум нарсалардан номаълум нарсалар томон ривожланиб боради. Инсон ақли – фаол, у инсон билишининг асосий қуролидир[4].

---

[1] скептицизм - юнонча: скептома - ўзбекча: шубҳаланаман дегани

[2] агностицизм - юнонча: «а» ва «гносис» - ўзбекча: билишни инкор киламан.

[3] Скирбекк Г., Гилье Н. Фалсафа тарихи. Олий ўқув юрт. учун ўқув қўлл. – Т.: Шарқ, 2002. – Б. 420.

[4] Масалан, Абу Наср Форобий аклий билишни ҳар томонлама асослаб, инсон тафаккури билиш қобилиятининг чексизлигини, унинг борлиқни билишдаги ролини, акл ҳақиқат мезони эканлигини, у илм - фан, маърифат орқали ривожланиб боришини таъкидлайди.

Ислом фалсафасининг услубий ёндашувларида кўрсатилишича, илмга берилган таъриф қуйидагича: илм кузатув, тажрибалар, хулосалар асосида вужудга келган қонун-қоидалар ва фаолиятлардан иборат жараёндир. Шунингдек, «метафизика, ахлоқ каби ўз таркибига қонунчилик билан жамият тартиб-тизимларини қамраб олган соҳалар ҳам борки, буларнинг бари агар ақл (мантиқ)га асосланса, биз уни фалсафа деймиз», деган қараш шаклланган. Ислом таълимотига оид кўпгина манбаларда фалсафий ва табиий-илмий билимлар тадқиқ этилишининг назарий-услубий асослари илмнинг исломдаги доирасига таянилиб амалга оширилади. Унга кўра, «илм» сўзининг маъносини фақат замонавий таърифдан келиб чиқиб тушуниш тўғри эмас. Чунки, юқоридаги таъриф материяга тааллуқли бўлиб, бу таърифдан борлиқ: осмон ва ер ҳамда булар орасидаги олам билан чегараланилади, деган хулоса келиб чиқади. Мазкур таърифни фалсафий жиҳатдан олиб қарайдиган бўлсак, борлиқнинг ортида нима бор? Борликдан аввал нима бор эди-ю, ундан кейин нима келади? деган масалалар очиқ қолганлигига иқрор бўламиз. Шунинг учун ислом фалсафасида бирорта олим ёки файласуф на илоҳийлик, на пайғамбарларга ваҳий юборилишини ва ғайбга тегишли нарсаларни инкор этмаган.

Олим Т.Каримов фикрича, «дунёвийлик» тушунчаси қадимги шарқ меросида баён қилинган бўлсада, Платон асарларидан сўнг фалсафада билиш таълимотининг асосий тушунчаси сифатида конкрет мазмунга эга бўлган.

Платон таълимотига кўра, дунёнинг моҳияти даставвал моддий бўлмаган фикр ва ғоялар тарзида мавжуд бўлиб, ақл ёрдамида билиб олинади. Туб моҳиятни англаш алоҳида қобилият эгаларига хосдир. Бироқ дунёнинг моҳиятини нарса ва ҳодисаларнинг сифат ва хусусиятларини ўрганиш асносида ҳам билиб олиш мумкинлиги инкор этилмайди, яъни теварак-атрофимиздаги буюмлар билан инсон бевосита сезги аъзолари орқали ўзаро мулоқотда бўлади. Лекин бу билиш жараёни машаққатли бўлиб, кишилардан меҳнат ва вақт талаб қилади. У ҳис қилиш аъзолари орқали нарса ва ҳодисаларнинг белгиларини қиёсий таҳлил қилиш, умумлаштириш шаклида содир бўлиб, уларнинг ўзгарувчан хусусияти сабабли, нисбий характер касб этади. Ақлга нисбатан иккинчи даражали ҳисобланган ҳиссий билишда дунёнинг моҳияти тўғридан тўғри акс эттирилмайди.

Аристотел таълимоти устози Платондан фарқли равишда, дунёнинг моҳияти ана шу дунёни ташкил этиб турган нарса ва ҳодисаларни ўрганиш орқали ойдинлашади, деган қоидага қурилгандир.

Демак, бу таълимотлардан кўринадики, дунёнинг моҳиятини англатувчи, ғойибдан алоҳида кишиларга (масалан, пайғамбарларга) тайёр ҳолда берилиши мумкин бўлган ва эътиқодга асосланган яъни дин нуқтаи назаридан бевосита ишониш талаб қилинадиган ёки ақлий муҳокама қилинмайдиган билимлар диний билимлардир. Дунёвий илмлар эса мазкур дунёни ташкил этувчи нарса, ҳодисаларнинг хосса ва сифатларини ўрганиш орқали орттирилган билимлар сабабли ҳосил бўлади.

Ушбу масалада ислом фалсафаси вакилларининг ёндашувлари қуйидагича: Абу Наср Форобий фикрича, «Илм қилиш учун, аввало табиатни билиш керак, чунки у бизнинг сезги органларимизга яқин, сўнгра фалсафани билишга ўтиш керак»[1]. Яъни сезги тасаввур этишга бир воситадир. Билиш тасаввурдан бошланиб, тасдиқда тамом бўлишини назарда тутсак, мантиқий хулосалар доим ҳаёт синовларида ўз тасдиғини топиши лозимлиги аён бўлади. Форобийнинг издоши Абу Али ибн Сино таълимоти

[1] Файзуллаев О. Фалсафа ва фанлар методологияси / Ўзбекистон Республикаси ФА И. Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти. – Т.: «Фалсафа ва ҳуқуқ» нашриёти, 2006. – Б. 37.

бўйича, «...сезги нарсани тўла биолмайди, фақат тафаккур тўла билиши мумкин. Кўз кўрганда нарсанинг рангидан ташқари узунлиги, бўйи, эни, шакли, шунингдек, ҳаракатдами ёки жим турибдими, ҳиди, қаттиқ-юмшоқлиги, буларни ҳам билиб олади. Сезиш тез ўзгарувчанликни пайқайди». Яъни аксиденциялар сезги доирасида, субстанциялар тафаккур доирасида билинади. Абу Райҳон Берунийнинг ёзишича, билиш икки хил йўналишда бўлади: 1) сезги орқали ҳозирги нарсаларни билиш; 2) хотира орқали тарихни билиш. Олим О.Файзуллаев тадқиқотидан маълум бўладики, Шарқ мутафаккирлари йигирмадан ошиқ илмий тадқиқот усулларини кашф этганлар.

Демак, IX–XI аср Шарқ мутафаккирлари дунёвий илмларни бошқа илмлардан ажратиб олишда, мантиқ талабларига мос келишлик ва тажрибада синаб кўриш йўли билан ҳақиқатни аниқлашга алоҳида эътибор берганлар. Шунинг учун дунёвий илмларга қўйилган талаблар илмнинг замонавий таърифида ўз ифодасини топди.

Тадқиқотчи С.Оқиловнинг ёзишича, Абул Муъин Насафийнинг «Табсиратул адилла» асарида «Илмнинг таърифи», «Ҳақиқат ва илмлар исботи ҳақида сўз», «Маърифат (билиш) омиллари ҳақида» фасллар бор. Насафий мотуридийа мактаби вакили сифатида ашъарийлар ва муътазилийларнинг илм ва билиш ҳақидаги таърифларини таҳлил этган.

Ашъарийа ва мотуридийа олимлари аҳли суннанинг ажралмас вакиллари бўлса-да, улар ўртасида кичик фарқлар борлиги маълум бўлади.

Муътазилий Абу Али ал-Жуббоий шундай дейди: «Илм – бир нарса қандай бўлса зарурат ва далил билан, шундай, деб эътиқод қилиш».

Ашъарий Абу Бакр ал-Боқиллонийга кўра: «илм бир нарсани қандай бўлса, шундай деб танимоқ»дир.

Баъзи ашъарийлар: «Илм – бир нарсани қандай бўлса, шундай идрок қилмоқ».

Насафий фикрича, илм эътиқод эмас. Чунки Аллоҳ алимдир (ҳамма нарсани билувчи), мўътақид (эътиқод қилувчи) эмас. Шунингдек, Аллоҳ «Ориф» сифати билан танилмагани боис, «илм» ва «маърифат» тушунчалари бир-биридан фарқ қилади. У баъзи ашъарийларнинг «Илм билувчини «Олим» деб аталишига вожиб қилувчи нарсадир ва илм шундай сифатки, унга эга бўлган зот олимдир», деган фикрига қўшилса-да, Абу Мансур Мотуридийнинг қуйидаги таърифини энг тўғри деб топади: «...илм шундай бир сифатки, илм эгаси бўлган зот унга тажалли қилади (ўша сифат орқали намоён бўлади)».

Профессор О.Файзуллаев «Фалсафа ва фанлар методологияси» китобида баҳс юритган илмий билишнинг тасаввуф услубига кўра, «тил билими»дан «қалб билими» ажратилади. Қалб билими, аввало, қалбнинг ўзини билишдан бошланади. Қалбни билиш асосида «ворис билими» ётади. «Ворис билими» дунё ҳақидаги тушунчалардир». Буни ақл – миядаги билим, илоҳий илм эса, қалбдан жой олади, деб изоҳлаш мумкин.

Тасаввуф фалсафаси вакиллари инсоннинг ҳиссий билиши – ташқи билишни, ақлий билиш – ички билишни ташкил қилиши, уларнинг ўзаро боғлиқлигини уқтирганлар. Инсон дунёни ва ўзини билиши учун ўқиб ўрганиш, билим ва ҳунарларни эгаллаш жамиятда бошқа кишилар билан ўзаро мулоқотда ва муносабатда бўлиш орқали камолотга эришмоғи лозим: *«Одам Худони билиш учун ўз-ўзини билиши керак экан, ўз-ўзини билиш ўзи ҳақида ахборот йиғишигина эмас, балки айни пайтда эмоционал ўзгариб бориб нопок хусусиятлардан тозаланиш, шу йўсинда ички дунёсини бойитиб олий билишга ўтилади. Ўз-ўзини, шунингдек, табиатни билиш – бу одамнинг ўзига, қобилиятига, ниятига, хатти-ҳаракатига ва шароитига боғлиқ. Бу – Аллоҳни билишнинг, олий билиш йўлининг бир қисмидир. Яъни субстратидир. Шу субстратга табиат билимларидан ташқари арифметик билимлар, ҳуқуқ билимлари,*

ҳар хил илмий мунозаралар киради»[1]. Бизнингча ҳам, билимдонлик ички дунёнинг поклиги бўлиб, инсоннинг ички ҳолати ташқи хатти-ҳаракатига мос бўлгани маъқул.

Янги давр (XVI – XVIII асрлар) Европа фалсафасида илм билим соҳалари орасидаги фарқланиш ва тизимларни осонлаштириш мақсадида инсоннинг малакалари ҳамда сезгисига мувофиқ равишда турларга бўлинган эди. Унга кўра, «ташқи белгилари кўриниб турадиган, зеҳн орқали идрок қилинадиган макон» материядир. Олимлар идрок қилинадиган маконни «илм» деб аташди. Мантиқ амал қилувчи соҳа икки қисмга бўлинди: 1. Математика ва аниқ фанлар. 2. Илоҳиёт (Теология).

Бу масалада илоҳиёт ва ахлоқ фақат ақлга асосланган бўлиб, бундай ғоялар тизими фалсафа илмида ўз аксини топди.

Инглиз файласуфларидан Ф.Бэкон шундай дейди: *инсон билиши сезгилардан бошланади, билишнинг манбаи тажрибадир, сезгилар оркали олинган далилларни инсон тафаккур ёрдамида қайта ишлаб чиқади*. Унингча, инсон билиш жараёни фан ва амалиёт билан боғлиқ. Француз файласуфи Декартга кўра, бирдан бир тўғри билиш тафаккурдир. Инсон билишнинг ҳақиқатлилиги тажриба эмас, балки ақл билан аниқланади. Демак, у билишда сезги аъзолари фаолиятига ишонмайди.

Француз маърифатпарварлари: Дидро, Гольбах, Гельвеций, Вольтер ва Ламетрилар эса сезгилар тафаккурнинг асоси, улар инсон билишининг қуйи бошланғич босқичи, тафаккур эса энг юқори, мураккаб босқичи эканлигини таъкидлашади.

Немис классик фалсафаси намоёндаси Гегель: инсон билиши мутлақ руҳнинг инсон қиёфасида ўз-ўзини англашидир, дейди. Л.Фейербах фикрича, инсон билиши табиатнинг унинг сезгилар ва тафаккуридаги тўғри инъикоси. Сезгилар билиш жараёнининг бошланғич босқичи, улар инсонни ташқи дунё билан боғлайди, инсонни табиат билан таништиради, лекин табиатни тушунтирмайди. Инсон билишининг юқори босқичи тафаккурнинг асосий вазифаси маълумотларни тўплаш, қиёслаш, таҳлил қилиш, изоҳлаш, умумлаштириш асосида хулосалар чиқаришдир.

XVII асрларда, дастлаб Шарқ фалсафаси, сўнг Европада ақлий билишдан фарқ қилувчи бевосита пайкаш, бевосита билиш шакли – «билишнинг учинчи хили» интуитив[2] билиш юзага келди.

Метафизик материалистларга кўра, билиш дунёдаги предмет-ҳодисаларнинг инсон миясидаги оддий инъикоси, ҳиссий ва ақлий босқичларни бир-биридан алоҳида билиш шакллари сифатида қарайдилар.

Билишнинг диалектик-материалистик назариясига кўра, инсоннинг дунёни ва ўзини билиш имконияти ва даражаси, ижтимоий шароитга, ишлаб чиқарувчи кучлар ва уларнинг эҳтиёжларига, ишлаб чиқариш муносабатларининг характерига боғлиқдир. Билишнинг фалсафий назариясига кўра, инсон билиши моддий ва маънавий борлиқнинг унинг миясидаги муайян мақсадга қаратилган фаол инъикосидир.

Шу ўринда айтиш жоизки, диннинг ибтидоси бирор бир манба ёки ақлнинг манбаи каби эмас. Ақл дин олиб келган далилларнинг барчасини тасдиқлаганида эди, диннинг асосий принциплари билан ақл бир-бирига зид келмасди. Шу маънода ислом фалсафаси нуқтаи-назаридан илмга умумий таъриф бериш орқали юқоридаги ихтилофларга барҳам беришимиз мушкул. Масалан, Азҳар университети шайхи

[1] Файзуллаев О. Фалсафа ва фанлар методологияси / Ўзбекистон Республикаси ФА И. Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти. – Т.: «Фалсафа ва ҳуқуқ» нашриёти, 2006. – Б. 27.

[2] Интуиция (лот.:intueri- сўзидан олинган бўлиб, ўзб.:бевосита билиш, бевосита пайқаш, дегани) - мантиқий муҳокама қилмасдан, тўсатдан ғайри ақлий билишни ифодаловчи тушунча.

Абдулҳалим Маҳмуд: «инсон учун фойдали ҳар бир нарса маърифатдандир» дейди. Аммо «фойдалилик» нисбий тушунча эканини ёдга олсак, бу фикрни тўғри деб бўлмайди.

«Илм» тушунчасини саҳро шароитида бадавийнинг ҳаёт-мамотини ҳал қилувчи «йўл белгиси» маъносида этимологик таҳлил қилган инглиз тадқиқотчиси Ф. Роузентал[1] ва «эътиқод ва илм» тушунчаларини лингвистик, маданиятшунослик жиҳатдан тадқиқ этган Е.А.Фролова[2] маълумотларига кўра, ислом фалсафасида «илм» га доир қатор таърифлар мажмуи мавжуд. Мазкур тадқиқотларга таяниб, илмга муайян бир сўз билан таъриф бериб бўлмайди, деб хулоса қилиш мумкин. Бошқача айтганда, ягона таърифда диний ва дунёвий илмлар мазмунини ифодалаш мушкул.

Юқоридаги таърифларни умумлаштириб, қуйидагича талқин қилиш мумкин: Инсоннинг билиш жараёни ва усуллари сезги, ақл ҳамда қалбга боғлиқ. Билим эса билишнинг натижасидир. Модомики, жараён турлича экан, унинг ҳосиласи ҳам турличадир. Билим – муайян бир нарсанинг ҳоли, хусусияти, сири ҳақидаги қайсидир даражада мия илғаб олган маълумот бўлиб, маълум бир вақт давомида яратилган инъикосдир. Унинг назарийлашган шаклини илм дейиш мумкин. Назария инсон фикрида мужассамлашган амалиёт бўлиб, унинг воқеликни реал акс эттириши кузатиш, тажриба, эксперимент, ўзгартириш, яратиш (яъни амалиётнинг шакллари) ёрдамида аниқланади.

Инсон билишнинг СУБЪЕКТИ. ОБЪЕКТИ эса борлиқ. Билишнинг предмети билиш объектининг субъект билишига қаратилган, унинг билиш фаолияти доирасига кирадиган томон, хусусият ва муносабатларидир.

Билишнинг субъекти, объекти ва предмети билиш жараёнида доим ўзгариб, эскилари ўрнини янгилари олиб боради. Инсоннинг билиш жараёнида субъект билиши зарур бўлган объектни билиб олгач, бу объект субъектнинг билиш даражасидан чиқарилади, у энди билишнинг объекти бўлмай қолади.

Инсоннинг яхлит тизимли билиши «субъект-предмет-объект» муносабатлари асосида юзага келувчи ижтимоий тарихий жараёндир.

Билишда субъектнинг фаоллиги унинг муайян мақсадга қаратилган амалий-ижтимоий фаолиятида намоён бўлади.

Инсон ўз ҳаётининг илк давридан бошлаб ўзига тирикчилик воситалари: озиқ-овқат, турар-жой топиш учун меҳнат қилишга мажбур бўлган. У меҳнати жараёнида табиат кучларига дуч келиб, уларни аста-секин ўрганиб, билиб борган. Ишлаб чиқаришни ташкил қилиб, меҳнат қуролларини яратиш, улар воситасида табиатга таъсир қилиш, ер майдонларини ўлчаш, турар-жойлар қуриш, ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларни ҳисоблаш каби ишларни амалга ошира боради. Натижада инсоннинг билиш қобилияти ривожланиб борди.

Демак, ижтимоий амалиёт инсон билишнинг асоси, манбаи, ҳаракатлантирувчи кучи ва мақсади ҳамдир. Инсон билишнинг даражаси доим жамият ишлаб чиқариши амалиётининг даражаси ва имкониятлари билан белгиланади. Жамият эҳтиёжларга жавоб бериш натижасида янги-янги билимлар пайдо бўлади, уларни маълум гуруҳларга ажратиб, системалаштириб бориш туфайли ҳар турли фанлар вужудга келади.

2. Инсон билишини шартли равишда бир неча турларга бўлиб ўрганиш мумкин. Дастлаб оддий ва илмий билишларга ажратиш мумкин.

[1] Қаранг: Роузентал Ф. Торжество знания: концепция знания в средневековом исламе. – М.: Наука, 1978. -372 с.
[2] Қаранг: Фролова Е. А. Проблема веры и знания в арабской философии. – М.: Наука, 1983. -169 с.

Оддий билиш ҳамма кишиларга хос одатдаги, кундалик ҳаётларида борликдаги предмет-ҳодисаларни бевосита ўз сезги аъзолари ва оддий тафаккур қилишлари орқали билишдир. У кишиларнинг ҳаётий тажриба, малака ва амалий ишлари орқали ҳосил бўлиб, одатда «соғлом фикрлар»да ўз ифодасини топган бўлади.

Илмий билиш борликдаги предмет-ҳодисаларнинг қонуниятлари, уларнинг моҳиятини билиш, одатда илмий тадқиқот ва илмий изланишлар олиб бориш асосида амалга ошади. Илмий билиш узоқ давом этадиган, муайян усуллар билан амалга ошириладиган мураккаб зиддиятли билишдир. Шу боис илмий фаолият билан ҳамма эмас, балки алоҳида кишилар: тадқиқотчи, олимлар шуғулланадилар.

Билишнинг пайдо бўлишига кўра, ҳиссий билиш, мантиқий билиш, интуитив билиш, ғойибона билиш каби кўринишлари фарқланади.

Ҳиссий билиш, одатда, инсоннинг ҳис қилиши, сезги аъзолари орқали предмет-ҳодисалар, уларнинг ташқи томон, белги ва хусусиятларини бевосита идрок қилиш. Бу деярли барча тирик мавжудотга хос.

Мантиқий билиш инсоннинг предмет-ҳодисаларни тафаккур орқали умумлаштириб, мавҳумлаштириб ва конкретлаштириб, фикрда билишидир.

Интуитив билиш ҳеч бир бевосита ҳиссий идроксиз ва мантиқий муҳокамасиз бирор янги тасаввур ёки фикрнинг бирданига, кутилмаганда туғилишидир.

Интуитив билиш одатда, киши бирор нарса ёки ҳодиса ҳақида муайян тасаввур ва билимларга эга, унинг фикри маълум муаммо ёки масалани ечишга йўналтирилган асносида рўй беради. Фанда узоқ давр интуитив билишнинг механизми маълум бўлмай келгани сабабли у ҳақида ҳар хил қараш, ёндашувлар пайдо бўлди. Баъзилар фикрича, интуитив билиш илоҳий, фақат буюк кишиларга хос.

Бошқалар эса, интуитив билиш фақат ижодий жараён, яъни илмий кашфиёт, ихтиролар ва бадиий ижод жараёнига хос, дейдилар. Улар наздида, интуитив билиш ижодий жараёнда эски фикрдан янги фикрга ўтиш, яъни сакрашдан иборат. Айрим тадқиқотчилар фикрича, интуитив билиш – бадиий ижод билан боғлиқ, янги ғоянинг туғилиши. Ҳақиқатан ҳам, тадқиқотчи ёки ижодкор фикри-зикри бирор нарса билан қаттиқ банд бўлган пайтда, унинг миясига ҳеч кутилмаганда янги бир фикр ёки ғоя тўсатдан келиб қолиши мумкин.

Тадқиқотларга кўра, интуитив билишнинг пайдо бўлиши инсон миясининг онгсиз ёки онг ости фаолияти, ҳиссий ва мантиқий билишлар билан боғлиқлиги сабабли унинг бевосита сезиш, бевосита ҳис қилиш, бевосита идрок қилиш каби шакллари мавжуд. Аммо интуитив билиш кишининг олдинги тажриба, кўникма, малака ва эришган билимларига асосланган ҳолда юзага келади.

Интуитив билиш, аслида инсоннинг оддий кундалик амалий билиш фаолиятига ҳам хос. Топишмоқларга берилган жавоблар, шахмат ўйини, кроссворд ечиш мисол бўлади.

Ғойибона билишда киши узоқ масофадан содир бўлган ёки бўладиган воқеани билади, ҳис қилади, бу ҳодиса қандай содир бўлиши унга аён бўлади. Кишилар бирор ишнинг натижаси ҳақида олдиндан: «шундай бўлиши керак, бунга мен қатъий ишонаман», «оёғим тортмовди», «негадир кўнглим ғаш» каби мулоҳазаларни айтишади.

Лекин ғойибона билишнинг механизми ҳозирча фанга маълум эмас. Кўпинча ғойибона билиш илоҳийлаштирилиб, бу фақат азиз-авлиё, алоҳида кишиларга хос, деб қаралмоқда.

Инсон билишининг ижтимоий ҳодисалар билан боғлиқлигига кўра, уни **мифологик, диний, фалсафий, бадиий-эстетик** билиш каби турларга ажратиш

мумкин. Билишнинг бу турлари инсон билиш соҳаларининг турли томонларини ташкил қилади. Фалсафада муҳим бир бўлим ажратилган фалсафий билиш билишнинг умумий табиати ва моҳияти, субъектив ва объектив муносабати, билишдан амалиётнинг роли, билиш жараёнининг диалектик характери, билишда ҳақиқат муаммоси каби масалалар билан шуғулланади.

Инсон билиши диалектик характерга эга: у билмасликдан билишга, аниқ бўлмаган, қисман билишдан аниқроқ, тўлиқроқ, оддийдан мураккаб илмий, ҳиссийдан ақлий билишга, жонли мушоҳадалардан абстракт тафаккурга томон ва аксинча борадиган жараёндир. Ҳиссий ва ақлий билиш яхлит инсон билишининг бир-бирлари билан чамбарчас боғлиқ икки: «қуйи» ва «юқори» босқичларидир.

Ҳиссий билиш – инсон билишининг дастлабки босқичи. Мияда предмет-ҳодисаларнинг ташқи томон, белгилари акс этиб, сигнал ва ҳиссий образлари ҳосил бўлади. У ҳис қилиш, сезги, идрок ва тасаввур каби шаклларда содир бўлади.

Ҳис қилиш – киши ўзи, атрофдаги нарса, ҳодиса, киши ёки кишиларга муносабатида ўзининг муайян ҳолатга кириши.

Сезги эса инсон сезги аъзоларига предмет-ҳодисаларнинг бевосита ёки билвосита таъсири натижасида юзага келадиган ҳиссий образлардир. Сезги аъзолари: кўриш, таъм, ҳид, тери ва эшитиш сезгиси.

Идрок борлиқдаги предмет-ҳодисаларни яхлит ҳолда, уларнинг ҳамма асосий ташқи белги ва хусусиятларини умумлаштирган ҳолда инъикос эттирувчи ҳиссий образидир.

Тасаввур – илгари идрок этилган, аммо айни вақтда бевосита идрок этилмаётган предмет-ҳодисаларнинг инсон миясидаги қайта ишланиб, тикланган ҳиссий образдир. *Масалан, Ўзбекистоннинг мавжуд имконият, шарт-шароитларидан унинг келажакда ривожланган мамлакатлар сафидан ўрин олиб, буюк давлат бўлишини тасаввур қилиш мумкин.*

Ақлий билиш эса инсон билишнинг юқори босқичи, унда ҳиссий билиш орқали олинган факт ва маълумотлар тафаккурда қайта ишлаш натижасида, борлиқдаги предмет-ҳодисаларнинг фикрий белги, символ ва образлари яратилади. Ўзгача айтганда, предмет-ҳодисаларнинг моҳияти билинади. Ақлий билишнинг тафаккур ҳосил қилган шакллари: ҳукм, тушунча, хулоса чиқариш.

Ҳукм – борлиқдаги муайян предмет-ҳодисалар, улар ўртасидаги боғланиш ва алоқадорликлар ҳақидаги тасдиқ ёки инкор фикр. Инсон ўз тафаккурида бир ёки бир неча ҳукмларни мантиқий ўзаро боғлаб, турли усуллар асосида энг муҳим хусусиятларини ажратиб олиб, бирор тушунча ҳосил қилади.

Тушунча предмет-ҳодисалар муҳим, зарурий белги ва хусусиятларининг умумий, абстракт ва конкрет фикрий образидир. *Масалан, «инсон» тушунчаси ҳамма кишилик жамиятига хос, меҳнат қилувчи, меҳнат қуроллари ва меҳнат воситаларини яратувчи ҳамда моддий ва маънавий неъматларни ишлаб чиқувчи: онг, тафаккур, тил ва нутқ каби муҳим, зарур белги ва хусусиятларга эга биоижтимоий мавжудотнинг фикрий шаклидир.*

Хулоса чиқариш бир ёки бир неча ҳукмлар асосида янги ҳукм – янги фикр ҳосил қилиш. Одатда, хулоса чиқаришнинг бир неча турлари мавжуд, уларни «Мантиқ» фани ўрганади.

3. Инсоннинг борлиқни билишидан асосий мақсади ҳақиқатни билишдир.

Ҳақиқат – инсон билимларида борлиқнинг тўғри инъикос этиши, предмет-ҳодисалар асли қандай бўлса, инсон миясида худди шундай акс эттирган билимлар.

Масалан, табиат ва жамият қонунлари ҳақиқатлардир. Улар мазмунан объектив бўлса-да, инсон фикрида ифодаланиш шаклига кўра, субъективдир.

Ҳақиқатни билиш – мураккаб жараён. Борлиқ ҳақидаги билимлар бирданига, тайёр ҳолда юзага келмайди. Предмет-ҳодисаларнинг аввал ташқи, сўнгра ички томонлари билиб борилади. Билимлар нисбий ҳақиқатлардан мутлақ ҳақиқатларга томон боради.

Нисбий ҳақиқат – борлиқдаги предмет-ҳодисалар тўғрисидаги тахминан тўғри, лекин тўлиқ бўлмаган, билиш жараёнида тузатилиб, тўлдирилиб борилиши лозим бўлган билимлар.

Мутлақ ҳақиқат – борлиқдаги предмет-ҳодисалар ҳақидаги ҳар томонлама тўлиқ, аниқ, мукаммал, келгусида тузатилмайдиган, тўлдирилмайдиган билимлар. У чексиз нисбий ҳақиқатлар жами сифатида қарор топади. Инсон билиши ҳеч қачон мутлақ ҳақиқатга тўлиқ эга бўлмайди, балки унга чексиз яқинлашиб боради.

Илм-фан тараққиётида ҳар бир янги босқич нисбий ҳақиқатлар сифатида мутлақ ҳақиқатнинг мазмунига янги-янги зарралар қўшиб боради.

Ҳақиқат мавҳум эмас, балки у макон ва замон билан боғлиқ аниқ билимлардир.

Билиш назариясининг нисбий ва мутлақ ҳақиқатлар диалектикасини тўғри ҳисобга олмаслик догматизм ва релятивизмга олиб келади.

Догматизм билишда билимларнинг мутлақ томонларини бўрттириб, уларнинг нисбий томонларини инкор этиш, у ёки бу қоидани аниқ шароит, жой ва вақт билан боғланмаган ҳолда ҳар қандай шароитда қўллаш натижаси.

Релятивизм билимларнинг нисбий томонларини мутлақлаштириб, мутлақ ҳақиқатни бутунлай инкор қилиш туфайли келиб чиқади. У агностицизм, скептицизм ёки субъективизмга олиб боради. Инсон билиши нисбий ҳақиқатдан мутлақ ҳақиқатга томон ривожланиб боради. У нисбий ва мутлақ ҳақиқатлар бирлигидан иборат.

Инсон қадимдан ўз билимларининг ҳақиқатлиги, хатодан фарқини ажратувчи мезонни топишга ҳаракат қилиб келган. **Формал мантиқ** мезонига кўра, билим ҳақиқат бўлиши учун уни ифодаловчи фикр иккинчи фикрга мувофиқ ёки у бошқа билимдан заруран келиб чиқиши лозим. Объектив идеалистлар ҳақиқатнинг мезони, деб мутлақ ғоянинг ўз-ўзига мос келишини тушунадилар. Субъектив идеалистлар эса, субъектнинг ўзи ёки унинг тафаккури,, дейишади. Материалистлар, амалий фаолиятни оладилар. Улар назариясида амалиёт инсон билимларининг тўғри ёки хатолигини аниқловчи мезондир.

XX аср непозитивизм оқими вакиллари когеренция принципи бўйича: ҳақиқатнинг мезони – билимнинг ўз-ўзига мос келишини тушунадилар. Непозитивизмнинг бошқа гуруҳи вакиллари верификация принципини илгари сурадилар: билимларни ҳиссий тажриба, кузатиш, эксперимент йўллари билан текшириш мумкин. Бироқ фанларда баъзи ғоялар ва қарашларнинг ҳақиқатлигини ҳиссий тажрибалар асосида текшириб бўлмайди.

Прагматизм оқими вакиллари фикрича, ҳар қандай иш ва билимнинг ҳақиқатлик мезони унинг инсонга келтирадиган фойдаси бўлиши керак.

Экзистенциализм фалсафаси вакиллари қарашларига кўра, ҳақиқатлик мезони – ҳар бир кишининг ўз эҳтиёжи, мақсад ва манфаатларидир. Ҳеч қачон икки кишининг эҳтиёжи, интилишлари бир-бирига тўла мос келмайди. Шунинг учун ҳақиқатнинг барчага баравар мезони бўлиши мумкин эмас.

Инсон билимларининг ҳақиқат ёки хатолиги амалий фаолиятда маълум бўлади. Амалиёт билимнинг ҳақиқатлигини тасдиқлайди ёки унинг чекланган, бир томонлама, хато, ҳатто, ғайри илмийлигини аниқлаб беради. Аммо амалиёт ҳам инсон билимларининг ҳақиқатлик мезони сифатида мутлақ эмас. Бунинг боиси: инсон билимларининг ҳақиқат ёки хатолиги амалиётда тасдиқланиши асло тўлиқ бўлмайди. Барча даврларда ҳали ҳақиқат ёки хатолиги тўла аниқланмаган кўп муаммо ва

гипотезалар мавжуд, улар келгуси авлодлар томонидан тузатилиб, тўлдирилиб, ҳал қилиниб борилади.

4. Тадқиқотчи ўз тадқиқоти жараёнида тадқиқот объектини билиш, янги билимларга эришиш учун қўллайдиган турли амалий ва назарий фаолият усул ҳамда воситалари ИЛМИЙ БИЛИШНИНГ МЕТОДЛАРИ дейилади.

Бу методларнинг илмий билишдаги вазифаси: тадқиқотчига ўрганилаётган предмет ёки ҳодисанинг табиати ва моҳияти, қонун ва қонуниятларини очишда ёрдам бериш, тадқиқотнинг муваффақиятини таъминлаш.

Илмий тадқиқот ишларида нотўғри танланган ёки қўлланган методлар тадқиқотчини боши берк кўчага киритиб, самарасиз тадқиқотга олиб келиши мумкин.

Тўғри танланган илмий билиш методлари тадқиқот йўлини ёритувчи бир машъалдир.

Илмий билиш методларини ўрганиш фалсафада методологияни вужудга келтирди. **Методология** илмий билиш методларига оид фалсафий таълимот.

Методологияга кўра, илмий тадқиқот методлари ўз табиати, характери, қўлланиш соҳалари, кўлами, даражаси, илмий билишнинг эмпирик ва назарий даражаларига боғлиқлиги жиҳатидан ўзаро фарқ қиладилар.

Илмий билишнинг **энг умумий илмий метод**и ҳар қандай онгли амалий ва назарий фаолиятда, ҳамма илмий тадқиқот соҳасида қўлланилади.

Илмий билишнинг **эмпирик** даражасига оид **умумий илмий метод**лари – илмий билишнинг эмпирик босқичига оид, аксарият фан соҳаларида ишлатилади.

Илмий билишнинг **назарий** даражасига оид **умумий илмий метод**лари эса илмий тадқиқотларнинг назарий босқичида фойдаланилади.

Такрорлаш учун саволлар

1. Билиш деганда нимани тушунасиз?
2. Билишнинг ҳиссий даражасининг шакллари нималар?
3. Ақлий билиш даражасининг шакллари нималар?
4. Билишнинг асосий услублари нималар?
5. Ҳақиқат, унинг мезони нимада?
6. Илмий билиш ва унинг даражалари қандай?

ИЖТИМОИЙ ФАЛСАФА

Таянч тушунчалар: *жамият, жамият ҳақидаги қарашлар, жамият тараққиёти тўғрисидаги фалсафий назариялар, формацион ёндашув, цивилизацион ёндашув, барқарорлик ва беқарорлик, тараққиётнинг ўзбек модели, жамият моддий ва маънавий ҳаёти, моддий ва маънавий ишлаб чиқариш, ижтимоий фаолият, ижтимоий муносабатлар, оила, давлат, фуқаролик жамияти, кишиларнинг юксак сиёсий ва ҳуқуқий маданияти, шахс эркинлиги.*

Инсоният азалдан жамоа бўлиб яшайди. Қуёш тизимидаги Ер сайёраси унинг макони, умумий Ватани. Шу маънода жамият одамзод умри, жойи билан боғлиқ барча ўзгариш ва жараёнларни ифода этади. Айрим одам жамият аъзоси, деб аталади.

Жамият – табиатнинг бир қисми, ижтимоий борлиқ, одамлар уюшмасининг махсус шакли, кишилар ўртасида амал қиладиган жуда кўплаб муносабатлар йиғиндиси. У муттасил равишда ривожланувчи, такомиллашиб борувчи мураккаб тизим.

Миллий мустақиллик шарофатидан Президент Ислом Каримовнинг қатор асарларида жамият моҳиятини янгича идрок этишнинг услубий асослари яратилди.

«Жамият» тушунчаси ***арабча сўз***дан олинган, ўзбек тилида: ***«умумийлик», «бирлик», «мажмуа», «жамланган»*** деган луғавий маъноларга эга.

Бу тушунча тор маънода маълум кишиларнинг бирор мақсад ёки фаолият асосида уюшган бирлиги ёки инсоният ҳаёти ва тараққиётининг муайян аниқ босқичини ифодалайди. *Масалан: «Ўзбекистон хотин-қизлар жамияти», «феодализм жамияти»...*

Кенг маънода (фалсафий жиҳатдан): инсонларнинг ижтимоий фаолият жараёнида ўзаро ижтимоий муносабатлар орқали уюшган ижтимоий бирлиги, унинг ўзига хос уюшиш усули ва мавжудлик шакли. Илмий ва фалсафий адабиётларда «кишилик жамияти» ёки «жамият» шаклида қўлланилади.

2. Кишиларда дастлаб жамият тўғрисида ҳаёлий мифологик, аста-секин диний қарашлар пайдо бўлди. Диний қарашларга кўра, жамият Худо томонидан яратилган. Жамиятнинг моҳияти, унинг мавжудлиги ва тараққиётини Худо белгилайди, ҳар қандай воқеа, ҳодиса Унинг иродаси билан содир бўлади.

Жамият ва илм-фаннинг тараққий эта бориши билан жамият ҳақидаги қарашлар ҳам ўзгариб, ривожланиб борди. Жамият тўғрисидаги мифологик, диний, табиий-илмий, фалсафий қарашларни бизгача етиб келган қадимий ёзма ёдгорликлар, хусусан, муқаддас диний китоблардан топамиз. «Авесто»да, қадимги Ҳиндистон, Хитой ва Юнонистонд манбаларида жамият, унинг моҳияти, мазмуни, ривожланиши, жамият ҳодисалари, жамиятни бошқариш, адолатли жамиятни қуриш ҳақида қимматли қарашлар баён қилинган. Хусусан, Афлотун ва Арасту мукаммал, мўътадил жамиятни барпо қилиш ғояларини илгари суришган. Ўрта асрларда Форобий, Беруний, Ибн Сино ва бошқалар мазкур ғояларни янада ривожлантирдилар. Абу Наср Форобийнинг «Фозил» шаҳар аҳли қарашлари ҳақида китоб», «Сиёсат ал-мадания» («Шаҳарлар устидан сиёсат юргазиш») ва бошқа асарларида олижаноб жамият, адолатли тузум, одил ҳукмдорлар ҳақидаги фикр-мулоҳазалари баён қилинган[1]. Аллома «Фозил одамлар шаҳри» асарида «Одамларга нисбатан уларни

[1] Форобий Абу Наср. Фазилат, бахт-саодат ва камолот ҳақида /Муқаддима, таржима ва изоҳлар муаллифи: М. Қодиров; Масъул муҳаррир: А. Жалолов. – Т.: Ёзувчи, 2002. – Б. 5.

бирлаштирувчи асос инсонийликдир, шунинг учун ҳам, одамлар инсоният туркумига бирлашганликлари туфайли ўзаро тинчликда яшамоқлари лозим»[1], – дейди.

Абу Райҳон Беруний жамият кишилар томонидан ўз эҳтиёжларини тушуниб, ўзларига ўхшаш кишилар билан ўзаро «шартнома» асосида бирга яшашлари, биргаликда фаолият кўрсатишлари, меҳнат қилишлари зарурлигини айтади.

Абу Али Ибн Сино жамият кишиларнинг ўзаро келишувлари, бир-бирларига ёрдамлашиш асосида ташкил топиши, унинг аъзолари адолатли қонунлар асосида яшашлари лозимлигини ёзади.

Ижтимоий тараққиёт давомида жамият ҳақида илмий билимлар ҳам бойиб борди.

Жамият табиат тараққиёти асосида келиб чиққан унинг ажралмас бир қисми, шу боис жамиятда ҳам табиат қонунлари амал қилади, деган қарашни Европада XVIII аср француз мутафаккирлари илгари суришди. Улар табиат ва жамият қонунларини айнанлаштириб, улар ўртасидаги муҳим фарқни тушуниб етмадилар. Бу натуралистик қараш эди.

Жамият тараққиёти тўғрисидаги фалсафий назарияларнинг бири Ф.В.Гегель таълимотига кўра, «мутлақ ғоя» ўз-ўзидан ривожланиб, у аввал табиатга айланади, сўнг, табиат қиёфасида ривожланиб бориб, жамият пайдо бўлади. «Мутлақ руҳ» жамиятни ҳаракатга келтирувчи ва бошқарувчи кучдир.

Л.Фейербах эса жамият моҳияти ва тараққиётини дин билан боғлаб изоҳлади. Унинг қарашича, жамиятни ривожлантириш учун динни такомиллаштириш лозим.

XX асрнинг бошларида **К.Маркс, Ф.Энгельс, В.Ленин**нинг жамиятнинг социалистик таълимоти ҳаётда етмиш йилдан ортиқ мавжуд бўлди. «Революцион таълимот» номини олган бу назария, моҳият эътибори билан жамиятни табиий тарихий тараққиёт йўлидан чиқарди, жамиятни инқилобий асосда тубдан ўзгартиришга асосланди, инсоният бошига жуда катта фожеаларни солди. Мазкур таълимот ҳаётда ўзини мутлақо оқламади ва ичидан емирилди. Унинг ўрнида мустақил давлатлар пайдо бўлиб, бу назария ижтимоий қарашлар тизимидан улоқтириб ташланди. Мустақиллик талабларига мос янгича фалсафий қарашларни ишлаб чиқиш эҳтиёжи юзага чиқди.

К. Маркс томонидан илгари сурилган «формацион ёндашув» Европа тарихи ёки Ўрта ер денгизи атрофидаги мамлакатлар тарихини умумлаштириш асосида вужудга келган бўлиб, бу қоидаларни умуминсоният тарихининг қоидалари сифатида даъво қилиб чиқиш етарли мантиқий ва тарихий далиллар билан асосланмаган. Ўрта Осиё ёки Қадимги Арабистон тарихига оид илмий тадқиқотлар «формацион ёндашув»ни умумтарих учун андоза бўлолмаслигини кўрсатмоқда.

АҚШ файласуфи О.Тоффлер жамият тараққиёти кўп босқичли жараён: аграр, индустриал, постиндустриал жамиятга ажратилган, дейди. Жамият тараққиёти борасида К.Маркс таълимотига қарши ўлароқ, Англиялик тарихчи А.Ж. Тойнби (1889-1975) томонидан тарихни ўрганишнинг «цивилизацион ёндашув» услуби илгари сурилди.

Унга кўра, ҳар бир халқ ўзининг бетакрор, ноёб, ўзига хос ва ўзига мос турмуш тарзини сақлаб қолган ҳолда, бошқа халқлар тажрибаларидан ижодий фойдаланиш орқали ижтимоий тараққиётнинг ўзига хос моделини яратади. Кишиларда фикрлаш тарзининг вужудга келиши ҳам бевосита табиий-иқлим шароитидан келиб чиқади. Ана шу тафаккур жараёнидаги ўзига хослик вужудга келадиган ижтимоий-сиёсий муносабатларнинг асосига қўйилади.

[1] Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шаҳри. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мерос нашриёти, 1993. – Б. 186.

Хоразмда бундан 3000 йил илгари вужудга келган Ўрта Осиёдаги илк цивилизациянинг ўзига хослигини таъминловчи асосий омил сунъий суғориш иншоатларини қуриш заруратидир. Бу ерда эзувчи қулдорлар ва эзилувчи қуллар синфи, қулдорлик типидаги давлат бўлмаган. 1937 йилда СССР ФА муҳбир аъзоси С.П. Толстов томонидан асос солинган Хоразм археология-этнография экспедициясининг концепциясида ҳам «Ўрта Осиё халқлари мустақил цивилизация яратишга қодир бўлмаган, бошқа халқлар ёрдамидагина маданий қатлам ярата оладиган халқ» деган ҳукмрон мафкура талабидан келиб чиқилган. Улар ҳатто юнон тарихчиларига Ариошайона номи билан маълум бўлган мамлакат тўғрисида бор ҳақиқатни айтишга журъат қила олмаганлар. Академик И.Каримов бу ҳақида: «Ғарб адиблари Авестони эслашганини билмайман... халқимиз, мамлакатимиз ҳақида айтилаётган мулоҳазаларнинг аксарият қисми соҳта, ғайри илмийдир», деган эдилар.

Жамият ҳаётига барқарорлик ва беқарорлик ҳам хос. Жамият ўз олдига қўйган мақсад, вазифаларни адо этиши учун ижтимоий-сиёсий барқарорликка эҳтиёж сезади.

Барқарорлик – жамият тараққиётининг тадрижий ривожланиши, ижтимоий тизимнинг муайян даражадаги бир текис фаолият кўрсатиш имконияти. У жамиятдаги мавжуд сиёсий, иқтисодий, маънавий тизимнинг таназзули аломати – турғунлик тушунчасидан кескин фарқланади.

Жамиятда барқарорлик беқарорлик билан, инқироз гуллаб-яшнаш билан алмашиб туриши мумкин. Жамиятнинг маънавий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий соҳаларида муайян ютуқларга эришилгач, ижтимоий имкониятлар руёбга чиқарилгач, бундан кейинги тараққиёти йўлида янги муаммолар туғилади ва уларни ҳал этиш вазифаси пайдо бўлади. Жамият аъзоларининг маънавий салоҳияти, миллий психологияси, табиий равишда мавжуд сиёсий тузум кишиларни бошқаришнинг ўзига хос усулларини ҳаётга тадбиқ этади. Инсоният ҳаёти тарихида жамият барқарорлигини таъминлашнинг монархияга асосланган, аристократик, тоталитар ва демократик усуллари тажрибадан ўтган.

Беқарорлик ички ва ташқи жараён, таҳдидлар натижасида вужудга келади. Беқарорлик бир ижтимоий-сиёсий тузумдан бошқа бир ижтимоий-сиёсий тузумга ўтиш даврида кескинлашиши мумкин. Жамият барқарорлигининг издан чиқиши кишилар психологиясидаги салбий ўзгаришлар, қонунларнинг ишламаслиги, ижтимоий бурчнинг адо этилмаслиги, ижтимоий идеалларнинг йўқолиши, ғоя ва мафкурага лоқайдликнинг кучайиши, турли жиноий гуруҳларнинг пайдо бўлиши, ижтимоий адолат мезонларининг бузилиши, давлат идораларининг аҳолини бошқариш қобилияти кучсизланиши, турли зиддиятларнинг кескинлашувида кўринади.

Жаҳон тажрибаси ҳар бир мамлакат ва халқнинг ўз тараққиёт йўлини танлаш ҳуқуқига эга бўлиши умумхавфсизлик ва ижтимоий барқарорликни таъминлаш гарови эканини тасдиқлади. Ўзбекистон миллий мустақилликка эришгач, ўз миллий давлатчилик асосларини мустаҳкамлаш, ўзига хос ва мос тараққиёт йўлини танлаш, ривожланишнинг ўзбек моделини яратиш имконига эга бўлди.

Юртбошимиз **И.А.Каримов** раҳбарлигида ишлаб чиқилган ижтимоий ривожланишнинг ўзбек модели ва унинг беш тамойили айни заруриятга жавоб бўлди. Бозор муносабатларига ўтишида беш тамойил янги истиқболларни белгиловчи асосий омиллар сифатида хизмат қилмоқда.

Ижтимоий ривожланиш борасида халқлар одатда икки йўлдан – инқилобий ва тадрижий йўлдан борган. **Тараққиётнинг ўзбек модели** – жамиятнинг тадрижий ривожланиш концепцияси сифатида инсониятнинг ривожланиш борасидаги илғор тажрибаси, миллий давлатчилик тажрибаларимиз ва халқимиз менталитетига таянади.

Ислом Каримов буни шундай изоҳлайди: *«Сохта инқилобий сакрашларсиз, эволюцион йўл билан нормал, маданиятли тараққиётга ўтиш танлаб олинган йўлнинг асосий мазмуни ва моҳиятидир. Бозор иқтисоди сари буюк сакрашлар, инқилобий ўзгаришлар йўли билан эмас, балки собитқадамлик ва изчилик билан – босқичма-босқич ҳаракат қилиш керак. Ҳар бир босқичнинг қанча давом этиши ҳал қилиши лозим бўлган муаммолар доирасига, ташқи омиллар қанчалик қулай бўлишига, аҳолининг меҳнат фаолиятига боғлиқдир»*[1].

Ўзбек моделнинг асосий тамойиллари қуйдагилардир:

- иқтисоднинг сиёсатдан устуворлиги;
- давлатнинг бош ислоҳотчи эканлиги;
- қонун устуворлиги;
- кучли ижтимоий ҳимоялаш;
- бозор муносабатларига босқичма-босқич, тадрижий йўл билан ўтиш.

Ўзбек моделининг ҳаётийлиги жаҳон жамоатчилиги тамонидан эътироф қилинди. Ўзбекистон тажрибаси қатор мамлакатлар учун намуна, уни ўрганишга бўлган қизиқиш ортиб бормоқда. Ўзбекона тараққиёт йўли маънавий ҳаёт ва иқтисодий ривожланиши бир-бири билан узвий боғлиқликда амалга оширишда, маънавият, маърифат, маданиятга бўлган эътиборнинг кучайишида яққол кўзга ташланади. Маънавий салоҳиятнинг кучайиши, инсон интелектуал ва ахлоқий қобилиятларининг ривожланиши иқтисодий ривожланиш учун пухта замин яратади. Янгича иқтисодий тафаккур, тадбиркорлик қобилиятларини ривожлантиришда замонавий илм-фан, техника ва технология асосларини эгаллаш муҳим аҳамият касб этади.

4. Жамият бир-бири билан узвий боғлиқ моддий ва маънавий ҳаёт бирлигидан ташкил топади.

ЖАМИЯТНИНГ МОДДИЙ ҲАЁТИ жамиятдаги кишилар, уларнинг яшашлари, шахс сифатида камол топишлари ва инсон сифатида фаолият кўрсатишлари учун зарур озиқ-овқат, кийим-кечак, турар жой, ёқилғи, коммуникация воситалари, моддий неъматлар, моддий шарт-шароитлар мажмуи. Моддий неъматлар ишлаб чиқариш жамият моддий ҳаётининг муҳим ва ҳал қилувчи шарти. Моддий ишлаб чиқариш жараёнида кишилар ўртасида вужудга келадиган хилма-хил шаклдаги иқтисодий муносабатлар ҳам жамиятнинг моддий ҳаётига киради.

Жамиятнинг моддий ҳаёти фалсафада «ижтимоий олам», деб аталади. Ижтимоий оламда амал қиладиган қонунлар ҳам объектив характерга эга, кишилар онги ва иродасидан ташқарида мавжуд.

ЖАМИЯТНИНГ МАЪНАВИЙ ҲАЁТИ жамиятни ташкил этувчи кишилар онги, тафаккури, дунёқараш, хотира, ақл ва фаросат, маънавий, руҳий дунёларидан тортиб, илм-фан, таълим-тарбия, санъат ва адабиёт, аҳлоқ, дин, сиёсат ва ҳуқуқ, илмий ва диний ташкилотлар, илмий муассаса, мактаб, лицей, коллеж, олий ўқув юртлари, академия, музей, театр, оммавий ахборот воситалари, нашриёт ва редакцияларда хизмат қиладиган ходимларнинг ақлий-ижодий интеллектуал бойликларининг жами.

Жамиятнинг маънавий ҳаёти жамият моддий ҳаётининг инъикоси, ўзига хос қонуният, хусусият, моҳиятга эга нисбий мустақил ҳодисадир. Кенг маънода: маънавият ва маърифатни ташкил қилади.

Жамиятнинг маънавий ҳаёти маънавий ишлаб чиқаришнинг маҳсули. У орқали илм-фан, диний, аҳлоқий, сиёсий, ҳуқуқий, бадиий – эстетик қадриятлар, маънавий

[1] Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. – Т.: Ўзбекистон, 1992. – Б. 41.

неъматлар яратилади. Фалсафий адабиётларда жамиятнинг маънавий ҳаётини «ижтимоий онг» тушунчаси билан аташади.

Ижтимоий фалсафада ижтимоий онг ва ижтимоий олам муносабати баҳсли масала ҳисобланади. Яқингача уларнинг диалектик муносабати эътиборга олинмай, бирламчи, иккиламчи деган қараш фалсафада ҳукмрон эди. Аслида, реал ижтимоий ҳаётда моддий ва маънавий ҳаёт ҳар бири ўз ўрнида белгиловчи ва асосий рол ўйнайди.

Моддий ва маънавий ишлаб чиқариш бирлиги асосида жамиятнинг моддий ва маънавий ҳаёти вужудга келади. Бунда ишлаб чиқариш жараёни, ишчи кучи ва иқтисодий муносабатлар, меҳнатни ташкил этиш, ижодий ва оқилона иш юритиш, фан-техника ва технологияни ишлаб чиқаришга жорий этиш маънавият ва маърифатсиз юзага келмайди. Хулоса:жамиятнинг моддий ҳаёти маънавий ҳаётисиз, маънавий ҳаёти моддий ҳаётисиз мавжуд бўлмайди, улар бир-бирларига таъсир ва акс таъсир қилиб, бу таъсирлар ғоят мураккаб жараёнларда кечади.

Ислом Каримовнинг илк рисолаларидаёқ жамиятни янгилаш, ривожлантиришга доир: «Маънавият инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудратидир. У йўқ жойда ҳеч қачон бахт-саодат бўлмайди»; «Тараққиёт тақдирини маънавий етук одамлар ҳал қилади»; «Агар иқтисодий ўсиш, тараққиёт – жамиятнинг танаси бўлса, маънавият унинг руҳи, ақли ва жонидир»... каби фикрлар билан жамият маънавий ҳаётига, маънавиятга муҳим аҳамият берилди ва бу фаолит изчил давом эттирилмоқда.

5. **ЖАМИЯТ** инсонларнинг ўзаро ижтимоий алоқа, боғланиш, муносабатлари натижасида юз берадиган **ИЖТИМОИЙ ФАОЛИЯТЛАР МАЖМУИ**дир. Ижтимоий фаолият жамият моддий ва маънавий ҳаёти барча жиҳатларининг қарор топиши, мавжудлиги ва ривожланишининг асосидир.

ИЖТИМОИЙ ФАОЛИЯТЛАР таркибини **иктисодий, сиёсий, ҳуқуқий, аҳлоқий, диний, илмий, бадиий** ва ҳоказо фаолиятлар ташкил қилади. Ижтимоий фаолиятлар жамият аъзоларининг шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондириш, улар манфаатларига хизмат қилиш мақсадида амалга оширилади. Эҳтиёжлар ва манфаатлар ижтимоий фаолиятларни ҳаракатга келтирувчи куч. Уларда жамият аъзоларининг қизиқиш, мақсад, рағбат, ҳоҳиш ва иродалари мужассам. Бу эҳтиёжлар ва манфаатлар доим жамият аъзоларининг ниятларида акс этиб, англаб олингач, ижтимоий фаолиятларнинг қонуниятлари сифатида намоён бўлади.

Ижтимоий эҳтиёжлар ва манфаатлар қондирилиб борилмаса, жамиятда носоғлом, зиддиятли вазиятлар вужудга келиши мумкин. Уларсиз жамият ишлаб чиқариши йўқ.

Ижтимоий муносабатлар кишиларнинг ижтимоий фаолиятлари жараёнида юзага келадиган ўзаро муносабатлардир. Улар жамиятдаги турли ижтимоий жамоа, гуруҳ, синф, қатлам, жамият ижтимоий структурасига кирувчи турли элемент, хусусан, оила, оила аъзолари ўртасидаги муносабатлардан таркиб топади.

Моддий ижтимоий муносабатлар – умуман иқтисодий муносабатлар; маънавий-ғоявий ижтимоий муносабатлар – сиёсий, ҳуқуқий, аҳлоқий, диний, эстетик, бадиий, илмий, мафкуравий муносабатларни қамрайди.

Ижтимоий муносабатлар ўз табиатига кўра бир қанча турлар бўлинади: ҳукмронлик, тобелик, ўзаро тенглик, ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик, ўзаро ёрдам ва бошқалар. Жамият ривожланишининг ҳар бир босқичида эски жамият ижтимоий муносабатларининг қолдиқлари ва бўлғуси янги жамият ижтимоий муносабатларининг куртаклари бўлади. Ўтиш даврида фақат шу жамиятга хос «соф»

ижтимоий муносабатлар бўлмайди. Эскирганлари аста-секин йўқолиб янгилари вужудга келиб, ўзгариб, ривожланиб бораверади.

Жамиятда жамият аъзолари томонидан ўзаро биргаликда амалга оширадиган ижтимоий фаолиятлари ижтимоий муносабатлар шаклларида содир бўлади.

Ижтимоий муносабатлар – жамиятдаги иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, аҳлоқий, диний, илмий, эстетик, маънавий-маърифий ва мафкуравий фаолиятлари жараёнида ижтимоий гуруҳлар, этник ва ижтимоий қатламлар, синф, миллат, халқ, давлат, мамлакатлар ўртасида юз берадиган ва вужудга келадиган турли-туман, хилма-хил алоқа ва муносабатлар. Ижтимоий муносабатлар орқали барча ижтимоий-сиёсий кучлар ўзларининг ҳар қандай фаолиятларини амалга оширади. Жамиятнинг ўзгариши ва ривожланиши билан баъзи ижтимоий муносабатлар эскириши, жамият тараққиётига хизмат қилмай, тўсқин бўла бошлаши мумкин. Эскирган ижтимоий муносабатлар янги ижтимоий муносабатлар томонидан ўз-ўзидан сиқиб чиқарилади.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритиши билан ўзига хос ва ўзига мос тараққиёт йўлини белгилаб олиб, келгусида буюк ҳуқуқий давлат, эркин демократик фуқаролик жамиятини қуришни мақсад қилиб белгилади. Бу мақсадга эришиш йўлида илғор давлатлар тажрибаларида синалган ва халқимиз табиатига мос бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш зарурияти турарди. Бугунги кунда юртбошимиз раҳнамолигида мамалакатни ислоҳ қилиш, демократлаштириш, янгилаш ва модернизация қилиш жараёнида бозор иқтисодиёти муносабатларига босқичма-босқич ўтиб озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт сари олға босмоқдамиз.

6. **Жамият ва оила.** Оилада жамиятнинг туб моҳияти ўз аксини топган. Уни кичик жамият дейиш мумкин. Жамият аъзоси оила бағрида вояга етади, ижтимоий муносабатларни ўзлаштиради ва инсоний фазилатларни намоён этади. Баркамол инсонни шакллантириш, уни ҳаётга, меҳнатга тайёрлаш оиланинг муқаддас вазифасидир. Оилани мустаҳкамлаш жамият барқарорлиги ва қудратининг муҳим шартидир. Шу боис, давлат оилани ўз ҳимоясига олади.

Жамият маънавий-ахлоқий муҳити соғломлиги асосан оилавий маданиятга боғлиқ. Оилада эр ва хотин мавқеи, оилавий муносабатлар характери турли халқларда турличадир. Мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислоҳотлар оила қадриятларибилан боғлиқ. Она ва аёл муқаддаслиги ўзбекона қадриятлардан бири. Она ва аёлнинг муқаддаслиги тўғрисидаги ғоялар оилавий муносабатларни такомиллаштиришда муҳим аҳамиятга эга.

Буюк мутафаккирлар жамиятнинг маданий даражаси аёлнинг жамият ва оиладаги аҳволи, мавқеи билан белгиланишини алоҳида таъкидлаганлар. Соғлом, баркамол авлод тарбияси аёлнинг маънавий салоҳияти, билими, уддабуронлиги ва эркинлигига боғлиқ. Сўнги вақтда амалга оширилаётган қатор тадбирлар аёлнинг оила ва жамиятдаги мавқеи ва ролини кучайтиришга қаратилган.

Оила муаммоларини илмий асосда ўрганиб, уларни оқилона ҳал этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган Республика «Оила» илмий-амалий марказининг ташкил этилганлиги давлатимизнинг оилавий муносабатларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор бераётганидан далолат беради.

Ўзбек тилига давлат тили мақоминиг берилиши, янги алифбога ўтиш ижтимоий ривожланишга ижобий таъсир кўрсатди.

Давлат – жамиятни бошқариш, тартибга солиш, ижтимоий барқарорликни таъминлашга қаратилган алоҳида бир муассаса. Давлат умуминсоний қадрият, инсоният маънавий тараққиётининг муҳим ютуғидир.

Жамият маънавий салоҳиятининг юксалиб бориши билан сиёсий бошқариш шакл ва усуллари ҳам такомиллашиб боради. Ўзгарган тарихий шароитда давлатнинг

моҳияти, мазмуни ва вазифаларига янгича ёндашиш зарурати вужудга келади. Мустақиллик йилларида миллий давлатчилик анъаналарининг тикланиши билан давлатнинг ташкилотчилик, бош ислоҳотчилик фаолияти янгича мазмун ва аҳамият касб этди.

Тараққиётнинг ўзбек модели концепцияси амалга оширилишида давлат ҳал қилувчи мавқе олади. Мамлакатимиз сиёсий, ҳуқуқий ҳаётида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар сиёсий бошқарувни янада такомиллаштириш, юртимизда кучли давлатдан кучли жамиятга ўтишга қаратилган.

Фуқаролик жамиятини барпо этиш – Ўзбекистон тараққиётининг бош мақсади. **Фуқаролик жамияти** кишиларнинг юксак ахлоқий-сиёсий ва ҳуқуқий маданиятига асосланадиган демократик жамият тараққиётининг юқори босқичидир. Фуқаролик жамияти умуминсоний тамойиллар, миллий давлатчилик хусусиятлари, ўзига хос турмуш тарзи ва ҳаёт фалсафаси негизида қарор топади.

Фуқаролик жамиятида давлатнинг қатор вазифалари фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари қўлига ўта бошлайди, маҳаллий ҳокимият органларининг ваколати кенгаяди. Фуқаролик жамияти асосларини барпо этиш кишиларнинг юксак сиёсий ва ҳуқуқий маданияти, ижтимоий-сиёсий фаоллигига таянади. Маҳалла кишиларда яхши инсоний фазилатларини камол топтириш, ўз-ўзини бошқариш, демократик қадриятларни рўёбга чиқариш мактабидир.

Юртимизда фуқаролик жамиятини барпо этиш баркамол инсон шахсини шакллантиришни талаб этади. Маънавий етук авлод жамият тараққиётига салмоқли ҳисса қўшади.

7. **Инсон - ижтимоий муносабатлар тизимида.** Инсоннинг яралиши, моҳияти ва жамиятда тутган ўрни фалсафий муаммолар тизимида муҳим ўрин тутади.

Суқротнинг «Ўзлигингни бил» деган ҳикматли сўзи ҳар бир тарихий даврда янгича маъно касб этади. Инсонда бутун олам ва жамиятнинг моҳияти мужассам. Абдулхолиқ Fиждувоний инсонни «кичик олам» деб ҳисоблаган. Фалсафада барча масалалар инсон муаммосига бевосита дахлдордир.

Табиат, маданият, сиёсат, цивилизация, билиш каби масалалар инсон манфаатлари ва инсоний моҳиятнинг намоён бўлиш шаклларидир. Фалсафа инсонни оламнинг таркибий қисми сифатида ўрганади. Инсон шундай мураккаб ва кўп қиррали мавжудотки, унинг моҳияти яхлит бир бутунлик сифатида инсон, шахс, индивид, индивидуаллик тушунчалари орқали ифодаланади. Бу тушунчалар маънодош бўлса-да, бир-биридан фарқланади.

Инсон – ўзида биологик, ижтимоий ва психик хусусиятларни мужассамлаштирган онгли мавжудот. Унинг биологик хусусиятлари: овқатланиш, ҳимояланиш, зурриёт қолдириш, шароитга мослашиш кабилар.

Унинг социал хусусиятлари: тил, муомала, рамзий белгилар, билим, онг, маҳсулот ишлаб чиқариш, тақсимлаш, истеъмол қилиш, бошқариш, ўз-ўзини идора этиш, бадиий ижод, ахлоқ, нутқ, тафаккур, қадриятлар, табу (рухсат ва таъқиқлаш).

Инсоннинг психик хусусиятлари: руҳий кечинма, ҳайратланиш, ғам-ташвиш, қайғу, изтироб чекиш, завқланиш, кайфият...

Фалсафа тарихида инсон тўғрисидаги таълимотларда биологизм, социологизм, психологизм каби йўналишлар вужудга келган. Биологизм инсоннинг табиий-биологик, социологизм инсоннинг ижтимоий, психологизм маънавий, руҳий, психологик хусусиятларига бир ёқлама ёндашишга асосланган.

Инсон моҳиятини фалсафий таҳлил қилишда шахс, индивид, индивидуаллик тушунчаларини бир-биридан фарқлаш муҳим. **Шахс** ўзида социал сифатларни мужассамлаштирган инсон. Кишилар шахс бўлиб туғилмайди, балки жамиятда шахс

бўлиб шаклланади. Чунки инсонга хос ижтимоий сифатлар, фазилатлар авлоддан-авлодга ирсий йўл билан ўтмайди. Инсон дунёга келгач, таълим-тарбия, меҳнат, мулоқот жараёнида жамият, сиёсий тузум, маданият, ишлаб чиқариш, оила, оммавий ахборот воситалари, ахлоқий меъёрлар, мафкура каби ижтимоий тузилма ва омиллар таъсири остида яшайди, шахс бўлиб шаклланади. Инсонда янгича фазилат ва сифатлар пайдо бўлди. У яратувчан мавжудот сифатида фаолият кўрсата бошлади.

Ўз-ўзини назорат қилиш, юксак масъулиятни ҳис этиш, ғоя учун курашиш, мустаҳкам эътиқодга эга бўлиш, ўз фикр-мулоҳазаларини эркин баён этиш ва ижтимоий-сиёсий фаоллик шахсга хос белгилар. Миллий ғоя ва мафкурани амалга ошириш, эзгу идеаллар йўлида ҳатто ҳаётини қурбон қилиш шахс ҳаётининг бош мақсадига айланади.

Шахс мустаҳкам иймон-эътиқод, ғоя ва инсоний фазилатларга эга, Ватан, миллат туйғуси билан яшайдиган, ўзида давр хусусиятларини ифода этадиган инсондир.

Инсон тарихнинг яратувчиси табиат тараққиётидаги узлуксизликни таъминлайди. У билими, тажрибаси ва ютуқларини келгуси авлодларга мерос қилиб қолдиради; табиат ва жамиятни қайта қуради.

Антропология инсондаги инсонийликнинг намоён бўлиши ва ривожланишини руҳ билан боғлайди. И.Кант инсондаги ахлоқий жиҳатларга кўпроқ эътибор берган, уни эзгуликни ёвузликдан фарқловчи мавжудот сифатида таърифлаган. Владимир Соловьев фикрича, инсон ўзининг тубан майл ва гуноҳларидан уялиш қобилиятига эга. Фақат одамлар, умуман тирик жонга ачиниш ва муқаддас кучларга сиғиниш инсонгагина хос.

Инсон табиати – ғоят мураккаб, унда ҳайвоний ва илоҳий сифатлар мужассам. Инсонни ўрганадиган фан – **Антропология** инсон моҳияти, унинг табиат ва жамиятдаги ўрни, ўзига хос хусусиятларини ўрганиш билан шуғулланади. Антропологияда «мен», «онг», «шахс», «руҳ» тушунчалари қўлланади. «Мен» – инсоннингонг туфайли ўзлигини ташқи оламдан, реал борлиқдан фарқлаши. Бошқа нарсалар инсонга бегона воқелик бўлиб туюлади. Шахс эса инсоннинг мустақиллигидир.

Инсон ўз ҳаёти давомида тана ва руҳ эҳтиёжларини қондиришга интилади. Тана эҳтиёжларини қондириш инсон борлиғининг бирламчи шарти ҳисобланади. Бироқ ҳаётнинг маъноси фақат моддий неъматлардан баҳраманд бўлиш, танпарастлик, лаззатланиш, бойликка ружу қўйишдан иборат эмас. Инсон руҳига ҳам озиқ керак. Юксак маънавият инсонни руҳан поклайди, иймон-эътиқодини мустаҳкамлайди.

Миллий ғоя ва миллий мафкура инсондаги моддийлик ва маънавийликни уйғунлаштиришни тақозо этади. Бозор иқтисодиёти кишиларнинг бой-бадавлат, мулкдор, барча қулайликларга эга бўлишини инкор этмайди. Аксинча, уларни тадбиркор, уддабурон ва меҳнатсевар бўлишга рағбатлантиради. Юксак маънавият инсон эҳтиёжларини оқилона қондириш, ижтимоий адолат ўрнатиб, сахий ва олиҳиммат бўлишга ундайди.

Антропология инсоннинг маънавий оламига чуқурроқ кириб бориш орқали олам моҳиятини билиш мумкин, деган ғояни илгари суради. Ислом Каримов таърифига кўра, маънавият (руҳ) инсонни ахлоқан поклайдиган, иймон-эътиқодини мустаҳкамлайдиган, эзгуликка ундайдиган ботиний кучдир. Шахснинг шаклланиши ва камол топишида тарихий шарт-шароит, ғоя ва мафкура муҳим ўрин тутади. Бозор муносабатларига ўтиш даврида вужудга келган муаммо ва вазифалар янги баркамол инсонни вояга етказишни тақозо этди. Бозор иқтисодиёти инсон эҳтиёжларини тўлароқ қондириш, унинг қобилияти, ижтимоий фаоллигини янада кучайтириш учун қуйидаги кенг имкониятларни яратди:

- меҳнатни ташкил этиш усул ва шаклларининг ўзгарганлиги;

- меҳнатга янгича муносабатни рағбатлантиришга ёрдам берувчи омиллар;

- ўз қобилияти, қизиқишларига мос бўлган фаолият турларини танлаш имкониятининг яратилганлиги;

- шахс тадбиркорлиги ва ишбилармонлигининг қўллаб-қувватланиши;

- турли мулк шаклларининг вужудга келганлиги;

- шахс эрки ва ҳуқуқларининг кенгайганлиги;

- давлат ва жамоат ишларида қатнашиш имкониятларининг яратилганлиги;

- демократик қадриятлар ривожи;

- маънавий мерос ва маданият ютуқларидан эркин фойдаланиш имкониятининг яратилганлиги кабилардир.

Мустақиллик йилларида амалга оширилаётган барча ислоҳотлар инсон манфаатлари, эзгу мақсадлари рўёбга чиқишини таъминлашга, унинг баркамол сифатлар касб этишига қаратилган. Шахс ислоҳот натижаларидан баҳраманд бўлувчигина эмас, балки уларни амалга оширувчи куч сифатида ҳам юксалади, қадр-қиммат топиб, эъзозланади.

Инсоннинг жамиятидаги ўрни, қадр-қиммати борасида миллий истиқлол ўз олдига қуйдагиларни мақсад ва вазифа қилиб қўяди:

- инсоннинг қадр-қимматини жойига қўйиш;

- инсон учун бахтли ҳаёт шароитларини яратиш;

- инсоннинг ўзлигини англаши, ижтимоий бурч ва вазифаларини адо этиши, соғлом авлодлар узлуксизлигини таъминлаши, келгуси авлодларга яхши хотиралар қолдириши ва иймон-эътиқоди бутун бўлиши учун қулай шароитлар яратиш.

Бундай имкониятларни амалга оширишга халақит берадиган нуқсонлар ҳам инсон табиатига хос. Кейинги вақтларда инсон борлиғининг салбий жиҳатлари ҳам таҳлил қилина бошлади.

Айрим кишилар миллат, Ватан, халқ манфаатларига зид равишда жамиятдаги мавжуд қонун-қоида ва меъёрларни поймол этиб, турли ихтилофларни келтириб чиқаришга ҳаракат қилади. Ўз ниятлари йўлида ҳатто жиноий гуруҳларга бирлашадилар, миллий тотувлик, тинчлик ва барқарорликка рахна солади, маънавий-ахлоқий муҳитни бузади, кишиларнинг ижтимоий адолатга бўлган ишончини сусайтиради, баркамол инсонни вояга етказишга қаршилик кўрсатади. Улар турли зиддиятларни келтириб чиқарувчи фирибгарлар, ҳокимиятга интилувчи экстремистлар, коррупция ва жиноятчилик олами вакиллари, гиёҳванд, порахўр, террорчи ва шуҳратпарастлар кабилардир.

Демократик жамият инсон ҳуқуқларини таъминлашни мақсади йўлида бундай кишиларни тарбиялаш, уларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш, кишилар онгида миллий манфаат ва ижтимоий қадриятларни ривожлантиришга алоҳида эътибор беради.

Шахс эркинлиги ва тарихий зарурат бир-бири билан узвий боғлиқ тушунчалардир. Мамлакат тараққиёт йўлида пайдо бўлган қийинчилик ва муаммолар моҳиятини англаш шахсни ўз билими ва маҳоратини ошириш, юксак ғояларга содиқ бўлиб яшашга ундайди.

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида инсон қобилиятлари тўла намоён бўлади. Ижтимоий табақаланиш жараёнида кишиларнинг бой ва қашшоқ гуруҳларга ажралиши табиий қонуний жараён. Юртимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг энг муҳим хусусияти – аҳолининг муайян қисмини ижтимоий ҳимоялаш, аҳолининг ночор қатламларининг давлат томонидан ҳимояланиши,

ижтимоий адолатнинг қарор топиши. Инсонпарварлик, аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялаш тамойили ўзбек моделининг муҳим жиҳатларидан биридир.

Инсон моҳиятини фалсафий билиш улкан тарбиявий аҳамиятга эга. Инсонга хос хусусият ва фазилатлар фалсафа ва бошқа ижтимоий фанларни ўрганиш, умуман, таълим-тарбия жараёнида шаклланади. Замонавий билим ва юксак инсоний фазилатларни эгаллаш билан Ўзбекистонда озод ва обод жамият қуриш вазифаларини уйғунлаштириш таълим-тарбия соҳасидаги фаолиятнинг бош мезони ҳамда муҳим вазифадир.

Такрорлаш учун саволлар

1. Жамият тушунчасининг мазмунини нима ташкил қилади?
2. Жамиятнинг моддий ва маънавий ҳаёти ўртасидаги умумий ва фарқли жиҳатлар қайси?
3. Жамият ва инсон ўртасидаги муносабатнинг табиати нимада?
4. Жамиятнинг ўз-ўзидан шаклланиши деганда нимани тушунасиз?
5. Мустақил Ўзбекистон тараққиётининг ўзига хос жиҳатлари нималарда кўринади?

МАНТИҚ ИЛМИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА АҲАМИЯТИ. МАНТИҚ ФАНИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ АСОСИЙ БОСҚИЧЛАРИ

Таянч тушунчалар: *мантиқ, тафаккур қонунлари, шакллари ва усуллари, тафаккур, ақлий билиш босқичи, мантиқ илмининг ўрганиш объекти, тушунча, ҳукм ва хулоса чиқариш, мантиқий усул.*

Мантиқ илмининг тадқиқот объекти. «**Мантиқ**» сўзи **арабча** бўлиб, грекча «logos» сўзидан келиб чиққан «логика» сўзига мувофиқ келади. ***«фикр», «сўз», «ақл», «қонуният»*** каби маъноларни англатади. Унинг турли хил нарсаларни ифода қилиши кўп маънолилигини билдиради. Мантиқ: – **объектив олам қонуниятларини**, – тафаккурнинг мавжуд **бўлиш шакллари, тараққиётини ва фикрлар ўртасидаги алоқадорликни характерлайдиган қонун-қоидалар йигиндисини**, – **тафаккур шакллари ва қонунларини ўрганувчи фанни ифодалайди.**

Мантиққа оид илк анъаналар кадимги Шарқ, хусусан, Ҳиндистон, Хитой мамлакатларида вужудга келган. Мантиқнинг шаклланишига нотиклик санъати, математика илмининг ривожланиши катта таъсир кўрсатди. Қадимги Юнон мутафаккири Аристотельгача мантиқ илми фалсафа фани таркибида мавжуд бўлган.

Аристотель биринчи бўлиб мантиқ илми ўрганадиган масалалар доирасини аниқлаб беради. Аристотельнинг «Категориялар», «Талқин ҳақида», «Биринчи аналитика», «Иккинчи аналитика», «Софистик раддиялар ҳақида», «Топика» номли асарлари бевосита мантиқ масалаларига бағишланган.

Аристотель мантиқни маълум билимлардан номаълум билимларни аниқловчи, чин фикрни хато фикрдан ажратувчи фан сифатида таърифлайди. Мантиқнинг вазифаси чин фикрни, ҳақиқатни аниқлашдир, деб таъкидлайди: «Билимларимизнинг вокеликка мос келиши ҳақиқатдур».

Мантиқ илмининг тадқиқот объекти – тафаккур. «Тафаккур» арабча сўз, ўзбекча «***фикрлаш***», «***ақлий билиш***» сўзларининг синонимидир. **Тафаккур билишнинг юқори босқичидир.**

Билиш воқеликнинг, онг ҳодисаларининг инсон миясида субъектив, идеал образлар шаклида акс этишидир. Кишилар ўз олдиларига маълум бир мақсадларни қўйиб, билиш жараёнини амалга оширадилар. Шу мақсадлар ўрганилиши лозим

бўлган предметлар доираси, тадқиқот йуналиши, шакл ва методларини белгилаб беради. Билишнинг асосини ва охирги мақсадини амалиёт ташкил этади.

Билиш мураккаб, зиддиятли, турли хил даража ва шаклларда амалга ошадиган жараёндир. Унинг дастлабки босқичини **ҲИССИЙ БИЛИШ** – ***инсоннинг сезги органлари ёрдамида билиш*** ташкил этади. Бу босқичда предмет ва ҳодисаларнинг ташқи хусусият ва муносабатлари, яъни инсон бевосита сеза оладиган белгилари ҳақида маълумотлар олинади.

Ҳиссий билиш: ***сезги, идрок ва тасаввур*** шаклида амалга ошади. **Сезги** предметнинг бирор ташқи хусусиятини (масалан, рангини, шаклини, таъмини) акс эттирувчи яққол образдир.

Идрок предметнинг яхлит яққол образи, у мазкур предмет ҳақидаги турли хил сезгиларни синтез қилиш натижасида ҳосил бўлади. У муайян предметни бошқаларидан (масалан олмани бехидан, нокдан) фарқ қилиш имконини беради.

Тасаввур эса аввал идрок этилган предметнинг образини маълум бир сигналлар таъсирида мияда қайта ҳосил қилишдан, ёки шу ва бошқа образлар негизида янги об-раз яратишдан иборат. Масалан, таниишнгизга ўхшаган кишини учратганда танишингизни эслайсиз, ёки кўрмоқчи бўлган иморатингизни мавжуд иморатлар образлари ёрдамида яққол ҳис қиласиз.

Хуллас, ҳиссий билиш билишининг дастлабки ва зарурий босқичи бўлиб, билишнинг кейинги босқич ва шакллари сезгиларимиз берган маълумотларга таянади. Чунки инсон ташқи олам билан фақат сезги органлари орқали боғланган.

Лекин, ҳиссий билиш ўз чегарасига эга. У алоҳида олинган предметлар, уларнинг ташқи белгилари ҳақида маълумот беради-ю, мавжуд предметлар ўртасидаги алоқадорлик (масалан, муз билан хавонинг ҳарорати ўртасидаги боғланиш) ўрганилмайди, предметларнинг умумий ва индивидуал, муҳим ва номуҳим, зарурий ва тасодифий хусусиятлари фарқ қилинмайди.

Бундан ташкари, баъзи ҳолларда ҳиссиётимиз бизни алдаб куяди**.** Масалан, энди танишган кишингиз ҳақидаги дастлабки таассурот, асосан, унинг ташқи кўринишига қараб ҳосил қилинади, у билан мулоқотда бўлгандан кейин ўзгаради. Шу ўринда «Кийимига қараб кутиб олишади, ақлига қараб кузатишади» деган гапнинг бежиз эмаслигини таъкидлаш лозим. Бу мисоллардан маълум бўладики, предмет ва ҳодисаларнинг моҳиятини тушунишга **тафаккур** ёрдамида эришилади. Тафаккур билишнинг юқори-рационал (лотинча ratio-акл) босқичи бўлиб, унда предмет ва ҳодисаларнинг умумий, муҳим хусусиятлари аниқланади, улар ўртасидаги ички, зарурий алоқалар, яъни қонуний боғланишлар акс эттирилади.

Тафаккур қуйидаги асосий хусусиятларга *эга:*

1) Унда воқелик **абстрактлашган** ва **умумлашган** ҳолда инъикос қилинади. Масалан, «инсон» тушунчаси 2) Тафаккур **борлиқни билвосита акс** эттиради. Янги билимлар мавжуд билимлар асосида ҳосил қилинади. 3) Тафаккур инсоннинг **ижодий фаолият**идан иборат. Борликда реал аналогига эга бўлмаган нарсалар – юқори даражада идеаллашган объектларии (масалан, абсолют қаттиқ жисм, идеал газ)ни яратиш, улар ёрдамида предмет ва ҳодисаларнинг энг мураккаб хусусиятларини ўрганиш, башоратлар қилиш имконияти вужудга келади. 4) Тафаккур **тил билан узвий алоқада** мавжуд. **Фикр идеал ҳодиса**дир.У фақат тилда – моддий ҳодисада (товуш тўлқинларида, график чизиқларда) реаллашади, бошқа кишилар бевосита қабул қила оладиган, ҳис этадиган шаклга киради. Ўзаро фикр алмашиш воситасига айланади.

Демак, ҳиссий билиш тафаккур билан узвий боғлиқ. Ҳиссий билиш, ақл томонидан бошқариб турилади, муайян вазифаларни бажаришга йўналтирилади,

ижодий фантазия элементлари билан бойитилади. Масалан, гувоҳларнинг берган кўрсатмалари асосида жиноятчининг портрети яратилади, яққол хис қилинади ва қидирилади.

Тафаккур шакллари ва қонунлари ҳақида тушунча. Тафаккур уч хил: ***тушунча, ҳукм*** ва ***хулоса чиқариш*** шаклида мавжуд. ***Тафаккур шакли*** фикр мазмунини ташкил этувчи элементларнинг боғланиш усули, унинг структурасидир. ***Фикрлаш элементлари*** эса предметнинг фикрда ифода қилинган белгилари ҳақидаги ахборотлардир.

Тушунча – предмет ва ҳодисаларнинг умумий, муҳим белгиларини яхлит ҳолда акс эттирувчи тафаккур шакли. Масалан, «давлат» тушунчасида ўз майдони, ахолиси, бошқарув воситаларига эга сиёсий ташкилот акс эттирилади. Агар тушунча акс эттираётган предметни («давлат») А билан, унда фикр қилинаётган муҳим белгиларни («ўз майдонига эгалиги», «ахолисининг мавжудлиги», «бошқарув воситаларига эгалиги», «сиёсий ташкилотдан иборатлиги»), яъни фикрлаш элементларини а, в, с,..., п билан белгиласак, тушунчанинг мантиқий структурасини А (а, в, с,..., п) шаклида символик тарзда ифодалаш мумкин.

Ҳукм – предмет ва ҳодисаларга маълум бир белгининг хослиги ёки хос эмаслигини ифодаловчи тафаккур шакли. Ҳукмлар тасдиқ ёки инкор шаклда ифода этилади. Масалан «Темир-металл» деган ҳукмда предмет (темир) билан унинг хоссаси (металл эканлиги) ўртасидаги муносабат қайд этилган. Предмет ҳақидаги тушунча (S) билан предмет белгиси ҳақидаги тушунча (P) ўртасидаги муносабат, яъни P нинг Sга хослиги тасдиқланган. Умумий ҳолда ҳукмнинг мантиқий структурасини S-P формуласи ёрдамида ифода этиш мумкин.

Аристотель ҳукмни апофансис деб атайди. Ҳукм бирор нарсага ниманингдир тааллуқли ёки тааллуқли эмаслиги ҳақида баён қилинган фикр бўлиб, у чин ёки ёлғон булиши мумкин. Хар кандай гап хам ҳукм бўла олмайди. Фақат қатъий фикрларгина ҳукм ҳисобланади. Аристотель ҳукмни мантиқий эга, мантиқий кесим ва мантиқий боғловчилардан иборат бўлади, деб кўрсатади. S-P ёки S-P эмас.

Хулоса чиқариш – бир ва ундан ортиқ чин мулоҳазаларни келтириб чиқаришдан иборат тафаккур шакли. Хулоса чиқаришда ҳам юқоридагига ўхшаш холларни кузатиш мумкин. Масалан,

Дарахт - ўсимлик Терак – дарахт Терак - ўсимлик	Ҳар бир химиявий элемент ўз атом оғирлигига эга Мис - химиявий элемент Мис ўз атом оғирлигига эга.

Мисоллардан тафаккур шаклининг ўзига хос қонуниятларга эгалиги маълум бўлди.

Тушунча, ҳукм ва хулоса чиқариш тафаккурнинг универсал шакллари, унинг асосий структуравий элементлари ҳисобланади. Муҳокама юритиш шу ва бошқа мантиқий структуралар (масалан, муаммо, гипотеза, назария, ғоя, аргументлаш)да амалга ошади.

Муҳокама юритишда ишончли натижаларга эришишнинг зарурий шартларига фикрнинг чин бўлиши ва формал жиҳатдан тўғри қурилиши киради. **Чин фикр** деб, ўзи ифода қилаётган предметга мувофиқ келувчи фикрга айтилади (Масалан, «Темир-металл»). **Хато фикр** предметга мос келмайдиган фикрдир (масалан, «Темир-металл эмас»). Фикрнинг чин ёки хато бўлиши унинг мазмунига тегишли хусусиятларидир.

Аристотель мантиқий таълимотида хулоса чикариш етакчи ўринни эгаллайди. У тушунча ва ҳукмни хулоса чикаришнинг таркибий кисмлари сифатида таҳлил килади. Унингча, ҳукм диайрезис – ақлий анализнинг натижасидир.

Ҳозирги пайтда мантиқ илмининг ***формал мантиқ, диалектик мантиқ*** ва ***математик мантиқ*** каби йўналишлари фарқланади. **Формал мантиқ,** тафаккур структурасини фикрнинг конкрет мазмуни ва тараққиётидан четлашган ҳолда, нисбатан мустақил ўрганади. Асосан муҳокамани тўғри қуриш билан боғлиқ қоида ва мантиқий амалларга эътибор қаратади. Ўзининг махсус формаллашган тилига, метод ва усулларига, концептуал воситаларига эга. Фалсафа, психология, физиология билан ҳамкорлик қилади ҳамда илмий билимлар системасида ўзининг муносиб ўрнига эга

Формал мантиқга тўғри тафаккур шакллари ва қонунларини ўрганувчи фалсафий фан, деб таъриф бериш мумкин.

Диалектик мантиқ, тафаккурни унинг мазмуни ва шакли бирлигида ҳамда тараққиётида олиб ўрганади. Математик мантиқ эса тафаккурни математик методлар ёрдамида тадқиқ этади.

Мантиқ илмини ўрганиш, онгли равишда фойдаланиш фикрлаш маданиятини ўстиради, фикрни тўғри қуриш малакасини ривожлантиради; бахс юритишда ўзи ва бошқаларнинг фикрига танкидий муносабатда бўлишига, суҳбатдошининг **мулоҳаза**ларидаги хатоларни очиб ташлашга ёрдам беради. Бу ўзига хос мантиқ санъати ҳисобланади. Бу санъатнинг назарий асосларини чукур эгаллаган кишигина унинг имкониятларини амалда намойиш кила олади.

Таълим сохасида ўқув жараёнининг самарадорлиги ишлатиладиган терминларнинг аниқ бўлишига, муаммоларнинг мантиқан тўғри қўйилиши ва ҳал қилинишига, мавжуд гипотезалар структурасини тўғри таҳлил қила олишга, аргументлаш қоидаларидан тўғри фойдаланишга боғлиқ. Фан учун формал мантиқ мураккаб муаммоларни ечиш воситасини беради. Илмий назариянинг структурасини ўрганишда, унда ишлатиладиган формализмнинг моҳиятини тушунтириб беришда, формал зиддиятлар бўлса, уларни аниқлашда муҳим аҳамиятга эга.

Мантиқ фани ривожланишининг асосий босқичлари Ҳар бир фан каби мантиқ илми ҳам ўзининг шаклланиш ва ривожланиш тарихига эга. Мантиққа оид дастлабки анъаналар Қадимги Шарқ мамлакатларида, хусусан Ҳиндистон, Хитойда вужудга келди. Уларнинг шаклланишига нотиқлик санъати, математика илмининг ривожланиши ва шу кабилар катта таъсир кўрсатди. Шуни айтиш керакки, Қадимги дунёда Аристотелгача бўлган даврда мантиқ фалсафа таркибида мавжуд бўлган, мустақил фан сифатида шаклланмаган.

Қадимги Ҳиндистонда мантиқ илмининг ривожланиши уч даврни ўз ичига олади: 1) илк будда мантиғи (эр. ав. VI-V асрлари); 2) ньяя, вайшешика мактабларининг мантиқий таълимоти (эр. III-V асрлари); 3) будда мантиғининг ривожланган даври (эр. VI-VIII асрлари). Ҳинд мантиқшунослари бахс – мунозарада нима исботланаяпти ва қандай исботланаяпти, деган масалани ажратиб кўрсатишган. Улар исботлашнинг элементларини (тезис, асос, мисол, бирхиллик, ҳар хиллик, бевосита ҳиссий қабуллаш, хулоса, авторитет ва шу кабиларни) батафсил таҳлил этганлар. Ньяя мактабининг вакиллари хулоса чиқариш масаласини ўрганишга катта хисса қўшдилар. Шунингдек, улар беш қисмдан иборат силлогизм назариясини яратдилар:

1. Тезис (тепаликда олов бор).
2. Асос (тепаликдан тутун чиқаяпти).
3. Мисол (қаерда тутун бўлса, ша ерда олов бор).
4. Шу ҳолатга нисбатан қўллаш (бу тепаликда тутун бор).

5. Хулоса (демак, тепаликда олов бор).

Қадимги Ҳиндистондаги шаклланган мантиқ анъаналари Қадимги Грецияда мантиқ илмининг пайдо бўлишига таъсир кўрсатган.

Қадимги грек фалсафасида мантиқ масалалари, дастлаб, Парменидниng «Табиат тўғрисида» асарида, Элейлик Зеноннинг апорияларида, Гераклит таълимотида у ёки бу даражада кўриб чиқилган. Аристотелгача бўлган мантиқий таълимотлар ичида Демокритнинг мантиқий таълимоти, Сократнинг индуктив методи ва Платоннинг диалектикаси диққатга сазовордир.

Демокрит (эр. ав. 460-370) мантиқий таълимотида фикрнинг чинлиги масаласи муҳим ўрин тутади. У кўпроқ индукция ва аналогияни ўрганишга эътибор беради, ҳақиқатни билиш учун якка буюмларни кузатиш, ҳис қилиш орқали умумлаштириш зарур, деб таъкидлайди. Ҳукмни субъект ва предикатнинг ўзаро алоқасидан иборат, деб таърифлайди. У етарли асос қонунини онтологик асосда тушунтиради. Демокритнинг мантиқий таълимоти кейинчалик Аристотель ва Ф. Бэкон таълимотларига сезиларли таъсир кўрсатган.

Сократ (эр. ав. 469-399) таълимотига кўра буюмларнинг моҳиятини билиб бўлмайди. Инсон, аввало, ўз-ўзини билиши керак. Билим умумийлик тўғрисидаги тушунчадир. Ҳақиқатни аниқлаш учун ўзига хос усул даркор. Бу усул воситасида ўрганилаётган буюм ҳақида умумий тушунча ҳосил қилинади ва шу тушунчага асосланиб буюм ҳақида фикр юритилади. Ҳақиқатни аниқлаш учун мухолиф фикридаги зиддиятлар ўрганилади. Предмет ҳақидаги тушунчалар зиддиятли бўлса, демак билим юзаки бўлади. Сократ ҳақиқатни аниқлашда индукция ва дефинициядан фойдаланишни тавсия этади.

Индукция - кундалик ҳаётдаги якка мисоллар асосида умумий тушунчаларни ҳосил қилиш усулидир. Дефиниция - баҳс жараёнида тушунчаларни таърифлашдан иборат. Бу усулни Сократ «майевтика» деб атайди.

Платон (эр. ав. 427-347) устози Сократнинг, умумий тушунчалар буюмларнинг моҳиятини ифодалайди, деган фикрини давом эттиради. У умумий тушунчаларни буюмлардан ва инсонлардан ажралган мутлақ ғоялар сифатида талқин қилади, уларни бирламчи деб билади. У ҳукмни тафаккурнинг асосий элементи деб ҳисоблайди. Ҳукм эга ва кесимнинг бирлигидан иборат бўлиб, тасдиқ ёки инкор маънони билдиради. Агар ҳукмда бирлашиши мумкин бўлмаган тушунчалар бирлаштирилса, у хато бўлади.

Мантиқ илмининг алоҳида фан сифатида шаклланиши Аристотелнинг номи билан боғлиқдир. У биринчи бўлиб, мантиқ илми ўрганадиган масалалар доирасини аниқлаб берди. Аристотелнинг «Категориялар», «Талқин ҳақида», «Биринчи Аналитика», «Иккинчи аналитика», «Софистик раддиялар ҳақида», «Топика» номли асарлари бевосита мантиқ масалаларига бағишлангандир. Унинг «Риторика», «Поэтика» асарлари ҳам мантиқий таълимотининг муҳим таркибий қисмлари ҳисобланади. «Метафизика», «Руҳ ҳақида» асарларида эса мантиқ масалалари маълум даражада баён қилинган.

Аристотель мантиқни «маълум билимлардан номаълум билимларни аниқловчи», «чин фикрни хато фикрдан ажратувчи» фан сифатида таърифлайди. Мантиқнинг вазифаси чин фикрни, ҳақиқатни аниқлашдир, деб таъкидлайди.

Мутафаккир ҳақиқатнинг мавжудлигини, объектив характерини эътироф этган ҳолда, «билимларимизнинг воқеликка мос келиши - ҳақиқатдир», деб кўрсатади. У ҳақиқатни аниқлашда нозидлик ва учинчиси истисно қонунларига амал қилиш зарурлигини таъкидлайди. Аристотель бу қонунларни ҳам онтологик, ҳам гносеологик нуқтаи назардан таърифлайди. Бир вақтда, бир хил муносабатда айнан бир предметга нисбатан ўзаро бир-бирини истисно фикрларни билдириш мумкин эмаслигини, чунки бу

фикрлардан бири чин, бошқаси хато бўлиши ёки ҳар иккиси хато бўлиши мумкинлигини асослаб беради, ўзаро икки зид фикрнинг бири чин, бошқаси хато бўлганда, учинчи фикрга ўрин йўқ, эканлигини таъкидлайди. Аристотелнинг мантиқий таълимотида хулоса чиқариш етакчи ўринни эгаллайди. У тафаккур шакллари бўлган тушунча ва ҳукмни хулоса чиқаришнинг таркибий қисмлари сифатида таҳлил қилади.

Стоя мактаби вакиллари биринчи бўлиб, «логика» терминини тафаккур ҳақидаги махсус фанни ифодалаш учун қўллашган. Улар мантиқни фалсафанинг таркибий қисми, мантиқнинг мақсади инсон ақлини хатолардан асраш ва ҳақиқатга эришишдир, деб билишган. Стоиклар мантиғи икки қисмдан иборат бўлган: диалектика ва риторика; диалектика ўз навбатида грамматика ва билиш назариясига бўлинган. Стоиклар ҳам Аристотель каби нозидлик қонунини тўғри тафаккурнинг асосий принципи, деб билганлар.

Эпикур (эр. ав. 341-270) фалсафада биринчи ўринга билиш назарияси ва мантиқни қўйган, иккинчи ўринда – физика, учинчи ўринда – ахлоқ бўлган. У туғма ғоялар йўқ, билимларимизнинг манбаи – сезгилардир, сезгиларимиз ёлғон маълумот бермайди, фақат хулоса чиқаришдагина инсон хатога йўл қўйиши мумкин, деб таъкидлайди. Эпикур хулоса чиқаришда кўпроқ аналогия ва индукцияга аҳамият берган.

Скептицизм вакиллари билиш жараёнининг нисбий характерини мутлақлаштирганлар, ҳақиқатни билиб бўлмайди деганлар. Сезгилар ва тасаввур ўртасидаги тафовутни бўрттириб кўрсатганлар. Уларнинг инсонни ҳақиқатдан адаштирувчи ҳолатлар ҳақидаги қарашлари этиборга лойиқ.

Қадимги Грецияда шаклланган мантиқ илми Ўрта асрларда янги мазмун билан бойитилди. Бу, айниқса, мантиқнинг Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида, хусусан, Ўрта Осиёда ривожланишида яққол кўринади.

VI-XIII асрларга келиб, Яқин ва Ўрта Шарқда Араб халифалиги вужудга келди, унинг ҳукмрон дунёқараши бўлган Ислом дини қарор топди. Тарихда «мусулмон маданияти» номи билан маълум бўлган маданият шаклланди. Бу янги маданиятнинг шаклланишига Ўрта Осиё ҳалқларининг истеъдодли вакиллари муҳим ҳисса қўшдилар. Бу даврда диний ва дунёвий илмлар қатори мантиқ илми ҳам ривожланди.

IX-XI асрларда Шарқ мамлакатларида, хусусан Ўрта Осиёда фалсафий ва мантиқий таълимотларнинг ривожланишига қадимги юнон, хинд мутафаккирлари асарларининг кўплаб таржима қилиниши ижобий таъсир кўрсатди. Шарқда биринчилардан бўлиб мантиқ илми билан шуғулланган, араб-мусулмон дунёсида перипатетизмга йўл очиб берган мутафаккир Ал-Киндийдир. Абу Юсуф Ёқуб ибн Исҳоқ ал-Киндий (тахм. 800 Басра - 870 Бағдод) - араб файласуфи ва олими. У қадимги грек, ҳинд ва форсларнинг фалсафий-мантиқий меросини яхши билган, араб тилида фалсафий атамаларни ишлаб чиқишда фаол қатнашган ва ўз даврида биринчи бўлиб фанларни таснифлашга уринган.

Ал-Киндийнинг дунёқарашида мантиқ илмига оид масалалар алоҳида ўрин эгаллайди. У қадимги юнон мутафаккирлари асарларини таржима қилиб, уларга шарҳлар ёзган.

Ал-Киндийнинг фалсафий ва мантиқий асарлари, унинг рационалистик йўналишидаги фикрлари Форобий, Ибн Сино, Ибн Рушд, Беруний ва бошқа прогрессив мутафаккирлар дунёқарашининг шаклланишига бевосита таъсир кўрсатди. Унинг асарлари Ўрта асрлардаёқ ғарбий Европада кенг шуҳрат қозонди. IX-XI асрларда мантиқ масалалари билан астойдил шуғулланган Ўрта Осиё мутафаккириларидан Форобий, Ибн Сино, Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийларни кўрсатиш мумкин. Мутафаккирнинг таъкидлашича, мантиқ санъати интеллектнинг мукаммаллашувига

олиб келувчи ва инсонни ҳақиқат томон йўналтирувчи қонунларнинг мажмуасини ўрганади. Бу қонунлар инсонларни билиш жараёнидаги турли хато ва адашишлардан сақлайди. Инсон бу қонунлар ёрдамида билимларини текшириб, уларнинг чин ёки хатолигини аниқлаш имконига эга бўлади. Форобий фикрича, силлогизм ва исботлаш усули энг тўғри, ҳақиқатга олиб келувчи усул бўлиб, илм-фан, фалсафа шуларга асосланади. Форобий асосий мантиқий шакллар бўлган тушунча, ҳукм ва уларнинг турлари, хулоса чиқариш, силлогизм ва унинг фигуралари, модусларини чуқур таҳлил қилиб, улар тўғрисида изчил таълимот яратди.

Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий мантиқ масалаларини кўриб чиқишни сўз ва ибораларнинг ўзаро муносабатини таҳлил этишдан бошлайди. Шарқ мантиқшунослари сўзларнинг маъно англатишига кўра уч турини: сўз ўзининг тўлиқ мазмунини англатадиган, сўз ўз мазмунининг бир қисмини англатадиган, сўз ўз мазмунидан келиб чиқадиган нарсани англатадиган ҳолатларни фарқлаганлар. Хоразмий ҳам бу масалага муфассал тўхталиб, бу турларни ва уларнинг тушунчалардаги мантиқий маъноларини кўриб ўтади. Бу билан олим Яқин ва Ўрта Шарқ мантиқшунослари илгари сурган тушунчаларнинг маъно англатиши ҳақидаги таълимотини давом эттиради.

Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий, Аристотель ва Форобийнинг тафаккур ва тил, мантиқ ва грамматика орасидаги боғлиқлик ғоясини янада ривожлантирди. У мулоҳаза (ҳукм) масаласига алоҳида тўхталиб ўтади.

Ибн Сино мантиқ фанини маълум билимлардан номаълум билимларни келтириб чиқариш, уларни бир-биридан фарқ қилиш, чин ва хато билимлар, уларнинг турларини ўрганувчи фан ёки назарий санъатдир, - деб таърифлайди. Мантиқ илми объектив оламни билиш учун хизмат қилади, билиш эса реал предметларни, аввало сезгилар орқали акс эттириш, сўнг ақлий, мавҳум билишга асосланади. Журжоний таълимотича, тушунча ва ҳукм ўртасида фарқ бор. Фикрда нимадир тасдиқланса ёки инкор этилса, бу ҳукм ҳисобланади. Ҳукм чин ёки хато бўлиши мумкин. Фикр юритишнинг муҳим босқичларидан бири бу хулоса чиқариш ҳисобланади, дейди Журжоний. У хулоса чиқаришнинг уч турини: силлогизм, индукция, аналогияни ажратади. Силлогизм хулоса чиқаришнинг энг асосий кўриниши ҳисобланади. Индукция ва аналогия орқали хулоса чиқариш фаразга олиб келади, улар чин билимни бера олмайди.

Янги даврда Европада фаннинг, айниқса табиатшуносликнинг ривожланиши илмий метод (услуб) масалаларига эътиборни кучайтирди. Бу даврнинг буюк мутафаккирлари Р. Декарт, Ф. Бэкон, Т. Гоббс, Лейбниц ва бошқалар мантиқ илмининг турли йўналишларининг яратилишига асос солдилар.

Френсис Бэкон (1561-1626) машҳур инглиз файласуфи ва табиётшунос олимидир. Бэкон индукцияни хулоса чиқаришнинг асосий шакли, деб билди. Фақат оммабоп индукцияни тан олмади, уни танқид қилди. У индукциянинг асосий методларини чуқур ўрганди. Булардан ташқари индукциянинг ёрдамчи усулларини кашф этди: якка мисоллар, адашган мисоллар, кўрсатувчи ҳолатлар ва бошқалар.

Томас Гоббс (1588-1679) нинг асосий фалсафий асари «Фалсафа асослари» деб аталади. У уч қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмининг биринчи боби «Мантиқ»дир.

Мантиқда Гоббс Бэкон йўлини давом эттирди. У тушунчаларни таърифлашга катта аҳамият берди. Гоббснинг фикрича, таърифлаш бир сўздан иборат бўлмаслиги керак; ном таърифлашда қайтарилмаслиги лозим.

Гоббснинг фикрича, ҳукмлар номларнинг бирикувидан иборат. Ҳукм чин ёки хато бўлиши мумкин. У биринчи ўринга шартли ҳукмларни қўяди, чунки улар

сабабий боғланишни ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Гоббс тил ва тафаккур бирлигини тан олади. Номлар тушунчалар билан, гаплар ҳукмлар билан тенглаштирилади. Декарт машҳур файласуф, йирик математик ва мантиқшунос олимдир Интуиция деганда Декарт хаёлий нарсани эмас, балки соғлом ақлда туғиладиган барқарор ва аниқ тасаввурни тушунган. Интуиция ёрдамида ҳар қандай киши ўзининг мавжуд эканлигини, нималарни ўйлаётганини, учбурчак уч томонга эга эканлигини ва бошқаларни аниқлаши мумкин. Интуиция билан бирга биз дедукциядан ҳам фойдаланамиз. Декарт фикрича, дедукция дейилганда аввал билинган нарсалар асосида билишни таъминлайдиган жараённи тушуниш керак. Дедукция ёрдамида фикрнинг мунтазам ҳаракати билан хулоса ҳосил қилинади.

Мантиқни ўрганишнинг аҳамияти. Тафаккур шакллари ва қонунларини ўрганиш, улардан онгли равишда фойдаланиш фикрлаш маданиятини ўстиради, хусусан, фикрни тўғри қуриш малакасини ривожлантиради; баҳс юритишда ўзининг ва бошқаларнинг фикрига танқидий муносабатда бўлишига, суҳбатдошининг мулоҳазаларидаги хатоларни очиб ташлашга ёрдам беради. Муҳокамани тўғри қуришга, формал зиддиятлар, хатоларга йўл қўймасликка эришиш, айтиш мумкинки, ўзига хос санъат-мантиқ санъати ҳисобланади. Бу санъатнинг назарий асосларини чуқур эгаллаган кишигина унинг имкониятларини амалий муҳокама юритишда намойиш қила олади. Шу ўринда буюк мутафаккир Форобийнинг мантиқ илмининг аҳамияти ҳақида билдирган қуйидаги фикрларининг алоҳида эътиборга лойиқ эканлигини таъкидлаш зарур. У шундай ёзади: «Бизнинг мақсадимиз ақлни, хатога йўл қўйиш мумкин бўлган барча ҳолларда, тўғри тафаккурга етаклайдиган, унинг ёрдамида ҳар сафар хулоса чиқараётганда адашишга қарши эхтиёт чораларини кўрсатадиган санъатни-мантиқ санъатни ўрганишдир. Унинг асосий қонун-қоидаларининг ақлга бўлган муносабати грамматика санъати қоидаларининг тилга бўлган муносабатига ўхшаш; худди грамматика кишиларнинг тилини тўғирлаш эхтиёжи сабабли яратилгани, унга хизмат қилиши зарур бўлгани сингари, мантиқ ҳам тафаккур жараёнини яхши амалга ошириш мақсадида хатога йўл қуйиш мумкин бўлган барча ҳолларда ақлни тўғирлаб туради».[1]

Унинг таълим соҳасидаги вазифалари ҳам жиддийдир. Ўқув жараёнининг самарадорлиги маълум бир даражада ишлатиладиган тушунчаларнинг, терминларнинг аниқ бўлишига, муаммоларнинг мантиқан тўғри қўйилиши ва ҳал қилинишига, мавжуд гипотезалар структурасини тўғри таҳлил қила олишга, аргументлаш қоидаларидан тўғри фойдаланишга боғлиқ.

Фан учун формал мантиқ мураккаб муаммоларни ечиш воситасини беради. Бундай воситалар, одатда, илмий назариянинг структурасини ўрганишда, унда ишлатиладиган формализмнинг моҳиятини тушунтириб беришда, формал зиддиятлар бўлса, уларни аниқлашда муҳим аҳамиятга эга.

Такрорлаш учун саволлар

1. Тафаккурнинг асосий хусусиятлари нималардан иборат?
2. Тафаккур шакли нима?
3. Тафаккур қонуни нима?
4. Формал мантиқ нимани ўргагади?
5. Тафаккур қонунлари нималари нималарни акс эттиради?
6. Қадимги Шарқ мамлакатларида мантиқий таълимотлар қандай шароитларда вужудга келган? Уларнинг асосий хусусиятлари нимада?

[1] Аль-Фараби. Естественно-научные трактаты. Алма-Ата, 1987, 435-бет.

7.Қадимги Грецияда мантиқ илмининг шаклланиши ва ривожланиши қандай хусусиятларга эга?

8.Аристотель нима учун мантиқ илмининг асосчиси деб ҳисобланади?

9.Ўрта асрларда мантиқ илми қандай ривожланган? Абу Абдуллоҳ-Хоразмий, Форобий, Ибн-Сино, Ибн-Рушд, Журжоний ва бошқа Шарқ мутафаккирлари мантиқ илми тараққиётига қандай ҳисса қўшганлар?

МАНТИҚ ИЛМИ ВА ТИЛ. ФОРМАЛ МАНТИҚНИНГ АСОСИЙ ҚОНУНЛАРИ (ТАМОЙИЛЛАРИ)

Таянч тушунчалар: *тил, табиий ва суъний тил, белги, семантика, прагматика, синтаксис, илмий, формаллаштириш, мантиқий қонунлар, айният қонуни, зиддият қонуни, учинчиси истисно қонуни, етарли асос қонуни.*

Тил-ахборот белгилари системаси. Тил тафаккур билан узвий боғланган, фикримизнинг бевосита мавжуд бўлишини таъминлайдиган ва кишилар ўртасида алоқа ўрнатишга хизмат қиладиган ахборот белгилари системасидан иборат. Тилни ўрганиш мантиқ фанининг муҳим вазифаларидан бирини ташкил этади. Маълумки, тафаккур оламни мавҳумлаштириб ва умумлаштириб акс эттирадиган идеал ҳодисадир. Мавҳум нарсаларни, умумийликни фақат тил ёрдамидагина қайд қилиш мумкин.

Тил ва тафаккурнинг бирлиги нутқда ўз ифодасини топади. Нутқ оғзаки ва ёзма ҳолда мавжуд бўлиб, унда фикримиз моддий шаклга, яъни хиссий идрок этиладиган шаклга киради ва шу тариқа у энди бир шахсга эмас, балки жамиятга тегишли бўлиб қолади.

Тил кишиларнинг ижтимоий меҳнат фаолияти негизида вужудга келган ва ривожлана борган. Ана шунинг учун ҳам у чуқур ижтимоий мазмунга эга ҳамда маданиятимиз ва тарихимизнинг муҳим бир қисмини ташкил этади.

Тил ёрдамида билимлар ҳосил қилинади, тўпланади ва бир авлоддан бошқа авлодга етказиб берилади. Шу тариқа у таълим ва тарбия ишларини амалга оширишга, маданиятимизни тараққий эттиришга ёрдам беради.

Белги билиш жараёнида бошқа бир предметнинг вакили вазифасини бажарувчи ҳамда у ҳақда маълум бир хабарлар бериш, уни сақлаш, қайта ишлаш ва узатишга имконият яратувчи моддий предметдир. Ҳар қандай белги ҳам тил белгиси бўла олмайди. Тилга алоқаси бўлмаган белгилар қаторига нусха-белгилар (масалан, фотография карточкаси, бармоқ изи ва шу кабилар), индекс-белгилар ёки кўрсатувчи белгилар (масалан, бадан ҳароратининг кўтарилиши – касаллик белгиси, тутун – оловнинг белгиси ва шу кабилар) киради.

Тил белгиси символ-рамзлар шаклида мавжуд бўлиб, ўзи ифода қиладиган предметлар билан тузилишига кўра ҳеч қандай ўхшашликка эга эмас. Мантиқ ўз эътиборини ана шундай тил белгиларини ўрганишга қаратади.

Тил белгилари ўз маъносига ва мазмунига эга. Тил белгисининг мазмунини у ифода қилаётган, кўрсатаётган объект ташкил этади. Масалан, «аудитория» сўзи реал мавжуд объектни - аудиторияни акс эттирувчи фикр мазмунини ифода этади. Тил белгисининг маъносини эса у ифода қилаётган объектнинг характеристикаси (тавсифи) ташкил этади. Масалан, «Аудитория» сўзининг маъносини « Машғулот ўтказиш учун мўлжалланган хона», «Махсус жихозланган хона» ва шу каби эканлиги хақидаги ахборотлар ташкил этади.

Белгиларнинг билишдаги вазифасини ўрганишга Аристотель, Лейбниц каби мутафаккирлар катта эътибор берганлар. Белгилар ҳақидаги таълимотни тараққий эттириш XIX асрда актуал масалага айланган. Мана шу даврда америкалик файласуф Чарлъз Пирс (1839-1914) белгилар ҳақидаги фан-семиотикага асос солган. Бу фан тил белгисини уч хил йўналиш бўйича анализ қилади. Биринчисини **семантика** ташкил қилиб, у белги билан у ифода қилаётган объект ўртасидаги муносабатни ўрганади. Иккинчиси **прагматика** бўлиб, у кишиларнинг белгиларга муносабатини ҳамда

белгилар ёрдамида кишилар ўртасида вужудга келадиган муносабатларни ўрганади. Учинчиси, **синтаксис** дейилиб, у белгилар ўртасидаги муносабатларни (тилни қуриш қоидаларини) ўрганади. Мантиқ фанини кўпроқ тил белгиларининг семантикаси қизиқтиради.

Табиий ва сунъий тиллар, уларнинг ўзаро алоқаси. Тилнинг иккита тури мавжуд. Улар табиий ва сунъий тиллардир. **Табиий** ёки **миллий тиллар** тарихан шаклланган товушлар (нутқ) ва графика (ёзув) нинг ахборот белгилари системасидан иборат. Табиий тилнинг алоҳида олинган ҳар қандай белгиси ўз холича ҳеч нарсани ифода қилмайди. Бу белгилар инсон амалий фаолияти ва тафаккури тараққиётининг негизида вужудга келган тил системасига киргандагина маълум бир маъно ва мазмун касб этувчи белгиларга айланади.

Сунъий тил табиий тил негизида яратилган ёрдамчи ахборот белгилари системасидан иборат бўлиб, у мавжуд хабарларни аниқ ҳамда тежамли баён қилиш ва узатиш учун хизмат қилади. Сунъий тилда сунъий йўл билан яратилган махсус белгилар, яъни символлар-рамзлар ишлатилади. Табиий тилдаги конкрет мазмунга эга бўлган фикрлар илмий билишда ана шундай символлар билан алмаштирилади. Демак, сунъий тил фикримизнинг конкрет мазмунидан четлашган ҳолда, фақат символлар билан иш олиб боришни таъминлайди.

Сунъий тиллар ҳозирги замон фани ва техникасида кенг қўлланилади. Уларнинг айниқса математика, физика, кимё, кибернетика, ҳисоблаш техникаси ва шу каби соҳалар ривожланишида ҳиссаси катта. Сунъий тилларнинг ишлатилишига мисол қилиб математикадаги тўғри бурчакли учбурчак томонларини ифода қилувчи $Cos^2\alpha+Sin^2\alpha=1$ формуласини, кимёдаги сувни ифода қилувчи H_2O формулани, механиқадаги тезликни ифода қилувчи $\vartheta = \frac{S}{t}$ формуласини ва шу кабиларни кўрсатиш мумкин. Электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурлар тузишда эса махсус алгоритмик тиллар ишлатилади. Улар «Алгол – 60», «Алгол – 65», «Фортран», «Кобол», «ПЛ – 1», «Ассемблер», «Бейсик» ва бошқалардан иборат. Сунъий тилдан мантиқ фани ҳам фикримиз тузилишини назарий жиҳатдан анализ қилишда фойдаланади.

Демак, илмий билишда табий тилдан ҳам, сунъий тилдан ҳам фойдаланилади. **Илмий тил** эса табий тил, сунъий тил ва махсус атамалардан ташкил топган бўлади.

Умумий мантиқ ўзининг махсус илмий формаллашган тилига эга. У инсон тафаккурининг тузилишини аниқ ва равшан ҳолда ифода қилиш мақсадида яратилган. Бунинг моҳиятини тушуниш учун формаллаштиришнинг ўзи нима эканлигини аниқлаб олиш зарур.

Формаллаштириш конкрет мазмунга эга бўлган фикрларни символлар билан алмаштириш, яъни пропозицонал функция ҳосил қилиш, формулалар киритиш, мантиқий қоидаларни яратиш орқали тафаккурнинг (фикрнинг) структурасини ифода қилиш демакдир. Тафаккурнинг структураси билан мантиқнинг тилда ифода қилиниши структураси ўртасида ўзаро мувофиқлик мавжуд, яъни ҳар бир конкрет фикр структурасига маълум бир тил структураси мувофиқ келади. Буни пропорзицонал функция ҳосил қилиш мисолида кўришимиз мумкин. «Тошкент-Ўзбекистоннинг пойтахти» деган фикрдаги «Тошкент» тушунчасини – S, «Ўзбекистоннинг пойтахти» тушунчасини – P билан алмаштирсак, S–P кўринишига эга бўлган пропозицонал функция ҳосил бўлади. **Пропозицонал функция** ўзгарувчи қийматга эга ифода бўлиб, бу қиймат аргумент билан алмаштирилганда конкрет мазмунли фикр ҳосил бўлади.

Формал мантиқнинг асосий қонунлари.Фалсафада қонун тушунчаси нарса ва ҳодисаларнинг муҳим, зарурий, умумий, нисбий барқарор муносабатларини ифодаласа, Формал мантиқда фикрлаш элементлари ўртасидаги ички, муҳим, зарурий алоқадорликни ифодалайди.

Аслида мантиқий тафаккур икки турдаги: диалектика қонунлари ва формаллашган мантиқ қонунларига буйсунади. Диалектика қонунлари мантиқий тафаккурни мазмун ва шакл бирлигида олиб ўрганса, формал мантиқ қонунлари эса, фикрнинг тўғри тузилишини, унинг аниқ, изчил, зиддиятсиз ва асосланган бўлишини эътиборга олади.

Мазкур қоидаларнинг бузилиши нотўғри қурилишига сабаб бўлади. Бунда хусусан, чин фикрлардан хато хулоса чиқиши (масалан, « қонун – унга риоя қилиш зарур бўлган ҳуқуқий хужжат», «Буйруқ қонун эмас», «Буйруқ – унга риоя қилиш зарур бўлган ҳуқуқий ҳужжат эмас») ёки хато қурилган муҳокамадан чин хулоса чиқиши (масалан, «Барча моддий жисмлар кимёвий элементлардир», «Темир – моддий жисм» демак, «Темир – кимёвий элемент») мумкин.

Формал мантиқда қонун-қоидалар кўп. Биз булардан 4 тасини асосий деб атаймиз: айният, нозидлик, истисно, етарли асос қонунлари.

Айният қонунига кўра, **маълум бир предмет ёки ҳодиса ҳақида айтилган айни бир фикр айни бир муҳокама доирасида айни бир вақтда ўз-ўзига тенгдир.** Бу қонун формал мантиқ илмида **«А – А дир»** формуласи билан ифодаланади.

Айният қонунининг асосий талаби: фикрлаш жараёнида турли фикрларни айнанлаштириш ва аксинча, ўзаро айнан бўлган фикрларга тенг эмас, деб қараш мумкин эмас. Масалан: «диалектика қонунлари» ва «табиат, жамият ва инсон тафаккурининг энг умумий қонунлари» тушунчалари шаклига кўра турлича бўлса ҳам мазмунан айнандир. Омоним ва синоним сўзларнинг қўлланиши ҳам баьзан турли фикрларнинг ўзаро айнанлаштирилишига, яъни нотўғри муҳокамага олиб келади. Масалан: «сифат» тушунчаси фалсафий нуктаи назардан, ўзига хос мазмунга эга бўлса, бирор хунарманд томонидан бу тушунча, бошқа мазмунда (ярокли, фойдали) қўлланилади.

Бахс-мунозара жараёнида қандай қилиб бўлса ҳам ракибни алдаш ва ютиб чикиш мақсадида айният қонунининг талабларини атайлаб бузувчилар софистлар деб аталади; уларнинг таълимоти эса софистика дейилади.

Шунингдек, ўзбек халкига хос бўлган аския санъатида айният қонунлари атайлаб бузилишини, тушунчалар ўз маъносида эмас, балки кўчма маъноларда қўлланилишини кузатиш мумкин. Демак, ҳаётда, амалиётда тушунчанинг турли маъноларидан ғаразли ёки бегараз фойдаланиш мумкин экан.

Нозидлик қонуни. Инсон тафаккури аниқ, равшан бўлиши баробарида, зиддиятсиз бўлиши ҳам зарур. Масалан, бир вақтнинг ўзида, бир хил шароитда инсон ҳам ахлоқли, ҳам ахлоқсиз бўлиши мумкин эмас. У ё ахлоқли, ё ахлоқсиз бўлади.

Айни бир предмет ёки ҳодиса ҳақида айтилган икки ўзаро бир-бирини истисно килувчи (қарама-қарши ёки зид) фикр бир вақтда ва бир хил нисбатда бирданига чин бўлиши мумкин эмаслигини, ҳеч бўлмаганда улардан бири албатта хато бўлишини нозидлик қонуни ифодалайди. Бу қонун **«А ҳам В, ҳам В эмас бўла олмайди»** формуласи орқали берилади. Масалан: «Аристотель – мантиқ фанининг асосчиси» ва «Аристотель –мантиқ фанининг асосчиси эмас». Бу зид ҳукмларнинг ҳар иккаласи бир вақтда хато бўлмайди. Улардан биринчиси чин бўлгани учун, иккинчиси хато бўлади. Ўзаро қарама-қарши бўлган «Бу дори ширин» ва «Бу дори аччиқ» **мулоҳаза**ларининг эса иккаласи бир вақтда, бир хил нисбатда

хато бўлиши мумкин. Чунки дори ширин ҳам, аччиқ ҳам бўлмаслиги, балки бемаза ёки нордон бўлиши мумкин.

Баъзан икки қарама-қарши фикр айтилганда, мантиқий зиддият бўлмаслиги мумкин. Бунда қарама-қарши фикрлар турли вақтда ва турли нисбатда айтилган бўлади. Масалан: Талаба А. мантиқ фанидан имтихон топширмади» ва «Талаба А. мантиқ фанидан имтихон топширди». Демак, вақт, муносабат ва объект бирлигининг сакланиши нозидлик қонунининг амал қилиши учун зарурий шарт-шароит ҳисобланади.

Истисно қонуни нозидлик қонунининг мантиқий давоми бўлиб, фикрнинг тўлик мазмунини камраб олиб, баён қилинган икки зад фикрдан бирн чин, бошқаси хато, учинчисига ўрин йўк эканлигини ифодалайди. Бу қонун «**А ёки В, ёки В эмас»** формуласи орқали берилади. Масалан, «Талаба имтихонда «аъло» баҳо олди» ва «Талаба имтихонда «аъло» баҳо олмади», **мулоҳаза**ларни таҳлил қилсак, унда бу **мулоҳаза**лардан бири чин, бошқаси хато, учинчисига ўрин йўқ эканлиги маълум бўлади.

Агарда зид муносабатлар тушунчанинг тўлиқ мазмунини камраб олмаса, икки зид белгидан бошқа белгиларнинг ҳам мавжудлиги маълум бўлса, унда учинчиси истисно қонуни амал килмайди: Талаба имтихонда «аъло» баҳо олди. Талаба имтихонда «қониқарсиз» баҳо олди. Бу ўринда нозидлик қонуни амал қиляпти. Чунки бу **мулоҳаза**ларнинг ҳар иккиси ҳам хато бўлиши ва талаба имтихонда «ўрта» ёки «яхши» баҳо олиши мумкин. «яхши», «ўрта» ва «қониқарсиз» баҳолар – «аъло» баҳо эмас.

Тошкент-Ўзбекистоннинг пойтахти.

Тошкент-Ўзбекистоннинг пойтахти эмас.

Аристотель ҳақиқатни аниқлашда нозидлик ва учинчиси истисно қонунларига амал килиш зарурлигини таъкидлайди.

Етарли асос қонуни. Тўғри фикрлашга хос бўлган муҳим хусусиятлардан бири исботлилик, ишончлиликдир. Муҳокаманинг чинлигига ҳеч кандай шубҳа булмаслиги учун, уни исботлашга, асослашга ҳаракат қилинади. Бунда баён қилинган фикрнинг чинлиги аввалдан маълум бўлган, тасдиқланган бошқа бир фикр, **мулоҳаза** билан таққосланади. Тафаккурнинг бу хусусияти **Етарли асос қонуни** орқали ифодаланади (Бу қонунни биринчи марта немис файласуфи ва математиги Г. Лейбниц таърифлаб берган). **Ҳар бир буюм ва ҳодисанинг реал асоси бўлгани каби, уларинг инъикоси бўлган фикр-мулоҳазалар ҳам асосланган бўлиши керак.** Етарли асос қонунининг бу талаби қуйидаги формула орқали ифодаланади: **«Агар В мавжуд бўлса, унинг асосий сифатида А ҳам мавжуд».**

Етарли асос қонунида фикрларнинг изчиллик билан муайян тартибда боғланиб келиш хусусияти ифодаланади. Бу қонун аввалги кўриб утилган қонунлар билан ўзаро боғлиқ ҳолда амал қилади, **Мулоҳаза**нинг чинлигини асослаш учун келтирилган чин **мулоҳаза**лар – мантиқий асос деб, берилган **мулоҳаза**нинг ўзи эса – мантиқий натижа деб юритилади.

Асос ва натижа орасидаги мантиқий боғлиқликни сабаб ва окибат алоқадорлигидан фарқлаш зарур. Масалан, «Бу киши бемор» деган **мулоҳаза**ни «У шифохонада даволанаяпти» деган фикр билан асослаш мумкин. Аслида шифохонада даволаниш дастлабки **мулоҳаза**нинг сабаби эмас, балки окибатидир. Кўриниб турибдики, мантиқий асос ҳамма вақт ҳам ҳодисанинг сабаби билан мос келмайди.

Мазкур қонунлар тафаккур жараёнида алоҳида-алоҳида ёки бирин-кетин эмас, балки : бир вақтда, биргаликда фикрлар боғланишининг характерига қараб амал қилади ва чин билимга эришиш учун хизмат қилади.

Аристотель асарларида тўғри тафаккурнинг айният ва етарли асос қонунлари алоҳида кўриб чиқилмаган. Лекин унинг асарлари таҳлили уларда бу қонунларга хос талабларнинг баён қилинганлигини кўрсатади.

Аристотель мантиқ илмининг қолган коидалари ва тушунчаларига ҳам (масалан категориялар, хулоса чикаришнинг бевосита, силлогизм, индуктив, дедуктив, аналогия каби) алоҳида эътибор қаратган. Унинг мантиқий таълимоти мантиқ илмининг ривожига жиддий таъсир кўрсатган.

Такрорлаш учун саволлар

1. Формал мантиқнинг асосий қонунларини санаб беринг?
2. Формал мантиқни ўрганиш қандай аҳамиятга эга?
3. Тафаккур қонунлари нималарни акс эттиради?
4. Айният қонунидан келиб чиқадиган асосий талаб нимадан иборат?
5. Нозидлик қонунининг моҳияти нимада?
6. Учинчиси истисно қонуни фикр юритувчи субъект олдига қандай талабни қўяди?
7. Тил нима?
8 Тил ва тафаккур ўзаро қандай алоқада?
9. Сунъий тил нима учун керак ва у қандай яратилади?

Мавзу юзасидан топшириқ ва тавсиялар

1. Фикрнинг шакл жиҳатидан тўғри қурилиши ва мазмуни жиҳатидан чин бўлиши ўртасидаги муносабатни ўрганишга эътибор беринг.
2. Мухокамани тўғри қуриш учун зарур бўлган талабларни ёдда сақланг.
3. Қуйидаги келтирилган диалогдан ҳукмларни топинг:

Шум бола: Ассалому алайкуууууум. Ассалому алайкум, бой ота!

Бой ота: Ваалайкум ассалом, берироқ кел. Хўш нимага келдинг?

Ш: шундай ўзим, сизни кўргани келдим, бой ота. Соғиниб қолдик. Хабар олиб келгин деб юборишди.

Б: яхши, яхши, баракалла. Сен мени олдимга бекордан бекор келмаган бўлсанг керак. Битта яримта иш билан келгансан! Хўш нимага келдинг?

Ш: ҳалиги..., анави... **дандон сопли пичоғиз** бор-у, ўша **синиб қолди...** шуни айтгани келувдим.

Б: хўш, иннай кейин-чи? Нима қилиб синди? Рўзғорда мени пичоғимдан бошқа пичоқ қуриб кетган эканми?

Ш: Този итизни терисини шилвотувдик, суякка тегиб синиб қолди.

Б: хўш, иннай кейин-чи? този итни терисини нимага шилдинглар?

Ш: шошиб қолдик-да, бой ота. **Ўлгандан кейин териси увол бўлмасин, деб шилиб қўя қолдик.**

Б: Падарингга лаънат! Итим нима қилиб ўлди?

Ш: Харом ўлган отни гўштидан бўкиб ўлди.

Б: Харом ўлган отни гўшти қаерда экан?! Харом ўлган отни гўштини ким берди?!

Ш: Э, бегона от эмас, **ўзимизнинг тўриқ қашқани гўшти.** Ўшани **еб, бўкиб ўлди.**

Б: Ҳой, ҳой бола! Оғзингга қараб гапир! Тўриқ қашқа ўлди, дейсанми?! Ё, Парвардигор! Нима қилиб ўлди?

Ш: Хомлик қилиб ўлди.

Б: Ие, нимага хомлик қилиб ўлади?! Ўйлаб гапирвоссанми?!

Ш: Бўлмаса-чи! Тўриқ қашқа аравага ҳеч қўшилмаган экан**. Аравага қўшиб, сув ташиган эдик, зўриқиб, ўлиб қолди.**

Б: Ҳой, ярамас! Нима деб валдиравоссан? Уйда шунча от туриб, келиб-келиб, боқиб қўйган улоқчи отим билан сув ташийсанларми? Аблаҳлар!

Ш: Э, бой ота, **ўт кетганида улоқчилигига қараб ўтирадими!? Бир челак бўлса ҳам, сув ташийверади-да!**

Б: Вой, вой, Парвардигор! Шўрим қуриб қопти! Ў, жинни-пиннимисан, бола?! Ўт тушди дейсанми? Қаерга ўт тушди? Нимага ўт тушади? Нималар ёнди?

Ш: Уйиз куйди, хўжайин. Жааа котта ёнғин бўлди. Узоқ ёнди.

Б: Қўрғон-чи? Қўрғон?

Ш: Қўрғон ҳам ёнди..., омбор ҳам ёнди..., отиз ўлди...., пичоғиз синди.

Б: Вой шўрииим! Хонавайрон бўпман... Тур-э! Падар лаънат, шумқадам! Э, Худо, Сенга нима ёзувдим?! Гуноҳим нима?! Қўрғон-чи? Қўрғонга ўт қаердан ўтди?

Ш: Шағамдан ўтибди.

Б: Шағамдан дейсанми? Жинни бўлиб қолибсан! Мени даргоҳимда шағамга кун қолибдими? Тошкентдан олиб келиб қўйган қатор-қатор 40-панорларим қаёққа кетибди? Керосинни 1 йилга етадиган қилиб запас қилиб қўйган бўлсам?

Ш: Ўзиям одамни хит қилиб ташладиз-да, хўжайин! Бутун бошли **ўликни арвоҳига шаъм ёқмай панор ёқадими?!** Ўзиз ўйланг, келаётган арвоҳ нимани шуъласи билан ўйнашади? Ахир, косага сув қуйиб, устига олма шоҳи қўйилади. **Арвоҳ шоҳга қўниб, дамини олади. Дамини олиб бўлгандан кейин, пирпираб турган шамни шуъласи билан ўйнашади...**

Б: Ким? Ким, ким ўлди?

Ш: Уҳ, уҳ... кичкинтой ўғлиз **Бўрибойвачча. Чумчуқни боласини оламан, деб теракка чиққан экан, ҳалиги, йиқилиб тушди-ю, «Дада-ааа!», деб жон берди.** Вой жигарим.

Б: Вой болааам! вой жигариим! **Ш:** Вой ёшгина кетган жигариим!

Б: Отанг ўлсиин!

Қуйидаги ҳукмларни формал мантиқ қонунлари бўйича таҳлил қилинг:

1. **Дандон сопли пичоғиз синиб қолди**.
2. **Този итизни терисини шилвотувдик, суякка тегиб синиб қолди.**
3. **Ўлгандан кейин териси увол бўлмасин, деб шилиб қўя қолдик.**
4. **Харом ўлган отни гўштидан бўкиб ўлди.**
5. **Ўзимизнинг тўриқ қашқани гўшти**ни **еб, бўкиб ўлди.**
6. **Хомлик қилиб ўлди. Аравага қўшиб, сув ташиган эдик, зўриқиб, ўлиб қолди.**
7. **Ўт кетганида улоқчилигига қараб ўтирадими!? Бир челак бўлса ҳам, сув ташийверади-да!**
8. **Қўрғон ҳам ёнди..., омбор ҳам ёнди...**
9. **Ўт шағамдан ўтибди.**
10. **Ўликни арвоҳига шаъм ёқилади. Арвоҳ шоҳга қўниб, дамини олади. Дамини олиб бўлгандан кейин, пирпираб турган шамни шуъласи билан ўйнашади...**
11. **Бўрибойвачча чумчуқнинг боласини оламан, деб теракка чиққан экан, йиқилиб тушди-ю, «Дада-ааа!», деб жон берди.**

ТУШУНЧА. ХУКМ. ХУЛОСА ЧИҚАРИШ- ТАФАККУР ШАКЛЛАРИ СИФАТИДА

Таянч тушунчалар: *тушунча, тушунчанинг мазмуни ва ҳажми, тушунча мазмуни ва ҳажми ўртасидаги тескари нисбат қонуни, умумий тушунча, якка тушунча. айирувчи тушунча, тўпловчи тушунча, абстракт тушунча, конкрет тушунча, нисбатсиз тушунча, нисбатдош тушунча, ижобий тушунча, салбий тушунча, тушунчанинг мантиқий тавсифи, таққосланадиган тушунчалар, таққосланмайдиган тушунчалар, сиғишадиган тушунчалар ва улар ўртасидаги муносабатлар (мослик, қисман мослик, бўйсуниш), сиғишмайдиган тушунчалар ва улар ўртасидаги муносабатлар (бирга бўйсуниш, қарама-қаршилик, зидлик), тушунчаларни умумлаштириш, тушунчаларни чегаралаш, ҳукм, гап, субъект, предикат, боғловчи, кванторлар, оддий ҳукм, мураккаб ҳукм, ҳукмда терминлар ҳажми, ҳукмларнинг модаллиги, мантиқий квадрат, савол, жавоб. Дедуктив хулоса чиқариш, индуктив хулоса чиқариш, аналогик хулоса чиқариш, силлогизм, силлогизм аксиомаси, энтимема, полисиллогизм, эпихейрема, сорит.*

Тушунчанинг турлари ва улар ўртасидаги муносабатлар.

Тушунча предмет ва ҳодисаларнинг умумий, муҳим белгиларини акс эттирувчи тафаккур шаклидир.

Белгилар предметларни бир-биридан фарқ килувчи ҳамда уларнинг бир-бирига ўхшашлигини ифода килувчи томон, хусусиятлар. Ҳар бир предмет оламдаги бошқа предметлар билан (бевосита ёки билвосита) алоқада бўлганлиги учун кўп белгиларга эга. Уларнинг баъзилари фақат бир предметга хос, **индивидуал, яккалик**, бошқалари предметнинг маълум гуруҳига тегишли **умумий белгилар** ҳисобланади. Масалан, ҳар бир киши фақат ўзига хос руҳий кечинмаларга эга. Шунингдек, (меҳнат жамоаси, миллат ва элат каби) муайян гуруҳ ёки барчага хос (меҳнат қилиш, фикр юритиш кобилиятлари, ижтимоий муносабатларда иштирок этиш каби) умумий белгиларга эга.

Индивидуал ва умумий белгиларнинг баъзилари предметнинг мавжуд бўлиши учун зарур, унинг табиати, моҳиятини ифодалайди. Улар предметнинг **муҳим белгилари** дейилади. *Масалан, давлатнинг мавжуд бўлиши унинг ўз майдони, аҳолиси, ҳокимият органларига эга бўлишини тақозо этади.*

Номуҳим белгилар предметнинг моҳиятини ташкил килмайди. Уларнинг йўқолиши билан предметнинг табиати ўзгармайди. *Масалан, кайси ирқ, миллат, жинсга тааллуқлилик индивиднинг инсон сифатида мавжуд бўлишида аҳамиятли эмас.*

Бир муносабатда муҳим бўлмаган белгилар, бошқа муносабатда муҳим бўлиши мумкин. *Масалан, киши лаёқати унинг кандай касбни танлаши учун муҳим бўлса, инсон сифатида мавжуд бўлиши учун муҳим эмас.*

Ниҳоят, предмет тўхтовсиз ҳаракат, тараққиёт туфайли вақт ўтиши билан унинг муҳим белгиси номуҳим белгига, аксинча, номуҳим белгиси муҳим белгига айланиши мумкин. *Масалан, бевосита кузатиладиган фактлар эмпирик билиш босқичида муҳим аҳамиятли бўлса, назарий билиш босқичида унга камрок мурожаат қилинади.*

Демак, предметнинг умумий ва индивидуал белгилари бор. Масалан, «Тоҳир Малик» тушунчасида предметнинг умумий белгилари (инсон, ёзувчи), индивидуал муҳим белгилари (хусусан, «Шайтанат» романи муаллифи) ҳам фикр қилинади.

Тушунча ҳиссий билиш шакллари: сезги, идрок ва тасаввурдан тубдан фарқ қилади. Сезги, идрок ва тасаввур предметнинг яққол образларидир. Биз фақат бирор конкрет предметни, масалан, ўзимиз ёзиб ўтирган қаламни идрок қилишимиз ёки у ҳақида тасаввурга эга бўлишимиз мумкин. «Умуман қалам»ни идрок қилиб бўлмайди. Чунки тушунча предметнинг яққол эмас, балки абстракт образидир. «Қалам» тушунчасида конкрет қаламларнинг барчаси қамраб олинган, уларнинг хос, индивидуал белгилари ташлаб юборилиб, умумий, муҳим белгиларини ифода қилади. Айни пайтда бу белгилар каламни бошқа предметлардан, масалан, китобдан фарқ қилдирадиган специфик белигилар ҳамдир.

Тушунча предметнинг номуҳим белгиларидан четлашар экан, демак, уни тўлалигича акс эттира олмайди. Лекин, тушунча предметнинг муҳим белгиларини инъикос қилиши, моҳиятини акс эттириши билан ҳиссий билиш шаклларига нисбатан борлиқни чукуррок ифода этади.

Тушунча, ҳиссий билиш шаклларидан фарқли, инсон миясида тўғридан-тўғри акс этмайди. У маълум бир мантиқий усуллар: таққослаш, анализ, синтез, абстракциялаш ва умумлаштиришдан фойдаланиб ҳосил қилинади.

Таққослаш ёрдамида предметлар ўзаро солиштирилиб, уларнинг ўхшаш, умумий ва бир-биридан фарқ қилдирувчи индивидуал белгилари аниқланади.

Таққослаш анализни тақозо қилади. Чунки предметларни яхлит ҳолда солиштириб бўлмайди. Улар у ёки бу хоссасига кўра таққосланиши керак. Бунинг учун у хоссалар ажратилиши лозим. **Анализ** ёрдамида предмет фикран уни ташкил қилувчи қисм, томонларга ажратилиб, ҳар қайсиси алоҳида ўрганилади.

Синтез анализга тескари усул бўлиб, у анализ давомида ажратилган қисмлар, томонларни фикран бирлаштириб, предметни бир бутун холига келтиришдан иборат. Синтез бўлмаса предмет ҳақида яхлит фикр ҳосил қилиб бўлмайди. Анализ ва синтез узвий боғлиқ.

Тушунча ҳосил қилиш учун предметнинг юқоридаги усуллар орқали аниқланган умумий ва индивидуал белгилари муҳимлари ажратилиб, номуҳимлари четлаштирилиши лозим. Бу эса **абстракциялаш** ёрдамида амалга оширилади.

Умумлаштиришда предметлар айрим умумий, муҳим хусусиятларига кўра синфларга бирлаштирилади ва шу тариқа бир тушунчада бир жинсли предметларнинг барчасини фикр қилиш имконияти яратилади.

Тушунчанинг шаклланиши сўз билан узвий боғлиқ. Улар ўртасидаги алоқадорлик тафаккур ва тил ўртасидаги боғланишнинг конкрет тарзда намоён бўлишидир. Масалан, «талаба», «Қурилишни бошқариш факултети», «Тошкент архитектура-қурилиш институти» каби сўзлар. Лекин тушунча ва сўз айнан бир хил нарса эмас. Бир тушунча ҳар хил, баъзан бир тилда ҳам турли сўзлар билан ифодаланади. Тилдаги омоним ва синоним ҳодисалари сўз ва тушунчанинг нисбий мустақил ҳолда мавжудлигини англатади.

Сўзнинг кўп маъноли бўлиши баъзан фикр юритиш жараёнида тушунчаларни аралаштириб юборишга олиб келади. Шунинг учун фан ва техникада терминлардан фойдаланилади. **Термин** катьий бир тушунчани ифодаловчи сўз, у муайян илмий билиш сохасида бир маънода ишлатилади.

Тушунчанинг мазмуни ва ҳажми, уларнинг ўзаро алоқаси. Тушунчада фикр қилинаётган **предметнинг муҳим белгилари йиғиндиси** унинг мазмунига тенг. *Масалан, «фан» тушунчасиг мазмунини фаннинг муҳим белгилари: унинг амалиёт билан алоқада эканлиги, предметларнинг бирорта соҳасига оид тушунча, қонун, принциплар шаклидаги объектив чин билимлар системасидан иборатлиги, дунёқараш шаклланишида иштирок қилиши каби.*

Тушунчанинг ҳажми эса унда фикр қилинаётган **предметлар йигиндиси**дан иборат. Масалан, «фан» тушунчасининг ҳажми мавжуд барча фанлар: математика, физика, мантиқ ва хоказоларни ўзида қамраб олади.

Тушунчанинг мазмуни ва ҳажми узвий боғлиқ. Тескари нисбат қонунига мувофиқ, тушунчанинг ҳажми кенгайтирилса, мазмуни тораяди ёки аксинча. *Масалан, «Фан» тушунчасининг мазмунига «мантиқга оид бўлиш» белгисини қўшиб, ҳажман ундан торроқ «мантиқ фани» тушунчасига ўтилади. Билъакс, «фан» тушунчаси ҳажмини кенгайтириб, мазмунан торрок «ижтимоий онг шакли» ҳосил қилинади. Фақат фанга хос, бошқа ижтимоий онг шаклларида, масалан, санъатда бўлмаган специфик белгилар тушунча мазмунидан чиқариб ташланади.*

Мантиқда тушунчалар мазмуни ва ҳажми бўйича бир қанча турларга бўлинадилар. Хусусан, ҳажмига кўра, якка ва умумий тушунчалар фарқ қилинади.

Якка тушунча ҳажмида бир предмет фикр қилинади. *Масалан, «Ер планетаси», «ТАҚИ кутубхонаси».* **Умумий тушунча**лар предметлар гуруҳини акс эттиради: *«Планета», «Кутубхона».* Умумий тушунчалар акс эттирувчи предметларнинг **миқдори *чегараланган*** ва ***чегараланмаган*** бўлиши мумкин. *Масалан, «химиявий элемент» тушунчасида фикр қилинаётган предметлар сонини ҳисоблаш мумкин. «Юлдуз» тушунчаси ҳажмини ташкил килувчи предметлар сони эса чексиз.*

Фикр юритиш жараёнида ***айирувчи*** ва ***тўпловчи*** тушунчаларни фарқлаш муҳим. Айирувчи тушунча акс эттирувчи белгилар берилган синфнинг ҳар бир предметига хос: *«ТАҚИ талабалари «Мустақиллик остонасида» асарини ўрганмокда*, деган фикр ТАҚИнинг ҳар бир талабасига тегишли. Демак, «ТАҚИ талабалари» тушунчаси бу ерда айирувчи. *«ТАҚИ талабалари «Мустақиллик остонасида» асарини муҳокама этишмоқда»* деган фикрда эса, «ТАҚИ талабалари» тушунчаси тўпловчи, чунки фикр улар тўпламига нисбатан билдирилган.

Мазмуни бўйича тушунчалар, **абстракт** ва **конкрет**га бўлинади. Конкрет тушунчаларда предмет ўз белгилари билан бирга фикр қилинади. Абстракт тушунчаларда эса предмет белгилари ундан фикран ажратиб, алоҳида акс эттирилади. *Масалан, «инсон», «табиат» – конкрет; «қаҳрамонлик» (инсонга хос хусусият), «гўзаллик» (борлиқдаги предметларга хос) абстракт тушунчалардир.*

Шунингдек, тушунчаларни **нисбатсиз** ва **нисбатдош**га ажратиш мумкин. Нисбатсиз тушунчалар нисбатан мустақил, алоҳида мавжуд предметларни акс эттиради: *«давлат», «бадиий асар».*

Нисбатдош тушунчалар зарурий равишда бир-бирини тақозо қиладиган предметларни билдиради: *«ўкитувчи» ва «ўкувчи», «ижобий қаҳрамон» ва «салбий қаҳрамон», «сабаб» ва «оқибат» каби.*

Ижобий ва **салбий** тур тушунчалар ҳам бор. Ижобий тушунчалар мазмунида предмет унга хос белгилар орқали, салбий тушунчалар мазмунида предмет унга хос бўлмаган белгилар орқали фикр қилинади. *Масалан, «саводли киши», «виждонли киши»; «саводсиз киши», «виждонсиз киши» сингари.*

Предмет ва ҳодисалар ўзаро алоқада бўлганидек, уларнинг инъикоси – тушунчалар ҳам ўзаро маьлум алоқа, муносабатларда. Бу муносабатларни аниқлаш учун **таққосланадиган** ва **таққосланмайдиган** тушунчаларни ўрганиш лозим. Таққосланадиган тушунчалар умумий белгиларга эга, мазмун ва ҳажми жиҳатидан бир-бирига яқин туради: *«металлург» ва «ишчи».*

Таққосланмайдиган тушунчалар бир-бири билан узоқ алоқада, кўпинча моддий ёки идеал бўлишдан бошқа умумий белгига эга бўлмаган предметларни акс эттиради: *«ижтимоий прогресс» ва «Зуҳро юлдузи», «идеал газ» ва «гўзаллик».*

Мантиқда таққосланмайдиган тушунчалар ўртасидаги мантиқий муносабатлар ўрганилмайди!

Таққосланадиган тушунчалар ҳажм жиҳатидан ***сиғишадиган*** ва ***сиғишмайдиган*** бўлади. Сиғашадиган тушунчалар ҳажми бир-бирига бутунлай, тўла ёки қисман мос келади. Улар ўртасида уч хил муносабат мавжуд: мослик, қисман мослик ва бўйсуниш.

1. Мослик муносабатидаги тушунчалар бир предмет(ёки предметлар синфи)ни акс эттириб, улар бир-биридан фақат мазмунан фарқ қилади. Масалан:

А – И.А. Каримов.

В – Ўзбекистон Республикаси Президенти.

2. Қисман мослик муносабатидаги тушунчалар қисман умумийликка эга: А – Спортчи.

В – Талаба.

3. Бўйсуниш муносабатида бир тушунчанинг ҳажми иккинчисининг ҳажмига тўлиқ кириб, уни ташкил қилувчи қисм ҳисобланади:

А – Фан.

В – Мантиқ.

Булардан бири бўйсундирувчи (А), иккинчиси (В) бўйсинувчи, улар жинс-тур муносабатида бўлади. ***Жинс тушунча*** предметларнинг бирор синфини, ***тур тушунча*** эса шу синфга мансуб предметларнинг бир гуруҳи ёки биттасини англатади. Мантиқда жинс-тур нисбий характерга эга. Ҳар бир тушунча ўзидан умумийроқ тушунчага тур, камрок умумлашган тушунчага нисбатан жинсдир. *Масалан, «ғоя» тушунчаси «фикр»га нисбатан тур, «миллий ғоя»га нисбатан жинс*.

Сиғишмайдиган тушунчалар ҳажми жиҳатидан умумийликка эга бўлмаган, бир синфга кирувчи ҳар хил предмет ёки предметлар гуруҳини акс эттиради. Булар ўртасида ҳам уч хил муносабат бор: бирга буйсуниш, карама-каршилик, зидлик.

Бирга буйсуниш муносабати:

А – Фан**.** В – Мантиқ. С – Физика.

Қарама-қаршилик муносабатида тушунчалар ҳажмлари бир-бирини истисно қилади. Тушунчалар ўзлари бўйсунадиган тушунча ҳажмини тўлиқ эгаллай олмайди:

А – Одам. В – Баланд буйли одам. С – Паст бўйли одам.

Зидлик муносабатида тушунчалардан бири предметнинг бирор хусусиятини ифодаласа, иккинчиси уни инкор қилади. Зидлик муносабатидаги тушунчалар бўйсундирувчи тушунчанинг ҳажмини тўлик қоплайди:

А – Одам. В – Баланд бўйли одам. С – Баланд бўйли эмас одам.

Тушунчаларни умумлаштириш ва чегаралаш тушунчалар устида олиб бориладигани амаллар ҳисобланиб, улар тушунча мазмуни ва ҳажми ўртасидаги тескари миқдорий нисбат қонунига мувофиқ амалга оширилади.

Тушунчани умумлаштириш – ҳажми кичикроқ тушунчадан ҳажми каттароқ тушунчага бориш. У билиш жараёнида муҳим, фикримиз яккадан умумийга, тарқоқ тушунчадан кенгроқ тушунчага қараб боради**:** «ботаника» ва «биология» – фан.

Бу амал натижасида умумий тушунчадан энг умумий тушунчалар(**категориялар**)га борилади.

Ҳажми кенг тушунчаларни, ҳажми тор тушунчага келтириш ёки жинсдан турга фикран ўтиш – чегаралаш. Чегаралаш амали якка тушунча ҳосил бўлгунча давом эттирилиши мумкин.

А – Мавжудот.

В – ҳайвонот олами.

С – умуртқалилар.

Д – от.

Е – қора байир.

Умумлаштириш ва чегаралаш фан ва амалиётда муҳим фикрлаш операциясидир. Умумлаштириш орқали нарса ва ҳодисаларнинг муҳим, ўзаро ўхшаш; чегаралаш воситасида ҳар бир нарсанинг ўзига хос, конкрет томонини биламиз, ички хусусиятини аниқлаймиз.

Ҳукм таркиби, унинг асосий турлари ва улар ўртасидаги муносабатлар.

Ҳукм предметга маълум бир хосса, муносабатнинг хос ёки хос эмаслигини ифодаловчи тафаккур шаклидир.

Ҳукмнинг асосий вазифаси предмет билан унинг хусусияти, предметлар ўртасидаги муносабатларни кўрсатишдир. Шунинг учун у доим тасдиқ ёки инкор шаклдаги фикрдан иборат. Фикр юритиш жараёнида биз предмет ва ҳодисаларнинг оддий, ташқи хусусиятлари ҳамда ички, зарурий боғланиш, муносабатларини билиб борамиз. Улар ҳақида турли абстракциялар (ҳукмлар) ҳосил қиламиз. Баъзи ҳукмларда аниқ, текширилган, бошқаларида тахминий ноаниқ билимлар ифодаланади.

Ҳукмлар конкрет предмет билан унинг конкрет белгиси ҳақида билимга оид нисбатан тугал фикрдир. Ҳукмлар чин, хато ва ноаниқ (эҳтимол, тахминий) бўлади. Объектив воқеликка мос, уни тўғри ифодалаган ҳукмлар чин; мос келмаганлари – хато. Айни вақтда чинлиги ёки хатолигини аниқлаб бўлмайдиган ҳукмлар – ноаниқ ҳукмлар.

Ҳукм мантиқий категория бўлса, гап грамматик категориядир. Ҳукмлар асосан дарак гап орқали ифодаланади. Фақат дарак гапларда фикр тасдиқ ёки инкор шаклда бўлади: *«Вақт орқага қайтмайди», «Ҳаёт – ҳаракат».*

Ҳукмлар тузилишига кўра, **оддий** ва **мураккаб** бўлади. Оддий ҳукм – таркибидан яна бир ҳукмни ажратиб бўлмайдиган **мулоҳаза.** *Масалан, «Мантиқ илмини ўрганиш тўғри фикрлаш маданиятини шакллантиради».*

Таркибидан икки ёки ундан ортиқ ҳукмни ажратиш мумкин бўлган **мулоҳаза**лар – мураккаб ҳукм, дейилади. *Масалан, «Мантиқ илми тафаккур шакллари ва қонунларини ўрганади», деган **мулоҳаза** мураккаб ҳукмдир. Бу мулоҳазанинг таркиби икки оддий ҳукмдан иборат: «Мантиқ илми тафаккур шаклларини ўрганади» ва «Мантиқ илми тафаккур қонунларини ўрганади».*

Мулоҳаза (ҳукм) таркибида мантиқий эга – субъект (S) фикр қилинаётган предмет ва ҳодисани; мантиқий кесим – предикат (P) предметга хос хусусият, муносабатни билдиради. Предикатда ифодаланган билимлар ҳисобига субъект ҳақидаги тасаввур бойитилади. Ҳукмнинг субъект ва предикати унинг терминларидир.

Ҳукмнинг учинчи зарурий элементи мантиқий боғламадир. У субъект ва предикатни ўзаро боғлайди, натижада ҳукм ҳосил бўлади. Оддий қатьий ҳукмнинг формуласи қуйидагича ёзилади: S – P.

Оддий ҳукмлар сифати ва миқдорига кўра турларга бўлинади. Сифатига кўра, ***тасдиқ*** ва ***инкор*** ҳукмлар фарқланади. Ҳукмнинг сифатини мантиқий боғлама белгилайди. Тасдиқ ҳукмларда белгининг предметга хослиги, инкор ҳукмларда, аксинча, хос эмаслиги кўрсатилади. Масалан, «А.Орипов Ўзбекистон Республикаси Мадхияси муаллифидир» – тасдиқ ҳукм, «Математика ижтимоий фан эмас» – инкор ҳукм.

Миқдорига кўра, оддий ҳукмлар ***якка, умумий*** ва ***жузъий***га бўлинади. Бунда субъектда ифодаланган предметлар сонидан келиб чиқилади.

Якка ҳукмларда бирор белгининг якка предметга хос ёки хос эмаслиги ҳақида фикр билдирилади: *«Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат», «Ахмедов тарихчи эмас»*.

Умумий ҳукмларда бирор белгининг предметлар синфининг ҳаммаси ёки ундаги ҳар бир предметга тааллуқли ёки тааллуқли эмаслиги баён қилинади: *«Ҳар бир инсон бахтли бўлишни истайди», «Ҳеч бир ақлли одам вақтини беҳуда сарфламайди»*.

Жузъий ҳукмларда бирор белгининг предметлар тўпламининг бир қисмига хос ёки хос эмаслиги ҳақида фикр билдирилади: *«Баъзи файласуфлар нотиқдир». «Кўпчилик талабалар дангаса эмас».* Жузъий ҳукмларда «баъзи» сўзи «ҳеч бўлмаса биттаси, балки ҳаммаси» деган маънода қўлланилади. Шунга кўра «Баъзи тошлар тирик мавжудот эмас», деган ҳукм чин, чунки ҳеч бир тош тирик мавжудот эмас.

Мулоҳазаларнинг тўғри ёки нотўғрилигини аниқлаш ва баъзан оддий ҳукмларнинг миқдор ва сифати бўйича бирлашган қуйидаги классификациядан фойдаланилади:

1. ***Умумий тасдиқ ҳукмлар*** бир вақтнинг ўзида ҳам умумий, ҳам тасдиқ фикрни ифодалайди: *«Ҳамма талабалар мантиқ илмини ўрганадилар»*. Бу ҳукмлар формуласи: А. «Ҳамма S –Рдир».

2. ***Умумий инкор ҳукмлар*** бир вақтнинг ўзида ҳам умумий, ҳам инкор фикрни ифодалайди: *«Ҳеч бир ишбилармон режасиз иш юритмайди»*. Формуласи: Е. «Ҳеч бир S-Р эмас».

3. ***Жузъий тасдиқ ҳукмлар*** бир вақтнинг ўзида ҳам жузъий, ҳам тасдиқ фикрни ифодалайди: *«Баъзи талабалар масъулиятли»*. Формуласи: I. «Баъзи S – Р дир»

4. ***Жузъий инкор ҳукмлар*** бир вақтнинг ўзида ҳам жузъий, ҳам инкор фикрни ифодалайди: *«Баъзи талабалар спорт билан шугулланмайдилар».* Формуласи: О. «Баъзи S – Р эмас».

Оддий ҳукмларда терминлар ҳажми қуйидагича бўлади:

1. **А** – Умумий тасдиқ ҳукмларнинг субъекти ҳамма вақт тўлик ҳажмда, предикати эса баъзан тўлик, баъзан тўликсиз ҳажмда: *«Ҳамма инсонлар тирик мавжудотдир»*.

Бу ҳукмнинг субъекти – «инсон» (тўлиқ ҳажмда: ҳамма инсонлар тўғрисида фикр билдирилган), предикати – «тирик мавжудот» (**тўлиқсиз** ҳажмда: тирик мавжудотларнинг бир қисми – инсонлар ҳақида фикр юритилади), «ҳамма» – умумийлик квантори.

Умумий тасдиқ ҳукмларнинг баъзиларида S ва Р тўла ҳажмда бўлиши мумкин: *«Ҳамма мусулмонлар ислом динига эътиқод қиладилар».*

2. **Е** – Умумий инкор ҳукмларнинг субъекти ҳам, предикати ҳам тўлиқ ҳажмда: «Ҳеч бир диндор эътиқодсиз эмас». S – диндорлар, Р – эътиқодсизлар, ҳеч бир – умумийлик кванторидир. Ҳар икки терминнинг ҳажми бир-бирини истисно қилади

3. **I** – Жузъий тасдиқ ҳукмларнинг субъекти ҳамма вақт тўлиқсиз, предикати баъзан тўлиқ, баъзан тўлиқсиз ҳажмда: *«Баъзи талабалар инглиз тилини билади»*. S – талабалар, Р – инглиз тилини биладиганлар, баъзи – мавжудлик квантори.

4. **О** – Жузъий инкор ҳукмларнинг субъекти ҳамма вақт тўлиқсиз, предикати эса тўлиқ ҳажмда: «Баъзи ёшлар ҳунарманд эмас». S – ёшлар, Р – ҳунарманд эмаслар, баъзи – мавжудлик квантори.

Демак, умумий ҳукмлар субъекти ҳамма вақт тўлик ҳажмда, жузъий ҳукмлар субъекти тўлиқсиз ҳажмда. Инкор ҳукмларнинг предикати ҳамма вақт тўлик; тасдиқ ҳукмлар предикати Р < S бўлганда тўлиқ, бошқа холларда тўлиқсиз ҳажмда олинади.

Ҳукмларда терминлар (S ва Р) ҳажмини аниқлаш катьий силлогизмни тўғри тузиш ва бевосита хулоса чиқаришда муҳим аҳамиятга эга.

Оддий ҳукмларда терминлар ҳажми қуйидаги схема орқали «+» тўлиқ; «–» тўликсиз ҳажмни билдиради.

Предикатнинг мазмунига кўра оддий ҳукм турлари қуйидагилар: атрибутив ҳукмлар, мавжудлик ҳукмлари ва муносабат ҳукмлари.

Атрибутив (сифат ва хусусият) ҳукмларни бирор предметнинг синфга мансублиги ёки мансуб эмаслиги ҳақидаги ҳукм, деб таърифласа бўлади. *Масалан: «Ҳамма дарахтлар ўсимликлардир», «Ҳеч бир ўсимлик хайвон эмас». Ҳукмларда дарахтларнинг ўсимликлар синфига кириши, ўсимликлар ва хайвонлар синфининг ўзаро ҳеч қандай умумийликка эга эмаслиги ҳақида фикр билдирилган.*

Икки, уч ва ҳоказо предметлар ўртасида муайян муносабатларнинг бўлиши ёки бўлмаслигини ифодалаган ҳукмларга муносабат ҳукмлари дейилади. *Масалан: «Бутун бўлакдан катта». «Икки – учдан кичик сон».* Муносабат ҳукмлари ҳам сифатига кўра тасдиқ ёки инкор турларга бўлинади.

Муносабат ҳукмлари миқдорига кўра: якка-якка, умумий-умумий, хусусий-хусусий, якка-умумий, якка-жузъий, умумий-жузъий, жузъий-умумий турларга булинади.

Масалан: «Укаси акасидан баланд» (якка-якка); «Гуруҳимизнинг ҳар бир студенти факултетимиздаги ҳамма ўқитувчиларни билади» (умумий-умумий); «Гуруҳимиздаги баъзи талабалар баъзи хинд кино юлдузларини яхши биладилар» (жузъий-жузъий). «Тарих ўқитувчиси гуруҳимиздаги ҳар бир талабани яхши билади» (якка-умумий); «Дўстим баъзи масалаларни еча олади» (якка-жузъии): «Гуруҳимиздаги ҳамма талабалар инглиз тилини ўрганадилар» (умумий-якка); «Гуруҳимиздаги баъзи талабалар француз тилини ўрганадилар» (жузъий-якка); «Гуруҳимиздаги баъзи талабалар «Пахтакор» жамоаси ҳар бир уйинчисини биладилар» (жузъий-умумий).

Уч ва тўрт ўринли муносабат ҳукмлари ҳам юқоридаги каби турларга бўлинадилар.

Мавжудлик (Кутубхонада мантиқ дарслиги бор), айният («А – В» кўринишда бўлган) ва модал ҳукмлар (эҳтимол ёмғир ёғади) баъзи дарсликларда оддий қатьий ҳукм турлари сифатида талқин қилинади. Бироқ мавжудлик ҳукмларини кўпинча атрибутив, айният ҳукмларини муносабат ҳукмлари кўринишида талқин қилиш мумкин.

Шунингдек, оддий ҳукм турлари: ажратиб кўрсатувчи ва истисно қилувчи ҳукмлар ҳам бор. «Гуруҳимиз талабаларидан фақат 4 киши мусобакада қатнашади». «Мантиқ тарихи» курсидан бошқа ҳамма ўқитиладиган фанлардан дарсликлар етарли».

Ҳукм терминлари бирдан ортик бўлса, мураккаб ҳукм деб аталади. Мураккаб ҳукмлар «ва», «ёки», «агар...унда» каби мантиқий боғламалар, инкор қилиш ва модал терминларни кўллаш орқали икки ва ундан ортик оддий ҳукмларнинг ўзаро бирикишидан ҳосил бўлади. Мураккаб ҳукмларнинг қуйидаги асосий турларини фарқ қилиш мумкин: бирлаштирувчи, айирувчи, шартли, эквивалент.

Бирлаштирувчи (конъюнктив) ҳукмлар икки ва ундан ортик оддий ҳукмларнинг «ва» «ҳам», «ҳамда» каби мантиқий богловчилар воситасида ўзаро бирикишидан ҳосил бўлади: 1. Қўнғироқ чалинди ва дарс бошланди (икки мустақил оддий ҳукмнинг боғланиши). 2. А.Навоий шоир ва давлат арбоби бўлган (бир хил субъектга эга икки оддий ҳукм). 3. Муҳаммад Хоразмий ва Ахмад Фаргоний математика фанининг ривожланишига катта ҳисса қўшганлар (бир хил предикатга эга икки оддий ҳукм ўзаро боғланган).

Ўзбек тилида бирлаштирувчи ҳукмлар «аммо», «лекин», «бироқ каби боғламалар воситасида ҳам тузилади. Мантиқий боғламалар конъюнкция белгиси, «^» орқали ифодаланади.

Конъюнктив ҳукм формуласи: p^q. Конъюнктив ҳукм таркибидаги оддий ҳукмлар чин ёки хато бўлиши мумкин. Таркибидаги ҳамма оддий ҳукмлар чин бўлганда, бирлаштирувчи ҳукм чин бўлади. Бошқа ҳолатларда эса хато. *Масалан, «Ёлғон гапириш ва уғирлик қилиш жиноятдир» ҳукмидаги биринчи оддий гап «Ёлғон гапириш жиноятдир» чин бўлмаганлиги учун, бу ҳукм чин бўлмайди.*

Айирувчи (дизъюнктив) ҳукм деб «ё», «ёки», «ёхуд» мантиқий боғламалари воситасида оддий ҳукмлардан ташкил топган мулоҳазага айтилади. Масалан: *«Қодиров фалсафа, ёки социология, ёки психология бўлимида ўкийди». «Иккинчи соатда ё математика, ёки чет тили дарси бўлади».* Айирувчи ҳукмлар оддий (pvq) ёки қатъий (*pvq)* турларга бўлинади. Қатъий дизъюнктив ҳукмда таркибидаги оддий ҳукмлардан фақат бири чин. «И.Султон ёзувчи ёки драматургдир». «Абдуллаев мусобакада ё ютади, ютмайди».

Шартли (импликатив) ҳукм икки оддий ҳукмнинг «агар...унда» мантиқий боғламаси орқали бирикишидан ташкил топади. Ҳодисанинг зарурий шарти унинг мавжудлигини таъминлайдиган ҳолатдир. *Масалан: «Агар ўсимлик сувсиз қолса, у курийди».*

Ҳодиса учун етарли бўлган шарт: ҳар сафар шу шарт бўлганда, ўша ҳодиса кузатиладиган ҳолат. Масалан: *«Агар ёмғир ёғса, унда уйларнинг томи хўл бўлади».*

Шартлар «етарли, лекин зарурий бўлмаган», «зарурий, лекин етарли бўлмаган», «зарурий ва етарли» бўлиши мумкин.

Шартли ҳукмнинг «агар» ва «унда» сўзлари оралиғидаги кисми – асос, «унда» сўзидан кейинги қисми – натижа. Юқоридаги мисолда «ёмғир ёғса» ҳукми асос (антецедент), «уйларнинг томи хўл бўлади» ҳукми – натижа(консеквент) ҳисобланади. Формуласи: (--). Импликатив ҳукм антецедент – чин, консеквент – хато бўлган ҳолатдан бошқа ҳамма кўринишларда чин бўлади.

Эквивалентлик ҳукмлари «агар ва фақат агар ... унда» мантиқий богловчиси ёрдамида икки оддий ҳукмнинг ўзаро боғланишидан ҳосил бўлади. Агар шартли ҳукмнинг асоси натижада қайд этилган фикр учун зарурий ва етарли шарт ҳисобланса, унда бу ҳукм эквивалент ҳукм бўлади. *Масалан: Агар берилган бутун сон жуфт сон бўлса, унда у иккига қолдиқсиз бўлинади.*

Ҳукмлар **таққосланадиган** (умумий субъект ёки предикатга эга) ва **таққосланмайдиган** турларга ҳам бўлинади. Таққосланадиган мулоҳазалар сиғишадиган ёки сигишмайдиган бўлади. Мантиқда икки ҳукм (p ва q) дан бирининг чинлигидан иккинчисининг хатолиги зарурий келиб чикадиган бўлса, улар ўзаро сиғишмайдиган ҳукмлар дейилади. Сиғишмайдиган ҳукмлар бир вақтда чин бўла олмайди. Сигишадиган ҳукмлар айнан бир фикрни тўлиқ ёки қисман ифодалайди; ўзаро эквивалентлик, мантиқий бўйсуниш ва қисман мос келиш (субконтрар) муносабатида бўлади.

Сиғишмайдиган ҳукмлар карама-каршилик (контрар) ва зидлик (контрадикторлик) муносабатида бўлади. Ҳукмлар ўртасидаги муносабатларнинг схематик ифодаси «мантиқий квадрат» деб аталади. Мантиқий квадрат орқали мулоҳазалар орасидаги чинлик муносабатлари аниқланади. *Масалан, «Ҳар бир жамият ўз ахлоқий нормаларига эга».* Бу А – умумий тасдиқ ҳукм; яна Е, І, О кўринишларда қуйидагича ифодаланади:

Е. Ҳеч бир жамият ўз ахлоқий нормаларига эга эмас.

І. Баъзи жамиятлар ўз ахлоқий нормаларига эга.

О. Баъзи жамиятлар ўз ахлоқий нормаларига эга эмас.

Юқоридаги мисоллардан А – ҳукм чин, Е – ҳукм хато эканлиги маълум бўлади.

Зидлик муносабати мазмуни ва ҳажмига кўра турлича бўлган ҳукмлар ўртасида мавжуд бўлади. Улардан бири ҳамма вақт чин, бошқаси эса хато бўлади. Юқоридаги мисоллардан А – ҳукм чин бўлиб, О – ҳукм хатодир. Шунингдек, І – ҳукм чин, Е – ҳукм хатодир.

Сигишадиган мулоҳазаларда мазмуни бир хил, ҳажми турли хил ҳукмлар ўзаро бўйсиниш муносабатида бўлади. Бунда умумий ҳукмлар бўйсиндирувчи, жузъий ҳукмлар бўйсинувчи. Бўйсуниш муносабатида умумий ҳукмлар чин бўлса, жузъий ҳукмлар ҳам чин бўлади. Лекин жузъий ҳукмлар чин бўлганда, умумий ҳукмлар ноаниқ (чин ёки хато) бўлади.

Қисман мослик (субконтрар) муносабати мазмуни ҳар хил бўлган жузъий ҳукмлар ўртасида мавжуд бўлади. Бу ҳукмлар бир вақтда чин бўлиши мумкин, лекин ҳар иккиси бир вақтда хато бўлмайди. Агар улардан бирининг хатолиги аниқ бўлса, унда бошқаси албатта чин бўлади. Юқоридаги мисолимизда О – ҳукм хатолиги аниқ бўлгани учун, І – ҳукм чиндир.

Эквивалентлик муносабатидаги ҳукмлар ҳамма вақт чин бўлади, чунки уларда айнан бир фикр турли шаклда ифодаланади: *«А.Орипов Ўзбекистон Республикаси мадхиясининг муаллифи» ва «А.Орипов – Ўзбекистон Кахрамони»* (ҳукмлар бир хил субъект, лекин ҳар хил предикатга эга).

Хулоса: ҳукмларнинг чинлигига кўра муносабатини ифодаловчи мазкур қонуниятлар билишда муҳим аҳамиятга эга.

Хулоса чиқаришнинг умумий мантиқий тавсифи ҳамда турлари. Воқеликни билиш жараёнида инсон абстракт тафаккур ёрдамида, мавжуд билимларга асосланган ҳолда янги билимларга эга бўлиб боради. Шу билимларни ҳосил қилиш мантиқ илмида хулоса чиқариш, дейилади.

Хулоса чиқариш – бир ва ундан ортик, чин мулоҳазалардан маълум қоидалар ёрдамида янги билимларни келтириб чиқаришдан иборат тафаккур шакли.

Хулоса чиқариш жараёни асослар, хулоса ва асослардан хулосага ўтишдан ташкил топади. Тўғри хулоса чиқариш учун асослар чин ҳукмлар бўлиб, ўзаро мантиқан боғланиши шарт.

Масалан, «Аристотель-мантиқ фанининг асосчиси» ва «Платон юнон файласуфидир» деган икки чин мулоҳазадан хулоса чиқариб бўлмайди. Чунки бу мулоҳазалар ўртасида мантиқий алоқадорлик йўқ.

Бу қоидалар бузилса, тўғри хулоса чикмайди. *Масалан: «Талаба А – аълочи» деган мулоҳазадан «Талаба А – одобли», деган хулоса чиқмайди.*

Хулоса чиқариш хулосанинг чинлик даражаси, хулоса асосларининг сони ва фикрнинг ҳаракат йўналишига кўра, бир қанча турларга бўлинади. Фикрнинг ҳаракат йўналиши бўйича турларга ажратиш нисбатан мукаммалроқ.

Фақат биргина мулоҳазага асосланган ҳолда янги билимларнинг ҳосил килиниши бевосита хулоса чиқариш деб аталади. Бевосита хулоса чиқаришнинг қуйидаги мантиқий усуллари мавжуд:

Айлантириш (лот.obversio) – тасдиқ ҳукмларни инкорга, инкор ҳукмларни тасдиққа айлантириш йули билан хулоса чиқарилади. *Масалан: Баъзи ҳайвонлар қуруқликда яшайди. Демак, баъзи хайвонлар қуруқликда яшамайди.*

Бундай пайтда фақат чегаралаш йўли билангина тўғри хулосага келиш мумкин:. *Ҳамма космонавтлар учувчи (тўғри). Демак, ҳеч бир учувчи – космонавт эмас (хато). Баъзи учувчилар космонавт эмас (тўғри).*

Кисман (жузъий) инкорни жузъий тасдиққа, жузъий тасдиқни жузъий инкорга айлантирганда тўғри хулоса чиқаверади. Асослари мураккаб ҳукмлардан иборат ҳукмдан бевосита хулоса чиқариш мумкин: *Агар товар ишлаб чиқариш тугатилса, киймат қонуни тугатилади. Киймат қонуни тугатилса, товар ишлаб чиқариш тугатилади.*

Унинг схемаси: Агар А бўлса, В бўлади. Демак, В бўлса, А бўлади.

Алмаштириш (лот. conversio) – хулоса берилган мулоҳазадаги субъект ва предикатнинг ўрнини алмаштириш орқали келтириб чикарилади.

Алмаштиришда берилган мулоҳазадаги терминлар ҳажми эътиборга олиниши шарт. Акс ҳолда хулоса нотўғри бўлиши мумкин:

Ҳамма инсонлар тирик мавжудотлардир.

Ҳамма тирик мавжудотлар инсонлардир.

Хулоса хато, чунки Р – (тирик мавжудотлар) тўлиқ ҳажмда олинмаган, хулосада эса тўлиқ ҳажмда. Шунинг учун «Баъзи тирик мавжудотлар инсонлардир»деган хулоса тўғри.

Булардан ташқари дедуктив хулоса чиқаришнинг предикатга қарама-қарши қўйиш ва мантиқий квадрат бўйича хулоса чиқариш каби шакллари мавжуд.

а) Дедуктив хулоса чиқариш аслида силлогизм шаклида бўлади. Силлогизм «қўшиб ҳисоблаш» маъносини англатади. Бу терминдан мантиқда оддий қатъий силлогизмни ифодалаш учун фойдаланилади. Силлогизмда ўзаро мантиқий боғланган икки қатъий мулоҳазадан учинчи – янги қатъий мулоҳаза зарурий тарзда келиб чиқади. Бунда дастлабки мулоҳазалардан бири албатта ё умумий тасдиқ ёки умумий инкор ҳукм бўлади. Ҳосил қилинган янги мулоҳаза дастлабкиларидан умумийрок бўлмайди. Силлогизмни умумийликка асосланган хулоса чиқариш, дейиш мумкин:

Ҳеч бир хасис сахий эмас.

Баъзи бойлар хасисдир.

Булардан зарурий равишда – «Баъзи бойлар сахий эмас», деган учинчи мулоҳаза келиб чикади.

Силлогизмнинг таркиби хулоса асослари (praemissae) ва хулоса(conclusio)дан ташкил топган. Хулоса асослари ва хулосадаги тушунчалар **терминлар** деб аталади. Хулосанинг мантиқий эгаси – S – кичик термин (terminus minor), мантиқий кесим – Р –катта термин (terminus major). Хулоса асослари учун умумий, лекин хулосада учрамайдиган тушунча – М – (terminus medius) ўрта термин. Асосларда катта терминни ўз ичига олган мулоҳаза катта асос, кичик терминни уз ичига олган мулоҳаза кичик асосидир.

Аксиомалар исботсиз чин деб кабул қилинган назарий мулоҳазалар бўлиб, улар воситасида бошқа фикр ва мулоҳазалар асослаб берилади. Мантиқда **силлогизм аксиомаси** бир неча марта амалиётда исботланган фикрлар маъносида ишлатилади. Бу маънода *«Инсондан олдин ер пайдо бўлган», «Бутун ўз бўлагидан катта»* каби фикрлар аксиомалардир. Силлогизм аксиомаси инсон амалиётида миллион-миллион бор такрорлаш асосида вужудга келган тўғри фикрлардан хулоса уз-ўзидан келиб чикишини кўрсатади.

Масалан: А предмет В нинг ичида бўлса, В предмет С нинг ичида бўлса, демак, А предмет С нинг ичида. Агар А предмет В предмет ичида бўлса, В предмет С нинг ичида бўлмаса, демак, А предмет С дан ташқарида.

Демак, силлогизм аксиомасида маълум группа предмет тасдиқланса ёки инкор килинса, унга кирувчи ҳар бир предмет ҳам тасдиқланади ёки инкор қилинади.

Силлогизм аксиомаларида фикр шакли ва мазмуни ўзаро узлуксиз, объектив боғланган бир бутуннинг айрим томонларини ифодалайди. Бу ўз навбатида яккалик

ва умумийлик, миқдор ва сифат ўртасидаги диалектик алоқадорликнинг тафаккур жараёнида ўзига хос намоён бўлишидир.

Хулоса асосларининг чин бўлиши хулосанинг чин бўлиши учун етарли эмас. Хулоса чин бўлиши учун **силлогизмнинг умумий қоидалари**га ҳам амал қилиш зарур:

1. Силлогизмда учта: катта, кичик ва ўрта терминлар бўлиши керак. Силлогизм хулосаси катта ва кичик терминларнинг ўрта терминга муносабатига асосланади; шу сабабли терминлар сони учтадан кам ёки ортиқ бўлмаслиги талаб қилинади. Агар терминлар сони учтадан кам бўлса, хулосаси янги билим бермайди.

2. Ўрта термин ҳеч бўлмаганда асосларнинг бирида тўла ҳажмда олиниши керак.

Акс ҳолда, четки терминларнинг боғланиши ноаниқ ва хулосанинг чин ёки хатолигини аниқлаб бўлмайди.

3. Катта ва кичик терминлар асосларда қандай ҳажмда олинган бўлса, хулосада ҳам шундай ҳажмда бўлиши керак.

4. Икки инкор ҳукмдан хулоса чиқариб бўлмайди: *Ишсизлар тадбиркор эмас. Тадбиркорлар ишсиз эмас.*

5. Икки жузъий ҳукмдан хулоса чиқариб бўлмайди: *Баъзи аёллар тадбиркордир. Баъзи давлат арбоблари аёллардир.*

6. Асослардан бири инкор бўлса, хулоса ҳам инкор бўлади: *Ҳеч бир жиноят жазосиз колмайди.*

Ватанга хиёнат қилиш жиноятдир.

Ватанга хиёнат қилиш жазосиз колмайди.

7. Асослардан бири жузъий ҳукм бўлса, хулоса ҳам жузъий ҳукм бўлади:

Яхши фарзанд ота-онасини ҳурмат қилади.

Баъзи ёшлар яхши фарзанддир.

Баъзи ёшлар ота-онасини ҳурмат қилади.

Силлогазмнинг фигура ва модуслари қуйидагича:

I фигурада ўрта термин катта асоснинг субъекти, кичик асоснинг предикати.

II фигурада ўрта термин катта ва кичик асосларнинг предикати бўлади.

III фигурада ўрта термин ҳар икки асоснинг субъекти.

IV фигурада ўрта термин катта асоснинг предикати, кичик асоснинг субъекти.

Силлогизм асослари – оддий қатъий (А, Е, I, О) ҳукмларнинг икки асос ва хулосада ўзига хос тартибда келиши модус дейилади. «**Модус**» – шакл маъносини англатади. Силлогизм фигураларининг ўзига хос модуслари мавжуд. Ҳар бир фигуранинг тўғри модусларини аниқлашда, тўғри хулоса чиқаришда ҳар бир фигуранинг махсус қоидаларига ҳам амал қилинади.

Оддий қатъий силлогизмнинг I фигураси қуйидаги махсус қоидаларга эга:

1. Катта асос умумий ҳукм бўлиши керак. 2. Кичик асос тасдиқ ҳукм бўлиши керак.

I фигуранинг **4**та тўғри модуси мавжуд: А А А, Е А Е, А I I, Е I 0.

Модусларнинг 1-ҳарфи катта асос, 2-ҳарфи кичик асос, 3-ҳарфи хулосанинг сифат ва миқдорини кўрсатади. Уларнинг ҳар бири алоҳида ном билан аталади:

А А А – Barbara модуси:

А. Ҳамма илмий қонунлар объектив характерга эга.

А. Тафаккур қонунлари-илмий қонунлардир.

А. Тафаккур қонунлари объектив характерга эга.

ЕАЕ – Celarent модуси:

Е. Ҳеч бир диндор атеист эмас.

А. Имомлар диндордир.

Е. Ҳеч бир имом атеист эмас.

AII – Darii модуси:

А. Барча жиноятчилар жазога лойиқ.

I. Баъзи кишилар-жиноятчидир.

I. Баъзи кишилар жазога лойиқ.

E I O – Ferio модуси:

Е. Ахлоқли инсонларнинг ҳеч бири виждонсиз эмас.

I. Баъзи ёшлар ахлоқли инсондир.

О. Баъзи ёшлар виждонсиз эмас.

Бу фигура оддий қатъий ҳукмларнинг барча турлари бўйича хулосалар беради.

Оддий катъий силлогизмнинг П-фигураси қуйидаги махсус қоидаларга эга:

1. Катта асос умумий ҳукм бўлиши керак.
2. Асосларнинг бири инкор ҳукм бўлиши керак.

II фигуранинг **4**та тўғри модуси мавжуд: AEE, EAE, AOO, EIO.

AEE – Camestres модуси:

А. Ҳамма ҳукмлар дарак гап орқали ифодаланади.

Е. Савол дарак гап орқали ифодаланмайди.

Е. Ҳеч бир савол ҳукм эмас.

EAE – Cesare модуси:

Е. Ҳеч бир атеист диндор эмас.

А. Имомлар диндордир.

Е. Ҳеч бир имом атеист эмас.

AOO – Baroko модуси:

А. Ҳамма қушлар учади.

О. Баъзи мавжудотлар учмайди.

О. Баъзи мавжудотлар қушлар эмас.

EIO – Festino модуси:

Е. Қонунларга амал қилмаганларнинг ҳеч бири эркин эмас.

I. Баъзи фукаролар эркиндирлар

О. Баъзи фуқаролар қонунга амал қилувчи эмаслар.

Мисоллардан маълумки, бу фигура хулосалари фақат инкор ҳукмдан иборат.

Оддий катъий силлогизмнинг Ш-фигурасининг махсус қоидаси: кичик асос тасдиқ ҳукм бўлиши керак. Тўғри модуслари **6**та: AAI,AII, IAI, EAO, EIO, OAO.

AAI – Darapti модуси:

А. Ҳамма мантиқшунослар файласуфдир.

А. Ҳамма мантиқшунослар – илмли кишилар.

I. Баъзи илмли кишилар файласуфдир.

AII – Datisi модуси:

А. Ҳамма оддий қатъий ҳукмлар хулоса асослари бўлади.

I. Баъзи оддий қатъий ҳукмлар чин фикрдир.

I. Баъзи чин фикрлар хулоса асослари бўлади.

IAI – Disarms модуси:

I. Баъзи файласуфлар мантиқшунос бўлган.

А. Ҳамма файласуфлар илмли кишилардир.

I. Баъзи илмли кишилар мантиқшунос бўлган.

EAO - Felapton модуси:

Е. Ҳеч бир партия дастурсиз иш юритмайди.

А. Ҳамма партиялар сиёсий ташкилотдир.

О. Баъзи сиёсий ташкилотлар дастурсиз иш юритмайди.

E I O – Ferison модуси:
E. Ҳеч бир диндор эътиқодсиз эмас.
I. Баъзи динлорлар – ёшлардир.
O. Баъзи ёшлар эътиқодсиз эмас.
OAO – Bokardo модуси:
O. Баъзи одамлар рост гапирмайдилар.
A. Ҳамма одамлар яхши яшашни хоҳлайди.
O. Баъзи яхши яшашни хоҳловчилар рост гапирмайдилар.
III фигура модусларининг хулосалари фақат жузъий ҳукмдан иборат бўлади.
Оддий катъий силлогизмнинг IV-фигураси қуйидаги махсус қоидаларга эга:
1. Асосларнинг бири инкор ҳукм бўлса, катта асос умумий ҳукм бўлади.
2. Катта асос тасдиқ ҳукм бўлса, кичик асос умумий ҳукм бўлади.
IV-фигуранинг **5** та тўғри модуси мавжуд: AAI, AEE, IAI, EAO, EIO.
AAI – Bramalip модуси:
A. Ҳалол одамларнинг ҳаммаси виждонлидир.
A. Ҳамма виждонлилар адолатли кишилардир.
I. Баъзи адолатли кишилар ҳалол одамлардир.
AEE – Camenes модуси:
A. Қўли очик одамлар сахий бўлади.
E. Ҳеч бир саҳий хасис эмас.
E. Ҳеч бир хасис қўли очик одам эмас.
IAI – Dimaris модуси:
I. Баъзи ёшлар спорт билан шуғулланадилар.
A. Спорт билан шуғулланганларнинг ҳаммаси соғлом кишилардир.
I. Баъзи соғлом кишилар ёшлардир.
EAO – Fesapo модуси:
E. Ҳеч бир софист рост гапирмайди.
A. Ҳамма рост гапирмайдиганлар ёлғончидир.
O. Баъзи ёлғончилар софист эмас.
EIO – Fresison модуси:
E. Ҳеч бир ақлли одам илмсиз эмас.
I. Баъзи илмсизлар ёшлардир.
O. Баъзи ёшлар ақлли одам эмас.
Бу фигура умумий тасдиқ ҳукм кўринишидаги хулосани бермайди.

Аристотелдан бошлаб барча мантиқшунослар силлогазмнинг I фигураси ва унинг модусларини мукаммал, унинг хулосаларини аниқ; бошқа фигуралари эса номукаммал, уларнинг хулосалари чин эканлигини аниқлаш учун I фигурага келтириш зарур, деб ҳисоблаганлар.

б) Индуктив хулоса чиқариш.

Билиш барча соҳада доим предмет ва ҳодисаларнинг ҳиссий идрок этиладиган хосса ва муносабатларини ўрганишдан бошланади. Бу эмпирик билиш босқичида субъект турли хил табиий жараён, ижтимоий ҳодиса, ўхшаш шароитларда маълум хусусиятларнинг такрорланишини кузатади. Такрорланиб турувчи хосса айрим предметнинг индивидуал эмас, балки муайян синфга мансуб предметларнинг умумий хоссаси, деган фикрга келишга асос бўлади. *Масалан, қайси давлатда демократия принципларига тўғри амал қилинса, ўша давлат аҳолисининг ижтимоий турмуш даражаси юқорилиги кузатилиб, шу асосда демократия принциплари, шартларига тўғри амал қиладиган ҳар қандай давлатда аҳоли турмуш даражаси юқори бўлади, деган хулосага келиш мумкин.*

Жузъий билимдан умумий билимга мантиқан ўтиш индукция шаклида содир бўлади (лот. Inductio – ягона асосга келтириш).

Индуктив хулоса чиқариш эмпирик умумлаштириш шаклида содир бўлиб, унда бирор белгининг маълум бир синфга мансуб педметларда такрорланишини кузатиш асосида, шу белгининг мазкур синфга тегишли барча пердметларга хослиги ҳақида хулоса чикарилади.

Индуктив хулоса чиқариш билвосита хулоса чиқариш ҳисобланади, унинг асослари икки ва ундан ортик мулоҳазалардан ташкил топади. Асослар якка предмет ёки предметлар синфининг бир қисмини ифодалайди. Хулосада бир мантиқий синфга мансуб предметларнинг барчасига нисбатан умумий ҳукм тарзида фикр ҳосил қилинади. Демак, индуктив хулоса чиқаришда яккалик, жузъийлик ва умумийликнинг диалектик алоқасини кузатилади.

Индуктив хулоса чиқаришнинг икки тури бор: тўлиқ ва тўлиқсиз индукция.

Тўлиқ индукция бирор белгининг муайян синфга мансуб ҳар бир предметга хослигини аниқлаш асосида, шу белгининг берилган синф предметлари учун умумий белги эканлиги ҳақида хулоса чиқаришдир.

Тўлиқ индукция предметларнинг кичик синфи, элементлари яққол кўзга ташланиб турадиган, миқдор жиҳатдан чекланган ёпиқ системаларга нисбатан хулоса чиқаришда ишлатилади. *Масалан, Қуёш системасига кирувчи планеталар, НАТОга аъзо давлатлар, бирор шаҳарда жойлашган корхоналар ва ҳ.к. ҳақидаги хулосалар*

Тўлиқсиз индукция бирор белгининг бир мантиқий синфга тегишли предметларнинг бир қисмига хос ёки хос эмаслигини аниқлаш асосида, шу белгининг берилган синфга мансуб барча предметларга хос ёки хос эмаслиги ҳақида хулоса чикарилади.

Тўлиқсиз индукцияда хулоса кузатиш, тажриба давомида қайд этилмаган, ўрганилмаган предметларга ҳам тегишли бўлади. Тўлиқсиз индукциянинг эвристик моҳияти айнан шундадир.

Тўлиқсиз индукцияда фикр қуйидаги схемада қурилади:

S предмети Р белгига эга.

S2 предмети Р белгига эга.

S_n предмети Р белгига эга.

S., S2.,.. S_n предметлари С синфига тегишли.

Эхтимол, С синфининг ҳар бир предмети Р белгига эгадир.

Тўлиқсиз индукцияда хулосавий билимнинг эмпирик асоси тўлиқ аниқланмайди, шунинг учун амалга оширилган умумлаштириш тўлиқсиз бўлади. Хусусан, пахта, буғдой, сут, металл прокати, газлама каби махсулотлар катта ҳажмининг сифати ҳақида улардан олинган кичик намуналарни текшириш натижаларига таянган ҳолда фикр билдирилади.

Ўз-ўзидан равшанки, бу йўл билан олинган хулосалар ҳамма вақт ҳам тўғри бўлавермайди. Буни қуйидаги мисол тасдиқлайди: қачонлардир кимёгарлар металларнинг бир қанчаси устида экспериментлар ўтказиб, улар қиздирилганда олтингугурт билан бирикишини кузатишган ва шу асосда, «Барча металлар қиздирилганда олтингугурт билан бирикади», деган хулосага келишган. Уларнинг муҳокамаси қуйидаги схема тарзида кечган:

Мис қиздирилганда олтингугурт билан бирикади.

Темир қиздирилганда олтигугурт билан бирикади.

Алюминий қиздирилганда олтингугурт билан бирикади.

Мис, темир, алюминий ..., металлар синфига кирувчи химиявий элементдирлар.

Эхтимол, барча металлар қиздирилганда олтингугурт билан бирикса керак.

Бу хулосанинг хатолиги маълум муддат ўтгач, олтин устида эксперимент ўтказилганида аён бўлди: у қиздирилганида олтингугурт билан бирикмаган.

Мазкур мисолдан кўринадики, индуктив йўл билан чиқарилган хулоса мантиқий заруриятдан иборат бўлишга даъво кила олмайди. Чунки белгининг бир қанча предметларда такрорланиши оддий бир мосликдан иборат, яъни тасодифий характерга эга бўлиши ҳам мумкин.

Демак, тўлиқсиз индукция бўйича хулоса чиқаришга хос хусусиятлардан бири асослардан хулосанинг мантиқан келиб чиқишнинг кучсиз бўлишидир.

Санаш орқали тўлиқсиз индукция ёки **оммабоп индукция** объектив асосини инсонларнинг кўп йиллик ҳаётий фаолияти, авлоддан авлодга ўтиб келаётган турмуш тажрибалари натижалари ташкил этади. *Масалан, ёз жуда иссиқ келса, қишда қаттиқ совуқ бўлиши мумкинлиги, қалдирғочларнинг учиб кетаётгани ҳавонинг совий бошлаганини билдириши ва ҳоказо хулосалар инсонларнинг об-ҳавони узоқ йиллар давомида кузатишининг натижасидир*.

Кишиларнинг кундалик ҳаётий тажрибасига асосланган, соғлом ақл юритишга хос хусусиятларни ўзида мужассамлантиргани учун хулоса чиқаришнинг бу усулини оммабоп индукция деб аташади.

Оммабоп индукциянинг муҳим бир хислати кузатилаётган ҳолларга зид ҳолнинг йўқлигига ишонч ҳосил қилишдир. Бу, одатда, оммабоп индукция асосида қатъий хулосага келишдан олдин «етти ўлчаб, бир кесиш»га ундайди. Шунинг учун оммабоп индукция халқ донишмандлигининг намоён бўлиш турларидан биридир. Оммабоп индукциянинг хулосаси билиш субъекти учун қулай фактларни санаб кўрсатишга асосланганлиги боис, эҳтимолий, тахминий характерга эга. Чунки санаб кўрсатиш дастлаби индуктив умумлашмалар ҳосил қилишнинг зарурий шарти бўлса-да, ўз ҳолича етарли эмас. Унинг чинлик даражасини ошириш учун қатор методологик талабларга риоя этиш зарур, шундагина у тўғри муҳокама юритишнинг самарали воситасига айланади.

Илмий индукция асосларида бирор белгининг маълум синфга мансуб предметларнинг бир қанчасида такрорланиши қайд этилиши билан бирга, шу белгининг сабабий алоқаси ҳақидаги маълумот хулосада ўз аксини топади.

Маълумки, илмий билишнинг бош мақсади ўрганилаётган объектни характерлайдиган қонунларни очиш орқали объектнинг табиати, моҳиятини тушунтиришдан иборат. Бу эса, биринчи навбатда, ҳодисанинг (ёки белгисининг) мавжуд бўлиш сабабини аниқлашни тақозо этади.

Сабабий алоқадорлик ҳодисалар ўртасидаги умумий боғланишларнинг бошқа турлари (структуравий, функционал, генетик) каби ҳодисаларнинг табиатини белгилайди. Шунинг учун сабабий алоқадорликни ўрганиш ҳодисаларнинг моҳиятини тушуниш, турли жараёнларни олдиндан кўриш, янгиликлар яратиш имконини беради.

Илмий индукция методлари:

Ўхшашлик методи ўрганилаётган ҳодисанинг сабаби ҳақидаги хулоса шу ҳодисанинг бир қанча кузатилаётган ҳолларини солиштириш, уларнинг ўхшаш томонини аниқлаш асосида ҳосил қилинади. *Масалан, кимёвий таркиби, зичлиги, оғирлиги, катталиги турлича маятниклар узунлиги бир хил илгакларга илинтирилиб, ҳаракатга келтирилганида, бир хил тебраниш даврига эга бўлган.* Бунда ҳодисанинг вужудга келиши кузатилаётган барча ҳолларида ундан аввал келаётган ҳолатларнинг фақат биттаси такрорланади. Шунга таяниб, мазкур такрорланувчи ҳолат кузатилаётган ҳодисанинг вужудга келиш сабаби бўлса керак, деган тарзда эҳтимолий хулоса чиқарилади.

Тафовут методи фақат икки ҳол – ҳодисанинг вужудга келган ва келмаган ҳолларини таққослаш асосида ҳодиса сабабини аниқлаш усули бўлиб, унда мавжуд ҳоллар бир-биридан фақат бир ҳолат билан фарқ қилади: бирида у йўқ, иккинчисида – бор. Фақат бор ҳолдагина ҳодиса юзага келади. Шунинг учун мазкур ҳолат кузатилаётган ҳодисанинг сабаби бўлса керак, деб тахмин қилинади. Тафовут методидан билишнинг турли хил соҳаларида кенг фойдаланилади. Масалан, яхши ишлаётган ва яхши ишламаётган корхоналар солиштирилиб, корхонанинг яхши ишламаслиги сабаби аниқланади. Медицинада икки ҳайвонлар гуруҳи – эксперимент ўтказилаётган ва назорат қилувчи гуруҳлар қиёсланиб, эксперимент ўтказилаётган гуруҳда синалган препаратнинг самарадорлик даражаси аниқланади. Ҳар икки гуруҳ бир хил шароитда сақланиб (A, C, D), эксперимент давомида бирига B ҳолати қўшилади. Бу эса аввалги ҳолда йўқ d ҳодисасининг вужудга келишига сабабчи бўлади. Шунга асосланиб, «эҳтимол, B ҳолат d ҳодиса сабабидир» деган хулосага келинади.

Йўлдош ўзгаришлар методи ҳодисадан аввал келаётган ҳолатлардан бирининг ўзгариши, қолган ҳолатлар ўзгармай қолганда, ҳодисанинг ўзгаришига олиб келиши кузатиладиган шароитларда қўлланилади.

Йулдош узгаришлар методига мувофиқ, ***бир ҳолатнинг ўзгариши ҳодисанинг ўзгаришига ҳам олиб келса, шу ҳолат кузатилаётган ҳодиса ўзгаришининг сабабидир.***

Мазкур метод ёрдамида жуда кўп қонунлар, жумладан, физикада газнинг ҳарорати билан унинг зичлиги, тортишиш кучи билан масофа, иктисодиётдаги талаб ва таклиф ўртасидаги боғланиш кабилар ўрганилади.

Ҳодисадан аввал келаётган ҳолатларни A, B, C; бу ҳолатларнинг ўзгариш даражасини 1, 2, ..., n; ҳодисани d билан белгиласак, муҳокама жараёнининг қуйидаги схема бўйича амалга ошишини кўрамиз: эҳтимол, C ҳолат d ҳодиса сабабидир.

Қолдиқлар методи ўрганиш объекти мураккаб ҳодисадан иборат, биридан бошқа кисмларнинг сабаблари аниқ бўлганда, қолган кисмни вужудга келтирувчи сабабни топиш мақсадида қўлланилади. Эхтимол, C ҳолат z ҳодиса сабабидир.

Бу методини қўллаш натижасида гелий, рубидий химиявий элементлари, Нептун планетаси топилган ва турли соҳага оид кўп ҳодисалар аниқланган.

Қолдиклар методи моҳиятини шундай ифодалаш мумкин: ***агар ўрганилаётган мураккаб ҳодисани ташкил этувчи ҳодисанинг (ёки ҳодиса қисмининг) бир ҳолатдан бошқа ҳолатлар билан алоқаси зарурий характерга эга бўлмаса, ана шу қолдик ҳолат мазкур ҳодисанинг (ҳодиса қисмининг) сабаби бўлиши мумкин.***

Сабабий алоқадорликни аниқлашнинг биз кўриб чиққан индуктив методлари ўз мантиқий структурасига кўра, етарли даражада мураккаб муҳокама юритиш усуллари бўлиб, уларда индуктив умумлаштириш дедуктив хулоса чиқариш иштирокида амалга ошади. Хусусаи, дедукция тасодифий ҳолатларни муҳокама жараёнидан чиқариб ташлаш (элиминация қилиш) йўли билан (айирувчи – қатъий силлогизмнинг tollendo ponens модуси асосида) индуктив умумлаштириш йўналишини белгилаш, хулосасининг асосланганлик, ишочлилик даражасининг ортишига хизмат қилади.

Аналогия (грек. мослик, ўхшашлик) билвосита хулоса чиқаришнинг бир туридир. Дедуктив хулоса чиқаришда фикр умумийликдан хусусийликка, индукцияда эса хусусийликдан умумийликка қараб ҳаракатланса, аналогияда бир хусусий ҳолатдан бошқа хусусий ҳолатга қараб ҳаракатланади. Аналогияда предметларнинг ўхшаш хоссаларига асосланиб хулоса чиқарилади. Табиат ва жамиятда объектив турли-туманлик билан бир қаторда, объектив ўхшашлик ҳам мавжуддир. Улар инсон онгида ўз ифодасини топади. Аналогия воситасида бир предметдан (моделдан) бошқа

предметга (прототипга) ахборот ўтказилади. Хулоса асослари моделга, хулоса прототипга тааллуқли бўлади. Масалан, кадимги грекларнинг «Дедал ва Икар» афсонасида ота ва бола қулликдан озод бўлиш учун ўзларига қанот ясаб, учиб кетишади. Бунда хулоса чиқариш қуйидаги кўринишда бўлади:

Қуш қаноти бор тирик мавжудот, у учади.

Инсон қаноти йўқ тирик мавжудот, у учмайди.

Инсоннинг ҳам қаноти бўлса, эҳтимол у учади.

Аналогиянинг хулосаси эҳтимолий шаклда бўлиб, кейинги текширишларни талаб қилади. Аниқ асослардан баъзан аниқ, баъзан эҳтимолий хулоса чиқади. Моделдан прототипга ўтказилаётган ахборотнинг табиатига кўра аналогиянинг икки тури фарқланади: хусусиятлар аналогияси ва муносабатлар аналогияси.

Хусусиятлар аналогиясида икки якка предмет ёки бир турдаги икки предметлар синфи ўхшаш белгиларига кўра ўзаро таққосланади. Ўхшаш белгиларга асосланиб, бирида мавжуд бўлган белгининг бошқасида ҳам бўлиши мумкинлиги ҳақида хулоса чиқарилади. Хусусиятлар аналогиясини қуйидаги типик схема орқали ифодалаш мумкин:

А предмети а, в, с, d белгиларга эга.

В предмети а, в, с белгиларга эга.

Эҳтимол, В предмети d белгига эгадир.

Муносабатлар аналогиясида икки якка предмет, ёки бир турдаги икки предметлар синфи ўртасидаги муносабатларнинг ўхшашлигига асосланилади. Икки турдаги (a R d) ва (m R n) муносабатларни таққосласак, a – m га, d – n га ўхшаш эмас, лекин улар ўртасидаги R – R! муносабатларнинг ўхшашлиги бизга хулоса чиқариш имконини беради

Аналогияни турларга ажратганда хулосанинг аниқлик даражасига ҳам эътибор берилади: уни қатъий (аниқ), қатъий бўлмаган (ноаниқ) ва хато аналогияга ажратамиз. Қатъий аналогиянинг ўзига хос хусусияти: кўчиралаётган ва ўхшатилаётган белгилар ўртасидаги алоқа зарурий. Аниқ фанлар, моделлаштиришда фикр қатъий аналогия шаклида юритилади.

Моделлаштиришда (конкрет ёки абстракт) объектлар моделларда, яъни шартли образлар, схемалар, объектнинг кичрайтирилган нусҳаларида тадқиқ этилади.

Такрорлаш учун саволлар

1. Тушунча нима?
2. Тушунча қандай мантиқий усуллар ёрдамида ҳосил қилинади?
3. Тушунчанинг мазмуни ва ҳажми деганда нимани тушунасиз, улар ўртасида кандай муносабат мавжуд?
4. Тушунчанинг қандай турлари мавжуд?
5. Тушунчалар ўртасида қандай муносабатлар бор?
6. Ҳукм нима ва у қандай структурага эга?
7. Оддий ҳукмнинг қандай турларини биласиз?
8. Мураккаб ҳукм деб нимага айтилади? Унинг қандай турлари бор?
9. Хулоса чикаришнинг структураси қандай ва унинг қандай турлари мавжуд?
10. Бевосита хулоса чиқариш қандай шаклларда амалга ошади?
11. Билвосита хулоса чиқаришнинг қандай турлари мавжуд, улар ҳақида маълумот беринг?
12. Дедуктив хулоса чиқаришнинг асосий хусусиятлари нималардан иборат?
13. Анология бўйича хулоса чиқаришнинг асосий хусусиятлари нималардан иборат?

Мавзу юзасидан топшириқ ва тавсиялар

1. Тафаккурнинг асосий шаклларининг структураси ва турларига оид материалларни пухта ўзлаштиринг Уларнинг ҳар бирига мисоллар келтиринг.

2. Тушунча, ҳукм, хулоса чиқаришнинг асосий турлари ва улар ўртасидаги муносабатларнинг ўзаро алоқадорлигини тушуниб олинг.

3. Тушунча, хукм, хулоса чиқаришнинг ҳар бир турига мисоллар келтиринг.

4. Хулоса чикаришнинг ўзига хос хусусиятларини аниқланг ва илмий индукциянинг моҳиятини тушуниб олинг.

5. Хулоса чиқаришнинг структураси ва турларига оид материалларни пухта ўзлаштиринг. Бунда мантиқан келиб чиқиш тушунчасига, олинадиган хулосанинг чин бўлиш шартларига алоҳида эътибор Беринг.

6. Бевосита хулоса чиқаришнинг мавжуд барча ҳолларига биттадиа мисол келтиринг.

7. Силлогизмнинг аксиомаси ва умумий қоидаларини ёдланг.

8. Индуктив хулоса чиқаришнинг ўзига хос хусусиятларини аниқланг ва турларини билиб олинг.

9. Илмий индукциянинг моҳиятини тушуниб олинг.

10. Дедуктив ва индуктив хулоса чиқаришларнинг ўзаро алорқасини аниқлаб олинг.

11. Аналогияда хулосани чин бўлиши шартларини яхши тушуниб олинг.

12. Хулоса чиқаришнинг асосий турлари ва улар ўртасидаги муносабатларнинг ўзаро алоқадорлигини тушуниб олинг.

13. Хулоса чиқаришнинг ҳар бир турига мисоллар келтиринг.

14. Хулоса чикаришнинг ўзига хос хусусиятларини аниқланг ва илмий индукциянинг моҳиятини тушуниб олинг.

ДАЛИЛЛАШНИНГ МАНТИҚИЙ АСОСЛАРИ. МУАММО. ФАРАЗ. НАЗАРИЯ

Таянч иборалар: *тезис, аргументлар, исботлаш усули, раддия, муаммо, гипотеза, назария*

Баҳс, мунозара юритишнинг, чин фикрларни исботлай билишнинг, хато фикрларни рад этишнинг ўзига хос қонун қоидалари мавжуд. Бу қоидаларни билиш ҳар бир инсонга, шу жумладан талабаларга чин фикрни хато фикрдан ажрата билиш, тўғри тафаккурлаш маданиятини шакллантириш имконини беради.

Исботлаш тушунчаси ва унинг таркиби. Мантиқ илмида исботлаш ва далиллаш тушунчалари ўзаро фарқланади. Далиллаш деб, бирор фикр, мулоҳазани ёки мулоҳазалар тизимини воқеликка бевосита мурожаат қилиш йўли билан (кузатиш, тажриба-эксперимент ва ҳоказо асосида) ёки чинлиги аввалдан тасдиқланган бошқа мулоҳазалар ёрдамида асослаб беришга айтилади. Далиллаш бевосита ёки воситали бўлади. Бевосита далиллаш ҳиссий билишга, яъни кўриш, тажриба-эксперимент орқали амалга оширилади. Воситали далиллаш эса, чинлиги аввалдан тасдиқланган бошқа мулоҳазаларга асосланади ва хулоса чиқариш кўринишида намоён бўлади. Далиллашнинг биринчи усули эмпирик, иккинчи усули назарий билимларга асосланади. Назарий ва эмпирик билимларнинг чегараси нисбий бўлганлиги каби, далиллашнинг юқоридаги икки усулга ажратилиши ҳам нисбийдир.

Далиллашнинг хусусий кўриниши мантиқий исботлашдир. **Мантиқий исботлаш** деб, бирор фикр, мулоҳазанинг чинлигини, чинлиги аввалдан тасдиқланган бошқа мулоҳазалар орқали асослашга айтилади. Исботлашдан мақсад-

бирор фикрнинг чинлигини аниқлаш бўлса, далиллашдан мақсад ҳам фикрнинг чинлигини аниқлаш, унинг аҳамиятини ва муайян фаолият учун қўллаш мумкинлигини асослашдир. Исботлаш жараёнида қўлланиладиган чин мулоҳазалар (асослар) берилган фикрнинг чинлигини тасдиқлаш учун хизмат қилса, далиллаш, бундан ташқари, далилланаётган фикрнинг бошқа шу каби фикрлардан афзалроқ эканлигини асослаш учун ҳам хизмат қилади. Далиллаш учун келтирилган аргументлар (асослар) исботлаш учун келтирилган аргументларга нисбатан ранг-баранг бўлади. Далиллаш шакллари билан исботлаш шакллари бир-бирига айнан мос тушмайди.

Исботлаш хулоса чиқариш кўринишида амалга ошади. Далиллаш кўпроқ суҳбат (диалог) кўринишида бўлиб, унинг иштирокчиларидан ҳар бири ўз фикрининг чинлигини исботлашга, рақибининг фикрини рад этишга ва тингловчиларнинг ўзини ҳам фикр қилишга, ўз фикрларига ишонтиришга ҳаракат қилади.

Далилиллаш жараёнида реципиентларга (лот - қабул қилувчи) – тингловчиларга бирор фикрнинг тўғри ёки хатолиги асослаб берилади ва уларда шу фикрга нисбатан ишонч туйғуси шакллантирилади. Далилловчи шахснинг сўз санъатини қай даражада эгаллаганлиги, яъни нотиқлик маҳорати тингловчиларда ишонч-эътиқоднинг шаклланишида муҳим рол ўйнайди.

Фактлар ва бошқа далилларга таяниб юритиладиган фикр юксак ишонтириш кучига эга бўлади, кишиларда ишонч-эътиқодни шакллантиради. Билишнинг мақсади илмий асосга эга бўлган эътиқодни яратишдан иборат. Далиллаш ва исботлаш ишонч-эътиқодни шакллантириш воситасидир.

Ишонч-эътиқод бу кишиларнинг хулқ-атвори ва ҳатти-ҳаракатларини белгилаб берадиган қарашлари ва тасаввурларидир.

Кишиларнинг амалий фаолиятдаги муваффақиятлари улар қўллаётган билимларнинг қай даражада чин бўлишига, яъни бу билимларнинг воқеликни қанчалик тўғри акс эттиришига боғлиқ. Хато фикрлар предметларнинг реал алоқалари ва муносабатларини бузиб кўрсатади, билишда кўп чалкашликларга олиб келади. Шунинг учун ҳам билиш жараёнида ҳар бир фикрни тўғри қуришга эришиш, унинг чинлигини далиллар билан кўрсата олиш, хато фикрларни эса рад қила билиш муҳим аҳамиятга эга.

Фикрнинг чинлигини тасдиқлаш учун уни ҳодисанинг (фактнинг) ўзи билан солиштириш мумкин. Лекин кўп ҳолларда билиш жараёнида натижаларининг чинлиги уларни илгари вужудга келган билимлар билан боғлаш орқали аниқланади. Буни амалга оширишнинг мантиқий усули исботлашдир. Исботлаш бир ҳукмнинг чинлигини у билан боғланган бошқа чин ҳукмлар ёрдамида асослашдан иборат бўлган мантиқий амалдир. Унинг таркиби уч элементдан ташкил топган: тезис, аргументлар (асослар), исботлаш усули-демонстрация.

Тезис-чинлиги асосланиши лозим бўлган ҳукм, у исботлашнинг марказий фигураси ҳисобланади; бутун диққат-эътибор унинг чинлигини кўрсатишга қаратилади. Тезис бир мулоҳазанинг ўзидан, ёки мулоҳазалар тизимидан, ёки теоремалардан, ёки аниқ фактларни умумлаштириш натижаларидан ёки ҳодисаларнинг сабабини кўрсатувчи мулоҳазалардан ва шу кабилардан иборат бўлади. Аргументлар-тезиснинг чинлигини асослаш учун келтирилган ҳукмлар. Аргументлар бўлиб фактларни қайд қилувчи ҳукмлар, таърифлар, аксиомалар, теоремалар, қонунлар ҳамда бошқа эмпирик ва назарий умумлашмалар хизмат қилади. Аргумент сифатида келтирилган фактлар, албатта, ўзаро боғланган ва тезиснинг моҳиятига алоқадор бўлиши лозим.

Таърифлар ҳам чин ҳукмлар бўлиб, улардан аргумент сифатида фойдаланиш мумкин. Масалан, «Ҳаракат - бу ҳар қандай ўзгаришдан иборат» деган таъриф-чин ҳукмдир.

Аксиомалар чинлиги ўз-ўзидан равшан бўлган, исботлашни талаб қилмайдиган фикрлардир. Инсон тажрибасида кўп марталаб такрорланганлиги учун ҳам уларни исботлаш зарур эмас. Теоремалар ва қонунларнинг чинлиги исботланган бўлади, уларни ҳеч иккиланмасдан аргумент қилиб олиш мумкин.

Исботлаш усули-демонстрация тезис билан аргументлар ўртасидаги мантиқий алоқадан иборат. У хулоса чиқариш шаклида бўлади, яъни тезис аргументлардан хулоса сифатида мантиқан келтириб чиқарилади.

Исботлашнинг икки тури мавжуд: бевосита исботлаш, бавосита исботлаш. Бевосита исботлашда тезиснинг чинлиги тўғридан-тўғри аргументлар билан асосланади, унда тезисга зид бўлган ҳукмлардан фойдаланилмайди. Тезис кўп ҳолларда якка ҳодисани ифода қилиб келади ва маълум бир умумий билимдан, масалан қонундан, аргумент сифатида фойдаланилиб, унинг чинлиги асосланади. Масалан «Ўзбекистон - мустақил давлатдир» деган ҳукм (тезис) нинг чинлиги «Ўзбекистоннинг мустақил давлат деб эълон қилиниши, унинг халқаро миқёсда эътироф этилиши» каби асослар ёрдамида исботланади.

Бавосита исботлашда эса тезиснинг чинлиги унга зид бўлган ҳукмнинг (антитезиснинг) хатолигини кўрсатиш орқали асосланади. Антитезис қандай шаклда ифодаланган бўлишига қараб апагогик исботлаш ва айирувчи исботлаш фарқ қилинади. Апогогик исботлашда тезис (а) ва антитезис ($\bar{a}$) ўртасидаги муносабатга асосланилади. Масалан «Материя ҳаракатсиз мавжуд эмас» деган ҳукмнинг чинлигини асослаш учун унга зид бўлган «Материя ҳаракатсиз мавжуд» деган ҳукм олинади.

Апогогик исботлашда антитезис топилиб (1-босқич), вақтинча чин деб қабул қилинади ва ундан маълум бир натижалар келтириб чиқарилади (2-босқич), сўнгра бу натижаларнинг хатолиги кўрсатилади (3-босқич) ва демак тезиснинг чинлиги исботланади. Масалан, «Материя ҳаракатсиз мавжуд» деган ҳукм чин бўлса «Модий предметлар структурасиз мавжуд» деган фикр (антитезисдан келиб чиққан натижа) ҳам чин бўлади. Бизга маълумки, моддий предметлар структурасиз (уни ташкил қилувчи элементлар ва уларнинг ўзаро алоқасисиз) мавжуд эмас. демак «Материя ҳаракатсиз мавжуд» деган фикр хато, шу тариқа «Материя ҳаракатсиз мавжуд эмас» деган фикрнинг чинлиги асосланади.

Айирувчи исботлашда тезис соф айирувчи ҳукмнинг (кучли дизъюнкциянинг) бир аъзоси бўлиб, унинг чинлиги бошқа аъзоларининг (антитезиснинг) хатолигини кўрсатиш орқали асосланади. Масалан «жиноятни ё А, ё В, ё С шахслар содир этган» деган фикр текширилиб, «Жиноятни В шахс ҳам, С шахс ҳам содир этмаганлиги аниқланади ва шу тариқа «Жиноятни А шахс содир қилган» деган ҳукмнинг чинлиги асосланади. Бу мисолда айирувчи исботлаш айирувчи-қатъий силлогизмнинг инкор этиб-тасдиқловчи модуси бўйича қурилган:

$$\frac{a \vee b \vee c;\ \bar{b} \wedge \bar{c}}{a}$$

Барча муқобил вариантлар тўлиқ олингандагина хулоса чин бўлади, яъни тезис исботланади.

Рад этиш тушунчасининг моҳияти. Раддия-исботни бузишга қаратилган мантиқий амалдир.Бирорта фикрнинг чинлигини рад этиш унга зид бўлган фикрнинг хатолигини кўрсатишдан иборат бўлганлиги учун, раддияни исботлашнинг хусусий

кўриниши, деб ҳисоблаш мумкин. Раддия ҳам исботлаш каби тезис (рад қилиниши лозим бўлган ҳукм), аргументлар (тезисни рад қилувчи ҳукмлар) ва демонстрациядан (рад этиш усули) дан ташкил топган бўлади. Раддия бирорта масалани муҳокама қилиш яъни баҳс, мунозара жараёнида учрайди. Баҳс қатнашчиларидан бири маълум бир тезисни илгари суриб, уни ҳимоя қилса (пропонент), бошқаси унга қарши чиқади (оппонент). Ҳал қилинмаган, мунозарали масалалар бўйича олиб бориладиган баҳслар полемика ҳисобланиб, унда қарама-қарши тезислар асосланибгина қолмай, балки танқидий анализ ҳам қилинади.

Раддия уч хил усул билан амалга оширилади:

1) тезисни рад этиш;
2) аргументларни рад этиш;
3) демонстрацияни рад этиш.

I. Тезисни рад этиш

Тезисни рад этишнинг қуйидаги усуллари мавжуд:

1. Фактлар орқали рад этиш. Бу энг ишончли ва самарали усулдир. Бунда бўлиб ўтган воқеаларга, статистик маълумотларга асосланиб тезис рад этилади. Масалан: «Совет даврида Ўзбекистон мустақил республика бўлган» деган тезисни рад этиш, яъни унинг нотўғри эканлигини исботлаш учун тарихий фактларга асосланамиз. Ўша даврда Республика раҳбарияти бирорта муҳим масалани Москванинг рухсатсиз ҳал қила олмаганлигига далиллар келтириб, тезисни рад этамиз.

2. Тезисдан келиб чиқадиган натижаларнинг хатолигини (ёки зиддиятли эканлигини) кўрсатиш орқали рад этиш. Бунда тезисдан келиб чиқадиган натижаларнинг чин эмаслиги асослаб берилади. Бу усул «бемаъниликка олиб келиш», деб аталади. Рад этилаётган тезис вақтинча чин деб тан олинади, ундан келиб чиқадиган натижалар аниқланиб, бу натижаларнинг хақиқатга зид, нотўғри эканлиги исботланади. ×ин асосдан хато натижа келиб чиқмайди, акс холда бу бемаънилик бўлади. «Бемаъниликка олиб келиш» усулининг формуласи қуйидагича:

$$(a \to b) \to ((a \to \bar{b}) \to \bar{a})$$

3. Тезисни антитезисни исботлаш орқали рад этиш. Рад этилаётган тезисга зид бўлган янги тезис (антитезис) олинади ва исботланади. Учинчиси истисно қонунига мувофиқ, антитезиснинг чинлигидан тезиснинг хатолиги келтириб чиқарилади. Масалан, Президентимиз И.А. Каримов «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» номли мақоласида «Амир Темур буюк саркарда бўлган ва ёзувликлар қилган» деган тезисни шундай рад этади: «Инсон бир пайтнинг ўзида ҳам бунёдкор, ҳам ёвуз бўлиши мумкин эмас. Не-не мадрасаю-масжидлар, олий кошоналарни қурган, не-не олиму фузалоларнинг бошини силаган, қуръони каримни ёд билган инсон ёвуз бўлмайди. Қонхўр одам «Куч-адолатда» дейиши мумкинми?»[1]

Дарҳақиқат, Соҳибқирон Амир Темур ҳомийлигида, унинг кўрсатмасига биноан яратилган боғлар, қурилган иморатлар унинг бунёдкор шахс эканлигини яққол исботлайди.

I. Аргументларни рад этиш.

Тезисни исботлаш учун оппонент томонидан келтирилган аргументлар танқид қилиниб, уларнинг хатолиги ёки тезисни исботлаш учун етарли эмаслиги аниқланади.

Аргументларнинг хатолиги тезиснинг ҳам хато эканлигини исбот-ламайди, бунда тезис чин бўлиши ҳам мумкин:

[1] Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. // Мулоқот, 1998, №5, 5-бет.

$$\frac{p \to q,\ \bar{p}}{\text{эхтимол},\ \bar{q}}$$

Аргументларни рад этиш орқали тезиснинг исботланмаганлиги асослаб берилади.

I. Исботлаш усулини танқид қилиш орқали рад этиш.

Рад этишнинг бу усулида исботлашда йўл қўйилган хатолар аниқланади. Бунда рад этилаётган тезис чинлигининг, унинг асослаш учун келтирилган аргументлардан бевосита келиб чиқмаслиги асослаб берилади. Исботлаш усулида йўл қўйилган хато аниқланганда тезис рад этилмайди, уни қайта исботлаш талаб қилинади.

Рад этишнинг юқорида кўрсатилган усуллари кўпинча биргаликда, бир-бирини тўлдирган ҳолда қўлланилади.

Исботлаш ва рад этиш қоидалари.

Тезисга алоқадор қоидалар;

1. Тезис мантиқан аниқ ва равшан бўлиши керак. Бу қоида бузилса, исботлаш ёки рад этиш ўзининг аниқ предметига эга бўлмай қолади, уни амалга оширишга уриниш беҳуда иш ҳисобланади.

2. Тезис исботлаш ёки рад этишнинг бошидан охиригача ўзгартирилмаслиги керак. Бу қоида бузилса «тезисни алмаштириш» деган хато келиб чиқади.

Аргументларга нисбатан қоидалар;

1. Тезисни асослаш учун келтирилган аргументлар чин ҳукмлар бўлиши ва бир-бирига зид бўлмаслиги лозим.

2. Аргументлар тезисни асослаш учун етарли бўлиши керак.

3. Аргументлар тезисдан мустақил ҳолда чинлиги исботланган ҳукмлар бўлиши лозим.

Исботлаш усулининг қоидаси:

1. Тезис аргументлардан мантиқий тарзда келиб чиқадиган хулоса бўлиши лозим. Бунинг учун исботлаш ёки рад этишда хулоса чиқариш қоидаларига риоя қилиш зарур.

Исботлаш ва рад этиш қоидаларининг бузилиши мантиқий хатоларга олиб келади. Бу хатоликлар уч турга бўлинади:

I. Исботланаётган тезисга алоқадор хатоликлар

1. Тезисни алмаштириш. Тезис исботлаш ёки рад этиш давомида ўзгармаслиги шарт, деган қоиданинг бузилиши тезиснинг алмаштирилишига сабаб бўлади. Тезис атайлаб ёки билмасдан бошқа тезис билан алмаштирилади ва бу янги тезис исботланади ёки рад этилади. Тезис мазмунининг торайтирилиши ёки кенгайтирилиши ҳам баҳс жараёнида тезиснинг ўзгаришига олиб келади. Масалан, республикамиз тараққиёти учун миллий мафкура, миллий ғоянинг аҳамияти тўғрисидаги тезисни исботлаш давомида умуман жамиятга мафкура керакми ёки йўқми, деган масалани исбот этишга ҳаракат қилинса, унда тезиснинг мазмуни кенгайиб кетади ва тезис алмашинади.

2. Инсонинг шахсий сифатини баҳона қилиб тезисни алмаштириш. Баҳс жараёнида мавзудан четга чиқиб, оппонетнинг шахсий, ижтимоий ҳаёти, яхши фазилатлари ёки камчиликлари хусусида фикр юритиб, шу асосда тезисни исботланган ёки рад этилган деб таъкидлаш тезиснинг алмашинишига сабаб бўлади. Бундай хатога атайлаб йўл қўйилади. Тингловчиларнинг ҳис-туйғуларига таъсир қилиш орқали исботланмаган тезиснинг чин деб қабул қилинишига уриниш ҳам тезисни алмаштириш ҳисобланади.

3. Ортиқча ёки кам исботлашга уриниш натижасида тезиснинг алмашиниши. Фикр ортиқча исботланса, берилган тезис ўрнига ундан кучлироқ тезисни исботлашга

ҳаракат қилинади. Агар А ҳодисадан В келиб чиқса, лекин В ҳодисадан А келиб чиқмаса, унда А ҳодисани ифодоловчи тезис В ҳодисани ифодоловчи тезисдан кучлироқ бўлади. Масалан, «А шахс биринчи бўлиб жанжални бошламаган» тезис (В) ўрнига, «А шахс умуман жанжал бўлган ерда йўқ эди» деган тезисни (А) исботлашга ҳаракат қилинади. Иккинчи тезисни исботлаб бўлмайди, чунки А шахснинг жанжалда қатнашганлигини кўрган гувохлар бор.

II. Аргумент (асос) ларга тааллуқли хатолар.

1. Асосларнинг хатолиги. Тезис исботланганда ёки рад этилганда хато аргументларга чин деб асосланиш натижасида атайлаб ёки билмасдан мантиқий хатога йўл қўйилади. Масалан, Қадимги грек файласуфи Фалес ўз таълимотини хамма нарса сувдан пайдо бўлган, деган фикрга асосланиб яратган.

2. Асосларни аввалдан тахминлаш шаклидаги хато. Тезис исботлан-маган аргументларга асосланса, бундай аргументлар тезиснинг чинлигини исботламайди, балки тезиснинг чинлиги тахминланади, холос.

3. «Айланма исбот этиш» деб номланувчи хато. Тезиснинг чинлиги аргументлар орқали, аргументларнинг чинлиги тезис орқали исботланса мантиқий хатога йўл қўйилади. Масалан, «Сўзнинг қудрати фикр билан ўлчанади» деган тезисни «Фикрнинг қудрати сўз билан ўлчанади» деб исботласак, юқорида айтилган хатога йўл қўйилади.

III. Исботлаш усули (демонстрация) билан боғлиқ хатолар.

1. «Ёлғон (сохта) исботлаш». Агар тезис уни исботлаш учун келти-рилган аргументлардан бевосита келиб чиқмаса, мантиқий хатога йўл қўйилади. Бунда тезисга алоқадор бўлмаган аргументларга асосланилади. Масалан, «А шахс ёмон одам» деган тезис «Тунда ёмон одамларгина кўчада юради», «А шахс кўчада тунда юрибди» деган аргументлар билан асосланса, фикр юзаки (сохта) исботланган бўлади.

2. Шартланган фикрдан, шартланмаган фикрга ўтиш. Муайян вақт, муносабат доирасида чин бўлган (шартланган) фикрни, доимий, ўзгармас чин фикр деб қабул қилиш натижасида мантиқий хатога йўл қўйилади.

3. Хулоса чиқариш қоидаларининг бузилиши билан боғлиқ бўлган хатолар:

а) дедуктив хулоса чиқаришда учраши мумкин бўлган мантиқий хатолар. Бу ҳақида дедуктив хулоса чиқариш мавзусида батафсил маълумот берилган.

б) Индуктив хулоса чиқаришда учраши мумкин бўлган мантиқий хатолар. Булар «шошиб умумлаштириш» ва «ундан кейин, демак шунинг учун» деб аталувчи хатоликлардир. Масалан, бир-икки талабанинг дарсга маьсулиятсизлик билан муносабатда бўлишини умумлаштириб, «ҳамма талабалар масъулиятсиз», деб таъкидлаш хатодир.

в) Аналогияда учраши мумкин бўлган мантиқий хатолар. Булар «ёлғон аналогия» билан боғлиқ хатолардир. Унда тасодифий белги зарурий деб олиниши, фақат биргина ўхшаш белгига асосланиши ёки мутлақо таққослаб бўлмайдиган ҳодисалар ўзаро таққосланиши натижасида фикрда чалкашликлар юзага келади.

Мантиқий хатолар тафаккур қонунларини бузиш, хулоса чиқариш қоидаларига амал қилмаслик натижасида юзага келади. Мантиқ тарихида исботлаш жараёнида атайлаб (қасддан) хатога йўл қўйувчилар софистлар деб, уларнинг таълимоти эса софизм (грек.-айёрлик) деб аталади. Фикр юритиш жараёнида билмасдан мантиқий хатога йўл қўйилса, паралогизм дейилади. ×инлигини ҳам, хатолигини ҳам бирдай исботлаш мумкин бўлган фикрлар эса, парадокс деб аталади.

Баҳс юритиш санъати (эристика) ўзига хос қонун-қоидаларга амал қилишни талаб этади.

Буларга асосан қуйидагилар киради:

- заруриятсиз баҳслашмаслик;

-мавзусиз баҳс юритмаслик ва баҳс давомида мавзудан четга чиқмаслик ёки мавзуни ўзгартирмаслик;

- баҳс мавзуси юзасидан ўзаро зид ёки қарама-қарши фикрлар бўлмаса, баҳсни тўхтатиш;

- мавзуни яхши биладиган, ақлли одамлар билангина баҳслашиш;

- баҳс юритишда мантиқий қонун-қоидаларга амал қилиш, ўзининг ва мухолифининг фикрларидан хулоса чиқара олиш, мантиқий зиддиятларни аниқлаш ва бартараф этиш, асослар тўғри бўлса, исботлашнинг ҳам тўғрилигини эътироф этиш ва х.к.

- бир баҳс доирасида баҳслашиш усулларини аралаштириб юбор-маслик.

Аргументлашнинг мантиқий асосларини билиш ва баҳс юритиш қоидаларига амал қилиш тафаккур маданиятини юқори даражага кўтариш имконини беради.

Билишнинг мақсади қайд қилинган ҳодисаларнинг моҳиятини тушунтиришдан иборат. Буни ҳамма вақт ҳам мавжуд тасаввурлар, принциплар ёрдамида амалга ошириб бўлмайди. Билиш жараёнида маълум бир зиддиятлар, биринчи навбатда, мавжуд билимларимизнинг эришган даражаси билан янги билиш вазифаларини ҳал қилиш зарурияти ўртасида зиддият келиб чиқади, муаммоли вазият пайдо бўлади. Бундай зиддиятлар, айниқса, кундалик ҳаётимизда мураккаб вазифаларни ҳал қилишда, фанда эса, туб бурилишлар даврида яққол намоён бўлади. Мана шундай вазият, масалан, табиётшу-носликда XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида радиоактивлик ҳодисасининг қайд қилиниши, электроннинг кашф этилиши, нурланишнинг квант характерга эгалигининг асосланиши ва шу каби кашфиётлар натижасида вужудга келган. Унинг моҳиятини табиётшуносликнинг, биринчи навбатда, физиканинг мавжуд қонунлари ва принципларининг янги қайд қилинган ҳодисаларни тушунтириш учун етарли эмаслигида, деб билмоқ зарур.

Шуни ҳам айтиш керакки, илмий билишда муаммоли вазиятни фан тараққиётининг ички эҳтиёжлари ҳам келтириб чиқариши мумкин. Масалан, ҳозирги пайтда фанда синергетика ғоялари ва методларини тушунтириш, математикада аксиоматиканинг имкониятлари ва қўлланиш соҳаларини аниқлаш билан боғлиқ бўлган вазифаларни ҳал қилиш зарурияти янги вазиятни яратади.

Демак, муаммоли вазият мавжуд илмий тасаввурлар билан қайд қилинган янги фактлар ўртасидаги зиддиятнинг пайдо бўлиши ёки ана шу илмий тасаввурларнинг ўзининг етарли даражада системага солинмаганлиги, яхлит бир таълимот сифатида асосланмаганлиги натижасидир.

4. Муаммо ва унинг билишдаги аҳамияти муаммоли вазият билиш тараққиётининг турли босқичлари ва бўғинларида олам ва уни билиш ҳақидаги мавжуд тасаввурларни, билиш методи ва воситаларини ўзгартиришнинг объектив заруриятидан иборат, дейиш мумкин.

Илмий муаммони қўйиш ва ҳал қилиш.

Муаммоли вазиятни таҳлил қилиш янги муаммони қўйишга олиб келади.

Муаммо - жавоби бевосита мавжуд билимда бўлмаган ва ечиш усули номаълум бўлган саволдир.

Шунинг учун ҳам муаммони қўйиш ва ҳал қилиш мавжуд билимлар доирасидан четга чиқишни, янгича ечиш усули, методларини қидиришни тақозо этади. Қандай муаммоларни илгари суришни, уни муҳокама қилишнинг характерини амалий фаолиятимиз ва билишимиз эҳтиёжлари белгилаб беради.

Муаммони муваффақиятли ҳал қилишнинг зарур шартларидан бири уни тўғри қўйиш ва аниқ баён қилишдан иборат. Тўғри қўйилган савол, В. Гейзенберг айтганидек, муаммони ечишнинг ярмидан кўпроғини ташкил этади.

Муаммони тўғри қўйиш учун муаммоли вазиятни аниқ тасаввур қилишнинг ўзи етарли эмас. Бунинг учун муаммони ҳал қилишнинг турли хил усуллари ва воситаларини ҳам олдиндан кўра билиш керак.

Муаммоларни қўйишда кишиларнинг ҳаётий тажрибаси, билимлари ва таланти муҳим аҳамиятга эга бўлади. Шунинг учун ҳам, одатда кўп ҳолларда янги муаммолар илмий билишнинг у ёки бу соҳасининг йирик мутахас-сислари, бой тажрибага эга ва чуқур билимли олимлари томонидан илгари сурилади ҳамда улар баъзан узоқ йиллар давомида тадқиқ қилинади. Буни масалан, миллий ғоя ва миллий мафкурани яратиш муаммосининг қўйилиши ва тадқиқ этилиши мисолида кўриш мумкин. Жаҳон тажрибасига мурожаат қилсак, «миллатнинг мафкураси бир эмас, балки бир неча авлоднинг умри давомида ишлаб чиқилиши ва такомилга эришувига гувоҳ бўлишимиз мумкин»[1].

Уни шакллантириш учун кучли истъедод ва «ёрқин тафаккур»га эга бўлган Конфуций, Махатма Ганди, Форобий, Баҳоуддин Нақшбанд каби буюк зотлар захмат чекканлар.[2]

Ҳозирги пайтда эса, Президентимиз И.А. Каримов таъкидланганидек, «Миллий ғоя, миллий мафкурани ишлаб чиқиш, уни шакллантириш учун ҳар қайси миллатнинг энг илғор вакиллари, керак бўлса, мутафаккирлари, зиёлилари меҳнат қилиши лозим»[3].

Муаммоли вазиятни анализ қилишга турли хил муносабатда ёндашиш мумкин бўлганлиги учун ҳам, ҳал қилиниши лозим бўлган вазифа турли хил муаммолар тарзида баён қилиниши мумкин. Бунда баъзи муаммолар асосий вазифани ифода қилса, баъзилари бу вазифанинг айрим томонларини акс эттиради ва шунинг учун ҳам жузъий характерга эга бўлади. Кўп ҳолларда бир-бири билан боғланиб кетган мана шундай жузъий муаммолар ҳал қилингандан кейингина асосий муаммони аниқроқ баён қилиш ва ечиш имконияти вужудга келади. Муаммоларни тўғри қўйиш ва баён қилиш уларни ечишдан кам аҳамиятга эга эмас. Муаммони тўғри қўйиш учун унинг илмий билиш тараққиётида тутган ўрни ва аҳамиятини тўғри баҳолаш, уни ҳал қилишнинг методларини топиш зарур. Бу амалда қўйилиши мумкин бўлган турли хил муаммолар ичидан энг муҳими ва тўғрисини танлаб олишни билдиради. Муаммони танлаш маълум бир даражада тадқиқотнинг умумий йўналишини ва хусусиятларини белгилаб беради. Охир-оқибатда қайси муаммони қўйиш амалий фаолиятимиз эҳтиёжларига боғлиқ. ×унки фақат амалий фаолиятдагина кишиларнинг эҳтиёжлари ва мақсадлари билан уларни ҳал қилиш воситалари ўртасидаги зиддият яққол намоён бўлади, илмий изланиш предмети аниқланади ва шу асосда билиш олдига конкрет вазифалар қўйилади.

Илмий муаммо, одатда, маълум бир назария доирасида вужудга келади (Назария ҳақида маърузанинг охирида кенгроқ маълумот берилади).

Назария кейинчалик илгари сурилиши мумкин бўлган муаммони умумий ҳолда белгилашга ва уни тўғри танлашга ёрдам беради. Шунингдек, ҳар бир муаммо маълум

[1] Каримов И.А. Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман. Президент И.Каримовнинг «Fidokor» газетаси муҳбири саволларига жавоблари. «Fidokor», 2000 йил 8 июн.
[2] Қаранг, ўша ерда.
[3] Каримов И.А. Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман. Президент И.Каримовнинг «Fidokor» газетаси муҳбири саволларига жавоблари. «Fidokor», 2000 йил 8 июн.

бир назария ёрдамида ҳал қилинади. Баъзи ҳолларда эса, муаммо мавжуд назарияни модификация қилишни, муаммони ечишга мослаштиришни талаб қилади.

Муаммони ечиш учун дастлабки тайёргарлик ишлари қилинади. Улар қуйидагилардан иборат:

а) мавжуд назариялар доирасида тушунтириб бўлмайдиган факт ва ҳодисаларни аниқлаш;

б) муаммони ҳал қилиш ғоялари ва методларини таҳлил қилиш ва уларга баҳо бериш;

в) муаммони ҳал қилиш типини, мақсадини, олинган натижани текшириш йўлларини белгилаш;

г) муаммонинг негизи билан уни ечиш учун илгари сурилган ғоялар ўртасидаги алоқанинг хусусиятларини кўрсатиш.

Бу дастлабки ишлар амалга оширилиб бўлгандан кейин муаммони ечишга бевосита киришилади.

Шуни алоҳида қайд қилиб ўтиш керакки, муаммонинг ечилиши нисбий характерга эга. Бошқача айтганда, муаммонинг мутлақ тўла ечимини топиш қийин. ×унки ўрганилаётган ҳодисанинг барча томонларини қамраб олиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам илмий изланиш давомида янги муаммолар вужудга келиши мумкин бўлиб, у мавжуд муаммони бошқача талқин қилишни тақозо этади. Бунга мисол қилиб И. Ньютон томонидан жисмларнинг ўзаро тортишиши муаммосининг қўйилишини кўрсатиш мумкин. Бутун олам тортишиш қонунини кашф қилиб, у фақат тортишувчи жисмлар ўртасидаги миқдорий алоқаларнигина топганлигини, уқтириб ўтган эди.

А. Эйнштейннинг нисбийлик назарияси жисмларнинг ўзаро тортишиши муаммосини бошқача талқин қилади ва бу муаммо ҳақидаги тасаввурларимизни маълум бир даражада кенгайтиради.

Жисмларнинг ўзаро тортишишининг табиати, амалга ошиш механизми ҳозиргача тўла очиб берилмаган. Бошқача айтганда, муаммо узил-кесил ҳал бўлмаган.

Баъзи ҳолларда муаммоларнинг ечимини узоқ вақтгача топиб бўлмайди. Масалан, рак касалининг сабабини ўрганиш билан боғлиқ муаммо ҳозиргача тўла ҳал бўлмаган. Бу, албатта, айрим муаммолар бутунлай ечимига эга эмас, деган фикрни билдирмайди, балки уларни мавжуд методлар, воситалар ёрдамида ечиб бўлмасликни кўрсатади, холос ва шу тариқа ечишнинг янги воситаларини қидириб топишга ундайди. Демак, муаммо ҳал қилинмагунча илмий изланиш давом этади.

Гипотеза ва унинг турлари. Муаммони ҳал этиш жараёнида маълум бир гипотезалар илгари сурилади ва асосланади.

Гипотеза-ўрганилаётган ҳодисанинг сабаблари ва хусусиятларини тушунтирадиган асосли тахмин тарзидаги билим шаклидир.

Гипотезани, аввалambор, билимларнинг мавжуд бўлим шакли сифатида олиб қараш зарур. ×ин, ишончли билимлар ҳосил бўлгунга қадар қўйилган муаммолар, масалалар ҳақидаги фикр-мулоҳазалар кузатиш, эксперимент натижаларини таҳлил қилиш ва умумлаштиришга асосланган бўлиб, улар турли хил тахминлар, фаразлар шаклида қурилади ва мавжуд бўлади.

Масалан, Левкипп ва Демокритнинг жисмларнинг атомлардан ташкил топганлиги хақидаги билдирган фикрлари дастлаб гипотетик шаклда бўлиб, энг оддий, кундалик тажрибада минглаб марта кузатиладиган ҳодисалар: қаттиқ жисмнинг суюқликка айланиши, ҳиднинг тарқалиши ва шу кабиларни таҳлил қилишга асосланган, уларнинг сабабини тушунтиришга қаратилган. «Жисмлар майда, бўлинмас заррачалардан ташкил топмаганда бундай ҳодисалар бўлмас эди», деган фикр ўзининг маълум бир мантиқий кучига эга.

Ҳодисанинг сабаби ҳақидаги фикр дастлаб, одатда, гипотеза шаклида вужудга келади ва шу маънода у билимларнинг мавжуд бўлишининг умумий мантиқий шаклларидан бири ҳисобланади. Гипотезани қуриш, ўрганилаётган ҳодисани тушунтирадиган тахминий фикрларни илгари суришдан иборат бўлади. У қайд этилган фактлар, улар учун характерли бўлган қонуниятлар ҳақидаги ҳукмлар (мулоҳазалар) ёки ҳукмлар системаси тарзида бўлади. Уни ифода қилувчи асосий гап мулоҳазалар системасини ҳосил қилувчи элемент, деб ҳисобланади. Ана шу гап (мулоҳаза) да, одатда, гипотезанинг бош ғояси акс этади. Муҳокама жараёни унинг негизида, атрофида қурилади ва маълум бир ишчи гипотезалар-вақтинча қуриладиган, мўлжални тўғри олишга ёрдам берадиган тахминларнинг илгари сурилишига, улар ёрдамида ҳодисанинг янада чуқурроқ тадқиқ қилинишига олиб келади.

Гипотезаларни илгари суришнинг асосий мантиқий воситаси эҳтимолий хулоса чиқариш: аналогия, тўлиқсиз индукция, турли кўринишдаги эҳтимолий силлогизмлар-энг камида битта қоидаси бузилган, асосларидан бири эҳтимолий ҳукм бўлган силлогизмлар (шартли, айирувчи-қатъий, шартли айирувчи силлогизмлар шаклларида) ҳисобланади.

Шунингдек, гипотеза баъзи ҳолларда қатъий хулоса чиқариш шаклларида ҳамда турли хил хулоса чиқариш усулларининг кўп қаватли мантиқий қурилмаси тарзида ҳам шакллантирилиши мумкин.

Гипотезада илгари суриладиган мулоҳаза эмпирик материалларни таҳлил қилиш, қайта ишлаш, тартибга келтириш, умумлаштириш, талқин этиш натижасида пайдо бўлади. Ана шунинг учун ҳам гипотеза-бу ҳар қандай тахмин эмас, балки маълум бир даражада асосланган, ўзининг муайян мантиқий кучига эга мулоҳаза, фараздир. Гипотеза қуришнинг мураккаб мантиқий жараён эканлигини қуйидаги мисол тасдиқлайди. Иссиқлик двигателлари назарияси асосчиларидан бири француз инженери Сади Карно биринчи бўлиб, фақат иссиқликнинг қаттиқроқ қизиган жисмдан совуқроқ жисмга ўтишидагина фойдали иш вужудга келиши, ва, аксинча, иссиқликни совуқ жисмдан қиздирилган жисмга бериш учун иш сарфланиши зарур, деган фикрни илгари сурган. Айни пайтда Карно шу даврда кенг тарқалган, иссиқликнинг намоён бўлиш сабаби унинг таркибида алоҳида вазнсиз суюқлик-теплороднинг бўлишидир, деган фикрга таянувчи теплород концепциясини ҳам тўғри, деб ҳисоблаган. Теплородни сувга, ҳароратлар (температуралар) ўртасидаги фарқни – сув даражасига қиёс қилиб, Карно, худди сув даражасининг пастга тушишида иш сув оғирлигининг унинг даражалари ўртасидаги фарқга бўлиниши билан ўлчангани каби, буғ машинасида иш, ишчи модданинг (сув, спирт ва бошқалар) табиатидан қатъий назар, теплород миқдорининг хароратлар (температуралар) фарқига бўлиниши билан ўлчанади, деган хулосага келади. Бу иссиқлик машинасининг иш ҳажмининг (миқдорининг) иситгич ва совутгич хароратларининг қийматларига боғлиқлигини англатарди. «Карно принципи» кейинчалик термодинамиканинг иккинчи қонунининг яратилишига асос бўлган.

Келтирилган мисолда Сади Карнонинг гипотезани илгари суришда аналогияга асосланганлигини пайқаб олиш қийин эмас.

Илгари сурилган гипотеза, албатта, асосланиши зарур. Бу босқичда гипотезадан маълум бир натижалар келтириб чиқарилади ва улар верификация қилинади, яъни уларнинг мавжуд фактларга (ёки бошқа ишончли билимларга) мувофиқлиги аниқланади. Бу ерда шуни унутмаслик лозимки, гипотезани ишончли, чин билимга айлантириш учун унда илгари сурилган фикрларга етарли асос бўла оладиган миқдордаги натижалар (гипотезанинг асосий ғоясидан келиб чиқадиган) йиғиндиси верификация қилиниши керак.

Гипотезанинг чинлигини асослашнинг бошқа усуллари ҳам мавжуд: 1) гипотезани дедуктив йўл билан чинлиги аввал исботланган билимлардан мантиқан келтириб чиқариш; 2) асоси ишончли билим бўлмаса, уни тасдиқлаш (бу кўпроқ асослари эҳтимолий ҳукм бўлган силлогизмлар воситасида қурилган гипотезаларга тегишли); 3) гипотезанинг асосларини ишончли билим олиш учун етарли бўлган миқдорга етказиш (бу гипотеза тўлиқсиз индукция воситасида қурилган ҳолларга тегишли).

Гипотезани тасдиқлашнинг қандай кечишини тасаввур қилиш учун қуйидаги мисолга мурожаат қиламиз.

Термодинамика асосчиларидан бири немис физиги Р. Клаузиус юқорида биз қайд этиб ўтган «Карно принципи»ни унга қилинган кўп ҳужумлардан химоя қилган. Бу принципни тасдиқлаш мақсадида, уни чинлиги интуитив равишда муқаррар деб ҳисобланган постулатдан дедуктив йўл билан келтириб чиқаради. Бу постулатга мувофиқ, иссиқлик ўз ҳолича совуқроқ жисмдан иссиқроқ жисмга ўта олмайди. Бу ерда урғу айнан ана шу «ўз ҳолича ўта олмасликка» берилади, чунки амалда «мажбуран» ўтиш ҳам (совутиш қурилмаларида, аралашмаларда ва бошқаларда) мавжуд бўлиб, у муайян компенсация қилувчи (ўрнини қопловчи) ҳолатнинг юзага келиши билан биргаликда кечади.

Гипотеза рад қилиниши ҳам мумкин. У гипотезадан келиб чиқадиган натижаларни фальсификация қилиш, яъни уларнинг борлиқдаги ҳодисаларнинг мавжуд ҳолатига, фактлар ҳақидаги маълумотларга номувофиқлигини кўрсатиш йўли билан аниқланади. Мазкур мантиқий жараён шартли-қатъий силлогизмнинг инкор модуси тарзида кечади, яъни натижанинг хатолигини аниқлашдан асоснинг хатолигини кўрсатишга ўтилади. Унинг символик ифодаси қуйидагича

$$((H \rightarrow P) \wedge \neg P) \rightarrow \neg H$$

Гипотезанинг натижаларини топа олмаслик, гарчи бу гипотезанинг мавқени анча пасайтирса-да, лекин уни рад эта олмайди. Гипотезанинг чинлиги ундан келиб чиқадиган натижаларга зид бўлган ҳолатлар аниқлангандагина узил-кесил рад этилади. Масалан, Птоломейнинг Ернинг ҳаракатланмайдиган марказ эканлиги ҳақидаги гипотезаси Коперникнинг гелиоцентрик назарияси асосланадиган фактларга зид келганидан кейин рад этилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, ўрганилаётган ҳодиса ҳақида бир вақтнинг ўзида бир қанча гипотезалар илгари сурилиши мумкин. Масалан, ҳозирги пайтгача қушлар учаётганда тўғри йўлни қандай топа олишини мавжуд гипотезалардан ҳеч бири тўлиқ тушунтира бера олмаган. Уларда турли хил фикрлар билдирилган: қушларни баъзилар магнит майдонига, бошқалар Қуёшга, юлдузларга қараб мўлжал олишади, деб ҳисоблашган. Украина олимлари эса 1980-йилларнинг иккинчи ярмида қушлар ўз ҳаракати маршрутларини Ернинг гравитация майдонига асосланиб, шу маршрут давомида оғирлик кучининг ўзгаришини «ҳисоблаб» белгилашади, деган фикрни билдирганлар. Лекин ҳозиргача уларнинг бирортаси узил-кесил тасдиқланмаган ҳам, рад этилмаган ҳам. Гипотеза тасдиқланмагунча ўзининг билишдаги аҳмитятини йўқотмайди. Рад этилса, ўрнига бошқа гипотиза қурилади ва бу ҳол то гипотезалардан бирортаси тасдиқланмагунча давом этади. Илгари сурилаётган гипотезалар турли ҳил даражада умумлашган бўлиши мумкин. Ана шунга мувофиқ ҳолда умумий ва жузъий гипотезаларни ажратиш мумкин.

Умумий гипотеза деб табиат, жамият, билиш ҳодисаларининг қонуниятлари ҳақида билдирилган асосли тахминга айтилади. Бунга мисол қилиб нефтнинг келиб чиқишининг органиқ ва ноорганиқ табиати ҳақидаги гипотезаларни, Ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши, онгнинг келиб чиқиши, ижтимоий прогресс ҳақидаги фаразларни

кўрсатиш мумкин. Умумий гипотезалар борлиқнинг муҳим қонуниятларини очишга имкон бергани учун, илмий назарияни «қуриш материаллари», деб ҳисобланади. Исботлангач, бундай гипотезалар назарияларга айланадилар ва илмий тадқиқотларнинг стратегик йўналишларини белгилаб берадилар.

Жузъий (хусусий) гипотеза айрим фактлар, конкрет предмет ва ҳодисаларнинг келиб чиқиши, хусусиятлари ҳақидаги билдирилган асосли тахминий фикрдан иборат. Конкрет жиноятнинг мотиви ҳақидаги суд версияси, археологик қазишларда топилган предметларнинг табиати, қайси даврларга оид эканлиги ҳақидаги тахминлар жузъий гипотезага мисол бўлади.

Мантиқда, юқорида зикр этилиб ўтилганидек, ишчи гипотезалар ҳам фарқ қилинади.

Ишчи гипотеза – тадқиқотнинг дастлабки босқичида илгари суриладиган тахмин бўлиб, ўз олдига ўрганилаётган ҳодисанинг сабабини аниқлашни мақсад қилиб қўймайди; у фақат кузатиш ва эксперимент натижаларини тасвирлашга, тартибга солишга ёрдам беради.

Шундай қилиб, гипотеза фикрларимизнинг қурилиши, билимлари-мизнинг мавжуд бўлиш ва ривожланиш шаклидир.

Назария билимларнинг мантиқий тизими сифатида. «Назария» термини кенг маънода ақлий билиш, тафаккурни англатади, уни амалиётдан фарқ қилувчи фаолият тури сифатида ифодалайди. Тор маънода эса, назария маълум бир соҳага оид тасаввурлар, тушунчалар, ғоялар, гипотезаларни системага соладиган, предметни рационал тарзда англашга имкон берадиган билим шаклини билдиради. Назариянинг бундай талқини илмий билишда эмпирик ва назарий босқичларнинг фарқ қилиниши билан боғлиқ.

Эмпирик босқичда илмий фактлар тўпланади, ўрганилади, системага солиниб, турли хил жадваллар, схемалар, гарфиклар тузилади; муайян бир умумлашмалар, хусусан, эмпирик тушунчалар, фаразлар, эмпирик қонунлар шаклланади. Илмий билишнинг кейинги тараққиёти эмпирик билиш босқичида ҳосил қилинган, лекин бир-бири билан бўлган алоқаси ҳали аниқланмаган билимлар ўртасида муносабатларни ўрнатиш, уларни умумлаштириш, шу асосда янги фундаментал тушунчалар, умумий қонунларни яратиш, илмий башоратлар қилиш билан узвий боғлиқ.

Билишнинг бу икки босқичи ўртасида зарурий алоқадорлик мавжуд. Хусусан, назарияни яратиш эмпирик билиш жараёнида ҳосил қилинган предметнинг айрим томонлари, ҳусусиятларини акс эттирувчи тушунчалар, қонунлар, фаразлар ўртасида мантиқий алоқаларни ўрнатишга, предмет ҳақида яхлит тасаввур ҳосил қилишга, унинг моҳиятини тушунтиришга бўлган эҳтиёж билан белгиланади.

Назария-маълум бир предмет соҳасига оид тушунчалар, қонунлар, гипотезалар, ғояларни системага солиб, у ҳақида яхлит тасаввур ҳосил қиладиган, янги фундаментал умумлашмалар яратишга олиб келадиган, шу соҳадаги ҳодисаларни тушунтириш, олдиндан кўриш имконини берадиган ишончли билимдан иборат. Илмий назария қуйидаги таркибий қисмлардан ташкил топади: 1) эмпирик асос: назарияга алоқадор фактлар, уларга мантиқий ишлов бериш натижалари; 2) бошланғич назарий асос: назариянинг асосий тушунчалари, постулатлари (аксиомалари), фундаментал қонунлар (принциплар); 3) назариянинг мантиқий аппарати: тушунчаларни ҳосил қилиш ва таърифлаш қоидалари, хулоса чиқариш (исботлаш) қоидалари; 4) олинган натижалар (хулосалар). Илмий назария охир-оқибатда реал системани, обьектни акс эттиради, унинг табиатини тушунтиради ва шу маънода ўзининг эмпирик асосига эга. Лекин эмпирик асосининг мавжудлиги назариянинг барча тушунчалари ифода этадиган предмет ва белгиларнинг ҳиссий идрок қилиниши ёки назариянинг барча

ҳолларда мавжуд ҳодисаларни, уларнинг реал хусуситялари ва муносабатларини акс эттришини англатмайди.

Назарияда борлиқ, асосан, моделлар ёрдамида идеаллашган ҳолда инъикос қилинади. Идеаллаштириш жараёнида мавжуд обьектлар ҳақидаги эмпирик билимга таянган ҳолда, ҳақиқатда мавжуд бўлмаган ва баъзан мавжуд бўлиши мумкин ҳам бўлмаган, лекин реал мавжуд предметларга маълум бир муносабатда ўхшаш обьектлар ҳақидаги тушунчалар ҳосил қилинади. Масалан, механиқа ечимини қидирадиган кўп масалаларда жисмнинг шакли ва ўлчамлари (эни, бўйи, ҳажми ва шу кабилар) унчалик муҳим аҳамиятга эга эмас. Айни бир пайтда масса муҳим аҳамиятга эга ва шунинг учун ҳам массаси бир нуқтага жамланган хаёлий жисм-моддий нуқта ҳосил қилинади.

Барча реал мавжуд жисмлар шаклга ва ўлчамларга эга, моддий нуқта эса идеал обьект бўлиб, баъзи масалаларни ечишда реал жисмларнинг ўрнини босади, уларнинг назарий билишдаги эквиваленти бўлиб хизмат қилади. Физикадаги мутлақ қаттиқ жисм, геометриядаги нуқта, текислик, тўғри чизиқ ва бошқа фанлардаги шу каби кўп тушунчалар идеал обьектларни ифода қиладилар.

Идеал обьектлар ёрдамида предметнинг ҳиссий идрок этилмайдиган муҳим хусусиятлари, муносабатлари ўрганилади. Уларсиз назарий билиш ўз олдига қўядиган мақсадига эриша олмйди. Назарий билишнинг зарурий воситаси бўлганлиги учун уларни баъзан **назарий объектлар** деб ҳам аташади.

Назария идеал характерга эга бўлган тушунчалар, мулоҳазалар системасидан-**концептуал системадан** иборат бўлиб, у реал обьектнинг назарий моделини ифода қилади. Масалан, механиқадаги бошқа системалар таъсиридан ажратиб қўйилиб, ёпиқ система тарзида фикр қилинадиган механиқ система тушунчаси реал обьектнинг назарий модели ҳисобланади. Унинг ёрдамида реал мавжуд бўлган механиқ системанинг ҳаракат қонунлари ўрганилади. Назарий моделнинг идеал характерга эга бўлган обьектлари, уларни акс эттирувчи тушунчалар ўртасидаги алоқадорлик назариянинг фундаментал қонунлари, принципларида ўз ифодасини топади.

Мазкур қонунлар, принциплар бошланғич тушунчалар ва мулоҳалар билан биргаликда назариянинг **концептуал ўзагини** ташкил этади. Масалан, классик механиқанинг негизини ҳаракатнинг учта қонуни ҳамда улар билан боғлиқ бўлган фазо, масса, вақт, куч, тезлик, тезланиш тушунчалари ташкил эатди. Классик темодинамиканинг асосини эса унинг учта муҳим қонуни ҳосил қилади. Математик назарияларнинг концептуал ўзаги уларнинг асосий тушунчалари ва аксиомаларида ўз ифодасини топган.

Ҳар бир назария ўзининг тушунчаларини ҳосил қилиш, таърифлаш қоидаларига эга. Бунга мисол қилиб формаллашган тилни яратиш қоидалари (3-мавзуга қаранг), мулоҳазалр мантиғини натурал хулоса чиқариши системаси сифатида қуриш қоидаларини (7-мавзуга қаранг) кўрсатиш мумкин. Худди шунингдек, ҳар қандай назария хулосалар тарзидаги ўз натижаларига эга.

Демак, илмий назариянинг струкурасида унинг ҳар бир элементи ўз ўрнига эга. Илмий назария билишда бир қанча муҳим вазифаларни бажаради.

Биринчидан, назарияда бирорта соҳага оид барча билимлар яхлит бир системага бирлаштирилади. Бундай системада, одатда, билимларнинг катта қисмини назариянинг нисбатан камроқ бўлган бошланғич тушунчаларидан келтириб чиқаришга ҳаракат қилишади. Улар математикада аксиомалар, табиётшуносликда-гипотезлар, деб юритилади. Бундан кўзланган асосий мақсад-қайд этилган фактларни айрим бошланғич принциплар, гинотезаларнинг натижаси сифатида талқин этиш. Назарий системада ҳар бир факт, ҳар бир тушунча, ҳар бир қонун ёки фараз

бошқаларига нисбатан ўз ўрнига эга бўлиши, ана шундан келиб чиқиб интерпретация қилиниши, яъни талқин қилиниши (ёки қайта талқин қилиниши) зарур. Талқин этиш жараёнида мавжуд назариялар, янгидан қурилаётган назариянинг элементларига мурожаат қилинади. Бу эса, бир томондан, мавжуд фактларнинг табиатини тўғри тушунишга ёрдам берса, иккинчи томондан, бевосита эмпирик усул ёрдамида қайд этиб бўлмайдиган янги фактларни топишга имкон беради.

Иккинчидан, назарияни қуриш берилган соҳага оид билимларни аниқлаштириш, кенгайтириш ва чуқурлаштиришга ёрдам беради. Бунинг сабаби шундаки, назариянинг бошланғич асослари-аксиомалар, постулатлар, қонунлар, принциплар, гипотезлар назариядаги бошқа илмий билимларга нисбатан мантиқан кучлироқ ҳисобланади. Ана шунинг учун ҳам назарияни қуриш мавжуд билиимларни тартибга солишдан, яъни координация қилишдангина иборат бўлиб қолмайди. Бунда мантиқан кучли билимлардан мантиқан кучсиз билимлар келтириб чиқарилади, яъни субординация қилинади. У эса, мазмунан чуқурроқ бўлган тушунчалар, қонунлар, принципларга мурожаат қилишга, улар ёрдамида мавжуд тушунчаларни талқин этишга, янги фундаментал умумлашмалар ҳосил қилишга олиб келади. Масалан, Ньютоннинг ҳаракатнинг учта қонуни ҳамда бутун олам тортишиш қонунига таянадиган классик механиқаси Галилейнинг жисмларнинг эркин тушуши қонуни ва Кепларнинг планеталар ҳаракати қонунини тушунтириш ва аниқлаштириш имконини берди. Хусусан, Галилей қонунининг жисмнинг гравитация кучи таъсирида ҳаракат қилишининг жузъий ҳолини ифода этиши маълум бўлди. Гравитация таъсиридан ташқарида, яъни Ер радиуси узунлигидан ортиқ бўлган масофада Галилей кашф этган қонун амал қилмайди. Худди шунингдек, Кеплернинг Қуёш атрофида ҳаракат қилувчи планетанинг эллиптик орбита бўйича ҳаракат қилиши қонунининг бошқа планеталарнинг таъсирини ҳисобга олмаслиги ва ана шунинг учун ҳам унчалик аниқ эмаслиги маълум бўлди.

Учинчидан, назария ўрганилаётган ҳодисани илмий асосда тушунтира олади. Тўғри, бирорта ҳодисани тушунтириш учун, одатда, уни характерлайдиган қонунга мурожаат қилишади. Лекин шуни ёддан чиқармаслик зарурки, фанда қонунлар ўз ҳолича эмас, балки маълум бир назария таркибида мавжуд бўлади. Бунда эмпирик қонунлар маълум бир назарий қонунлардан келтириб чиқарилади. Ҳатто алоҳида олинган назарий қонун ҳам ҳодисани тушунтириш учун етарли бўлмаслиги мумкин. Илмий тажриба шуни кўрсатадики, ҳодисанинг моҳиятини тушунтириш учун назариянинг барча ғоялари йиғиндиси, шу жумладан, қонунлар ҳам жалб этилади.

Назариянинг илмий билишдаги алоҳида аҳамияти яна унинг янги, илгари кузатилмаган ҳодисаларнинг мавжудлигини олдиндан кўриш имконини беришидадир. Масалан, Максвеллнинг электромагнит назарияси радио тўлқинларининг мавжудлигини олдиндан айтиб берган. Бу тўлқинларни анча вақт ўтгандан кейин Г. Герц эксперимантал йўл билан қайд этган. Худди шунингдек, Эйнштейннинг умумий нисбийлик назарияси гравитация майдонида ёруғлик нурининг оғишини башорат қилган.

Тўртинчидан, илмий назария ўзида ўрганилаётган предмет соҳасига оид барча билимлар ўртасида мантиқий алоқаларни ўрнатгани, яхлит бир системада мужассамлантиргани ва умумлаштиргани учун унинг объектив ҳақиқатлик даражаси ва, демак, ишончлилик даражаси, ортади.

Бешинчидан, назария муаммони қўйиш, гипотезаларни яратиш, қонунларни шакллантириш, ғояларни илгари суриш ва асослашдан иборат билишнинг узоқ ва машаққатли йўлини босиб ўтишнинг натижаси бўлганлиги учун, у билишга хос қонунларни аниқлаш, уларни ўрганиш имконини беради.

Назарияни қуриш мураккаб жараён бўлиб, кўп ҳолларда бир қанча олимларнинг ҳамкорлик қилишини тақозо этади.

Дастлабки босқичда назариянинг предмет соҳаси ва тадқиқот йўналиши аниқланади. Амалий ҳаётимиз эҳтиёжлари, у билан узвий боғлиқ бўлган тадқиқот мақсади ва вазифалари бунда муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, предмет соҳаси ва тадқиқот аспектини аниқлашда берилган соҳага оид билимларнинг кўлами, чуқурлиги катта роль ўйнайди.

Назарияни қуришнинг кейинги зарурий босқичи бошланғич асосни аниқлашдир. У ўрганилаётган соҳага оид энг асосий тушунчалар, аксиомалар, гипотезалар йиғиндисидан иборат бўлади. Назариянинг бошқа барча тушунчалари, гипотезалари ва қонунлари ана шу бошланғич асосдан дедуктив йўл билан келтириб чиқарилади. Бунда, албатта, назариянинг барча тушунчалари-асосийлари ва келтириб чиқариладиганлари, янгидан ҳосил қилинадиганлари муҳим ғоя (ёки ғоялар системаси) негизида бирлаштирилиши керак. Табиийки, назария маълум бир метод ёрдамида, яъни методологик принциплар, усулларни қўллаш асосида қурилади.

Қурилган назария билишнинг кейинги босқичларида аниқлаштирилади, янги фактик материаллар асосида мазмунан бойитилади, қайта талқин қилинади. Илмий назариянинг жуда кўп турлари мавжуд. Уларни турли хил асосларга кўра классификация қилиш (туркумлаш) мумкин. Хусусан, қурилиш методига кўра назарияларни тўртта турга ажратиш мумкин: 1) тажриба билан иш кўрадиган фанларнинг мазмундор назариялари; 2) гипотетик-дедуктив (ёки ярим аксиоматик) назариялар; 3) аксиоматик назариялар; 4) формаллашган назариялар.

«Мазмундор» назарияларда маълум бир соҳага оид фактлар системага солинади, умумлаштирилади ва тушунтирилади. Улар асосан тажриба натижалари, эмпирик материалларга таянади, уларни таҳлил қилади, тартибга солади ва умумлаштиради. Ана шунинг учун ҳам уларни «тажрибага таянувчи назариялар», деб аташади. «Мазмундор» деб аталишига сабаб, уларни математика ва мантиқдаги формаллашган назариялардан фарқ қилишдир. Мазмундор назарияларни соф эмпирик назариялар деб бўлмайди. Улар фақат эмпирик материалларгагина эмас, балки назарий қонунларга ҳам таянади. Масалан, мазмундор деб ҳисобланадиган. Дарвиннинг эволюция назарияси, И.П. Павловнинг олий асаб фаолиятининг шартли рефлекторлик назарияси ва шу кабилар чуқур назарий ғояларга суянади, улар ёрдамида тўпланган материалларни рационал усул билан англайди, қайта ишлайди ва тушунтиради.

Гипотетик-дедуктив назариялар табиётшуносликда учрайди. У турли хил мантиқий кучга эга гипотезалар системасидан иборат бўлиб, унда мантиқан кучлиларидан мантиқан кучсизроқлари дедукция қилинади. Гипотетик-дедуктив системани гипотезалар занжири (иерархияси) тарзида олиб қараш мумкин. Бунда эмпирик асосдан узоқлашган сари гипотезанинг кучи ортиб боради.

Гипотетик-дедуктив назарияларнинг ўзига хос жиҳатларидан бири ундаги гипотезаларнинг даражалари бўйича қатъий изчил жойлашишидир. Гипотезанинг даражаси қанчалик юқори бўлса, хулосаларни мантиқий йўл билан келтириб чиқаришда унинг иштироки шунчалик кўп бўлади.

Назариянинг гипотетик-дедуктив модели эмпирик материалларни ишлашда кўп қулайликларга эга бўлиши билан бир қаторда айрим камчиликлардан ҳам холи эмас. Хусусан, бошланғич гипотезалар қандай танлаб олиниши керак, деган саволга ҳалигача аниқ, қатъий ҳолдаги жавоб йўқ.

Аксиоматик системаларда назария элементларининг катта қисми кичкина бошланғич асосдан – асосий аксиомалардан дедуктив йўл билан келтирилиб чиқарилади. Аксиоматик назариялар математикада қурилади.

Аксиоматик метод биринчи марта Евклид томонидан элементар геометрияни қуришда муваффақиятли ишлатилган. Мазкур геометриянинг асосий аксиоматик тушунчалари «нуқта», «тўғри чизиқ», «текислик» бўлиб, улар идеал фазовий объектлар сифатида олиб қаралган; геометриянинг ўзи эса физикавий фазонинг хусусиятларини ўрганувчи таълимот сифатида талқин қилинган. Евклид геометриясининг қолган барча тушунчалари улар ёрдамида ҳосил қилинган. Қуйидаги мисолга мурожаат қилайлик: «Текисликдаги битта нуқтадан баравар узоқликда ётадиган нуқталар тўпламига айлана дейилади», унда «айлана» тушунчаси «нуқта ва текислик» тушунчалари ёрдамида ҳосил қилинган, яъни улардан дедукция қилинган.

Математиканинг тараққиёти давомида аксиоматик метод такомиллашиб борган, уни қўллаш мумкин бўлган соҳалар доираси кенгайган. Хусусан, аста-секин Евклид аксиомаларининг фақат геометрик объектларнигина эмас, балки бошқа математик ва, ҳатто, физик объектларни ҳам тасвирлаш учун яроқли эканлиги маълум бўлди. Масалан, нуқтани ҳақиқий сонларнинг учтасининг тўплами, тўғри чизиқ ва текисликни чизиқли тенгламаларни билдиради, деб қабул қилинганда, мазкур ногеометрик объектлар хоссаларининг Евклид геометрияси аксиомалари талабларига жавоб бериши аниқланган.

Шуни айтиш керакки, аксиоматикага бундай абстракт тарзда ёндашишга маълум бир даражада Н.И. Лобачевский, Б. Риман ва бошқалар ноевклид геометрияларининг яратилиши яхши имконият яратди. Ҳозирги замон математикасида абстракт аксиоматик системалар кенг қўлланилади. Бундай системаларнинг муҳим хусусиятлари уларнинг ёпиқ системадан иборат бўлиши, яъни миқдор жиҳатидан чекланган аксиомалар, тушунчалар, принциплардан ташкил топиши, улар қаторига ихтиёрий равишда, асоссиз янги аксиомалар, тушунчаларни қўшиб бўлмаслик; системаларнинг мантиқан зиддиятсиз ва маълум бир даражада тўла бўлиши ва шу кабилардан иборат. Ана шунинг учун ҳам улар узоқ вақт давомида ўзининг барқарорлигини сақлайди, янги билим олишнинг ишончли воситаси бўлиб қолади. Аксиоматика табиётшуносликда ҳам қўлланилади. Тажриба билан боғлиқ бўлганлиги ва шунинг учун ҳам зарурий равишда эмпирик талқинга муҳтож эканлиги сабабли табиётшуносликнинг фақат ўзагини ташкил этадиган тушунчаларнигина аксиомалаштириш мумкин. Абстракт математик структуралар фақат аксиоматик системалардагина эмас, балки формаллашган назарий системаларда ҳам тасвирланиши ва тушунтирилиши мумкин.

Формаллашган назариялар мантиқда кенг қўлланилади. Бунга мисол қилиб мулоҳазалар мантиғи, предикатлар мантиғини кўрсатиш мумкин. Шунингдек, у математикада ҳам учрайди.

Назариянинг юқорида биз кўриб чиққан типлари ва бошқалари назарий билишнинг муҳим воситалари сифатида фанда ниҳоятда қадрланади. Улар тафаккурнинг структураси ва қонуниятларини яхши билиб олишга имкон беради.

Такрорлаш учун саволлар

1. Исботлаш қандай структурага эга?
2. Исботлашнинг қандай усуллари мавжуд?
3. Рад этиш исботлаш билан қандай алоқада?
4. Рад этишнинг қандай усулларини биласиз?
5. Исботлаш ва рад этиш қоидаларини бузганда қандай мантиқий хатолар вужудга келади?

6. Муаммоли вазият нима?

7. Муаммони тўғри қўйиш ва ҳал этишнинг қандай шартлари мавжуд?

8. Гипотезанинг моҳияти нимада ва унинг қандай турлари мавжуд?

9. Назария билиш жараёнида қандай вазифаларни бажаради?

Мавзу юзасидан топшириқлар ва тавсиялар

1. Қандай билимларнинг аргументлар бўлиб хизмат қила олишини билиб олинг.

2. Исботлаш турларига мустақил равишда мисоллар келтиринг, уларнинг моҳиятини тушунтириб Бера оладиган бўлинг.

3. Муаммоли вазиятнинг моҳиятини чуқур ўрганинг, унинг илмий билиш ва амалий ҳаётимизда учраган ҳолларини топинг ва мустақил таҳлил қилишга уриниб кўринг.

4. Президент И.А.Каримовнинг Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқоролик жамиятини қуриш билан боғлиқ бўлган муаммоларни қўйиш ва ҳал этиш йўлларини кўрсатишга эътиборингизни қаратинг ва мантиқий таҳлил этишга ҳаракат қилинг.

5. Назариянинг мақсади, структураси ва вазифаларини конкрет тасввур қилишга эришинг.

“ЭТИКА” ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА ЖАМИЯТ ҲАЁТИДАГИ АҲАМИЯТИ. АХЛОҚ ҲАҚИДАГИ ҚАРАШЛАР ТАРИХИ

Таянч иборалар: *ахлоқшунослик, этика, одоб, хулқ, ахлоқ, Авесто, Қуръони Карим, тасаввуф, янги давр этикаси, эзгулик, ёвузлик, фазилат, иллат, руҳ, ихтиёр эркинлиги, изтироб, адолат, донишмандлик, дўстлик, жадидлар, туркистон маърифатпарварлари.*

Ахлоқшунослик фанининг тадқиқот доираси, фалсафий фан сифатидаги ўрни. Ахлоқшунослик бир неча минг йиллик тарихга эга қадимий фан. У бизда «Илми равиш», «Илми ахлоқ», «Одобнома» сингари номлар билан атаб келинган. Европада эса «Этика» (ethika) номи билан машҳур. Уни юнон файласуфи Аристотель илк бор илмий муомалага киритган. Аристотель фанларни уч гуруҳга таснифлайди: **назарий** (фалсафа, математика ва физика), **амалий** (этика ва сиёсат) ҳамда **ижодий** (санъат, ҳунармандчилик ва амалий фанлар).

Бу фанни «Ахлоқшунослик» деб аташ илмий ва замонавий талаблар нуқтаи назаридан мақсадга мувофиқдир.

Ахлоқшунослик ахлоқнинг келиб чиқиши, моҳияти ва жамиятдаги ахлоқий муносабатларни ўрганади. Арабча «ҳулқ» сўзининг кўплик шакли «Ахлоқ» икки хил маънога эга: умумий тушунча сифатида фаннинг тадқиқот объектини англатса; муайян тушунча сифатида инсон феъл-атвори ва хатти-ҳаракатининг энг қамровли қисмини билдиради. Ахлоқни умумий тушунча сифатида олиб, уни доира шаклида акс эттирадиган бўлсак, доиранинг энг кичик қисмини одоб, ундан каттароқ қисмини хулқ, энг қамровли қисмини ахлоқ эгаллайди.

Одоб – инсон ҳақида ёқимли таассурот уйғотадиган, лекин жамоа, жамият ва инсоният ҳаётида у қадар муҳим аҳамиятга эга эмас, миллий урф-одатларга асосланган чиройли хатти-ҳаракатларни ўз ичига олади. *Масалан, метрода ёшгина талаба йигит навбатдаги бекатдан чиққан кекса кишига дарҳол: «Ўтиринг, ота!» деб жой бўшатса, бу иши атрофдагиларга чиройли кўринади. Аксинча, ёқимсиз таассурот уйғотади. Айни пайтда, йигит қай йўсинда иш тутмасин, вагондаги йўловчилар ҳаётида бирор ижобийми, салбийми – муҳим ўзгариш рўй бермайди.*

Хулқ – оила, жамоа, маҳалла-кўй миқёсида аҳамиятли, аммо жамият ва инсоният ҳаётига сезиларли таъсир кўрсатмайдиган ёқимли инсоний хатти-ҳаракатлар мажмуи.

Масалан, маҳалладаги оила бошлиқларидан бири имкон борича қўни-қўшниларнинг барча тўй ва маъракаларида хизматда туради, ҳеч кимдан қўлидан келган ёрдамини аямайди, очиқ кўнгил, очиқ қўл, тиришқоқ, оила аъзоларига меҳрибон ва ҳ. к. Ундай одамни хушхулқ дейишади ва унга маҳалланинг намунаси сифатида қарайдилар. Аксинча, маҳалладаги тажанг, қўни-қўшнилар билан муросасиз, жанжалкаш, маст келиб, оилада хотин ва болаларини уриб, ҳақоратлайдиган кишини бадхулқ дейдилар. Унинг бадхулқидан оиласи, бошқалар жабр кўради, маҳалланинг тинчи бузилади, аммо хатти-ҳаракатлари жамият ижтимоий ҳаёти ёки инсоният тарихига бирор таъсир ўтказмайди.

Ахлоқ – жамият, замон, инсоният тарихи учун намуна бўла оладиган ижобий хатти-ҳаракатлар йиғиндиси.

Масалан, Маҳатма Ганди, Буюк Пётр, Ислом Каримов каби шахслар – умрини миллат, Ватан ва инсоният манфаатига бағишлаган юксак ахлоқ эгалари; улар жамият, башарият учун намуна.

Дейлик, туман ёки вилоят прокурори ўзи масъул ҳудудда доим қонун устуворлиги, адолат қарор топишини кўзлаб иш юритади, лозим бўлса, ҳокимнинг ноқонуний фармойишларига қарши чиқиб, уларни бекор қилишга эришади; оддий ватандоши наздида у нафақат ўз касбини эъзозловчи шахс, балки ҳақиқий ҳуқуқ посбони, адолатли тузум тимсоли тарзида гавдаланади. Мазкур прокурор, аксинча иш тутиб, ўзи қонунни бузса, шахсий манфаати йўлида оқни қора, қорани оқ деса, у ахлоқсизлик қилган бўлади: энди у оддий ватандоши наздида бир амалдор эмас, балки бутун жамият адолатсиз, деган тасаввур уйғотади. Бундай тасаввурнинг мунтазам кучайиб бориши, охир-оқибат ўша жамият ёки тузумни таназзулга олиб келади.

Албатта, мазкур ахлоқий ҳодиса ва улар зидди нисбийликка эга. Мисолдаги прокурор ахлоқсизлиги даражаси билан миллионлаб бегуноҳ инсонларни ўлимга маҳкум этган Чингизхон, Гитлер, Сталин сингари шахслар орасида фарқ бор: прокурорнинг ахлоқсизлиги бир миллат ёки мамлакат учун зарар қилса, ёвуз ҳукмдорлар хатти-ҳаракатлари умумбашарий миқёсдаги фожиаларга олиб келади.

Ахлоқий тарбия натижасида одоблилик – хушхулқлиликка, хушхулқлилик – юксак ахлоқийликка айлангани каби, ахлоқий тарбия йўлга қўйилмаган жойда муайян шахс, вақти келиб, одобсизликдан – бадхулқлиликка, бадхулқлиликдан – ахлоқсизликка ўтиши мумкин.

Ахлоқшунослик мазкур уч ахлоқий ҳодисани бир-бири билан узвий ва нисбийликда ўрганади. Ахлоқшунослик қадимда (физика ва метафизика билан бирга) фалсафанинг узвий қисми ҳисобланар эди. Кейинчалик (Аристотельдан сўнг) алоҳида фалсафий йўналишдаги фан мақомини олди.

Маълумки, фалсафанинг асосий вазифаси: барча табиий ва ижтимоий илмлар эришган ютуқлардан умумий хулосалар чиқариб, инсониятни ҳақиқатга олиб боришдир. Фалсафанинг тадқиқот объекти – тафаккур. Ахлоқшунослик эса ахлоқий тафаккур тараққиётини тадқиқ этади ва амалиётда инсонни эзгулик орқали ҳақиқатга олиб боришга хизмат қилади. Шу боис уни ахлоқ фалсафаси ёхуд эзгулик фалсафаси дейиш мумкин.

Ҳозир у фалсафий фан сифатида уч йўналишда иш олиб боради, яъни у ахлоқни: 1) баён қилади; 2) тушунтиради; 3) ўргатади. Шунга кўра, у тажрибавий-баёний, фалсафий-назарий ва расмона-меъёрий табиатга эга. Қадимгилар уни амалий фалсафа деб атаганлар. Зеро, соф назарий ахлоқшуносликнинг бўлиши мумкин эмас. У инсоният тажрибаси орқали эришган донишмандлик намуналарини ҳикмат, нақл,

матал-мақоллар тарзида баён этади, кишиларни ахлоқий қонун-қоидаларга ўргатади, уларга ахлоқнинг моҳиятини тушунтиради ва фалсафий хулосалар чиқаради.

Ахлоқшунослик фанида Платон, Аристотель, Эпикур, Цицерон, Сенека, Августин, Форобий, Ибн Сино, Ғаззолий, Спиноза, Кант, Гегель, Шопэнгауэр, Фейербах, Ницше, Соловьёв, Лосский сингари буюк файласуфлар яратган ахлоқ назариясига доир таълимотлар билан биргал «Патанжали», «Қобуснома», Саъдийнинг «Гулистон», Жомийнинг «Баҳористон», Навоийнинг «Маҳбуб ул-қулуб», Монтеннинг «Тажрибанома», Ларошфуконинг «Ҳикматлар», Гулханийнинг «Зарбулмасал» каби амалий ахлоққа бағишланган асарлар ҳам ўз мустаҳкам ўрнига эга. Ахлоқшуносликнинг бошқа фалсафий фанлардан фарқи, ўзига хослиги: унда назария билан амалиётнинг омухталигидир.

Омиллар, унсурлар тўғрисида тўхталмаслик мумкин эмас. Ахлоқ тузилмасини, одатда, уч омил-асосдан иборат деб ҳисоблайдилар. Булар-ахлоқий англаш (ахлоқий онг), ахлоқий ҳис этиш (ахлоқий ҳиссиёт) ва ахлоқий муносабатлар (ахлоқий хатти-ҳаракатлар). Баъзи мутахассислар (чунончи, машҳур рус ахлоқшуноси А.И. Титаренко) ахлоқшунослик мезоний тушунчаларини (категорияларини), ахлоқий меъёрлар ва тамойилларни ахлоқ тузилмаси тарзида тақдим этадилар. Бизнинг нуқтаи назаримиздан бу фикр унчалик тўғри эмас. Чунки мазкур тушунчалар, тамойиллар ва меъёрлар кўпроқ ахлоққа эмас, балки уни ўрганадиган фанга – ахлоқшуносликка тааллуқлидир. Умуман, шуни айтиш керакки, ахлоқшунослик фанида анча-мунча чалкашликлар мавжудки, уларнинг сабабини мазкур фаннинг бошқа фанларга нисбатан алоҳида хусусиятларга эгалигидан, яъни унда кўп ҳолларда илмий-назарий жиҳатларнинг илмий-амалий томонлар билан омухталашиб кетганидан қидирмоқ лозим.

Шундай қилиб, ахлоқ тузилмаси уч асосий омилни: ахлоқий англаш, ахлоқий ҳис этиш ва ахлоқий муносабатларни ўз ичига олади. Айни пайтда ана шу омилларнинг тузилмадаги ўрни, тўғрироғи, мавқеи масаласида ҳам турли хил қарашлар мавжуд. Баъзи ахлоқшунослар ахлоқий англашни, бошқа бировлар ахлоқий ҳиссиётнинг ўзини асосий унсур деб талқин этадилар. Яна баъзи бировлар ахлоқий англаш-ахлоқий онгга етакчилик мавқеини берадилар. Хўш, аслида қандай қараш ҳақиқатга яқинроқ?

Аввало, шуни таъкидлаш керакки, жуда кўп ҳолларда ахлоқ тузилмасидаги мазкур уч омил-унсўрнинг бирортасисиз ахлоқ тушунчасини тасаввур қилиб бўлмайди. Бошқача айтганда, ахлоқни инсон кўзи олдида гавдалантирувчи ахлоқий муносабатларнинг ҳис этиш ва ахлоқий англашсиз юзага чиқиши, яъни мавжуд бўлиши мумкин эмас. Бундай ҳолат ахлоқий ҳис этишга ҳам, ахлоқий англашга ҳам тааллуқли. Зеро тузилмадаги бу уч унсур-омил бир-бирисиз камдан-кам мавжуд бўлади, доимо бир-бирини тақозо қилади.

Ахлоқшуносликнинг бошқа ижтимоий фанлар билан алоқаси ва аҳамияти.

Ахлоқшунослик бошқа ижтимоий-фалсафий фанлар билан ўзаро алоқадорликда ривожланиб келмоқда. Айниқса, унинг **нафосатшунослик** билан алоқаси қадимий ва ўзига хос. Аввало, инсоннинг ҳар бир хатти-ҳаракати ва нияти ҳам ахлоқийликка, ҳам нафосатга тегишли бўлади, яъни муайян ижобий фаолият ҳам эзгулик (ички гўзаллик) ҳам нафосат (ташқи гўзаллик) хусусиятларини мужассам қилади. Шу боис Суқрот, Платон, Форобий сингари қадимги файласуфлар кўп ҳолларда ахлоқийликни ички гўзаллик, нафосатни ташқи гўзаллик тарзида талқин этганлар. Бундан ташқари, саньат нафосатшуносликнинг тадқиқот объектига киради. Ҳар бир саньат асарида эса ахлоқнинг долзарб муаммолари кўтарилади. Демак, нафосатшунослик ўрганаётган ҳар бир бадиий асар айни пайтда, ахлоқшунослик нуқтаи назаридан ҳам тадқиқ этилаётган бўлади.

Ахлоқшуносликнинг **диншунослик** билан муносабати: ҳар иккала фан ҳам бир хил муаммо – ахлоқий мезон муаммосини ҳал этишга қаратилган. Чунки жаҳон динлари вужудга келгунига қадар мавжуд маълум урф-одат ва қадриятларга муносабат муайян диний қонун-қоидалар, муқаддас диний китобларда аксини топган. Айни маънода динлар ахлоққа таъсир ўтказганлар.

Жумладан, ислом динида Қурьони карим, ҳадиси шарифлар, муайян фатволардаги мезонлар мусулмон Шарқи миллатлари ахлоқий даражасининг шаклланишида муҳим аҳамият касб этди. Комил инсон муаммоси ҳар иккала соҳа учун умумий ҳисобланади. Фарқ шундаки, ахлоқшунослик бу муаммога замонавий тарбия нуқтаи назаридан ёндошади.

Ахлоқшуносликнинг **ҳуқуқшунослик** билан алоқаси: аксарият ҳолларда ахлоқ билан ҳуқуқ меъёрлари мазмун-моҳиятан айнан. Ахлоқни жамоатчилик асосидаги ҳуқуқ, ҳуқуқни эса қонунийлаштирилган ахлоқ дейиш мумкин. Зеро, ахлоқшунослик ва ҳуқуқшуносликнинг тадқиқот объектлари кўп жиҳатдан ўхшаш, улар фақат ёндошув усулига кўра фарқ қилади: ҳуқуқ меъёрларининг бажарилиши, одатда, махсус адлия идораларидаги алоҳида белгиланган лавозимли кишилар орқали, мажбурий санкциялар воситасида йўлга қўйилса; ахлоқ меъёрлари умум қабул қилган миллий урф-одат, жамоатчилик фикри ёрдамида, муайян ижтимоий гуруҳ, жамият томонидан амалга оширилади. Ахлоқшуносликнинг ҳуқуқшунос одоби номли махсус соҳаси ҳуқуқшунослик касби учун муҳим амалий ахлоқ жиҳатларини тадқиқ қилади ва тавсия этади.

Ахлоқшунослик **педагогика** билан чамбарчас алоқада. Педагогикада шахсни шакллантириш, тарбиялаш, таълим бериш жараёнларини панд-насиҳат, одобнома дарсларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шу боис, ахлоқшунослик ўзининг назарий ва амалий жиҳатлари билан педагогиканинг асоси ҳисобланади. Зеро, маориф тизимидаги таьлим-тарбия ўзини ҳар бир қадамда ахлоқий тарбия сифатида намоён қилади.

Қадимдан ахлоқшунослик ва **руҳшунослик** (психология) кишилар хатти-ҳаракати, феъл-атвори ва майл-истакларини ўрганади. Лекин ўрганиш услуби икки хил нуқтаи назарга таянади: руҳшунослик у ёки бу хатти-ҳаракат, феьл-атвор, сабабий асос(мотив) ларнинг руҳий табиати ва шаклланиш шарт-шароитларини очиб берса, ахлоқшунослик руҳшунослик тадқиқ этган ҳодисаларнинг ахлоқий аҳамиятини тушунтиради.

Ахлоқшунослик ва **жамиятшунослик** (социология) инсон фаолиятини бошқаришнинг ижтимоий мурватларидан бўлмиш ахлоқни ўрганади. Социология инсонлар оммавий хатти-ҳаракати ва уларнинг қонуниятларини фақат муайян ижтимоий тузум доирасида тадқиқ этади. Ахлоқшунослик эса, муайян ижтимоий тузум ёки давр доирасидан чиқиб, келгуси даврлар учун тарихий ва ахлоқий аҳамият касб этган шахсий, истисноли хатти-ҳаракатларни ҳамда уларнинг сабабий асосларини ўрганади.

Ахлоқшуносликнинг **сиёсатшунослик** билан алоқаси ўзига хос ва мураккаб. Чунки сиёсий кураш қарама-қарши ахлоқий қоидалар курашини тақазо этади. Шахсий интилишлар билан давлат ва жамият манфаатларининг мослиги, мақсад ва воситаларнинг пок ёки нопоклиги муаммолари ўртага чиқади. Аслида сиёсат қай даражада ахлоқийлик касб этса, шунчалик у оқилона бўлади. Бу ҳозирги кунда ахлоқшунослик ва сиёсатшунослик жиддий тадқиқ этадиган энг муҳим умумий муаммолардандир. Раҳбарлик одоби, партиявий одоб, этикет сингари ахлоқшуносликнинг муомала маданияти доирасига кирувчи махсус соҳалари сиёсатшуносликка тааллуқли.

Сўнгги пайтларда ахлоқшунослик ва **экология**нинг алоқаси тобора мустаҳкамланмоқда. Тарихан ахлоқшунослик кўпроқ инсоннинг ўзи, ўзгалар ва жамият олдидаги мажбуриятларини таҳлил этиш билан шуғулланган. Лекин, кейинги даврларда, айниқса, XX асрда табиатга нисбатан муносабати диққат марказида. Эндиликда глобал экологик муаммолар одамларнинг ижтимоий-ахлоқий нуқтаи-назарларига боғлиқ экани маълум. Уларни ҳал этиш ахлоқшуносликка бориб тақалмоқда. XX асрда экологик ахлоқшунослик деган махсус соҳа юзага келди. Ахлоқий баҳолаш ва бошқариш объекти сифатида табиатнинг ўзи эмас, балки одамнинг табиатга бўлган муносабати майдонга чиқади. Ахлоқшунослик ҳамма даврларда ҳам юксак аҳамият касб этиб келган фан. Мамлакатимиз мустақилликка эришиши билан ахлоқшунослик янги жамиятда тобора ўз юксак мавқеини эгаллаб бормоқда. Юртбошимиз Ислом Каримовниинг қуйидаги фикрларини келтириш ўринли: «Аслини олганда, ахлоқ – маънавиятнинг ўзаги», «Инсон ахлоқи шунчаки салом-алик, хушмуомалаликдангина иборат эмас. Ахлоқ – бу, аввало, инсоф ва адолат туйғуси, иймон, ҳалоллик дегани».

Зеро, миллий ва умуминсоний ахлоқий қадриятлар ҳамда қадимий урф-одат, анъаналаримиз янги замон маънавий қадриятларини яратишда асос бўлиб хизмат қилади.

Қадимги Шарқ ва Марказий Осиёда ахлоқий тафаккурнинг ривожланиши.

2. Ахлоқшунослик тарихи ахлоқий тафаккурнинг вужудга келиши ҳамда унинг тараққиёти қонунларини ўрганади, маънавий меърос(ахлоқий таълимот, ҳикмат, панд-ўгитлар)ни замонавий жамият ҳаётига тадбиқ этиш ва тарғиб қилиш йўлларини таҳлил этади. Гарчи ҳар бир ахлоқий концепция маълум мутафаккир мулоҳаза ва фаолиятининг меваси бўлса-да, у, моҳиятан, муайян тарихий давр талабларидан келиб чиқади. Дарҳақиқат, «Калила ва Димна», Конфуций ўгитлари, «Қобуснома», халқ мақол ва маталларисиз бу фан тараққиётини тасаввур қилиш қийин.

Амалий ахлоқнинг дастлабки намуналари бундан 3500 йил аввал мих хатда гилтахталарга ёзилган **Сомир** (Шумер) мақол ва маталларидир. Алқовларда маъбудлар эзгулик, адолат, ҳақиқат ва яхшилик тарафдорлари сифатида мадҳ этилади. Қуёш маъбуди Уту ахлоқий меъёрларнинг бажарилишини махсус кузатиб турган, маъбуда Нанше ҳақиқат, адолат ва шафқат ҳомийси. Маъбудлар ўрнатган «Ме» қонунлар рўйхатидан олам ҳаракатини тартибга солиш, унинг тўхтовсиз ва уйғун бўлишини таъминлаш мақсадида юқоридаги ахлоқий фазилатлар билан бирга – «ёлғон», «нифоқ», «гина», «кудурат», «қўрқув» тушунчалари ҳам ўрин олган. Шунингдек, сомирийларнинг мақол ва маталлари, ҳикмат-иборалари кўпчилиги умуминсоний ҳикматлар даражасига кўтарилган ва Шарқда бир оз бошқачароқ шаклда ҳозир ҳам қўлланилади.

Сомирликлар эришган илмий, бадиий, ахлоқий даража, ҳуқуққа оид ютуқлар бобилликлар ахлоқий қарашлари учун асос бўлди. Бобилда сомирликларникига нисбатан бадиий юксак ва мукаммал «Гильгамеш» эпоси вужудга келди. Бобил подшоси Ҳаммурапининг машҳур Қонунлар мажмуи эса қадимги Сомир қонунларининг тадрижий ривожи эди. Бу мажмуада заифларни, етим-есир ва камбағалларни адолат тамойили асосида ҳимоя қилиш асосий мақсад қилиб қўйилган; Ҳаммурапи унда ўзининг камбағалпарварлиги ва адолатпарварлиги билан фахрланади.

Қадимги Мисрда одоб-ахлоқ масалалари пандномаларда акс этган. «Пхатотеп ўгитлари» бизгача етиб келган энг қадимий панднома ҳисобланади. Бундан 2500 йил аввал бешинчи сулола фиръавни Жадкара Исесидан вазир Пхатотеп қарилиги туфайли ўрнига ўз ўғлини тайинлашни илтимос қилади ва ўғлига атаб ўттиз етти насиҳатдан

иборат пандномани ёзади. Унда ўша давр ахлоқий қонун-қоидалари, ўзни тутиш, муомала одоби сингари муаммолар кўтарилади, ахлоқий фазилатлар ҳикмат ва насиҳатлар тарзида тарғиб қилинади. *«Қимматбаҳо тошдек яшириндир оқилона сўз, ҳолбуки уни дон туяётган чўридан топиш мумкин».* Пхатотепнинг мазкур фикри инсоният ахлоқий тафаккур тараққиётида нақадар аҳамиятга эгалигини англаш мумкин.

Қадимги Турон ва **Эрон**даги ахлоқий тафаккур тараққиёти тахминан бундан XXX аср муқаддам ёйила бошлаган зардуштийлик динининг вужудга келиши билан боғлиқ. Қадимги Хоразмда яратилган «Авесто» муқаддас китобида асосий ахлоқий фазилатлар ва иллатлар талқин этилади. Унда зардуштийлик илоҳи Аҳура-Мазда – эзгулик, Аҳриман эса ёвузлик тимсоли сифатида намоён бўлади; эзгулик ва ёвузлик, ёруғлик ва зулмат, ҳаёт ва мамот ўртасидаги абадий курашнинг ибтидоси акс этади. «Абадий эзгулик», «Эзгу ният», «Эзгу тартиб», «Илоҳий тобеълик», каби тушунчалар реал маъно касб қилиб, инсонийлашган қиёфадаги маъбудлар сиймосида намоён бўлади. Бу тушунчаларнинг акси эса Аҳриман атрофидаги ёвуз кучларда реаллашади. Ёвуз фикр тажассуми Апа Мана, сўлиш ва ўлим тимсоли Туарви ҳамда Зарик исмли девлар шулар жумласидан.

Зардуштийлик динини маълум маънода ахлоқий эътиқод, унинг муқаддас китоби «Авесто»ни қадимги аждодларимиз амал қилган ахлоқий тушунча ва кўрсатмалар мажмуи дейиш мумкин.

«Авесто»да умри давомида эзгулик, яхшилик, поклик ва тозалик тамойиллари билан иш кўрган одам ўлганидан сўнг, унинг руҳи роҳат-фароғатда бўлиши, гуноҳкор, фосиқ кишиники эса, аксинча, азоб-уқубат ҳамда хунуклик комига маҳкум этилиши айтилади.

«Авесто»да инсон олий жонзот тарзида талқин этилади. «Авесто»да экологик ахлоқшунослик нинг дастлабки куртаклари мавжуд. Еру кўкдаги барча неъматларни севиш, ардоқлаш инсоннинг муқаддас бурчи ҳисобланади. Озодалик, тозалик гигиеник тушунчадан ахлоқий ва илоҳий тушунча даражасига кўтарилади: сувни, атроф-муҳитни тоза тутиш, жониворлар, хусусан, итга учи ўткир суяк ёки қайноқ овқат бермаслик – уларга нисбатан шафқатни англатади; инсон шафқатли бўлиши керак.

Бу муқаддас китобдаги турли-туман маъбудлар бизнинг тушунчамиздаги пир даражасида (масалан, темирчиликнинг пири – ҳазрати Довуд). Илоҳ – бир: Аҳура-Мазда, фақат унга сажда қилинади. Зардуштийликдаги баъзи урф-одат ва иримларнинг ҳозирги кунда сақланиб қолганини кўрамиз: исириқ тутатиш, қурбонлика сўйилган жон калласини даврадаги ўтағасилар олдига қўйиш одати ҳамда Наврўз байрами.

Қадимги Ҳиндистон ахлоқий тафаккури тарихан ведачилик, йўга, жайнчилик, буддҳачилик, «Бхагавадгита» ва «Артхашастра» ҳамда локоята оқимларидан ташкил топган.

Ведачилик ахлоқшунослиги қадимги ҳинд жамиятини тўрт табақа – варнага бўлади; браҳман (коҳин), кшатарий (ҳарбий), вайшчи (деҳқон, косиб), шчудра(қул)лар. Машҳур «Ману қонунлари»да ёзилишича, браҳманнинг машғулоти – таълим бериш, Ведани ўрганиш, қурбонлик қилиш, садақа улашиш ва туҳфалар олиш; кшатарийлар фуқароларни қўриқлайдилар; вайшчилар чорва, тижорат, судхўрлик ва деҳқончилик билан шуғулланадилар; шудралар эса шу уч ижтимоий гуруҳга хизмат қилади. Ведачилик ахлоқига кўра, брахманлар туғма ахлоқий юксак одамлар, шчудралар эса туғма тубан ахлоқ эгалари ҳисобланади.

Йўга, жайнчилик, айниқса, буддҳачилик ахлоқшунослигида, ахлоқий фазилатлар эгаси бўлиш инсон насл-насаби, ижтимоий келиб чиқиши билан эмас, балки унинг шахсий камолоти билан боғлиқ, деган қараш илгари сурилади. Буддҳа таълимотига кўра, дунё изтиробга тўла ва энг муҳим муаммо шу изтироблардан қутилиш йўлини топиш. Нақл қилишларича, шаҳзода Сидҳарта Гаутама сайр чоғида касал чол ва жаноза маросимини кўради. Ҳар бир кишини касаллик, қарилик ва ўлим кутишини ўйлаб ларзага тушади, тарки дунё қилади ва тўрт эзгу ҳақиқатни англаб етиб, уни одамларга етказади:

1. Бу дунёдаги ҳаёт изтиробларга тўла.
2. Бу изтиробларнинг сабаблари бор.
3. Бу изтиробларга барҳам бериш мумкин.
4. Изтиробларга барҳам беришга олиб борадиган йўллар мавжуд.

Тўртинчи ҳақиқат Буддҳа бошдан кечирган ва ҳамма учун мумкин бўлган нирванага (эҳтирос, нафрат, пушаймон сўнгандан кейинги ҳолат) етишиш йўлидир. У саккиз фазилатга эришувдан иборат: 1) тўғри қарашлар; 2) тўғри журъат; 3) тўғри хатти-ҳаракат; 4) тўғри нутқ; 5) тўғри ҳаёт тарзи; 6) тўғри жаҳд-жадал; 7) фикрни тўғри йўналтириш; 8) диққатни тўғри қаратмоқ. Саккиз йўл бир-бирини тақазо этувчи уч омил – билиш, хатти-ҳаракат ва диққат бирлигидан иборат. Буддҳачилик томонидан ведалар обрўси, браҳманларнинг истисноли ҳолати инкор этилади, жамиятни варналарга бўлиш қораланди. Шубҳасиз, бу ахлоқий тараққиёт кўринишларидан бири эди.

Буддҳачилик **Қадимги Хитойда** ҳам ўзига хос мавқе эгаллади. Лекин у ерда яна икки ахлоқшунослик йўналиши: даочилик ва конфуцийлик кенг қамровга эга эди. Даочилик таълимоти асосчиси Лао-цзи (мил. ав. VI-V асрлар); йирик намоёндаси Чжуан-цзи (мил. ав. 369-286) ҳисобланади. «Дао дэ цзин» – «Фазилат йўли» китобида даочиликдаги асосий йўналишларнинг моҳияти акс этган. «Дао – ҳамма нарсадан устун», «илдиз», «Ер ва осмоннинг онаси». «дунёнинг илк асоси», «ци» эса моддий асос, дао «дэ» ни – фазилатни ундан яратади. Шунингдек, «дао» йўл маъносини ҳам англатади.

Инсон олам каби дао қонунлари асосида вужудга келган, у табиатнинг бир қисми, унинг вазифаси фазилат (дэ) йўлидан бориш. Ҳар қандай сунъий аралашув, табиатнинг мувофиқлик тартибини ўзгартиришга интилиш – одамлар учун ҳалокатли. Шу сабабли Лао-цзи наздида донишманд кишининг «дао»си, бу – курашсиз, лекин табиатга қарши бўлмаган фаол хатти-ҳаракат, табиат қонунларига мос фаолият.

Лао-цзи фикрича, донишманд билимини ошира бориб, уни одамларга тарқатмайди, фақат халқ фаровонлиги учун ишлатади: *«Халқнинг билими кучли бўлса, уни бошқариб бўлмайди. Унинг емагини тотли, кийимини чиройли, уй-жойини тинч, ҳаётини қувончли қилиш керак»*. Илм-фан тараққий этмаса, цивилизация кириб келмаса, бир давлат қўшни давлатга кўз олайтирмайди, уруш бўлмайди. Хуллас, донишманд ибтидоий даврларни идеаллаштиради.

Хулоса: даочилик ахлоқшунослигидаги асосий мақсад – одамларнинг табиат кўрсатган йўлдан боришига эришиш; тамойили – фаолиятсизлик; халқнинг бахти – унинг уруғчилик, қабилачилик муносабатларидаги тенглик ва соддаликка қайтишида; донишмандлар бахти эса мўътадиллик, хотиржамлик, табиатга яқинликдадир.

Конфуцийчилик қора халқдан нодонлиги учун жирканади, уни ахлоқий ҳаётга номуносиб деб билади. Унинг ахлоқий идеали цзюн-цзи ҳимматли жўмард. Унинг юксак фазилатлари – фидойилик, софдиллик, садоқат, адолат. У муомала бобида мулойим, юксак мартабалиларга ҳурмат билан мурожаат қилади, халққа нисбатан ҳимматли, адолатли муносабатда бўлади.

Конфуций таълимотида асосий ахлоқий қонун – жэнь (инсонийлик). «Лунь юй» («Ҳикматлар») китобида шундай дейилади: *«Кимки чин дилдан инсонни севишга интилса, у ёвузлик қилмайди». «Ўзингга эп кўрмаган нарсани ўзгага муносиб кўрма, шунда давлатда ҳам, оилада ҳам ўзингга нисбатан ёвлик ҳис қилмайсан»*. Демак, жэнь – ҳам жамият, ҳам оила аъзолари орасидаги муносабатларни белгилайдиган ахлоқий тамойил. У билан «сяо» – ота-онани, катталарни ҳурмат қилиш, «ли» – урф-одат, маросимларни эъзозлаш тушунчалари мустаҳкам боғлиқ. Ҳоқон – Осмон ўғли, у осмон остидагиларнинг барчасига ота. Осмон остидаги тартиб-қоида қуйидагича: *«Подшо–подшо, ота–ота, мулозим–мулозим, ўғил–ўғил ҳаддида туриши керак».*

Фазилат эгаси бўлишнинг конфуцийликда икки хил йўли аниқ: халқ учун – урф-одатларга сўзсиз, ўйлаб ўтирмай бўйсуниш; ҳимматли жўмард учун ахлоқан камол топиш ва ахлоқий бурчини онгли равишда бажариш. Конфуцийликнинг ҳимматли жўмард тарбияси тизимидаги ҳикматлари ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас: *«Устоз дебди: Ю, сен олти иллатнинг олти босқичини биласанми?» Цзин-лу: «Йўқ», деб жавоб берибди. Устоз дебди: «Ундай бўлса, ўтир, айтиб бераман. Инсонпарварликни севиш-у, илм олишни севмаслик, иллат шундаки, бу – бефаросатликка олиб келади, донишмандликни севиш-у, илм олишни севмаслик иллат шундаки, бунда инсон ўз умрини майда ишларга сарфлайди, ҳақиқатгўйликни севиш-у, илм олишни севмаслик, иллат шундаки, бу – ўзига зарар етказишга олиб келади, тўғриликни севиш-у, илм олишни севмаслик, иллат шундаки, бу – қўполликка олиб келади; мардликни севиш-у илм олишни севмаслик, бу – исёнкорликка олиб келади, қатъийликни севиш-у, илм олишни севмаслик, бу – бошбошдоқликка олиб келади».*

Қадимги Шарқ ахлоқшунослиги эришган ютуқлар Қадимги Юнонистон полисларида янги босқичга кўтарилди. Кейинчалик билвосита бутун Европа учун ҳам аҳамият касб этди.

Қадимги Юнон ва Румо ахлоқшунослиги. Қадимги Юнон ахлоқшунослиги ҳақида гап кетар экан, асосан, тўрт буюк файласуфнинг номини тилга олиш одат бўлиб қолган; Сукрот, Афлотун, Арасту, Эпикур. Лекин, аслида, уларгача ҳам Қадимги Юнонистонда ахлоқшунослик борасида анча-мунча ишлар қилинган. Чунончи, Демокрит, Пифагор, Гиппий, Горгий сингари софистлар (донишмандлар) оқимига мансуб файласуфларнинг қарашлари диққатга сазовор.

Демокрит (тахм. мил.ав. 450-370) қарашича, донишмандлик энг юксак фазилат, ақл эса ахлоқий хатти-ҳаракатнинг мезони. У донишмандни ахлоқли, нодонни ахлоқсиз одам сифатида таърифлайди. Демокрит фикрига кўра, инсон учун ҳаётдаги биринчи устоз эҳтиёж ва тажрибадир. Айнан шулар инсонни фойдали ва зарарли нарсаларни фарқлаш даражасига олиб келади.

Демокрит Қадимги Юнон файласуфлари орасида биринчи бўлиб инсоннинг ички дунёсига мурожаат қилди. У (хатти-ҳаракат сабаби) ниятни ҳаракатдан ажратди: *«Номусли ва номуссиз одамни нафақат қилмиши, балки нияти орқали ҳам билиб олса бўлади».* Ҳаё ва ишонч инсонни қинғир ишлардан қайтариб турувчи куч. Фақат руҳан заиф ва гумроҳ одамларгина ўз муваффақиятсизликларини маъбудлар, тақдир ва тасодифдан кўрадилар. Нодон ва ёмон одам лаззат, бахт ҳамда ҳаётнинг мақсади ҳақида нотўғри тасаввурга эга бўлгани учун ўзини бахтсизликка мубтало қилади.

Сукрот (мил. ав. 470-399)га келсак, у ахлоқ билан ҳуқуқни бўлинмас яхлитликда олиб қарайди: *«Нимаики қонуний бўлса, ўша адолатдандир».*

Сукротнинг фикрича, полис билан фуқаро ўз ҳуқуқлари жиҳатидан тенг эмас; улар ота билан ўғилга ўхшайди. Ахлоқнинг асосий моҳияти – ўзгармас ва абадий асл фазилат – донишмандлик. У ахлоқий хатти-ҳаракат мезони илоҳий ёзмишга мос бенуқсон фаолиятдир. Ахлоқнинг манбаи эса инсондан ташқарида, илоҳийдир.

Платон (мил. ав. 427-347) ахлоқшунослиги учун ғоялар ва руҳ ҳақидаги таълимот асос бўлиб хизмат қилади. Платоннинг ғоялар таълимотига кўра, бизга кўриниб турган, ҳис қилаётган дунё бор-йўғи соялар ўйини, ҳақиқий дунёни кўриш учун инсон ақли ожизлик қилади. Инсон ғор деворига кишанбанд тутқундек, фақат ҳақиқий борлиқнинг ноаниқ сояларини кузатади, холос. Бироқ асл борлиқни кўра оладиган мангу – ўлмас руҳ мавжуд. Барча билимлар хотира натижасидир; руҳ ғоялар дунёсидан билганларининг баъзиларини эслайди ва диққатга сазовор янгиликни ўзига касб этмайди. Платон фикрича, ахлоқ илоҳий асосга эга ва ахлоқий фазилат инсонга азалдан берилган. Платон давлатни бошқаришга лойиқ ягона тоифа сифатида донишманд –файласуфларни тан олади. Ёвқурлик – қўриқчилар, давлатни ҳимоя қилувчи аскарларга хос. Руҳнинг ҳирсли қисми билан боғлиқ мўътадиллик ҳунарманд – косиб, деҳқон, халққа хос. Улар аввалги табақага бўйсуниши шарт. Улардан сўнг қуллар туради. Қуллар ахлоқдан ташқарида, ҳар қандай фазилатдан йироқ, зотан уларнинг руҳга эгалиги гумон. Хуллас, Платоннинг ахлоқшунослиги қатъий диний табиатга эга. Кўп жиҳатдан ведачилик ахлоқшунослигидаги ғояларни ўз ичига олади ва уларни ривожлантиради.

Аристотель (мил. ав. 384-322) биринчи бўлиб, ахлоқшуносликни руҳшунослик билан сиёсатшунослик оралиғидаги алоҳида фалсафий фан сифатида тақдим этди ва унга (кейинчалик Европада қабул қилинган) «Этика» деган номни берди. Аристотельнинг ахлоқий қарашлари, асосан ўғлига бағишланган «Никомахнинг ахлоқ китоби», «Эвдемнинг ахлоқ китоби», «Катта ахлоқ китоби» рисолаларида ўз аксини топган. Аристотель ихтиёр эркинлигини ахлоқнинг асоси сифатида олиб қарайди ва ахлоқий фазилатни Платонга қарама-қарши ўлароқ, руҳнинг туғма хусусияти эмас, балки касб этиладиган (ҳосил қилинадиган) сифат эканини айтади. У барча фазилатларни иккига бўлади: 1) руҳнинг донишмандлик, тажрибакорлик, топқирлик сингари маънавий соҳа билан боғлиқ ақлий қисмига оид фазилатлар; 2) руҳнинг интилувчан (ихтиёрий) қисми – соф ахлоқ билан боғлиқ фазилатлар. Унинг фикрича, асосий фазилат адолатдир: *«Фазилат, маълум маънода ўрталикдир, зеро, доимо ўрталикка интилади». Масалан, мардлик телбавор жасорат билан қўрқоқлик орасидаги ўрталик ва ҳоказо. Ният ҳаракатнинг тамойили, бошланиши; лекин у пировард мақсад эмас, ниятнинг тамойили интилиш ва ақл, шу боис, ният ақл, эс-ҳуш ва одобдан ташқарида бўлмайди.*

Аристотель ақл-идрок фаолиятини қиёси йўқ қадрият, дейди. Гарчи инсон ҳеч қачон илоҳий ҳаёт даражасига етиша олмаса-да, лекин унга, идеал сифатида имкон борича интилиши керак; инсон эришган комиллик доимо нисбий бўлади.

Аристотель фикрича, ахлоқли инсон ақлий фазилатлар билан йўғрилган кишидир; ақлни инсон эмас, инсонни ақл белгилайди. Аёл зоти эса паст даражали, заиф, кўз ёшига эрк берадиган, ўзини тутолмайдиган инсон, уларда эҳтирос ақл-идрокдан юксак туради, иллатларга эркакларга нисбатан кўпроқ мойил бўладилар, шунинг учун донишмандлик уларга хос эмас; хотин эрга бўйсуниши адолат тамойилини бузмайди. Санъат, сиёсат ва илм-фан озод кишилар учун. Қул, умуман, ахлоқдан ташқаридаги мавжудот.

Унинг учун жамият, қабила, жамоа, давлатдан ташқаридаги одам – ё Худо, ёки ҳайвон. Шунинг учун ёт қабиладан келган, полис фуқаролиги ҳуқуқига эга бўлмаган қуллар одам ҳисобланмайди. Қул фақат озодликка эришгандагина инсонга айланади. Одамлар тенг эмас, тенглик тушунчаси Аристотелга ёт. У фақат одамлар ўртасидаги дўстлик ва хайрихоҳликни тан олади.

Эпикур (мил. ав. 341-270) қарашларида фалсафанинг амалий мақсади, ахлоқий мазмуни таъкидланади: *«Инсоннинг бирор изтиробига даво тополмайдиган*

файласуфнинг сўзлари маъносиздир. Бадандан касалликни қува олмайдиган табобатдан ҳеч қандай фойда бўлмаганидек, руҳни (қалбни) даволай олмайдиган фалсафадан ҳам фойда йўқ».

Эпикурнинг фикрича, инсонда танлов ихтиёри бор. Унинг учун энг муҳими руҳий ҳотиржамлик. Дўстларидан бирига у шундай деб ёзади: *«Заррин тўшагу тўкин дастурхонинг бўлиб, беҳаловат яшагандан кўра, похол тўшакда хотиржам ётганинг афзал!»*. Фазилатлар орасида адолат ва донишмандликка алоҳида эътибор билан қарайди. Адолат тушунчасида мутлақлик ва нисбийлик ҳоллари мавжудлигини таъкидлаб ўтади: *«Умуман, адолат ҳамма учун бир хил, чунки у одамлараро муносабатлардаги фойдали ҳодиса; лекин муайян мамлакатларнинг ўзига хослиги нуқтаи назаридан ва шунга ўхшаш бошқа шароитларда адолат барча учун бир хилда бўлолмай қолади».* Фазилатларнинг моҳияти инсонни лаззатга олиб бориш, хотиржамлик ҳамда руҳнинг фаолиятли ҳолатига хизмат қилишдан иборат. Бахт эса ахлоқий ва жисмоний соғломликдан юзага келади.

Эпикур изтиробдан қочиш эмас, уни енгиш кераклигини таъкидлайди. Бунинг учун ахлоқий қатъият, фикр ёркинлиги, фикр қудрати изтиробга қарши қўйилиши керак. Унинг ахлоқий идеали – ердаги ҳаётга нафрат билан қарамайдиган, аксинча, табиат билан ҳамнафас яшайдиган донишманд.

Эпикур одамларнинг муносабатларида тенглик ва ҳамфикрлиликка асосланган дўстликни қадрлайди. Фалсафа билан шуғулланиш ҳам худди дўстлик сингари руҳан хотиржамликка етишишга олиб келади.

Қадимги Юнон илмий анъаналарини Цицерон, Лукреций Кар, Сенека, Эпиктет, Марк Аврелий, Секст Эмпирик каби Қадимги Рум мутафаккирлари давом эттирдилар.

Тит Лукреций Кар (мил. ав. 99-44), «Нарсаларнинг табиати ҳақида» достонида руҳ ва вужуднинг ажралмас алоқасини таъкидлайди, руҳнинг ўлиши тўғрисида фикр юритади, инсоннинг ўлим қўрқувидан халос бўлишида ахлоқий маъно борлигини айтиб ўтади. Ўлим ва маъбудлар олдидаги қўрқувдан халос киши бахтли яшаши мумкин, ақл-идрок ва ҳис-туйғулар шарофати билан нарсалар ҳақида ҳақиқий тасаввурга эришади.

Луций Анней Сенека (мил. ав. 5 – мил. 65) ёзувчи ва ахлоқшунос файласуф. Унинг «Ғазаб ҳақида», «Шафқат ҳақида», «Бахтли ҳаёт ҳақида» ахлоқшуносликка доир рисолалари маълум. Айниқса, «Луцилийга ахлоқий мактублар» асари машҳур. Сенека фикрига кўра, дунё моддий, унда қандайдир жонли ибтидо ҳукмрон: уни ақл-идрок, табиат, башорат ёки тақдир деймизми – аҳамияти йўқ. Муҳими, унинг ёзиғи албатта амалга ошади. Файласуф фазилатлар маъносини тақдирдан розиликда, унинг зарбаларига инсоний қадр-қимматни йўқотмай, мардона ва чидам билан дош беришда кўради.

Қадимги Рум ахлоқшунослари ҳам инсон хатти-ҳаракатлари муаммосини ўртага ташлайди ва инсоннинг оламдаги ўрни ҳамда ҳаётнинг мақсадини белгилашга интиладилар. Қадимги дунёнинг мумтоз ахлоқшунослари оддий ахлоқ-одоб қоидалари, панд-ўгит ва ҳикматлардан тортиб, то ахлоқшунослик назарияси тизимигача яратдилар. Яна бир Қадимги Румо ахлоқшуноси озод қилинган қул Эпиктетдир (Эпиктетос - юнонча сотиб олинган деган маънони англатади, 50 – 138-йиллар атрофида). Унинг ахлоқий қоидалари қуйидагича: тақдир муқаррар; ақл-идрок ахлоқнинг ягона ва ишончли мезони; ташқи дунё маъбудлар иродасига қатъиян боғлиқ, ички дунё инсоннинг ҳукми остида; ҳақиқий донишманднинг эрки шундаки, у ўзига боғлиқ бўлган нарсаларни ўзига боғлиқ бўлмаган нарсалар билан чалкаштириб юбормайди; ҳаётнинг мақсади ва маъноси шахсий ички эркинликни англаш ва уни қўлга киритишда; унга элтадиган йўл битта - маъбудлар иродасига сўзсиз итоаткорлик,

эҳтиёжда мўътадиллик, бепарволик, совуққон ақл билан иш кўриш. Эпиктетнинг фикрига кўра, бахт, ҳақиқий саодат - фазилатда, фазилат эса бутунлай инсоннинг ижодидир, зеро, уни инсон шакллантиради. Файласуф, ўзинг ёқтирмайдиган шароитни ўзгаларга раво кўрма, агар қул бўлишни истамасанг, атрофингда қулликка йўл берма, деган фикрни илгари суради.

Ўрта асрларда Шарқ ва Ғарб ахлоқшунослигининг асосий йўналишлари. Ўрта асрларда Араб ва Ажам мамлакатларида ислом дини тез ёйилди. Исломнинг Марказий Осиёга кириб келиши улкан ижобий ҳодиса бўлди. Чунки мусулмончиликнинг муқаддас эътиқодий китоби «Қуръон» аввалги муқаддас китобларга нисбатан мукаммал ва нисбатан «заминий» эди. Ислом яҳудочилик ва насронийликдан ўзининг, таъбир жоиз бўлса, демократик жиҳатлари билан ажралиб турарди: ҳар бир мусулмон «Қуръон»ни тан олиши баробарида Аллоҳ нозил қилган уч китобни (Таврот, Забур ва Инжилни) инкор этиши мумкин эмас. Шундай қилиб, «Қуръон» инсоний муаммоларни ҳал этишда миқёсийлик табиатига эга эди.

Қуръони Карим. «Қуръон» уч илдиздан баҳра олган абадий яшил дарахтга ўхшайди. Унинг биринчи илдизи – тавҳид, иккинчиси илдизи-ахлоқ, учинчиси – илм. Ҳар бир муслим ва муслима Аллоҳнинг якка - ягоналигига, шериги йўқлигига шак келтирмаслиги, юксак ахлоқ эгаси бўлиши ва доимо, умр бўйи илм олишга интилиши керак. Демак ҳар бир мусулмон учун эътиқод, ахлоқ ва тафаккур ҳамма нарсадан устувор маънавий ҳодисалардир. Шу сабабли Қуръони каримда тавҳидга даъват қаторида «ахлоқ» ва «илм» сўзлари энг кўп қайд этилган илоҳий каломлардир.

Инсоний комилликнинг яна бир белгиси унинг илм эгаси бўлиш имконидан фойдаланишидир. Қуръони каримнинг «Мужодала» сураси, 11-ояти каримасида шундай маҳамат қилинади: «Аллоҳ сизлардан иймон келтирган ва илм ато этилган зотларни (баланд) даража-мартабаларга кўтарур». Бунга одам Атонинг халифа қилиб тайинланишидаги ҳолат яққол мисол бўлади. Одам - фаришталар билмаган нарсаларни билгувчи, Аллоҳнинг таълимини олган зот сифатида улардан юксак мақомга ноил этилди; Аллоҳ билгувчидир, демак, бандаси билишга интилмоғи лозим. Билиш ҳар икки дунёни обод қилувчи хосиятли аъмолдир. Билиш учун эса инсон тафаккур қилмоғи, мустақил фикр юритмоғи лозим. Чунки тафаккур қилмасдан туриб, Қуръони карим оятлари мағзини ҳам, ҳақиқий инсоний ҳаёт нима эканини ҳам билиш қийин. Зеро Қуръон сураларини фақат, кўр-кўрона ёд олиш мусулмончилик белгиси эмас. Акс ҳолда инсон моҳиятдан йироқлашиб, ҳодисалар чилвирига ўралиб қолиши мумкин. Шу боис биргина «Бақара» сурасининг ўзидаёқ икки ўринда тафаккур ҳақида оятлар марҳамат қилинади: «… Шундай қилиб, дунё ва охират ҳақидаги тафаккур қилишингиз учун Оллоҳ сизларга Ўз оятларини баён этади… (219 - 220)». Ундан кейин 242 - оятда: «Шундай қилиб, ақл юргазишингиз учун Оллоҳ сизларга Ўз оятларини баён қилади», - дейилади.

Қуръони каримдаги бош ғоя Аллоҳ ўз бандаларининг комилликка эришуви билан боғлиқ. Зотан Аллоҳ инсонни комил бўла олиш имкониятлари билан бирга яратади.

Умуман олганда, комиллик имкониятларининг барчаси инсонда гўзал ахлоқ воситасида намоён бўлади. Зеро ислом динининг асосий мазмун-моҳияти гўзал ахлоқдан иборатдир. «Нисо» сурасининг 149-ояти каримасида шундай марҳамат қилинади: «(Эй мўминлар), хоҳ ошкора, хоҳ яширинча бирон яхшилик қилсангиз ёки бирон ёмонликни авф қилиб юборсангиз (Оллоҳ суйган бандалардан бўлурсиз)». Шу ўринда Имом Ғаззолий келтирган бир ҳадисни эслатиб ўтиш жоиз:

«Бир пайт пайғамбаримизга олд тарафдан бир одам келди. «Эй Оллоҳнинг Расули, дин нима?» деб сўради. Расулуллоҳ: «ГЎЗАЛ АХЛОҚ!» деб жавоб бердилар.

Сўнгра ўнг тарафига ўтиб сўради: «Эй Оллоҳнинг Расули, дин нима?» Расулуллоҳ: «ГЎЗАЛ АХЛОҚ!» деб жавоб бердилар. У одам Расулуллоҳнинг сўл тарафига ўтиб, яна: «Эй Оллоҳнинг Расули, дин нима?» деди. Расулуллоҳ: «Ғазабланмаслик! Тушундингми?» деб буюрдилар»[1]

Шундай қилиб, таъбир жоиз бўлса, айтиш мумкинки, ислом дини - юксак ахлоқ эгаларининг дини, Қуръони карим - энг улуғ Ахлоқ Китоби сифатида инсон зотига Ёруғ йўлни кўрсатиб турувчи муқаддас маънавий маёқдир.

Ҳадиси шариф. Муҳаммад алайҳуссаломнинг ҳаёти ва фаолиятларидан сўз юритувчи, у кишининг диний-ахлоқий кўрсатмаларидан ташкил топган манбалар ҳадислардир. Улар одатда Ҳадиси шариф ёхуд Суннат деб аталади ҳамда Қуръондан кейинги энг улуғ китоб ҳисобланади. Ҳадислар ёзма эмас; оғзаки манбалар бўлгани учун, улар машҳур муҳаддис-ҳадисшунос олимлар томонидан йиғилиб, қиёсий тарзда ўрганилган ва ишончли ҳисобланганлари, ҳаққонийлик даражаларига кўра, китоб ҳолига келтирилиб, тақдим этилган. Бутун Ислом оламида энг нуфузли манбалар ҳисобланган олтита «ал-Жомеъ ас-саҳиҳ» муаллифлари айнан бизнинг Ватанимиздан чиққан уламолардир. Улар орасида имом Исмоил ал-Бухорий (810 - 869) ва унинг шогирди Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий тўплаган ҳадислар бизда кенг оммалашган.

Ўрта асрлар мусулмон Шарқида машшоиййунлик ёки, бошқача қилиб айтганда, арастучилик оқимини буюк араб мутафаккири ал-Киндий бошлаб берди. Унинг асосчиси эса туркистонлик қомусий аллома **Абу Наср ал-Форобий** (870 - 950) ҳисобланади.

Арасту изидан бориб, Форобий ҳам фалсафани иккига - назарий ва амалийга бўлади ҳамда ахлоқшуносликни амалий фалсафа таркибига киритади. Ахлоқий муаммолар унинг «Бахтга эришув йўлини кўрсатувчи китоб», «Бахтга эри-шув ҳақида», «Давлат арбобининг ҳикматлари», «Фозил одамлар шаҳри» сингари асарларида кўтарилган. Уларда инсон бахти энг асосий муаммо сифатида ўртага ташланади. «Бахт - ҳар бир инсон интиладиган мақсад, зеро, у муайян комиллик ҳисобланади», - дейди Форобий. Айни пайтда аллома ўз қарашларида фазилатга ҳам жуда катта ўрин беради. Чунки, унинг фикрига кўра, кимда-ким фазилат нималигини билсагина, ҳақиқий бахтга эриша олади. Арастуга ўхшаб, у ҳам фазилатларни икки қисмга - фазоили нутқия (ақл-идрокка асосланган фазилатлар) ва фазоили хулқия (хулқий фазилатлар)га ажратади ҳамда уларнинг ўрталик хусусиятга эга эканини таъкидлаб ўтади.

Буюк ватандошимизнинг фикр қилишича, инсонга уни гўзал аъмоллар қилиш учун йўналтирадиган одат маҳсули бўлмиш етук хулқ лозим. Хулқнинг яхшилиги хатти-ҳаракатларда меъёр қай даражада сақлангани билан баҳоланади. Одобни эса мутафаккир бадавлатнинг давлатини безайдиган ва камбағалнинг камбағаллигини ўғирлайдиган ахлоқий ҳодиса сифатида таърифлайди.

Ўрта асрлар ахлоқшунослигида райлик (эронлик) мутафаккир **Абу Бакр ар-Розий** (865 - 925) таълимоти ўзига хос ўрин эгаллайди. Ар-Розий ахлоқшуносликни инсонда хушхулқликни тарбиялаш ва бадхулқликни йўқотиш йўллари ҳамда усуллари ҳақидаги фан деб билади; у кишини ақл билан иш кўришга, меъёрида лаззатланишга, ўз эҳтиросларини жиловлаб, лаҳзалик лаззатга умрини бахш этмасликка ўргатади. Хуллас, Ар-Розийнинг ахлоқий қарашлари, илмий тил билан айтганда, ҳедонизм (лаззатнинг устуворлигига) ва эвдеймонизмга (бахтнинг устуворлигига) асосланади. У руҳий табобатнинг энг муҳим вазифаси инсоний бахт билан чамбарчас боғлиқ бўлган лаззатнинг моҳиятини билиш ва тушунтиришдан

[1] *Абу Ҳомид Ғаззолий*. Мукошафат ул-ŝулуб. Т., Адолат, 2002, 411-б.

иборат деб ҳисоблайди: лаззат - изтиробдан қутулиш. Лаззатнинг бир шартини фаровонликда, иккинчи шартини эса у, ҳамма нарсага ақл билан ёндашувда кўради.

Ибн Сино ўз асарларида бир қанча ахлоқий фазилатларга таъриф беради. Чунончи, иффат, ҳиммат, шижоат, адолат, сахийлик, қаноат, қатъият, садоқат, ҳаё, камтарлик ва бошқалар шулар жумласидандир. Шунингдек, аллома уларнинг акси бўлган - ўғрилик, алдамчилик, фиску фасод, нафрат, рашк, адоват, бўҳтон, иродасизлик, такаббурлик, нодонлик каби иллатларни ҳам тавсифлайди; ҳар икки турдаги мазкур тушунчаларнинг бир-бири билан боғлиқлигини, бир-бирига ўтиб туришини ва бундай боғланиш ижобий ҳол эканини таъкидлайди. Устозлари анъаналарини давом эттириб, ҳар бир ахлоқий фазилат икки нуқсон оралиғида бўлади, яъни ўрталик хусусиятига эга, дейди. Демак, ахлоқшунослик илмида фақат фазилатлар эмас, балки иллатлар ҳам ўрганилиши зарур. Ибн Сино тақдир масаласига ҳам ўзига хос тасаввуфий ёндашади. У Навоийнинг «Лисон ут-тайр» достонида Худога етишган шайхлардан бири сифатида тасвирланган Абу Саид ибн Абул Хайр Меҳаний билан мунозара-ёзишмасида Аллоҳ ҳеч қачон бирор-бир кимсага ёмонлик, ёмон тақдир истамаслигини, кимнинг тақдири ёмон бўлса, бунга унинг ўзи сабабчилигини, яъни инсоннинг қилмишлари унинг тақдири эканини айтиб, шундай дейди: «Асл ал-Ҳаким (яъни Аллоҳ) иноятига кўра, оламда мавжуд бўлган ёмонлик - оламнинг мақсади эмас. Оламнинг асл муроди яхшиликдир, ёмонлик эмас!»[1]. Буюк ватандошимиз савоб ва ақоб (жазо) масаласида ҳам моҳиятан тасаввуфий йўналишда фикр юритади.

Машшоиййунлик оқимининг яна бир машҳур ва сўнгги вакили, Оврўпада «Аввероизм» деган йўналишнинг асосчиси, қурдобалик (испаниялик) мутафаккир Ибн Рушд (лотинча Аввероэс, 1126 - 1198) ҳам ахлоқшунослик илми тараққиётига улкан ҳисса қўшган алломалардан. Унинг фикрига кўра, эзгулик ва ёвузлик, улар табиий ёки ижтимоий хусусиятга эга бўлишидан қатъи назар, ўз ҳолича мавжуддир. Табиий эзгуликнинг манбаи Аллоҳ, лекин эзгулик ёвузлик билан ёнма-ён келади. Чунончи, олов фойда келтириши баробарида, ўрмонга ўт кетса, ҳайвонлар ва ўт-ўланларни ҳалок этиш хусусиятига эга. Гарчанд оловни Худо яратган бўлса ҳам, унинг бу хусусиятини ўзгартира олмайди, худди шунингдек, рангни яратган Худо унга эшитишимиз мумкин бўладиган хусусият ато эта олмайди.

Ибн Рушд бутун ислом олами учун доимо муҳим бўлиб келган ихтиёр эркинлиги муаммосига ҳам катта аҳамият берган. У инсонга мутлақ ихтиёр эркинлиги берилганини ҳам, инсон хатти-ҳаракати мутлақ олдиндан белгилаб қўйилганини ҳам инкор қилади. Чунки, агар инсонлар тақдири мутлақ олдиндан белгилаб қўйилган бўлса, у ҳолда уларнинг жонсиз нарсалардан фарқи қолмасди, улар деҳқончилик, ҳарбу зарб, тиббиёт сингари бахтни қўлга киритиб, ёвузликни узлуксиз йўқотиб боришни таъминлайдиган ҳунар ва санъат турлари билан шуғуллана олмас эдилар. Асл бахтга эса фақат одамдаги ҳайвоний куч хатти-ҳаракатларини руҳнинг ақлий қисми назорат қилиб турганидагина, инсон ўзи интилиши лозим бўлган нарсаларга амалий ақл қай вақтда ва қай тарзда интилишни лозим кўрса, ўшандай ҳаракат қилгандагина эришиш мумкин. Тасаввуф ахлоқшунослигида Ҳужжат ул-ислом Имом Ғаззолийнинг (1058 - 1111) ўрни беқиёс. Унинг ахлоқий қарашлари, асосан, ҳар жиҳатдан буюк асар бўлмиш «Иҳёи улум ад-дин» деб аталган тўрт жилдлик китобида, шунингдек, «Кимёи саодат», «Мукошафат ул-қулуб» асарларида ўз аксини топган. Уларда таваккул (ҳамма нарсада Аллоҳга суяниш) Худонинг яккалигига эътиқод

[1] *Ибн Сино.* Абу Саид Абул Хайр Меҳаний билан мунозара. А.Зоҳидий таржимаси. «Соғлом авлод учун» журнали. 1996 йил, 5–6–сонлар.

сифатида талқин этилади ва муҳаббат, ихтиёр эркинлиги, тақдир, ният сингари муаммолар билан боғлиқ ҳолда таҳлил қилинади.

Ғаззолий муҳаббатни билишнинг маҳсули деб атайди. Зеро, инсон ниманиқи билса, ўшанигина севиши мумкин. Масалан, тошда муҳаббат бўлмайди, у билишдан йироқ. Муҳаббат фақат билишнинг жонли субъектигагина хос сифатдир. Мутафаккирнинг фикрига кўра, муҳаббатнинг беш тури мавжуд: 1) инсоннинг ўзига, ўз камолоти ва соғ-омонлигига муҳаббати; 2) инсоннинг ўз ҳаётини давом эттиришини таъминловчи, уни асровчи, ундан турли муҳликотларни (ҳалок этувчиларни) нари тутувчи валинеъматларига муҳаббати; 3) инсоннинг, гарчанд шахсан ўзига яхшилик қилмаган бўлса ҳам, бошқа инсонларга хизмат кўрсатган, яхшилик қилган зотларга муҳаббати; 4) инсоннинг ташқи ёки ички қиёфадаги барча гўзалликка муҳаббати; 5) инсоннинг ўзи билан ботиний (ички), яширин ўхшашлиги бор бўлган зотларга муҳаббати.

Мазкур муҳаббат турлари ҳаммасининг замирида Аллоҳга муҳаббат ётади, яъни инсоннинг ўзига, ўзгаларга, атроф-муҳитга муносабати муҳаббат орқали амалга ошади ва бу муҳаббат турларининг ҳаммаси Аллоҳга муҳаббатнинг билвосита кўринишидир. Зеро: «Ўзини англаб етган кишигина ўз Яратганини англаб етади, у ўз-ўзича мавжуд эмас, унинг борлиги, мавжудлигининг давоми, камолотга эришуви Аллоҳдан, Аллоҳ ва Аллоҳ воситасидадир», - дейди Имом Ғаззолий[1].

Мутасаввиф файласуфнинг ихтиёр эркинлиги борасидаги қарашларида тақдир муқаррар ҳодиса сифатида талқин этилади. Бунда ҳам билим (билиш) биринчи ўринда ту-ради; ихтиёр билимга бўйсунади. Зеро, инсон нима ўзига ёқиш ёки ёқмаслигини билим (билиш) орқали англаб етади. Умуман, ихтиёр эркинлиги ихтиёрнинг ўзига хос тури, у нимагаки инсон ишончсизлик туйса, ўшанга нисбатан бўлган ақлий муносабатдан юзага чиқади. Ихтиёр эркинлиги «касб» тушунчаси билан боғлиқ. Касб - касб этмоқ, ўзига олмоқ, ўзига юқтирмоқ сингари маъноларни англатувчи тасаввуфий атама. Масалан, Худо бир бандасини синаб кўриш учун унга ёмонликни раво кўрди, дейлик. Бу унинг тақдири, мутлақ муқаррар ҳодиса. Лекин ёмонликнинг ижроси бошқа бир одам ихтиёрига берилади, яъни синалаётган бандага ёмонлик қилиш-қилмаслиги ана шу восита-одамнинг ихтиёрий танловига боғлиқ. У - эркин. Агар у яхшиликни танласа - савоб, ёмонликни танласа - гуноҳ унинг бўйнига тушади. Худди шунингдек, ёмонлик объекти бўлган банда агар Худонинг синовига шукур билан жавоб берса, у суюк, аксинча, шаккоклик қилиб, Худодан нолиса ёки юз ўгирса, у гуноҳкор банда. Демак, Ғаззолий тақдирнинг муқаррарлигини таъкидлагани ҳолда, инсонга маълум маънода ихтиёр эркинлиги берилганини қайд этади. Ўрни келганда шуни ҳам айтиш керакки, Ўрта асрлар мусулмон фалсафасида тақдир (қадар) муаммоси кўпгина тортишувларга сабаб бўлган. Ибн Сино мутасаввиф аллома Абу Саид ибн Абул Хайр Меҳаний билан олиб борган ёзишма-мунозарасида шундай мулоҳаза билдиради: «Қадар, - деб ёзади Ибн Сино, - инсон ақли қамраб ололмайдиган, нафақат мажозий ва мавҳум, балки бутунлай билиш, тагига етиш мумкин бўлмаган масаладир». Шундан сўнг у тақдир ҳақидаги Муҳаммад алайҳиссаломга нисбат бериладиган: «Қадар Аллоҳнинг сиридир» ва Ҳазрат Алига нисбат бериладиган: «Бу тубсиз денгиздирки, унга тушиб бўлмайди», «Бу тик қоядирки, унда ушлайдиган ҳеч нарса йўқ», деган Ҳадис сўзларини келтиради[2].

Тасаввуф ахлоқшунослигининг яна бир улкан намояндаси буюк юртдошимиз Шайх Азизиддин Насафийдир (XIII асрнинг биринчи ярми - XIV аср бошлари).

[1] *Газали Абу Хамид.* Воскрешение наук о вере. М., Наука, 1980. С. 239.

[2] *Ибн Сино*. Абу Саид Абул Хайр Меҳаний билан мунозара. А.Зоҳидий таржимаси. «Соғлом авлод учун» журнали, 1996 йил, 5–6–сонлар.

Ахлоқий муаммолар унинг «Зубдат ул-ҳақойиқ» («Ҳақиқатлар қаймоғи»), «Инсони комил» («Комил инсон») каби асарларида кўтарилади.

Азизиддин Насафий наздидаги комил инсон, энг авва-ло, юксак ахлоқ эгаси; унинг ердаги вазифаси ҳалоллик ва ростгўйликни қарор топтириш, ёмон расму русумларни йўқотиб, яхши, эзгуликка бошлайдиган қонун-қоидаларни жорий этиш, одамларни Худога томон даъват қилиш. Бу даражага етишиш учун эса инсон ўзини англаб етиши керак. Зеро, алломанинг фикрича, ўзини англамаган киши ҳеч нарсани англамай дунёдан ўтади.

Ўрта асрларнинг то мўғуллар босқинига қадар бўлган даврларида биз юқорида кўриб ўтган қомусий алломалардан ташқари Аз-Замахшарий, Ал-Беруний, Қобус ибн Вушмагир, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Яссавий, Абдулҳолиқ ўиждувоний, Жалолиддин Румий, Нажмиддин Кубро, Шайх Саъдий сингари ўнлаб мутафаккирлар ахлоқ илмининг назарий ёки амалий соҳаларида фаолият кўрсатдилар. Лекин мўғуллар босқини мусулмон Шарқида маданий ҳаётни издан чиқариб юборди. Фақат соҳибқирон Амир Темур давридагина илм-фан ва санъат тараққиёти яна ўз йўлига тушди.

Соҳибқироннинг «Куч – адолатда!» деган тамойили шунчаки гап эмасди. Амир Темур амалда ҳақиқат ва адолат тарафдори эди. Шу сабабли ҳатто Темурни ўзининг шахсий душмани деб билган тарихчи Ибн Арабшоҳ, агар ноҳақлик юз берса-ю, ноҳақлик қилган киши Темурга ота ёки фарзанд мақомида бўлса ҳам, у киши жуда қаттиқ жазога маҳкум этиларди, деб ёзиб қолдирган.[1] Буюк бобокалонимизнинг саъй-ҳаракатлари беҳуда кетмади. Натижада Темурийлар даври илм-фан ва маданият тараққиётининг олтин даври сифатида ҳанузгача жаҳонни ҳайратга солиб келмоқда. Бу даврда юзлаб қомусий олимлар, буюк шоирлар ва санъаткорлар етишиб чиқди. Улар орасида улуғ ўзбек шоири **Алишер Навоий** (1441-1501) алоҳида аҳамиятга молик. Нафақат унинг асарларидаги юксак бадиият, балки фалсафий-ахлоқий қарашлар ҳам ҳанузгача ўз оҳорини йўқотган эмас.

Маълумки, Навоий шеърлари ва достонларида илгари сурилган ахлоқий тамойиллар ҳамда ижобий қаҳрамонлар қиёфаларида тажассум топган адолат, садоқат, бурч, муҳаббат, раҳм-шафқат, мардлик, камтарлик сингари фазилатлар ҳақида кўп ёзилган.

Алишер Навоийнинг устози, нақшбандия тариқати пири муршиди буюк тожик шоири Абдураҳмон Жомий (1414 - 1492) ахлоқий қарашлари ҳам диққатга сазовор. Унинг “Баҳористон” пандномаси ва “Ҳафт авранг” (Етти тахт) туркумидаги достонларида ўша давр ахлоқий муаммолари билан бирга ахлоқшуносликнинг қадимий-анъанавий масалалари ҳам ўртага ташланади.

Жомийнинг «Баҳористон”и Шайх Саъдийнинг «Гулистон” асари йўлида ёзилган панднома бўлиб, унда ахлоқий тушунчалар, тамойиллар, меъёрлар ҳамда улар орасидаги боғлиқликлар, қизиқарли ҳикоятларда ва шу ҳикоятлардан чиқарилган шеърий хулосаларда ифода топган. Мисол тариқасида қуйидаги ҳикоятни келтириш мумкин.

«Юсуф ибн Ҳусайн Розий:

- Ҳамма яхшиликлар бир уйда, унинг калити тавозу ва камтаринликдир, ҳамма ёмонликлар бошқа бир уйда, унинг калити манманликдир, -дер эди».

Унда камтаринлик ва манманлик жуфтлик ахлоқий меъёри ахлоқ илмидаги кенг қамровли жуфтлик тушунча бўлмиш яхшилик ва ёмонликнинг калити сифатида

[1] *Қаранг: Ибн Арабшоҳ.* Амир Темур тарихи. I китоб. У.Уватов таржимаси. Т., Меҳнат, 1992, 247–б.

талқин этилади; одатнинг доимий тарзда бузилиши охир-оқибат ахлоқсизликка олиб келиши ҳам насрий ҳам назмий шаклда чиройли қилиб берилган:

Яхшиликлар бир хонада жам,
Камтарликдир унинг калити
Ёмонликлар бошқа хонада
Уни очар манманлик ити.
Эҳтиёт бўл, тойиб кетмагил,
Шундан кетар юзнинг шивити[1]

Темурийлар даври ахлоқшунослигида Навоийнинг назари тушган аллома, унинг замондоши **Ҳусайн Воиз Кошифийнинг** (1440 - 1505) сиймоси алоҳида диққатга сазовор. Инсоний фазилатларни у тарбия, билим, тажриба орқали таркиб топади деб ҳисоблайди. Ҳалоллик, ростгўйлик, меҳнатсеварлик, инсонпарварлик сингари ахлоқий меъёрлар ва тамойиллар эзгуликнинг пойдевори сифатида олиб қаралади.

Ахлоқшуносликда сўзни инсондан, инсонни сўздан ажратиб таҳлил этиш мумкин эмаслигини таъкидлайди. «Агар сўз сеникими ёки сен сўзникими, деб сўзласалар, айтгил: мен сўзники ва сўз меникидир, чунки сўз инсонлик дарахтининг мевасидир, дарахтни мевадан, мевани эса дарахтдан ажратиб бўлмайди», - деб ёзади мутафаккир.[2] «Билгилким, ҳамма касбларга бирдай тааллуқли қисқача қоида-адаблар мавжуд, шунингдек, ҳар бир касб учун алоҳида одоб ҳам бор.

«Қутадғу билиг» 13000 мисрани ўз ичига олган ахлоққа, сиёсатшуносликка доир монументал асар Юсуф Хос Ҳожиб таърифидаги эзгу одам шундайки, унинг барча қилмиши ва йўриқлари халққа фойда ва манфаат беради Инсоннинг қадр-қимматини ҳам мутафаккир инсонийликда, одамгарчиликда деб билади: одам қадрли эмас, одамгарчилик қадрли, одам ноёб эмас, одамгарчилик ноёб, деган фикрни илгари суради.

Шарқона пандномаларнинг энг машҳури, шубҳасиз, Шайх Муслиҳиддин Саъдийнинг (1184 - 1292) **«Гулистон»** асаридир.

Саъдий, биринчи навбатда, одамлар қиёфасидаги эзгулик ва ёвузликнинг ўзаро муносабатларини очиб беради. Оддий муомала одобидан тортиб, юксак ахлоқий тамойилларгача ана шу муносабатларни акс эттиришга хизмат қилади. Саъдий, инсон инсон учун восита эмас - мақсад, деган ғояни илгари суради. Ёвузликлар ичида у, айниқса, ёлғонни қаттиқ қоралайди: «Ёлғон гапирмоқ ҳам, - дейди шоир, - ханжар зарби кабидир: жароҳат тузалсада, изи қолади»[3].

Бундан ташқари, Саъдий кашф этган ҳикматлар ҳам ўзининг образлилиги, фалсафий қудрати ва назокати билан кишини ҳайратга солади. Қуйидаги ҳикматга эътибор беринг: «Гавҳар лойга тушса ҳам аввалгидек қимматбаҳо, чанг осмонга кўтарилганда ҳам қадрсиздир»[4]. Ёки мана бу кичкинагина ҳикоятни олиб кўрайлик: «Оламда биринчи марта бармоғига узук таққан одам Жамшиддир. Ундан сўрадилар: «Нега ҳамма зебу зийнатни чап қўлингга бердинг, ваҳоланки, фазилат ўнг тарафдадир». Жамшид жавоб берди: «Ўнг қўлнинг - ўнг қўл эканининг ўзи буюк зийнатдир»[5].

Ўрта асрлар Оврўпа ахлоқшунослигининг йирик вакили **Аврелий Августин - Илоҳий Оғустин** (лотинча Августинус Санктус, 354 - 43) «Тазарру» ҳамда «Эзгулик

[1] *Жомий.* Баҳористон. Ш.Шомуҳамедов таржимаси.Т., Ёзувчи, 1997, 7 – 8-б.

[2] *Ҳусайн Воиз Кошфий.* Футувватномаи Султоний. Н.Комилов таржимаси. Т., А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1994, 58–б.

[3] *Саъдий.* Гулистон. Ғ.Ғулом, Ш.Шомуҳамедов, Р.Комилов таржималари. Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1968, 176–б.

[4] Ўша манба, 170–б.

[5] Ўша манба, 178–179-б.

ва эркин ихтиёр ҳақида» деган асарларида ана шу муаммоларни ўртага ташлади ва ҳал қилишга уринди.

Худо, Августин нуқтаи назарида, инсонни - Одам Атони эркин, гуноҳ қилмаслик имкониятига эга зот қилиб яратди. Айни пайтда У ихтиёр эркинлиги фаолиятининг аниқ йўналишини белгилаб берди. Лекин Одам Ато, нима қилиш кераклигини ўзим биламан, деган кибр билан Худонинг кўрсатмасини бузди; инсон ихтиёр эркинлигини ножоиз қўллагани учун гуноҳга ботди. Одам Ато қандай бўлса, ундан пайдо бўлган бошқа одамлар ҳам худди шундай. Биринчи одам қилган гуноҳга ҳамма одам жавобгар, ҳар бир одам ўз тишида Одам Ато еган олмадан қолган қамашишни ҳис этиб туради. Демак, ҳамма нарса, барча эзгулик Худодан; ёвузлик - эзгуликнинг йўқлиги, эзгуликдан юз буриш, нуқс, хато. У инсон ихтиёрининг хусусияти, ихтиёрнинг тубанликка қаратилишидир; у - Худо кўрсатмаларидан чекиниш, гуноҳ.

Ихтиёр эркинлиги масаласига ҳам Лоренцо Валла катта эътибор беради. Унинг фикрига кўра, ҳар бир инсон фаровонлик учун интилади, ёвузликдан эса, у ўз ёвузлигими, ўзганиқими, - қочишга уринади. Баъзан инсон кимгадир зарар етказса, албатта, ёвузлиги туфайли эмас, балки ўз фаровонлигини кўзлаб шундай иш қилади. Демак, инсон ўз фаровонлигига интилар экан, у тўғри йўлни танлаши керак. Неъматга, фаровонликка эгаликнинг энг муҳим шарти - бахтсизлик, хавф-хатар, безовталикдан йироқ ва ҳамма томонидан суюкли бўлиш. Ҳаммага суюкли бўлиш эса барча лаззатларнинг манбаи ҳисобланади; нафрат қуршовида яшаш - ўлим билан тенг. Шуларга қараб, инсоннинг яхши ёки ёмонлигига баҳо берилади.

6. Янги ва энг янги давр ахлоқшунослиги. Қадимги дунё мумтоз илмий тафаккурининг энг яхши анъаналарини ривожлантириб, бойитиб, унда кўтарилган муаммоларга янгича муносабат ишлаб чиққан Ўрта асрлар мусулмон Шарқи таълимотлари Оврўпа Уйғониш даври мутафаккирлари учун туртки бўлганини айтиб ўтган эдик.

Нидерландиялик файласуф **Бенедикт (Барух) Спиноза** (1632 - 1677) Инсон учун тўғри ҳаёт тарзи сифатида нидерланд мутафаккири ўз манфаатини кўзлаб иш юритишни таклиф этади. Зеро, барча инсонлар катта бахтга эришиш учун интиладилар. Лекин ҳар бир шахс ўз манфаати нуқтаи назаридан ҳаракат қилар экан, бошқалар ҳам шундай ҳаракат қилишлари учун ўз хатти-ҳаракатларини туйғулар билан эмас, ақл билан бошқариши лозим.

Сенсуал ахлоқшуносликнинг энг йирик вакилларидан бири инглиз файласфуи **Жон Локкдир** (1632 - 1704). Мутафаккир энг олий тамойилни ҳар қандай фазилат асосини инсоннинг оқилликка тўғри келмайдиган ўз истакларидан кечишида, ўз майлларига қарши ҳатти - харакат қила билишда кўради. Бахтга эришув ҳуқуқининг ахлоқий тамойили Локк таълимотида инсонлар тенглиги қоидаси билан тўлдирилади; бир хил турдаги, туғилганида бир хил табиий имтиёзга эга бўлган ва бир хилдаги қоблиятдан фойдаланган жонзотлар бир-бирига бўйсиниш ёки бир-бирини бўйсундришсиз ўзаро тенг бўлишлари лозим.

Олмон мумтоз фалсфаасининг асосчиси **Иммануэл Кант** (1724 - 1804) ҳисобланади. Унинг «Ахлоқий метафизиканинг асослари» (1785), «Амалий ақлни танқиди» (1788) ва «Хулқлар метафизикаси» (1797) асарлари асосан ахлоқшунослик ва ахлоқий муаммоларга бағишланган. Кант фалсафасининг мақсади ҳамда вазифаси ҳақида сўзлаб, шундай дейди: «Фалсафа доирасини қуйидаги тўрт масала билан якунлаш мумкин:

1. Нимани билишим мумкин?
2. Нима қилишим керак?
3. Нимага умид боғлай оламан?

4. Инсон нима?

Биринчи саволга – метафизика, иккинчисига – ахлоқ, учинчисига – дин ва тўртинчисига – антропология (инсоншунослик) жавоб беради. Айни пайтда, буларнинг ҳаммасини, аслини олганда, инсоншуносликка тааллуқли дейиш мумкин, чунки дастлабки уч савол тўртинчисига бориб тақалади»[1].

Демак, Кант учун энг муҳим масала – инсоннинг хулқи, унинг қилмишлари. Файласуф назарий ақлдан амалий ақлни баланд қўяди. Билим, агар инсонни инсонийроқ қилсагина, унга қатъий ахлоқий заминга эга бўлиши ва эзгулик ғоясини амалга ошириши учун ёрдам берсагина қимматга эга.

Ахлоқий бурчнинг ўзини ҳам файласуф иккига бўлади: инсоннинг ўз олдидаги бурчи ва бошқаларга нисбатан, уларнинг айбдорлиги ёки ҳурматга муносибликларига қаратилган бурч. Ўзига нисбатан бурч, аввало, инсондан ўз-ўзига ҳурматни талаб этади. Унинг зидди - ўз ҳаётига қасд қилиш, соғлигига путур етказиш, ёлғончилик, очкўзлик ва сохта итоаткорлик - хушомадгўйлик. Ўзгаларга нисбатан бурч эса, аввало, бошқа одамларни ҳурмат қилишни талаб этади. У - Кант «дунёнинг буюк ахлоқий безаги» деб атаган хайр - эҳсонда, миннатдорчиликда, қувончу ғамни баҳам кўришда, умуман, инсонга муҳаббатда акс этади. Уларнинг зидди - манманлик, дилозорлик, ҳасад, кўрнамаклик ва ичқоралик.

Хатти - ҳаракатнинг мақсади ҳам, унинг самараси ҳам эмас, балки унинг нияти, яъни ахлоқий амрга мувофиқлиги ахлоқий ҳисобланади. Ана шу мезон, ахлоқий бурч инсондан хатти - ҳаракатнинг эзгу ихтиёр билан қилинишини талаб этади. «Бирор ерда, бу дунёда ҳам, ҳатто ундан ташқарида ҳам, фақат биргина эзгу ихтиёрдан бошқа яна қандайдир нарсани чекланмаган даражадаги эзгулик дейиш мумкинлигини хаёлга келтириб бўлмайди», - дейди Кант[2].

Бу даврнинг машҳур ахлоқшуносларидан яна бири буюк мутафаккир **Георг Вильҳелм Фридрих Ҳегел**дир (1770-1831). Ҳегел муҳаббат, никоҳ, оила, ҳақида ҳам ўзига хос фикрлар баён қилади. . Севги - ҳиссиёт, бошқача қилиб айтганда, шаклга тушган табиийятдаги ахлоқийлик; давлатда севги бўлмайди, унда бирлик қонун сифатида англанади. У никоҳни у ҳуқуқий - ахлоқий севги деб атайди. Никоҳни фақат бир томонлама ё дин (черков) ихтиёрига ё фуқаролик жамияти ихтиёрига боғлиқ деган нуқтаи назарга қарши чиқади ва уни давлатнинг ахлоқий институти сифатида талқин этади. Оила бошлиғи эр, у оилани бошқариш ҳуқуқига эга шахс; оиладаги умумий ҳусусий мулк бўлмиш мол-мулкдан фойдаланишнинг тартибини белгилайди. Лекин эр-хотин оилада ҳуқуқий жиҳатдан тенг бўлиши лозим. Агар кўп хотинлилик бўлса, оилада аёл чўрига айланади, агар аёл ҳукмронлик қилса, оилада ахлоқ сизлик рўй беради ва у никоҳнинг бузилишига олиб келади. Ота-онанинг боалалрга муносабатида тарбия муҳим аҳамиятга эга. Тарбия интизомга асосланмоғи лозим. Интизом эса болаларнинг ота – онага бўйсунишини тақозо қилади. Болалар ота-онага шунчаки эмас, балки оилавий ахлоқий инстизомга риоя қилишлари учун бўйсунишлари керак. Оила ришталари узилмаслиги, оила бузилмаслиги лозим. Лекин эр-хотиннинг ажралиши рўй бериши мумкин. Оила бузилмаслигининг олдини олиш учун оилани бузилмайдиган маскан, деган тасаввурни уйғотиш керак. Яъни ажралишнинг ҳеч қачон осонгина рўй бермаслиги таъминланмоғи, иложи борича уни қийинлаштиришга ҳаракат қилинмоғи зарур. Янги давр Оврўпа ахлоқшунослигидаги норационал йўналишнинг асосчиларидан яна бири буюк олмон файласуфи Артур Шопенҳауэрдир (1788-1860). Шопенҳауэр таълимотига кўра, олам - инсон кўз очиши

[1] *Кант И.* Сочинения в 6 т. Т. 3. М., Мысль, 1965. С. 661.
[2] Кант И. Сочинения в 6 т. Т. 4, - Т., С. 228.

билан кўрган, ҳидлару рангларга, товушлару сукунатга, иссиғу совуққа тўла дунё фақат ва фақат тасаввурдан иборат. Олам - менинг тасаввурим, дейди файласуф. Оламга ҳозиру келажакда нимаики тааллуқли бўлса, ҳаммаси субъект билан сифатланишга албатта маҳкум ва субъект учун мавжуддир. Шундай қилиб, олам - тасаввур, у субъект ва объектнинг ўзаро муносабати сифатида намоён бўлади. Чунки биз фақат кўзимизни, қулоғимизни, қўлимизни, тилимизнигина бевосита биламиз, оламни эмас. Олам, - мен уни ўз тасавввуримда қандай қабул қилаётган бўлсам, - шундай. Бу масаланинг бир томони, иккинчи томони - ихтиёр. Ихтиёр тасаввурга ўхшамайди, бутунлай бошқа, сирли, ҳали кашф этилмаган, эҳтимол, умуман кашф этиб бўлмайдиган нарса. У барча мавжудликнинг ибтидоси. Ихтиёр, бу - мутлақ эркин хоҳлаш, исташ, унинг на сабаби, на асоси бор. У - оламнинг ички мазмуни, ўз-ўзича англанмаган ҳолат, кўр-кўрона, тўхтатиб бўлмайдиган шиддат. Ҳатто дарахтлар учида ҳам ихтиёр ҳукмрон, улар юқорига, нурга қараб интилади, илдиз пастга интилади - намни ихтиёр этади. Жисм фақат юқоридан пастга - вертикал тарзда қулайди... Ихтиёр, бу - макон ва замонда яшайдиган мавжудотларнинг пайдо бўлишини таъминлайдиган куч. Лекин унинг ўзи макон ва замонга бўйсунмайди, уни билиш мумкин эмас. Инсон эса, энг аввало, ихтиёр этгувчи, истагувчи, ҳирс қўйгувчи, ва фақат ундан кейингина, билгувчи, фикрловчи мавжудот. Ихтиёрнинг намоён бўлиш шакли фақат ҳозир, келажак ҳам, ўтмиш ҳам эмас. Шу «ҳозир»нинг манбаи ва мазмунини ўзида мужассам этадиган нарса - яшашга ихтиёр, яъни ўзимиздан иборат бўлган «нарса ўзида».

Рус мумтоз ахлоқшунослигининг тараққий топишида буюк файласуф, ўзига хос шоир Владимир Сергеевич Соловьёвнинг (1853 - 1900) хизматлари катта. Владимир Соловьёвнинг ахлоқий қарашлари унинг қатор асарларида ифода топган. Улар орасида «Эзгуликни оқлаш. Ахлоқ фалсафаси» (1897 - 1893) китоби алоҳида аҳамиятга эга. Унинг биринчи қисмида уят, шафқат ёки ачиниш ва художўйликдан иборат ахлоқий тушунчалар учлиги асосий ўринни эгаллайди. Рус мумтоз ахлоқшунослигининг йирик вакилларидан бири Николай Онуфриевич Лосскийдир (1870-1965). Унинг ахлоқий қарашлари асосан «Ихтиёр эркинлиги» (1927) ва, айниқса, «Мутлақ эзгуликнинг шарти» (1949) асарларида кенг ифодасини топган.

Николай Лосский ахлоқий таълимотини бир сўз билан мутлақлик ахлоқшунослиги дейиш мумкин. Унинг фикрига кўра, қадриятлар оламининг асоси - Худонинг даргоҳи, олий қадрият эса - Худо. Лекин файласуф нафақат мутлақ, балки нисбий қадриятларини ҳам тан олади, бироқ уларнинг тенг эмаслигини таъкидлайди. Мутлақ қадриятларни қандайдир ибтидодан келтириб чиқариш воситасида исботлаб бўлмайди, улар исботсиз, бевосита интуиция (савциь таблий), руҳий етишиш орқали англанади. Илоҳни - мутлақ, ибтидосиз ва интиҳосиз ахлоқий қадрият - бутун коинотнинг ягона мақсади сифатида тақдим этади. Натижада файласуф, биринчидан, келажакда эзгуликни ёвузлик устидан тўлиқ ғалаба қилишини ҳамда эзгуликнинг инсоният тараққиётидаги барча тарихий кучлардан юксак, енгиб бўлмас табиатга эга эканини эътироф қилади. Иккинчидан, Лосский ахлоқий қадриятни мутлақ, ичдан «соф», қандайдир четки «қўшимчалар» дан холи, деб ҳисоблайди. «Мутлақ ижобий қадрият ўз-ўзидаги, оқланган қадрият, демакки, қатъий, ҳар қандай нуқтаи назардан, ҳар қандай ҳолатда ва ҳар қандай субъект учун эзгулик табиатига эга қадриятдир; у нафақат ўз-ўзича доимо эзгулик бўлади, балки унинг оқибати ҳам ҳеч қачон ўзида ёвузликни мужассам этмайди», - дейди у.[1] Учинчидан, мутафаккир реал ҳаётда, оламда мутлақ қадриятлар тантанасини башорат қилади; то унгача эса улар мутлақ

[1] *Лосский Н.О.* Условия абсолютного добра. М., Политиздат. 1991. С. 56.

комилликнинг идеали сифатида намоён бўлади. Шу боис ҳам Лосский ёвузлик ва эзгуликнинг мавжудлиги ҳақида мана бундай деб ёзади: «Худо ўз яратилмишларига эркинлик билан бирга эзгуликни амалга оширишнинг барча воситасини ато этган; агар шунга қарамай, қайсидир бир мавжудот ёвузлик йўлига кирса, унда бу ёвузликнинг ибтидоси ана шу мавжудотнинг ўзида яшириндир ва бу ёвузлик учун жавобгарлик тўлиқ унинг бўйнидадир»[1]. Хуллас, буюк файласуф аксиология (қадриятшунослик) муаммоларини қаламга олар экан, эзгулик, адолат, ҳақиқат ва гўзаллик қадриятларидаги мутлақликнинг қойимлигини ҳимоя қилади.

Эрих Фромм (1900 - 1980) асосий диққатини инсон қалбининг ахлоқий талабларга муносабатини очишга, тоталитарчилик, инсонпарварлик, тириксеварлик (биофиллик) ва ўликсеварлик (некрофиллик) ҳақидаги мулоҳазаларга қаратади. Унинг «Севиш санъати» (1956), «Инсон қалби. Унинг эзгулик ва ёвузлик қобилияти» (1964), «Инсон ўзи учун» (1967) каби асарларида ахлоқий муаммоларга кенг ўрин берилган**.**

Эрих Фромм инсон ҳаётини «санъат», ахлоқни эса «яшаш санъати», ахлоқшуносликни эса инсон ҳақидаги назарий фан деб атайди. Бироқ инсон ана шу «яшаш санъати»га кўп ҳолларда амал қилмайди, яъни ўзига, ўзининг мавжудлигига эътибор бермайди. Мутафаккир шу боис алам ва ачиниш аралаш шундай деб ёзади: «Инсон учун ўзининг хусусий ҳаёти ва яшаш санъатидан бошқа ҳамма нарса муҳим. У ўзидан бошқа ҳамма нарса учун яшайди. Ҳолбуки, ахлоқ яшаш санъати борасида комилликка эришиш учун зарур бўлган меъёрлар мажмуъидан иборат экан, ахлоқий тамойиллар ҳаёт табиатига, хусусан, инсоний мавжудлик табиатига мос келмоғи лозим. Ҳар қандай ҳаёт табиатининг умумий тамойили ўз хусусий мавжудлигини асраш ва барқарор этишдан иборатдир»[2].

Экзистенциячилик Ҳайдеггердан сўнг, икки йўналишда – диний ва даҳрийлик йўналишларида давом этди. Диний экзистенциячиликнинг энг йирик намояндаларидан бири олмон файласуфи Карл Ясперсдир (1883 - 1969). У ўз асарларида, хусусан, «Замоннинг маънавий ҳолати»(1932), «Фалсафий эътиқод»(1948) деган китобларида инсон мавжудлигини XX асрда қандай тушуниш масаласига тўхталади ва бу мавжудликнинг ахлоқий жиҳатларини таҳлил этади. Инсон билан ҳайвон орасидаги фарқ ҳақидаги, бошқача қилиб айтганда, инсоннинг вужудга келиши тўғрисидаги масалани Ясперс энг муҳим деб ҳисоблайди. Инсонни қандайдир бир бошқа нарсадан келтириб чиқариш мумкин эмас. Зеро, у ҳамма нарсанинг бевосита асосидир. Оламдаги боғлиқликнинг барча турлари ва барча биологик тараққиёт жараёнлари одамнинг ўзига эмас, балки инсоний моддага, инсоний материалга дахлдор. «Инсон доимо ўзи ҳақидаги ўйлаганидан, билганидан кўра каттароқдир. У ҳамма ҳодисаларда бир хил бўлолмайди; у - йўлдир», - дейди файласуф.[3] Бу фикр ҳам бутун инсониятга, ҳам алоҳида одамга тааллуқли. Ҳеч қачон инсон ҳақида узил-кесил хулоса чиқариш, уни на умумий тарзда, на алоҳида одам сифатида тўлиқ тушуниш мумкин эмас.

Ҳаётга эҳтиром. XX асрда вужудга келган яна бир йўналиш - ҳаётга эҳтиром ахлоқий таълимоти машҳур олмон файласуфи, шифокори Альберт Швайтсер (1875 - 1965) номи билан боғлиқ. Унинг «Маданият ва ахлоқ» деб аталган фундаментал китобида ҳаётнинг юксак маъносини тан олиш ва барқарор этиш асосий тамойил сифатида кўзга ташланади. Швайтсернинг ўзи ҳам бутун умри давомида ана шу

[1] *Старченко Н.Н.* Мир, интуиция и человек в философии Н.О.Лосского //Серия «Философия и жизнь», 2/91. М., Знание, 1991. С. 24.

[2] *Фромм Э.*Человек для себя. Минск, Харвест, 2004. С. 33.

[3] *Ясперс К.* Смысль и назначение истории. М., Политиздат, 1991. С. 378.

тамойилга амал қилди. Фалсафа фанлари доктори, илоҳиёт бўйича улкан мутахассис, машҳур мусиқашунос ўзига ланг очилган Оврўпа университетларига қиё боқмай, Марказий Африка чангалзорларида одамларни даволаш учун яна талаба бўлиб тиббиёт факультетини тугатади ва Габонга бориб, умрининг охиригача ҳаётга эҳтиром ғоясини амалда исботлаб яшайди.

Туркистон XIX аср иккинчи ярмида Россия томонидан мустамлакага айлантирилди. Туркистон ўлкаси генерал-губернатори А.Н. Куропаткин кундалигида тан олишича, мустамлакачилар Туркистон халқларини ярим аср мобайнида жаҳон маданияти ва цивилизациясидан четда тутиб турдилар. Лекин рус тараққийпарвар зиёлилари орқали рус ва жаҳон илм-фани ва маданияти чор маъмурияти тўсиқлари орасидан сизиб кирар эди. Шу ижобий таъсир аста-секин мазлум Туркистонда янги Уйғониш даврини бошлаб берди. Маҳаллий зиёлилар орасида ўз халқини озод ва жаҳоннинг бошқа миллатлари билан тенглаша оладиган даражага олиб чиқишга интилиш шиддаткор ҳамда миқёсли бўлди. Маърифатпарварлик ғоялари учун эндиликда амалий шаклларда янгича – маърифатчилик тарзида намоён бўлиш имконияти яратилди. Бу ғояларни амалга ошира оладиган фаолиятли зиёлилар – жадидлар вужудга келди.

Маърифатчилик асосан уч соҳа орқали тезкор тарзда тараққий топиб борди: маориф (янгича мактаблар очиш, таълим усулини янгилаш), санъат (бадиий адабиёт, театр) ва матбуот. Пировард мақсад: миллатни, илмли-маърифатли қилиш, унинг ахлоқий даражасини юксалтириш ва шу икки жиҳатнинг уйғунлашуви натижасида ўзлиги, ўз қадрини англаган билимли шахсни вояга етказиш эди.

Туркистон маърифатчилигининг дастлабки босқичларида ахлоқий ғоялар асосан бадиий ва дидактик шаклларда ўз аксини топди. **Аҳмад Дониш (1827-1897)** «Наводир ул-вақое» ва бошқа асарларида Бухоро амирлиги билан Россия давлат тузумини солиштириб, уни ислоҳ қилиш лозимлигини таъкидлайди. Агар ҳукмдор адолатли сиёсат юргизса, мамлакат ҳаётининг ҳамма соҳаси учун адолатни мезон қилиб олса, санъатнинг гуллаб яшнашига йўл очиб берса – халқ ҳаёти фаровон бўлади, фазилатлар кучайиб, иллатлар заифлашади. Унингча, оқилона бошқарилган мамлакат аҳолисигина маърифатли ва юксак ахлоқ эгалари бўла олади.

Аҳмад Дониш ўз давридаги жоҳиллик, риёкорлик, порахўрлик сингари иллатлар жамиятни таназзулга олиб боришини таъкидлар экан, дин пешволарининг нотўғри йўлга кириб кетганини, шайхларнинг ёлғончилиги, уламоларнинг порахўрлигини фош қилади.

Фурқат(1858-1909), Муқимий(1859-1903), Дилшод-Барно(1800-1906) асарларидаги ахлоқий муаммолар тараққийпарварлик ғоялари билан чамбарчас боғланиб кетади. Фурқат «Илм ҳосияти», «Гимназия», «Таржимаи ҳол» каби асарларида маърифатли бўлиш юксак ахлоқ эгасига хос хислат эканини, лекин, нодонлик охир-оқибат турли хулқий нотавонликка олиб келишини таъкидлайди:

Чархи кажрафторининг бир шевасидин доғмен,
Айшни нодон суриб, кулфатни доно тортадур.

Муқимийнинг ҳажвий асарларида ўша даврда авж олган фирибгарлик, амалдорларнинг ноинсофлиги, адолатсизлиги қаттиқ танқид қилинади. Шоирнинг «Воқеаи Виктор», «Воқеаи кўр Ашурбой ҳожи», «Танобчилар», «Тўй» сингари асарлари Туркистон халқлари оёғидан тобора тубанликка тортаётгаи иллатларни аёвсиз фош этади. Ўша даврдаги бойларнинг фаҳшу маишатга юзтубан кетганликлари, чор атрофда адолатсизлик ҳукмронлик қилаётганининг алам билан ёзади.

Қозоқ халқининг буюк фарзанди **Абай (1845-1908)** шеърлари, «Искандар», «Масъуд» достонларида эзгулик, адолат, мардлик шижоат сингари фазилатлар ўрнини иллатлар эгаллаб бораётгани, халқнинг яхшилик билан ёмонликни фарқлай олмайдиган даражага тушиб қолганидан фарёд чекади:

Оталарга ўхшамай қолди туркинг,
Ёпирай мунча кетди, элим, хулқинг!
Бирлик йўқ, барака йўқ, бузилди феъл,
Қани йиққан давлатинг, боққан йилқинг?

Абай амалий ахлоққа доир машҳур «Насиҳатлар» китобида халқнинг иллатлари сабабларини шундай изоҳлайди: *«Бунга дунёда ўтган барча донишмандлар шундай жавоб қилади: ҳар қандай ялқов киши – қўрқоқ ва ғайратсиз бўлади; ҳар қандай мақтанчоқ қўрқоқ киши – ақлсиз, нодон бўлади; ҳар қандай ақлсиз нодон киши – орсиз бўлади; ҳар қандай орсиз киши –ялқов, киши олдида тиламчи, очкўз, суқ бўлади; бундай ҳунарсиз кишилар ҳеч қачон бировга дўст бўлмайди. Бу иллатларнинг ҳаммаси тўрт оёқли молни кўпайтиришдан бошқа нарса хаёлига келмайдиган кишилардан чиқади. Агар инсон экин-тикин, илм-ҳунар, савдо ишлари билан шуғулланса, бундай ёмон иллатлар унга доримаган бўлур эди».*

Абай ўз миллатини ниҳоятда севган мутафаккир. Бу аччиқ гаплар халқ дардида ўртанган мутафаккирнинг аламли фикрларидир.

Дилшод Барнонинг шогирди **Анбар отин (1870)** ахлоқий қарашлари «Муқимийга», «Мингбоши кал Омил ҳажви», «Олимжон ҳожи таърифи» каби лирик-фалсафий шеърларида ва «Қаролар фалсафаси» (1898) рисоласида ўз аксини топган. Анбар отин ҳам инсон ахлоқий даражасини ақл, илм-маърифат билан боғлайди ва ижтимоий тараққиётга ақлий ҳамда ахлоқий юксаклик орқали эришиш мумкин, деган ақидага амал қилади. шеърларида ана шу йўналишни кўриш мумкин.

«Қаролар фалсафаси» ижтимоий адолат ва ижтимоий зулм тушунчаларига бағишланган. Қора меҳнати туфайли дунёни яшнатаётган инсонлар қалбининг оқлиги, оқ тана-ю оқ билак кимсалар қилаётган ишларнинг қоралиги таъкидланади: *«Ул қаро халқ офтоб сўзанида меҳнат қилиб, ўзлари ҳар қанча куйганлари ҳолда, ҳосилларини ҳамтовоқларига туҳфа қилурлар. Мисол андоқдурки, қазон бовужуд қорадур, ўзи ўтда куйиб қаро бўлғони ҳолда овқат пишуриб одамларни тўйдирур.*

Қаролар бордурларки, алар ўзлари қаро бўлғони ҳолда, маърифат нури сийратларида тўладур ва ул нурларни фасоҳат ва тил дурдоналари воситаси ила оламға оқ шуъла сочарлар, Мисол улдурки, қаро чароғ ўзи қаро ёғ, куюндиға гирифтор бўлғони ҳолда, нури илан кулбани равшан қилур».

Рисоланинг иккинчи фаслида Анбар отин ўша давр аёллари аҳволини, уларнинг бевосита ва билвосита ижтимоий камситишлар натижасида ўз иқтидори, истеъдоди, латофатини намоён қила олмасликларини айтиб ўтади. Лекин тараққийпарвар шоира келажакка катта ишонч билан қарайди: *«Бир замони бўлурки, камина муштипар каби олижаноб орзу қилғондан зиёда бўлур... аларни мазлумалар авлоди хатарсиз таваллуд ўлиб, яхши парвариш топуб, хушрўй ва хушхўй, ботамиз ва ватандўст, сергайрату меҳмондўст бўлуб, камолға етар...*

Ул замонда одам ахлоқи ул даражаға етурки, хуруси мижоз гала хотунлик русумини тарк этар ва ҳар эр битта хотин ила фароғатвор кун кечиргай...

Ул вақт қизлар илми дунёвий таҳсилиға муяссар булуб, урфон тахтида қарор топиб, эллар ва улуғлар сафиға дохил бўлурлар, алар ҳайрат ва меҳнатда эрларға ҳамфо ва ёвар бўлуб, обрў топиб, ҳурмат ва икромға сазовор бўлурлар.»

Анбар отин адолатли подшо муаммосига алоҳида тўхталиб, ўша давр учун ниҳоятда оригинал, кутилмаган ва ҳозирги замонда ҳам аҳамиятини йўқотмаган

фикрларни билдиради: *«Агар ўрус шоҳи дарҳақиқат одил бўлса, ва анинг ҳоҳиши қарам халқлар ҳам ўрус мисоли озод бўлсун ва барча ҳалойиқ ўрус бирла баробар бўлуб рўзғор кечирсун деса, аморат ва ҳукмронлиқ қонунини дин қонунларидан мустасно келтурсин.»* Яна файласуф-шоира дейди: *«Давлат ишини дини исломдин йироқ тутинг...»*.

Анбар отин шоира ва файласуф олима сифатида ҳам, шахс сифатида ҳам кишини ҳайратга соладиган даражада матонатли, покиза инсон, юксак ахлоқ эгаси бўлган.

Абдулла Авлоний(1887-1934)нинг XX аср Туркистон ахлоқий тафаккурида энг салмоқли ўрин эгаллаган «Туркий гулистон ёҳуд ахлоқ» (1913) рисоласи назарий ва амалий ахлоқ муаммоалирини педагогик, фалсафий ва бадиий ёндашув орқали ҳал этишга бағишланган йирик асардир. Асар ахлоқий муаммоларга жадидчилик нуқтаи-назаридан ёндошиши, кўпчиликка тушунарли тилда ёзилгани билан ажралиб туради. У фазилатлар ва иллатларга таъриф бериш, уларни шарҳлаш йўли билан ёндашади. Мазкур асарда янги инсон тарбияси бош масала тарзида ўртага ташланади.

Файласуф педагог, миллат тарбиясини ўз зиммасига олган тарбиячи муаммосига тўхталади: *оталар – тўйчи, улоқчи, базмчи, илм қадрини билмага; муаллимлар – ўзлари тарбияга муҳтож, дорилмуаллиминни тугатиши керак;, мударрислар – дарслари беимтиҳон, ислоҳ яқинига йўламайдиган кишилар. Шу боис миллат ёшлари тарбиясини усули жадид тарафдорлари – таълим-тарбия тизиминиислоҳ қилишга интилаётган зиёлилар қўлга олиши керак.* Авлоний Россия ҳукумати ҳар ерда янгича мактаблар очгани – шунчаки жаҳон жамоатчилигини чалғитиш эканинига ишора қилиб ўтади: *«... ҳукумат ҳамманинг отасидир. Ўз фуқаросининг болаларини тарбия қилмаги лозим. Шунинг учун бизнинг Русия ҳукуматимиз ўгай бўлса ҳам, ҳар ерда бизлар учун мактаблар очуб, болаларимизни текин ўқитур».* Авлоний «ўгай тарбиядан» кўра, миллий тарбиямиз усулларини янгилашни афзал билади. У ўз даврини «Тарбиянинг замони – тарбиянинг айни вақти» деб атайди. Президент Ислом Каримов нутқларидан бирида (1995 йил 23 февраль) қуйидагича иқтибос келтиради: «Маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний ёзганидек, «Тарбия бизлар учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласидир».

Авлоний тарбияни учга бўлади: бадан тарбияси, фикр тарбияси, ахлоқ тарбияси. Ахлоқ тарбиясини: «инсонларга энг муҳим, зиёда шараф, баланд даража бергувчи», деб баҳолайди. Авлоний ахлоқшунослик тушунчаларининг педагогик, фалсафий, бадиий талқинини беради. У фазилатларни яхши ҳулқлар, иллатларни – ёмон ҳулқлар, деб атайди. Фатонат, диёнат, шараф, ҳаё, виждон, Ватанни суймак сингари фазилатлар шарҳига алоҳида тўхталади. *«Биз туркистонликлар ўз Ватанимизни жонимиздан ортиқ суйганимиз каби, араблар Арабистонларини, қумлик, иссиқ чўлларини, эскамулар Шимол тарафларини, энг совуқ қор ва музлик ерларини бошқа ерлардан зиёда суярлар. Агар суймасалар эди, ҳавоси яхши, тириклик осон ерларга ўз Ватанларини ташлаб ҳижрат қилурлар эди».* Авлоний наздида, виждон инсон ният ва қилмишларини акс эттирувчи энг мусаффо ахлоқий кўзгудир, *«инсон ақли ва фикрининг ҳақиқий мезони»*.

Авлоний ғазаб, шаҳват, ҳасад, ёлғон, таъма сингари иллатларга атрофлича таъриф беради. У миллат тараққиётига энг кучли тўсиқ бўлувчи иллатлардан бири сифатида жаҳолатни келтиради: *«Жаҳолат инсониятнинг энг зўр душмани ва ёмон ҳулқларнинг бошлиғидир»*.

Абдурауф Фитратнинг «Оила ёки оила бошқариш тартиблари» (1914) асари Туркистон миллий уйғонишида бениҳоя муҳим роль ўйнади. Китоб ўзгача бир шиддатли услуб билан ёзилган. Унда танқидий ва даъват руҳи кучли. Фитрат она Туркистонни озод кўришни истайди, бунинг учун ҳар бир туркистонлик оила билим,

ахлоқ, аъмол ва эрк ўчоғи бўлмоғи лозим. Мутафаккир янги оилани шу тартибда қуришга даъват этади. Ҳар жиҳатдан соғлом оила етиштирган фарзандларгина миллатни юксакка кўтара олиши, уни истибдоддан қутқаришини айтади: *«Бу дунё кураш майдонидир. Бу майдоннинг қуроли соғлом жисму тан, ақл ва ахлоқдир. Лекин ана шу қурол-аслаҳамиз синиб, занг босиб, чириб кетган. Шундай қуроллар билан бу дунёда бизга на саодат ва на роҳат бор...»*.

Китобнинг биринчи қисмидан ҳар бир янги оила қурган туркистонлик кичик ҳажмдаги ахлоқий-маиший, гигиеник-саломатлик қомуси сифатида фойдаланиши мумкин. Китобнинг иккинчи қисми фарзанд тарбиясига бағишланган: жисмоний, ақлий ва ахлоқий тарбия. Шу уч тарбия уйғунлигида ҳақиқий инсон камол топади. Фитрат ихтиёр эркинлиги муаммосини майл тушунчаси орқали ўртага ташлайди: бахт, фаолият, алоқа, бошқаларга меҳр-муҳаббат майли ва ҳ. к. «Ирода ва ихтиёр» сарлавҳаси остидаги кичик бобда у иззат-нафс, ирода масаласига алоҳида тўхталади: болани иродали қилиб тарбиялашда ота-онанинг зўри эмас, балки болага бериладиган муайян эркинлик муҳим. Балоғатга етган фарзанд эркинлик даражаси ҳақида «Ота-оналар ҳақ-ҳуқуқлари» бобида фикр юритилади.

Фитратнинг «Оила» китобида амалий ахлоқ билан ахлоқ назарияси муаммолари уйғунлашган. Лекин унда педагогик-дидактик услуб эмас, жанговор чорлов услуби устун. Фитрат назарида, юксак ахлоқийлик эрк ва эрксеварлик билан мустаҳкам боғлиқ; Миллий мустақиллик мафкураси китобнинг руҳига сингдириб юборилган. Айни пайтда, у ҳозир ҳам ахлоқий-маърифий рисола сифатида алоҳида эътиборга молик. Ёш авлод тарбияси асосан оналар қўлида экани сабабли XIX аср охири ва XX аср бошларида аёлларнинг илмли, ҳар жиҳатдан юксак ахлоқ-одоб эгаси бўлишлари учун зиёлилар орасида жиддий ҳаракат авж олади.

Татар зиёли аёли **Олимат ул-Банот**нинг Санкт-Петербургда 1898 ва 1899 йилларда икки марта нашр этилган «Муошарат одоби» (Турмуш одоби) асарида аёлларнинг турмушдаги ўрни, оилавий вазифалари, эр-хотин орасидаги муносабатлар, болалар тарбияси уй тутиш, никоҳ ва муҳаббат борасида фикрлар билдирилади: *«Агар хотун ўқиган бўлса, ўзининг ким эканлигини, вазифаси нимадан иборат эканлигини шак-шубҳасиз билади. Болаларини эса гўзал тарбия қилади, эри билан яхши муомалада бўлади ва ниҳоят Аллоҳ Таоланинг амрига мувофиқ ҳаёт кечиради»*.

Фахр ул-Банот Сибғатуллоҳ қизининг саксон етти сабоқдан иборат «Оила сабоқлари» (1913) рисоласи эса тарбиянинг турли томонларини бирваракай ўз ичига олади. Муаллиф ўз рисоласи моҳиятини қуйидагича белгилайди: *«Оила сабоқлари хонимларга, қизлар мактаби шогирдларига оила вазифалари тўғрисида фойдали маълумот бергани каби ўқувда тамом енгиллик ва бир тарафдан асосли бир ахлоқ сабоғи ҳамдир»*. Асар фалсафий мушоҳададан кўра, кўпроқ амалий кўрсатмалардан иборат. Унда маънавият ва моддиятга замонавий муносабат масаласи ўртага ташланади, юксак ахлоқли болани вояга етказишда ҳар икки йўналишдаги тарбиянинг муҳимлиги таъкидланади.

Хулоса: XX аср бошларида амалий ахлоқ муаммолари жадид матбуотида кенг ўрин олди. **«Тараққий», «Садои Туркистон», «Улуғ Туркистон», «Турон», «Хуршид»** сингари газеталарда эълон қилинган ҳажвий-журналистик асарларда ўша давр жамиятига хос иллатлар қаттиқ танқид остига олинди. **Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунаввар қори Абдурашидхонов, Ҳамза, Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон** каби Уйғониш даврининг буюк намояндалари ўз бадиий асарларда ахлоқ муаммоларини дадил кўтариб чиқдилар ва мазкур нашрларда публицистик асарлари билан фаол иштирок этдилар. Жадид матбуоти ўз олдига бор кучини озодлик йўлида сарфлайдиган,

Ватанни жондан севувчи, фидойи, илғор, фаҳму фаросатли, ҳар жиҳатдан камол топган эркин туркистонликни тарбиялашни вазифа қилиб қўйди. Афсуски, большевиклар 1917 йил 25 октябрда амалга оширган давлат тўнтариши тез орада унинг ютуқларини йўққа чиқарди, янги мустамлакачилик режаси асосида барча тараққийпарвар кучлар катағон қилинди. Фалсафий фанлар тараққиётдан тўхтади. Улар мафкурага бўйсундирилиб, сохталаштирилди; эркин фикр таг-туги билан қўпориб ташланди. Шу сабабли жадидчилик ўз олдига қўйган вазифаларини тўла адо этолмади. Лекин Туркистондаги бу маърифатчилик ҳаракати қисқа муддат ичида мазлум халқларни уйғота олди.

Такрорлаш учун саволлар

1. Этика, ахлоқ, хулқ тушунчалари ва уларнинг ўзаро алоқасини қандай тушунасиз?
2. Ахлоқ ва унинг жамият ҳаётидаги роли қандай?
3. Хулқнинг одобдан фарқи нимада?
4. Ахлоқ ва хулқнинг умумийлиги нимада?
5. Замонавий ахлоқшунослик олдида қандай муҳим вазифалар мавжуд?
6. Сомирликлар ва бобилликларнинг ахлоқий қарашлари нималарда ифодаланган?
7. «Авесто»нинг ахлоқий аҳамияти нималарда кўринади?
8. Ведачилик ахлоқшунослигида асосий эътибор нималарга қаратилади?
9. Буддҳачилик таълимотининг демократик хусусиятлари нималарда акс этади?
10. Даочилик ахлоқшунослигидаги ўзига хослик қай тарзда намоён бўлади?
11. Конфуций ва унинг издошлари илгари сурган асосий ғоялар нималардан иборат?
12. Арастугача бўлган Қадимги Юнон ахлоқшунослигининг ўзига хослиги нималарда акс этган?
13. Арасту ахлоқий таълимотининг мумтозлик моҳияти нимада?
14. Қадимги Румо мутафаккирларининг ахлоқий қарашларида қандай муҳим муаммолар кўтарилган?
15. .Янги ва энг янги давр ахлоқшунослигидаги ўзига хослик қай тарзда намоён бўлади?
16. Туркистон маърифатчи-жадидларининг ахлоқий қарашларида асосий эътибор нималарга қаратилади?
17. Ахлоқий муносабатлар.
18. Ирода эркинлиги муаммоси.
19. Шахснинг ахлоқий масъулияти

ЭТИКА ФАНИНИНГ АСОСИЙ КАТЕГОРИЯЛАРИ, АХЛОҚИЙ ТАМОЙИЛЛАР ВА МЕЪЁРЛАР. ДУНЁ ХАЛҚЛАРИНИНГ АХЛОҚИЙ МЕНТАЛИТЕТИ

Таянч тушунчалар: *муҳаббат ва нафрат, эзгулик ва ёвузлик, яхшилик ва ёмонлик, адолат, виждон, бурч, номус, идеал, инсонпарварлик, эркпарварлик, ватанпарварлик, миллатпарварлик, тинчликпарварлик, жўмардлик, ҳалоллик, ростгўйлик, хушмуомалалик, камтарлик.*

Ахлоқшунослик мезоний тушунчалари (категориялари) ибтидосининг ҳиссиётга бориб тақалиши Ахлоқий ҳиссиётларни ахлоқий англаш учун муайян маънода материал экани тўғрисида мумтоз файласуфлар эътиборга сазовор фикр билдирганлар. Инглиз мутафаккири Жон Локк таъкидлашича, *тушунчада нимаики бор экан, у бундан аввал ҳиссиётда мавжуд бўлган*. У «Табиат қонуни борасидаги тажрибалар» асарида шундай ёзади: *«Агар ҳиссиётдан ақлга нарсалар қиёфаси етказиб берилмаса, у ҳолда тафаккур учун ҳеч қандай материал берилмаган бўлади. Ақл билишнинг тараққий эттириши борасида тош, ёғоч, қум ва ҳоказо қурилиш материалларисиз меъмор бино қуришда қанчалик иш қила олса, шунчагина иш бажара билади».* Ақлни идеаллаштириш, ҳиссиётни иккинчи даражали омил сифатида талқин этиш, баъзи мутафаккирлар қарашларини ҳисобга олмаслик кейинги даврларда, айниқса, кучайди. Гегель сингари файласуфлар бутун борлиқни мантиқийлаштириш йўлидан бордилар. Лекин XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, Ғарб олимлари бу йўлнинг кўп жиҳатдан янглиш эканини англадилар. XX аср руҳий таҳлил фалсафаси янги фрейдчилик оқими намояндаси Карл Юнг шундай ёзади: *«Ғарб кишиси» руҳий (психологик) сўзини эшитганида, унинг учун «шунчаки руҳий» тарзида жаранглайди. Унинг учун «психе» (қалб) қандайдир, ачинарли даражада кичик, эътиборга нолойиқ, шахсий, субъектив в.ҳ... Шу сабабли «руҳ» (қалб) ўрнига «ақл» сўзини ишлатишни маъқул кўради...»* Дарҳақиқат, «юрак ва ақл», «ҳиссиёт ва онг» баҳсида Ғарб шубҳасиз, биринчиликни ақл, онгга беради. Юқоридаги каби фикрлар истисноли ҳоллардир. Шу боис ахлоқшунослик нуқтаи назаридан муҳаббат ҳақида гап кетса, уни ҳиссиёт, таърифлаш қийин бўлган туйғу, деб, уни тушунча тарзида олиб қарашдан чўчийдилар. Ҳолбуки, муҳаббат ахлоқий ҳиссиёт ҳамда ахлоқшуносликнинг бош мезоний тушунчасидир.

Ахлоқшунослик асосий мезоний тушунчаларининг моҳияти.Муҳаббат бош мезоний тушунча сифатида деярли барча асосий тушунча ва тамойилларда ўз «ҳисса»сига эга. Эзгулик, яхшилик, ватапарварлик, инсонпарварликни муҳаббатсиз тасаввур этиб бўлмайди. Муҳаббатнинг объекти доим гўзаллик, манфаатсиз гўзаллик. У – Аллоҳ, Ватан, ёрми – муҳаббат эгаси учун ундан-да гўзалроқ нарса йўқ. Айни пайтда бир объектни севган киши бошқа объектларни севмаслиги, «ўз-ўзича» якка, «худбин» муҳаббатнинг бўлиши мумкин эмас. Дейлик, ёрга бўлган ҳақиқий муҳаббат Ватан, инсониятга муҳаббатни инкор этмайди, аксинча, барқарор қилади. Инсон ўзи ўзгага айланганида, ўзгани ўзига айлантира олганида ҳақиқий муҳаббат эгаси ҳисобланади. Объект билан субъект орасидаги фарқнинг йўқолиши энг буюк, энг мукаммал лаззатдир. Буни мавлоно Фузулий ниҳоят гўзал тарзда ифодалайди:

Ишқдир ул, нашаъи комилким, андандир мудом
Майда ташвири ҳарорат, найда таъсири садо.

Муҳаббат – комил нашъа (комил лаззат), унга фақат комил инсонгина эриша олади. Демак, муҳаббат инсон ахлоқий ҳаётининг чўққиси, комиллик белгисидир. Шу боис ҳақиқий муҳаббат эгалари ёшлар томонидан доимо ахлоқий идеал тарзида қабул қилинади: Фарҳод ва Ширин, Ромео ва Жульетта, Отабек ва Кумушбиби...

Муҳаббат – олий туйғу маъносида олий тушунча. Лекин уни тубан, қуйи нарса-ҳодисаларга нисбатан қўллаш ҳоллари учраб туради. Баъзи ғарблик мутафаккирлар, айрим рус файласуфлари муҳаббат тушунчасини маййит (некрофил), мол-дунё, пулга нисбатан қўллайдилар. Фикримизча, уларга нисбатан «ўчлик», «ружу», «ҳирс» каби тушунчаларни қўллаган маъқул.

Муҳаббат «жуфтлик» хусусиятига эга, унинг зидди – нафрат. **Нафрат** тушунчаси, албатта, қамровли эмас. У аксилмуҳаббат тарзида объектдан четлашиш, ундан бегоналашишни тақозо этади. **Ҳазар** қилиш, **жирканиш** ҳисси нафратнинг

кундалик турмушдаги тор, «майда» кўринишидир. Нафратнинг уларга нисбатан «йириклиги» унинг ижтимоий ҳодиса сифатида намоён бўлишидир. Айни пайтда, бу тушунча ғазабдан кескин фарқ қилади. У **ғазаб**га ўхшаб, ўз объектини йўқотишга интилмайди, ундан фақат юз ўгиради. Нафрат кишида ёқимсиз таассурот уйғотса-да, аслида у иллат эмас, ахлоқий фазилат сифатида инсоннинг виждонлилиги, ботиний жасоратидан далолатдир.

Рашк тушунчаси ҳам борки, у ижтимоий ҳодиса эмас, фақат жинсий муҳаббат билан ёнма-ён келади. Муҳаббат соҳиби ўз севгиси ва севгилисини қизғаниб, асраб қолишга ҳаракат қилади. Қизғаниш ҳисса меъёридан ошиб кетганида рашкка айланади. Рашк эса – меъёрнинг бузилиши, иллат.

Муҳаббат ва нафрат жуфтлигида нафрат муҳаббатни инкор этмай, аксинча, унинг барқарорлигидан далолат берса, эзгулик ва ёвузлик жуфтлигида ҳар икки тушунча бир-бирини тамомила инкор этади. Улар орасида абадий шафқатсиз кураш кетади ва бу оламни ҳаракатга келтирувчи куч тарзида намоён бўлади.

Эзгулик ва ёвузлик одатий, кундалик ҳаёт мезонлари билан ўлчанмайди, улар муҳаббат сингари қамровли ва ижтимоийлик хусусиятига эга. Эзгуликнинг ахлоқий идеал билан боғлиқлиги боиси шу. У амалиётда қаҳрамонлик, ватанпарварлик, инсонпарварлик, жасурлик сингари тамойилларни ўз ичга олади. Буюк файласуфнинг фикрича[1], инсонлар асли «яхши» ёки «ёмон» бўлмайдилар. Яъни биров бировдан «кам» ёки «ортиқ» эмас. Бироқ ҳар қандай инсон эзгу ҳулқ, эзгу амални такрорлайверса, одатга айланиб, фазилат касб этади. Бунинг оқибатида бахт-саодатга эришади. Ўз навбатида бахт-саодат тушунчаси маърифат назарияси билан боғланиб, диний ва дунёвий жиҳатларни ўзида уйғунлаштиради. Айни ҳақиқатни теран англаган ёзувчи Т.Малик ўзининг «Одамийлик мулки» асарини инсонга хос фазилат ва иллатлар таҳлилига бағишлайди.

Эзгулик ахлоқшуносликнинг энг асосий категорияларидан. У инсон фаолиятининг асл моҳиятини англатади – Тангри иродасининг инсон қалбидаги тажассуми сифатида намоён бўлади. «Авесто»даги «эзгу ўй, эзгу сўз, эзгу амал» учлигидан тортиб, барча муқаддас китобларда унинг етакчи ўрин эгаллаши ҳам шундан.

Эзгулик – инсон шахсининг комиллик, бахт, жамиятни эса юксак тараққётга етказувчи восита. У инсон ахлоқий фаолияти туфайли муайянлашади, юзага чиқади. Уни синфийлик ёҳуд партиявийлик қобиғига ўраш мумкин эмас. «Синфий душман», яъни бирор шахс ёки гуруҳни рақиб бўлгани учун жисман йўқотиш, асло эзгулик эмас, билъакс том маънодаги ёвузликдир. Эзугулик ва ёвузлик инсон фаолиятини баҳолаш хусусиятига эга. Уни одамзотнинг улуғлиги ва тубанлигини ўлчайдиган муқаддас торозуга ўхшатиш мумкин. Инсон ва жамият камолоти шу мезон билан ўлчанади. *Масалан, Сталин ёвуз инсон, собиқ шўролар иттифоқи эса «ёвузлик салтанати» аталиб келгани ҳеч кимга сир эмас.*

Эзгулик ва ёвузлик билан яхшилик ва ёмонлик мазмунан айнан эмасми, деган савол туғилиши табиий. Чунки ҳозиргача бизга маълум ўзбекча адабиётларда эзгулик ва ёвузлик яхшилик ва ёмонликнинг синоними тарзида тақдим этилган. Бу жуфтликлар унсурлари ўзаро «сингишиб» кетгани уларни айнанлаштиришга мутлақо асос бўла олмайди. Улар орасида қатъий фарқ мавжуд: эзгулик ва ёвузлик ижтимоий хусусиятга эга, яхшилик ва ёмонлик эса ундай эмас. **Яхшилик** асосан шахс одоби, ҳулқига боғлиқ ижобий ҳодиса. Унда, мардлик, очиққўнгиллилик, ҳалоллик сингари

[1] Қаранг: Форобий Абу Наср. Фазилат, бахт-саодат ва камолот ҳақида /Муқаддима, таржима ва изоҳлар муаллифи: М. Қодиров; Масъул муҳаррир: А. Жалолов. – Т.: Ёзувчи, 2002. -64 б.

ахлоқий меъёрлар мужассам. Мисол тариқасида Алишер Навоийнинг фаолиятини олайлик. У ижодий меҳнатга умрини бағишлади, халқлар учун «Хазойин ул-маоний», «Ҳамса»дек буюк асарлар яратди. Бу эзгулик – абадий; унинг асарлари миллионлаб одамларга юзлаб йиллар мобайнида маънавий озиқ, инсонларни комилликка чорлаб келмоқда. Ўз умри давомида кўп яхшиликлар қилди – муҳтожларга қарз берди, уни кечиб юборди, йўллар, кўприклар қурдирган ва ҳ.к. Бу (яхшилик) ижобий ҳодисалар ўткинчилик хусусиятига эга. Демак, яхшиликни абадий ижтимоий ҳодиса – эзгулик билан айнанлаштириш тўғри эмас.

Бу икки жуфтликнинг яна фарқли томони: эзгулик ҳеч қачон ёвузликка айланмайди. Яхшилик ва ёмонликда эса бундай эмас: бирор объектга қилинган яхшилик бошқа объект ёки субъектнинг ўзи учун ёмонликка айланиши мумкин. *Ўзбек халқ эртакларидан бирида қувиб келаётган овчилардан бўрини қутқариб, қопга яшириб қолган деҳқоннинг ҳолати бунга мисол бўлади: бўри ўзига яхшилик қилиб, ўлимдан қутқарган одамни емоқчи бўлади, хайриятки, тулки деҳқоннинг жонига ора киради.*

Ахлоқшуносликнинг яна бир қамровли мезоний тушунчаси – **адолат**. Унинг ўзи бирор қадриятни англатмайди, бироқ қадриятлар орасидаги нисбатни белгилаб, уларни баҳолаш мақомига эга. Унда жамиятни тартибга солувчилик хусусияти: ахлоқий ва ҳуқуқий талаблар мужассам. У маълум маънода талаб билан тақдирлашни ўлчаб турадиган тарози. Адолат бор жойда ижитимоий жабр, бебошликка йўл йўқ. Ҳуқуқ вазирлигининг ҳатто адлия вазирлиги, жиноятга жазо белгиловчи, ҳукм чиқарувчи идораларнинг халқ суди, одил суд деган номлар билан юритилиши бунинг далили. Адолат нафақат фуқоролар орасидаги муносабатлар, балки давлат билан халқ, жамият билан шахс ўртасидаги алоқалар мезонини ҳам ўз ичига олади. Халқ орасида минг йиллар мобайнида одил подшо идеалининг яшаб келгани бежиз эмас.

Деярли бир ярим аср мобайнида **адолатсизлик** – миллий ифтихор ҳиссининг оёқ ости қилиниши, бегона иродани зўрлаб қабул қилдириш каби ҳолатларни бошдан кечирган халқимиз, энди мустақилликка эришиб, адолатли фуқоролик жамияти тузишга киришди. Адолат мустақил, келажаги буюк давлатимиз моҳиятини англатувчи тушунчага айланиб бормоқда.

Ахлоқшуносликнинг таъсир доираси кенг тушунчаларидан бири **виждон**дир.

Виждон – Зигмунд Фрейд таъбирича, «аъло мен», «мен» устидан назорат ўрнатиб, уни бошқариб турувчи иккинчи «юқори даражадаги мен». Агар уят ҳисси инсоннинг ташқи, жамиятга боғлиқлигидан келиб чиқса, виждон унинг ички ўз-ўзига боғлиқлигини намоён этади. Бу ички боғлиқлик ташқи боғлиқликка нисбатан теран ва доимийдир: уят маълум вақт ичида одамнинг ўз ножўя ҳаракати туфайли юзага келган ўнғайсизлиги бўлса, виждон азоби қалбдаги, одамийликка эътиқоднинг фарёди, талаби, уни қондирмас экансиз, ҳеч қачон оғриқдан тўхтамайди. Уят билан виждонни денгиздаги муз тоғига – айсберггга ўхшатиш мумкин: юзага уят тарзида чиқиб турган қисми теранликдаги қисмидан юз, балки минг баробар кичик.

Виждон ҳам баҳолаш хусусиятига эга. Лекин бу баҳолаш ҳеч қачон объектга қаратилмайди, у субъектнинг хатти-ҳаракатларини баҳолайди, яъни субъект ўзи учун ички объект вазифасини ўтайди. Баъзан жамият талаблари билан виждон ўртасида ихтилофлар чиқиши мумкин. Бунга виждон эмас, жамият талабларининг ўткинчилик хусусияти, маълум маънода эскирганлиги айбдор. Зеро, виждон кўзга кўринмас, лекин улкан ва мутлақ айбсиз ахлоқий ҳодисадир. Кўпинча ҳаётда виждон тушунчасининг синоними тарзида «имон» сўзи ишлатилади. Имон аслида диний тушунча. Масалан, кимнидир биров «иймонли одам» деганида, унинг диндорлиги ҳақида ўйлаб ўтирмайди, бунинг устига, у диний эътиқодда бўлмаслиги ҳам мумкин. Чунки бу ерда

гап ўша одамнинг виждонли, ҳалол, ростгўй эканлиги тўғрисида кетади. Шу маънода виждон ва иймон эгизак тушунчалардир. Виждонсиз одамдан ҳеч қачон адолатни, бурчга садоқатни, ор-номусни кутиб бўлмайди. Виждонли одамларгина ҳақиқий эркин, демократик фуқоролик жамиятини ярата оладилар. Виждон ўзгаларга нисбатан бурч ва масъулиятни тақозо этади.

Бурч моҳиятан жамият, давлат ва шахсларга нисбатан муайян индивиддаги муносабат, улар олдидаги мажбурият. У виждон, эътиқод, масъулият каби тушунчалар билан мустаҳкам алоқада.

Умуман, ҳаётда инсоннинг ҳар бир хатти-ҳаракати замирида бурчга садоқат ёки хиёнат ётади. Бурчнинг барча даврлар учун умумий: инсонлик, мусулмонлик, насронийлик, фарзандлик бурчи сингари кенг қамровли; журналистлик, шифокорлик, олимлик бурчи каби касбий одоб доирасидаги тушунчалари мавжуд. Бурч тушунчасининг ўзига хос жиҳатларидан бири – унинг вақт ва жамиятда муайянлашиш хусусиятидир. Чунончи, бир тузум ё жамиятда ижобий ҳисобланган бурч талаблари бошқаси учун салбий маъно касб этиши мумкин. *Собиқ шўролар фуқаросининг ўша давр мавжуд тузум олдидаги бурчи ҳозир салбий ҳодиса сифатида баҳоланиши бунга ёрқин мисолдир*.

Баъзан бурч шахснинг кўп майл-истакларига қарши боради: уни ҳузур ҳаловатдан маҳрум этади. Масалан, *Фурқат мустамлакачилар мафкурасига хизмат қилганида, ҳаёти роҳат фароғатда кечиши мумкин эди. Лекин у Ватан, миллат олдидаги бурчни деб муҳожирликнинг оғир қисматига дучор бўлди: уни мустамлакачилар мамлакат ҳудудидан чиқариб юбориб, қайта киритмадилар. Фурқат хорижда вафот этди*.

Баъзан бурч туфайли одамлар ўз севгиси, жон-дилидан севган кишисидан кечишга мажбур бўладилар. Хуллас, бурч ахлоқшунослик мезоний тушунчалари ичидаги энг «қаттиқ қўл», энг «шафқатсизи»дир.

Номус тушунчаси бурч ва қадр-қиммат тушунчасига алоқадир. Номус моҳиятан шахснинг ўз қадр-қимматини англаб етиши, шу қадр-қимматнинг жамият томонидан тан олиниши ёки олинмаслиги муносабати билан белгиланади. Гоҳида уни ор тушунчаси билан чалкаштириш ҳоллари кузатилади. Аслида, ор нисбатан анча тор қамровли тушунча. «Ориятли одам» деганда, ўз сўзининг устидан чиқадиган, садақа тарзида қилинган мурувватлардан баланд турадиган шахс тушунилади. «Беор одам» эса – ўз шаънига айтилган гапларга парво қилмай, айтилган-айтилмаган жойларга суқилиб кираверадиган сурбетнамо киши.

Номуснинг тоши оғир – ижтимоий хусусиятга эга. Номус йўлида инсон ҳатто ўз ҳаётидан кечиши мумкин, одамлар ўз номуси, оила, миллат номуси учун курашадилар. Тоҳир Малик шундай ёзади: *«Вақти келганда баъзи нарсалар учун жонни фидо қилиш мумкин. Аммо номусни ҳеч нарсага фидо қилиш мумкин эмас. Чунки номус жондан ҳам қимматлидир. Сувнинг софлиги унга қиймат бергани каби, инсоннинг номуси ҳам унга қадр келтиради»*[1].

Меҳнат, спорт сингари соҳаларда жамоа номуси алоҳида аҳамиятга эга. Бу ўринда номус обрў тушунчасига туташиб кетади: ўзини ҳурмат қилиш, ўзига нисбатан атрофдагилар ҳурмат-иззатини йўқотмаслик учун ўз-ўзини назорат қилиш ҳиссидан келиб чиқади.

Мазкур категорияларнинг барчаси баҳолаш табиатига эга. **Идеал, бахт, ҳаётнинг маъноси** сингари қатор ахлоқий тушунчалар муаммолик хусусияти (ўз ечимини талаб қилиши) билан ажралиб туради. **Ахлоқий идеал** қиёслашга асосланади. Антиқа

[1] Малик Т. Одамийлик мулки – “ҳусни хулқ” (ахлоқ китоби). – Т.: Шарқ, 2013. –Б. 481.

томони: номавжуд, ҳаёлдаги инсон, воқеликка реал, мавжуд, ҳаётдаги ҳодисалар қиёсланади, яъни бор нарса йўқ нарса билан ўлчанади. Идеал ҳаётда мавжуд бўлиши мумкин эмас. Бунинг устига идеал ҳозир ва келажак замонда бўлмайди, унинг мавжудлик шарти – ўтган замон. Лекин инсон идеал сари интилади, ўз ҳаётини унга қиёслайди, унга тақлид қилади. У инсон ҳаётидаги энг олий ахлоқий талаб, унинг бажарилиши шахсни нисбий комилликка етказади.

Дунёвий (ижтимоий-ахлоқий) ва диний идеал орасида кескин фарқ бор. мусулмонлар учун – Муҳаммад алайҳиссалом, насронийлар учун – ҳазрати Исо, яҳудийлар учун – ҳазрати Мусо идеал ҳисобланади. Бу идеаллар ҳеч қачон ўзгармайди, боқий. Ижтимоий-ахлоқий идеаллар кўпинча ўзгариши мумкин. Масалан, шўролар даврида ўша тузум асосчиси Ленин – энг юксак ахлоқий идеал сифатида талқин этиларди. Эндиликда «Куч – адолатда!» шиорини дастуруламал қилган буюк аждодимиз Амир Темур кўпчилик томонидан адолатли давлат раҳбарининг идеал тимсоли тарзида қабул қилинди. Фаолияти ниқобланган ахлоқсизликдан иборат Ленин, Сталин, Гитлер каби ижтимоий идеалларни алданган кўпчилик намуна деб билдилар.

Бундай салбий ҳодисаларга қарамай, идеал инсоният жамиятида, шахс ҳаётида ижобий, ёруғ маёқ вазифасини ўтайди. Чунки идеалда ҳар бир инсон ўз бахтининг ҳиссиётли ифодасини кўради, ҳаёти маъносини унга қараб интилишда топади.

Ахлоқий тамойиллар, меъёрлар ҳамда уларнинг инсон ва инсоният жамияти тараққиётидаги аҳамияти. Категориялар каби **ахлоқий тамойиллар** ҳам ахлоқий англаш шаклларидан ҳисобланади. Улар жамият томонидан шахсга қўйиладиган умумий талаб тарзида намоён бўлиб, инсоннинг ахлоқий моҳияти, унинг ҳаёти мазмуни, одамлар билан ўзаро алоқаларидаги асосий жиҳатларини белгилаб беради. Натижада кўп ахлоқий меъёрлар учун асос бўлиб хизмат қилади.

Ахлоқий тамойилларнинг энг қадимий ва энг муҳими – **инсонпарварлик**– умуминсоний қадриятлар сирасига киради. У – инсоннинг юксак ижтимоий вазифасини белгилаб, барқарор этадиган ғоя, қараш ва эътиқодлар мажмуи; шахс эрки, қадр-қиммати, унинг бахтли бўлиш ҳуқуқини талаб этиш имконининг мавжудлигига енгилмас ишонч. Инсонпарварлик, инсонийлик деган маънони билдирувчи «намлулу» сўзи бундан уч-тўрт минг йиллар аввал қадимги Сомир мих хатларида учрайди.

Инсонпарварлик марказида муайян шахс турмоғи лозим. Ҳар бир шахс инсоний ҳуқуқларини таъминлаш учун курашиш – инсонпарварликнинг асосий вазифаси.

Эркпарварлик тамойили инсонпарварликнинг маълум маънода муайянлашган бир қисми ҳисобланади. Бу олий қадрият ҳақида Т.Алимардонов “Эркинлик руҳи” асарида атрофлича муҳокама юритади.

У инсоннинг энг олий ҳуқуқи – эркин, озод яшаш ҳуқуқини ҳимоя қилиши билан муҳимдир. Зеро, эрксиз инсон – тутқун, эрксиз миллат – қул, эрксиз мамлакат – мустамлака. Эркпарварлик, аввало, ўз миллати, ўз Ватани эрки учун, қолверса, бошқа миллат ва ватанлар эрки учун курашни ҳаётининг мақсадига айлантирган инсонлар тамойилидир. Айни пайтда, бу тамойил кенг ижтимоий-сиёсий маънода ҳам қўлланилади. Буни эркпарвар давлатлар фаолиятида кўриш мумкин.

Одатда, эркпарвар шахслар муайян давр қаҳрамонларига айланадилар. *Бунинг ёрқин мисоли буюк инглиз мумтоз шоири Жорж Байрон сиймосидир. У ўз Ватани Англияда Ирландия озодлиги, ирландлар эрки учун курашди: кўпчиликнинг ҳайрати ва нафратига учради. Ватанини тарк этишга мажбур бўлган шоир ўзга ватанлар эрки учун курашга отланди, Италияни Австрия истибдодидан озод қилиш ҳаракати раҳбарларидан бирига айланди:*

Эрк учун Ватанда қилолмасанг жанг,
Сен қўшни ватанлар эрки деб кураш;
Юнону Румонинг туғин тут таранг,
Бошингни тика бил эрк учун саркаш!
Эзгулик йўлида бўлсанг қаҳрамон,
Сен инсон эрки деб курашсанг озод,
Бир, куни, сиртмоқдан гар қолсанг омон,
Жўмард деб алқагай сени одамзот!

Италиядаги озодлик ҳаракати мағлубиятга учрагач, у қадим Юнонистонни Туркия зулмидан халос этиш учун курашди. У Юнонистонда, Миссолунги шаҳрида оғир безгакдан вафот этди. Унинг ўлими ҳам истибдодга қарши шиорга айланди: қўзғолончилар: «Байрон учун!» деган жанговар ҳайқириқ билан жангга отилдилар. Эрксевар қўмондон ва улуғ инсон хотирасига юнон халқи йигирма бир кун мотам тутди. Черковларда Байрон ҳаққига ибодат қилинди.

Дарҳақиқат, эркпарварлик тамойилини ҳаётининг маъноси деб билган инсонларнинг маънавий умри боқийдир.

Ватанпарварлик – инсоннинг ўз Ватанига муҳаббати, уни асраб-авайлашга бўлган иштиёқини англатувчи ахлоқий тушунча. Унинг қамрови кенг – инсонпарваликнинг нисбатан муайянлашган шакли. У ўз ватандошлари эркини асраш учун кураш, инсон озодлиги йўлидан хатти-ҳаракатлардир. Ватан ҳимояси, бу – инсон, миллат ҳимояси. Лекин бу ҳимоя фақат жанг майдонида эмас, балки барча соҳаларда намоён бўлади. Ҳар бир соҳада Ватан эришган муваффақиятлардан қувонч, муваффақитсизликлардан қайғу ҳиссини туюш, Ватан билан ғурурланиш, унинг ҳар бир қарич ери, биносининг ҳар бир ғишти, қадимий обидалари, илм-фан ва санъатдаги ютуқларига меҳр билан қараш, уларни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш – булар ҳаммаси ватанпарварликдир.

Ҳозирги пайтда ёшларда ватанпарварлик туйғусини тарбиялаш, уларни Ватан маъносини теран англаб етишга ўргатиш, ватанпарварлик – юксак ахлоқий тамойил эканини тушунтириш фаннинг долзарб вазифаси ҳисобланади.

Миллатпарварлик – маълум маънода, ватанпарварлик тамойилининг янада муайянлашган шакли. Зеро, миллатни севиш кенг маънода Ватанни севиш, дегани. Ватансиз миллатнинг бўлиши ёки ростмана эркин ва бахтли яшаши мумкин эмас.

Лекин миллатпарварликни миллатчилик билан чалкаштириб юбормаслик лозим. **Миллатчилик** ўз миллатини ажратиб, унга буюклик мақомини беришга интилиш бўлса, миллатпарварлик, бошқаларни асло камситмай, ўз миллати равнақи йўлида курашиш, ҳатто, жонини фидо қилиш, демак. У инсонпарварлик билан уйғун тушунча.

Асл миллатпарвар – миллий ўзлигини англаб етган инсон: ўз миллати билан фахрланади, у билан жаҳоннинг фахрланишини истайди. *Навоий дўппи билан тўн кийган ўзбекни ҳар қандай шоҳ жамолидан афзал кўради:*

Шоҳу тожу хилъатеким, мен томоша қилғали
Ўзбаким бошида қалпоқ, эгнида шардоғи бас.

Бироқ Навоий шу ғурурланиши баробарида ўзгаларга кибр билан қараган эмас, аксинча, форсийзабон Жомийга ғоят ҳурмат-иззат кўрсатиб, унга, пирим, деб қўл берган.

Асл миллатпарвар инсонларнинг умри миллатнинг умри каби мангудир. Миллат йўлида ўз жонларини тиккан Мунаввар қори, Беҳбудий, Фитрат, Чўлпондек фидоийларни халқ ҳеч қачон унутмайди.

Тинчликпарварлик уруш, қон тўкишнинг ҳар қандай кўринишини инкор этади. Баъзи улуғдавлатчилик ва буюкмиллатчилик руҳи ҳукмрон жамиятларда тинчликпарварлар қувғин қилинади, зиндонга ташланади. Тинчликпарварлар инсониятни барча баҳсли масалаларини тинч йўл билан ҳал қилишга чақирадилар, Ер юзида тинчлик ўрнатиш учун тинимсиз кураш олиб борадилар.

Жўмардлик тамойили Шарқда қадимдан мавжуд. Европада уни **альтруизм** номи билан Огюст Конт илимий муомалага киритган. У кишида ўз қавмдошига ачиниш ҳиссидан, унга бахт ва фаровонлик тилаш туйғусидан келиб чиқади, моҳиятан беминнат хайрияга асосланади. Миллий ахлоқшунослигимизда **ўзбекчилик, меҳмондўстлик** каби тамойиллар амал қилади. Улар миллатимизнинг энг яхши анъаналарига садоқат туйғусидан келиб чиқади ва ўзбек кишисига хос бағрикенглик, дўстга, меҳмонга борини бағишлашдек фидойилик хусусиятларини ўзида мужассамлаштиради. Айни пайтда, бу тамойилларни суистеъмол қилиш ҳоллари тез-тез учраб туради. Шунга қарамай, улар халқимизнинг ўзига хослигини таъкидлайди. Жаҳон халқлари бу тамойиллар соҳиби ўзбек миллатига ҳамиша эҳтиром, ҳавас ва ҳайрат билан миннатдорчилик билдирадилар.

Инсон ҳаётида муҳим аҳамиятга эга **ахлоқий меъёрлар** тамойилларга нисбатан анча содда, умумлашмаган, тор қамровли. Уларни кундалик ҳаётимизда муайян ахлоқий тамойилларнинг амалга ошиш мурватлари дейиш мумкин. Улар ахлоқий талабларнинг энг оддий шакли сифатида рўёбга чиқади. **Ҳалоллик, ростгўйлик, хушмомалалик, боодоблик, камтарлик** меъёрлари, айниқса, диққатга сазовор. Ҳалолликни дастлабки тор диний мазмунида – қайси таом ҳаром-у, қайсиниси ҳалол, маъносида тушунмаслик лозим. У аллақачон умуминсоний маъно касб этган меъёрга айланган. Ҳалоллик ва ростгўйлик виждон тушунчаси билан боғлиқ, инсоннинг ўзгага муносабати ўзига муносабатидек соф бўлишини талаб этувчи маъёрлардир.

Дунё халқларининг ахлоқий менталитети. Биз шу ўрингача, эътибор қилсангиз, ахлоқни бутун инсоният учун умумий ҳодиса сифатида талқин этиб келдик. Зотан, ахлоқ энг аввало, умуминсоний анъанавий ҳодисадир. Асосий ахлоқий қадриятлар, муштарак ахлоқий тушунчалар, ахлоқий тамойил ва меъёрлар барча минтақалар ҳамда миллатлар учун бир хил маъно касб этади. Чунончи, муҳаббат, эзгулик ва ёвузлик, яхшилик ва ёмонлик, виждон, бурч, инсонпарварлик, одамийлик, бахт, тўғрилик, ростгўйлик, сахийлик ва бахиллик сингари фазилат ҳамда иллатлар том маънода умуминсоний ҳодисалардир. Зеро, ўзбекча эзгулик ёки ёвузлик, инглизча виждон, французча инсонпарварлик, арабча ёлғон, дейиш мумкинми? Албатта, йўқ.

Лекин, айни пайтда, ахлоқда умуминсонийлик жиҳатларидан ташқари, минтақавийлик ва миллийлик хусусиятлари ҳам муҳим аҳамият касб этади. Минтақавийлик ва миллийлик хусусиятлари ахлоқнинг нисбатан кичикроқ қамровга эга бўлган кўринишларида - хулқий хатти-ҳаракатлар, одоб ва этикетда яққол кўзга ташланади. Чунончи, мусулмон минтақасида дастурхон устида бош кийимсиз ўтириш беодоблик ҳисобланади. Бунинг одобдан ташқари гигиеник-озодалик нуқтаи назаридан ҳам аҳамияти бор: овқатланиш пайтида рўмолсиз аёл ёки дўпписиз эркак бошидан соч толаси, қазғоқ, чанг-гард таомга ёки дастурхонга тушиши мумкин. Насронийлар минтақасида эса аксинча, дастурхон устида бош кийимни ечмаслик Худо инъом этган таом ва дастурхонга ҳурматсизлик саналади. Ёки америкалик йигит ўзи креслода ўтириб, оёқларини кулдон ва ичимлик ашёлари турган столчага чалиштириб ташлаб, ором олади ва унинг учун бу табиий ҳол ҳисобланади.Ўзбек учун эса столга ёки хонтахтага оёқ қўйиб ўтириш - ўта одобсизлик. Ғарбу Шарқ минтақалари одобида яна бир катта фарқ борки, бу ҳозирги пайтда Ғарбда ҳуқуқнинг

ахлоқдан, Шарқда ахлоқнинг ҳуқуқдан устуворлиги масаласи. Ғарб ёшлари балоғатга етгач, ота-онага тенг ҳуқуқли фуқаролар сифатида муносабат қилади, ўзининг қарши фикрини тўппа-тўғри, ота ё онасининг юзига тик қараб баён қилади ва буни инсон ҳуқуқларидан, шахс эркинлигидан фойдаланиш деб билади. Шарқ ёшлари, масалан, япон ёки ўзбек ота-онага тик гапиришни, тўғридан-тўғри қарши чиқишни анъанавий ахлоқий қоидаларнинг оёқости қилиниши деб тушунади, падари ё волидасига кўзини ерга тикиб, мулойим, ўз фикрини товуш кўтармай айтишни, баъзан эса сукут сақлашни афзал деб билади, уларга бўйсунишни бурч сифатида олиб қарайди. Афсуски, баъзи Ғарб мамлакатларида кекса авлодни ёшлар ҳуқуқий ҳаётига, эркинлигига ғов деб билиш ҳоллари мавжуд. Бунга кейинги пайтларда Англияда бир қанча ёшлар гуруҳларининг кўчада кетаётган қарияларни тутиб дўппослашлари оқибатида юзага келган ўнлаб суд жараёнлари гувоҳлик беради. Тўғри, шарқона этикет, одобий қонун-қоидаларнинг анъанавийлик билан боғлиқ, замонавий нуқтаи назардан баъзи нуқсли томонлари бор. Лекин, шунга қарамай, уларда инсонийлик ва меҳр-оқибат туйғулари мустаҳкам илдизга эга. Ғарбда эса ҳозирги пайтда бундай фазилатларни учратиш тобора ғайритабиий ҳолатга ўхшаб қолаётир. Шу боис эндиликда Ғарбнинг ҳуқуқийлик тамойилини Шарқнинг ахлоқийлик тамойили билан уйғунлаштириш замонавий жамият тараққиётида муҳим рол ўйнайди.

Такрорлаш учун саволлар

1. Муҳаббатнинг ахлоқшунослик мезоний тушунчаси (категорияси) сифатидаги моҳияти нимада?
2. Эзгулик ва ёвузлик мезоний тушунчаларининг ижтимоийлик хусусиятлари нимада?
3. Яхшилик ва ёмонликнинг эзгулик ва ёвузликдан фарқи нималарда кўринади?
4. Адолатнинг жамият ва шахс ахлоқий ҳаётидаги ўрни қандай хусусиятлар билан белгиланади?
5. Нима учун Виждон ахлоқшуносликнинг энг муҳим мезоний тушунчаларидан ҳисобланади?
6. Бурч тушунчасининг ахлоқий моҳиятини қандай изоҳлаш мумкин?
7. Номус тушунчасининг ахлоқий ҳаётдаги аҳамияти нима билан белгиланади?
8. Идеалнинг моҳияти ва инсон ҳаётида тутган ўрни қай тарзда намоён бўлади?
9. Ахлоқий тамойилларнинг инсон камолотига таъсири қай тарзда рўй беради?
10. Шахс ҳаётида алоқий меъёрлар қандай ўрин тутади?

НИКОҲ, ОИЛА ВА ДАВЛАТНИНГ АХЛОҚИЙ АСОСЛАРИ. МУОМАЛА МАДАНИЯТИ ВА ЗАМОНАВИЙ АХЛОҚ

Таянч тушунчалар: *оила, никоҳ, тарбия, фуқаролик жамияти, давлат, мустаҳкам оила.*

Оила – илк ахлоқий маскан сифатида.Оилани фуқаролик жамияти, давлатнинг энг муҳим ҳужайраси. Чунки ҳар бир жамият аъзосининг тарбияси оиладан бошланади. Оила уч жиҳатни: никоҳ, оилавий мулк, фарзандлар тарбиясини ўз ичига олади.

Қонунга биноан никоҳ тузиш шартларида энг муҳимлари – никоҳга кирувчиларнинг ўзаро розилиги ва уларнинг никоҳ ёшига етганликлари. Ўзбекистонда йигитлар – 18, қизлар – 17 никоҳ ёшдан никоҳ муносабатларига киришлари

белгиланган. Бу – масаланинг ҳуқуқий томони бўлса, унинг ахлоқий жиҳати, муҳаббат, вафо, садоқат билан боғлиқ. Никоҳ тузишдан аввал икки ёш орасида гоҳ ошкора севги – мунтазам учрашув, аҳду паймонлар қилиш ёки орқаворотдан бир-бирини ёқтириши ҳоллари бўлиши мумкин. Ҳар иккала ҳолда ҳам розилик ўзгармас шарт ҳисобланади.

Ривоят қилишларича, пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом уйларига совчи келганида, қизлари Фотимадан ҳар гал розилик сўраганлар ва рад жавоби олганлар. Фақат Ҳазрат Али совчи қўйганларида, Фотима онамиз розилик берганлар. Демак, фарзанд розилигини олиш бизга пайғамбаримиздан қолган суннат. Аксарият ёшларимиз совчи орқали турмуш қурадилар. Одатда совчи келиб кетгач, йигит билан қиз учраштирилади, иккиси бир-бирини маъқул кўрсагина, фотиҳа қилиниб, тўй тараддуди кўрилади. Жуда кўп ҳолларда бундай ёшлар ўртасида кейинчалик ҳақиқий муҳаббат шаклланади. Абдулла Қодирий «ўтган кунлар» романида тасвирлаган Отабек билан Кумуш ўртасидаги севгини бунинг мумтоз намунаси деса бўлади. Албатта, муҳаббатнинг ҳам ўз даражаси бор: Лайли ва Мажнун муҳаббатидек романтиқ-сурурий севги реал ҳаётда камдан-кам учрайди. Оилавий муҳаббат маълум маънода салобатли, яширин тарзда намоён бўлади.

Кейинги пайтларда никоҳ билан муҳаббатнинг ўзаро чиқишмаслиги ҳақидаги фикрлар Ғарб мутафаккирларида анчадан буён мавжуд. Эрих Фромм индустриал жамиятда муҳаббат камдан-кам учрайдиган ҳодиса эканини, никоҳнинг асосида бошқа – молиявий, сиёсий, иқтисодий сабаблар ётишини таъкидлайди. Айни маънода Жорж Байроннинг «Дон Жуан» шеърий романидаги қуйидаги сатрларни келтириш мумкин:

Бу жуда қайғули ҳодиса шаксиз,
Инсоннинг кажлиги, жинояти бу;
Илдизи гар битта бўлса ҳам, ҳаргиз
Чиқишмас никоҳ ва муҳаббат мангу:
Сиркага айланган винодак, эсиз,
Никоҳ маст қилмовчи тахир, нордон сув,
Вақт ундан жаннатий бўйни оладир,
Рўзғору ошхона ҳиди қоладир.

Бу мисралар ярим киноя, ярим ҳазил қабилида бўлса-да, уларда маълум маънода ҳаётий асос бор. Агар муҳаббат ҳар икки томондан эъзозлаб, авайлаб-асралмаса, ундаги жаннатий бўйни йўқотиб қўйиш ҳеч гап эмас. Зеро, дунёдаги ҳамма нарса-ҳодисалар каби муҳаббат ҳам парваришга муҳтож.

Никоҳ ўз моҳиятан ахлоқий ҳодиса. Унда эҳтиролар ахлоққа бўйсундирилади. Оиланинг яна бир жиҳати – унинг ўз мулкига эгалиги. Агар никоҳ оиланинг ботиний кўриниши бўлса, оилавий мулкни унинг ташқи кўриниши дейиш мумкин. Оиланинг мавжуд бўлиши учун ишлаб топиладиган маблағ ҳам зарур. Оила учун топиладиган шу маблағ, шубҳасиз ахлоқий табиатга эга: оила бошлиғи оила аъзоларини ҳалол едириб-ичириши, кийдириши лозим. Оилани эркак киши бошқаради. У нафақат «топиб келади», балки оилавий мулкка хўжайинчилик қилиш, уни тақсимлаш ҳуқуқига ҳам эга.

Оилада фарзанднинг аҳамияти ниҳоят катта. Ота-она фарзандда ўз жуфти ҳалолини кўради: болада эр-хотин муҳаббати предметлашади, жонланади. Фарзанд – оилани тутиб турувчи жонли муҳаббат. Болалар оилада умумий оилавий мулк ҳисобига яшайдилар, тарбия оладилар.

Оилада болалар интизомли бўлиб улғайишлари, ота-онага бўйсинишлари лозим. Лекин интизом қулликка ўргатиш эмас, балки болаларига ҳос эрка-тантиқлик,

ўзбошимчалик сингари салбий иллатларни йўқотишига хизмат қилади. Шу боис оила илк ахлоқий тарбия маскани сифатида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Оила турли сабаблар билан бузилиши мумкин. Оиланинг «ахлоқий нуқтаи назардан бузилиши»да: болалар балоғатга етгач, эркин шахс сифатида янги оилага асос солиниши – ўғил болаларнинг уйлантирилиши, қизларнинг турмушга узатилиши назарда тутилади.

«Уйли-жойли» қилинган фарзандларга янги оилани дастлабки пайтларда моддий муҳтожликдан сақлаб туриш учун етарли уй-рўзғор ашёлари ажратилади.

Шунингдек, ота-онанинг вафоти туфайли оила мулкининг мерос бўлиб, бир ёки бир неча фарзандга ўтиши муносабати билан оиланинг «табиий бузилиши» ҳам мавжуд. Бундан ташқари никоҳ бекор қилиниши муносабати билан оила бузилади. Аслида никоҳ диний ва дунёвий нуқтаи назардан бузилмаслиги керак. Афсуски, ўртада хиёнат содир бўлиши ёки «икир-чикир» маиший сабаблар туфайли ҳам никоҳ бузилади. Никоҳни фақат ахлоқий обрўга эга, қонуний тан олинган идоралар (суд, ваколатли руҳоний) бекор қилиши мумкин. Ҳар бир жамият шу сўнгги тур оила бузилишига қарши курашади. Бу тур оила бузилиши қанча камайса, ўша жамият ахлоқий такомиллашиб бораётганидан дарак беради.

Фуқаролик жамияти ва давлатнинг ахлоқий моҳияти. Ватанимиз мустақилликка эришганидан кейин жамиятнинг бош бўғини оилага эътибор масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ўзбекистон Республикаси Конститутцияси 14-боб, 63-модасида шундай қайд этилган: «Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга».

Мустақиллик йилларида ҳар бир янги йилга ном бериш анъанаси негизида ҳам ушбу мақсад-муддао бор. Жумладан, 1998 йил «Оила йили»; 1999 йил «Аёллар йили»; 2000 йил «Соғлом авлод йили»; 2001 йил «Она ва бола йили»... 2012 йил «Мустаҳкам оила йили»; 2013 йил «Обод турмуш йили»; 2014 йил «Соғлом бола»; 2015 йил «Кексаларни эъзозлаш» йили деб аталиши бу борадаги хайрли ишларнинг мантиқий давомидир.

Дастлабки ахлоқ маскани – оилалар йиғиндиси фуқаролик жамиятини, миллатни ташкил этади. Фуқаролик жамияти моҳиятан оила билан давлат ўртасидаги даража. Фуқаролик жамиятида яхши, бадавлат, бахтли, ҳуқуқий яшаш ниятида ҳар бир фуқаронинг интилиши пировард натижада бутун жамиятнинг фаровон тараққиётига олиб келади.

Фуқаролик жамияти ўз аъзоларининг шахсий эркинлик ва ҳуқуқларини ҳимоя қилади, одил суд воситасида улар мулкига дахл қилинишига йўл қўймайди. Фуқаролик жамияти турли қатламлари орасида табақавий ёки синфий зиддият сингари ҳодисалар рўй бериши мумкин эмас. Чунки бунда шахс – давлат фуқароси, муайян инсон манфаатлари биринчи ўринда туради ва улар ахлоқий ва қонуний ҳимоя қилинади.

Ҳозир мамлакатимизда эркин, демократик фуқаролик жамиятини барпо этишга киришганмиз. Бу жамият, маълум маънода, ғарбликлар тасаввуридагидан фарқли равишда ахлоқий-маънавий йўналишнинг устуворлигига эътибор қаратилади. Шу нуқтаи назардан биз қураётган фуқаролик жамияти Ғарб дунёси учун ўрнак бўлиши мумкин. Чунки Ғарб жамиятлари сўнгги пайтда ахлоқийликни ҳуқуқийликнинг юқори босқичи сифатида қабул қилмоқдалар. Бизнинг менталитетимизда ҳар бир «ахлоқийлик» ўзбек қалбига қувонч, ўз инсонлик бурчини бажарганлик ҳиссини тўлдиради.

Бизда маҳаллалар борлиги фуқаролик жамияти қуришни маълум маънода тезлаштиради. Ўзбек маҳаллалари том маънода ахлоқий тарбия маскани; оила бошлиқлари болага қанчалик тарбия бера олса, ўша оила яшаётган маҳалланинг

тарбия борасидаги ҳиссаси ҳам шунча. Маҳаллада халқимиз қадимий демократик анъаналари ҳозирда ўз кучини йўқотган эмас. Маҳалла оқсоқоли оддий ўқитувчи бўлиши мумкин. Маҳаллада яшаётган, ҳукумат аъзоси, миллионер тижоратчи, фаррош, одий ўқитувчи бир хилда маҳалладошлик мавқеида. Уларнинг фарқланиши фақат ахлоқий жиҳатдан белгиланади. Шу хусусиятларига кўра маҳалла ўз-ўзини бошқариш тузилмаси сифатида оиладан фуқаролик жамиятига ўтишда ахлоқий кўприк вазифасини бажаради.

Бу борада Ислом Каримовнинг қуйидаги сўзлари айни ҳақиқатдир: *«Шу маънода маҳаллани ўз-ўзини бошқариш мактаби, таъбир жоиз бўлса, демократия дарсхонаси, деб аташ мумкин».*

Гегель давлатни ахлоқий ғоянинг воқе бўлиши, деб таърифлайди. У табиий муносабатларни маънавий муносабатлар билан муқояса қилиб, оилани – ҳиссиётга, фуқаролик жамиятини – асабнинг таъсирланиш қобилиятига, давлатни эса асаб тизимига ўхшатади.

Одатда, давлатнинг мақсади ўз фуқароларини бахтли қилиш ҳисобланади. Агар фуқаролар қийналса, уларнинг субъектив эҳтиёж-мақсадлари қондирилмаса, давлатнинг мустаҳкамлиги шубҳа остида қолади. Давлатнинг асоси – сиёсий тузум. Унинг тақдири ҳам ана шу сиёсий тузумга боғлиқ.

Талай турли бошқарув ва ташкилий институтлардан иборат давлатнинг энг муҳим ахлоқий вазифаси – тарбия. Мактабгача, мактаб ва олий ўқув юртларида давлат томонидан таълим билан қўшиб олиб бориладиган тарбия алоҳида аҳамиятга эга.

Демократик тамойилларни амалга ошириш жараёнида давлат ва фуқаролар тенг, қабилида иш кўрмаслиги лозим; ҳамманинг ҳуқуқий тенглигини тан олган ҳолда, ижтимоий тенглаштириш тамойилига йўл қўймаслик керак.

Давлатнинг мавжуд бўлиш шарти унинг суверенитети.

Давлат ва фуқаролик жамиятидаги ахлоқий юксаклик даражасини фуқаролар ахлоқий маданияти белгилайди. Шахс ахлоқий тараққиётининг белгиси саналмиш **ахлоқий маданият** шахснинг жамият ахлоқий тажрибаларини эгаллаши ва улардан бошқалар билан муносабатларида фойдаланиши, ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориши сингари жиҳатларни ўз ичига олади. У ахлоқий тафаккур маданиятининг қатор унсурларини ўз ичига олган тузилмадир.

Ахлоқий маданиятнинг энг муҳим унсурларидан бири – муомала одоби. Инсон зоти бир-бири билан ҳамкорлик қилмасдан, ўзаро тажриба алмашмасдан, бир-бирига таъсир кўрсатмасдан ростмана яшаши мумкин эмас. Муомала одам учун эҳтиёж, зарурат. Шу ўринда инглиз ёзувчиси Даниэл Дефо қаламига мансуб «Робинзон Крузонинг саргузаштлари» асарини эслаш кифоя: Жумабойни топиб олган Робинзоннинг қувончи сабаби шунда.

Муомала одоби бошқа кишилар қадр-қиммати, иззатини жойига қўйиш, анъанавий ахлоқий меъёрий талабларни бажаришни тақазо этади. У сўз, нутқ воситасида рўй беради. Сўзлаш ва тинглай билиш, суҳбатлашиш маданияти муомаланинг муҳим жиҳатларини ташкил этади. Шу боис, муомала одоби ўзини ширинсуҳанлик, камсуқумлик, босиқлик, хушфеъллилик сингари ахлоқий меъёрларда намоён қилади.

Муомала одобининг «кўзгуси» – инсон нигоҳи. Маълумки, одамнинг қараши, юз ифодаси, қўл ҳаракатларида қай сабабдандир тилга чиқмаган, сўзга айланмаган ҳиссиёти, ўз аксини топади. Суҳбатдоши гапини охиригача эшитмай, қўл силтаб кетиш – муомаладаги маданиятсизликни англатади. Баъзан қараб қўйишнинг ўзи сўздан кучлироқ таъсир кўрсатади. *Дейлик, бир қурувчи уста ўз шогирдининг хатти-ҳаракатларидан норозилигини билдириш учун бош чайқаб, жилмайиб қўйиши мумкин.*

Иккинчи уста эса, бир лаҳза ўқрайиб қараш билан муносабатини ифодалайди. Шубҳасиз, биринчи уста муомалада одобга риоя қилган бўлса, иккинчиси аксинча – шогирдининг эмас, ўзининг одобсизлигини кўрсатмоқда.

Умуман олганда, муомала одоби кишиларнинг насиҳат ва одоб ўргатишсиз бир-бирига таъсири ва ўз-ўзини тарбия воситаси сифатида диққатга сазовор. Шу сабабли ёшларимизда муомала одобини шакллантириш ҳозирги кунда жамиятимиз олдида турган муҳим вазифалардан. Бунда ота-она, маҳалла-кўйнинг таъсири катта. Ундан фойдалана билаш керак.

Ахлоқий маданият яққол кўзга ташланадиган муносабатлардан бири – **этикет**. У инсоннинг ташқи маданияти, ўзаро муносабатларда ўзни тутиш қонун-қоидалари бажарилишини бошқаради. Этикет муайян ҳолат учун фақат бир хил қоидалаштириб қўйилган хатти-ҳаракатни тақозо этади. Этикетнинг қамрови кенг, маълум маънода, халқаро миқёсда қабул қилинган муомала қонун-қоидаларини ўз ичига олади: сиёсий арбоб этикети, меҳмондорчилик этикети ва ҳ.к. *Этикетга риоя қилишнинг муттоз намунасини тез-тез телевизор экрани орқали кўриб турамиз: юртбошимиз Ислом Каримовга ҳорижий мамлакатлар элчиларининг ишонч ёрлиқларини топшириш маросимларида фақат бир хил ҳолат, ҳалқаро миқёсда ўрнатилган қоида ҳукмрон. Президент ва элчиларнинг уни бузишга ҳаққи йўқ. Ёки оддий мисол: дастурхонда тановул пайти, пичоқни ўнг қўлда ушлаш замонавий меҳмондорчилик этикетининг қатъий қоидаси. Уни бузиш атрофдагиларда ҳайрат ва истеҳзо уйғотади.* Шу боис, этикетни одат тусига айлантирилган, қатъийлаштирилган муомала одоби дейиш ҳам мумкин.

Этикет – такаллуфнинг майда-чуйда жиҳатларигача ишлаб чиқилган одоб қоидалари сифатида ижобий, кишининг кўзини қувонтирадиган муомала ҳодисаси. Айни пайтда, у асл ахлоқий асосини йўқотган мажбурий мулозамат тарзида ҳам намоён бўлади: этикет қоидаларини бажараётган киши аслида ўз хоҳиш-ихтиёрига қарши иш кўраётган бўлиши мумкин. Қайсидир маънода мунофиқликнинг бир кўринишига айланади. *Масалан, эрталаб ишга шошилиб, дарвозадан чиққан киши рўпарасида қўшниси учрайди. Кўришиб, ҳол-аҳвол сўрашилгач, одатда, бир-бировини ичкарига таклиф қилинади: «Қани, уйга кирамиз, чой қиламиз, бир ҳангомалашамиз». Лекин аслида, ишга шошаётган одамнинг вақти тиғиз.* Демак, инсон ўз истагига қарши, этикет-мулозамат юзасидан ёлғон гапларни айтади – «мунофиқлик» қилади. Аммо, этикет шахсни муайян тартиб-қоида, ҳар қандай ички руҳий шароитда босиқлик, мулойимлик ва сабр-тоқатга ўргатиши билан аҳамиятлидир.

Ахлоқий маданиятнинг энг юксак шаклларидан бири **касбий одоб**дир. Чунки инсон вояга етиб, бир касбнинг бошини тутгач, ўз касби доирасида ҳамкасблар ва касб талабига биноан учрашадиган турли тоифа одамлар билан мунтазам муносабатда бўлади. Ҳар бир жамиятда муайян гуруҳлар – имтиёзли касб эгалари бор. *Мисол учун, табобат ходими, жарроҳни олайлик. У ҳар бир жарроҳлик амалиёти кунида бир неча кишини соғлом ҳаётга қайтаради; шахсий манфаати йўлида жарроҳ ўз беморига хиёнат қилиши мумкин эмасми? Ёки журналист ўз касбидан фойдаланиб, бегуноҳ кишиларни маънавий азобга қўйиши, атайин жамият олдида шарманда қилиши ҳисобига ўзининг баъзи муаммоларини ҳал қилиб олиши мумкин.* Бундай имтиёзли касб эгалари фаолиятида ўзбошимчалик, манфаатпарастлик, худбинлик ва касбни суистеъмол қилиш сингари иллатларга йўл қўймаслик, улар ахлоқий даражасини юксак босқичда туришини таъминлаш мақсадида ўзаро қоидалар мажмуи яратилган. Улар, одатда, қасамёд ёки меъёрлар кўринишини олган. Уларни бузиш ахлоқсизлик, ҳатто жамиятга хиёнат тарзида баҳоланади. Бундай қасамёдлар жуда узоқ тарихга эга. *Мисол тариқасида ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган Қадимги Юнон ҳакими*

Гиппократ (мил.ав.V – IV) томонидан тузилган, табобат ходимлари касбий одоби қонун-қодалари жамланган «Гиппократ қасами»ни келтириш мумкин.

Тарихда ўз душманини даволаган табиблар кўп учрайди.

Машҳур рус олими академик Андрей Сахаров – буюк назариётчи, физик, термоядро соҳасида тенги йўқ мутахассис, водород бомбасининг асосий кашфиётчиси, ўнлаб орден ва медаллар соҳиби, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, обрўли, бадавлат бир инсон эди. У юксак ахлоқ йўлини танлади, олимлик бурчи, одоби талабларини бажаришни ҳар қандай бойлик, иззат-икромдан баланд қўйиб, оммавий қирғин қуроллари, жумладан, ўзи яратган водород бомбаси синовларига очиқ баёнотлар билан қарши чиқди. Натижада Шўролар тузуми уни илмий жамоатчиликдан ажратиб, пойтахтдан олисга бадарға қилди, унинг номини матбуот ёки китобларда қайд этилишини таъқиқлади. Ҳолбуки, у ҳаммадан иззатлироқ яшай олиши мумкин эди. Олим бошига беҳисоб туҳмат, таъна-дашномлар ёғдирилишига сабот билан чидади, аҳдидан қайтмади, ёвузлик салтанати қўлида ўз олимлик истеъдодининг қўғирчоқ, ҳарбий мурватга айланишига йўл қўймади. Охир-оқибатда у инсон ҳуқуқларининг жаҳон тан олган энг буюк ҳимоячиларидан бири сифатида бутун инсоният таҳсинига сазовор бўлди.

Педагог, ҳуқуқ-тартибот ҳодимлари, муҳандис одоби сингари бир қанча касбий одоб турлари ҳам жамият ахлоқий муносабатлар силсиласида муҳим аҳамиятга эга. Барча касбий одоб қонун-қоидаларининг таъсир доираси, миқёси бир хил эмас. Баъзан раҳбарлик касбий одобининг бузилиши оддий одобсизлик доирасидан чиқиб, ахлоқсизликка айланиб кетади. Касбий одобнинг касбий ахлоқ деб аталиши бежиз эмас.

Демак, касбий одоб муаммоси ахлоқшуносликнинг муҳим масалаларидан бири. Касбий одоб шахс ва жамият ахлоқий ҳаётида ўзини амалий ахлоқ тарзида намоён этувчи маънавий ҳодиса сифатида баҳоланиши лозим.

Такрорлаш учун саволлар

1. Оила ва унинг уч асосий жиҳати нималардан иборат?
2. Никоҳнинг ахлоқий моҳияти нимада?
3. Муҳаббат ва никоҳнинг ўзаро мос келиш-келмаслиги нималарга боғлиқ?
4. Фуқаролик жамияти қандай тузилма?
5. Давлатнинг ахлоқий асослари қай тарзда кўзга ташланади?
6. Муомала одобининг инсон ҳаётидаги ўрни қандай намоён бўлади?
7. Этикет нима?
8. Касбий одоб шахс ва жамият ижтимоий ҳаётида қандай мавқе эгаллайди?

ШАХС АХЛОҚИЙ ТАРБИЯСИ. ЭТИКАНИНГ ЗАМОНАВИЙ МУАММОЛАРИ

Таянч тушунчалар: *ахлоқий маданият, муомала одоби, этикет, касбий одоб, ахлоқий тарбия, ноосфера, этосфера, биологик ахлоқшунослик, соғлом турмуш тарзи.*

Ахлоқий тарбия ҳамда унинг йўллари ва воситалари. 4. Инсоннинг ахлоқий ҳаёти унинг ахлоқий тарбияси билан чамбарчас боғлиқ. Буни Абдурауф Фитрат қуйидагича изоҳлайди: *«Одамнинг камоли фақат соғлиқ ва кучдан иборат бўлмай, балки жисмонан, ақлан ва ахлоқан юксалишдан иборат. Одамнинг жисми, ақли ва ахлоқи турли касаллик ва нуқсонлардан узоқ бўлиши лозим»*.

Дарҳақиқат, ахлоқий тарбия инсоннинг шахс бўлиб етишувини таъминлайдиган узлуксиз жараёнларидан бири. Унда индивид ахлоқий қадриятларни англаб етади, ўзида ахлоқий фазилатларни барқарор этади, ахлоқий тамойиллар ва меъёрлар асосида яшашга ўрганади. Ахлоқий тарбия инсоният тарихи мобайнида икки муҳим масалага жавоб излайди: қандай яшамоқ керак, нима қилиш, нима қилмаслик лозим. Шу саволларга жавоб излаш жараёни ахлоқий тарбиянинг амалий кўринишидир.

Тарбия она қорнидан бошланади. Унинг асл маъноси: ота-онанинг ўзи ахлоқий тарбия кўрган бўлиши керак. Зеро, қуш инида кўрганини қилади.

Ёзувчи Тоҳир Малик оилани «жамиятнинг дурру гавҳари» атайди ва «Жиноятнинг узун йўли», «Одамийлик мулки» асарларида тарбия ва тарбиячи ҳақида батафсил фикр юритиб, таъкидлайди: *«...бола «Сен тарбиялашинг керак», деб гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа ошириладиган копток эмас. Фарзанд тарбиясига ота-она масъул, мактаб эса бу соҳада кўмакчи».* Демак, ота-она оилада юксак ахлоқ намунасини кўрсатиши лозим.

Ахлоқий тарбиянинг аҳамияти ниҳоят катта, аммо ахлоқийлик инсонга унинг инсонийлик белгиларининг энг муҳими сифатида ато этилган илоҳий неъмат. Шу маънавий неъмат – асосни ахлоқий тарбия ёрдамида такомиллаштирамиз. Ахлоқий тарбия инсон фарзандини такомилга, комилликка етказиш йўлларидан бири. Унинг анъанавий ва замонавий воситалари кўп. Одатда, ҳар икки турдаги воситалардан фойдаланилади. Чунончи, мактабгача ахлоқий тарбияда эртак ва ривоятлар воситасидаги анъанавий тарбия билан ўйинчоқлар ва ўйинлар воситасидаги замонавий тарбия муваффақиятли қўлланилади. Боланинг қизғанчиқлик, ғирромлик қилмасликка, ҳалол бўлишга ўйинлар ёрдамида даъват этилади. Болалар ахлоқий тарбиясида телевидение, радио, қўғирчоқ театри, кино санъати катта роль ўйнайди.

Умуман, ахлоқий тарбиянинг энг кучли воситаси – санъат. Бу восита аҳолининг барча табақасини, турли ёшдаги шахсларни қамраб олади. Айниқса, санъатнинг бадиий адабиёт тури кенг қамровли. Эртакдан тортиб, романгача бўлган жанрларда чоп этилган асарлар шахснинг ахлоқий шаклланишида улкан хизмат кўрсатади. Улар орқали китобхон тарбияланувчи сифатида эзгулик ва ёвузлик нималигини бадиий идрок этади; идеал танлашда ҳам уларнинг аҳамияти катта. Бундан ташқари, бадиий адабиётнинг бевосита ахлоқий тарбияга мўлжалланган пандномалар – ҳикоят, ривоят ва насиҳатлар мажмуалари бор: «Калила ва Димна», «Қобуснома», «Гулистон», «Зарбулмасал» каби мумтоз асарлар анъанавий ахлоқий тарбия воситаси сифатида неча асрлардан буён қанчадан-қанча авлодларга хизмат қилиб келмоқда.

Ахлоқий тарбиянинг барча замонлар учун долзарб усули – **намунавийлик** тамойили. Оилада, болага аввало ота-она ахлоқий намуна бўлиши керак. Мактаб ва олий ўқув юртида устозларнинг таълим бериш усулларидан тортиб, то «майда-чуйда» хатти-ҳаракатларигача ўз шогирдлари томонидан шахсий намуна тарзида қабул қилинишини назардан қочирмаслик лозим. Устоз-шогирдлик муносабатларидаги муомала одоби, ҳалоллик, ростгўйлик ёшлар ахлоқий тарбиясининг шаклланишини таъминловчи омиллардандир.

Ҳозирги пайтда ахлоқий тарбиянинг энг кучли замонавий воситаси сифатида телевидениени келтириш мумкин. У деярли барча санъат турларида яратилган асарларни экранлаштириш имконига эга. Шунингдек, унда махсус ахлоқий тарбияга бағишланган мунтазам кўрсатувлар ҳам бериб борилади: «Оталар сўзи-ақлнинг кўзи», «Ривоят», «Оқшом эртаклари» сингари кўрсатувлар бунга мисол бўлади. Шу сабабли телевидение зинҳор енгилтакликни тарғиб этувчи беҳаё «клип» қўшиқлар, салкам порнографик рекламалар, инсон қалбини қаттиқлаштирадиган жангари видеофильмлар корхонаси бўлиб қолмаслиги зарур. Афсус-надоматки, сўнгги

вақтларда радио ёки телевизорда тижорат дастурлари орқали берилаётган бемаъни сўзлар йиғиндиси – қўшиқ, беҳаё, беўхшов қилиқлар – рақс, санъатни булғашдир. Менталитетимизга ёт ҳолатлар тасвирга олинган лавҳалар – кино эмас, бетамизлик, бефаросатликдир. Ҳаёсиз томошоларни кўрганда, «Ўтган кунлар»аги ўлим тўшагида ётган Кумушбибининг ҳаё-андишаларини яна бир эслайлик. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом олти нарсанинг йўқлиги амалларни маҳв қилади, деб тўртинчи ўринда ҳаёни тилга олганлар. Иффат ва ҳаё йўқолмас бир ҳусн, ҳаёсиз юзнинг жонсиз жасад эканини унутмаслик ҳар бир инсоннинг бурчи. Иффатнинг пардаси, виждоннинг ниқоби ҳаёдир.

Ахлоқий тарбиянинг ақлий-маънавий ва жисмоний тарбия билан қўшиб олиб борилиши мақсадга мувофиқ. Ўшанда жамиятимиз ҳар жиҳатдан камол топган фуқаролик жамиятига айланади. Мамлакатимизда бунинг учун барча ҳуқуқий-ижтимоий шарт-шароитлар яратилган.

Соғлом турмуш тарзи мустаҳкам оила гарови. Бугунги кунда Республикамизда оила турмуш тарзини ўрганиш, оилада соғлом турмуш тарзини яратиш борасида муҳим ишлар амалга оширилмоқда. Бу вазифа ва муаммолар оиланинг соғлом бўлиши, маънавий ва моддий фаровонлигини ошириши, фарзандлар тарбиясининг муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда.

Инсон аввало оила бағрида униб-ўсади, шахс сифатида шаклланади. Оиладаги таълим-тарбия, маънавий-ахлоқий қадриятлар кейинчалик одамлар орасида — маҳалла-кўйда, таълим муассасаларида сайқал топади. Шундай экан, ватанимиз ва халқимизнинг эртанги кунини, жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътиборини белгиловчи баркамол авлодни вояга етказишдек улуғ вазифани оила-маҳалла-таълим муассасалари ҳамкорлигисиз ҳал этиб бўлмайди. Чунки, эътиқоди бутун, ҳар томонлама камол топган, миллий қадриятларни ва ахлоқий фазилатларни қадрига ета оладиган ва уларга риоя қилаоладиган шахсгина мустақил Ўзбекистонимизнинг эртасини яратади. Шу боис ёш авлодни миллий урф-одатлар, миллий қадриятлар, ахлоқий фазилатлар, эстетик омиллар ва воситалар асосида тарбиялаш назариясини яратиш, бойитиш бугунги кунда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Президентимиз бошчилигида истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, баркамол авлодни тарбиялаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтариб келинмоқда. Бу олижаноб мақсад йўлида қилинган улкан ишларни болаларимизнинг соғлом туғилиши ва улғайиши, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш, таълим тизимини такомиллаштириш, қолаверса, болалар спортини ривожлантиришга қаратилган кенг кўламли ислоҳотларда кўришимиз мумкин. Янги 2014 йилнинг "Соғлом бола йили" деб аталиши эса соғлом она – соғлом бола умуммиллий дастурларимиз доирасида амалга оширилиши лозим бўладиган яна бир қадам дейиш мумкин.

Президент Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимида сўзлаган маърузасида бу ҳақда тўхталар экан, жумладан шундай деди, – Азал-азалдан ҳар қайси ота-она ўз боласининг соғлом ва баркамол, ақл-заковатли, бахтли бўлишини истайди. Шундай фарзандни вояга етказиш, унинг ҳаётда муносиб ўрин эгаллашига эришиш – ота-онанинг энг улуғ, энг муқаддас орзуси, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Истиқлолнинг илк кунлариданоқ ёш авлоднинг таълим-тарбияси, она ва бола саломатлигини сақлаш, оила муносабатларини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани, бу жараёнга эса йилларга ном берилишида ҳам гувоҳ бўлишимиз мумкин. Жумладан, 1998 йил — "Оила йили", 2000 йил — "Соғлом авлод йили",

2001 йил — "Она ва бола йили", 2008 йил — "Ёшлар йили" ва 2010 йил — "Баркамол авлод йили". Шулардан ҳам кўриниб турибдики, эртанги кун эгаларини ҳар жиҳатдан баркамол этиб вояга етказиш жараёнлари босқичма-босқич жадаллаштириб борилмоқда.

Президентимиз таъбири билан айтганда, йилга ном бериш негизида, аввалам бор, ҳар бир одам, ҳар бир оила, қолаверса, бутун халқимизнинг хаёлидан ўрин олган вазифаларни амалга ошириш, тараққиётимизни янада жадаллаштириш, ҳаётимизни янада фаровон қилиш мақсади туради.

Жисмонан соғлом, маънан етук ва баркамол авлодни тарбиялаш, она ва бола саломатлигига диққат-эътиборни ошириш, ёш оилаларни ижтимоий ва иқтисодий томондан қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар самарадорлигини юксалтиришга қаратилган аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда.

Оилада шаклланган ўзаро ҳурмат ва меҳр-муҳаббат, юксак ахлоқий ва маънавий қадриятлар нафақат оиланинг, балки мамлакатимиз фаровонлигини ҳам таъминлайди, ҳар томонлама етук ёш авлоднинг вояга етишига хизмат қилади. Ҳақиқатан ҳам, ўзбек халқи миллий руҳиятида оиланинг ўрни ва роли бениҳоя катта. “Ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда,-деб таъкидлайди муҳтарам Юртбошимиз,-ҳеч шубҳасиз, оиланинг ўрни ва таъсири беқиёсдир. Чунки инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари биринчи галда оила бағрида шаклланади. Боланинг характерини, табиати ва дунёқарашини белгилайдиган маънавий мезон ва қарашлар-яхшилик ва эзгулик, олижаноблик ва меҳр-оқибат, ор-номус ва андиша каби муқаддас тушунчаларнинг пойдевори оила шароитида қарор топиши табиийдир.”

Ҳозирги кунда болалар тарбиясида маҳалланинг ўрни ҳам ўзига хос аҳамиятга эга. Қадимдан одоб нормалари-ўтириш, туриш, юриш маданияти, салом бериш, катталарга ҳурмат, кичикни эъзозлаш, ота-онани муқаддас билиш ва уларнинг ҳурматларини жойига қўйиш, шарм-ҳаё, ибо, сабр-тоқат, қаноат каби қадриятлар ёшлар онгига мунтазам равишда сингдириб келинган. Оиланинг рисоладагидек бўлиши, эр-хотиннинг тинч-тотув, пири бадавлат, ували-жували бўлиб яшашида қўни-қўшниларнинг таъсири кучли бўлган.

Ёши улуғларимиз “Бир болага етти маҳалла ҳам ота, ҳам она” деб бекорга айтишмаган.

Умуман тарбиянинг ўзига хос хусусияти тўғрисида Абдулла Авлоний: “Тарбия бизлар учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё фалокат, ё саодат, ё ҳалокат масаласидир” деган эди. Кўриниб турибдики, ҳар бир халқнинг тараққий этиши, давлатларнинг қудратли бўлиши авлодлар тарбиясига кўп жиҳатдан боғлиқ. Маданиятнинг шаклланиши ва ривожланиши ворисийлик анъаналарига боғлиқ бўлиб ўзидан олдинги авлодлар яратган қадриятларни ўзлаштиришдан бошланади ва янги қадриятлар яратиш йўлида таянч вазифасини ўтайди. Ана шу икки жараён-эскилик билан янгилик ўртасидаги объектив зарурий боғланиш ворислик деб аталади. Лекин бунда тараққиётга хизмат қиладиган прогрессив ворисликни унга тўсиқ бўладиган реакцион ворисликдан фарқлаш лозим бўлади. Маданиятга ижобий (позитив) ва салбий(негатив) таъсир этувчи ворислик ҳам мавжуд

XX аср ўрталарида оммавий мулоқот ва ахборот воситаларининг жамият ҳаётига чуқур кириб бориши ва барча ижтимоий гуруҳлар учун етарли бўлиши натижасида шаклланган ва моҳиятан барча ёшдаги аҳоли учун тушунарли бўлган маданит намуналари (оммавий эстрада мусиқаси, цирк ва ҳ.к.). Оммавий маданият одатда элитар, киборлар ёки халқ маданиятига нисбатан камроқ бадиий қадрга эга ва у омма томонидан ўзлаштирилишига мўлжаллаб яратилади.

Этиканинг замонавий муаммолари. Ахлоқшуносликнинг ҳозирги кунда умумжаҳоний глобал муаммоларни ҳал қилишдек муҳим вазифаси ҳам борки, у ҳақда алоҳида тўхталмасликнинг иложи йўқ. Бу муаммолардан бири, энг муҳими, сайёрамизда этосфера - ахлоқий муҳит даврини яратиш билан боғлиқ.

Маълумки, юзлаб асрлар мобайнида инсон кичик биологик олам сифатида катта биологик олам ичида, унинг бир парчаси, жонли организмлар подшоси, оқил ва ҳукмрон қисми сифатида яшаб келди. XIX асрнинг охиридан бошлаб, айниқса XX асрда у ўз тафаккур қуввати билан, илмий-техникавий юксалишлар туфайли ана шу биосфера ичида ноосферани - техникавий муҳитни яратди. Мана, ҳозирги кунда, қаранг, эрталабдан кечгача биз ўз техникавий кашфиётларимиз ичида яшаймиз - еймиз, ичамиз, юрамиз, ухлаймиз, уларсиз ҳаётимизни тасаввур қила олмаймиз. Булар метро, автобус, телевизор, радио, телефон, эскалатор, плейер, лифт, компьютер, поезд, теплоход, газ плиталари, электр асбоблари, заводлар, локаторлар, кимёвий дори-дармонлар ва ҳ.к. Бугун видеотелефонда гаплашар эканмиз, юзлаб чақирим наридаги суҳбатдошимизни кўриш ва у билан гаплашиш учун от-уловда ёки пиёда борадиган бўлсак, неча кунлаб йўл босишимиз кераклиги ҳақида ўйлаб ўтирмаймиз, тўғрироғи, бу эсимизга ҳам келмайди. Чунки техника бизнинг яшаш муҳитимизга айланиб қолган. Фақат бугина эмас. Инсон эндиликда ўзи яшаётган бутун бошли сайёрага таъсир кўрсата бошлади. Ер тарихида инсон биринчи марта улкан геологик куч бўлиб майдонга чиқди. Инсоний тафаккур биосферадаги ўзгаришларнинг асосий сабабига айланди. Ноосфера таълимоти асосчиларидан бири буюк рус олими В.И.Вернадский илмий тафаккур ва инсон меҳнати таъсири остида биосфера янги ҳолат бўлмиш ноосферага ўтаётганлигини, бутун геологик давр мобайнида яратилган, ўз мувозанатларида барқарорлашган биосфера инсон илмий тафаккури босими остида тобора кучлироқ ва теранроқ ўзгаришга киришганини таъкидлайди: «Сайёрамиз юзи - биосфера инсон томонидан онгли ва асосан онгсиз равишда кескин кимёвий ўзгаришларга дучор этилмоқда, - деб ёзади у. -Инсон қуруқликнинг физикавий ва кимёвий ҳаво қобиғини, унинг барча табиий сувларини ўзгартирмоқда... Ҳозир биз биосферадаги янги геологик эволюцион ўзгаришларни бошдан кечиряпмиз. Биз ноосферага кириб боряпмиз».[1]

Ана шу нуқтадан тафаккур ўзи нима деган муаммо пайдо бўлади. Бу ҳақда В.И.Веркадский шундай мулоҳаза билдиради: «Тафаккур энергиянинг шакли эмас. У қандай қилиб моддий жараёнларни ўзгартира олади? Бу масала ҳанузгача илмий жиҳатдан ечилиши топган эмас»[2].

Вернадский ҳайратга солган масала ҳозир ҳам ўша–ўша, ҳол этилмаган.

Хўш, тафаккур ўзи нима? У биологик ҳодиса бўлмиш инсонда, унинг руҳий-физиологик яхлитликдан иборат миясида туғилади, лекин туғилиши билан биологик қобиқдан чиқади ва ташқи муҳитда энергияга ўхшаб ниманидир яратади. Энди инсон билан унинг тафаккури орасида муайян масофа пайдо бўлади, масофа узоқлашгани сари тафаккурнинг моҳияти аён бўлиб боради: инсон кутган оқибат кутилгандан бошқача мазмун касб эта бошлайди. Нега? Бизнингча, ….

Ноосферада, юқорида айтганимиздек, инсон фикри нарсалашади, ўз интеллектимиз нарсаларга айланиб, бизни ўраб олади

Яна бир муҳим муаммо, бу - биологик ахлоқ. Мазкур ҳодиса сўнгги бир неча ўн йиллик ичида соф табобат муаммосидан ахлоқий муаммога айланди: эндиликда, бировнинг муайян аъзосини бошқа беморга жарроҳлик операцияси йўли билан

[1] *Вернадский В.И.* Начало и вечность жизни М., Сов. Россия, 1989. С. 186 – 187.
[2] Ўша манба, С.185.

ўтказиш орқали киши ҳаётини сақлаб қолиш ахлоқий нуқтаи назардан қандай баҳоланади, деган савол кун тартибида долзарб бўлиб турибди.

Биологик ахлоқ деганда, одатда, бизда ҳам, жаҳон ахлоқшунослигида ҳам асосан тиббий ахлоқ, табобат муаммоларига доир ахлоқий ёндашувлар тушунилади, холос. Бу унчалик тўғри эмас. Бизнингча, биологик ахлоқ муаммолари икки йўналишдан иборат: бири - инсонларнинг кичик биологик олам сифатидаги катта биологик оламга бўлган муносабатлари билан боғлиқ «ташқи», иккинчиси - инсонларнинг «ўз-ўзига ва ўзаро муносабатларидаги тиббиёт билан боғлиқ ички» ахлоқий масалалар.

тотли ўлим-эвтоназия ҳам биотиббий ахлоқнинг глобал муаммоларидан. Худонинг ихтиёридан ташқари ўлимни ихтиёр қилган киши диний нуқтаи назардан кечирилмайди. Чунки сабрли, бардошли бўлиш, бу дунё изтиробларини тоқат билан бошдан кечириш инсоннинг вазифаси.

Лекин ахлоқий жиҳатдан олиб қараганда масала қандай баҳоланади? Дейлик, муайян инсон, бемор ўз кунларининг саноқли эканини, лекин бу кунлар саноқсиз азоблар ичида ўтишини билади. Шу боис у ўзининг ана шу ҳолатини жуда яхши биладиган бошқа бир одам - шифокордан азобларига чек қўйишни сўрайди. Унинг илтимоси ва шу илтимосни бажариш учун шифокор томонидан қилинган хатти-ҳаракатларни қандай, баҳолаш мумкин? Бу хатти - ҳаракатларни инсонийлик ва инсонпарварликнинг кўриниши сифатида қабул қилиш тўғрими? Умуман, эвтаназия ахлоқийликми, ахлоқсизликми? Бу муаммо ҳам умумжаҳоний миқёсда ўз ечимини кутмоқда.

Чунки табобат борасидаги сўнгги тадқиқотлар инсон ўлими бир лаҳзада рўй бермаслигини, юрак уриши ва нафас олиш тўхтаганда ҳам, мия ўлмаса инсонни ўлди дейиш мумкин эмаслигини исботлаб берди. Дастлаб мия қобиғи, ундан кейин мия танаси ҳалок бўлади. Шундан кейингина инсонни ўлган деб ҳисоблаш мумкин. Ўлим, маълумки, ахлоқий нуқтаи назардан энг улкан ёвузлик ҳисобланади. Айниқса мажбурий ўлим. Шунга кўра, ўлим жазосининг ҳуқуқий жиҳатдан қўлланилиши моҳиятан жамият томонидан ёвузликка қарши ёвузлик билан жавоб беришдир.

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ислом динининг уч асоси борлигини айтиб, уларнинг биринчиси одам ўлдирмаслик эканини таъкидлайдилар. Буни имом Ғаззолий «Мукошафаат ул – қулуб»да шундай келтиради:

«Термизий ва бошқа ҳадисчилар ривоят қиладилар:

Расуллулоҳ буюрдиларки:

… Исломнинг уч дастури бор. Диннинг тамойили шулар устига қурилган. Ким шу асослардан ташқари чиқса, бу билан у кофирликка қараб кетган бўлади:

1 – Қонни (одам ўлдиришни) ҳалол ҳисобласа;

2 – Оллоҳдан бошқа илоҳ йўқлигига гувоҳлик (шаҳодат) бермаса;

3 – Фарз бўлган намозни ва рўзани инкор этса».[1]

Демак инсон ҳаёти энг олий қадрият экани диний нуқтаи назардан ҳам нафақат тан олинади, балки биринчи ўринга қўйилади.

Ўлим - тор ҳуқуқий жазо доирасидан чиқиб кетади ҳамда тарихда алданган, адашган инсониятнинг, жамиятнинг ва шахснинг ахлоқсизлиги сифатида баҳоланади. Шу жиҳатдан қараганда, ҳозирги пайтдаги кўпгина демократик мамлакатларда ўлим жазосининг бекор қилинишини ўша жамиятлар ахлоқий даражаси билан боғлиқ ижобий ҳодиса дейиш мумкин. Бизнинг мамлакатимизда ҳам бу борада дадил қадамлар қўйилганлиги - аввал ёш нуқтаи назаридан ўлим жазосини қўллашнинг чегараланганлиги (60 ёшгача), кейинроқ эса уни бутунлай бекор қилишга қаратилган

[1] *Ғаззолий.* Мукошафаат ул-ŝулуб, 253-б.

инсонпарварлик ҳаракатлари қувонарли воқеа. Бу нафақат бизга, балки Ер юзидаги барча мамлакатларга тааллуқли муҳим, умумжаҳоний муаммо. Ахлоқшунослик олдида ана шундай, тобора глобаллашиб бораётган ахлоқий муаммоларни ҳал этишда етакчилик қилиш вазифаси турибди. Зеро мазкур глобал муаммоларни бугунги кунда ахлоқшуносликнинг аҳамиятини белгилаб берувчи барометрлар, дейишимиз мумкин.

Такрорлаш учун саволлар

1. Ахлоқий тарбия нима?
2. Ахлоқий тарбиянинг асосий воситаларии нима?
3. Ахлоқий тарбиянинг йўллари нималарни ўз ичига олади?
4. Ахлоқнинг ижтимоий ҳаётдаги роли.
5. Замонавий ахлоқий тарбиянинг ютуқлари ва камчиликлари нималарда намоён бўлади?
6. “Оммавий маданият” нима?
7. Глобал жараёнларнинг шахс ахлоқий камолотига таъсири.

ЭСТЕТИКАНИНГ ПРЕДМЕТИ, МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ. ЭСТЕТИК АНГЛАШ, ЭСТЕТИК МУНОСАБАТ ВА ЭСТЕТИК ФАОЛИЯТ

Таянч тушунчалар: *эстетика, инсон маънавий олами, ҳиссий идрок этиш, гўзаллик, нафосат, санъат фалсафаси, гўзаллик фалсафаси. нафосатли муносабат, нафосатли онг. Нафосат туйғу. Нафосатли дид, бадиий дид, нафосатли фаолият. Нафосатли қараш, нафосатли назариялар.*

Эстетика фанининг тадқиқот доираси ва фалсафий фан сифатидаги моҳияти. Эстетика ёхуд нафосатшунослик фанининг тарихи икки ярим-уч минг йиллик вақтни ўз ичига олади. Бироқ унинг ҳозирги номи – «Эстетика» атамасини биринчи бўлиб буюк олмон файласуфи **Александр Баумгартен (1714–1762) XYIII асрда** илмий муомалага киритган (Унгача бу фаннинг асосий муаммоси бўлмиш гўзаллик ва санъат ҳақидаги мулоҳазалар ҳар хил санъат турларига бағишланган рисолаларда, фалсафа ҳамда илоҳиёт борасидаги асарларда ўз аксини топган эди). Бунда у бошқа бир улуғ олмон файласуфи **Лейбниц (1646-1716)** таълимотидан келиб чиққан ҳолда муносабат билдирган эди. Лейбниц **инсон маънавий олами**ни уч соҳага – **ақл, ихтиёр, ҳиссиёт**га бўлади ва уларнинг ҳар бирини алоҳида фалсафий жиҳатдан ўрганиш лозимлигини таъкидлайди. Баумгартенгача ақлни ўрганадиган фан–мантиқ, ихтиёрни ўрганувчи фан эса-ахлоқшунослик (этика) ни фалсафада кўпдан буён ўз ўрни бор эди. Бироқ ҳиссиётни ўрганадиган фан фалсафий мақомдаги ўз номига эга эмасди. Баумгартеннинг бу борадаги ҳизмати шундаки, у юнонча aisthetikos–»ойэстетикос» **«ҳис қилиш», «сезиш»,** маъноларини англатувчи сўздан «эстетика» (олмонча «estetik»- «эштетик») иборасини олиб, ана шу бўшлиқни тўлдирди.

Баумгартен **эстетикани ҳиссий идрок этиш назарияси** сифатида илгари сурди. Лекин, кўп ўтмай, у гоҳ **«гўзаллик фалсафаси»,** гоҳ **«санъат фалсафаси»** сифатида талқин этила бошланди. Эстетика фанининг буюк назариётчиларидан Гегель эса «Эстетика» деган ном муваффақиятсиз чиққани ва юзаки экани ҳақида ёзади: «Шу сабабли бошқа атама қўллашга уринишлар бўлди. Сўзнинг ўз-ўзича бизни қизиқтирмаслиги ва одатий нутққа сингишиб кетганини назарда тутиб, биз «эстетика»

номини сақлаб қолишга тайёрмиз. Шунга қарамай, фан мазмунига жавоб берадиган ибора, бу–»санъат фалсафаси» ёки «бадиий ижод фалсафаси».

Гегельнинг «эстетика» атамасидан кўнгли тўлмаганлигига жиддий сабаблар бор. мазкур сўзнинг барча ҳис-туйғуларга тааллуқлилиги. Ваҳоланки, фан фақат нафосатли ҳис туйғулар ва уларнинг зиддини назарда тутади. Бунинг устига аллақачон фаннинг тадқиқот доираси санъат ҳудудидан чиқиб, инсон ҳаётининг деярли барча соҳаларига ёйилиб кетган. Шу боис биз «**нафосатшунослик**» атамасини илмий муомалага киритишни мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Зеро, «нафис», сўзи «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да-**гўзал, нозик, латиф, ёқимли, бадиий жиҳатдан жуда юксак** маъноларида изоҳланади. Бундан ташқари «эстетика» сўзи олмонлар ёки руслардаги каби бизда кенг ёйилиб, халқимиз нутқига сингишиб кетган эмас.

Эстетика тарихида «**санъат фалсафаси**» ибораси тарафдорлари кўпчиликни ташкил этади. Лекин, санъат бу фаннинг ягона тадқиқот объекти эмас. Ҳозирги пайтда техника нафосатшунослиги, дизайн, атроф-муҳитни гўзаллаштириш, табиатдаги нафосат борасидаги муаммолар билан ҳам шуғулланади. Шу боис унинг қамровини санъатнинг ўзи билангина чегаралаб қўйишга ҳаққимиз йўқ. Ҳақиқатан ҳам бугунги кунда инсон ўзини ўраб турган барча нарса-ҳодисаларнинг гўзал бўлишини, ҳар қадамда нафосатни ҳис этишни истайди: биз тақиб юрган соат, биз кийган кийим, биз ҳайдаётган машина, биз учадиган тайёра, биз яшаётган уй, биз меҳнат қиладиган ишхона, биз юргизаётган дастгоҳ, биз ёзаётган қалам, биз дам оладиган томошабоғлар–ҳаммасидан нафис бир руҳ уфуриб туриши лозим.

Демак, **«гўзаллик фалсафаси»** деган ибора кўпроқ мос келади. Негаки, бу фан фақат **санъат, инсон, жамият ва табиат**даги **гўзалликни ўрганади**. Шунингдек, гўзалликдан бошқа **улуғворлик, фожиавийлик, кулгилилик, мўъжизавийлик, уйғунлик, нозиклик** сингари кўпдан-кўп **тушунчаларни тадқиқ этиш** ҳам эстетика фанининг зиммасида. Лекин, бу ўринда, шуни унутмаслик керакки, мазкур тушунчаларнинг ҳар бирида гўзаллик, бир томондан, унсур сифатида иштирок этса, иккинчи томондан, уларнинг ўзи гўзалликка нисбатан унсур вазифасини ўтайди. Ана **шу хусусиятларнинг воқеликда намоён бўлиши**ни биз **нафосат** деб атаймиз.

Гўзаллик, нафосатнинг бош, етакчи хусусияти ҳисобланади. Шу боис унинг иштирокисиз юқоридаги хусусиятларнинг бирортаси нафосатдорлик табиатига эга бўлолмайди. Масалан, улуғворликни асосан ҳажмга, миқдорга асосланади. Бухородаги Арслонхон минораси ёхуд Минораи Калон улуғворлиги билан кишини ҳайратга солади. Ёки ёнбағирдан туриб, тоққа тикилсангиз нафосат завқини туясиз Лекин худди шундай баландликдаги кимёвий корхона мўрисидан ёки шаҳар четида ўсиб чиққан ахлат «тоғи»га қараб завқланмайсиз. Чунки Арслонхон минораси меъморлик санъати асари сифатида гўзаллик қонуниятлари асосида бунёд этилган; тоғ эса табиат яратган улуғвор гўзаллик. Завод мўрисида ҳам, ахлат «тоғ»ида ҳам ҳажм, миқдор бору, лекин бир нарса–гўзаллик етишмайди. Минора билан тоғдаги ҳажмни салобатга айлантирувчи унсур, бу–гўзаллик. Фожеавийлик хусусиятида ҳам гўзалликнинг иштирокини кўриш мумкин. Мисол сифатида Лев Толстойнинг «Уруш ва тинчлик» романидаги Аустрлицда бўлиб ўтган рус ва француз қўшинлари тўқнашувидан сўнг, жанг майдонида ярадор бўлиб ётган княз Андрей Болконскийни эслайлик: бир қўлида байроқ дастасини ушлаганча кўм-кўк майсада мовий осмонга қараб ётган, оппоқ мундирли ботир йигит–байроқдор зобитнинг тепасига келган Наполеон уни ўлган деб ўйлаб, бу манзарадан ҳайратланиб: «Мана бу–гўзал ўлим!», дейди. Бу ўринда асар қаҳрамонининг ўлими- фожеавийлик, ўлимнинг қаҳрамонликка айланиши–улуғворлик; фожеавийлик билан улуғворлик хусусиятларининг омухталашуви натижасида эса гўзал манзара, қайғули ва улуғвор гўзаллик вужудга

келган. Шунинг учун ҳам Наполеоннинг ҳайротомуз хитоби бежиз эмас. Демак, эстетиканинг асосий тадқиқот объекти–гўзаллик, бироқ, санъат ҳам ўз навбатида эстетиканинг гўзаллик каби кенг қамровли тадқиқот объекти ҳисобланади.

Санъат эстетиканинг объекти сифатида ўзига хос олам, нафосатга бурканган ижтимоий ҳодиса. Унда нафосатнинг хусусиятлари бўртиб кўзга ташланади. Санъат ҳаётни инъикос эттирар экан, инсоннинг ўзини ўзига кўрсатувчи улкан кўзгу вазифасини ўтайди. У инсонни ўргатади, даъват этади, гўзаллаштиради. Бу вазифаларни бажаришда эстетика санъатнинг кўмакчиси, етакчиси ҳисобланади. Эстетика **бир** томондан, санъатнинг пайдо бўлишидан тортиб, унинг турларию жанрларигача, санъат асарининг ички мурватларидан тортиб, санъаткорнинг ижодкорлик табиатигача бўлган барча жараёнларни ўрганади. **Иккинчи** томондан, санъат учун умумий қонун-қоидаларни ишлаб чиқади ва тадбиқ этади. **Учинчи** томондан, эса санъат асарини идрок этаётган киши руҳидаги ўзгаришларни нафосат нуқтаи назаридан тадқиқ қилади.

Шундай қилиб, эстетика санъатни тўла қамраб олади ва унинг ич-ичига кириб боради: бадиий асарнинг яратилиш арафасидаги шарт-шароитлардан тортиб, то у бунёдга келиб, асл эгаси-идрок этувчига етиб боргунигача бўлган ва ундан кейинги жараёнларни тадқиқ этади ҳамда улардан назарий хулосалар чиқаради. Зотан «Санъат фалсафаси» иборасининг сири ана шунда.

Эстетика-фалсафий фанлар таркибига кирувчи маҳсус соҳа. **Фалсафани фанлар подшоси сифатида барча табиий ва ижтимоий илмлар эришган ютуқлардан умумий хулосалар чиқариб, шулар асосида инсониятни ҳақиқат томон етаклайди.** Шу боис тафаккурни фалсафанинг тадқиқот объекти деб аташ мақсадга мувофиқ бўлади. **Эстетика барча санъатшунослик фанлари эришган ютуқлардан умумий хулосалар чиқариб, шу хулосалар асосида инсонни гўзаллик орқали ҳақиқатга етиштиришга ҳизмат қилади.** Бундан ташқари эстетика ишлаб чиққан қонун-қоидалар барча санъатшунослик фанлари учун умумийлик хусусиятига эга. Масалан, **услуб, ритм, композиция** в. ҳ. борасидаги қонуниятлар барча санъат турларига тааллуқли. Ҳеч бир алоҳида санъат тури ҳақидаги фан бундай имтиёзга эга эмас. Масалан, адабиётшунослик ишлаб чиққан қофия назариясини мусиқа ёки меъморлик санъатига тадбиқ этиб бўлмайди.

Эстетиканинг фалсафий моҳиятини яна унинг санъат асарига ёндошувида кўриш мумкин. Маълумки ҳар бир санъатшунослик илми ўз тадқиқот объектига уч томонлама- назарий, тарихий, танқидий жиҳатдан ёндошади. Масалан, адабиётшуносликни олайлик. Адабиёт назарияси фақат адабиётгагина хос бўлган бадиий қонуниятларни, бадиий қиёфа яратиш усули ва воситаларини ўрганади. Адабиёт тарихи муайян тарихий-бадиий жараёнлар орқали бадиий адабиётнинг ривожланиш қонуниятларини очиб беради. Адабий танқид эса адабий-бадиий ижоднинг замонавий жараёнларини тадқиқ этади ва ҳар бир янги асарни баҳолайди, асар ижодкорининг ижодий ривожланишини кузатиб боради. Мусиқада ҳам, тасвирий санъатда ҳам ва ҳ. к санъат турларида шундай. Эстетикада эса тадқиқот объектига ёндошув уч эмас, биргина–назарий жиҳатдан амалга оширилади: тарих ҳам, танқид ҳам назарияга бўйсундирилади. Тўғри, эстетика тарихи деган ибора ва шу номда курслар ўқитилади. Лекин бу ном, ибора–шартли тарзда қўлланилади. Ваҳолангки, у фаннинг тарихи эмас, балки тарихан даврларга бўлинган нафосат назарияларининг таҳлилидир.

Маълумки, санъат асарининг мавжуд бўлиши учун тўрт шарт-унсур албатта зарур. Булар: ижодкор-бадиий асар-бадиий асарни идрок этувчи-воситачи (ёзувчи–

роман–китобхон–танқидчи). Адабиётшунослик буларнинг ҳар бирини одатда алоҳида-алоҳида ўрганади.

Эстетиканинг бошқа фанлар билан ўзаро муносабати. Эстетика қадим-қадимлардан кўпгина фанлар билан мустаҳкам алоқада ривожланиб келган. Эстетика учун яна бир алоқадор, «қадрдон» фан **ахлоқшуносликдир**. Бу иккала фан шу қадар бир-бирига яқинки, ҳатто баъзи даврларда улар етарли даражада ўзаро чегараланмаган. Чунки инсоннинг хатти-ҳаракати ва нияти кўпинча ҳам ахлоқийликка, ҳам нафосатга тегишли бўлади, Яъни муайян ижобий фаолият ҳам эзгулик, ҳам нафосат хусусиятларини ўзида бирваракай мужассам қилади. Шу сабабли «Авесто», «Библия» ва «Қуръон» каби муқаддас китобларда, Суқрот, Платон, Форобий сингари қадимги файласуфлар таълимотларида ахлоқийликни-ички гўзаллик, нафосатни-ташқи гўзаллик тарзида талқин этганлар. Эстетиканинг тадқиқот объектларидан ҳисобланган санъатда ахлоқнинг долзарб муаммолари кўтарилади ва ижодкор энг юксак ахлоқий даражани бадиий қиёфалар орқали инъикос эттиради.

Бироқ, бундай яқинлик, асло айнанликни англатмайди. Бу иккала фаннинг тадқиқот объектлари орасидаги фарқни биринчи бўлиб Аристотель назарий жиҳатдан исботлаб берган эди: эзгулик фақат ҳаракатда, гўзаллик эса, ҳаракатсиз ҳам намоён бўлади. Масалан, одам токи ҳаракатсиз экан, биз унинг на яхшилигини, на ёмонлигини биламиз; Кўкалдош мадрасаси ҳеч қачон ҳаракат қилмайди, лекин гўзаллик сифатида мавжуд,

Бундан ташқари, ахлоқнинг қонун-қоидалари, насиҳатлар, ҳикматлар умумийликка, барчага бир хилда тааллуқлик хусусиятига эга. Нафосат эса муайянликни, аниқликни ёқтиради. Масалан, ахлоқшуносликдаги «яхши одам» тушунчаси ҳаммага–аёлга ҳам, эркакка ҳам, ёшу-қарига ҳам тегишли бўлиши мумкин. Эстетикада эса, «гўзал одам» тушунчаси йўқ; ё «гўзал йигит», ё «гўзал қиз» деган тушунчаларгина мавжуд. Чунки, эркак кишидаги чиройли мўйлов фақат эркакнинг юзида, аёл кишидаги ҳуснлардан бири- ўсма қўйилган қалам қош фақат аёл киши вужудида гўзалликка эга. Энди мўйлов бураб сўзлаётган аёлни-ю, ўсма қўйган эркакни тасаввур қилинг! Бояги гўзалликлар хунукликка айланади-қолади. Шунингдек, гўзаллик бир вужудда ҳам фақат ўз ўрнини талаб қиладиган «ўта инжиқлик» хусусиятига эга. Олмон нафосатшуноси Фехнер фикрича қиз боланинг юзидаги қизиллик унинг гўзаллигидан далолат беради. Бироқ, қизиллик унинг бурун устига кўчса–хунукликка айланади. Демак, ахлоқ учун–умумийлик, нафосат учун эса–муайянлик мавжудлик шарти ҳисобланади.

Эстетика **руҳшунослик** (психология) билан ҳам мустаҳкам алоқада. Маълумки, руҳшунослик, ҳиссиётлар масаласига катта ўрин беради. Гўзалликни, санъат асарини яратиш ва идрок этиш ҳам, маълум маънода ҳиссиётлар билан боғлиқ. Масалан, оддий ҳарсанг тош кишида алоҳида ҳиссий таассурот уйғотмайди. Лекин тошга ҳайкалтарош қўл урганидан сўнг, тошга ўзи томошабинга етказишни мақсад қилиб қўйган ҳиссиётларнинг суратини чизади ва оддий тошни ҳақиқий санъат асарига айлантиради. Агар ижодкор-шу ҳиссиётларни ўзи мўлжаллаган даражада томошабинга етказа олса ва томошабинда ўша ҳиссиётларга ё айнан, ё монанд туйғулар уйғота олса, мазкур ҳайкал ҳақиқий санъат асри ҳисобланади. Эстетика ҳайкалтарошдан ҳайкалга, ҳайкалдан томошабинга ўша ҳиссиётларнинг қай даражада ўтган-ўтмаганлигини, яъни, бадиий қиёфа қанчалик пухта яратилганлигини ўрганади ва шу асосда асарни баҳолайди. Руҳшунослик эса ана шу хиссиётларнинг ўзини ўрганади. Бундан ташқари руҳшунослик асар ғоясидан тортиб, то бадиий асар–нафосатли қадрият вужудга келгунга қадар бўлган ижодкорнинг ҳиссиётлар оламини ўрганади. Албатта, бу ўрганишлар алоҳида-алоҳида, мухтор ҳолда эмас, балки иккала

фаннинг бир-бири билан ҳамкорлиги, бирининг иккинчиси ҳудудига ўтиб туриши воситасида рўй беради. Шу боис руҳшуносликка ҳам, эстетикака ҳам тенг алоқадор бўлган санъат руҳшунослиги ва бадиий ижод руҳшунослиги деб аталган йўналишлар мавжуд.

Эстетиканинг **социология** билан алоқадорлиги ҳам муҳим. Маълумки, ҳар бир санъат асари алоҳида инсон шахсига эътибор қилгани холда, жамиятни ижтимоий муносабатлар тизими сифатида бадиий тадқиқ қилади. Ҳатто инсон ва жамият бевосита акс этмаган манзара жанридаги асарда ҳам, ижтимоийлик жамият аъзоси–муаллиф қарашларининг билвосита инъикоси бўлмиш услубда ўзини кўрсатади. Зеро асар муаллифи ҳеч қачон ўзи мансуб жамиятдан четда «томошабин» бўлиб туролмайди. Социология жамият билан санъатнинг ўзаро алоқаларини, санъатнинг ижтимоий вазифаларини ўрганади; санъаткорнинг жамиятдаги ўрни, мавқеи, ўқувчи ва томошабинларнинг ижтимоий демографик ҳолатларини тадқиқ этади; шахс ижтимоийлашувида санъаткор ва санъат асарининг аҳамиятини таҳлил қилади. Бу муаммоларни атрофлича ўрганиш учун маҳсус санъат социологияси соҳаси ҳам мавжуд.

Эстетиканинг **диншунослик** билан алоқаси алоҳида диққатга сазовор. Чунки дин ва санъат доимо бир-бирини тўлдириб келади ва кўп ҳолларда бири бошқаси учун яшаш шарти бўлиб майдонга чиқади. Бунинг устига, ҳар бир умумжаҳоний диннинг «ўз тасарруфидаги» санъат турлари бор: буддҳачилик учун-ҳайкалтарошлик, насронийлик учун-тасвирий санъат, мусулмончилик учун-бадиий адабиёт. Шунингдек, барча умумжаҳоний динлар ўз ибодатхоналарини тақазо этади. Ибодатхоналарнинг эса меъморлик санъати билан боғлиқлиги ҳаммамизга маълум. Эстетика диншунослик билан ҳамкорлик қиллар экан, диний ғояларнинг моҳиятини, ҳар бир умумжаҳоний диннинг санъат олдига қўйган талабларини яхши билмоғи ва ҳисобга олмоғи лозим.

Эстетиканинг **педагогика** билан алоқаси тарбия муаммоларини ҳал қилишда намоён бщлади. Чунки педагогика ҳам маълум маънода нафосат тарбияси билан шуғулланади. Лекин бу тарбия алоҳида-алоҳида, мустақил қисмларга бўлинган ҳолда, турли ёш ва соҳалар учун маҳсус белгиланган тарбия тарзида, яъни муайян, аниқ чегараларда олиб борилади. Масалан, мактабгача тарбия, ўқувчилар тарбияси, спортчилар тарбияси в. ҳ. Педагогика ана шу соҳа ва ёшлар бўйича олиб борилаётган нафосатли тарбия муаммоларини ўрганади. Эстетика эса нафосат тарбиясининг умумий қонун-қоидаларини ишлаб чиқади, яъни, инсон туғилганидан бошлаб то ўлгунигача босиб ўтадиган босқичлар учун умумий бўлган тарбия фалсафаси сифатида иш кўради. Демак, рус нафосатшуноси **М. Каган** айтганидек, **педагогика** тарбия борасида **тактик** табиатга эга бўлса, **эстетика** унинг **стратегиясидир**.

Шунингдек, эстетика **семиотика–белгилар ва белгилар** тизими ҳақидаги фан билан ҳам алоқадор. Чунки санъат асари белгилар орқали намоён бўлади. Масалан, ҳарфлар, ноталар в.ҳ. Бундан ташқари, эстетика кибернетика, экология ва барча санъатшунослик фанлари билан яқин алоқадорликда иш олиб боради. Ҳар бир фаннинг инсон ва жамият ҳаётида ўзига хос амалий аҳамияти бор. Эстетика ҳам бундан мустасно эмас. Аввало, кундалик ҳаётимизда нафосат тарбиясини тўғри йўлга қўйиш борасида катта аҳамиятга эга. Эркин, демократик жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси гўзалликни чуқур ҳис этадиган, уни асрайдиган нафис дид эгалари бўлишлари лозим; ҳақиқий бадиий асар билан савияси паст асарни фарқлай билишлари, «оммавийчилик санъати»ни рад қила олишлари лозим. Шу маънода эстетика жамиятнинг барча аъзолари учун муҳим аҳамиятга эга. Бугунги кун эстетика фани олдида улкан вазифалар турибди. Зотан биз қураётган фуқаролик жамияти аъзоси ҳар

жиҳатдан камол топган, юксак нафис дид эгаси бўлмоғи лозим. Қолаверса, ҳозирги машинасозликни, авиасозликни, умуман, саноатни замонавий дизайнсиз тасаввур этиш мутлақо мумкин эмас. Бунда бевосита техника нафосатшунослигининг аҳамияти катта.

Кўҳна Шарқ қадимги дунё нафосат илмининг бешиги сифатида Инсон табиатан бўш вақтга интилиб яшайди. Чунки бўш вақт мобайнида инсон жисман ва руҳан дам олиши, кундалик меҳнат – тирикчилик ташвишидан фориғ бўлиш имконига эга. Бўш вақт инсонда ўйин ҳисси ўйғонишининг асосий омилидир. Санъатнинг вужудга келишида ўйиннинг аҳамияти катта эканлиги ҳаммага маълум. Демак, нафосатли англаш ва нафосатли фаолиятнинг тадрижий ривожида меҳнат билан бирга бўш вақт ҳам асосий омил ҳисобланади. Ички осойишталикни, меҳнат ва бўш вақтга асосланган муайян тартибни жамиятда қонун даражасига кўтариш эса давлат пайдо бўлганда рўй бериши мумкин. Давлат қанчалик ўз вазифасини адолатли ва мукаммал бажарса, бу жамият фаровонлигига олиб келади. Фаровон жамият эса ўз аъзоларининг бўш вақтини таъминлай олади ва пировард натижада нафосатли англаш ва нафосатли фаолият тараққиёти учун етарли имконият яратиб беради. Шундай қилиб, давлатчилик тизими пайдо бўлиши билан инсоннинг бадиий-нафосатли тараққиётида янги давр бошланди. Ана шу давр ибтидосини биз Месопотамия-Қўш дарё (Дажла ва Фрот дарёлари) минтақасида, хусусан, Сомир давлатида кўришимиз мумкин.

МЕСОПОТАМИЯ

Сомир инсоният тарихидаги ҳозиргача бизга маълум бўлган илк қудратли давлат бўлган. Милоддан аввалги IV минг йилликда бу давлатнинг қудрати унинг маданиятида, фуқароларнинг бадиий нафосатли онгида ҳамда бадиий-нафосатли фаолиятида намоён бўлган. Сомирликлар биринчи бўлиб ёзувни кашф этдилар ва гил тахтачаларга қамиш қаламлар билан илк ривоят ва илк насиҳатларни ёзиб қолдирдилар. Ҳеч бир қадимги маданиятдан бизнинг давримизгача бу қадар кўп сонли ёзма ҳужжатлар етиб келган эмас.

Қадимги Сомир тасвирий санъати асосан муҳрлар, идиш-товоқлардаги расмлар ва релефлардаги тасвирлардан иборат. Булар орасидаги энг қадимийси ва бизгача кўп миқдорда етиб келгани муҳрлардир. Илк сулолар давридаёқ Сомирда тош ўймакорлигининг бадиий-нафосатли тамойиллари ишлаб чиқилган ва мустаҳкамланган, сайқал бериш техникаси мукаммаллаша бошлаган. Шунинг учун уларга фақат моддий маданият намуналари эмас, балки санъат ёдгорликлари сифатида ҳам қараш мақсадга мувофиқ. Сомир муҳрларига разм солган ҳар бир киши уларда асотир ёки халқ оғзаки ижодига доир сюжетнинг ифодасини кўради: қанотли аждаҳоларнинг устида турган эркак билан аёл, етти бошли аждаҳони ўлдираётган паҳлавон, хаёлий мавжудотлар-қуш-одам ва одам-арслон устидан олиб борилаётган суд ва бошқа тасвирлар шулар жумласидандир.

Бу даврдаги сарғиш ва кўкимтир рангдаги юпқа сопол идишлар безакли ҳошиялар билан қопланиб, уларда ҳайвонлар, қушлар ва одамлар тасвирланган. Меъморлик соҳасида ҳам сомир санъатининг ажралиб турувчи томони–унинг улкан монументаллиги, асосий қурилиш материали сифатида ғиштнинг қўлланиши, бино ичидаги хоналарнинг номутаносиб ва кўндаланг жойлашуви, шунингдек, деворларни орнамент билан безалишидадир. Бу борада ибодатхоналарнинг қолдиқлари яхши тасаввур беради. Унда сиркорлик усули қўлланилган, ибодатхона минораси зинапояли.

Сомир ҳайкалтарошлигининг энг қадимги намуналари анчайин қўпол ва ибтидоий. Ҳайкалтарош ҳали тош бўлагига инсон қиёфасини сингдириш маҳоратига эришмаган,

шу сабабли одам ҳаракатсиз, қотиб қолган қиёфада акс эттирилади. Фақат унинг юзидагина санъаткорнинг бир оз эркин ҳаракат қилганини сезиш мумкин. Айниқса, бу доимо ифодавийлик билан ажралиб турадиган кўзлар тасвирида яққол сезилади. Релефларда акс эттирилган одамлар ва ҳайвонларнинг ифодаси ҳам ҳаракатсиз ва ибтидоий тасвир усулида яратилган. Сомир санъатида бадиий адабиёт энг катта ўрин эгаллаган санъат тури ҳисобланади. Сомир адабиёти намуналарининг кўп қисмини достонлар ташкил этади. Улар бадиий жиҳатдан пухта ишланган, оҳангга, шеърий усулларга бой. Кўпчилиги баҳсга ўхшаш, ўзига хос диалог тарзида яратилган. Уларда гўзаллик тушунчаси фойдалилик билан боғлиқ ҳолда тасаввур этилган: нимаики фойдали бўлса, ўша гўзалдир деб тан олинган. Буни *«Ёз ва қиш ёки Энлил деҳқонлар ҳомийси бўлмиш маъбудани танлагани» достони*да ёхуд *«Инаннанинг ўзига эр танлаши» шеърий песаси*да яққол кўриш мумкин. Биринчи достонда кўпроқ фаровонлик келтирувчи дарёлар ва анҳорлар назоратчиси Энтен, иккинчи достонда эса, чўпон Думузи гўзалроқ-фойдалироқ деб баҳоланади. Сомирликларда нафосатли тафаккурнинг келиб чиқиши мифологияга бориб тақалади. Шу боис асотирларни инсон яратган илк нафосат концепцияси, умумлашма деб аташ мумкин; фақат у назарий эмас, балки бадиий, тимсолий шаклда ифодаланган. Бошқача айтганда, асотир қадимги тарихда илк бор оламни бадиий борлиқ, сифатида тақдим этади.Сомир адабиётидаги яна бир хусусият, унда эпик достонларнинг вужудга келишидир. Ҳозиргача 100 мисрадан тортиб 600 дан ортиқ мисрани ўз ичига олган тўққизта ана шундай достон мавжуд. Улар муайян бир қаҳрамонлик, муайян бир ҳолатни акс эттиради. Бироқ эпизодлар ўзаро боғланмаган. Сабаби шоирлар алоҳида эпизодларга бирлаштирилган яхлит асар ҳақида ўйламаганлар. Буни эса биринчи марта Бобил шоирлари амалга оширганлар. Гилгамеш ҳақидаги достон бунга мисол бўла олади. Гилгамеш ҳақида бизгача беш достон-қўшиқ етиб келган.

ҚАДИМГИ МИСР

Умумжаҳон нафосатшунослиги тараққиётига Қадимги Миср маданияти жуда катта ҳисса қўшган. Барча қадимги халқлар қатори мисрликлар ҳам гўзалликни ҳаётда деб билганлар ва уни фойдалилик мезони билан ўлчаганлар. Чунончи, қуёш маъбуди Атонга (милодгача XY аср) бағишланган алқовлардан бирида шундай дейилади;

Сенинг гўзаллигинг ўзи ҳаётдир, Умр бағишлайди ҳар бир юракка.

Нил тошқини Қадимги Миср фаровонлигининг асоси бўлган. Фаровонлик эса, улар фикрича, гўзалликдир. Мисрликлар Нилни илоҳий дарё сифатида талқин этадилар. Қадимги Миср санъатининг жуда кўп турлари шу манфаатли гўзаллик асосида вужудга келган. маъбудлар учун қурилган ибодатхоналар, маъбуд ва фиръавнларнинг ҳайкаллари улардан шафқат, мўл-ҳосил, ризқу-рўз сўраш мақсадида бунёд этилган бўлса, халқ амалий санъати буюмлари эса кундалик ҳаётни гўзаллаштириш учун ҳизмат қилган. Айни пайтда баъзи санъат турлари (Аёлларнинг гўзал безаклари, тақинчоқ, диний-бадиий қисса, эртаклар) манфаатсиз гўзалликнинг намунаси сифатида диққатни тортади.

Энг қадимги бадиий ижод ёдгорликлари Y-IY минг йилликларга бориб тақалади. Улар сопол идишлардир. Улар қўлда ишланган бўлиб, шакл ва юзаси нотекис. Баъзан оддий ҳандасавий нақш билан безатилган. Кейинчалик улар кулолчилик дастгоҳида ишланиб мураккаб суратлар ва чизмалар билан безалган.

Меъморлик юксак тараққиёт ва техник мукаммалликка эришган. Қадимги подшолар даврида меъморчиликнинг улкан монументаллиги ишлаб чиқилган. Бу борада эҳромлар алоҳида ўрин тутади. Улар орасида Хуфу эҳроми ўзининг маҳобати билан ажралиб туради; баландлиги 146,6 тўрт томони энининг узунлиги (асоси)

233 метр. Аниқ ҳисоб-китоблар билан қурилганки, математика юксак даражада ривожланганлигидан далолат беради.

Қадимги Миср ҳайкалтарошлиги ҳам бадиий ижоднинг ҳақиқий ноёб асарлари ҳисобланади. Лувр музейида сақланаётган мирза Каннинг ҳайкали ўзининг реализми билан кишини ҳайратга солади. Мирза чордана қуриб ўтирибди. У тиззаларида ёзиш учун тайёрланган папирус варағи, ўнг қўлида қамиш қалам. Унинг катта қулоқлари динг, у эшитиб бажо келтиришга ўрганган. Кўзлари алоҳида диққатга сазовор-улар бир неча хил материалдан ясалган; косаси-биринч, унга кўз оқини англатувчи ганч бўлаги ва тагига силлиқланган ёғоч қўйилган, биллур қорачиқ жойлаштирилган. Натижада улар тамомила тирик одам кўзларидек тасаввур уйғотади. Меъмор Рахотеп ва унинг хотини Нефрет ҳайкали ҳам ўзининг юмшоқ тасвири, ранглари, томошабинга нафосат завқини беради. Ахатетондаги хайкалтарош Тутмоснинг устахонасидан топилган Нефертити боши ноёб гулга ўхшайди, у нозик бандга-бўйинга нисбатан бир оз оғиррокдай туюлади. Шоҳойим қиёфасида тенгсиз бир аёллик латофати, назокат, шоҳона ғурур ва нафислик беқиёс.

Қадимги Миср маданияти тараққиётида фақат нафосатли ғоялар, нафосат мезонларига оид эстетика рисолалар ҳам муҳим ўрин эгаллаганлиги шубҳасиз. Афсуски, улар бизгача етиб келмаган. Фақат ибодатхона кутубхонаси рўйхатида «Деворий рангтасвир ва мутаносиблик қонуни бўйича тавсия» деган бир рисоланинг номи учрайди.

Қадимги Миср театри дастлаб дафн маросимидаги маъбудларнинг ўзаро диалоглари, маъбудлар ҳаётидан олинган лавҳаларни ўша маъбудлар шарафига ўтказиладиган халқ сайллари ва байрамларида саҳналаштириш натижасида бунёдга келган. Маъбудлар ролини коҳинлар ўйнаган. Бундай саҳналар бундан 4,5-4 минг йиллар аввал ижро этилган. Саҳна-песалардан бизгача биргинаси «Мемфис илоҳиёти ёдгорлиги» сақланиб қолган. Коҳинлар тасаввуридаги космология баёни бўлмиш бу матнда Мемфис маъбуди Пта томонидан оламнинг яратилиши ва Осирис ҳамда унинг ўғли маъбуд Гор ҳақидаги жуда қадимги мифологик сюжетлар, парчалар келтирилган. Ҳерадот юнонларнинг Дионисий мистерияларини Миср халқ диний байрамлари билан солиштириб, улар орасида шунчалик кўп умумийлик топадики, натижада юнонлар мисрликларнинг байрамлари ва урф-одатларини қабул қилганлар, деган хулосага келади. Қадимги Миср театри ўзининг диний-илоҳий моҳиятига қарамай, фақат тор доирадаги диний мавзулар билан чекланиб қолган эмас. «Тобутлар матнлари»да, «Маййитлар китоби»нинг 78-бобида Гор ва бошқа мифологик персонажлар иштирок этган комедиядан парчалар сақланиб қолган. Унда маъбуд Горнинг элчиси қатор ҳолатларда кулгили аҳволга тушиб қолади. «Маййитлар китоби»нинг 39-бобида ҳам Миср иблиси – илон Аппоп иштирок этган кулгили сценарийдан парча берилган. У Қадимги Мисрда профессионал таетр, яъни дунёвий театрларнинг мавжудлигини исботлаши билан қимматли.

Қадимги Мисрда мусиқа ва мусиқачилар ҳурмат-эътиборга сазовор бўлишган. Буни бизгача етиб келган ёдгорликлар қадимги чолғу асбоблари, мусиқачиларнинг номлари тўла исботлаб беради. Қадимги Мисрда вужудга келган нафосатли ғоялар, ижодий тамойиллар, жанрлар кейинги даврлар нафосат илми ривожига ҳаракатлантирувчи маънавий куч сифатида таъсир кўрсатганига шубҳа йўқ. Фаластин сўз санъатининг улкан ёдгорлиги қадимги яхудийлар дини билан боғлиқ Библиядан ўрин олган асарларнинг кўпчилигида Сомир-Бобилон ва Мисрда илгари сурилган ғоялар таъсирини кўриш мумкин. «Аҳд ул-қадим»да ва кейинчалик қўшилган бошқа қисмларда қадимги адабиётнинг диний асотир, тарихий афсона, қаҳрамонлик эпоси

шаклларида акс этганини кўриш мумкин. Уларда гўзаллик ҳақидаги тасаввур ўз ўзини диний-мифологик шаклда намоён қилади.

ҚАДИМГИ ТУРОН ВА ЭРОН

Қадимги туронликлар ва эронликларда ҳам атроф-муҳитдаги гўзалликни англаб етиш бошқа қадимий маданий халқлардаги каби инсоннинг ўз-ўзини англаш ва ўзлигини барқарор этиш жараёнларида рўй берди. Маълумки, қадимги Шарқда гўзаллик ахлоқий юксаклик билан моҳиятан бир тушунча сифатида олиб қаралади. Бу жиҳатдан «Авесто» ҳам истисно эмас; ундаги «гўзал», «чиройли», «қойилмақом» сўзлари «яхши», «эзгу», «беғубор» сўзлари билан маънодош тарзида келади. «Авесто»да «гўзал» дегани «яхши», «одамга фойдали» деган маънони англатади.

«Гот»лардаги гўзаллик ҳақидаги тасаввур илоҳий нуқтаи-назардан адлликка, меъзонийликка, мутаносибликка, яъни уйғунлик тушунчасининг илк ибтидоий кўринишларига бориб тақалади. Зардушт «Гот»ларда ўз илоҳи Аҳура Маздани мезоний сўзлар билан» шарафлаганини таъкидлайди.

«Авесто»да фикр-сўз-аъмол учлиги яхлитлигида сўз алоҳида ўрин эгаллайди. Зардушт учун Аҳура Маздани чиройли сўзлар билан ифода этиш – ёвуз сўзларни янчиш, яъни эзгулик воситасида ёвузликни янчиш демакдир.

Милоднинг дастлабки асрларида битилган Қадимги Хитой манбаларида қайд этилишича, Тошкент воҳасидан Хитойга борган артистларнинг кийим ва безаклари таърифланади. Раққос-артистлар енги тор кўйлак, бошларига чўнғоқ (баланд) телпак кийганлар. Телпак тевараги тепага қайрилган, четларига майда қўнғироқчалар тақилган. Бундан ташқари, улар гулнусха, дурлар билан безалган дўппи ҳам кийганлар. Солномачи бу кийимлар қадимдан мавжудлиги, ҳанузгача ўзгармаганлигини таъкидлайди.

IY-Y асрларга оид хитой мусиқий рисолаларида Бухоро (Анго), Самарқанд (Конго), Қанғли (Сирдарёнинг ўрта оқими, Тошкент воҳаси) номлари учрайди. Хитойда машҳур бўлган хусюнсу Мавароуннаҳрда кенг тарқалган рақслардан бўлган, уни Самарқанд ва Шаҳрисабз минтақаларидан чиққан қиз-жувонлар ижро этганлар. Хусюнсу рақсида кичик, юмалоқ коптокни тепага отиб, гир айланиб, моҳирлик билан илиб олиб, оёқ тагига ташлаб, устига оёқ қўйиб, сирғалиб кетмасдан айланиб ўйнаганлар; сирғалиб кетмаслик ўйинчининг маҳоратини билдирган. Бундай манбалар «Авесто» яратилган икки улуғ дарё соҳилларида, Ҳуросон, Форсистон минтақаларидаги нафосатли тасаввурлар, ғоялар ва санъат турлари қўшни минтақалар халқлари нафосатли тараққиётига катта таъсир кўрсатганлигини исботлайди.

ҚАДИМГИ ҲИНДИСТОН

Қадимги Ҳиндистон фалсафий-нафосатли, диний-ахлоқий тафаккурида милодгача бўлган YII асрларда вужудга кела бошлаган упанишадларнинг аҳамияти беқиёс. «Упанишад» сўзи «давра», «давра олмоқ»(устоз атрофида), «сирли билим», «яширин билим» деган маъноларни англатади. Упанишадлар ведаларга бориб тақаладиган, уларни сирларини тушунтирадиган диний-фалсафий табиатга эга таълимотлар. Улардаги қадимги хиндларнинг нафосатли тасаввур ва қарашлари ахлоқий қарашлар билан мустаҳкам боғлиқ.

Упанишадлар яратилган даврда мусиқа санъати, қўшиқ, рақс, меъморлик ва тасвирий санъат тараққий топган эди. Бироқ упанишадларда кўпинча безаклар моддий ёки маънавий бўлишидан қатъий назар улар қораланмаса-да, умуман олганда, санъат ўткинчи ҳиссий лаззат, моддий ҳодиса тарзида талқин этилади. Асл донишманд

абадий ҳақиқатга интилиши, ҳар қандай санъатдан юз ўгириши лозим. Санъат, ҳусусан, тасвирий ва мусиқий санъат «алдамчи лаззат» беради; кимки унга ўрганиб қолса, «олий ҳолатни ёдидан чиқаради». Қадимги хинд нафосатшунослигида, ҳусусан, упанишадларда нур нафосати билан бирга сўзларда инъикос этган ранг нафосатига ҳам дуч келиш мумкин. Ранглар муқояса – зидлаштириш усулида нафосатли ҳусусият касб этади.

ҚАДИМГИ ХИТОЙ

Қадимги Хитой нафосатшунослиги милоддан аввалги YII асрдан милоднинг Y асригача бўлган даврни қамраб олади. Шу даврда асосий фалсафий-нафосатли тушунчалар шаклланган. Бироқ нафосатга доир илк тасаввур, ғоя, тушунчалар бундан анча аввал, «Шуцзин» («Тарихлар китоби» – мил. ав. XII аср), «Шицзин («Қўшиқлар китоби» – мил. ав. XI-YI), «Ицзи» («Ўзгаришлар китоби» – мил. ав. YIII-YII) деб номланган ёдгорликлардан жой олган асотир ва шеърий эпосларда кўриш мумкин.

«Шицзин»даги фолклор қўшиқларида муҳаббат ва дўстлик туйғулари ўзига хос, ранг-баранг ифода топган. Бу туғулар бежамалик, баландпарвозлик, сохталикдан йироқ. Айни халқ қўшиқлари хитой ёзма адабиётининг асоси бўлди. Уч ярим минг йил аввал хитой ёзуви – иероглифлари яратилди. Шуни айтиш керакки, иероглиф ёзув ранг-баранг, базўр илғанадиган нозик ишораларни тасвирлашда мавҳум ва кўпёқламали тушунчаларни, турли маъно урғуларини ва қирраларини ифодалаш учун чексиз имкониятларга эга.

Қадимги Хитой нафосатшунослигида икки йўналиш алоҳида ажралиб туради. Булар –даочилик ва конфуцийчилик. Даочилик йўналишининг муҳим белгиси, бу – фазо (космос) ва табиатнинг азалий ва абадий гўзаллиги; жамият ва инсон гўзаллиги даражаси ана шу борлиқ гўзаллигига қанчалик ўхшаш, яқин эканлиги билан белгиланади.

Конфуцийчилик хулқий гўзаллик муаммосини ўртага ташлайди; ахлоқий-нафосатли идеал унинг энг муҳим белгиси саналади.

Даочилар учун ибтидо нуқтаси олам (космос) бўлса, Конфуций (мил. ав. 551-479 й.) ва унинг издошлари нафосатли муносабатларини ижтимоий-сиёсий қарашлардан келиб чиқиб шакллантирадилар. Конфуций «жўмард ўғлон» тушунчасини киритади. Жўмард ўғил энг аввало ахлоқий ва фуқаролик бурчларини чин дилдан намунали бажарувчи жамиятнинг идеал аъзоси. Конфуций жўмард ўғлон тарбиясининг асосини уч нарсада – «қўшиқ», «удум» ва «мусиқа»да кўради. Демак, донишманд нуқтаи назаридан тарбия нафосатли асосда олиб борилиши лозим.

Хулоса қилиб айтганда, Қадимги Хитой эстетикаси ўрта асрларга келиб на фақат Хитойни юксак поғонага кўтарди, балки Япония, Қурия, Вьетнам каби минтақаларнинг нафосатшунослигига ҳам асос бўлди.

Қадимги дунёнинг мумтоз нафосатшунослиги (Юнонистон, Румо).Қадимги Юнонистон фани ва маданияти Эрон, Бобил, Миср ва Ҳиндистон сингари Қадимги Шарқ мамлакатлари эришган ютуқлардан фойдаланиб, юксалди. Фалес, Пифагор, Демокрит, Ҳераклит, Суқрот, Платон сингари алломалар учун Қадимги Шарқ улкан мактаб вазифасини ўтаган. Бунинг исботини деярли барча қадимги манбаларда, ҳусусан, юнонлардан қолган фалсафий, адабий, тарихий манбаларда кўриш мумкин.

Қадимги юнон мумтоз нафосатшунослиги деганда биз, асосан, уч буюк сиймо – Суқрот, Платон ва Аристотельни назарда тутамиз. Суқрот (мил.ав. 469-399й.) биринчи бўлиб антропологик ёндошувга асос солган мутафаккир, унгача фалсафага фақат космологик ёндошув ҳукмрон эди. У диққатни космос – фазога эмас, балки инсонга қаратди, инсонни амалий хатти-ҳаракати, ахлоқийлиги нуқтаи назаридан ўрганишга

киришди. Суқрот этика ва эстетиканинг, ахлоқ ва гўзалликнинг узвий алоқасини таъкидлаб кўрсатади. Унинг идеали – маънан ва жисман гўзал инсон. У инсонни санъатнинг асосий обьекти сифатида олиб қарайди, санъатнинг нафосатли ва ахлоқий меъзонлари масаласини ўртага ташлайди ҳамда шулар орқали ижодий жараённи очиб беришга уринади.

Суқротнинг фикрига кўра, санъат тақлид орқали ҳаётни инъикос эттиришдир. Лекин бундай тақлид асло нусха кўчириш эмас. Ҳайкалтарош Поррасий билан суҳбатида мутафаккир санъаткор инсонни, табиатни, воқеликни умумлаштириш орқали қайтадан жонлантиради. Ҳайкал ҳам, яъни, тош ҳам, бошқа санъат турларидаги каби «қалбнинг ҳолатини», инсоннинг руҳий-маънавий қиёфасини акс эттириши керак. Ахлоқий идеалларгина инъкор этилишга лойиқ.

Платон(мил.ав. **427-347**й.)нинг нафосат борасидаги фикр-мулоҳазалари асосан «Ион», «Федр», «Базм», «Қонунлар», «Давлат» сингари асарларида ўз ифодасини топган. У ғоялар муаммосини ўртага ташлайди. Унинг наздида асл борлиқ ғоялардан иборат. Умумий тушунчалар қанча бўлса, ғоялар ҳам шунча. Ғояларнинг ўрни нарсаларга нисбатан бирламчи; аввало ғоялар, ундан кейин нарсалар. Атроф-теваракдаги хис этилувчи нарсалар ҳиссиётдан юксак турувчи ғояларнинг инъикосидир. Платоннинг фикрига кўра, **асл гўзаллик** ҳис этилгувчи нарсалар дунёсида бўлмайди, у **ғоялар оламига тааллуқли**. «Давлат» асарида файласуф Суқрот ва Глаукон суҳбати асносида ғор ҳақидаги машҳур масал-афсонани келтирар экан, биз яшаётган дунё бор-йўғи соялар ўйини, ҳақиқий дунёни кўриш учун эса инсон ожизлик қилади. Инсон ғор деворига кишанбанд қилинган тутқунга ўхшайди, у фақат ҳақиқий борлиқнинг соясини кузата олади, ҳолос, ҳақиқий борлиқ эса ана шу соя ортида кўринмай қолаверади. Гўзаллик ҳам ҳақиқий борлиққа тааллуқли. Унга ҳиссиётлар ёрдамида етишиш мумкин эмас, фақат ақл орқалигина уни англаш мумкин; у-ўзгармас, замон ва макондан ташқарида. Бу ўринда Платоннинг ҳақиқий гўзаллик сифатида Худони назарда тутаётганини илғаш қийин эмас.

Платон наздида санъаткор ўзига хос нусха кўчирувчи; у ҳис этиладиган нарсалар оламини акс эттиради, бу олам эса ўз навбатида, ғояларнинг нусхаларидир. Демак, санъат асари-нусхадан олинган нусха, тақлидга тақлиқ, соянинг сояси. Шу боис инъикоснинг инъикоси сифатида **санъат**, билиш қуроли бўла олмайди, аксинча, у **алдамчи рўё**, асл оламнинг моҳиятига етиб бориш йўлидаги тўсиқдир. У ахлоққа нисбатан бетараф туради, ҳатто ахлоқнинг бузилишига ҳам сабаб бўлиши мумкин. Томошабинни маънавий юксакликка эмас, балки руҳий касалликка олиб келади. Чунки у хис этилгувчи нарсалар оламини турли воситалар орқали инъикос эттирар экан, кўп холларда гўзалликка тааллуқли бўлмаган, ҳунуклик, шармандалик ва беҳаёликни ҳам ҳам тасвирлайди. Шу сабабли идеал давлатдан санъатнинг ўрин олиши шарт эмас. Лекин маъбудларга алқовлар, мардлик, ватанпарварлик туйғуларини уйғотадиган қўшиқлар бундан мустасно.

Платон илҳомнинг икки хилини келтиради: «тартибга солувчи», «лаззат берувчи». Бири одамларнинг «яхшиланишига» ҳизмат қилса, иккинчиси «ёмонлаштиради». Файласуф ўзига хос цензурани таклиф этади: ёши элликдан ошганлар орасидан маҳсус «баҳоловчи» кишиларни белгилаш лозим, улар давлат миқёсида бадиий ижодни доимий назорат қилиб турадилар. Идеал давлатда комедияларни саҳналаштириш мумкин, фақат уларда ролларни муҳожирлар ва қуллар ўйнаши керак бўлади. Трагедияни эса қатъий цензура асосида саҳналаштиришга руҳсат берилади. Платон санъатнинг асл манбаини билимда эмас, илҳомда деб ҳисоблайди. Унинг наздида шоир «фақат илҳомланган ва жазавага тушган пайтида, унда эс-ҳуш йўқолганида ижод қилади; токи эс-ҳуши жойида экан, у ижод ва каромат

қобилиятидан маҳрум». Шоир ўзи англамаган холда, телбавор, савдойи бир ҳолатда ижод қилади. Шу боис санъат қонун-қоидаларини билишнинг ўзигина етарли эмас: санъаткор бўлиб туғилиши лозим.

Қадимги Юнон нафосатшунослигининг юксак чўққиси Аристотель (мил.ав. 384-322й.) ижодидир. Унинг «Риторика», «Сиёсат», «Поэтика» асарларида эстетика муаммолари ўртага ташланган.

Аристотель гўзаллик масаласини ўз тадқиқотлари марказига қўяди: гўзаллик тартиб, мутаносиблик ва аниқликда, унинг юксак ифодаси эса, тирик жонзотлар, айниқса, инсонда намоён бўлади. Гўзалликнинг яна бир белгиси, миқдорнинг чекланганлиги. Гўзалликнинг энг муҳим белгиси узвий яхлитлик. Яхлитлик ибтидо, марказ ва интиҳодан иборат. Аристотельгача гўзаллик ва эзгулик айнанлаштирилар эди. Аристотель биринчи бўлиб уларни фарқлайди: эзгулик фақат ҳаракат орқали, гўзаллик ҳаракатсиз ҳам воқе бўлади.

Аристотельнинг санъат ҳақидаги фикрлари устози Платонникидан жиддий фарқ қилади. Унинг фикрига кўра, санъат асари, табиат асари сингари шакл ва материя бирлигидан иборат. Санъаткор онгида Оламий Ақлда мавжуд бўлган нарсалардан бошқа бирор нарсанинг мавжуд бўлиши мумкин эмас. Табиат ва инсон фаолиятининг манбаи Оламий Ақлдаги ғоялар йиғиндисидир. Улар ё «табиатдаги» жараён, ёки «санъат» орқали ўзлигини намоён қилади. Санъат табиат охирига етказа олмаган нарсани охирига етказади. Чунки бунда унга инсоний зеҳн-идрок кўмаклашади.

Санъат табиатга ўхшаб организм яратади. Санъаткор фаолияти санъат қонун-қоидаларига бўйсинади. Санъатнинг тақлид обьекти одамларнинг ахлоқий табиати акс этадиган хатти-ҳаракати. Бу тақлид воқеликдан шунчаки нусха кўчириш эмас, балки ижодий ёндошув асосидаги инъикосдир. Аристотель шундай дейди; «Шоирнинг вазифаси ҳақиқатан бўлиб ўтган воқеа ҳақида эмас, балки эҳтимол ёки зарурият юзасидан рўй бериши мумкин бўлган воқеа ҳақида сўзлашдир».

Аристотель санъатни билишнинг ўзига хос тури эканини таъкидлайди. Бадиий асар мазмуни аниқ-равшан бўлиши керак. Бироқ бадиий идрок этиш учун нафосатли масофа зарур. Ана шу масофа туфайли бадиий реаллик алоҳида муҳтор тарзда, амалий ҳаётдагига айнан бўлмаган равишда идрок этилади. Бундай масофа бадиий тил, мусиқий композиция ва ҳоказо воситасида яратилади. Бошқача айтганда, бадиият оламининг ўз замони, ўз макони, ўз тили мавжуд. Фақат ундаги мантиқ ҳақиқий ҳаёт мантиқини акс эттиради. Шу боис бадиий асар инсон томонидан қандайдир яқин, таниш ҳодиса сифатида идрок этилади ва масофа туфайли унда мушоҳада қилиш эркин сақланиб қолади. У ҳаяжонланади, қалби равшан тортади.

Маълумки, Пифагор биринчи бўлиб «фориғланиш» – «катарсис» тушунчасини моҳиятан диний маънода қўллаган бўлса, Аристотель уни санъатга нисбатан ишлатади. Фориғланиш фожеанинг мақсади. У моҳиятан қўрқув ё ачиниш туфайли инсон қалбини салбий ҳиссиётлардан фориғлантиради. Натижада инсон, бир томондан, тақдир кўргиликларига ҳотиржам қарай бошласа, иккинчи томондан, бахтсизлик гирдобига тушганларга ўзида ҳамдардлик туяди. Яъни, санъат инсонни олижаноблаштириш, яхшилаш ҳусусиятига эга. Санъат фориғланиш воситасида инсонни тарбиялайди. Шундай қилиб, антик давр нафосатшунослигининг юксак нуқтаси сифатида Аристотель ижоди ҳанузгача кишилик тафаккурида ўз аҳамиятини йўқотган эмас.

ҚАДИМГИ РУМО

Қадимги дунёнинг мумтоз нафосатшунослигида Қадимги Румо мутафаккирларининг ҳам ўз ўрни бор. Чунончи Тит Лукреций Кар (милодгача 99-

55 йиллар), Квинт Ҳораций Флакк (милодгача 165-8 йиллар) қарашлари диққатга сазовор. Тит Лукреций Кар «Нарсаларнинг табиати» асарида санъатнинг келиб чиқишини табиатга тақлид деб изоҳлайди. Яъни, санъат инсонларнинг реал эҳтиёжларидан келиб чиққан. Унинг наздида санъат фақат лаззат, ором бермайди, балки, фойдалилик ҳусусиятига ҳам эга: у чунончи, нарсаларнинг табиати ҳақида билим беради. Қадимги Румо нафосатшунослиги, муайян ютуқларига қарамай, Аристотель даражасидан юқори кўтарила олмади, кўпроқ Қадимги Юнон мутафаккирларига тақлидий ёндошувдан нарига ўта олмади. Умуман олганда, Қадимги дунё нафосатшунослиги, ҳусусан, унинг мумтоз даври кейинги даврлар нафосатли тафаккур тараққиётига катта таъсир кўрсатди ва бу таъсирни ҳозир ҳам маълум маънода ҳис қилиш мумкин.

Эстетик англаш (эстетик онг) ва унинг асосий элементлари.

Инсон онгли мавжудот сифатида ўзини қуршаб турган воқеликка фаол муносабатда бўлади, нарсаларнинг хоссаларини, эстетик жиҳатларини ҳисобга олади. Нафосат (эстетика) қонунларига амал қилиш, яъни яратиш қобилияти инсон фаолиятининг моҳият ва мазмунини ташкил этади. Масалан, асалари ўзининг мум уяларини қура билиши билан ҳар кимни ҳам лол қолдиради, баъзи меъморлардан ҳам «ақлли»дир. Лекин энг лаёқатсиз меъморнинг энг моҳир асаларидан фарқи: у уйни қурмасдан аввал ўз миясида қуриб қўйган бўлади. Асалари хатти-ҳаракати табиий майл асосида, инсон онгли фаолият орқали боради. Қилмоқчи бўлган ишни аллақачон ўз мияси, онги, тасаввурида ҳаёлан англаб етган бўлади.

Инсоннинг бадиий фаолияти – санъат воқеликни инсон томонидан эстетик жиҳатдан идрок этилишининг энг олий кўриниши. Умуман, моддий оламдаги барча нарсалар эстетик англаш объекти саналади. Оламда эстетик бўлмаган нарса, ходиса, буюмнинг ўзи йўқ. Муайян шароитда ҳар қандай нарса, ходиса, буюм эстетик табиатга эга бўлиб, эстетик муносабат ва эстетик баҳо объектига айланиб қолиши мумкин.

Эстетик объект – инсоний алоқалар ва муносабатларга киришган, бевосита идрок этиш объектига айланган, одамларнинг эстетик эҳтиёжларини қондиришга ҳизмат қиладиган воқеликнинг хилма-хил кўринишларидан иборат.

Эстетик объектни англовчи **эстетик субъект** ИНСОНдир.

Эстетик онг эстетик объект ва эстетик субъект ўртасидаги муносабат доирасида юзага келиб, шаклланди. Эстетик онг ҳам ижтимоий онг шаклларидан бири. Эстетик онг объектив дунёга нисбатан инсон эстетик муносабатнинг субъектив томонидир.

Эстетик онг – маънавий-руҳий воқеа-ходислар мажмуи, у ижтимоий ҳаёт заминида вужудга келадиган эстетик – хис, дид, фикр, орзу, қараш, назария тизимини англатади. Эстетик онг ижтимоий ҳаёт билан бирга ўзгариб, такомиллашиб, ривожланиб боради.

Эстетик онг нисбий мустақилликка эга. Эстетик онг ижтимоий онгнинг баъзи шаклларидан орқада қолиши мумкин. Масалан ижтимоий ҳаётда сиёсий етукликнинг юксак даражасига кўтарилган, лекин эстетик диди орқада қолган, турли соҳта «бадиий» маҳсулотни бемалол истеъмол қилаверадиган одамларни кўплаб учратиш мумкин. Бу ҳолат кишилар дунёқарашига салбий таъсир ўтказади, натижада И.Каримов «Фидокор» газетаси муҳбири саволларига жавобларида таъкидланганидек, бузғунчи, вайронкор ғоя ва мафкура таъсирига тушиб қолади. Эстетик онгнинг нисбий мустақиллиги кўринишларидан бири ворисийликдир. Эстетик онг яъни эстетик қараш, ғоя, назариялар жамиятнинг ўзидан олдинги эстетик ва бадиий онги заҳирасининг давоми сифатида амал қилади. Эстетик онг ворисийлиги ўтмишдаги эстетик қарашлар, ғоялар, назариялардаги келгуси тараққиёт учун хизмат қиладиган,

ижобий бойликларни сақлаб-асрашни, уларни муайян давр онгига сингдириб юборишдир. Эстетик онг ижтимоий ҳаёт инъикоси бўлиб, у жамият ҳаётида муҳим ўрин тутиб, ҳар томонлама таъсир ўтказади. Жамият тараққиётида эстетик дид, орзу ва қарашлардан четда бўлган бирор жабҳа, нарса, ходиса йўқ.

Эстетик онг бадиий онг билан чамбарчас боғлиқ. Эстетик онг воқеликни бутун борлиғича идрок этиб, қайта ишлаш жараёнида вужудга келса, бадиий онг санъатни яратиш ва идрок этиш жараёнида намоён бўлади. Бадиий онг бадиий асарлар тизимида ифодаланса, эстетик онгнинг акс этиши кўлами анча кенгдир. У инсон моддий ва маънавий маданиятининг барча қадриятларида ифода топади. Жамиятнинг эстетик онги мураккаб тузилишга эга: эстетик ҳис, эстетик орзу, эстетик қараш ва эстетик назариялар.

Эстетик хис-туйғулар инсон онгнинг ажралмас қисми, унинг пойдевори ҳисобланади. Эстетик ҳис-туйгулар неча минг йиллар давомида инсон томонидан нафосатнинг табиий-шароитларини ўзлаштириши жараёнида шаклланган. Эстетик ҳис-туйғулар мураккаб тузилишга эга; нафосат, ҳамоҳанглик, оҳанг, шакл, уйғунлик, мослик, шодлик, ҳайратланиш, ажабланиш, роҳатланиш, хузурланиш, лаззатланиш, эҳтиром, завқ-шавқ, нафрат каби тушунчаларни қамраб олади.

Нафосат, олижаноблик, фожиа ва кулги ҳис-туйғулари энг мураккаб ҳамда турғун ҳис-туйғулардир. Эстетик хис-туйғулар кечинмалар жараёни сифатида содир бўлади. Кечинмаларнинг якуни эстетик хузурланиш ва лаззатланиш саналади. Эстетик ҳузурланиш ва лаззатланиш инсоннинг умумий, доим ижобий сезги ҳолати бўлиб, ўз қилган ва қилаётган иши натижаларидан қониқиш хосил қилишдир. Бу инсон фаолияти фаоллигини оширишда муҳим роль ўйнайди. Масалан, бирор кимсага яхшилик қилиш, ёрдам беришдан лаззатланиш. Талаба яхши ўқиши, аъло баҳо олиши, дўстига ёрдам бериши, бошига мусибат тушса ҳамдардлик қилишидан ўзида қониқиш ҳиссини туюши хузурланиш ва лаззатланиш ҳис-туйғусини туғдиради…

Эстетик ҳис-туйғуларни ривожлантириш инсонда эстетик дидни тарбиялайди. **Эстетик дид** мураккаб ва кўпқиррали. Дид одамларнинг айрим соҳалар – фан, техника, ҳунарга мойилликлари. *Масалан, Бунинг техникага диди баланд, дейишади.*

Кишиларда айни эстетик дидни шакллантириш эстетик тарбия вазифаларидан биридир. Эстетик диди ривожланмаган киши салбий воқеа-ҳодисларга лоқайд бўлади. Шунинг учун ота-оналар айримларга нисбатан «дидинг борми ўзи, шуни ҳам уддалай олмайсан» мазмунида танбеҳ берадилар. Диди бор одам озода, тартибли бўлади ва буни бошқалардан ҳам талаб қилади. *Аудиторияда дидсиз талаба хона, доска ҳолатига разм солмайди…*

Эстетик орзу воқелик бағрида ётган имкониятларнинг маънавий-руҳий инъикоси. Орзу инсоннинг хоҳиш-истаги бўлиб, келажакда яна нималар бўлиши лозим ва бўлиши мумкинлигини ифодалайди. Халқимизда «Орзуга айб йўқ» ибораси бор. Аммо у қандай бўлиши кераклиги муҳим масала. Яъни эзгу, ижобий нарсаларни орзу, ният қилиш муҳим…

У ёки бу эстетик ҳодисага оид ғоя, тушунча, таълимот, қараш ва назариялар ҳам эстетик онгнинг таркибий қисмига киради.

Эстетик назария – бу эстетик объектни бутунлай қамраб оладиган тамойил, қараш, тушунча, қоида, билимлар тизимидир.

Эстетик муносабат ва эстетик фаолият меҳнатнинг ўзига хос тури.

Инсон зоти дунёга келганидан бошлаб табиат ва жамият деб аталган ташқи муҳит билан муносабатга киришади, дастлаб бу муносаб онгланмаган, интуитив, биологик-генетик тарзда, кейинроқ эса англаб етилган, юксак даражадаги ижтимоий ҳодиса сифатида рўй беради. Уни, одатда, икки хил деб таърифлаш қабул қилинган:

Биринчиси – инсоннинг саломатлиги ва турмуш тарзини фаровонлаштиришга қаратилган зоҳирий-моддий мақсадга эиришиш тамойилига асосланган утилитар-эмпирик манфаатдорлик.

Иккинчиси - ботиний-руҳий манфаатдорликни мақсадга мувофиқликни таъминлайдиган ҳиссий-маънавий муносабатлар. Мана шу иккинчи хил муносабатлар инсоннинг инсонлигини белгилайдиган ҳодисалар ҳисобланади. Улар ичида эстетик муносабат алоҳида аҳамиятга эга, чунки у нафақат биринчи хил муносабат турларидан юксак даражалиги билан фарқланади, балки ўзига хилдош бўлган ахлоқий ёки эътиқодий муносабатга нисбатан ҳам миқёсли ва қамровлидир.

Гап шундаки, эстетик муносабатдан бошқа барча муносабат турлари инсон «ақлини таниганидан сўнг», яъни гўдаклик давридан ўтгандан кейин воқе бўлади. Масалан, гўдак ҳали уят ҳиссини билмайди, унда ахлоқий муносабат ҳаттоки ибтидоий даражада ҳам шаклланмаган, хоҳлаган вақтида, тўғри келган жойда тибиий эҳтиёжни қондиради. Лекин у бешикда ётар экан, тушиб турган ола-чаноқ қуёш нуридан қувонади, уни кузатади, у билан ўйнагиси келади ёки бешикка осиғлиқ рангли ўйинчоқдан завқланади, ғадир-будир, шаклан қўпол нарсаларни эмас, майин духобани ёки шунга ўхшаш юмшоқ, силлиқ нарсаларни хуш кўради, уларни сийпалаб завқланади. Буларнинг бари эстетик муносабатнинг инсоний моҳият намоён бўлувчи ҳодиса сифатида ибтидодан мавжуд эканини кўрсатади. Шунингдек, қараб, умрининг қолганини кўпроқ тўшакда ўтказаётган киши жисман заифлиги туфайли ташқи муҳит билан утилитар-эмпирик муносабатини давом эттира олмаслиги мумкин, лекисн у бадиий адабиёт ўқиб, телетомоша кўриб, мусиқа эшитиб завқланади, яъни ташқи дунёга эстетик муносабатда бўла билади: инсон моддий бойлик яратишдан маҳрум бўлган пайтда ҳам эстетик муносабат туфайли, то ўлгунча ўз маънавиятини бойитиш имконини йўқотмайди. Эстетик муносабатнинг қамровлиги, бир умрли маънавий ҳодиса сифатидаги аҳамияти ана шунда.

Барча муносабатлар қатори эстетик муносабат ҳам икки асосий унсурдан ташкил топади: *объект* ва *субъект.* Лекин бунда объект субъект томонидан белгиланади: агар субъект эстетик жараёнга киришмаса, унинг муносабати, объект қанчалик гўзал ёки улуғвор бўлмасин, эстетик шакл касб этмайди. Эстетик жараён эса субъектнинг ботиний ҳис-туйғуларига, кайфиятига, вақтига, кузатишига, мушоҳадасига, фикрлаш имконияти ва даражасига, қобилиятига, истеъдоди, объект билан ўртадаги масофа тасаввури каби тўғма ҳамда таълим, тарбия ва тажриба воситада вужудга келган қарашларга боғлиқ

Эстетик фаолият асосини инсоннинг муайян талаб ва эҳтиёжлари ташкил этади. Муайян талаб эҳтиёж бўлмаса, инсон фаолиятининг муайян шакли ҳам вужудга келмайди. Шу маънода талаб-эҳтиёжлар инсонни фаолиятга ундайди, ўз навбатида фаолият ҳам янги талаб-эҳтиёжларни келтириб чиқаради.

Эстетик фаолият бадиий фаолият, яъни санъатда нисбатан энг «тоза», «соф» ҳолда ўзини намойиш этади. Санъат унинг ихтисослашган кўриниши. Санъат ўз табиатига кўра ижодий мақсадга қаратилган. Ижодкор бу жараёнда нафосат қонунларига риоя этиб, ижод қилади.

Нафосатли фаолият моддий ишлаб чиқаришнинг барча соҳалари – меҳнат шароити, меҳнат самараларини ҳам қамраб олади.

Меҳнатнинг эстетик жиҳатдан тўлақонли бўлиши объектив омиллар, ишлаб чиқариш жараёни қатнашчилари умумий ва эстетик маданияти даражасига боғлиқ. Ҳозирда инсон ишлаб чиқариш фаолиятида техник эстетика – дизайн тобора муҳим роль ўйнамоқда. Дизайнда мухандислик, илмий ва бадиий фаолият қоришиқ ҳолда

намоён бўлади. Дизайн моддий ишлаб чиқариш муҳитини эстетик қайта қуриш, уни инсон манфаат ва эҳтиёжларига мувофиқлаштиради.

Саноатда кенг истеъмол маҳсулотларидан тортиб, нодир дастгоҳ ва асбобларни лойиҳалаш, яратиш ишида турли касб эгалари – муҳандис, технолог, ишчи, иқтисодчи, бошқарувчи, руҳшунос, жамиятшунослар қатнашдилар. Дизайн муаллифи – мусаввир – лойиҳа яратувчи алоҳида мавқега эга. Унинг зиммасига эстетик қийматга эга маҳсулот ва меҳнат қуролларини яратиш бурчи юкланган. Ҳозир истеъмолчилар эстетик диди ўсиб бормоқда. Ҳарид қилинаётган маҳсулот гўзал ва сифатли бўлиши талаб-эҳтиёж даражасига кўтарилмоқда… Ишлаб чиқариш корхоналаридаги асбоб-ускуна, дастгоҳларнинг техник-эстетик жиҳати – дизайни ишлаб чиқариш самарадорлигига ижобий таъсир қилмоқда…

Эстетик фаолият илмий ижоднинг эстетик томонига ҳам тегишли. Илмий тадқиқотчи, атоқли олимлар гувоҳлик беришларича, олимнинг салоҳияти, ижодий меҳнат натижалари унинг эстетик маданият даражасига боғлиқ экан.

Эстетик ривожланмаганлик, лоқайдлик олим ижодий куч-қудратини сўндиради, ақлий равнақига салбий таъсир ўтказади. Илм-фан билан шуғулланишнинг ўзигина кифоя эмас, балки санъатдан лаззат олиш ҳам олим ижодига баракали таъсир кўрсатади.

Такрорлаш учун саволлар

1. Эстетика фанининг вужудга келиши тарихи ҳақида маълумот беринг?
2. Гўзаллик фалсафаси нима?
3. Эстетикани фалсафий моҳиятини тушунтириб беринг?
4. «Эстетика» тушунчаси нимани англатади?
5. Нега биз бу фанни «эстетика» деб атаймиз?
6. Гўзаллик фалсафаси деганда нимани тушунамиз?
7. Нима учун эстетикани санъат фалсафаси деб аташади?
8. Эстетиканинг ахлоқшуносликка алоқадорлиги ва ундан фарқи нималарда кўринади?
9. Эстетика яна бошқа қайси фанлар билан ўзаро алоқадор?
10. Эстетиканинг амалий аҳамияти қай тарзда намоён бўлади?
11. Қадимги Сомирдаги дастлабки нафосатли ғоялар қандай келиб чиққан?
12. Қадимги Мисрда қайси санъат турлари вужудга келган?

ЭСТЕТИКАНИНГ АСОСИЙ КАТЕГОРИЯЛАРИ

Таянч тушунчалар: *гўзаллик, улуғворлик, фожиалилик, кулгилилик, табиат гўзаллиги, инсондаги гўзаллик, ҳазил, мутоиба, юмор, табиатдаги улуғворлик, жамиятдаги улуғворлик ,чиройлилик*

Эстетиканинг мезоний тушунчалари Нафосатшуносликнинг асосий тушунчалари – гўзаллик, улуғворлик, фожиалилик, кулгилилик саналади. Ҳар бири инсонда ўзига хос турли эстетик ҳис-туйғуларни уйғотади

Гўзаллик – нафосатнинг мағзи, асосий белгиси, бош хоссаси, асосий моҳияти. Шунинг учун нафосатшуносликни «гўзаллик ҳақидаги фан» ёки «гўзаллик фалсафаси», дейишади.

Эстетик ҳис-туйғу аввало гўзаллик туфайли жўш уради. Мутафаккирларнинг таъкидлашича гўзаллик ҳақида фикр юритиш, уни баён қилиш ниҳоятда мураккаб ва машаққатли жараён.

Гўзал, ижобий ҳис-туйғу уйғотадиган нарсани, томонни кўрсатиш анча осон. Аммо ўша нарса нима учун гўзал эканлигини тушунтириб бериш қийин. Чунки гўзаллик мураккаб ва кўпқирралилик хусусиятига эга.

Юнон мутафаккири Афлотун илк бор «Нима гўзал?» ва «Гўзаллик нима?» деган саволларга ажратиш билан тарихга гўзаллик тўгрисидаги фалсафий таълимотнинг асосчиси бўлиб кирган.

Афлотун мутлоқ руҳ-ғоя гўзалликнинг намоён бўлишидир, деб таъкидлайди.

«Гўзаллик-бу турли мусиқалар, яхши хулқ-атворга тўғри келадиган, одамлар эришишга ҳавас қиладиган нарсалардир» (***Абу Наср Форобий***), «Ҳар қандай гўзаллик, гўзалликни англай олган муҳаббат объектидир» (***Абу Ҳомид Ғаззолий***), «Гўзалликка муҳаббат қўйишнинг асосида ҳам ақл, ҳам ҳиссиёт ётади» ***(Ибн Сино***), «Гўзаллик барча тилларда васф этилади ва ҳар қандай ақлга хуш келади» ***(Умар Ҳайём),*** «Гўзаллик бу ҳаётдир» ***(Н.Г.Чернишевский),*** «Гўзаллик ҳисси, ёқимлилик туйғусига боғлиқ ҳолда, одамларнинг бирлашувига, уларда ижтимоий-аҳлоқий фазилатларнинг шаклланишига олиб келади» ***(Э.Бёрк),*** «Гўзаллик манфаатсиз мафтунликнинг, муҳаббатнинг объекти» ***(И.Кант),*** «Гўзаллик-ҳодисага айланган эркинлик» ***(Ф. Шиллер),*** «То бизга тааллуқли эмас экан, ҳамма нарса гўзал» ***(А. Шопенҳауэр),*** «Гўзаллик Худо-санъаткор томонидан яратилган иллюзия-хаёлотдир» ***(Ф. Ницше),*** «Қаердаки модда нурафшон бўлса, ўша ерда гўзаллик ҳодисасини учратиш мумкин: модда ва нурнинг узвий омухталиги-ҳаётдир» ***(Вл.Соловьёв)*** ва шу каби фикрлар гўзалликка турлича ёндошув натижасида юзага келган.

Аристотель эса гўзаллик моддий оламдаги мослик, аниқлик, ҳамоханглик, тартиблиликнинг намоён бўлишидир деб кўрсатилган. Арасту гўзаллик заминида инсон ва нарсанинг бир-бирига мувофиқлиги, мослиги, лойиқлиги ақидаси ётишлигини қайд этган. Ҳақикатан инсон идрок этмаган гўзаллик ҳеч нима, ҳеч қандай қадрият аҳамиятига эга эмас.

Эстетика тафаккур тарихида гўзалликни англаш, хис этиш ва намоён бўлишида ақл, қалб ва ҳақиқатнинг узвийлиги масаласига кўплаб мутафакирлар мурожаат қилишган. Жумладан, қадимги юнон донишманди ***Плотин*** (204ғ205-270 йиллар) эстетикасини *Бирлик, Ақл, Қалб*дан иборат уч асосий муаммо ташкил этади: у гўзалликни «ботиний Эйдос» (*to endon eidos*) сифатида талқин этади. Плотинннинг фикрича, Қалб билан Ақлнинг уйғунлашуви гўзалликка етишишдаги муҳим босқичдир. Яъни, тана Қалб билан гўзал, Қалб Ақл билан мустаҳкам, Ақл эса Ибтидоий тавҳидий Эзгулик билан гўзалдир. Италиялик файласуф М.Фуччино эса гўзалликнинг борликда намоён бўлишига доир назариясида Худо, Ақл, Қалб оламнинг асоси сифатида марказий ўринни эгаллайди. Яъни, Худога-ягоналик, Ақлга-тартиб, Қалбга-ҳаракат хос, деб билади.

Ислом оламида «Ҳужжат ул-Ислом» номи билан машҳур Абу Ҳомид Муҳаммад ал-Ғаззолий эса гўзалликка манфаатсиз муносабатни ёқлайди ва уни муҳаббат тушунчаси орқали изоҳлайди: «Ботиний ақл кўриниб тургувчи ақлдан кучлироқдир, қалб эса билишга нисбатан устундир. Ақл билан англанадиган гўзаллик кўз билан кўриладиган гўзалликдан устуворроқдир»,[1]-деган қараш билан изоҳлашга ҳаракат қилади. Имом Ғаззолий илгари сурган гўзалликнинг нисбийлиги ва гўзалликка нисбатан манфаатсиз муносабат назарияси кейинчалик Оврўпа нафосатшунослигида кўзга кўринган мутафаккирлар қарашларининг шаклланишига туртки берди.

Имом Ғаззолийнинг фикрига кенгроқ назар ташлайдиган бўлсак, инсоннинг Қалби гўзалликни идрок этишда энг муҳим аҳамият касб этадиган «ҳудуд» эканлиги

[1] Газали Абу Хамид. Воскрешение наук о вере.-М.: Наука. 1980. Б. 229-231.

ойдинлашади. Гўзалликни Қалб орқали англаниши Абу Наср Форобий, Умар Ҳайём, Ибн Сино, Алишер Навоий каби Мусулмон Шарқи мутафаккирларининг эстетик қарашларида салмоқли ўринни эгаллайди.

Гўзаллик ўз-ўзидан юзага келадиган тушунча эмаслигини юқоридаги фикрлар исботлаб турибди.

Шуни таъкидлаш лозимки, кўзга кўринадиган ҳамда тафаккурнинг махсули сифатида реал воқеликка айланган нарсалар ўз-ўзича юзага келмайди ва шаклланмайди. Уларнинг асоси ҳамда шакли ва мазмуни муайян унсур (элемент)лардан ташкил топади. Гўзалликнинг намоён бўлиши ва хис этишда шартли равишда қуйидаги *гўзаллик унсурларини* кўрсатиш мумкин: меъёр, мақсадга мувофиқлик, тартиблилик, уйғунлик, ҳамоханглик, мослик, яхлитлик, бирлик, мутаносиблик, тенглик. Мазкур тушунчалар нарса-ҳодисаларда бевосита ёки билвосита иштирок этади. Масалан, баҳор фаслининг гўзаллиги табиатнинг уйғониши, кўкламнинг юз очиши билан белгилансада, ундаги муҳим унсур мослик тушунчаси билан, яъни фаслнинг инсон манфаати ва эҳтиёжига мослиги - кунларнинг исиши, атрофга ёқимли хидларнинг таралиши, баҳорий гулларнинг униб чиқиши ва ҳоказолар билан ифодаланади. Қиш ҳам қаҳратон совуғи, оппоқ қори билан ўзига хос гўзал фасл, бироқ унинг совуғи ва қори баҳорнинг гўзаллигига зарар етказади.

Гўзаллик сифатлари туғёнийлик, мафтункорлик, фойдалилик, мўъжизавийлик сингари тушунчалар орқали изоҳланади. *Гўзалликнинг хусусиятлари* эса қулайлик, манфаатдорлик, ёқимлилик, чиройлилик тушунчалари билан белгиланади. Унсурлар, сифатлар ва хусусиятлар уйғун бўлган нарса-ҳодисаларгина чинакам гўзалликни акс эттириши мумкин. Зеро, чиройли нарсанинг сифати бизнинг манфаатимиз учун ҳамоханг бўлмаса ёки бизнинг мақсадларимизга мос келмаса у ҳар қанча мафтункор бўлмасин гўзаллик сифатида баҳоланмайди.

Шу ўринда гўзаллик тушунчаси «чиройли», «кўркам», «нафис», «жозибадор», «мафтункор», «латофатли» каби тушунчаларга нисбатан кенгқамровли ва устувор эканлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Айниқса, гўзаллик билан кундалик турмушимизда тез-тез тилга олинадиган «чиройлилик» тушунчаси орасида муайян тафовутлар мавжуд.

Чиройлилик - нарсаларнинг ташқи кўринишини, ҳолатини, бажарилган иш ёки қилинган ҳаракатдаги ўзаро ҳамоҳангликни ифодаловчи тушунча. Чиройлилик инсонларда ёқимли таассурот қолдиради, аммо айни бир пайтда ўша чиройли бўлган нарса-ҳодиса ёқимсиз ҳолатларни ҳам вужудга келтиради. Масалан, «Бангидевона» ўсимлигининг гули оппоқ, чиройли бўлади. Аммо, гулининг ҳиди ёқимсиз, танасидан сассиқ хид чиқади. Шу маънода айтишимиз мумкинки, чиройлилик нарса-ҳодисанинг ёки шакл ёки мазмунидаги хусусиятни акс эттириши билан кишида ёқимли таассурот қолдиради. Шунинг учун ҳам нарса-ҳодисаларнинг фақат шакл (ташқи) ёки фақат мазмун (ички) моҳиятига қараб унга гўзаллик иборасини ишлатиш ўринли эмас. Зеро, гўзаллик нарса-ҳодисаларнинг фақат бир томонинигина акс эттирмайди, аксинча у мазмун билан шаклнинг уйғунлиги, мослиги, ҳамоханглиги, мақсадга мувофиқлиги асосида шаклланади. Шу маънода гўзаллик ҳам обьектив ҳам субьектив хусусиятга эга. Табиат гўзаллиги обьект (инсон) ва субьект (ўсимлик ва ҳайвонот дунёси)нинг тартиби ва уйғунлигига асосланади. Уйғунлик ва тартибнинг бузилиши эса табиат ва инсон учун зарарли оқибатларга олиб келишини бугунги кундаги экологик муаммолар орқали кўришимиз мумкин...

Гўзаллик хилма-хил даражада намоён бўлади. Табиатдаги гўзаллик, ижтимоий ҳаётдаги гўзаллик, фойдали амалий ҳаётдаги гўзаллик, бадиий ижоддаги гўзаллик, санъатдаги гўзаллик ва бошқалар. Улар ўзаро бир-биридан фарқ қилади. Аммо улар

ўртасида умумий ўхшашлик томонлар ҳам мавжуд. Гўзал нарсалар инсон амалий фаолиятига, манфаатларига мос бўлиб, уларни идрок этиш инсонда ҳайрат ва қувонч бағишлайди, шахснинг уйғун ҳамоҳанг ривожланишига, унда энг яхши инсоний фазилатлар таркиб топишига кўмаклашади. Борликдаги гўзаллик санъат асарларида ҳам акс эттирилади. Буни биз санъатдаги гўзаллик деб атаймиз. Санъатда гўзаллик – ҳаётдаги гўзаллик инъикоси бўлиб, унинг битмас-туганмас манбаи – воқеликдаги гўзаллик саналади. Санъатдаги гўзалликни ижодкорлар яратадилар. Ижодкор шахсларнинг бошқа, оддий одамлардан фарқлари шундаки, улар бошқалар фаҳмлай олмаган гўзалликни ҳамма ерда кўра олиш, фаҳмлаш, сезиш, хис қилиш қобилиятига эгадидир.

Санъатда гўзалликни акс этиши ўзига хос хусусиятларга эга. Бу хусусиятлардан бири санъатда гўзалликнинг кўп қиррали эканлиги бўлса, иккинчи ҳусусияти санъатда гўзал ва хунук ходисларни акс эттириш мумкинлиги. Аммо санъатнинг ўзи ҳамма вақт ҳам гўзалдир. Табиат, борликдаги гўзалликни англаш, фаҳмлаш қанчалик муҳим бўлса, санъат асарларида ифодаланган гўзалликни англаш ҳам муҳимдир. Ҳар ким ҳам бу гўзалликни фаҳмлайвермайди…

Бугунги кунда мамлакатимизда бунёд этилаётган муҳташам бинолар, иншоотларнинг миллий меъморчилик анъаналари билан Оврўпа меъморчилик анъаналарининг уйғунлигига асосланади. «Интер Континентал», «Тошкент-Шератон», «Grand mir hotel» меҳмонхоналари, «Миллий Банк», «Марказий Банк», «Биржалар бозори», «Тошкент шаҳар ҳокимияти», Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенат биноси, «Ўзбек Миллий театри», «Ўзбек Давлат Консерваторияси» бинолари, «Юнусобод», «Жар» соғломлаштириш мажмуалари, «Тошкент Ленд (Аквапарк)» болалар дам олиш оромгоҳи, Талабалар турар жойи, Алишер Навоий номидаги Миллий боғ ва бошқа иншоотлар шулар жумласидандир.

Инсон гўзаллиги. Инсондаги гўзаллик аксарият холларда унинг хулқи, одоби, ахлоқи ва фазилатлари билан белгилаб келинади. Аввал ҳам бугун ҳам инсон борлиқ – жамият - техника ўртасидаги муносабат масаласи кўплаб илмий соҳаларнинг тадқиқот объекти бўлиб келмоқда. Нафосат фалсафаси инсон гўзаллигининг моҳиятига доир муаммоларни тадқиқ этишни ўзининг муҳим вазифаси қилиб белгилайди.

Эстетик тафаккур тарихида инсон гўзаллиги жисм (тана) ва руҳият масалалари билан изоҳланган. Бу борадаги фикр-мулоҳазаларнинг асосида инсоннинг ташқи кўриниши ҳамда ахлоқий фазилатларига бўлган муносабат масаласи ётади.

Улуғворлик тушунчаси ўзида эстетик ва ахлоқий сифатлар касб этиб, амалиётда кўп қўлланиладиган эстетик тушунчадир. Улуғворлик кўлами гўзаллик кўламидек чексиздир. Улуғворлик табиатда, жамиятда, инсон фаолиятида мавжуддир. Чунончи табиатдаги баланд тоғлар, қудратли шар-шаралар, чексиз океанлар, мовий денгизлар, тубсиз осмон ва бошқалар улуғворлик тимсоллари бўлиб, улар улканлик, буюклик, кенг кўламлик, тугамаслик жиҳатдан умумийликка эга. Табиатдаги улуғворлик инсонни заифликка эмас, балки унда табиат билан қўшилиб кетишига интилиш хиссини уйғотади. Улуғворлик баъзида инсонда қўрқинч хиссини ҳам уйғотади. Аммо бу қўрқув хисси инсонни камситмайди, балки тўсиқларни енгиб ўтишга туртки бўлади.

Табиатдаги улуғворлик чексиз осмон, пурвиқор тоғлар, юксак чўққилар, мовий денгизлар, минг йиллик чинорлар, шунингдек, вулқон ва чақмоқ сингари табиат ҳодисаларида намоён бўлади. Улар узоқдан кишиларда ҳеч қандай ҳаяжонли таассурот қолдирмайди. Бироқ, уларга яқинлашганимиз сари руҳиятимизни ҳаяжон,

жўшқинлик эгаллай бошлайди, уларни бутунлигича кўз билан қамраб ололмаслик даражсига етганда эса бу ҳаяжон янада ортади. Табиатдаги улуғворлик математик ва динамик хусусиятга эга. Математик хусусиятида хажм, динамик хусусиятида куч устувор аҳамиятга касб этади. Бироқ, иккала хусусият ҳам инсонда кучли ҳайрат ва ҳайратланиш туйғуларини пайдо қилади. Тоғлар инсонни юксак фикрлашга, буюк ғояларга ундайди: Эверестга Ўзбекистон байроғини тикиб қайтишган алпинистларимизнинг таассуротлари ниҳоятда ҳаяжонлидир.

Жамиятдаги улуғворлик умуминсоний қадриятлар, қаҳрамонлик, жасорат, халқпарварлик, бунёдкорлик тушунчалари билан уйғунлашади. Давлатда барқарорлик, жамиятда адолат устуворлиги, шахснинг эркин ва ҳурфикрлилик асосида фаолият олиб бориши ижтимоий тизимнинг улуғворлигини акс эттиради.

Улуғворлик санъатда, хусусан меъморчилик ва ҳайкалтарошликда алоҳида аҳамият касб этади. Масалан Миср пирамидалари, Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарларидаги меъморчилик обидалари, юнонларнинг Парфенони, римликларнинг Колизей ива бошқалар ўзларининг салобати, улуғворлиги билан кишини ҳайратга солади, кишида ўз кучига ишонч, кўтаринкилик хис-туйғусини уйғотади. Улуғворлик тушунчасини фақат кенг, катта миқёсини меъёр ўлчови билан англаш тўғри эмас. Чунки кўриниши, миқёси жиҳатдан улкан бўлмаган, аммо нафислиги билан улуғворлик касб этган обидалар куп. Булар Амир Темур даҳмаси, Шоҳизинда, Регистон майдони, Ички қалъа, Исмоил Сомоний мақбараси, Чор Минор, Шоҳи жаҳон обидалари шулар жумласидандир. Ҳаётда улуғворликнинг акси бўлган тубанлик ҳам учраб туради. Тубанлик кишида кучли жирканиш, нафратланиш хиссиётини уйғотувчи вокеа-ходислар орқали изоҳланади.

Тубанлик - инсонда кучли нафратланиш туйғуларини ҳосил қилувчи эстетик категориядир. Нафосатшунослик категориялари орасида хунуклик сингари кишиларда салбий ҳис-туйғу пайдо қиладиган бошқа тушунчалар ҳам мавжуд. Тубанлик ана шундай тушунча: уни хунуклик билан айнанлаштириб бўлмайди. Чунки, хунуклик кишиларда енгил нохушлик туйғусини пайдо қилса, тубанлик эса кучли нафратланиш ҳиссини уйғотади. Табиат, ҳайвонот ва наботот оламидаги хунуклик тубанликка айланмайди. Инсондаги хунуклик эса тубанлик даражасига бориб етади. Дарёнинг суви лойқалангани, кўкаламзорларга тўкилган ахлат, қурбақа, илон хунук кўрингани билан ундан одамлар нафратланмайдилар. Гоҳида муҳтожлик инсон табиатидаги ёвуз майлни қўзғатиб юбориши натижасида инсонни тубанлаштиради. Айниқса, мамлакат бошига оғир кулфат тушганда ундан ўз моддий манфаатлари йўлида фойдаланувчи кимсалар тубан одамга мисол бўлади.

Фожиавийлик ва кулгилилик тушунчаси ёрдамида ҳаётнинг мавжуд зиддият ва тўқнашувлари баҳоланади ва мушоҳада қилинади.

Санъатда фожиа қаҳрамонлари кўпинча ижобий тарзда тасвирланади. Фожиа қаҳрамонлари ўз даври орзу-умидларини ўзида мужассамлаштирган улуғвор шахс сифатида намоён бўладилар. Уларнинг тақдири кишида ачиниш хис-туйғусини уйғотади. Фожиалиликда воқеий ҳаётнинг чуқур зиддиятлари: ҳаёт ва ўлим, озодлик ва тутқунлик, қонун ва бурч, шахсий ва ижтимоий манфаатлари тўқнашувлари акс этади. Бу тўқнашувларнинг қандай тугалланиши билан инсоният истиқболи, тараққиёт тақдири боғланган бўлади. Фожиа қаҳрамонлари кўпинча ижобий тарзда тасвирланиб, улар ўз даврининг орзу-умидларини ўзида мужассамлаштирган кучли, ёрқин, улуғвор шахс сифатида (қиёфасида) намоён бўладилар. Кўпинча фожиали воқеалар мазмунида қаҳрамоннинг мавжуд шарт-шароитларни тубдан ўзгартиришга фаол интилиши намоён бўлади. Бу масалада Шекспирнинг Гамлетини эслаш кифоя.

Фожиали воқеалар – қаҳрамон ҳаётида трагедик холат сифатида баён қилинади. Трагедик санъат асарлар ибтидоси қадим Юнонистонга бориб тақалади. Эсхил, Софокл, Эврипид қадимги дунёнинг трагедик санъаткорлари сифатида машхурдирлар. Эсхилни «Трагедиянинг отаси» деб юритилади.

Уйғониш даври трагедик санъат асарлари ижодкори сифатида Вильям Шекспир машхурдир. Унинг фожиавий асарларида кучли, жасоратли, ғурурли, эркин, барқарор инсон тимсоли гавдалантирилган. Бу ўринда Отеллони эслаш ўринли.

Инсон орзуларини рўёбга чиқариш учун бир умр интилади, кўрашади. Бунда у турли тўсиқларга дуч келади. Мана шу тўсиқлар, ҳаётдаги адолатсизликлар фожианинг туғилишига сабаб бўлади. Шу боис фожиа инсонга ҳамроҳ. Аммо фожиа асарини яратиш камдан-кам ижодкорга насиб қилади.

Фожеавийликнинг яна бир *хусусияти* шундаки, у инсонга борлиқнинг мазмунини очиб беришда яқиндан кўмак беради. Шахс ривожи жамият ва инсоният ўртасидаги муносабатга боғлиқ эканлигини, жамият тараққиёти инсон ҳисобига эмас, балки инсон ва инсон орқали ривожланиши зарурлиги бевосита фожиавийлик тушунчаси орқали янада конкретлаштирилади. Бу эса пировардида инсон ва инсоният муаммоларини инсонпарварлик йўли билан хал этишга олиб келади. Фожиавийликда жамият ва инсониятнинг эзгулигини ҳимоя қилувчи хусусият мужассам. Маҳмуд Торобий қўзғалони натижасиз тугаши, унинг ўзи эса фитна қурбони бўлиши аждодларимиз қисматидаги фожиадир. Маҳмуд Торобий ғаним қўлида эмас, ўз қавмидан чиққан-нурга эмас, зулматга талпинган калтабин жоҳил Оловхон Юсуф қўлида ҳалок бўлади. Бироқ, Торобий тимсолидаги фожиа хиёнат, сотқинлик,диёнатсизлик, зулм ва зўравонлик бошидан кечирган ва унга қарши курашган миллат, халқ ва Ватан фожиасидир. Ёки истиқлол муқаддас тутган, ўлканинг миллий, диний заминидаги тараққиёт учун курашган ва халқ орасидаги ғоят катта мавқега эга бўлган жадид маърифатчиларининг фожиаси ҳам жамиятни тўқимтабиат «муҳаббат»дан халос этишнинг натижаси эди.

Кулгилилик ҳам инсоннинг дунё воқеа-ходисларига ўзига хос муносабатини англатади. Кулги ноинсоний, ноахлоқий иллатлар билан кўрашишнинг омилкор воситаси. Айни вақтда кулги инсоннинг куч-қудрати ва озодлиги тимсолини ҳам ифодалайди.

Кулгилилик санъатда комедия шаклида ўзининг тўла нафосатли (эстетик) ифодасини топади. Комедия мавзуини турли беуҳшовликлар, мувофиқсизлик, бир-бирига ўзаро мос келмасликларнинг турли-туман кўринишлари ташкил этади. Комедия салбий одамларни акс эттирувчи асар маъносини билдиради. Комедияга фақат қоралаш, инкор қилиш, танқид қилиш эмас, балки тўғридан-тўғри эзгулик ўрнатиш, қарор топтириш ҳам хос.

Ўзбек санъатида комик асарлар сирасига А.Қаххорнинг «Тобутдан товуш», «Оғриқ тишлар», Б.Раҳмоновнинг «Юрак сирлари», Э.Воҳидовнинг «Олтин девор» ва бошқалар кириб кўп йиллар давомида театр саҳналаридан тушмай келди. Кулгининг бадиий шаклларидан бири масҳара (сатира) саналади. Унда ҳаётнинг салбий ходислалари устидан Кулиш орқади бу ходислар юксак инсоний орзуларга зид эканлиги бўрттириб кўрсатилади. Масҳара марказида доимо салбий вокеа-ходислар жойлашиб, унинг бутун фош қилиш кучи анна шуларга қарши қаратилган бўлади.

Санъатнинг кулги торасида ҳазил-ҳажв (юмор) ҳам муносиб ўринга эга. Ҳазил-ҳажвсиз Бирон-бир кулги асари яратилмайди. Ҳаёт икир-чикирлари, камчиликларини танқид қилаётган ижодкор ҳазил-ҳажв туйғуси орқали инсонни маънавий-ахлоқий комилликка эришувига ёрдам беради.

Шунингдек, рус файласуф-нафосатшуноси ***А.В.Гулўга*** ҳазилни инкор кўринишидаги тасдиқ ёки рад этиш сифатида олиб қарайди. "Ҳазил, дейди файласуф,- беҳабар инсонларни ўйлашга, фикр қилишга олиб келди, шунингдек, чинакам билимга етаклайдиган йўлларни ғубордан тозалади".[1] У киноя ва кесатиқни заҳарханда ҳазил деб билади.

Одатда ***ҳазилкашлар*** ўзларининг енгил кулги ҳазиллари билан бир-бирлари характеридаги кўпчилик учун қўпол туюладиган камчиликларни, хато-нуқсонларни танқид қиладилар. Ҳазил доирасида кўпинча жисмоний камчилик, лақаблар ҳам кулги обьекти бўлиб хизмат қилади. Бироқ, инсоннинг жисмоний камчилиги ҳазил учун асос бўлмаслиги керак, зеро, бу холатда ҳазил чинакам инсонийлик моҳиятини йўқотади.. Умуман олганда, ҳазил нуқсон, хато камчиликни кўрсатиб, ижодий идеални тасдиқлаш воситаларидандир. Ҳазил ва ҳазилкашлик соғлом юмор бўлиб, бундаги кулги обьект билан субьектнинг беғараз, енгил танқидий муносабати натижасида юзага келади.

Кулги фақат фош этиш хусусиятигагина эга бўлмай, унинг бошқа томонлари – тарбияловчи кулги, кўнгилни юмшатадиган кулги, ачиниш ва меҳр-шафқат кўрсатиш кулгиси, ҳаётбахш ва дўстона кулги ҳам борлигини унутмаслигимиз лозим. Буларнинг ҳаммаси инсонда маълум ҳис-туйғуларнинг туғилишига олиб келади. Улар орқали инсонда лаззатланиш ёки нафратланиш туйғуси пайдо бўлади…

Кулгилиликнинг барча шакллари улар қанчалик эркин намоён бўлиш имкониятларига эга бўлиб борсалар, шунчалик кўп аҳамият касб этадилар. Ривожланган ҳазил туйғуси, ҳаётнинг кулгили томонларини нозик илғаб олиш ва фаҳмлаш қобилияти ривожланиб борган сари шахснинг маънавий-руҳий соғломлиги ҳамда баркамоллиги юксалиб бораверади.

Умуман олганда, эстетиканинг меъзоний тушунчалари (категориялари)ни бир-бири билан доимий ҳамкорликда мустаҳкамланиб боради. Айниқса, бу жараёнда гўзаллик категорияси боғловчи вазифасини бажаради. Шунинг учун фожиавийликда, улуғворликда, хунукликда ҳам гўзаллик унсурларининг учраши бежиз эмас.

Такорлаш учун саволлар

1.Нафосатнинг асосий тушунчаларини аниқланг.

2.Гўзаллик тўғрисидаги фалсафий таълимотнинг асосчиси ким?

3.Гўзалликнинг намоён бўлиш даражаларини аниқланг.

4.Санъатдаги гўзалликнинг манбаи нимада?

5.Табиат ва санъатдаги улуғворликни аниқланг.

6. Фожиавийлик нимани акс эттиради.

7.Фожиавийликнинг акс эттирувчи асарлар ё ижодкорларини аниқланг. «Трагедиянинг отаси» деган номга сазовор санъаткорни аниқланг.

8. Комедия (кулгилилик) қандай маънони билдиради?

ТАБИАТ ВА ТЕХНОГЕН ЦИВИЛИЗАЦИЯ ЭСТЕТИКАСИ. САНЪАТ ВА УНИНГ ТУРЛАРИ

Таянч тушунчалар: *Техника эстетикаси , санъат эстетикаси, носанъат эстетикаси, носанъат эстетик обьектлар, оламни ўзгартириш, «она табиат», табиат гўзаллиги,табиатни тушуниш.ижодкорлик ,истеъдод, тасвирий санат – ранг, ёруғлик, чизиқ, нур — соя , мусиқада – оҳанг, мақом, вазн , ҳайкалтарошликда – ҳажм, ўлчам , меъморчиликда – мутаносиблик*

[1] Гулыга А.В. Принципы эстетики. –М.: Политиздат. 1987. –С.131.

Табиатнинг эстетик хусусиятлари Кейинги икки асрдан ортиқ вақт мобайнида эстетикани фақат санъат фалсафаси сифатида талқин қилиш ҳақиқатга зид экани маълум бўлиб қолди. Чунки аста-секин “санъат эстетикаси” ёнида яна бошқа “эстетикалар” пайдо бўла бошлади. Уларнинг баъзиларини эстетик фаолиятлар, эстетик соҳалар каби атамалар билан номлашга уриниб кўрдик. Бироқ бундай ёндашув доимо назарий чалкашликларга олиб келди, ҳозир ҳам ўшандай манзарани кўриш мумкин. Масалан, эстетик фаолият деганимизда санъатни тушунамиз, боринғки, унга дизайнни ҳам бир амаллаб тиқиштиришимиз. Лекин табиат эстетикасини ёки спорт эстетикасини эстетик фаолият деб айтолмаймиз, эстетик назария соҳаси ҳам дейиш мушкул. Чунки моҳиятан улар эстетик фаолият эмас, балки эстетик хусусиятлар намоён бўладиган воқелик. Эстетиканинг қисмлари деб аташ ҳам уларга нисбатан тўғри эмас; бундай атама билан биз эстетика тарихи, эстетика назарияси, эстетик маданият сингари фаннинг “катта-кичик” бўлимларини назарда тутамиз. Ана шундай ҳар хилликлар кўпгина адабиётларда, ҳатто эстетика луғатида ҳам тез-тез учраб туради [1]. Улардан қутилиш мақсадида биз эстетиканинг икки қатордан иборат турларга бўлган ҳолда таснифлаштиришни мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Биринчи қаторни эстетиканинг энг миқёсли тури – ***санъат эстетикаси,*** иккинчи қаторни эса қолган барча, ***носанъат эстетик объектга*** асосланган эстетик назариялар ташкил этади. Улар – табиат эстетикаси, турмуш эстетикаси, меҳнат эстетикаси, техника эстетикаси ва спорт эстетикаси. Санъат эстетикасини алоҳида, кейинги бобларда кўриб чиқишимизни назарда тутиб, ҳозир носанъат объектлар эстетикаси қаторидаги эстетик назариялар турларини қисқача назардан ўтказамиз.

Табиат ҳақида гап кетганда, **“табиатни асраш”,** ҳатто “табиатни қутқариш” деган сўзларни тез-тез эшитамиз. Хўш, табиатни кимдан асраш ва қутқариш керак? Одамдан, жамиятдан. Демак, одам, марксчилар таърифлаганидек, табиатнинг бир қисми эмас, уни одам бир-бирини бўйсундирганидек бўйсундириши, “оламни ўзгартириши” мумкин эмас. Акс ҳолда охир-оқибат инсоният, ҳайвонот ва наботот дунёси ҳалокатга маҳкум этилиши муқаррар.

Кейинги бир аср мобайнида инсон тафаккурининг қудрати, фан-техника тараққиёти жаҳоннинг деярли барча цивилизациялашган мамлакатларида ландшафтнинг (ер юзи манзарасининг) ўзгаришига, бузилишига олиб келди. Масалан, биргина сув омборларини олиб кўрайлик. Ҳозирги пайтда минглаб квадрат километр такрорланмас ландшафт сув остида қолиб кетди. Ваҳоланки, ландшафт ҳайвонлар, қушлар, ўсимликлар, сув, тупроқ каби қитъавий хазиналарининг уйғунлигидир. Биз эса табиатга бўлган худбинларча муносабатимиз, унга қорнимизни тўйдирадиган, ҳаётимизни фаровон қиладиган восита деб қарашимиз туфайли ана шу уйғунликни мунтазам равишда бузиб келмоқдамиз.

Биз табиатни нутқларимизда, шеърларимизда, мақолаларимизда **“*Она-табиат*”** деб атаймиз. Дарҳақиқат, тобимиз қочса, шифокорлар бизга баҳаво, шаффоф сувли табиат қўйнида жойлашган оромгоҳларга боришни, кимсасиз дарё бўйларидаги бутазорлар орасида чодир қуриб, бир муддат ташвишлардан фориғ яшашни тавсия этадилар. Шаҳар шовқинларидан, меҳнатдан, ахборотлар сиқувидан чарчаганимизда, жамоа билан ёки оилавий тарзда шанба ё якшанба куни табиат қўйнига чиқиб дам оламиз. Толиқсак, доим “онамиз” қўйнига интиламиз, она-табиат бизни даволайди, гўзаллиги билан ҳайратлантиради, руҳлантиради. Лекин бир-икки кундан сўнг яна ҳаммасини унутамиз, тағин табиатга бир хизматкордек қараймиз. Нега шундай? Чунки биз уни тушунмаймиз, уни билмаймиз. Шу сабабли бирор бир одамнинг яхши

[1] Қаранг: Эстетика. Словарь. С. 35, 276, 421 в.ҳ.

ёки ёмонлигига асл сабаблар нималигини, унинг моҳиятини билмаганимиз, тушунмаганимиз учун “фалончининг табиати ўзи шунақа”, ёки муайян ҳайвон ёхуд ўсимликнинг сир-саноатидан бехабарлигимиз туфайли уни “табиатан ўзи шундай” дейиш билан муаммога нуқта қўямиз. Зеро табиат *оламий кубpоми* (катта оламми), *олами сугpоми* (кичик оламми), яъни одамми, у – сирли, уни лозим даражада тушунмаймиз ва билмаймиз. Ҳар қанча экологияга эътибор қилмайлик, уни фан сифатида зўр бериб ўқитмайлик, барибир табиатни тушунишимиз қийин, зотан экология табиатни асрашни, қутқаришни, бойитишни тарғиб қилади. Бироқ уларнинг ҳаммасига фақат эстетика ёрдамида, унинг экология билан ҳамкорлигида эришиш мумкин. Чунки эстетика инсонга табиатни севишни, унинг гўзаллигига беғараз муносабатда бўлишни ўргатади, яъни табиатни фақат одамлар учун яратилган деб эмас, уни жамиятдан ташқаридаги умумоламий мустақил қадрият сифатида идрок этишни тақозо қилади. Ҳа, табиат гўзаллик ва улуғворлик манбаи, лекин фақат инсон учунгина шундай эмас. Масалан, булбул тунда, одамлар ухлаганда сайрайди, намозшомгул ва баъзи бошқа гуллар фақат қоронғу тушаётган пайтдан бошлаб очилади. Демак, ҳайвонларни, ўтлоқларни, дарахтларни, дарёларни, тоғларни фақат “биз учун” деб эмас, “*биз учун ҳам*” деб тушунишимиз лозим.

Буюк Кант табиатни ахлоқийлик билан боғлайди: *“Кимники бевосита табиат гўзаллиги қизиқтирса, бу унинг фикрлаш тарзида, йўқ деганда, ахлоқийликка, эзгуликка қобилият мавжудлигидан далолат беради”,* – дейди у.[1] Аммо Хегелнинг, табиатда идеал йўқ, шу сабабли у иккинчи даражали гўзаллик тури, деган фикри эстетикада ҳукмронлик қилиб келди, айниқса, бу фикр табиатни “бўйсундиришни” тарғиб қилган марксчиликнинг тегирмонига сув қуйди. Натижада узоқ йиллар мобайнида табиат эстетикасига эътибор қаратилмади. Биз меъморий обидаларни асраш, тиклаш ҳақида қайғурдик, уларни эстетик қадриятлар деб эълон қилдик, лекин ландшафт эстетикасини четга чиқариб қўйдик.

Техниканинг инсон эстетик манфаатлари ва фаолияти билан боғлиқлиги.. Ҳар қандай ишлаб чиқарувчи яратаётган маҳсулотининг хажми, ташқи кўриниши, фойда келтириш даражаси қандай бўлишидан қатъий назар маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнига ижодий ёндашишга ҳаракат қилади. Бу ижодийлик моддий олам билан эстетик муносабат натижасида юзага келади. Шу ўринда «моддият» тушунчасига тўҳталиб ўтмоқ жоиз.

Буюк қомусий аллома ***Абу Райҳон Берунийнинг***: «Моддият-аниқлик либосини кийиб, бирон нимарса шаклида кўринади... Шундай қилиб, моддият ўзида аниқ нарсаларни вужудга келтириб туради. Вужудга келтириш борлиқ ўзгариш ва тараққиётдадир»[2],-деган фикри ҳақиқатга яқиндир. Чунки, моддий оламни инсон қандай бўлса шундайлигича, унга ҳеч бир қўшимчалар қўшмасдан тасаввур қилади. Бу бевосита моддий олам гўзаллигининг фойдалилик билан ўзаро муносабати масалаларига ҳам дахлдор. Негаки, инсон нарсалар оламини нафосат тамойиллари асосида идрок қилишда энг аввало, буюмнинг ташқи кўринишига, сифатига, истеъмол учун яроқлилиги ва бошқа хусусиятларига эътибор қаратади.

*Нарсалар оламининг эстетик муаммолари*ни ёритишга ҳаракат қилган ***С.С.Арзуманян***, нарсалар олами моҳиятан-объектив реалликка яқин, у теварак-атрофни ўраб турган жонли табиат билан доимий алоқада, нарсалар инсон томонидан яратилганлиги боис «***иккинчи табиат***» мақомига эга, деган қарашни илгари суради.[3]

[1] Кант И. Сочинения в 6 т. Т. 5. М., Мысль, 1966. С.314.
[2] Иқтибос.: Усмонов Т. Дунёвий илмлар замири. / Қалб кўзи. 1999. .№ 2. 17 феврал.
[3] Қаранг.: Арзуманян С.С. Эстетическая организация предметной средў.- Ереван. Изд. АН Арм.ССР. 1988. Б. 20-21.

Шунга кўра, нафосатшунос инсонни камолотга етакловчи омил сифатида моддий оламни устувор деб билади.

Бироқ, С. Арзуманяннинг мазкур фикри бизнинг назаримизда, бироз мунозарали. Негаки, моддалар олами инсон камолотидаги бирламчи восита эмас ва биз уни тўғридан-тўғри қабул қила олмаймиз. Чунки, фойдалилик инсоннинг нарсалар олами билан бўладиган муносабатида энг аввало, мутаносибликка, мақсадга мувофиқликка, уйғунликка асосланмоғи шарт. Шундагина мазкур жараён инсон томонидан нарсалар оламини расмона тарзда эстетик идрок этиш имкониятларини вужудга келтиради. Бу айниқса, техника эстетикасида кўпроқ намоён бўлади.

Маълумки, ***маҳсулотнинг гўзаллиги*** янги технологик жараёнларни вужудга келтириш орқали барқарорлашади. Аксинча, маҳсулотни ишлаб чиқариш эскирган технологиялар, эскича талаблар асосида олиб борилса, бундай маҳсулот ҳар қанча кўп куч сарфланмасин кишиларни ўзига жалб қила олмайди. Ишлаб чиқаришга янги технологияларни олиб кириш ўз навбатида, моддий буюмларда гўзалликни намоён қилиш имкониятларини кенгайтиради. Бироқ, мазкур жараён ўз-ўзича тайёр ҳолларда эмас, балки техникавий тафаккур салоҳияти орқали рўёбга чиқади. Шунинг учун кенгроқ олиб қарайдиган бўлсак, техника гўзаллиги ҳам фан гўзаллиги сингари билвосита ва бевосита мазкур жараённи амалга оширувчи асосий куч саналган мутахассисга боғлиқ бўлади.

Инсон ҳаёти, фаолияти нафақат табиий эҳтиёжларга, балки ўзи томонидан яратилган ***нарсалар оламига*** ҳам боғлиқ. Инсон ўзини қуршаб турган оламнинг қандай бўлишини кўп холларда ўзи белгилайди. Ана шу жараённинг асосида эса замонавий амалиётнинг муҳим кўриниши ҳисобланган нарсалар оламини бадиий лойиҳалаш масаласи ётади. Фан-техниканинг тараққий этиб бориши натижасида бадиий лойиҳалаш ҳам такомиллашиб боради. Дастлабки яратилган техника воситаларини кишилар гўзаллик оламига мутлақо бегона бўлган ҳодиса сифатида идрок этишган эди. Кейинчалик лойиҳачилар томонидан техникага нисбатан бадиий ёндашув натижасида у ўзининг аввалги дағал, қўпол, ноқулай кўринишини йўқотди. Эндиликда техника ўзининг бежиримлиги, қулайлиги, жозибаси билан инсонга яқинлаша бошлади. Мазкур ҳолатнинг ривожланиб бориши билан бирга техника лойиҳасига нисбатан икки хил муносабат ҳам шаклланиб борди. ***Биринчидан,*** лойиҳанинг асосида техниканинг механиқ фаолияти, унинг ишлаш жараёни кўзда тутилган бўлса, ***иккинчидан,*** унинг ташқи кўринишига эътибор қаратилди. Кейинчалик мазкур икки муносабатнинг уйғун фаолияти натижасида машинанинг инсонийлашган янги учинчи олами, замонавий ибора билан айтганда- дизайн юзага келди.

Таниқли файласуф-неотомист Ф.Дессауэр, техника ҳодисаси табиат қонунлари билан боғлиқлигини эътироф этган ҳолда, техникада қандайдир, ўзига хос алоҳида мазмун ҳам борлигини назарда тутган. Унинг фикрича, техник ғоялар, гуё Худо фикрлари, яратувчи ёркин тафаккурининг намоён бўлишидир. Техника предметлари моддий мавжуд бўлиши мумкин, аммо у ғоялар дунёсида, «мумкин бўлган воқелик» доирасида ҳам ўзини топиши мумкин. «Биз техника ҳақида яхлитликнинг намоён бўлиши сифатида гапирганимизда,-деб ёзган эди у,- биз вақт давомида қандайдир доимийлик, муқимлик, мавжудликка эга бўлган яхлитликни назарда тутамиз. . . Агар прогресс ҳақида гапирадиган бўлсак, техниканинг айрим объектларига нисбатангина фикр билдирамиз».[1] Шундай қилиб, Ф.Дессауэр, техникани табиатнинг асослари

[1] Desaner F.Streat wn die Technik, Frankfurt an Mein. 1956.s.135 ff.

билан боғлиқлигини эътироф этган ҳолда, техниканинг моҳияти ва ёйлишининг тарихий-ижтимоий омилларини инкор этган эди.

М.Хайдеггерда эса, техника воқеликнинг моҳиятан чуқур бўлган хусусиятларини аниқлашнинг муҳим усули сифатида талқин этилади. У жумладан техника имконияли воқеликни очишнинг ва уни реал воқеликка айлантиришнинг воситасидир, дейди. «Техника-сир-асрорларни очишнинг туридир. Агарда шуни назарда тутадиган бўлсак, у ҳолда техника моҳиятида биз учун мутлақо ўзга бўлган соҳа бизга намоён бўлади. Бу сир-асрорлар соҳасидан чиқишнинг, ҳақиқатнинг қарор топишидир».[1] Бу ҳолатни у бир неча бор такрорлайди ва ҳар сафар антик файласуфлар мероси, ёки воқеликдаги сабабийлик тўғрисидаги анъанавий ёндошувлар билан асослайди.

«Юз йиллар давомида фалсафа тўртта сабаб: 1) causa materialis, масалан, кумуш идиш тайёрланадиган нарса; 2) causa for malis, бу материал қабул қиладиган шакл, қиёфа; 3) causa finalis, мақсад, масалан, қурбонлик, қайсики бунда ишлатиладиган идишнинг материалининг шакли аниқланилади; 4) causa efficiens, ўз фаолияти билан натижани реал идишни тайёрлаган кумушсоз уста»[2]

М.Хайдеггер сабабиятни римча талқинидаги эмас, балки юнонча талқинидаги айб ёки баҳонанинг тўрт кўриниши сифатида кўриб чиқади. Одамлар айбни нотўғри қўйилган қадам ёки яна муайян фаолият тури сифатида ахлоқий жиҳатдан талқин қилишларига ишора қилади. Барча айбларнинг турлари, мавжудликни асосий чегарасидан чиқувчи ҳодисалардир,-деб таъкидлайди М.Хайдеггер. Бундай мавжудликнинг моҳиятида «баҳона» сабаб бўлиб кўринади. Баҳонанинг турлари, тўрт сабабда бўлиб,шундай қилиб, асар ички воқелигидаги алоқадорликда роли намоён бўлади. Ана шу ҳодиса ва унинг ривожи туфайли, ҳунарманд ва рассом қўллари билан тайёрланган асар ҳар сафар ўзига хос воқелик сифатида намоён бўлади.[3]

Ясперс бўйича техника-табиат устидан билимли инсон ҳукмронлигига йўналтирилган ҳаракатларнинг мажмуасидир; унинг мақсадлари-инсон ҳаётига шундай қиёфа берилсаки, қайсики у эҳтиёжлардан холи қила олса ва уни қуршаб турган атроф-муҳит ўзи ҳоҳлаган шаклда намоён бўлса.Техника таъсирида табиат ўз кўринишини ўзгартиргани сингари, инсонга унинг техник фаолияти қандай акс таъсир кўрсата олади, яъни меҳнатнинг характери, меҳнатни тў ри ташкил этиш ва ўзининг муҳитга таъсири қандай бўлиши тарихий тараққиётнинг асосий омилини ташкил этади.[4]

Асосий хафвни Ясперс, инсоннинг бу иккинчи табиатда нафаси буғилиб қолишида кўради қайсики уни техника жиҳатдан, ўз инсоний этикаси томонидан табиат олдида бўйсинмайдиган, ўз мавжудлигини сақлаб қолиши учун доимо пешона тери билан меҳнат қиладиган инсон бизнинг кўзимизга нисбатан озод кўринади.

«Техника инсоннинг кундалик ҳаётини уни қуршаб турган атроф-муҳитни кескин ўзгартириб юборди, меҳнат жараёни ва жамиятни бошқа сферага мажбуран кўчирди, мавжудликнинг барчасини қандайдир техник механизм фаолиятига, барча планетани ягона фабрикага айлантириб юборди. Шу туфайли, инсон ўз еридан тўлиқ узилиб қолди ва бу ҳолат ҳозирги кунда ҳам давом этмоқда. Инсон ернинг ватанга эга

[1] М.Хайдеггер. Вопрос о техники. В кн.Новая технократическая волна на Западе. Под ред.И.С.Гуревича., АНСССР Институт философии Москва, Прогресс, 1985.с.50.
[2] Ўша жойда. С.47.
[3] Ўша жойда. С.49.
[4] Ясперс К.Современная техника. В.кн.Новая технократическая волна на Западе.Под ред.П.С.Гуреевича. Москва: Прогресс. 1986.С.120.

бўлмаган аҳолисига айланиб қолмоқда, анъаналар тадрижийлигини йўқотмоқда. Рух фақат фойдали функцияларни бажариш қобилиятига ўргатилмоқда».[1]

Ясперс концепциясида, техниканинг моҳияти, инсоннинг табиат билан мулоқотда қайта шаклланиши, атроф-муҳитни технизациялаштиришнинг кучайиб бораётганлиги, техниканинг демонистик вазифаси каби дунёқарашлик лоиҳатидан ўта муҳим бўлган қарашлари ўз ифодасини топган. Уларнинг айримлари хусусида асосли камчиликларни кўрсатиш мумкин. Биринчидан, бизнинг фикримизча, Ясперс намойиш қилаётган қўрқув, инсонни ўз-ўзини англашидаги ҳукмронлик қилаётган мафкурада. Бу мафкурадаги фақат олиш орқали табиат ва жамиятда ҳукмронлик ўрнатишга йўналтирилган худбинлик тамойилининг, ҳукмронлик қилмаган ҳолда бериш тамойилига алмашган тақдирдагина, табиат ва инсон, инсон ва жамият ўртасидаги ҳақиқий ҳамкорликка реал имконият яратилиши мумкин. Бу шароитларда ҳам сунъий, ҳам табиий табиат ва жамият муҳити гармоник тараққиётнинг ягона платформасини топишлари мумкин бўлади.

Иккинчидан, инсон эҳтиёжларининг ва имкониятларининг мувофиқлигининг муайян қонуниятлари бузилган тақдирдагина техника ва табиат ёвуз қиёфа касб этиши мумкин. қадимгилар инсон барча нарсаларнинг ўлчовидир деб бежиз айтмаганлар.

Дизайн ва халқ амалий санъати.

Техника эстетикаси ва турмуш нафосатига доир адабиётларда дизайн ибораси тез-тез учраб туради. У инглизча **«*desing*»** сўзидан олинган бўлиб, «лойиҳа, чизма» деган маъноларни англатади. Бироқ, дизайн моҳиятан чизма ва лойиҳадан фарқ қилади. Мазкур фарқни англаш эса бизни қуршаб турган нарсалар оламининг шакл-шамойилини, рангини, жойлашган маконини ва бошқа шу каби жиҳатларни мушоҳада қилиш орқали белгиланади. Бу ўз навбатида дизайндаги икки муҳим томонни юзага келтиради. *Биринчидан,* дизайн ўзининг мафтункорлиги, диққатни жалб эта олиши, юксак дид билан яратилганлиги, фойдаланиш учун қулайлиги, бежиримлиги сингари хусусиятлар билан белгиланади. *Иккинчидан,* у ўз вазифасини тўла-тўкис бажара олиши, ҳизмат кўрсатиш даражасининг юқорилиги билан изоҳланади. Демоқчимизки, дизайн нафақат техника саноатининг маҳсулотига нисбатан қўлланилади, балки ўзида бундан-да кенг қамровли хусусиятларни акс эттиради. Дизайн гўзаллик категорияси билан ҳамкорликда тараққий этиб боради. Ҳолбуки, буюмни бадиий лойиҳалаштиришда унинг шакли билан мазмуни ҳамоҳанг, мос бўлиши керак. Қисқаси дизайндаги эстетик талаб шахснинг моддий эҳтиёжи билан бирга маънавий эҳтиёжини ҳам қондира олгандагина ўзида гўзалликни намоён эттиради. Шунинг учун ҳам «Буюмни эстетик сифатлари нималарни тақазо қилишини аниқ билиб олиш учун гўзаллик тўғрисидаги умумий тушунчани таркибий қисмларга ажратиш зарур. Гўзаллик тўғрисида буюмнинг ташқи шаклига қараб фикр юритилганлиги сабабли аввало ташқи шаклнинг қандай белгилари мавжуд эканлигини билиб олиш лозим. Фақат шундан кейингина муайян нарса қандай сифатларга эга бўлиши лозимлиги, у чиройли деб аталишга ҳақли бўлиш учун қандай қонунлар асосида яратилиши кераклиги ҳақида гап юритса бўлади. Ана шунда бизнинг берган баҳомиз далил-исботли бўлади».[2]

Техникавий тараққиёт доимо ривожланиб, янгиланиб боради; эски технологиялар ўз ўрнини янги, замонавий технологияларга бўшатиб беради. Воқеликда эса мазкур ўтиш жараёнини ишлаб чиқариш шароитларининг ижтимоий ва

[1]Уша ерда С.121.
[2] Иқтисоб:Холмянский Л.М. Шчипанов А.С. Дизайн.-Т.: Ўқитувчи. 1991.-5 б.

иқтисодий жиҳатдан ўзгариб, такомиллашиб бораётганлиги билан изоҳлаш мумкин. Машиналар техникаси даврида манфаатдор муносабат билан эстетик муносабат орасидаги қарама-қаршиликнинг кескинлашуви нафақат техниканинг ўзига ёки меҳнат тақсимотига, айни пайтда, ишлаб чиқариш соҳалари мақсадларининг ўзгаришига ҳам боғлиқ. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг манфаатдорлиги ва нафосатдорлиги ўртасидаги алоқадорликка доир тадқиқотлардан шу нарса англанадики, мазкур алоқадорлик барча предметлар учун бир хилда эмас. Шундай предметлар борки, унинг эстетик ўзига хослиги функционал-лойиҳалаштириш асослари билан белгиланади; унинг гўзаллиги мазмун ва шакл, маънавийлик ва моддийлик, манфаатдорлик ва фойдалилик мезонлари билан ҳамоханг тарзда ривожланиб боради. Масалан, самолётсозлик, автомобилсозлик саноати бошқа замонавий транспорт воситалар ишлаб чиқариш соҳаси худди шу талаб асосида равнақ топади. Бу борада Ўзбекистоннинг Жанубий Корея билан ҳамкорликда ишлаб чиқараётган «ЎЗДЕУАВТО» қўшма корхонасининг маҳсулотлари, хусусан, «Nexia» енгил автомобилини мисол қилиб келтириш ўринлидир. У қатор хусусиятлари билан гўзаллик талабларига жавоб беради.

Инсон доимий равишда равнақ топиб борадиган мавжудот, узоқ давом этган инсоний тараққиётнинг маҳсули, яъни тош асридаги ва ҳозирги одам, гарчанд иккаласи ҳам одам деб атасакда, бир-биридан фарқ қилади. Замонавий одам ақлан, ахлоқан нисбатан юксак даражага кўтарилган, жисмонан эса – гўзаллашган. Техникани ана шу гўзаллашган инсон яратган.

Дизайннинг зарурияти айланиши нафақат замонавий илмий-техникавий равнаққа, балки оммавий ишлаб чиқариш ва оммавий маданият даражасининг юксаклигига ҳам боғлиқ. Бундай шароитда ҳаридор ўзининг эркин танлов имконияти билан ишлаб чиқариш таклиф қилган маҳсулотни рад этиши ва ўз эҳтиёжига жавоб берадиган товарни юқори баҳолаши мумкин. Яъни, харидор ўз дидига мос нарсани танлайди; харид жараёни "*борига барака* " тарзидаги таваккалчилик ҳолатига эмас, балки товарга фаол муносабат шаклига айланади. Ана шундай муносабатга лойиқ бўлиши учун товарнинг шакли муҳим аҳамиятга молик. Табиийки, биринчи навбатда гўзал ва улуғвор кўринишга эга нарсаларгина жамиятнинг эътиборини қозонади. Шунда товарнинг умуммезонга жавоб берадиган эстетик қадрият сифатида қабул қилиниши рўй беради ва у ишлаб чиқаришнинг харидорга, харидорнинг эса ишлаб чиқаришга эстетик таъсирини таъминлайди.

Шуни унутмаслик лозимки, ҳар қандай ***конструкциячи-инженер*** дизайнер бўлолмайди. Инженер-конструктор, дейлик, машинани лойиҳалаштирар экан, дастлаб унинг моторидан тортиб, кузовигача бўлган қисмлари лойиҳасини чизади ва шундан кейингина уларни бир-бири билан боғлаб яхлит машина шаклига келтиради. Натижада ҳар бир қисм алоҳида "ўз ҳаётига" эга бўлади. Яъни, машина замонавийлаштирилганида (модернизация қилинганида) муайян деталларни сўнгги лойиҳа асосида, алоҳида-алоҳида алмаштириш жараёни рўй беради. *Дизайнчи-инженер* эса машинани гўзаллик ва улуғворлик қонуниятларига асосланиб, бирданига муайян яхлитлик тарзида тасаввур қилади. Бу яхлитлик конструкцияга бўйсунса-да, ўзини бадиий ижод сифатида намоён этади. Шундай қилиб, конструктор-инженер мазмунни, дизайнчи-инженер шаклни яратади, яъни биринчи мутахассис – *техник,* иккинчиси – *эстетик*. Иккала фаолиятнинг уйғунлиги туфайли замонавий харидор талабига жавоб берадиган машина вужудга келади ва унда, истаймизми-истамаймизми, эстетик кўриниш яхлитлик сифатида устуворликка, харидоргирлик аҳамиятига эга бўлади. Зотан, эслайлик, Шиллер айтганидек, шакл инсонга

бутунисича, мазмун – унинг муайян қисмигагина таъсир кўрсатади. Харидор эса, энг аввало инсон.

Дизайннинг туб илдизи, моҳият нуқтаи назаридан, ***кўргазмали амалий санъат*** (халқ амалий санъати)га бориб тақалади: у ҳам, бу ҳам фойдалилик, манфаатлилик хусусиятига эга, яъни улар мақсадга мувофиқликка эмас, мақсадга хизмат қилади. Лекин халқ амалий санъатига асос бўлган ҳунар, айтиб ўтганимиздек, санъатга айланиши мумкин, дизайн эса – дизайнлигича қолади.

Санъатнинг вужудга келиши ва унинг нафосатли моҳияти.

Санъат – эстетик фаолиятнинг ўзига хос тури, *сеҳрли маънавий кўзгу*. Сеҳри шундаки, санъат асарини идрок этаётган одам унда ҳам шу асарни яратган инсон дунёсини, ҳам ўз дунёсини қадриятлар призмаси орқали кўради; ўзининг қандайлигини ва қаердалигини, ютуқларини ва нуқсонларини, ақлини ва ҳиссиётларини аниқлаштириб олади. Унинг эстетик моҳияти макон ва замондаги воқелик воситасида гўзаллик, улуғворлик, фожеавийлик, кулгилилик, хунуклик, тубанлик в.б. эстетик хусусиятларни инъикос эттириши ҳамда уларни баҳолаши билан белгиланади. *Санъат* қадриятларнинг қадрланишини ва қадрсизланган қадриятларни кўрсатиб беради, бир одам ёки бир неча одам тимсолида одам билан оламнинг яхлит, умумлашган қиёфасини яратади, уларнинг уйғунлигини таъминлайди. У кишини яшашга ўргатади, гўзалликка даъват этади, маънавий юксалтиради. Шу сабабли инсоният тарихида санъатсиз яшаб ўтилган бирорта ҳам давр йўқ.

Файласуф-нафосатшунослар ўртасида санъатнинг келиб чиқиши муҳим муаммолардан бўлиб келган. *Санъатнинг келиб чиқиши* деганда кўпчилик ғорларнинг тош даврларига ибтидоий даврларда чизилган ов манзалари ва ов ҳайвонларининг тасвирини назарда тутади. Ваҳоланки гап бу ерда санъатнинг қандай пайдо бўлганлиги эмас, балки нимадан пайдо бўлганлиги тўғрисида бориши керак. Баъзилар уни тақлиддан, бош: эротик ҳиссиётлардан, кимлардир ўйиндан, кимдир меҳнатдан келиб чиққан деб ҳисоблайдилар. Бундай назариялар ва концепциялар анчагина, лекин улар орасидаги иккитасининг тарафдорлари кўпчиликни ташкил этади. Улардан *бири* – инсонни ҳайвонлик даражасидан одамлик поғонасига кўтарган нарса меҳнат, санъат ҳам меҳнатдан, инсоннинг оламни ўзгартиришга бўлган эҳтиёжидан келиб чиққан, санъат фақат ижтимоий ҳодиса деган моддиятчилар илгари сурган қараш. *Иккинчиси* – санъат инсонга берилган илоҳий завқнинг, маънавий оламнинг ўйин орқали намоён бўлиши, деган маънавиятчилар назарияси. Биз ана шу иккинчи қараш тарафдоримиз. Бунинг сабаби шуки, *меҳнат* қанчалик қадрламайлик, қанчалик шарафламайлик, у – мажбурият билан боғлиқ, мақсадга йўналтирилган ижтимоий ҳодиса, ўйин эса ҳар қандай мажбуриятдан йироқ, мақсадга мувофиқлик билан шартланадиган *индивидуал-ижтимоий ҳодиса*.

Санъат кенг маъноли тушунчадир. Масалан, қадимги юнонлар мусиқа, рақс, назм (шеърият)ни санъат деб билар эдилар. Ўрта асрларда эса санъат таркибига тасвирий санъат, касалларни даволаш ва дорихона ишлари ҳам киритилган. Бугунги кунда «санъат» сўзи «воқеликни бадиий тимсоллар воситасида ижодий акс эттириш», «ишнинг кўзини били шва маҳорат кўрсатиш жараёни», «бирор ишни бажаришдаги маҳорат даражаси» маъноларида қўлланилади. Чунончи деҳқончилик, темирчилик, ошпазлик, ўқитувчилик, ёзувчилик, рассомлик, врачлик, шофёрлик санъати ва бошқалар.

Санъат тушунчасининг бундай кенг маънода талқин этилиши бежиз эмас. Зеро, санъат инсон меҳнати, ақл-идроки билан яратилган, вужудга келган, ижод қилинган турини англатади. Ҳар бир санъат асарида шахснинг ўзига хос қобилияти, истеъдоди

намоён бўлади. Санъат инсоннинг маҳорати билан чамбарчас боғланиб кетган. Санъат ҳозирги даврга қадар инсоният тараққиёти билан боғлиқ ҳолда ривожланиб келган. Ўзбекистон худуди Испания, Сахрои Кабир ва бошқа манзилларда учрайдиган қояларга ўйиб туширилган ёввойи ҳайвонларнинг тасвирлари ҳозирги давр нуқтаи назаридан юксак эстетик қийматга эга. Хусусан, Ўзбекистон худудида Заравутсой, Сармишсой, Қорачарвоқсой, Тақатош, Тераклисой, Тутлисой, Чадаксой, Шўрбулоқсой каби ерларда ов манзараларини ифодаловчи тасвирий санъат ёдгорликларини учратамиз. Санъат узоқ ўтмишда инсон меҳнати билан уйғун тарзда ривожланиб борган. Инсониятнинг ибтидоси даври фақат қояларга ўйиб туширилган тасвирий санъат билан чекланмайди. Бу даврда бадиий фаолият афсонавий тафаккур тарзида ривожланган ва турли халқлар ўз афсоналарини яратганлар. Афсоналарда диний мазмун кенг ўрин олган. Юнонларнинг Зевс ва унинг фарзандлари ҳақидаги афсоналар бунга мисол бўла олади. Марказий Осиёда эса Митра, Анахита, Каюмарс, Эликбек ҳақидаги афсоналар яратилган.

Шундай қилиб санъатнинг вужудга келиши инсоният қадимги аждодлари меҳнат фаолиятини тасвирлаш тарзида (масалан ов қилиш) юзага келиб ривожланиб борган.

Санъат ҳиссиётлар, туйғулар билан тирик, у ҳиссий таъсир этиш, ибрат кўрсатиш, тарбия бериш қудратига эга.

Санъат инсонга воқеликни бадиий воситалар орқали янада тўлақонли, жозибали англашга ёрдам беради. Санъат асарлари инсонда ҳис-туйғулар, хилма-хил кечинмалар қўзғаб, инсон дилига, унинг руҳига таъсир ўтказади. Санъатнинг нафосатли моҳияти анна шунда намоён бўлади.

Санъат турлари.

Санъат асарлари яратиш инсоният бадиий маданиятининг асосини ташкил этади. Тарихий тараққиёт натижасида санъат бир неча турларга ажралди: адабиёт, меъморчилик, мусиқа, тасвирий санъат ва ҳ.к. Мазкур санъат турлари яна бир қанча хилларга, яъни жанрларга бўлинади. *Масалан, адабиёт: халқ оғзаки ижоди, поэзия ва унинг турлари; проза ва унинг турлари; драма ва унинг турларига; тасвирий санъат – ҳайкалтарошлик, ранг-тасвир, графика ва бошқаларга бўлинади.*

Мазкур санъат турларининг ҳар бири мустақил, ўзича нодир ва бетакрор, воқеликнинг бир томонини бевосита акс эттиради. *Масалан, бадиий адабиёт ҳаётни кенг ва теран акс эттириб, инсон руҳий-ақлий томонларини очиб беришда бошқа санъат турларига нисбатан кенг имкониятларга эга.*

Санъат турлари инсон дунёқарашини шакллантиришда ўзига хос турли вазифаларни бажариши билан ҳам бир-биридан фарқланиб туради. Мусиқа – ҳис-туйғу; тасвирий санъат – синчков кузатиш; эстрада ва цирк санъати эса кўнгил очиш, томоша маданиятини юксалтиришга хизмат қилади.

Турли тарихий даврлар, халқлар, мамлакатлар ҳаётида санъатнинг у ёки бу тури етакчи ўринни эгаллаган ва ўз даври бадиий қиёфасини белгилаб берган. *Масалан, Қадимги Мисрда меъморчилик, Хиндистонда мусиқа ва рақс, Хитойда ранг-тасвир, Эрон ва Туронда халқ амалий санъати (кулолчилик, гиламдўзлик ва заргарлик), Юнонистон ва Римда хайкалтарошлик равнақ топган.*

Милодий давр бошларида Рим ва Византияда тасвирий санъат, арабларда сўз санъати, мусулмон Шарқида илк Уйғониш даврида (IX-XII) назм ва меъморчилик (Минораи Калон, Сомонийлар мақбараси, Қутадғу билик) баланд чўққиларга кўтарилди. Европа Уйғониш даврида Италияда тасвирий санъат (Леонардо да Винчи); Англияда театр санъати (Вильям Шекспир), Германияда мусиқа санъати, XIX асрда Русияда бадиий адабиёт (Пушкин, Лемонтов) ривожи яққол кўзга ташланади.

Санъат турлари орасида сўз орқали намоён бўлиш хусусияти билан бадиий адабиёт алоҳида ўрин тутади. Шунинг учун **бадиий адабиёт** сўз санъатидир. У – оғзаки ва ёзма шаклга эга. Сўз санъати дастлаб ***оғзаки*** кўринишда вужудга келган. Халқ оғзаки ижоди – меҳнат қўшиқлари, достонлар, эртаклар бунга мисол бўлади. Ҳозирда ўзбек халқи ҳаётида санъатнинг оғзаки шакли ўзбек бадиий сўз усталари, аскиячилар, бахшилар, достончилар, қизиқчилар, эртакчилар, алла ва ёр-ёр айтувчилар сақланиб, кишиларга бетакрор нафис завқ-шавқ бағишлаб келмоқда.

Ўзбекистонда мустақиллик йиллари санъатнинг оғзаки шаклини тиклаш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон бахшиларининг анаъанавий кўриклари (Самарқанд, Хоразм ва Сурхондарё вилоятлари), телевидение «Халқ ижоди» кўрсатуви, жойларда халқ ижоди дасталари кўриклари, аскиячилар кўриги (Фарғона водийси) ўтказиб келинмоқда.

Ёзма адабиётнинг ҳам асосий моддий қуроли, тасвирий ифода воситаси – сўз. Сўз – фикр ифодаси, баёнидир. У туфайли инсоният тўплаган ақлий бойлик келажак авлодларга етиб келади. Сўз воситасида моддий ва маънавий олам, инсоннинг ақлий ва маънавий дунёси ёзма адабиётда энг теран, ҳар томонлама акс этади.

Ўзбек халқи ёзма адабиёти буюк соҳиблари Навоий, Машраб, Қодирий, Чўлпон, Ойбек ва бошқалар инсон ички дунёси бор ранго-ранглиги, бойлиги, мураккаблигини юксак маҳорат билан ифодаладилар. Бадиий адабиётнинг ўз ички тизими, кўриниши, тур ва услуби бор. Бу жиҳатдан бадиий адабиёт учта адабий тур:эпик (сочма эркин баён) лирик (шеърият) ва драматик кўринишларни қамрайди. Адабиётнинг эпик турига ўзбек адабиётида Юсуф Хос Хожибнинг «Қутадғу билик», Фирдавсийнинг «Шоҳнома», Навоийнинг «Ҳамса» («Хайратул аброр», «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Саъбаи сайёра», «Сади Искандарий» достонлари), А.Қодирийнинг «Ўтган кунлар», Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз», Ойбекнинг «Навоий», Примқул Қодировнинг «Бобур», «Хумоюн ва Акбар» каби асарлари мисол бўлади. Буларнинг айримлар назм, айримлари насрий услубда баён қилинган.

Бадиий адабиётнинг драматургия тури саҳналаштиришга мўлжалланган. Унинг асосини зиддият (конфликт) ташкил қилади. Драматик асарларда ўз олдиларига аниқ-равшан мақсад ва вазифалар қўйган иродали кишилар юзма-юз тўқнашадилар. Уларнинг суҳбатлари (диологлари) орқали томошабинга таъсир ўтказилади. Бадиий адабиётнинг турлари бир неча хил: ***эпик тур*** – халқ эпоси – эпик достон, роман-эпопея (бир неча китоб), роман, қисса; ***лирик тур*** – қасида, туюқ, рубоий, ғазал, шеър; ***драматик тур*** – фожиа (трагедия), комедия, драма. Таъкидлаш зарурки, бадиий адабиёт намуналари билан танишиш ёшларимизнинг нафосатли (эстетик) ҳис-туйғуси, дидининг ўткирлашишига олиб келади…

Тасвирий санъат тизимига мусаввирлик, ҳайкалтарошлик, чизиқли расм (графика) мансуб. Уларнинг пайдо бўлиши инсоният тарихининг энг қадимги даврларига бориб тақалади.

Тасвирий санъат ўз эстетик хислат ва эстетик мақомига эга бўлиб боргани сари айрим тур ва жанрлар ажралиб чиқа бошлади. Тасвирий санъат турлари ўзаро боғлиқ, бир-бирини тўлдириб туради.

Тасвирий санъат асарлари монументал ва дастгоҳ кўринишларига эга. ***Монументал*** ҳажм жиҳатидан катта, меъморчилик, парк, боғ санъати, бирор ботиний муҳитга мўлжалланган санъат асаридир. *Масалан, Амир Темур майдонидаги Амир Темур ҳамда Ўзбекистон Миллий боғи ва шоирлар ҳиёбонидаги Алишер Навоий ҳайкаллари бунга мисол бўлади.*

Дастгоҳ асари санъаткор томонидан эркин ижодий фаолият туфайли яратилиб, уларни ҳоҳлаган жойга музей ёки ўқув дарсхоналарига қуйиш ва намойиш этиш мумкин.

Ҳайкалтарошлик жонли мавжудотлар – асосан инсон, қисман жониворларни ҳажмли шаклларда акс эттиради. Мармартош, оддий тош, ҳарсангтош, ёғоч, метал, гипс ва бошқалар ҳайкалтарошлик учун моддий ашёлар сифатида хизмат қилади.

Хайкалтарошликда инсон ички дунёси, кечинма, фикр-туйғулари ҳам ўрин олади. Фикр ва туйғулар инсон танаси ҳаракати орқали берилади. Бу санъат турининг ўзига хос томони: ҳаркатсиз ҳолатда ҳаракат таассуроти яратилади. Ҳайкалтарошнинг маҳорати шу қийин ва мураккаб жараённи ярата ва кўрсата билишда. Амир Темур, Алишер Навоий, Улуғбек, Бобур каби улуғ сиймолар ҳайкаллари ҳаракат билан тўлиб тошган. Юнон ҳайкалтароши Мироннинг «Диск отувчи» асари ёки гўзаллик ва муҳаббат рамзи –Афродита ҳайкалларида ҳам айни ҳол кузатилади. Ҳайкалтарошликнинг ўлкамизда қадимдан ривож топганига Кушонлар даврига оид буддизм хайкалтарошлик намуналари (Сурхондарё вилояти), Афросиёбдан (Самарқанд) топилган хайкалчалар далил бўлади.

Халқ қаҳрамонлари, фан ва маданият арбоблари, фидойи кишиларга қўйилган ёдгорлик ҳайкаллари тарихий воқеаларни акс эттириб, тарғибот-ташвиқот, ахборот, тарбия, эстетик дидни ўстириш каби кўп вазифаларни бажаради.

Мусаввирлик – рангтасвир санъатида бўёқ ва чизиқлар аралашмасидан фойдаланиб, дунё манзаралари акс эттирилади. Уларнинг марказида эса инсон туради.

Мусаввирликнинг наққошлик, ёдгорлик ва дастгоҳлик турлари мавжуд.

Ўзбекистон ҳудудида қадимдан рангтасвир санъати ривожланганлигини Афросиёбдаги деворий расмлар, Варахша ва Болалитепа тасвирий намуналаридан билиш мумкин. Улар ўтмиш аждодларимизнинг гўзаллик борасида эришган ютуқларидан ҳикоя қилиб, тарих сирларини очиб берувчи кўзгу вазифасини ўтайди. Машҳур мусаввирлар: Леонардо да Винчи, Рафаэль Санти, Рембранд, Карл Брюллов саналади. Ватандош ва замондош мусаввирлар: Камолиддин Беҳзод, Ўрол Тансиқбоев, Абдулҳақ Абдуллаев, Раҳим Ахмедов, Малик Набиев, Алишер Мирзаев ижоди диққатга сазовор.

Ифодали санъат турларига: безакли-амалий, меъморчилик ва мусиқа санъати турлари киради. Бу ижод турлари ўзининг ғоявий-эстетик бурч-вазифаларини ифодали воситалар орқали амалга оширади.

Безакли-амалий санъат тури тасвирий санъат турига яқин. Фарқи: безакли-амалий санъат амалий мақсадларга мўлжалланган, улар бадиий қиймати фойдали-амалий қийматидан келиб чиқади. Безакли-амалий санъат асосан маиший турмуш эҳтиёжларига хизмат қилувчи нарса-буюмлардан иборат. Бунда нарса-буюмнинг амалий ва эстетик хислатларига ғоявий-бадиий ифодалилилик қўшилиб санъат асари даражасига кўтарилади. Нарса-буюмга ўзига хос равишда – мутаносиблик, вазн-оханг, томонлар тенглиги ва безак берилади. Безак нақш билан боғлиқ. Нақш эса нарса-буюмнинг бадиий шаклга айланишидир. Нақш инсонда қувончу қайғу, осойишталик ёки безовталик каби туйғу ва кайфиятларни ифодалайди.

Ўзбек миллий нақши азалдан масжид, минора, мақбара, мадраса каби меъморчилик ишларини амалга оширишда; амалий санъат – зардўзлик (Бухоро), гиламдўзлик (Хива), кулолчилик (Фарғона), дурадгорлик, тикувчиликда безак вазифасини ўтаб келади. Бу соҳада ўзбек миллий санъати ўзига хос, такрорланмас хусусиятларга эга.

Санъат турлари орасида **меъморчилик** ҳам моддий, ҳам маънавий маданиятга тааллуқли. Донишмандлар меъморчиликни «қотишма» мусиқа ёки «тошдаги достон» деб таърифлаганлар. Меъморчилик давр қиёфасини ижтимоий-ифодали кўринишда яратади. Агар мусиқада қиёфа эшитиш орқали идрок қилинса, меъморчиликда кўриш орқали англашга мўлжалланган.

Меъморчилик ўзининг ҳажм ва чизиқлар «тили» билан давр ва инсон ҳақида ҳикоя қилгандай муайян ҳис-туйғу ва тасаввурлар ҳосил қилади. Кўҳна меъморий обидалар ҳозирда ҳам ўзининг ажойиб ҳамоҳанглиги билан кишини ҳайратга солиб келмоқда. Анаъанавий минора, мақбаралар ҳаворанг гумбазлари, масжиду мадрасалар ички безаклари билан қўшилиб, баркамол умумий яхлитлик пайдо қилиб, мозий ва бугун муносабатлари ҳақида тасаввур ҳосил қилади. Самарқанд, Шаҳрисабз, Бухоро, Хива, Қўқон шаҳарларида бунёд этилган меъморчилик обидалари ўз мазмундорлиги ва мўжизавийлиги жиҳатидан Миср пирамидалари, Афина Акрополи, Шоҳжаҳон «Тожмаҳали»дан қолишмайди.

Ҳозирги меъморчилик айрим бино ёки уларнинг мажмуини (Регистон сингари) яратишга эмас, балки меъморчилик ижодининг олий кўриниши – шаҳар бунёд этишга мўлжалланган. Мустақил Ўзбекистоннинг ҳар бир шаҳри меъморчиликнинг энг яхши намуналарини эркин режалаштириш асосида барпо этилмоқда.

Мусиқа воқеа-ходисаларни ифодали акс эттиради. Мусиқа эшитиш воситасида идрок қилинади. У инсон ички маънавий дунёси, унинг туйғу ва кайфиятларини ифодалайди. Яъни мусиқа воқеликнинг ҳиссий туйғули қиёфасини яратади.

Мусиқа санъатининг куч-қудрати: у шодланиш, қайғуриш, ҳаёл суриш, бирдамлик, тушкинлик каби инсон руҳий холатларини намойиш эта олади.

Ўзбек миллий мусиқасининг дурдонаси «Шошмақом» халқнинг мураккаб тарихи, кечинма, завқ-шавқ, қайғу-хасрат, орзу-умидларини теран, нафис, жозибали, эҳтиросли ифода этган. Уни тинглаган киши беихтиёр ширин ҳаёлот дунёсига шўнғиб кетади. Ажойиб мусиқа асарлари чуқур фалсафий мазмун билан суғорилган, унда ҳаёт ва ўлим, шахс ва жамият, адолат ва зулм, қудрат ва заифлик каби масалалар акс этади.

Мусиқа санъатида куй асар танасидаги қон, қалбидаги жон саналади. Мусиқа ижро этиладиган санъатдир. У ижро жараёнида жонланади, «тилга киради». Мусиқа инсонни тарбиялаш воситаси бўлиб, унда юксак фикр ва туйғулар, нафосат диди ва орзулар хосил қилади, дард, ғам-алам, ташвишлардан фориғ қилади. А.Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романида Отабек тушкунлик, хорғинлик ҳолатига тушганида созандадан айрилиқ куйи(Ўзбекистон халқ артисти Муроджон Аҳмедов қойил-муқом, меъёрига етказиб куйлаган «Ўртар»)ни ижро этишни сўрайди. Куй ва қўшиқ қўшилиб инсон ички туйғуси қат-қатларига кириб боради.

Мусиқа инсон фаолиятининг энг муҳим соҳалари билан алоқага киришади, меҳнат жараёнлари, маросимларда қатнашади, хордиқ чиқаришда эса яхши кайфият туғдиради. Мусиқа асарларини идрок этилиши ҳар бир кишини, умуман одамларни бирор мақсад-ниятга сафарбар этади, уларни ягона туйғу ва ғайрат атрофида бирлаштиради. *Масалан Катта Фарғона канали қурилишида созанда, хофиз, раққослар фаол иштирок этиб, канал қазувчиларни маънавий-руҳий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб турганлар.*

Ифодали санъат тизимида ***рақс, қўшиқчилик*** ҳам муҳим ўрин тутади.

Ҳозирги даврда т**омоша-қоришма санъат** турлари: театр, эстрада (очиқ саҳна), цирк, кино, теледастурлар инсон нафосатли ҳис-туйғусига таъсир этувчи, тарбияловчи таъсир кўрсатади.

Такорлаш учун саволлар

1. Табиат эстетикасининг экологик эстетика билан боғлиқлиги.
2. Табиат санъатни гўзаллаштирувчи омил сифатида.
3. Табиат санъатга айланган эстетик обьект.
4. Техникада гўзалликни намоён эттириш.
5. Замонавий ишлаб чиқариш технологияларининг дизайни.
6. Санъат тушунчаси нимани англатади?
7. Санъатнинг нафосатли моҳияти нимада?
8. Санъат асарларини яратиш инсон фаолиятининг қандай турига киради.
9. Санъатга турларига қайсилар киради?
10. Тасвирий санъат турларини аниқланг.
11. Бадиий адабиёт қандай санъат турларга бўлинади?
12. Монументал санъат асари қандай асрлар сирасига киради?
13. Ҳаракатсиз холатдаги ҳаркатни акс эттирувчи санъат асарлари санъатнинг қайси турига киради.
14. Ўзбекистон худудида ранг тасвир санъати ривожланишини кўрсатувчи қадимий шаҳарларни аниқланг.
15. «Тошдаги достон» ибораси қандай санъат асарларига нисбатан ишлатиб келинган.
16. Мусиқа санъатининг юраги, жозибаси нимада?
17. Меҳнат эстетик тарбиянинг энг муҳим омили.
18. Томошали санъат турларини аниқланг.
19. Эшитиладиган санъат турини аниқланг.
20. Санъат ва ахлоқнинг бош мавзуси нима?
21. Санъат асарлари ахлоқийликдан ажралган бўлиши мумкинми?

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ЭСТЕТИКАСИ

Таянч тушунчалар: *тарбия, тарбия шакллари, тарбиянинг эстетик шакли, эстетик тарбия, эстетик тарбия воситалари, эстетик тарбия омиллари, тарбия стратегияси, тарбиявий-ғоявий функциялар, маҳалла тарбияси, табиат тарбияси, оила тарбияси, спорт тарбияси, эстетик маданият, эстетик равнақ.*

Эстетик тарбиянинг вазифалари. Эстетик тарбия ҳам кишиларда умуминсоний ва миллий қадриятларни қарор топтиришга хизмат қилади. Маълумки, ҳар қандай тарбия, жумладан эстетик тарбия ҳам инсон онгига, хис-туйғуларига, тасаввурига, эътиқодига, дунёқарашига, ҳатти-ҳаракатларига, хулқ-атворига таъсир ўтказишни ўз олдига мақсад ва вазифа қилиб қўяди.

Инсоният тараққиётининг турли даврларида эстетик тарбия турли мақсадларни кўзланган ҳолда олиб борилган. Чунончи, қадимги юнонларда эстетик тарбия мақсади фуқароларнинг ҳар томонлама ривожланишига «руҳ ва бадан» ҳамоҳанглигини қарор топтиришга йўналтирилган эди.

Ўрта асрларда Шарқ ва Оврўпода эстетик тарбия илоҳий куч-қудрат манбаи бўлган Оллохга эътиқод қилиш ва «бу дунё» нинг ўткинчи, арзимас эканлигини инсон шаҳсига сингдиришни мақсад қилиб қўйган эди.

Ҳозирги мустақиллик шароитида мамлакатимизда эстетик тарбиянинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Аввалари эстетик тарбия ўта тор ва бир томонлама талқин қилинар эди. Эстетик тарбия санъат асарларини тўғри идрок этиш, бу билан алоҳида лаззатланиш ёки бирор санъат турини билиб олиб, муайян бадиий кўникмаларга эга бўлиш доирасида тушунилар ва талқин этилар эди. Баъзан эса эстетик тарбияга фақат одамларда юксак эстетик дид-фаросатни шакллантириш сифатида қаралар эди. Буларнинг барчаси бадиий-эстетик тарбиянинг вазифа ва мақсадлари доирасига киради. Бадиий ва эстетик тарбия бирдай эмас. Улар ўртасида умуммиллийлик ва фарқли томонлар бор. Бадиий тарбия эстетик тарбиянинг таркибий қисми. Бадиий тарбиянинг асосий мақсади – муносабатларни санъат воситалари ёрдамида шакллантиришдир. Эстетик тарбия фақат санъат билан чекланиб қолмайди. Эстетик тарбиянинг асосий мазмуни инсоннинг воқеликка эстетик муносабатини фаоллаштириш ва ривожлантиришдан иборат. Воқеликка бўлган инсон муносабатининг ҳар қандай кўриниши эстетик мазмундан ажралиб қолса, у асл инсоний моҳитятини йўқотади. Эстетик муносабат дунёга кенг ва холис қараш, одамларда, табиат вокеа-ҳодисларида, энг аввало жамият, инсоният, тараққиёт учун хизмат қиладиган ижтимоий аҳамиятли бўлган фазилатларни кўра билиш қобилиятини тарбиялайди. Эстетик тарбия инсонни эстетик онгини шакллантириш жараёнида уни ахлоқий, меҳнат, экалогик жиҳатлардан ҳам тарбиялаш вазифаларини қамраб олади. Энди анна шу вазифаларнинг баъзи жиҳатларини кўриб ўтамиз.

Санъат ва ахлоқнинг бош мавзуи инсондир. Санъат инсоннинг мақсад-манфаатлари, фикр-мулоҳазалари, ҳис-туйғулари, ички кечинмалари нуқтаи назаридан акс эттиради.

Санъат воқеликни акс эттириш жараёнида жамиятда амал қилаётган ахлоқий муносабатларни, одоб қоидаларини, ахлоқий ғоя ва қарашларни, инсон ички дунёсини, ахлоқий қиёфасини ҳам очиб беради. Шу боис санъат инсон ахлоқ-одобининг кўзгуси деб ҳам юритилади.

Инсон воқеликка бир вақтнинг ўзида ҳам ахлоқий, ҳам эстетик муносабатда бўлади. Эстетик ва ахлоқий тушунчалар инсон фаолиятини бошқариб туради. Ахлоқий муаммолар мажмуи санъат, хусусан бадиий асар мазмунининг таркибий қисми саналади. Айниқса, бадиий адабиёт, театр, кино, тасвирий санъат асарларида муаммолар тугуни, тўқнашувлар, қаҳрамонлар феъл-атвори, ҳатти-ҳаракатлари ахлоқийлик билан суғорилган бўлади.

Ахлоқ санъатнинг мағзини ташкил этади. Санъат асарлари ахлоқ мазмунига эга бўлмаса, ўзининг инсонпарварлик хусусиятини йўқотади. Санъатда ахлоқий қоида ва ақидалар эстетик жиҳатдан қайта ишлаб чиқилади: гўзал ва хунук, улуғвор ва пасткаш, фожиали ва кулгили каби эстетик тушунчалар сифатида идрок этилади. Санъат асарларидаги бу холатларни эстетик жиҳатдан идрок этилиши инсон ахлоқий ва эстетик тарбиясига яқиндан ёрдам беради. Эстетик тарбия билан экалогик тарбия ҳам ўзаро боғлиқ. Бу боғлиқлик инсоннинг табиатга беғараз, инсоний муносабатда бўлишида, жамият билан табиат ўртасида ҳамоҳанг алоқадорлик муносабатларини ўрнатишда намоён бўлади. Эстетик томонсиз дунёқараш чала, бир ёқлама бўлиб қолади. Эстетик дунёқараш фалсафий ва ахлоқий ва бошқа дунёқарашларни бойитиб туради. Эстетик тарбия, аввало одамларнинг эстетик дидлари шаклланишига катта таъсир ўтказади. Эстетик дидда инсон ақлий ва ҳиссий дунёси, орзу-умидлари, талаб эҳтиёжлари, мақсад-манфаатлари рўёбга чиқиши ифодаланади.

Эстетик тарбия яна ўз диққат эътиборини шаҳс эстетик эҳтиёжларини шакллантиришга қаратади. Эстетик эҳтиёж фақат моддий ва маънавий гўзалликлардан лаззатланишгина эмас, балки ҳар қандай амалиёт соҳасига гўзалликни татбиқ қилишни ҳам билдиради. Шу боис эстетик тарбияни ҳаёт

жабҳаларининг ҳаммасига ўқиш, меҳнат қилиш, илмий ва техник изланиши ва бошқаларга татбиқ этилишини ҳаёт тақазо қилади.

Шундай қилиб, эстетик тарбия – бу эстетик жиҳатдан ривожланган ва ижодий фаол бўлган инсон шахсини шакллантириш демакдир.

Миллий истиқлол ғоямизда таъкидланганидек, эркин фуқаролик жамиятини маънавий баркамол, эзгу ғоялар ҳаётий эътиқоди бўлган инсонларгина бунёд эта олади. Маънавий баркамол, комил инсон эса ўзида барча ижобий фазилатлар билан бирга эстетик жиҳатларни ҳам намоён этиши лозим. Мустақил Республикамизда эстетик тарбиянинг манбаи адабиёт, кино, мусиқа ва тасвирий санъат асарларини яратилиши ҳар томонлама рағбатлантирилмоқда.

Эстетик тарбия самарадорлиги эстетик тарбиянинг омиллари ва воситаларидан тўғри фойдаланиши талаб қилади.

Эстетик тарбия омиллари деб, шахснинг эстетик камолотига таъсир ўтказадиган ташқи ва ички шарт-шароитларга айтилади. Эстетик тарбия воситалари деб шахснинг воқеликка эстетик муносабатини ривожлантиришга хизмат қиладиган тарбиявий фаолият шаклларига айтилади.

Эстетик тарбиянинг воситалари ва омиллари.

Маҳалла муҳим омил сифатида шахс эстетик тарбиясига таъсири ниҳоятда катта. Модомики, маҳалла жамият ичидаги кичкина жамият бўлиб, у бугун шахснинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга, унинг ижтимоий-ҳуқуқий маданиятини шакллантиришга кўмак берувчи макон сифатида ҳам юксак аҳамият касб этади. Шунингдек, маҳалла шахс нафосатли тарбиясига яқиндан таъсир кўрсата олиши билан бошқа омиллардан ажралиб туради. Шу жиҳатдан маҳалла ўз навбатида ўз олдиган қўйган эзгу мақсадларни бажариши билан замонавий инсонни нафосатли жиҳатдан тарбиялайди.

Чунончи маҳалла;

-ўзига қарашли ҳудуднинг тозалиги, ободлиги, кўркамлигини ҳамда фуқароларнинг ҳамжиҳатлигини таъминлаши билан;

-турмуш нафосати ва муомала эстетикани шакллантириб, инсонлар қалбида ижобий туйғулар, яхши орзуларни намоён эттириши билан;

-маҳаллийчилик ва миллатчилик сингари салбий ҳолатларга йўл қўймаслиги ҳамда қўшничилик маданиятини камол топтириши билан;

-санъат, маданият, маърифат арбоблари, илм аҳллари иштирокида бўладиган ранг-баранг мавзулардаги маърузаларни, суҳбатларни уюштира олиши билан;

-исрофгарчиликка, дабдабабозликка йўл қўймаган ҳолда урф-одатлар, анъаналар, маросимлар, тантанали шодиёналарни тартибли, чиройли ўтишини таъминлаши ва ҳоказо шу кабилар билан инсон эстетика тафаккурини шакллантиришда бирламчи маскан бўлиб ҳисобланади.

Шахс ҳаётига меҳнатнинг эстетик таъсирини кучайтиришда ишлаб чиқариш жараёнларига кўпроқ эстетика техникаси (дизайн)ни кенг равишда жорий қилиш керак бўлади.

Меҳнат шароитлари ва воситаларига эстетик мазмун бахш этиш омили шахсни эстетик камол топтириш билан бирга, шахснинг фойдали-амалий вазифаларни ҳам кенгроқ доирада бажаришга сафарбар қилади. Эстетик мазмун меҳнат унумдорлигини, самарадорлиги ва сифатини оширишнинг муҳим омилидир.

Шуни махсус таъкидлаш керакки, замонавий инсон тарбиясини эстетик жиҳатдан камол топтиришда ***оила*** қанчалик устувор омил бўлиб ҳисобланса, бу жараёнда ***табиат*** ҳам ундан кам аҳамият касб этмайди. Чунки табиат билан онгли тарзда муроса қилмаслик шахсни нафосатли жиҳатдан мукаммал бўлиб етишишига

монелик кўрсатади. Шунинг учун инсон ва табиат ўртасидаги муносабат инқироз ва ҳалокат ёқасига келиб қолган ҳозирги вақтда бу муаммони четлаб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлмайди.

Маълумки, инсон ўзининг маънавий ва моддий эҳтиёжларини қондириш мақсадида азалдан табиат билан ҳамкорлик қилиб келган. Табиатдаги гўзалликлардан баҳраманд бўлишлари баробарида уни нафосатли тарзда ўзлаштиришга, инчунун, мавжуд ҳунукликларни бартараф қилишга ҳаракат қилади. Бироқ, кейинги бир неча ўн йиллик жаҳон маамлакатларининг атроф муҳит соҳасидаги ҳаракатларини танқидий тахлил этиш даври бўлди. Саноатлаштириш инқилоби инсон билан табиат ўртасидаги муносабатни абадул-абад бузиб қўйганини инсоният тобора англаб бормоқда. XXI аср ўрталарига келиб инсон фаолияти ердаги яшаш имкониятларининг асосий шартларини бузиб юбориши хавфи яна ҳам аниқроқ намоён бўлмоқда. Бугунга келиб энг жиддий ўзгариш ер атмосферасида юз бераётганлиги барчамизга аён. Бу айниқса, карбонат ангидрид ва азот окиси сингари “парник” газларига тааллуқлидир… Бу холнинг инсониятга қандай таъсир кўрсатишини илгаридан айтиб бериш қийин, чунки глобал иқлим ғоятда мураккаб тизимдир. Масалан, юз минглаб йиллар барқарор бўлиб келган ва миллионлаб одамларнинг тақдирини хал этган шамоллар – йўналишини, ёғинлар миқдорини ўзгартириш мумкин. Балки ороллар ва паст қирғоқ ҳудудларида яшовчиларга ҳавф-ҳатар туғдириб денгизлардаги сувнинг сатҳи кўтарилиши мумкин. Аҳоли ҳаддан ташқари кўпайиб кетган ва борган сари кучлироқ тазйиқ сезаётган сайёрамизнинг аслида бусиз ҳам муаммолари бор, Ушбу қўшимча таъсирлар очлик ва бошқа ҳалокатларни келтириб чиқариши мумкинлиги эсдан чиқармаслик керак. Афсуски, аксарият холларда шахснинг табиат билан бўладиган муносабати эстетик жиҳатдан тўғри йўлга қўйилмаганлиги ҳамда унинг эстетик «нўноқлиги» боис улар ўртасида катта бўшлиқ юзага келди; бу бўшлиқ инсоният бошига мисли кўрилмаган талофотларни солиши мумкин. Ушбу муаммони бартараф этиш пировардида инсон эҳтиёжи учун зарур бўлган кўплаб табиий-моддий бойликларни тежаб қолишга, атроф-муҳит мусаффолигини таъминлашга, ўсимлик ва ҳайвонот оламини асраб қолишга ва энг асосийси инсон генофондининг йўқ бўлиб кетиш ҳавфининг олдини олади.

Табиат билан доимий муносабатда бўлмай туриб, эстетик жиҳатдан ривожланиш, эстетик тарбияни уюштириш мумкин эмас. Шахс онгида табиатнинг эстетик қадриятлари туйғусини шакллантириш инсон эстетик камолотининг ўзига хос заминидир. Ҳозирги экалогик инқироз ва ҳалоқат ҳавфи ортиб бораётган шароитда эстетик тарбиянинг бу қирраси тобора кўпроқ аҳамият касб этмоқда.

Эстетик тарбия омиллари қаторида маиший турмуш нарсалари, турар жой жихозлари, хоналар ва бошқалар жойлашуви, уларнинг ранглари, бўёқлари ва бошқа нарсалар муҳити алоҳида ўрин тутади.

Шахс камолотида эстетик тарбиянинг аҳамияти. Эстетик тарбия воситалари орасида санъат муҳим ўрин эгаллайди. Санъат воқеликка эстетик муносабатнинг энг муҳим шаклидир.

Санъатдан баҳраманд бўлиш, ундан лаззатланиш учун муайян даражада бадиий билимларга эга бўлмиш ҳам лозим. Санъатга интилиб яшаш, бадиий ижод маҳсулларини идрок этиш, завқ олиш қобилияти кўп жиҳатдан инсоннинг бадиий савиясига боғлиқ.

Замонавий инсонни эстетик жиҳатдан тарбиялашда санъатнинг муҳим восита сифатидаги ўрни шу билан белгиланадики, агар инсон ўзининг эстетик туйғуларини мақсадли, ижобий томонга йўналтира олган бўлса, бу унинг келажакдав буюк ишларни амалга оширишига кўмак беради. Бироқ, туйғулари хали шаклланиб

улгурмаган, эстетик диди рисоладагидек даражага кўтарилмаган одам мавжуд ҳаётий қийинчилик ва ташвишлар қаршисида ожизлик қилади ва натижада ёт ғоялар таъсирига тушиб қолади. Ана шундай салбий ҳолатларнинг пайдо бўлмаслиги учун ҳам санъат ўзини тобора инсонга яқинлаштириб боради. Чинакам санъат инсонни бу холатдан қутқаришга қодир бўлган эстетик тарби воситасидир. Шунингдек, шахснинг эстетик тарбиясини санъат воситасида амалга оширишнинг афзал томонини икки хусусият билан ифодалаш мумкин. ***Биринчидан,*** санъат ижтимоий англашнинг бошқа шаклларига қараганда инсонга бирмунча яқинроқ ҳамда тезроқ таъсир кўрсата олиш имконига эга. ***Иккинчидан,*** санъат инсонни эстетик жиҳатдан камолотга етказиш жараёнига муайян мафкуравий мазмун бағишлаши билан бирга инсон маънавий қадриятларини рўёбга чиқаришда яқиндан ёрдам кўрсатади.

Санъатнинг миллий ғояни мустаҳкамлаш ва сингдиришдаги аҳамияти шундаки, бадиий ижод нафақат ҳаёт ҳақиқатларини очиб беришга кўмаклашади, балки миллионлаб одамларни мазкур ҳақиқатдан ҳабардор қилади. Бу билан санъат инсонлар тафаккурида ҳар қандай бўшлиқнинг пайдо бўлишига йўл қўймайди. «Бугунги ҳаётимизнинг кечаги кунимиздан асосий фарқини топмоқчи бўлсак, — дея таъкидлаган эди И.А.Каримов, — бу аввало одамлар тафаккури ўзгариб, аниқроғи юксалиб бораётгани билан белгиланади.» Дарҳақиқат, замоннинг ўзгариши билан инсоннинг жамиятга, табиатга бўлган муносабати ҳам ўзгариб боради. Бу эса шубҳасиз, инсоннинг тафаккури билан боғлиқ жараёндир.

Спорт нафосатли тарбия воситаси сифатида замонавий инсонни камол топтиришда алоҳида эътиборга эга. Ҳозирда спортни ривожлантириш мамлакатимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бундан кўзланган асосий мақсад авлодни жисмонан бақувват, соғлом, ватаннинг жасур ҳимоячиси қилиб тарбиялашдир. Ҳозирда юртимизда спортни ривожлантиришга доир кўплаб дастурлар ишлаб чиқилган ва улар жамият муносабатларидан амалда иштирок қилмоқдалар. Кейинги кунларда Ўбекистон кўплаб спорт турлари бўйича жаҳон мусобақаларни уюштирувчи ва ўтказувчи мамлакат сифатида жаҳон ҳамжамиятида кўзга кўриниб бормоқда. Ана шуларнинг барчаси муайян маънода инсон нафосатли дунёқарашини, тафаккурини соғломлаштиришига қаратилган. Бир сўз билан айтганда, спорт эстетик тарбиянинг муҳим воситаси сифатида «Фарзандлари соғлом юртнинг келажаги порлоқ бўлади» деган мақсадни амалга оширишга муҳим ҳисса қўшади.

Эстетик тарбияда оила, мактаб, ўқув юртларининг ўзаро ҳамкорлиги ҳам яхши натижалар келтиради.

Эстетик тарбия ижтимоий фаол, ҳар томонлама ва ҳамоханг ривожланган шахсни, бошқача айтганда комил инсонни тарбиялаш мақсадига йўналтирилган.

Бугунги кунда миллий ғоя ва миллий мафкура ҳаётий эҳтиёж даражасига кўтарилди. Шундай экан, ҳар бир инсон жамиятда ўз ўрнини билиши, ўзини жамиятнинг ажралмас қисми деб ҳис қилиши лозим. Эндиликда мафкура дунёсида пайдо бўладиган бўшлиқ пировардида жамият, инсон ва мамлакат учун нақадар катта хавф солишини англамоқдамиз. Тарбиянинг эстетик шакли эса мазкур жараёнларда ёш авлодни гўзаллик ҳақидаги туйғуларини, табиатга бўлган муносабатини, бадиий адабиётга қизиқишини, жамият маънавий ривожидаги янгича қарашларни гўзаллик ва улуғворлик асосида тарбиялашдек долзарб вазифани амалга ошириши билан муҳим аҳамият касб этади.

Такорлаш учун саволлар

1. Меҳнат эстетик тарбиянинг энг муҳим омили.
2. Эстетик тарбия билан экалогик тарбиянинг ўзаро боғлиқлиги

3. Санъат ва ахлоқнинг бош мавзуси нима?
4. Санъат асарлари ахлоқийликдан ажралган бўлиши мумкинми?
5. Эстетик тарбиянинг омилларини аниқланг.
6. Эстетик тарбиянинг воситаларини аниқланг.
7. Эстетик тарбияда оммавий ахборот воситаларининг ўрни.
8. Санъат - эстетик тарбиянинг асосий омили сифатида
9. «Оммавий маданият» ҳодисасининг эстетик тарбияга салбий таъсири.

ЭСТЕТИКАНИНГ ЗАМОНАВИЙ МУАММОЛАРИ

Таянч тушунчалар: *техникани инсонийлаштириш, нарсалар олами, турмуш нафосати, маҳсулотнинг чиройлилиги, техника эстетикаси, буюмнинг эстетик сифатлари, эстетик қадриятлар.*

Илмий-техникавий тараққиётни инсонийлаштириш ва гўзаллаштиришнинг эстетик муаммолари. Маълумки, ***маҳсулотнинг гўзаллиги*** янги технологик жараёнларни вужудга келтириш орқали барқарорлашади. Аксинча, маҳсулотни ишлаб чиқариш эскирган технологиялар, эскича талаблар асосида олиб борилса, бундай маҳсулот ҳар қанча кўп куч сарфланмасин кишиларни ўзига жалб қила олмайди. Ишлаб чиқаришга янги технологияларни олиб кириш ўз навбатида, моддий буюмларда гўзалликни намоён қилиш имкониятларини кенгайтиради. Бироқ, мазкур жараён ўз-ўзича тайёр ҳолларда эмас, балки техникавий тафаккур салоҳияти орқали рўёбга чиқади. Шунинг учун кенгроқ олиб қарайдиган бўлсак, техника гўзаллиги ҳам фан гўзаллиги сингари билвосита ва бевосита мазкур жараённи амалга оширувчи асосий куч саналган мутахассисга боғлиқ бўлади.

Инсон ҳаёти, фаолияти нафақат табиий эҳтиёжларга, балки ўзи томонидан яратилган ***нарсалар оламига*** ҳам боғлиқ. Инсон ўзини қуршаб турган оламнинг қандай бўлишини кўп холларда ўзи белгилайди. Ана шу жараённинг асосида эса замонавий амалиётнинг муҳим кўриниши ҳисобланган нарсалар оламини бадиий лойиҳалаш масаласи ётади. Фан-техниканинг тараққий этиб бориши натижасида бадиий лойиҳалаш ҳам такомиллашиб боради. Дастлабки яратилган техника воситаларини кишилар гўзаллик оламига мутлақо бегона бўлган ҳодиса сифатида идрок этишган эди. Кейинчалик лойиҳачилар томонидан техникага нисбатан бадиий ёндашув натижасида у ўзининг аввалги дағал, қўпол, ноқулай кўринишини йўқотди. Эндиликда техника ўзининг бежиримлиги, қулайлиги, жозибаси билан инсонга яқинлаша бошлади.

«Агар инсон заминидан, ҳақиқий воқелигидан узилиб, ундан маҳрум бўлиб қолган бўлса, агар у энди ҳурматга сазовор бўлмай қолган бўлса,-ахир ниқоб ва қобиқлар ҳурмат ўйғотмайди, балки санамларни илоҳийлаштиришгагина кўмаклашади,-агар инсонлар ички борлиқ қаъридан менга нисбатан уларнинг мавжудлигининг руҳини яширин тутса, у ҳолда безовталик чорасизликка айланишини Къеркегор ва Ницше пайғамбарона сеза олган ва ҳозирги даврни ёркин талқин қилганлигини»- Ясперс яна таъкидлайди.

Инсоннинг ҳурматга бўлган эҳтиёжлари, том маънода муҳаббатининг қондирилишида рўй-рост намоён бўлади. Бунда оммавий ишлаб чиқариш шу қадар айбдорми? , меҳнат маҳсулотлари ва натижаларида муаллифлик қиёфасининг йўқолганлиги, сериялилик, оммавийлик, автоматлаштириш, работлаштириш ва компьютерлаштириш- инсоннинг инсонга, Ватанга ёки миллатга ҳурматининг йўқолиши ва ниҳоят шахснинг ўз-ўзига ҳурматининг йўқолишига сабаб бўлаяптими? Эҳтимол , йўқ.

Ясперснинг, инсон ўз ҳақиқий борлиғини ўйқотса, ҳурматни ва ўз-ўзини ҳурматни ҳам йўқотади деган мавқеига қўшилиш мумкин. Бироқ, фикримизча, гап техниканинг моҳияти ва маъносида ҳам эмас, балки инсон эҳтиёжлари ва унинг қай усулда қондирилишидадир. Ҳақиқий борлиқ, ҳақиқий эҳтиёжлар ва уларнинг ҳақиқий қондирилишидадир. Агар ҳақиқий эҳтиёж қондирилмаган бўлса, у ҳолда қондирилиши мумкин бўлмаган соҳта эҳтиёж тугилади. Айнан шу ҳолатни, афсуски, одатда инсон инсонга нисбатан муносабатида, техника ва санъатга, боринки, барча

борлиққа нисбатан бўлган муносабатда кузатиш мумкин. Сохта эҳтиёжлар сохта борлиқни ва айнан ана шулар инсоният азоб-уқубатларининг бош сабабидир. Тақдим қилинаётган позиция, Хайдеггер таъкидлаганидек **«техник бўлмаган»** асосларни тадқиқ этишнинг ўзагини ташкил этади. Техника мавжудлиги, мутлақ ҳақиқат сифатида, бизнинг фикримизча, бирқадар ошириб юборилган. Шундай қўрқув машинароботлар инсон устидан хукмронлик қилаётганлигини баён қилувчи кўпгина фантаст ёзувчилар асарларида ҳам ўз ифодасини топган. Машина кучли интеллектга эга бўлиши мумкин бироқ у инсонгагина хос бўлган ва уни инсон қилиб турган ҳис-туйғулар, фаразлар, руҳий олам каби турли-туман ҳислатлардан маҳрум.

Воқеликка эстетик муносабатнинг миллий ва умумбашарий аҳамияти. Инсон зоти дунёга келганидан бошлаб табиат ва жамият деб аталган ташқи муҳит билан муносабатга киришади, дастлаб бу муносаб онгланмаган, интуитив, биологик-генетик тарзда, кейинроқ эса англаб етилган, юксак даражадаги ижтимоий ҳодиса сифатида рўй беради. Уни, одатда, икки хил деб таърифлаш қабул қилинган:

Биринчиси – инсоннинг саломатлиги ва турмуш тарзини фаровонлаштиришга қаратилган зоҳирий-моддий мақсадга эришиш тамойилига асосланган утилитар-эмпирик манфаатдорлик.

Иккинчиси - ботиний-руҳий манфаатдорликни мақсадга мувофиқликни таъминлайдиган ҳиссий-маънавий муносабатлар. Мана шу иккинчи хил муносабатлар инсоннинг инсонлигини белгилайдиган ҳодисалар ҳисобланади. Улар ичида эстетик муносабат алоҳида аҳамиятга эга, чунки у нафақат биринчи хил муносабат турларидан юксак даражалиги билан фарқланади, балки ўзига хилдош бўлган ахлоқий ёки эътиқодий муносабатга нисбатан ҳам миқёсли ва қамровлидир.

Гап шундаки, эстетик муносабатдан бошқа барча муносабат турлари инсон «ақлини таниганидан сўнг», яъни гўдаклик давридан ўтгандан кейин воқе бўлади. Масалан, гўдак ҳали уят ҳиссини билмайди, унда ахлоқий муносабат ҳаттоки ибтидоий даражада ҳам шаклланмаган, хоҳлаган вақтида, тўғри келган жойда табиий эҳтиёжни қондиради. Лекин у бешикда ётар экан, тушиб турган ола-чаноқ қуёш нуридан қувонади, уни кузатади, у билан ўйнагиси келади ёки бешикка осиғлиқ рангли ўйинчоқдан завқланади, ғадир-будир, шаклан қўпол нарсаларни эмас, майин духобани ёки шунга ўхшаш юмшоқ, силлиқ нарсаларни хуш кўради, уларни сийпалаб завқланади. Буларнинг бари эстетик муносабатнинг инсоний моҳият намоён бўлувчи ҳодиса сифатида ибтидодан мавжуд эканини кўрсатади. Шунингдек, қараб, умрининг қолганини кўпроқ тўшакда ўтказаётган киши жисман заифлиги туфайли ташқи муҳит билан утилитар-эмпирик муносабатини давом эттира олмаслиги мумкин, лекисн у бадиий адабиёт ўқиб, телетомоша кўриб, мусиқа эшитиб завқланади, яъни ташқи дунёга эстетик муносабатда бўла билади: инсон моддий бойлик яратишдан маҳрум бўлган пайтда ҳам эстетик муносабат туфайли, то ўлгунча ўз маънавиятини бойитиш имконини йўқотмайди. Эстетик муносабатнинг қамровлиги, бир умрли маънавий ҳодиса сифатидаги аҳамияти ана шунда.

Эстетик қадриятларнинг маънавий-рухий таъсири**.** Бир ёки бир неча эстетик хусусиятни ўзида жам қилган қадриятни биз ***эстетик қадрият*** деймиз. Эстетик қадриятлар инсон ва жамият ҳаётида муҳим ўрин эгаллайди. Гўзаллик, улуғворлик, Регистон меъморлик мажмуи, «Шашмақом», Навоийнинг «Хамса»си, Рафаэлнинг ранг тасвири, Шекспир асарлари—булар ҳаммаси эстетик қадриятлардир. Биз улар ҳақида фикр юритар эканмиз, одатда «бебаҳо» деган сўзни ишлатамиз, бу билан биз уларнинг қадри ниҳоятда баландлигини, оддий-кундалик баҳолаш мезонларидан юксак туришини таъкидлаймиз. Эстетик қадриятлар соф маънавийлик, яъни ителлектуал—ҳиссий жиҳати билан бирга, маънавийлик ва моддийликнинг омухтаси

сифатида намоён бўлади. Масалан, гўзаллик, улуғворлик сингари соф маънавийлик хусусиятига эга мавҳум ҳодисаларни маънавий эстетик қадриятлар десак, конкрет эстетик объект бўлмиш Регистон меъморий мажмуини моддий эстетик қадриятлар сирасига киритишимиз мумкин. Улардаги моддийликнинг эстетик хусусияти маънавийликни намоён этиши билан белгиланади.

Оламни эстетик англашда жамият ахборотлашувининг роли.Тизимий эстетик дид предмет ёки ҳодисанинг эстетик сифатларига: қабуллов, баҳолаш ва яратувчанликка асосланган, қайсики улар эстетик имконият ёки реал идеал тўғрисидаги ички тасаввурлар билан таққосланади, бу эса, М.Хайдеггер таъкидлаганидек, яна бир «техникадан ташқари» асоснома ҳисобланади.

Шу муносабат билан буюк немис маърифатпарвари ва педагоги Иожанн Гербарт: «Мен учун бирорта ҳам инсоний кучни ҳаракатсизлантириш керак эмас: ахлоқий қонуннинг ҳукмронлигида ва ҳимоясида муваффақият билан ривожланиши лозимлиги ҳал этувчи тамойил ҳисобланади. Демак, эстетик ҳис-туйғу (дид-Gesehmacr) овқат ва таълим... Гўзалликка таъсирчанлик кишиларни бахтли қилади»[2] деб ёзган эди у. Тамойилсиз тажрибанинг бирорта ҳам соҳаси ҳеч бўлмаганда, тарбиянинг фалсафий асосланишларисиз тахмин ҳам тугалланган ҳисобланмайди, тарбия масалалари ўзининг кундалик амалиётида агарда муайян фалсафий тизимга тақалмагунича, уфқ томон торайиб боради,-деб таъкидлаган эди у.

Кўпгина ғарб файласуфлари техникани инсонийлаштиришнинг заҳирасини техник тараққиётининг ўзини кенг кўламда ёйишда, деб биладилар. Улар шунга аминларки, маданий янгиликларнинг жорий қилиниши оқими бу жараённинг ички қарама-қаршиликлар ва зиддиятларини бартараф этади ва инсоннинг дунё билан уйғунлигини таъминлайди. Ижтимоий тараққиётга ҳар томонлама таъсир кўрсатадиган техник омухталик ғояси, ғарб фалсафаси ва социологиясида аллақачон эътироф этилган. Д.Белл., Дж.Грант., О.Тоффлер ва бошқалар бу концепциянинг ёрқин намоёндалари ҳисобланадилар.

Д.Белл ахборот ва билимларни ташкил этиш ва қайта ишлашда компьютер марказий ўринни эгаллайдиган поиндустриал жамиятнинг бунёд бўлиши билан бир вақтда қарор топадиган телекоммуникацияларга асосланган янги социал укладнинг ҳаддан зиёд аҳамиятига эътиборни қаратади. У телекоммуникацион инқилобга асосланган, постиндустриал жамиятнинг уч жиҳатини таклиф этади : индустриал жамиятдан сервис хизмати кўрсатадиган жамиятга; техник янгиликларни амалга ошириш учун кодлаштирилган назарий билимларнинг ҳал қилувчи аҳамияти; янги «интеллектуал технологиялар»ни тизимли анализ (таҳлил) қилиш ва қарор қабул қилиш назарияларининг таянч ускунасига айлантириш.

Дж.Грант эса, аксинча, замонавий технологияни инсонпарвар фалсафа ва маданиятга нисбатан чақирув сифатида қарайди. «Одамлар ихтиро қилган ва инсон назоратида бўлган технологияни **«ҳеч кимники»** бўлмаган аслаҳа сифатида тасаввур қилсак, биз ўз-ўзидан амалга ошиши лозим бўлган», фақат «оқиллик»ка мансуб бўлган, биз тавсифлашга ҳаракат қилаётган технология сифатида ифодалаймиз. У дунё ва ўзимиз ҳақимиздаги фикрлар технологияга сингиб кетганлигини унутишга бизни чорлайди. Технологияларнинг кириб келиши нима яхши-ю, нима ёмон, оқиллик ва нодонликни, одиллик ва адолатсизликни, рационаллик ва иррационалликни, гўзаллик ва хунукликни қандай тушуниш лозимлиги ҳақидаги бизнинг аввалги тасаввурларимизни ўзгартиришни талаб қилди».[3]

[2] Гербарт И. Из отчета фон-Штейгеру.Пер.с.ыем. В кн.Хрестоматия по истории педагогика. Т.2.2.1.

О.Тоффлер тарихга тўлқинсимон ҳаракат сифатида қарар экан, келажак дунёнинг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилар экан, унинг фикрича, электроника ва ЭҲМ, космик саноат, океан қаъридан фойдаланиш ва биоиндустрия шу дунёнинг иқтисодий ўзагини ташкил этишини таъкидлайди. Шунинг ўзи аграр («биринчи тўлқин») ва саноат инқилоби («иккинчи тўлқин») ни якунлайди. О.Тоффлер фикрича, техника ўз имкониятларини тобора кенгайтирар экан, инсониятга фақат эксперимент қилишга эмас, балки «тўлқинларни» оралатиб ўтишга ҳам имкон беради. У талайгина қарама-қаршиликлар, социал зиддиятларни туғдирди, балки қарор топган номувофиқликни бартараф эта олиш ҳам унга мансуб. Шу билан бирга, техника барча кўнгилсизликлардан қутқарувчи ҳалоскор сифатидагина эмас, балки ижтимоий янгиликларнинг, маданий бунёдкорликларнинг ягона импульси сифатида намоён бўлади. Ижтимоий тузилишга келсак, ижтимоий ҳаётнинг янада рационал эҳтиёжлари томонидан амр этилганда, у гоҳ кетади ва қайтади.

Такорлаш учун саволлар

1. Илмий техникавий тараққиёт ва дизайн.
2. Техникада гўзалликни намоён этиши.
3. Замонавий ишлаб чиқариш технологияларида дизайннинг ўрни.
4. Нарсалар оламининг эстетик жиҳатлари.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси конунлари

1. Ўзбекиетон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2011.
2. Давлат тили ҳакида (яиги таҳрири). Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. – Т.: Ўзбекистон, 1997. - 22 б.
3. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. – Т.: Шарқ, 1997. - 63 б.
4. Таълим тўгрисида.Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. – Т.: Ўзбекистон, 1989. -306 б.
5. Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси 607-И-сон Конуни. 30.04.1998.
6. «Одам савдосига карши курашиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг ЎРК-154-сонли Конуни.17.04.2008.
7. «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Конуни. 03.01.2007.

II.Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси карорлари

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Карори «Баркамол авлод йили» давлат дастури тўғрисида». Халқ сўзи газетаси. № 19. 28 январ 2010 йил.
9. «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Қарор. 25 август 2006 йил.
10. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таьлими вазирлигининг «Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш тўғрисида»ги 118-сонли қарори. 23 апрель 2009 йил.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустакиллигининг йигирма йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Н- ПК-1516 – сонли қарори. 6 апрель 2013 йил.

III. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

12. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997. -326 б.
13. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. – Т.: Ўзбекистон, 1996. -236 б.
14. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2. – Т.: Ўзбекистон, 1996. -380 б.
15. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. – Т.: Ўзбекистон, 1996. - 385 б.
16. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Т.4. – Т.: Ўзбекистон, 1996. - 351 б.
17. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. Т.5. – Т.: Ўзбекистон, 1997. -412 б.
18. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. – Т.: Ўзбекистон, 1998. -429 б.
19. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Т.7. – Т.: Ўзбекистон, 1999. -476 б.
20. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.8. – Т.: Ўзбекистон, 2000. -528 б.
21. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.9. – Т.: Ўзбекистон, 2001. -432 б.
22. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. – Т.: Ўзбекистон, 2002. -432 б.
23. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. – Т.: Ўзбекистон, 2003. -320 б.

24. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т.12. – Т.: Ўзбекистон, 2004. -194 б.

25. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. – Т.: Ўзбекистон, 2006. -439 б.

26. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилишдир. – Т.: Ўзбекистон, 2005. -134 б.

27. Каримов. И.А. Инсон унинг ҳуқуқлари ва эркинликлари олий қадрият. Т.14. – Т.: Ўзбекистон, 2006 -278 б.

28. Каримов. И.А. Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш – барча демократик янгиланиш ва иқтисодий ислоҳотларимизнинг пировард мақсадидир. – Т.: Ўзбекистон, 2007. -200 б.

29. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чукурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимиз ҳаёт даражасини ошириш - барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Т.15. – Т.: Ўзбекистон, 2007.-318 б.

30. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. 16-жилд. – Т.: Ўзбекистон. 2008. -366 б.

31. Каримов. И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. -176 б.

32. Каримов И. А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. – Т.: Ўзбекистон, 2009. -24 б.

33. Каримов И.А. Ватанимизнинг боскичма-боскич ва баркарор ривожланишини гаъминлаш – бизнинг олий максадимиз. Т.17. – Т.: Ўзбекистон, 2009. -280 б.

34. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шаротида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. - 56 б.

35. Каримов И.А. Жахон инкирозининг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтарилиш сари. Т.18. – Т.: Ўзбекистон, 2010. -280 б.

36. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш. – Т.: Ўзбекистон, 2010.

37. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи газетаси. № 19. 28 январь 2010 йил.

38. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепсияси. – Т.: Ўзбекистон, 2010. -56 б.

39. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: Ўзбекистон, 2011. -370 б.

40. Каримов И.А. «Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат килади». 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий – иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2013 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маьруза. 21январь 2013 йил.

41. Каримов И.А. «Амалга оширилаётган ислоҳотларимизни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини қуриш – ёруғ келажагимизнинг асосий омилидир». Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллиги бағишланган тантанали маросимидаги маърузаси 7 декабрь 2013 йил.

42. Амалга оширилаётган ислоҳотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини қуриш – ёруғ келажагимизнинг асосий омилидир. Президент И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллиги бағишланган тантанали маросимидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув-услубий қўлланма. – Т.: 2014.

43. Каримов И.А. «2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислоҳотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.

44. Президент И.А.Каримовнинг «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори. 6 февраль 2014.

45. Президент И.А.Каримовнинг «Соғлом бола йили» давлат дастури тўғрисида»ги Қарори. 19 февраль 2014.

46. Президент И.А.Каримовнинг «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқи. 16 май 2014.

47. Президент Ислом Каримовнинг «Ўтганларни хотирлаш, кексаларни эъзозлаш – бизнинг фарзандлик бурчимиздир» мавзусидаги оммавий ахборот воситалари ходимларига берилган интервьюси. 9 май 2015.

IV. Дарсликлар ва ўқув қўлланмалар рўйхати

48. Фалсафа: ўқув кўлланма /Юсупов Э.Ю. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети. – Т.: Шарқ, 1999. -495 б.

49. Фалсафа асослари: ўқув дастурлари, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини қайта кўриб чиқиш ва янгиларини яратиш бўйича Республика мувофиқлаштириш комиссияси тавсия этган /Такр.: Б.Туйчиев, А.Муминов Муҳаррир: К.Буронов; ЎзФА фалсафа ва ҳуқуқ институти Ўзбекистон Файласуфлари миллий жамияти. – Т.: Ўзбекистон, 2005. -384 б.

50. Саифназаров И. Философия: курс лекций: Учебное пособие для высших учебных заведений/ Рец.: О.Файзиев, У.Керимов. – Т.: Шарқ, 2002. -256 б.

51. Choriyev A. Inson falsafasi: Inson to'g'risidagi falsafiy fikrlar taraqqiyoti : (Birinchi kitob) /Taqr.: O.E. Ergashev; O'zbekiston faylasuflari Milliy jamiyati. O'zbekiston Fanlar akademiyasi I.M.Mo'minov nomidagi falsafa va huquq instituti, 2007. - 416 б.

52. Янги ва энг янги давр Ғарбий Европа фалсафаси: Олий ўқув юртлари фалсафа ва ижтимоий-сиёсий фанлар факультетлари талабалари учун ўқув қўлланма / Масъул мухаррир: А. Бегматов; Илмий муҳаррир Р. Носиров. – Т.: Шарк, 2002. -336 б.

53. Скирбекк Г. Фалсафа тарихи = The History of Philosophy: Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ўқув юртлари учун ўқув қўлланма сифатида тавсия қилинган/Тарж.: Кузнецов В. – Т.: Шарқ, 2002. -720 б.

54. Файзуллаев, Сост. И. Каримов. – Т.: Фан, 2005. -54 б.

55. Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи: Биринчи китоб/ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши академияси. – Т.: Ёзувчи, 1996. -272 б.

56. Ўзбекистонда ижтимоий - фалсафий фикрлар тарихидан лавҳалар : Олий укув юртлари талабалари учун укув қўлланма/ Тузувчилар: М Хайруллаев, Х.Аликулов. – Т.: Ўзбекистон, 1995. -240 б.

57. Falsafa:darslik/M.A.Ahmedova; Ред. Q.Qayumov;O'zbekiston Respublikasi oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi. – T.: O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti, 2006. -496 б.

58. Falsafa:o'quv qo'llanma to'ldirilgan 2-nashri / Taqr.: B. Aliyev, I. Saifnazarov; O'zbekiston Respublikasi oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi. – T.: O`QITUVCHI NMIU, 2005. -303 б.

59. Голованова В.Г. Курс лекций по «Основам философии». – Т.: Ташкент, 1999. -112 с.

60. Жахон фалсафаси тарихидан (тажрибавий матн) 1 китоб / Масъул мухаррир: М.Баратов; ЎзР ФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти. – Т.: Файласуфлар миллий жамияти нашриёти, 2004. -472 б.

61. Маънавий-ахлоқий кадриятлар ва уларнинг ёшлар тарбиясидаги ўрни: (Илмий маколалар туплами)/ Масъул мухаррир: Х.Аликулов Такр.:Х.Шайхова, М.Холматова; – Т.: ТАҚИ, 2004. -139 б.

62. Назаров Қ. Фалсафа: қомусий луғат. – Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти, Шарқ, 2004. - 496 б.

63. Назаров Қ. Аксиология – қадриятлар фалсафаси. –Т.: ЎФМЖ, 2004.

64. Назаров Қ. Билиш фалсафаси. – Т.: Университет, 2005.

65. Назаров Қ. Ғоялар фалсафаси . – Т.: Академия, 2011.

66. Тўйчиев Б.Т. Социальная философия. Альбом схема. – Т., 2009.

67. Умаров Э. Эстетика. – Т., 2004.

68. Фалсафа. Назаров Қ таҳрири остида. – Т.: Шарқ, 2005.

69. Falsafa. Mamashokirov S. Tahriri ostida. – T.: Sharq, 2005.

70. Falsafa. Ахмедова М. таҳрири остида. – Т.: УФМЖ, 2006.

71. Хайитов Ш., Хайитова К., Зияутдинова Х. Фалсафа. Альбом схема. – Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2009.

72. Шарипов М., Файзихўжаева Д. Мантиқ. Маърузалар матни. – Т., 2000. – Б.71-110.

73. Шарипов М., Файзихўжаева Д. Мантиқ. Ўқув қўлланма. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи, 2004. -216 б.

74. Sher A. Axloqshunoslik. – T .: O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati, 2010. -328 b.

75. Sher A. Estetika(nafosat falsafasi) darslik. – T .: O'zbekiston, 2013. -368 b.

76. Шермуҳамедов С. Фалсафа ва ижтимоий тараққиёт /Ред. О. Шермухамедова Н. Фалсафа ва фан методологияси.– Т.: Университет, 2005.

77. Shermuxamedova N. Falsafa va fan metodologiyasi – T.: Axborot texnologiyalari, 2008.

78. Шермухамедова Н.А. Гносеология – билиш фалсафаси. – Т.: Ношир, 2011.

79. Қадимги ва ўрта асрлар Ғарбий Европа фалсафаси. – Т.: Шарқ, 2003. -720 б.

80. Қудратова У. Мантиқ фани бўйича ўқув-услубий мажмуа. Т., ТДИУ,2006. – Б. 40-61.

81. Эмирова Е., Стрельцова А. Введение в философию. – Т.: Университет, 2008.

V. Қўшимча адабиётлар

1. Абдулла Шер. Диний-бадиий асарнинг эстетик моҳияти. – Тошкент: Гулистон, 2001. №5.

2. Абдуллаева Н. Дизайн – эстетик онг маҳсули. – Тошкент: Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2010. №18.

3. Абдуллаханова Г., Расулов Х. Электронное учебное пособие по курсу: «Эстетика». – Т.: Информационно технологический центр, 2010.
4. Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. – Т.: Ўқитувчи, 1992. -160 б.
5. Алимардонов Т.Сиёсат ва ахлоқ мувозанати. – Т.: Янги аср авлоди, 2011. -512 б.
6. Алимардонов Т. Эркинлик руҳи. – Т.: Нишон-Ношир, 2014. -240 б.
7. Алимасов В. Фалсафа ёхуд фикрлаш санъати. – Т.: Ношир, 2008. -256 б.
8. Анбар отин. Қаролар фалсафаси . –Т.: Ғ.Ғулом ном. Адабиёт ва санъат нашриёти, 1970.
9. Афлотун. Қонунлар. –Т.: Янги аср авлоди, 2008. -452 б.
10. Аъзамхўжаев С. Туркистон мухторияти: миллий демократик давлатчилик қурилиш тажрибаси. – Т.: Маънавият, 2000. -168 б.
11. Байназарова А. Ислом фалсафасида диний ва дунёвий илмлар уйғунлиги масаласи: фал.фан.номзоди... дис. – Т.: ТИУ, 2009. -169 б.
12. Байназарова А. Фалсафий ва ижтимоий сиёсий фанларни ўқитишда анъанавий ва ноанъанавий усуллар уйғунлиги: услубий қўлланма. – Т., 2013. -68 б.
13. Бағрикенглик – барқарорлик ва тараққиёт омили / Масъул муҳаррир: А.Очилдиев. – Т.: Тошкент ислом университети, 2007. -124 б.
14. Беҳбудий М. Танланган асарлар. – Т.: Маънавият, 1999. -282 б.
15. Бычков. Эстетика. – М.: ГАРДАРИКИ, 2006.
16. Гегель Г. Эстетика в 4-томах. М., 1968-1973.
17. Диний мутаассиблик: моҳият, мақсадлар ва олдини олиш йўллари /А.Ҳасанов ва бошқ. – Т.: Movarounnahr, 2013. -160 б.
18. Диншунослик асослари. Ўқув қўлланма. – Т.: Тошкент ислом университети, 2013. -154 б.
19. Жумабоев Й. Ўзбекистонда фалсафа ва ахлоқий фикрлар тараққиёти тарихидан. – Т.: Ўқитувчи, 1997. -184 б.
20. Ильин Н.М. Эстетика товаров. Учебное пособие. – М. : ИНФРАМ, 2002.
21. Йўлдошев С. Аристотел. – Т.: Ўқитувчи, 1998. -32 б.
22. Йўлдошев С. Афлотун. – Т.: Ўқитувчи, 1997. -42 б.
23. Каримов Т. Дунёвийлик фалсафаси // Дунёвийлик фалсафаси: Мақолалар тўплами. – Тошкент: Тошкент давлат иқтисодиёт университети, 2007. – Б. 5–29.
24. Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. – Т.: Ёзувчи, 1996. -271 б.
25. Малик Т. Одамийлик мулки – «ҳусни хулқ» (ахлоқ китоби). – Т.: Шарқ, 2013. -936 б.
26. Миллий ва маънавий қадриятларнинг юксалишида аёлларнинг ўрни. /Тўплам. – Т.: Тошкент исломуниверситети, 2015. -232 б.
27. Нитше. Зардўшт таваллоси. –Т.: Янги аср авлоди, 2007. -348 б.
28. «Ойина» (1914 – 1915) / Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси. – Т.: Академия, 2001. -112 б.
29. Рашидова М. Ахлоқшунослик, Нафосатшунослик, Мантиқ фанларидан амалий машғулотларни бажарилиши бўйича услубий қўлланма. – Т.: ТАҚИ, 2013. -44 б.
30. Рашидова М.К. Единство художественного и технического в эстетике быта. Диссертация. Канд.филос.наук. -Т.: 2007
31. Тоҳир Карим. Миллий тафаккур тараққиётида: фалсафий мақолалар. – Т.: Чўлпон, 2003.
32. Тулепов А. Ислом ва ақидапараст оқимлар. Тўлдирилган нашр/_мас.муҳаррир А.Мансур. – Т.: Шарқ, 2014. -536 б.
33. Тўйчиева Ҳ. Шахс ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий таълим. Монография. – Т.: Muharrir, 2010. -128 б.

34. Фитрат А. Танланган асарлар. Ж.1. – Т.: Маънавият, 2000. -256 б.
35. Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шаҳри. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. -223 б.
36. Хасанов А. Лекции по истории раннего ислама. Учебно-методическое пособие. – Т.: Тошкент ислом университети, 2014. -326 с.
37. Цицерон. Нотиқлик санъати ҳақида икки рисола. –Т.: Янги аср авлоди, 2007. -444 б.
38. Шопенгауэр А. Севги илоҳиёти. – Тошкент: Жаҳон адабиёти журнали, 2008. №5.
39. Қаҳҳорова Ш. Глобал маънавият – глобаллашувнинг ғоявий асоси. – Т.: Тафаккур, 2009. -448 б.
40. Қодиров М. Марказий Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқнинг фалсафий тафаккури (ўрта асрлар). – Т.: ТошДШИ, 2010. -212 б.
41. Қозоқов О. Тасвирий санъат оқимлари. – Т.: Шарқ, 2008.
42. Қосимов Б. Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик. – Т.: Маънавият, 2002. -400 б.
43. Қуръони карим: маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва тафсир муаллифи: А. Мансур. – Т.: Тошкент ислом университети, 2009.
44. Ғаззолий Абу Ҳомид. Иҳйау улумид дин. – Т.: Мавороуннаҳр, 2003. -232 б.
45. Ҳусанов Б. Гўзаллик нимадир. – Тошкент: Тафаккур, 2008. №1.
46. Юнусов А. Оила – мустаҳкам қўрғон. – Т.: Тошкент ислом университети, 2014. -154 б.
47. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. – Т.: Академнашр, 2015. -544б.

VI. Электрон таълим ресурслари

1. www.philosophy.ru.
2. http//www.intencia.ru.
3. http://www.anthropology.ru
4. http://www.ido.rudn.ru.
5. http://www.filosofia.ru.
6. http://www.falsafa.dc.uz.
7. http://www.phenomen.ru.
8. http://www.lib.ru/FILOSOF.
9. http://www.filam.ru/sait.phg.
10. www. Ziyo net.uz